THE ACTUAL PROBLEMS OF FILOLOGY

MATERIALS
of the international scientific conference



THE ACTUAL PROBLEMS OF FILOLOGY

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТИЛШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

КАФЕДРА ЯЗЫКОЗНАНИЯ

MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALIZED EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

FERGHANA STATE UNIVERSITY

CHAIR OF LINGUSTICS

Фарғона давлат университети доценти,
ф. ф. н. Ходжалиев Исмоил Толиповичнинг
60йиллик юбилейи муносабати билан ўтказилган

«ФИЛОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ»
МАВЗУСИДАГИ
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ИНТЕРНЕТ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ

I

ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

М А Т Е Р И А Л Ы
международной научной
интернет конференции
“АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ФИЛОЛОГИИ”
Фергана – 29 апреля 2020 года

M A T E R I A L S
of the international scientific
internet conference
“THE ACTUAL PROBLEMS OF FILOLOGY”
Ferghana city, April 29, 2020

ФАРҒОНА – 2020 йил 29 апрель

УЎК/УДК/UDC: 811.161.1

КБК/ББК/LBC: 84 (5Ў)

Ташкилий қўмита/ Организационный комитет/ Organization committee
R.X.Maksudov, A.A.Urinov, Z.A.Rahimov, E.I.Ibragimova, Q.S.Halilov

Масъул муҳаррир/ Отвественный редактор/ Executiva Editor
Sh.M.Iskandarova

Таҳрир ҳайъати/ Редакционная коллегия/ Editorial board
S.M.Amiraliyev (Kirgizstan), A.Berdaliev (Tadjikistan), M.Islamova (Kazakstan), A.Mamajonov, E.Ibragimova, M.Zokirov, G.Roziqova, N.Umarova, H.Dusmatov, S.G‘ofurova, G.Abduvahobov, E.Urinboeva (Uzbekistan)

“Филологиянинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий интернет конференция материаллари. – Илмий нашр. – Фарғона: ФарДУ, 2020 – 403 бет.

“Актуальные проблемы филологии” материалы международной научной-практической интернет конференции. – Научное издание. – Фергана: ФГУ, 2020. – 403 стр.

“The actual problems of filology” materials of the international scientific internet conference. – Scientific publication. – Ferghana: FSU, 2020. – 403 p.

ТАСВИР НУТҚ ТИПИНИНГ МОҲИР ТАДҚИҚОТЧИСИ

Фарғона давлат университети тилшунослик кафедраси доценти, истеъдодли олим, ўзбек тили стилистикасининг таниқли вакилларидан бири Исмоилжон Тожибоевич Ҳожалиев қутлуғ 60 ёшга тўлди.

И.Ҳожалиев 1960 йил 29 апрелда Тошлоқ туманида туғилган. 1977 йил Тошлоқ туманидаги 4-ўрта мактабни, 1981 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Фарғона педагогика институти (ҳозирги Фарғона давлат университети)нинг ўзбек тили ва адабиёти факультетини имтиёзли тамомлаган.

Ўз меҳнат фаолиятини 1981 йилдан Тошлоқ туманидаги 34-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1982-1989 йилларда Ёзёвон туманидаги 34-ўрта мактаб директори, 1989-1991 йилларда Ёзёвон тумани Янгиобод қишлоқ Кенгаши раиси вазифаларида ишлаган.

Исмоилжон Ҳожалиев 1991 йилдан ҳозирга қадар қарийб 30 йилдан буён ўз меҳнат фаолиятини Фарғона давлат университети билан боғлаган. 1991-1993 йилларда Фарғона давлат университети умумий тилшунослик кафедраси ўқитувчиси, 1994-1999 йилларда ўзбек тилшунослиги кафедраси катта ўқитувчиси, 1999-2002 йилларда ўзбек тилшунослиги кафедраси докторанти, 2003-2006 йилларда “ФарДУ. Илмий хабарлар – Научный вестник. ФГУ” журналида масъул муҳаррир, 2005-2006 йилларда филология факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари, 2006-2010 махсус сиртқи бўлим бошлиғи, педагогика факультети декани, 2010-2014 йилларда филология факультети декани, 2014-2015 йилларда чет тиллари факультети декани, 2015-2017 йилларда бошланғич таълим услубиёти кафедраси мудири лавозимларида ишлаган. Ҳозирда тилшунослик кафедраси доценти лавозимида ишлаб келмоқда.

И.Т.Ҳожалиев филология фанлари доктори, профессор М.Мукаррамов раҳбарлигида “Тасвир нутқ типининг лингвистик хусусиятлари” мавзусидаги номзодлик диссертациясини 1998 йил 25 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Тилшунослик институти ҳузуридаги ДК 015.31.01 рақамли докторлик илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимояси бўйича ихтисослашган илмий Кенгашда 10.02.02– Миллий тиллар (ўзбек тили) ихтисослиги бўйича муваффақиятли ҳимоя қилган.

Маълумки, жаҳон тилшунослигида нутқ типларининг матн бирликлари сифатида тадқиқ этилиши натижасида функционал-мазмуний нутқ типларининг модал аспекти, типологик жиҳатлари, монологик ва диологик нутқнинг умумий ва хусусий белгилари масаласи ўтган асрнинг 90-йилларигача қадар монографик тарзда тадқиқ этилмаган эди. Буни чуқур англаган зукко тадқиқотчи номзодлик

диссертацияси олдига ўзбек тили материаллари асосида функционал-мазмуний нутқ типларини ажратиш, тасвир нутқ типининг ўзига хос белгиларини аниқлаш, тасвир нутқи типининг турларини кўрсатиш, унинг турли нутқ услубларидаги кўринишларини атрофлича тадқиқ этиш, айни вақтда, унда модал муносабатни очиб бериш мақсадини қўяди. Шу асосда тадқиқотчи функционал-мазмуний нутқ типлари мақомини белгилаш ва уларнинг тасниф асосларини аниқлаш; нутқ типларини фарқли ва умумий белгиларини кўрсатиш; тасвир турларини ажратиш ва уларнинг лингвистик белгисини ёритиш; тасвир нутқ типининг функционал услублардаги кўринишларини текшириш асосида нутқ типлари ва нутқ услублари ўртасидаги муносабатни кўрсатиш, тасвир нутқ типининг модал хусусиятларини ёритиш сингари вазифаларни етарлича уддалайди.

Етук олим илмий ишларининг асосий натижаларини илмий мақолалар, тезислар ва услубий қўлланмалар кўринишида чоп эттирган. И.Т.Ҳожалиев “Тасвир нутқининг лингвистик хусусиятлари” номли монография, 3 та ўқув-услубий қўлланма, 100 га яқин мақола ва тезислар муаллифи.

Тилшуносликда 70-йиллардан бошлаб тасвир, ривоя, муҳокама янги терминологик маънода талқин этила бошланди. Айниқса, функционал-мазмуний нутқ типларини ўрганишга қизиқиш кучайди. Натижада нутқ типологиясига фақат нутқ услублари ва тилнинг экстралингвистик белгилари билан боғлиқ соҳа сифатидагина эмас, балки сўзловчининг мақсади асосида, нутқ объектининг таъсири натижасида шаклланган, маълум бир қолипларда такрорланувчи типик ҳодиса деб қарала бошланди. Шу орқали нутқни функционал-семантик томондан тадқиқ қилишга эътибор кучайди. Нутқ типологиясига нисбатан қизиқишнинг кучайиши билан “тасвир”, “ривоя”, “муҳокама” сўзларининг таркибида соф лингвистик атамалик белгиси юзага кела бошлади. Шунинг учун кейинги вақтларда “тасвир” атамасини бошқа лингвистик атамалардан фарқини аниқлаш лозим бўлиб қолди. Бу эса “тасвир”, “ривоя”, “муҳокама” атамалари англатган тушунчанинг умумий ва фарқли томонларини кўрсатиш заруриятини юзага чиқаради.

Ана шу эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, ўз монографиясида олим нутқ типлари лингвистик тадқиқот объекти сифатида ёндашиб, тасвир нутқи, унинг турлари, жумладан, пейзаж, портрет, ҳолат, характер тасвири, ички ва ташқи тасвир сингари муаммоларни изчил ёритади. Тасвир нутқининг функционал-услубий кўринишлари ва модал аспекти хусусида фикр юритар экан, сўзлашув, расмий, илмий, бадиий ҳамда публицистик услубда тасвир масалаларига кенг тўхталади. Гап ва матн модаллиги ўртасидаги ўзига хослик орқали тасвир нутқ типининг модал аспектини илмий асослаб беради.

И.Ҳожалиев ўз изланишларини таълим жараёнига ҳам татбиқ этиб келмоқда. У мактаб ўқитувчилари учун “Она тили”дан услубий қўлланма муаллифларидан бири (Ona tili: 7-sinf: O’qituvchilar uchun uslubiy qo’llanma, “Ma‘naviyat” nashriyoti. Toshkent. 2005; Ona tili: 7-sinf, O’qituvchilar uchun metodik qo’llanma, “Tafakkur” nashriyoti. Toshkent. 2011). Олимнинг илмий-тадқиқот ишларидан олинган натижалар асосида тайёрланган ўқув-услубий қўлланмалари педагогик амалиётда кенг қўлланилмоқда.

Моҳир педагог ўз изланишларини ўқув жараёнига боғлаган ҳолда, замонавий техник воситалардан самарали фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб боради. Жамоада ва талабалар орасида катта обрў-эътибор қозонган.

И.Т.Ҳожалиев республика ҳамда университет миқёсида ўтказиб келинаётган илмий-амалий анжуманларда фаол қатнашади. Фидойи, ташкилотчи педагог томонидан вилоят, университет, факультет миқёсида маънавий-маърифий соҳанинг асосий устувор йўналишлари бўйича ўнлаб тадбирлар ташкилланган, у оммавий-ахборот воситаларида, жумладан, Фарғона телевидениеси кўрсатувлари ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши ва унинг аҳамияти ҳақида интервьюлар берган ва фаол чиқишлар қилган.

Олим республика илмий ҳаётида фаол иштирок этади. Ҳозирда Фарғона давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли илмий Кенгаш котиби вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

Биз зукко тилшунос, фидойи ва камтарин инсон Исмоилжон Тожибоевич Ҳожалиевни 60 ёши билан самимий қутлаб, унга мустаҳкам саломатлик, узоқ ва мазмунли умр, илмий-таълимий соҳадаги фаолиятида улкан зафарлар тилаймиз.

Алижон МАМАЖОНОВ
филология фанлари доктори, профессор,
Шарифа ИСКАНДАРОВА
филология фанлари доктори, профессор,
Эҳтиётхон ИБРАГИМОВА
филология фанлари номзоди, доцент

ТАСВИРИЙ НУТҚНИНГ ИЛК ТАДҚИҚОТЧИСИ

Улуқов Носиржон,
НамДУ профессори,
филология фанлари доктори

Ўзбек тили функционал-мазмуний нутқ типлари орасида тасвир нутқи ҳам алоҳида белги-хусусиятлари билан тавсифланади. Ўзбек тилининг тасвир нутқ типи зукко, сермушоҳада, фикрлаш доираси кенг тилшунос Исмоил Ҳожалиев томонидан монографик тадқиқ этилган. Олим 1989 йилда филология фанлари доктори, профессор М.Мукаррамов раҳбарлигида **“Тасвир нутқ типининг лингвистик хусусиятлари”** мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Тадқиқотда тасвир нутқ типи дифференциал-семантик, синхрон-тасвирий, фукционал-семантик методлар асосида мукаммал ўрганилган.

Муаллиф эътироф этганидек, 70-80 йилларда матн тилшунослиги алоҳида илмий йўналиш сифатида шаклланди, нутқ типларини матн билан боғлиқ тадқиқ этиш кенг тус олди. Натижада нутқ типларига функционал-мазмуний планда ёндашув бошланди.[1] И.Ҳожалиевнинг тасвир нутқ типига доир тадқиқоти ҳам ана шундай илмий ёндашувлар таъсирида дунёга келди.

Сўзлар, жумладан, терминлар ҳам “гапиради”. Ҳар қандай луғавий бирлик шакл ва маъно мутаносиблиги асосида ниманидир ифодалайди, маълум тушунчалар ҳамда уларнинг моҳиятига ишора қилади. Агар терминларнинг этимони, маъно мундарижаси тўғри англанса, талқин ва таҳлил этилса, улар воситасида ифодаланадиган илмий тушунчалар ҳам мукаммал тушунилади. Шу боис сўзлар, терминлар билан “тиллашган” олим ҳамиша яхши натижаларга эришаверади. Худди шу тамойилга асосланган олим тасвир, ривоя, муҳокама каби нутқнинг функционал-семантик турлари ҳақида фикр юритар экан, *“тасвир”, “ривоя”* ва *“муҳокама”* сўзларида соф терминлик белгиси борлигини қайд этади ҳамда нутқ типларининг фарқли (дифференциал) ва муштарак (интеграл) белги-хусусиятларини ёритишда уларнинг номловчи терминларнинг маъно-моҳиятига эътибор қаратади. Бу, албатта, унинг муҳим ютуқларидан бири эди.

Ривоя нутқ типи хусусида: “Ривоя”да хронологик кетма-кетлик асосида ривожланувчи ҳаракат ифодаланади. Бир ҳаракатдан иккинчи ҳаракат келиб чиқади, ундан учинчи ҳаракатга ўтилади ва шу зайлда ҳаракат динамикаси таъминланади, макон ва замон ҳам ўзгариб туради.

Ривоя нутқ типида феъл семакнтикаси, лексик-семантик такрорлар, синонимлар матндаги ҳаракат динамикасини кўрсатувчи лингвистик воситалар

[1] Ҳожалиев И.Т. Тасвир нутқ типининг лингвистик хусусиятлари: Филол. фан. ном. ... диссер. Автореф. – Тошкент, 1989. – Б. 8. Бкрча парчалар шу манбадан олинганлиги боис кейинги ўринларда матн ичида асарнинг саҳифасини бериш билан кифояланамиз.

сифатида кўринса, асосий мазмуний юк феъл-кесимлар устига тушади, гаплар боғланиш ҳосил қилиши билан кўринади”, – дея мағзи тўқ ва асосли фикрларни баён этади (9-б.).

Ривоя нутқига хос матнлари, масалан, исталган ўзбек халқ эртаклари таҳлилида юқорида қайд этилган лисоний белги-хусусиятларни ёрқин кузатасиз ва олимнинг талқин ҳамда таҳлиллари асосли эканлигига яна бир бора амин бўласиз.

Муаллиф муҳокама нутқ типи юзасидан ҳам асосли илмий қарашларини баён этади. Унинг талқинича, муҳокама нутқ типида “нарса-ҳодисанинг ўзи ёки унинг белгиси эмас, балки у ҳақида айтилган фикр алоҳида ўрин тутади”.

Олим таҳлиларини давом эттирар экан, “Муҳокама нутқ типида сабаб, натижа эргаш гапли қўшма гаплар, эргаштирувчи боғловчилар, фикрнинг татибини билдирувчи модал сўзлар матн структурасини белгилайди, муҳокама табиатидан келиб чиқиб, феълларда умумзамонлик намоён бўлади”, – деган фикр билдиради. Кўринадик, ишда муҳокама нутқ типининг мазмун-мундарижаси, тузилиши, синтактик белги-хусусиятлари ҳам аниқ ва лўнда ёритилган.

Тадқиқотда мавзу, унинг мақсад ва вазифасидан келиб чиққан ҳолда асосий эътибор тасвир нутқ типига қаратилган. Олим тасвир нутқ типи тадқиқини ҳам термин асосини ташкил этувчи *тасвир* сўзи таҳлилидан бошлайди ва у ҳақида: “Тасвир бирор нарсанинг уйма, қуйма ёки чизма шакли, нарса, воқеа-ҳодисаларнинг бадиий ифодаси ва шу кабиларнинг илмий тавсифидир”, – деган фикр билдиради.[2] Шунингдек, у масалага фалсафий нуқтаи назардан ҳам ёндашади: “Тасвир нутқ типидаги “тасвир” тушунчаси бир вақтнинг ўзида ҳам мантиқий категория, айни пайтда, тил категорияси ҳамдир” тарзидаги қарашни илгари суради.

Диссертациянинг “Тасвир нутқ типи ва унинг турлари” номли 1-бобида тасвир нутқ типи тушунчаси мукаммал изоҳланган, унинг турлари таснифи ва фарқли белгилари тавсифи ёритилган.

Олим асослаганидек, “Тасвир нутқ типида бирор воқеа-ҳодиса ҳикоя қилиб берилмайди, нарса-ҳодисанинг тарихий жиҳатлари баён этилмайди, балки нарса-ҳодисанинг ўзи берилади. Унинг мавжуд белгилари бир ерга тўпланади, санаб кўрсатилади”. Бу қарашлар, албатта, матндан олинган парчалар билан ҳам далилланган.

Тадқиқотда тасвир ҳаракатнинг мавжудлигига кўра статик тасвир ва динамик тасвирга ажратилган ҳамда ҳар икки тасвир турининг функционал-семантик тавсифи, лексик-семантик, морфологик, синтактик хусусиятлари қуйидагича берилган:

“Статик тасвирда нарса ва унинг белгилари кўрсатилади. Шунинг учун статик тасвирда от, сифат туркумига оид сўзлар умумқўлланиш жиҳатидан матннинг 80-90 фоизини ташкил этади. Шунингдек, статик тасвирда от-кесимлар

[2] Ҳожалиев И. Ўша асар, 10-б.

матндаги асосий семантик “юк”ни ўз устига олади, шу сабабли матн номинативлик касб этади.

Динамик тасвирда маълум маънода ҳаракат мавжуд бўлади, бироқ ривоя нутқ типидан фарқли равишда мавжуд ҳаракат изчил ривожланмайди, балки бирор ҳолатнинг, пейзажнинг белгиси сифатида кўринади, санаш оҳанги етакчилик қилади.” (11-б.)

Шу ўринда олим тасвирланаётган объект белгиларини хусусиятига кўра, мутлақ, доимий, муваққат, такрорий белгиларга ажратиш асосида тавсифлайди.

Тасвирий нутқ мавзуси ва мазмунига кўра қуйидаги турларга бўлинган:

1. Портрет нутқ тури.
2. Пейзаж нутқ тури.
3. Ҳолат нутқ тури.
4. Характер нутқ тури.
5. Тавсифнома тасвир.
6. Ички ва ташқи тасвир.

Олимнинг энг катта ютуқларидан бири – мазкур тасвир нутқ турлари умумий хусусиятлардан ташқари, тил бирликлари тасвирий нутқ турларига хосланишига кўра ҳар бир тасвир нутқ тури ўзига хос лисоний белгиларга эгалигини таъкидлайди ва буни таҳлиллар билан асослайди. Чунончи, ҳолат тасвири олим томонидан қуйидагича тавсифланади: “Ҳолат тасвирида нарса-ҳодисаларнинг мавҳум бир вақтдаги кўриниши берилади, шу билан у тасвирнинг бошқа турларидан фарқланади. Унда нарса-ҳодисанинг муваққат белгилари кўрсатилади. Тасвирнинг бу турида ҳам *-ган* шаклли сифатдошнинг сифатга хос белгилари бўртиб кўринади. Тасвирнинг бошқа турларидан фарқли равишда ҳолат тасвирида феъл сўз туркуми алоҳида “мавқе” тутади.” (15-б.)

Бу талқин ва назарий қарашлар машҳур адиб Абдулла Қаҳҳор асарларидан олинган сара, ёрқин парчалар мисолида амалий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг **“Тасвир нутқ типининг функционал-услубий кўринишлари ва модал аспекти”** номли 2-бобида эса сўзлашув, расмий, илмий, бадиий, публицистик услубга хос тасвир ва тасвир нутқ типида модаллик ифодаланиши масалалари назарий ва амалий жиҳатдан мухтасар ёритилган. Муаллиф таъкидлаганидек, матн модаллиги микроматн ва макроматнда фарқли равишда ифодаланади. Микроматн модаллиги хулоса, кириш, матннинг панд-насиҳат парчалари, матннинг алоҳида қисмларини актуаллаштириш асосида юзага чиқади ва буларни, ўз навбатида, бошқа грамматик воситалар тўлдиради. Макроматнда модаллик юқоридагилардан ташқари, грамматик, лексик-семантик, интонацион усул билан ифодаланади.

Хуллас, Исмоил Ҳожалиевнинг диссертацияси ва 20 яқин мақолаларида функционал-мазмуний нутқ типлари, хусусан, илк бор тасвир нутқ типининг лисоний хусусиятлари монографик тадқиқ этилган. Олим томонидан тасвир нутқ

типинининг портрет, пейзаж, ҳолат, характер, тавсифнома, ички ва ташқи тасвир турлари аниқланган, вазифавий услублардаги кўринишлари ҳамда уларнинг лисоний белги-хусусиятлари, модал аспекти равон, изчил услубда ёритилган.

Тадқиқот материаллари ва хулосалари бошқа функционал-семантик нутқ типларини ўрганишга илмий туртки беради, ҳозирда олий ўқув юртларининг “Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалавриат йўналишида “Нутқ маданияти ва услубият”, “Бадиий таҳлил асослари”, “Лингвистика (ўзбек тили)” магистратура мутахассислигида “Матн тилшунослиги”, “Назарий тилшунослик масалалари”, “Психолингвистика” фанларини ўқитишда илмий манба бўлиб хизмат қилади. Бизнингча, тадқиқот юзасидан **“Ўзбек тилининг функционал-мазмуний нутқ типлари”, “Тасвир нутқ типининг лисоний хусусиятлари”** номли монография ва ўқув қўлланмалари яратиш долзарб вазифа бўлиб, бу илмий ва илмий-услубий ишлар, албатта, юқорида тилга олинган магистратура мутахассислигига оид мутахассислик ва ихтисослик фанлар бўйича ўқув адабиётларига бўлган эҳтиёжни бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга.

Биз Исмоил ака Ҳожалиевни қутлуғ ёши билан муборак этиб, унга бу вазифаларни бажаришда, шахсий ҳаётда ва илмий-педагогик фаолиятда омад, соғлик, бардамлик тилаймиз!

ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

СОЦИОЛИНГВИСТИКАНИНГ ЛИНГВИСТИК ПАРАДИГМАЛАР СИРАСИДАГИ ЎРНИ МАСАЛАСИГА ДОИР

Бердиалиев Абдували,
филология фанлари доктори,
профессор(академик Б.Ғафуров
номидаги Хужанд давлат университети,
Тожикистон Руспубликаси)

Аннатация. *Мақолада социолингвистиканинг тилшуносликнинг интралингвистика ва экстралингвистика оралиғидаги ўзига хос мустақил йўналиши эканлиги, унинг фан мақомидаги хусусиятлари ҳақида маълумот берилади.*

Аннотация. *В статье речь идет о своеобразных особенностях социолингвистики, которая характеризуется как наука, возникшая между интра- и экстралингвистикой, а также об изучаемых ей объектов.*

Таянч сўз ва иборалар. *Социолингвистика, интралингвистика, экстралингвистика, жамият, фан, лисоний бирликлар, синергетика, лингвосинергетика* ва б.

Ключевые слова и выражения. *Социолингвистика, интралингвистика, экстралингвистика, общество, наука, языковые единицы, синергетика, лингвосинергетика* и др.

Социолингвистика – тилнинг ички қурилишини ўрганувчи лингвистика (интралингвистика) ва жамиятшунослик фанлари оралиғида вужудга келган янги фан. Шунинг учун бу **фан** тил қурилишининг ижтимоий томонини ўрганади.

«**Фан»** атамаси қадимда кенг маънода ишлатилган. У «санъат» ва унинг турларига нисбатан ҳам қўлланган.

Социолингвистикада «**фан**» ва «**санъат»** тушунчалари ва уларнинг ўзаро муносабати, бу икки тушунчага жамиятнинг муносабати, уларнинг тилга муносабати масалалари ҳам ўрганилади. «**Фан», «санъат**» араб тилидан ўзлашган: «**фан»** рус тилидаги «**наука»** атамасининг, «**санъат»** эса, **«искусство**» атамасининг ўзбек тилидаги маънодош муқобилларидир.

Умумфан тарихида **«фан»** маъносидаги «**наука»** билан **«санъат»** маъносидаги «**искусство**» айни бир тушунча сифатида фарқланмаган. Худди шунингдек, антик даврда «**скульптор»** сўзи «**ҳайкалтарош»**дан ташқари, умуман ҳунармандларга нисбатан ҳам ишлатилган.

Кенг маънода қўлланиш **«софист»** сўзига ҳам хос бўлган. Хусусан, Қадимги Грецияда **«софист»** сўзи **«донишманд»** маъносидан ташқари, «**дурадгор-уста», «бўёқчи» (маляр**), **«ўймакор уста» (гончар)** маъноларида ҳам ишлатилган.

Қадимги француз ёзма манбаларида эътироф этилишича, **«фан»** маъносидаги «**наука»** ва **«санъат»** маъносидаги **«искусство**» сўзлари ХУ1 асрга қадар «**билим»** маъносидаги синоним сўзлар сифатида ишлатилган. Кейинчалик уларнинг биринчиси (наука) назарий билимга, иккинчиси (искусство) амалий билимга нисбатланиб, фарқланган. **«Санъат»** маъносидаги **«искусство»** бора-бора **«қўл ҳунари»** маъносида расмийлашиб, **«ҳунар»** маъносидаги **«ремесла»** сўзининг маънодош муқобилига айланган.

Эрамизнинг Х111 асрида яшаган Брунетто Латинга қарашли машҳур **«Билимлар муъжизаси» («Сокровищнице знаний»)**да ҳам «фан» маъносидаги «наука» ва «санъат» маъносидаги «искусство» атамалари, юқорида айтилганидек, «билим» («знание») маъносида ишлатилган. Итальян ҳайкалтароши Леон-Баттиста Альберти (ХУ аср) ва Леонардо да Винчи «фан» маъносидаги «наука» атамаси остида тасвирий санъатни, хусусан, «живопись»ни ҳам тушунган. «Наука» атамасининг бу тарзда тушунилиши Уйғониш даврида ҳам ўзгармаган. Бу даврга келиб, «фан» маъносидаги «наука» сўзи техника ва унинг турларига нисбатан ҳам ишлатила бошлаган [1].

Хуллас, юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда, социолингвистикага лингвистика ва жамиятшунослик фанларини туташтирувчи алоҳида фан сифатида қараш хато саналмайди.

Университет ва педагогика олий ўқув юртлари филология факультетларида лингвистик фанлар талабаларни касбий соҳа бўйича мутахассис сифатида тайёрлайдиган асосий ўқув предмети саналади. Уларда лингвистика кенг қамровли фан сифатида ўқитилади. Талаба бу фаннинг интралингвистика деб номланувчи соҳаси бўйича юқори маълумотли мутахассис бўлиб етишади. Олий ўқув юрти таҳсилидан кейин бўлажак педагог-лингвист ўрта умумтаълим мактабларида, гимназия ва педагогик йўналишдаги касб-ҳунар коллежларида фаолият юритганда, у ўқувчиларига асосан она тилининг интралингвистика соҳаси бўйича таълим беради.

Интралингвистика тил фанининг тилнинг лисоний қурилишини ўрганувчи тармоғидир. Тилнинг, у қайси тил оиласига мансуб бўлишидан қатъий назар, унинг фонетик-фонологик, морфем ва сўз ясалиши, луғавий, грамматик қурилиши ва услубий-прагматик имкониятлари ҳақида интралингвистика назарий маълумот беради. Хуллас, интралингвистика талабани муайян бир тилнинг лисоний қурилиши бўйича мутахассис қилиб тайёрлайди. Чунончи, рус филологияси факультетида таҳсил олган талаба рус тили бўйича, тожик филологияси факультетида таҳсил олган талаба тожик тили бўйича, ўзбек филологияси факультетида таҳсил олган талаба ўзбек тили бўйича мутахассис бўлиб етишади, улар рус тилшуноси, тожик тилшуноси, ўзбек тилшуноси каби номлар билан аталадилар.

Тил – дилнинг таржимони. Тил орқали кишилар бир-бирлари билан фикрлашадилар, дўстлашадилар, иноқлашадилар. Шундай бўлса-да, тил –

мураккаб ҳодиса. Унинг ўз ички қурилиши билан боғлиқ бўлмаган ноинтралингвистик (нолисоний) томонлари ҳам бор. Бу томонлар ҳам лингвистика фани доирасида алоҳида-алоҳида ўқув предметлари сифатида ўқитилади. Тилнинг ана шу «ташқи» томонларидан бири – бу социолингвистика ўрганадиган объектдир.

Тил – ижтимоий ҳодиса. Унинг пайдо бўлиши ҳам, ривож топиши ҳам, муайян даврда бажарадиган вазифаси ҳам, тил жамоасининг этник қатламларига муносабати ҳам, қардош ва қардош бўлмаган бошқа тиллар билан муносабати ҳам ва бошқа-бошқалар тилнинг ижтимоийлигига дахлдор тушунчалардир. Тил билан алоқадор бу хусусиятларнинг барчаси лингвистика фанининг социолингвистика деб аталувчи тармоғида ўрганилади. Бир сўз билан айтганда, социолингвистика – бу социал, яъни ижтимоий тилшуносликдир.

Социолингвистика лингвистика циклидаги фанларнинг энг янгиси, маъжозий ибора билан айтганда, лингвистиканинг «чақалоғи». Шу боис бу фаннинг ҳозирча барча томонидан бир хил тан олинган мундарижаси ҳам йўқ. Социолингвистикани муштарак мундарижада ўргатадиган дарслик ҳам, ўқув қўлланмаси ҳам ҳозирча мавжуд эмас. Тўлақонли даражада бўлмаса-да, борлари ҳам рус тили социолингвистикаси масалаларига бағишланган [2]. Уларда социолингвистиканинг умумназарий масалалари ҳам бор, албатта. Бироқ бу мураккаб соҳанинг айрим муҳим тушунчалари шарҳи ва талқинида ҳозирча бир хиллик йўқ.

Ўзбек тилшунослигида, гарчи «социолингвистика» атамаси доирасида қаралмаган бўлса-да, брошюра, мақола, рисола характеридаги баъзи ишлар йўқ эмас. Социолингвистиканинг фалсафа фанига қарашли томонлари бўйича катта ишлар ҳам қилинган. Масалан, Ўзбекистонда профессор Қ.Хоназаровнинг йирик ҳажмдаги ишларида «коммунизм даври»га хос келажак тили ҳақида кўп нарсалар айтилган, бироқ уларнинг барчаси Коммунистик партия ва Совет давлати сиёсати, мафкураси таъсирида ёзилган таги пуч хомхаёллардан иборат бўлган [3]. Шунингдек, Ғ.Абдураҳмонов, Ф.Абдуллаев, М.Миртожиев сингари профессорларнинг социолингвистиканинг лингвистик аспекти нуқтаи назаридан ёзилган брошюралари, мақолалари ҳам мавжудки, унда ўзбек тилининг сўнгги йиллар тараққиёт тақдири рус тилининг таъсири билан боғланган [4]. Ҳимоя қилинган бир қатор диссертациялар ва ёзилган монографияларда ҳам рус тилининг даврнинг «қудратли тил»лигига имтиёзли урғу берилади. Ҳозирги вақтда у «иш»ларнинг илмий ва амалий аҳамияти пучга чиққан [5].

Рус тилининг оламшумул мавқеини ерга урмай, ўз она тили – ўзбек тилининг том маънода улуғлигига ишора билан ёзилган социолингвистик руҳдаги ишлар ҳам йўқ эмас, албатта. Бундай ишлар орасида марҳум доцент Ирисали Тошалиев қаламига мансуб **«Ахборий мулоқот маданиятининг социолингвистик тавсифи**» деб номланган ўқув қўлланмаси ниҳоятда чуқур илмий мушоҳада билан холисона ёзилганлиги жиҳатидан алоҳида аҳамият ва

қимматга эга. Бироқ бу асар, афсуски, олим вафотидан кейин унинг хотирасига бағишлаб чоп этилган «**Умр мазмуни**» (Тошкент, 2015) китобидан муносиб ўрин олган [6].

Ўзбекистон Мустақилликка эришгандан кейинги баъзи ишларда ўзбек тилининг софлиги учун кураш тенденцияси кўзга яққол ташланади. Уларда ўзбек тилига сингишиб, ўзиники бўлиб кетган рус сўзларини туркий, арабча ва форсча муқобиллар билан алмаштириш таклифлари устуворлик қилади.

Хуллас, айтилган бу фикрлар социолингвистиканинг муайян бир мамлакатнинг сиёсий тузуми ва унинг мафкурасига хизмат қилувчи синфий фан тармоғи эканлигига далолатдир.

Университет ва педагогика олий ўқув юртлари филология факультетларида социолингвистикага дахлдор айрим тушунчалар «Тилшуносликка кириш», «Умумий тилшунослик», «Қиёсий тилшунослик», «Лингвистик таълимот тарихи» сингари бир қатор мустақил предметларнинг «Тил ва жамият» деб номланувчи бобида қисман ёритилган бўлса-да, у ўз мундарижасига эга алоҳида ва мустақил лингвистик фан сифатида ўқитилмас эди. Шунинг учун ҳам социолингвистика олий ўқув юртлари ўқув режасидан четда қолиб келарди. Россия ва ривожланган бошқа мамлактларнинг марказий шаҳарлари олий ўқув юртларида социолингвистика махсус курс сифатида тажриба қилинаар эди.Кейинчалик у шу олий ўқув юртлари филология факультетлари ўқув режасига мустақил фан сифатида киритилган. Ўзбекистон, Тожикистон Республикалари олий ўқув юртлари, жумладан, академик Б.Ғафуров номидаги Хужанд давлат университети филологик йўналишдаги факультетларининг ўқув режасига мустақил лингвистик фан сифатида киритилганига ҳали ўн йил бўлган эмас.

Социолингвистика – тилшуносликнинг кам ўрганилган алоҳида тармоғи. Бу тармоқ фанда ҳозирча ўз мустақил ўрнига эга бўлмаган бошқа бир қатор йўналишлар билан ҳам боғланади. Шулардан бири **синергетика** ва унинг тилшуносликка алоқадор **лингвосинергетика** йўналишидир. Бу йўналиш тилнинг системалилигига зид нотайин чизиқли (муайян тизимга эга бўлмаган) носистем томонларини ўрганади. **Синергетика** ва унинг методлари **диалектика** ва унинг методларига қарама-қарши йўналиш сифатида пайдо бўлган замонавий умумфан тушунчасидир. Синергетиканинг тилшунослик билан алоқадор томонлари социолингвистик характер касб этади [7].

Синергетика замонамиз фани оламида ўзига хос илмий мажмуадир (парадигмадир). Унинг тилшуносликка, айниқса, социолингвистикага ҳам кириб келиши кутилмаган муҳим ижобий воқеа саналади.

АДАБИЁТЛАР

1.Бердиалиев А. Ўзбек синхрон социолингвистикаси. Хужанд, 2017.

2.Дешериев Ю.Д. Социальная лингвистика. –М.: «Наука», 1977; Бондалетов В.Д. Социальная лингвистика. –М.: «Просвещение», 1987; Швейцер А.Д., Никольский Л.Б. Введение в социолингвистику. –М.: «Высшая школа», 1978.
3..Хоназаров Қ.Х. Коммунизм қуриш даврида ўзбек тили ривожланишининг умумсоциологик аспектлари //Ўзбек тили нутқ маданияти масалаларига бағишланган Республика тилшунослик конференцияси. –Тошкент: «Фан», 1969.
4. Абдураҳмонов Ғ. Миллий тилларнинг тараққиёти масаласи.-Тошкент: «Фан», 1962; Абдурахманов Г. Источник обогощения. –Ташкент: «Фан», 1989; Абдуллаев Ф. Тил қандай ривожланади? –Тошкент: «Фан», 1972.
5. Расулов И. Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек тили лексикаси. -Тошкент,«Фан»,1977; Муҳаммаджонова Г. Ўзбек тили лексикаси тараққиётининг баъзи масалалари.–Тошкент: «Фан», 1982; Гулямова Н.Г. Русские лексические заимствования в узбекском языке. –Ташкент: «Фан»,1985;. Миртожиев М. Ўзлашган сўз – пайванд куртаги. -Тошкент: «Ўзбекистон», 1988; Раҳмонбердиев К. Ўзбек тил контактлари. –Тошкент: 1989 ва б.
6. Тошалиев И. Умр мазмуни. –Тошкент, 2015.
7. Нурмонов А., Раҳимов А. Лингвосинергетикага кириш.-Тошкент: «Академнашр», 2013.

БИР НЕЧА БОШ ГАПЛИ МУРАККАБ ҚЎШМА ГАПЛАР

Алижон Мамажонов,
Турон ФА академиги, ФарДУ профессори,
Моҳичехра Рўзиева,
ФарДУ қошидаги 3-АЛ ММИБДЎ

Лисоний далиллар синтактик нуқтаи назардан синчиклаб текширилганда, қўшма гап турларининг бир неча хил мураккаб кўринишларга эга эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Ёзма нутқда бир неча эргаш гапли қўшма гаплар мавжуд бўлганидек, таркибида бир неча бош гапи бўлган мураккаб конструкциялар ҳам жуда кўп қўлланилади.

Бу типдаги конструкциялар атрофлича ўрганилмаган бўлса-да, рус тилшунослигида ҳамда туркологияда яратилган айрим ишларда йўл-йўлакай тилга олинади.

Эргаш гапли қўшма гаплар доимо бир бош гап ва бир эргаш гапдангина иборат бўлавермайди. Эргаш гапли қўшма гапларнинг айрим турларида бош гап баъзан бирдан ортиқ бўлади. Бундай мураккаб синтактик конструкцияларни “бир неча бош гапли мураккаб қўшма гап” номи билан аташни лозим топдик.

Бир неча бош гапли мураккаб қўшма гаплар таркибидаги предикатив бирликлар ўзаро паратактик-гипотактик усул билан боғланади.Яъни бундай конструкцияларда бош гаплар бир-бири билан тегг (паратактик) алоқани юзага

чиқарсалар, эргаш гап билан бош гаплар тобе (гипотактик) усул ёрдамида боғланади.

Бундай мураккаб синтактик конструкциялар, деярли, барча нутқ услубларида параллел қўлланади.

Бир неча бош гапли мураккаб қўшма гаплар кўп ҳолларда бир эргаш гап ва бир-икки бош гапнинг бирикувидан ташкил топади.Лекин бу қатъий ҳолат эмас.Улар баъзан уч ва ундан ортиқ бош гап ва бир эргаш гапнинг бирикувидан иборат бўлиши ҳам мумкин:

Сени кўрсам, гул ёзади тилагим,
Олам гўзал кўринади кўзимга.
Узоқ вақт келолмайман ўзимга. (Ҳ.Олимжон)

Маълумки, эргаш гаплар бош гапдан англашилган ҳаракат-ҳолатни турли томондан изоҳлаб келади:

Халқ бахтли-саодатли бўлсин деб, қўриқ ерларни ўзлаштирмоқда, буғдой ва маккажўхори, сабзавот ва техника экинлари экилаётган ерлар кенгайтирилмоқда . (Газетадан)

Сен келмасанг, баҳор бўлмайди,
Очилмайди боғларда гуллар. (Ҳ.Олимжон)

Баъзан шундай конструкциялар учрайдики, уларда бир пайтдаги ҳаракат-ҳолатни билдирувчи бош гаплар бири иккинчисини изоҳлаб келади, маълум бир функцияни бажаради:

Агар шу вазифани у ўзи бажарса, бир ўқ билан икки қуш урилган бўларди:биринчидан, Қамчини Ботиралининг қотили деб қўлга тушириш, шу билан ЧЕКА вакили олиб бораётган текширишга хотима бериш ва иккинчидан, қишлоқда Шўрога қарши исён тайёрлаётган Комил бошлиқ тўданинг бемалол иш кўришига имкон яратиш мумкин бўларди.(Ҳ.Ғулом).

Юқоридаги қўшма гапда эргаш гапдан кейин келган биринчи бош гап мазмунига нисбатан кейинги учинчи ва тўртинчи содда гаплар умумий изоҳ мазмунини изоҳлаб келган.

Бир неча бош гапли мураккаб қўшма гапларда ҳаракат-ҳолат икки йўсинда: бир пайтда ёки кетма-кет рўй бериши мумкин.

Бир пайтда бўладиган ҳаракат-ҳолатни билдирган бир неча бош гапли мураккаб қўшма гапларда эргаш гап ҳамма бош гаплар учун умумий бўлади, уларга алоҳида-алоҳида боғланади. Бош гаплар эса бир хил характерга эга бўлиб, уюшиб келади. Одатда, дарак мазмунидаги бош гапларнинг уюшиб келиши кўп учрайдиган ҳолатдир:

Агар дейман, куёв қилсанг, Шаҳриёр,
Бутун умр сенга паноҳ бўлади.
Уйинг нозу неъмат билан тўлади. (Ҳ.Олимжон).

Бир неча бош гапли мураккаб қўшма гаплар кўпроқ қуйидаги эргаш гап турлари иштирокида воқеаланади.

а) шарт эргаш гап:

Гар чиқмаса толе қуёши,
Эл қутилмас ўлим, жазодан,
Куни чиқмас мотам, азодан. (Ҳ.Олимжон).

б) сабаб эргаш гап:

Озод халқим бошига келмас
Энди сира мусибат ва ғам.
Шунинг учун шодман бир умр,
Шунинг учун шодлик ҳамдамим. (Ҳ.Олимжон).

в) Даража-миқдор эргаш гап:

Пайкаллар шунчалик улкан, ҳосил шунчалик катта, ваъда шунчалик зўр, келаси хафтанинг об-ҳаво маълумоти шунчалик ноқулайки, ҳосилни вақтида териб олишга пахтакор қўллар етишмайди. (П.Қодиров).

г) ҳавола бўлакли эргаш гап:

Кимки ўз-ўзига талабчан бўлса, майда гап, ғийбат ҳам, ўзига бино қўйиш, юракда кек сақлаш ҳам йўқолади; ундай киши кўп ва самарали ишлайди.(Ш.Рашидов).

Бир пайтда бўладиган ҳаракат-ҳолатни билдирадиган бош гапларни уюшган бош гаплар деб ҳам юритиш мумкин.Чунки улар бир-бирларига нисбатан нисбий мустақил ҳисобланиб, тенг ҳуқуққа эга бўлади.

Уюшган бош гаплар ўзаро тенгланиш йўли билан боғланади. Бир хил интонация билан айтилади.

Агар ичсанг, баданларинг олов бўлиб ёнади,
Кўкракларинг қисилади, кўзларинг ёш олади. (Ҳ.Олимжон).

Бундай ҳолатларда бош гаплар ўзаро тенг боғловчилар ёрдамида боғланиши... ҳам мумкин.

а) тенг боғловчилар ёрдамида:

Уч йилдирки, гоҳ ёнғин чиқар.
Гоҳ молларни қуритар ўлат. (С.Есенин).

б) боғловчи вазифасидаги юкламалар орқали:

Нечук эканки, Саида раиснинг таклифини маъқул кўрмади-ю, мажлис аҳли унинг раъйига юради! (А.Қаҳҳор).

Бир пайтда бўладиган ҳаракат-ҳолатни англатувчи бош гаплар мазмунан бир-бирига боғланган бўлади. Бу боғлиқлик бош гаплар таркибидаги баъзи гап бўлакларининг такрор келиши, кесимларнинг ўзаро замон муносабати, айрим умумий лексик элементлар орқали юзага чиқади.

Уюшган бош гапларда, кўпинча, охирги бош гапнинг кесими тўлиқ шаклда қўлланиб, ёрдамчи феъл олдинги бош гап кесимларида тушиб қолади.Лекин унинг мазмунан барча бош гап кесимлари учун умумий эканлиги контекстдан англашилиб туради:

Ёши ўн иккида бўлса ҳам, бўйи ўсиқ, ўзи миқти эди.(П.Қодиров).

Уюшган бош гаплар эргаш гапнинг ҳар икки томонида келади:

а) эргаш гапдан олдин:


Бундай ишққа ишониб бўлмас,
Сир сақлолмас кўзлар ҳам асло,
Алдамоққа қалбинг қодирмас,
Чунки фариштасан бебаҳо. (Лермонтов).

б) эргаш гапдан кейин:


Агар Лаъли ана шуларни ўргудек бўлса,сир очилади, халққа оғир фожиадай таъсир қилиш керак бўлган ёнғин ҳодисаси кулгили томошадан бошқа нарса бўлмай қолади. (Ҳ.Ғулом).

Бундай синтактик конструкциялар учун қуйидаги умумий схемаларни бериш мумкин:

а) бош гаплар эргаш гапдан олдин келса:




б) бош гаплар эргаш гапдан кейин келса:



Бир неча бош гапли қўшма гапларда баъзи бош гаплар услуб талаби билан эргаш гапнинг ҳар икки томонида келиши мумкин.

Устим ёмғир эди, сўрсанг, ичим қор. (Ҳ.Олимжон).



Иккинчи хил турдаги бир неча бош гапли қўшма гапларда бош гаплардаги иш-ҳаракат кетма-кет бажарилади.Бунда эргаш гап бош гапларнинг бирига боғланади, иккинчи бир бош гап эса аввалги бош гапдан англашилган ҳаракатнинг натижаси маъносини ифодалайди. Бундай бош гаплар “уюшмаган бош гаплар” дейилади. Уюшмаган бош гапли конструкцияларда эргаш гап биринчи ўринда келади ва натижани келтириб чиқарадиган бош гапга боғланади:


Ҳулкарнинг ойиси ҳовлига келиб қараса, қўй яхшилаб сўйилган, орқа оёғидан иккита оши ғи олинган.(П.Қодиров).

Кетма-кет ҳаракат-ҳолатни ифодалайдиган бир неча бош гапларнинг эргаш гапи ,кўпинча, шарт ёки пайт эргаш гаплардан иборат бўлиши кўп учрайди:

Сен келмасанг, баҳор бўлмайди,
Очилмайди боғларда гуллар,

Қарағайлар барг чиқармайди,
Ўрмонларга келмас булбуллар. (Ҳ.Олимжон)
Бирор кўнгилсизлик гап чиқмоқчи бўлса, хабар қилинг, ҳаммамиз ёнингизда бўламиз! (Ш.Рашидов)

Бундай конструкцияларда бош гаплар доимо эргаш гапдан кейин, иккинчи ўринда келади. Бир неча бош гапли мураккаб қўшма гапларнинг бу тури учун ушбу чизман бериш мумкин:



Юқоридаги таҳлиллардан шу нарса маълум бўладики, бир неча бош гапли мураккаб қўшма гаплар ҳозирги замон адабий ўзбек тили учун характерли бўлган ва бадиий нутқда кўп қўлланадиган қўшма гапларнинг мураккаблашган кўринишларида бири бўлиб ҳисобланади.

PHONOSTYLISTIC UNITS AND MEANS OF MODERN RUSSIAN AND UZBEK LANGUAGES

Saparova K.O.,
Doctor of Science, Associate Professor UzGUMYA

Annotation: The phonostyle can be phono-variants of words and phrases (both pronunciation, accent, syngharmonic, tonal), as well as types of intonation structures. In both languages, the alternation of vowels and consonants, insertion or ejection, metathesis, elysia, as well as a change in the syllabic composition of the word, contributing to the formation of high-frequency pronunciation variants of words in stylistically neutral, conversational and outdated speech, have phonostylistic significance.

Key words: pronunciation, accent, syngharmonic, tonal, ejection, metathesis.

Variant units of the language, differing in pronunciation and stylistic coloring, can rightly be considered as phonostylistic units - styles at the phonetic level of the language, or phonostyles. The phonostyle can be phono-variants of words and phrases (both pronunciation, accent, syngharmonic, tonal), as well as types of intonation structures, etc. prosodic units at the level of utterance and the text as a whole.

The pronunciation, non-traditional from the point of view of orthoepic norms, creates a special effect of its perception: as a sign of illiterate or illiterate speech, a stylistic device, non-literary (vernacular or dialectic) pronunciation, speech of a foreigner, etc. Such a pronunciation, in the presence of a sign of repeatability or regularity, for example, in a particular sphere of communication, acquires the ability to associate, in addition to the meaning of a word, with a speech situation. As a result of this, sound elements can contain to some extent information of a stylistic and communicative-pragmatic nature, for example, on the communication situation, on the territorial and social affiliation of native speakers, on the functional-stylistic coloring of

speech, on the historical and temporal conditioning of the functioning of language units, etc. .

Phonostyles are formed by means of phonostylistic means - segment and super-segment units of the language, their properties and phonetic modifications.

The brightness of its stylistic coloring depends on the degree of probability of the appearance of phonostyle in speech. The different probability of phonostyle appearing in certain functional-stylistic varieties of speech, their different information content makes these units phonostylistic indicators of functional styles.

There are a number of phonetic modifications in modern Russian and Uzbek languages, giving the pronunciation of words, phrases, expressions stylistic significance and representing a system of stylistic means of the phonetic aspect of the stylistics of the resources of the Russian and Uzbek languages.

The system of phonostylistic means of the Russian and Uzbek languages is characterized by qualitatively-quantitative properties that determine their use in a specific pronunciation style.

For example, phonostylistic means of modern Russian and Uzbek languages at the segment level are represented by a change in the phonemic composition of a word, in particular phonetic modifications of vowels, consonants, and a change in the syllable composition of a word.

Changing the phonemic composition of a word as a stylistic means of phonetics at the segment level of modern Russian and Uzbek languages can be represented by the loss or appearance of sound (combinations of sounds), the degree of reduction of unstressed syllables (in Russian), the extension and amplification of sounds, the alternation of phonemes, and features of hard and soft pronunciations of consonants (in Russian), metathesis and the elimination of sounds, etc.

A change in the phonemic composition of the word, which has a stylistic coloring, contributes to the emergence in the modern Russian and Uzbek languages of predominantly colloquial and colloquially reduced phonetic phrases. This is due to the processes of expansion and deepening of the democratic reforms of society taking place in recent decades, which is reflected in the language.

The appearance of phono-variants of words in the Russian and Uzbek languages in book and stylistically sublime speech is a low-frequency phenomenon, due to two reasons:

1) the regulation of speech design in these phonetic styles that do not allow fluctuations in pronunciation;

2) the narrow scope of the use of phono-words of a given stylistic marking.

It should be noted that phonostylistic means promoting the formation of phonostylistic units in the Russian and Uzbek languages have similarities and differences. In both languages, the alternation of vowels and consonants, insertion or ejection, metathesis, elysia, as well as a change in the syllabic composition of the word, contributing to the formation of high-frequency pronunciation variants of words in

stylistically neutral, conversational and outdated speech, have phonostylistic significance.

The emergence of phono-variants of words can be due to the desire of the language for brevity and rhythm, for the convenience of pronunciation, the derivational features of affixes and models of variable pronunciation forms, the influence of poetry of past centuries, vernacular and dialects, the desire of the language to simplify the articulation of phonemes (by analogy with children's speech), to smoothness, softness, melodiousness, the influence of euphony, pace of speech, the rhythmic and metric structure of a poetic work, the written form of the language for oral, etc.

Literature:

1. Dzhusupov M., Markunas A., Saparova K.O. Modern Russian language. Phonostylistics: University Textbook.-Poznan: University. Adam Mickiewicz, 2006.-- 248 p.

2. Saparova K.O. Phonostylistics of the Russian and Uzbek languages. - Tashkent: Uzbekistan, 2006.-- 272 p.

ЛОКУТИВ АКТЛАР СТРУКТУРАСИ

Ҳакимов Муҳаммад
ФарДУ профессори, филология фанлари доктори

Annotation: The article deals with speech acts, in particular, describes the design features of locative acts. Phonetic, phatic and retic acts are interpreted as types of locative act.

Аннотация: В статье рассматриваются речевые акты, в частности, описываются конструктивные особенности локутивных актов. Фонетические, фатические и ретические акты интерпретируются как типы локутивного акта.

Аннотация: Мақолада нутқий актлар ҳақида фикр юритилади.Жумладан, локутив актларнинг структур хусусиятлари ёритилади. Фонетик, фатик ва ретик актлар локутив актнинг турлари сифатида изоҳланади.

Key words: Locative act, phonetic act, fatal act, retic act.

Ключевие слова: Локутивный акт, фонетик акт, фатический акт, ретический акт.

Калит сўзлар: Локутив акт, фонетик акт, фатик акт, ретик акт.

Локутив акт ўзининг ички структурасига кўра фонетик, фатик ва ретик актларга ажратилар экан, локутив акт моҳиятини равшан идрок қилиш учун локутив актнинг ҳар бир турига алоҳида изоҳ бериш жоиздир. Шу маънода фонетик акт сўзлашувчилар учун маълум бўлган товушлар системаси ҳисобланиб, улар конкрет тил муҳитида шаклланган товушларга хос билим ва кўникмалардан иборат системадир.

Локутив актнинг бу турида талаффузда муайян тилнинг фонетик, лексик ҳамда грамматик қоидаларига риоя қилинади. Илмий адабиётларда бунга алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, “Фатик акт товуш бирикмалари ва сўзларни маълум грамматик қоидалар ёрдамида талаффуз этишдир” деб таъкидланади. Фатик акт турида маълум сўз ёки бирикмалар талаффузи фикр ифодаси учун муҳим саналади. Ифода таркибида назарда тутилган ахборот ва уни ифодаловчи

воситалар, биринчи навбатда, фикрни аниқ баён қилишга қаратилган бўлиб, нутқ интонациясининг ҳам жанр, ҳам услуб нуқтаи назаридан мувофиқлигини таъминлайди. Гап таркибидаги сўзларни ўз ўрнида қўллаш ахборотнинг актуалликка кўра мослигини таъминлайди. Кўрсатиб ўтилган бу ва бошқа масалалар тилнинг фонетик, лексик ва грамматик структурасига тааллуқлидир.

Маълумки, прозаик нутқ учун субъект+предикат (S+P) формуласи хосдир. Мазкур тартиб фатик акт учун асос бўлиб хизмат қилади. Масалан: *“Қизинг ҳар ерда бўлса ҳам соғ бўлсин” (А.Қодирий).*

Фатик актда сўзловчи нутқига хос грамматик қоидаларнинг намоён бўлиши маъно ифодалашнинг ички имкониятлари учун йўл очади. Дж.Остиннинг таъкидлашича, *У “Мен эртага ўша ерда бўламан” – деди* жумласи фатик акт саналади.

Локутив актнинг учинчи тури ретик акт деб номланади. Ретик акт фонетик ва фатик актлардан ўзига хос функция бажариши билан ажралиб туради. Фонетик акт муайян тилнинг конкрет сегмент ва суперсегмент бирликлар системасини шаклланганлик кўникмасидан иборат бўлса, фатик акт конкрет тилнинг фонетик, лексик ҳамда грамматик структурасига тегишли қоидаларга амал қилинишини эътиборга олади. Ретик акт эса тил ва нутқ ҳодисалари бирлигидан иборат бўлган олам ва олам элементларини англаш билан боғлиқ семантик структура саналади. Сўзловчи нутқий жараёнда тафаккурдаги билим ва кўникмалари ёрдамида талаффуз қилинаётган лисоний воситалар орқали нарса ва ҳодисалар ҳамда уларнинг маъноси ҳақида тасаввурни акс эттирадилар. Ретик акт тушунчаси контекстуал ҳодисалар сирасига мансуб бўлиб, талаффуз жараёнида локуцияланаётган (талаффуз қилинаётган) сўз ва ифодани референция билан таъминлаш учун хизмат қилади. Шунинг учун ҳам ретик акт фонетик ва фатик актлар билан яхлит ҳолда нутқнинг локутив структурасини ташкил қилади. Ретик актда сўзловчи сўзлардан фойдаланиш жараёнида уларни маълум маъно ва референция билан таъминлайди. Нутқий актлар талаффузининг локутив босқичида гап ёки нутқда пропозиция шакллана бошлайди. Ретик акт иллокутив акт учун маҳсулот беради. Прагматик структуранинг асоси локутив акт турларининг яхлитлигида кўринади. Локутив акт уч компонентдан иборат яхлит система сифатида нутқий актлар моҳиятини ташкил қилади. Паралингвистик воситалар ҳам локутив актларга мувофиқ тарзда ретик структурага ҳамоҳанг тарзда шакллантирилади. Ретик актлар кишилар ўртасидаги алоқа-аралашув жараёнида билиш, ифодалаш ва англаш каби тушунчаларни қамраб олади. “*У эртага ўша ерда бўлишини айтди*” жумласи ретик акт тури ҳисобланади. *У: “Кет” – деди* жумласи фатик акт саналади, чунки бу жумла талаффузида маълум грамматик қоидалардан тўғри фойдаланилган, қўлланган тиниш белгилари ҳам фатик акт талаффузида грамматик қоидаларга қатъий амал қилинганини кўрсатиб

турибди. “*У кетишим учун менга бақирди*”[3] жумласи эса ретик акт саналади, чунки бу жумлани талаффуз қилиш жараёнида сўзловчи уни аниқ мазмун ва референция билан таъминлаган. Бу прагматик омил билан боғлиқ равишда суҳбатдошларнинг билим фондларини ифодаловчи референция кўринишларининг фарқланишидир. Бу мисоллар мазмунига кўра нутқ нафақат сўзловчи учун, балки тингловчи учун ҳам маълум нутқ предмети эканлигини кўрсатади.

Кўринадики, фатик акт учун сўзловчи томонидан маълум сўз ва ибораларнинг грамматик қоидалар ёрдамида талаффуз этилиши асос деб қаралса, ана шу грамматик қоидалар асосида талаффуз қилинган ифодани маълум мазмун ва референция билан таъминлаш ва тингловчи томонидан унинг тўғри англанишини таъминлаш ретик акт деб ҳисобланади. Бу мураккаб жараённинг дастлабки қисми ифода ёки талаффуз акти деб номланади. Ифода акти орқали сўзловчи маълум товушларни нутқ аъзолари ёрдамида талаффуз қилиб, ана шу талаффуз жараёнида сўз ва гапларни ҳосил қилиш учун маълум грамматик қоидалардан фойдаланади. Нутқ иштирокчилари сўз ва гапни аниқ референциал маъноси билан қўллаганликлари натижасида ифода таркибида пропозиционал акт учун замин ҳозирланади.

Тавсия этилган адабиётлар:

1. Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл. – М., 1976.
2. Дорошенко А.В. Побудительные речевые акти в косвенных контекстах. //В кн.: Логический анализ языка. – М., 1989, с.77.
3. Лингвистический энциклопедический словарь. М., 1990.
4. Новое в зарубежной лингвистике. – М., 1978. Вып. VIII

УДК:81.161.26

КОНЦЕПТТИ СЫПАТТОООГО КАРАТА АЙРЫМ КӨЗ КАРАШТАР
НЕКОТОРЫЕ ТОЧКИ ЗРЕНИЯ К ОПИСАНИЮ КОНЦЕПТА

Амиралиев Семетей Манасович
филология илимдеринин кандидаты, доцент
Ош мамлекеттик университети
Абылова Махабат Темиржановна
Ош мамлекеттик университетинин магистранты

Макала концепт түшүнүгүнө карата түрдүү аныктамаларды, чечмелөөлөрдү баяндап берүүгө арналат. Бул терминдин пайда болуу, калыптануу жана толук кандуу когнитивдик-тилдик категорияга айлануу процесстери мүнөздөөгө алынат.

Ачкыч сөздөр: *когнитивдик лингвистика, концепт, түшүнүк, категория, термин, көз караш, парадигма.*

[3] Дж.Остин. Слово как действие. НЗЛ. Вып. XVII. – М., 1986. с.84.

Статья посвящается изложению различных определений и толкований терина концепт. А также характеризуются процессы возникновения, формирования и превращения этого термина в полноценную языковую парадигму.

Ключевые слова: *когнитивдик лингвистика, концепт, түшүнүк, категория, термин, көз караш, парадигма.*

Концепт түшүнүгү когнитивдик лингвистиканын өзөгүн түзүп турган негизги каражат болгонуна карабастан, изилдөөлөрдөн азыркыга чейин ага так аныктама бериле электиги байкалат (Бабушкин, 1996; Кубрякова, 1997; Степанов, 1997; Арутюнова, 1999; Алефиренко, 2003; Пименова, 2004; Попова, Стернин, 2007а; Волошкина, 2012) [2, 357-410-бб.].

Ошентсе да, аталган терминге аныктама берүүгө көптөгөн аракеттер жасалган. Аларга төмөнкүлөрдү кошууга болот.

Концепт терминин ар бир окумуштуу өзүнчө чечмелейт. Алсак, А.Вежбицкая биринчилерден болуп концептке төмөнкүдөй аныктама берет: «Это объект из мира “Идеальный”, имеющий имя и отражающий определенные культурно-обусловленные представления человека о мире “Действительность”» [3, 416-б.]. Мында концепт өз атына ээ, чын дүйнө жөнүндөгү адамдын маданият менен шартталган анык көз карашын чагылдырган идеалдуу объект катары сыпатталат.

З.Д.Попова, И.А.Стернин концептти билимди чагылтуучу структура катарында карашат. Өздөрүнүн «Понятие концепт в лингвистических исследованиях» аттуу эмгегинде алар концептти структураланган билимдин квантын өзүнө камтуучу глобалдуу ойлоо бирдиги катарында көрсөтүшөт. Концепттер – булар адамдын акыл-эсинде пайда болуучу идеалдуу маңыздар [9, 34-б.].

Диний лексикани алоҳида ўрганиш бўйича олинган натижалар унинг диний фразеологизмларнинг таркибий компоненти сифатида ўрганиш жараёнида кўл келади. Таъкидлаш лозимки, диний фразеологизмлар кўп ҳолатларда кундалик ҳаётий воқеаларни ифодалашга хизмат қилиши туфайли дунёвийлашиб боради. Бора-бора улар диний семантикадан узоқлашиб кетади. Масалан, Сулаймон ўлиб, девлар қутулибди иборасида Сулаймон пайғамбарнинг исми ўрин олган бўлишига қарамай, ҳозирги кунда унинг этимологияси билан таниш бўлган кишилар учун ҳам, бундан бехабар бўлганлар учун ҳам бирор хатти-ҳаракатга тақиқ ўтказувчи кишининг вақтинча йўқлиги маъноси англашилади. Бу ҳодиса тилшуносликда профанация дея юритилади.

Хуллас, юқорида қайд қилинган масалалар тилшунослик, хусусан ўзбек тишунослигининг долзарб муаммолари сифатида махсус таҳлилни талаб қилади.

Адабиётлар:

1. Сирожиддинов Ш.С. Диний-фалсафий таълимотлар ва Навоий дунёқараши//Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти/Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент, 2011. – Б. 82–86;

2. Умархўжаев М. Диний атамалар ва иборалар. Оммабоп қисқача изоҳли луғат. – Тошкент, 2016. – 220 б.; Умархўжаев М. Тиллардаги диний услуб ҳақида мулоҳазалар//Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2011. – 50–51 б.;

3. Улуқов Н.М. Ўзбекча диний матнлар экзотик лексикаси: Филол.фан.номзоди дисс... автореферати. – Тошкент, 1997;

4. Махмараимова Ш.Т. Оламнинг миллий лисоний тасвирида теоморфик метафоранинг когнитив аспекти: Филол. фанлари бўйича PhD диссертацияси. – Қарши, 2018. – 151 б.

5. Султонова Ш.М. Муқаддас матнларда замон категориясининг лингвомаданий хусусиятлари. Филол. фанлари бўйича PhD диссертацияси. – Фарғона, 2018.

6. Галиева М.Р. Дунёнинг лисоний тасвирида диний-мифологик тафаккурнинг акс этиши.Фил. фанлари доктори (DsC) диссертацияси автореферати. – Фарғона, 2019.

ТЕРМИНОЛОГИЯ ТИЗИМИДА ДУБЛЕТЛИК МУНОСАБАТИ ҲАҚИДА

Эрматов Ихтиёр Ризакулович
Гулистон давлат университети
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Аннотация. *Мақолада терминология тизимида зид маъноли бўлмаган лексик бирликлар ва уларнинг луғавий-мазмуний медиоқурилмалари ҳақида, шунингдек, лексиканинг денотатив асоси умумий бўлган луғавий бирликлари тизимига мансуб дублет терминлар муносабати ҳақида фикр юритилади. Тилшунослик терминлари мақоланинг иллюстратив материали сифатида хизмат қилади*.

Таянч сўз ва иборалар. *Тил, сўз, термин, дублет, денотат, маънодош, абсолют маънодош, фонема, лексик бирлик,алифбе ва б.*

Сўзлараро лисоний муносабатларнинг зид маъноли бўлмаган гуруҳи шакл ва маъно номутаносиблигига асосланади. Уларда шаклий бирликлар маъновий бирликларга нисбатан кўп бўлади.

Ушбу гуруҳ луғавий-мазмуний медиоқурилмаларни ҳосил қилувчи лексемаларнинг денотацияси муносабатига кўра, икки ички таггуруҳга бўлинади:

1) денотатив асоси умумий бўлган луғавий бирликлар гуруҳи;

2) денотатив асоси ҳар хил, яъни ўзаро фарқланувчи луғавий бирликлар гуруҳи.

Денотатив асоси умумий бўлган луғавий бирликлар гуруҳи уч ички таггуруҳга ажралади:

а) синонимлар;

б) градуонимлар;

в) дублетлар.

Лексик бирликлар луғавий маъно даражаси, услубий бўёғи, нутқнинг барча вазифавий услубларига кўра муштарак лисоний қиймат касб этса, улар мутлақ маънодошлик гуруҳи сифатида ажратилади[8]. Масалан, *тилшунослик* ва *лингвистика, асос* ва *ўзак, луғатшунослик* ва *лексикография, шакл* ва *форма, атама* ва *термин, мавзу* ва *тема, автор* ва *муаллиф, терминология* ва *атамашунослик, мимема* ва *тақлид сўз, пауза* ва *тўхтам, аффикс* ва *қўшимча, феъл нисбатлари* ва *феъл даражалари, морфемика* ва *сўз таркиби, ибора* ва *фразеологизм* ва бошқалар.

Маънодошликнинг бу тури *дублетлар* деб аталади. Мутлақ маънодош муқобилларини бирлаштирувчи бундай парадигматик қатор одатда икки аъзодан ташкил топади. Дублет (маънодош), яъни абсолют маънодош луғавий бирликларга қуйидагилар мисол бўлади: *префикс ва олдқўшимча, суффикс ва ортқўшимча, нисбат ва даража, гап ва жумла, сўз ва лексема, унлилар ва вокализмлар, ундошлар ва консонантизмлар* каби.

Терминлар ва уларнинг тизими махсус “ихтисослашган” маъноли бирликлардан иборат алоҳида қатлам сифатида лексиканинг бошқа қатламларидан фарқ қилади. Термин мақомида амал қилувчи сўзнинг ўзига хос лисоний вазифаси бу халқ хўжалиги, фан ва техника соҳаларига оид тушунчаларни аташдир[9].

Аташ вазифаси тилнинг терминлардан бошқа ҳодисалари, чунончи, морфема, лексема, фраземава ҳатто синтаксемалар учун ҳам хос бўлган изоморф лисоний ҳодисадир. Бироқ терминологик тизим бирликларига хос атамалилик атамалиликнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, улар ифодалаган тушунчавий маънолар экспрессивлик, эмоционаллик сингари устама услубий-прагматик “ҳисса”лардан холи бўлади.

Муҳими шундаки, терминлар ва уларнинг тизими ҳам умумхалқ лексикасининг ўзига хос луғавий қатлами сифатида лексиканинг бошқа луғавий қатламлари билан бир хил лисоний ҳуқуққа эга бўлади. Шу сабаб терминлар ва уларнинг тизими ҳам лисоний жиҳатдан лексиканинг бошқа луғавий қатламлари каби, тилнинг вазифавий имкониятларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, этник жамоага мансуб халқ хўжалиги, фан ва техникасининг “аҳволи”

[8]Бердиалиев А., Хидиров Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Хужанд: Раҳим Жалил, 2013. – Б. 17.

[9]Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования и русской технической терминологии // Труды МИФЛИ. Т.5. Сборник статей по языковедению. – М.: 1939. – С. 6.

шу этник жамоага хизмат қилувчи тилнинг терминологик аппарати ва унинг давр талаб этган савияси билан белгиланади.

Шуниси характерлики, халқ хўжалиги, фан ва техника соҳасига оид тушунчалар атамаси бўлганлиги учун, улар тизимида синонимлик, вариантлилик ёки дублетликнинг бўлиши лисоний жиҳатдан кўпам мақбул ҳисобланмайди. Шунга қарамай, бу тизимни синонимлик, дублетликҳодисаларидан холи деб ҳам бўлмайди. Бу ҳолат тилшуносликда ўзига хос муаммо бўлиб, бунинг ечими осонликча топилмаса керак. Чунки давр талаби билан “эски нарса”лар янгиланиб туради. Шу янгиланиш дастлаб тилда ўз инъикосини топади: "эски “нарса” дарҳол йўқолмайди, у “янги нарса” билан маълум муддат муқобил ҳолатда биргаликда “яшаб туради”. Бу жараён фанда с и н е р г е т и к а деб аталади, Мазкур жараённинг тилга хос кўринишлари лингвистикада янги тармоқ сифатида вазифага киришган л и н г в о с и н е р г е т и к а тармоғида ўрганилади. Терминологик тизимга мансуб синонимия, дублетлик, ва ваиантлилик ҳодисалари, шубҳасиз, синергетика таъсирида ўз фаолиятига чек қўймайди. Бу лисоний жараёнлар барча тилларнинг терминологик тизимида муштарак амал қилади.

Ушбу ахборотда ўзбек тилшунослиги соҳасига хос айрим дублет атамалар ва уларнинг хусусиятлари ҳақида фикр юритиш мақсад этилган.

Терминологик тизимга хос “синонимлик” деганда, асосан, луғавий бирликлараро мутлақ, яъни абсолют маънодошлик тушунилади. Бундай маънодошликни воқелантирувчи лисоний бирликлар д у б л е т л а р деб аталади.

Мутлақ маънодошликда, яъни дублетликда бир парадигма доирасига кирувчи луғавий бирликлар функсионал семантик жиҳатдан ўзаро фарқ қилмайди: бир хил лисоний қийматга эга бўлади. Шуниси ҳам борки, мутлақ маънодошлик парадигмасида бирлашувчи муқобил аъзолардан бири тил тарққитининг муайян бир даврида нутқда фаол ишлатилиб, бошқасининг истеъмолига маълум даражада монеълик қилади, уни чеклайди. Истеъмоли чекланиб, инкор этилган луғавий бирлик тил лексикасининг нофаол қатламидан жой олади. Натижада, даврлар ўтиши билан, бундай луғавий бирликлардан таркиб топган парадигматик қатор унутилиб, барҳам топади.

Ўзбек тилшунослиги терминларини даврий кетма-кетликда ўрганишдан шу маълум бўлдики, терминлар ўртасидаги синонимия икки даврга мансубликда юзага келган. Масалан, ҳозирги вақтда лисоний расмийлашган *қўшимча* терминининг маъноси ва вазифасида тилнинг диахрон даврида *ҳарф, олмош излари, ёпишиқ олмошлар, ишловчи, турлов белгилари, супот белгилари, супотлама, ўхшатқич, туғаллик, феъллама, дуркум турламалари, одот* тарзида ишлатилган бўлса, кейинроқ шу маъно ва вазифада *префикс, аффикс, суффикс* деб ишлатилган. Ҳозирги кунга келиб эса, айни шу маъно ва вазифани ифодаловчи луғавий бирлик *қўшимча* ва *аффикс*[10] шаклариида лисоний меъёрлашган, мазкур

[10]Mahkamov N., Ermatov I. Tilshunoslik terminlarining izohli lug‘ati. – T.: Fan, 2013. – 144 b.

атама мансуб парадигманинг бошқа муқобиллари эса, ўзбек тили лексикасининг фаол луғат қатламидан четлашган. Шунингдек, бу луғавий бирликлар иштирокида ҳосил бўлган *суффикс – қўшимча, фонема – товуш, логик урғу – сўз урғуси, ўзак – асос, негиз – асосдош, турловчи суффикслар – сўз ўзгартувчи қўшимчалар, эгалик келишиги – қаратқич келишиги, инфинтив – феълнинг ноаниқ формаси, точка – нуқта, алфавит – алифбе, апостроф – тутуқ белгиси, улуш сон – тақсим сон* сингари вазифавий-мазмуний микрогуруҳлар (парадигмалар) ҳам луғавий-мазмуний медиоқурилмалар тизимидан узоқлашган.

Мутлақ маънодошлик қаторидаги қайси аъзонинг истеъмоли оммавий тус олиб, расмийлашиши ва қай бирининг пассивлашиб, унутилиши тил қарашли бўлган жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тузуми ва унинг мафкураси билан боғланади. Масалан, шўролар даврининг 40-йилларида ўзбек тилида *скобка, кавичка, кўп точка, точка вергул*[11], *точка, суффикс, фонема, алфавит*[12] ва шу каби луғавий бирликлар фаол ишлатилган, уларнинг *қавс, қўштирноқ, кўп нуқта, нуқтали вергул, нуқта, қўшимча, товуш, алифбе* сингари муқобилларининг истеъмоли чекланган эди. Кейинчалик эса, аксинча, *қавс, қўштирноқ, кўп нуқта, нуқтали вергул, нуқта, қўшимча, товуш, алифбе*[13] каби муқобилларининг истеъмоли қайтадан фаоллашиб ва оммалашиб, уларнинг ўтган асрнинг 40-йилларида фаол бўлган муқобиллари истеъмолига чек қўйилди. Демак, маълум бўладики, атамалар “ҳаёти”да ҳам, лексик бирликлар “ҳаёти”дп кузатилгани каби, мутлақ маънодошлик ва унинг парадигмаси тилнинг ўзгарувчан номутлақ ҳодисалари қаторида бўлади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, синоним ва дублет характеридаги терминлар луғавий тизимнинг луғавий-мазмуний медиоқурилмалари тавсифидаги кўринишларидан бири саналади. Бундай хусусиятга эга бўлган терминларнинг ифода ва мазмун жабҳаларида ўзаро мувофиқлик, мутаносиблик бўлмайди.

Синоним ва дублет характеридаги ҳодисалар шакл ва мазмун номутаносиблигининг (асимметриясининг) парадигматик деб аталувчи турига мансуб бўлади. Бу ҳодисаларда шакл ва мазмун номутаносиблиги шаклий бирликлар миқдорининг маъновий бирликлар миқдорига нисбатан кўплигига асосланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. Изд. 2. – М.: Советская энциклопедия, 1969. – 608 с.

[11]Ғозиев Ҳ. Ўзбек тили грамматикаси. II бўлим. Синтаксис. – Т.: Ўқувпеддавнашр, 1941. – 196 б.

[12]Усмон О., Авизов Б. Ўзбек тили грамматикаси дарслиги. I қисм. – Т., Ўқувпеддавнашр, 1941. – 256 б.

[13] Fitrət. Өzbek tili qaьdalarь togrusьda bir təçribə, Birinci kitab. Sərf. Samarqand – Taşkent: Өzdəvnəşr, 1930. – 42 b. Өzbek tili qaьdalarь togrusьda bir təçribə, Ikkinci kitab. Nəhv. Samarqand – Taşkent: Өzdəvnəşr, 1930. – 38 b.

2. Бердиалиев А., Хидиров Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Хужанд: Раҳим Жалил давлат нашриёти, 2013. 207 б.

3. Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования и русской технической терминологии // Труды МИФЛИ. Т.5. Сборник статей по языковедению. – М.: 1939. – С. 6.

4. Mahkamov N., Ermatov I. Tilshunoslik terminlarining izohli lug‘ati. – T.: Fan, 2013. – 144 b.

5. Реформатский А.А. Что такое термин и терминология // Вопросы терминологии. – М.: Изд. АН СССР, 1961. – С. 46-54.

6. Fitrət. Өzbek tili qaьdalarъ togrusьda bir təçribə, Birinci kitab. Sərf. Samarqand – Taşkent: Өzdəvnəşr, 1930. – 42-b.

7. Fitrət. Өzbek tili qaьdalarъ togrusьda bir təçribə, Ikkinci kitab. Nəhv. Samarqand – Taşkent: Өzdəvnəşr, 1930. – 38-b.

8. Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. – Т.: Фан, 1975. – 612- б.

9. Ғозиев Ҳ. Ўзбек тили грамматикаси. II бўлим. Синтаксис. – Т.: Ўқувпеддавнашр, 1941. – 196-б.

10. Усмон О., Авизов Б. Ўзбек тили грамматикаси дарслиги. I қисм. – Т., Ўқувпеддавнашр, 1941. – 256-б.

11. Ҳожиев А. Ўзбек тилшунослик терминологиясининг ҳозирги аҳволи ҳақида / Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари. I-Республика терминология конференцияси материаллари. – Т.: Фан, 1986. – Б. 7.

ДИНИЙ ЛЕКСИКАНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН

Қўшоқова Барнохон Йўлдошевна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Қадимдан дин инсон ва жамият ҳаётининг маънавий асоси, уни тартибга солиб турувчи пойдевори бўлиб келган. Инсон табиати, ҳайвонот олами билан умумий жиҳатга эга бўлган физиологик майллари, эҳтиёж ва инстинктлари дин воситасида жиловланди, уларга инсоний қиёфа берилди, асл инсонпарварлик моҳиятини, эзгулик, тинчлик ва инсонийлик каби фазилатлар азалий қадриятларимиз ифодаси эканлигини кенг ёритишда диний соҳа муҳим ўрин тутади. Ваҳоланки, ҳозирги кунда жамият ва инсон ҳаётида рўй бераётган ҳар бир воқеа-ҳодисага бугунги кун нуқтаи назаридан қараш, унга замонда юз бераётган ўзгаришлар асосида баҳо бериш заруратга айланди.

Мамлакатимизда илм-фан ва таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган ҳозирги кунда дин ижтимоий ҳаётнинг муҳим омилига айланди, у ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрнини янгилади. Дунёнинг қатор давлатларида дин ўзининг сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилмоқда. Шунга кўра

ҳозирда дунёнинг кўплаб мамлакатлари тилшунослик соҳасида ҳам бу йўналишга катта эътибор қаратилган.

Дини ва диний қарашлар ҳаётнинг ажралмас атрибути сифатида қадимги даврларданоқ инсонларни қизиқтириб келган ва шу туфайли ушбу тушунча тўғрисидаги тасаввурлар табиий фанлар, ижтимоий фанлар, шунингдек, тилшуносликнинг тадқиқот объекти ҳисобланган. Инсон дин нималигини чуқур тушуниши учун динга оид сўзлар ҳақида яхши билиши керак. Ўзбек тилшунослигида шу кунга қадар диний сўзлар таҳлилига кенг тўхталинилмаган.

Ваҳоланки, ҳозирги даврнинг ажралмас бўлаги ҳисобланмиш диний эътиқод ва унинг замон тараққиёти билан олға силжиши диний сўзларнинг ҳаётимиздаги ўрнининг нечоғли муҳимлигини белгилайди.

Тилшуносликда диний сўзларни ўрганиш масалалари XX асрнинг II ярмида кўтарилди. Диний сўз ва атамаларнинг фанининг турли бўлимлардаги тадқиқи муаммолари А.К.Гадомский, Е.Кухарской-Дрейсс, Н.О.Косицына, Е.Ю.Кислякова, Т.Л.Андреева каби тилшунос олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топади..

Ўзбек тилида диний сўзларнинг тадқиқи ҳали етарлича ўрганилмаган. Шунинг учун диний лексемаларни ўрганишда баъзи қийинчиликларга дуч келамиз. Н.М.Улуқов муаллифлигида диний матнларда экзотик лексиканинг тадқиқи, М.Э.Умарходжаевнинг диний услуб ҳақдаги бир қатор илмий мақолалари ва диний терминларнинг қисқача луғати, Ш.Т.Махмараимова олиб борган теоморф метафоранинг когнитив аспектини тадқиқи, М.Р.Галиеванинг дунёнинг лисоний тасвирида диний-мифологик тасвири мавзусидаги докторлик иши, Ш.М.Султоновaнинг муқаддас матнларда замон категориясининг тадқиқи ўзбек тилшунослигида теолингвистика бўйича қилинган саноқли ишлар сирасига киради.

Тилшунослар диний доирадаги турли элементларни ўрганиш билан шуғулланишмоқда: семантикани таҳлил қилади (С.В. Булавина, Л.М. Грановская), алоҳида лексемалар ва сўзларнинг бутун лексик-тематик иевдиний фразеологияни ўрганади (Т.Ф. Сапронова), диний концептларнинг а

Н.О. Косицынанинг фикрига кўра, теолингвистикадаги тадқиқотларни иккита асосий йўналишга ажратиш мумкин: 1) конститутив (диний тилнинг асосий белгиларини ўрганувчи); 2) функционал (диний тил бирликларидан тилнинг ички доирасидаги керакли мақсадларда фойдаланиш) [Косицына, 2009].

А.Ҳожиевнинг сўз семантик структурасига кирувчи лексик маъно ҳам маълум компонентлардан таркиб топади дейди. Б.Потье ва В.Г.Гаклар ишида эса семантик компонентларни архисема, интеграл сема ва дифференциал семаларга бўлиб кўрсатилган.

Диний сўзлар англатадиган маънолар ҳам улар жамият ёки динда тутган ўрнига қараб белгиланиши бу соҳада қилинган ишларда ҳам келтириб ўтилган.

Диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзлар битта умумий тушунча − дин тушунчаси асосида жамланади.

Диний-илоҳий тушунчаларини билдирувчи сўзларнинг лексик майдони асосан олти гуруҳдан иборат: 1. Олий мавқега эга бўлган мавжудотлар ва жой номлари; 2. Диний таълимотлар; 3. Кўнгилда, қалбда мавжуд бўладиган диний туйғулар; 4. Диний ибодатлар, сиғинишлар; 5. Диний ташкилотлар; 6. Диний маросимлар.

Бу олти гуруҳ сўзлари орасидаги умумийлик бу дин тушунчасидир. Агар бу сўзларни семантик таҳлил қиладиган бўлсак, уларда мавжуд бўлган умумийлик ва фарқларни аниқ кўришимиз мумкин. Масалан, биринчи гуруҳ Superhuman beings and regions гуруҳидаги Diety, Angel, Satan, Demon сўзларини оладиган бўлсак, улардаги умумийлик уларнинг "олий мавжудотлиги", "кўзга кўринмаслиги, лекин мавжудлиги", "жонлилиги" дир. Бу уч маъно улардаги интеграл маъно элементларидир. Энди сўзлардаги маъно фарқлилиги (дифференциаллик)га келадиган бўлсак, улардаги мавжуд "олий мавжудотлилик" умумийлиги бир-бирига нисбатан даража жиҳатдан фарқланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, бугунги кунда диний лексиканинг турли хусусий илмий манзаралари яратилмоқда. Бизнингча ҳам, диний лексика ва унинг турлари тадқиқида универсал хусусиятларини аниқлаш орқали асосий моделлар остига бирлаштириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Галиева М.Р. Дунёнинг лисоний тасвирида диний-мифологик тафаккурнинг акс этиши филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати Фарғона – 2019, «Академия ноширлик маркази»,— 78б.

2. Улуқов Н.М. Ўзбек диний матнларининг экзотик лексикаси: филол. фан-ри номзоди дисс. автореферати. –Тошкент, 1997.

3. Умархўжаев М.Э. Ўзбек тили диний терминлар луғати қачон яратилади? http://www.e-adabiyot.uz/adabiyotshunoslik/1219-maqola.html

“ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК” АСАРИДА СИНЕКДОХА ҲОДИСАСИНИ ЮЗАГА ЧИҚАРГАН ЛИСОНИЙ ҚОНУНИЯТЛАР

Розиқова Гулбахор Зайлобидиновна
ФарДУ доценти, ф.ф.н.

Дунё олимлари томонидан эътироф этилган асарлар сирасида “Девону луғотит турк”нинг алоҳида ўрни бор. У ўзига хос асар бўлиб, бу каби асарлар илмий-маънавий меросимиз хазинасида жуда ҳам кам учрайдиган ўта нодир манбалар сирасига киради. Асарда туркий сўз қатламининг кенглиги ва маъно хусусиятининг бойлигини кўрсатиб берувчи алоҳида лексемалар тизими мавжуд бўлиб, бу полисемантик сўзлардир. Луғатда, айниқса, туркий отларнинг кенг полисемантик қаторлари берилган. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит

турк”[14] асарида кўчимнинг метафора, метонимия каби турлари билан бир қаторда синекдоха ҳодисаси ҳам кенг қўлланган.

Ўзбек тилида, умуман, барча туркий тилларда синекдоха ҳодисаси туфайли кўп маъноли сўзларнинг юзага келиши кенг тарқалган бўлиб, бир предметнинг номи бошқа бир предметга қисм билан бутун муносабати асосида кўчирилиши синекдоха (юнонча – назарда тутиш) йўли билан кўчириш дейилади. Адабиётшуносликка оид терминологик луғатларда синекдоха метонимиянинг бир кўриниши сифатида талқин этилади: “Синекдоха кўчимлардан бири, бир предметдан бошқа предметга миқдорий белгилар асосида маънони кўчиришга асосланган метонимиянинг кўринишларидан иборат”[15]. Н.Ҳотамов ва Б.Саримсоқовлар ҳам синекдохага юқоридагига ўхшаш таъриф берадилар: “Метонимиянинг бир кўринишидан иборат кўчим: унда қисм ёки бўлак орқали яхлит, бутун нарса билдирилади ва, аксинча, бутун ҳодиса орқали айрим бўлак ҳақида фикр юритилади”[16]. Синекдоха йўли билан кўчиришнинг ўзига хос хусусияти унинг миқдорий белгига асосланишидир. Бир предметнинг номи сифатида шу предметни ҳам ўз ичига олган бутуннинг номи ишлатилади (бутун орқали қисм англатилади). Асарда *ізлік болса эр өлдімäс, ічлік болса ат јағрїмас – Чориқ бўлса, одамнинг оёғи оғримайди, тўқим бўлса, от яғир бўлмайди* мақоли берилган. Мақолда бутун номининг қисм номи ўрнида қўлланганини кўрамиз, яъни *эр өлдімäс* (одам оғримайди) Аслида *одамнинг оёғи оғримайди* бўлиши керак эди. Лекин бу ифода *одам оғримайди* тарзида берилган. Буни алоқадорлик асосидаги кўчим ҳам дейиш мумкин: шахс ва унинг тана аъзоси ўртасидаги алоқадорлик. Шунинг учун ҳам кўпчилик мутахассислар синекдохани метонимиянинг таркибида кўрадилар. Айрим адабиётларда синекдоха йўли билан кўчириш метонимия йўли билан кўчиришнинг бир кўриниши деб юритилади: “Баъзи адабиётларда метафоранинг бир тури сифатида эътироф этилган синекдоха ҳодисаси, асли метонимиянинг бир кўринишидир. Чунки унда ҳам метафорадан фарқли равишда ўхшашликдан кўра боғлиқлик, алоқадорлик жиҳатлари устун”[17].

Синекдохада бир нарсанинг номи сифатида унга хос бирор қисмнинг номи ишлатилади (қисм орқали бутун англашилади). Ҳозирги ўзбек адабий тилига оид дарсликларда *Беш қўл баробар эмас* мақоли бутун орқали қисм англатилишига мисол қилиб берилади: *қўл* (бутун)- *қўл* (қисм-“бармоқ”: *беш қўл баробар эмас*). Маҳмуд Кошғарий “Девон”ида *эräңäк* сўзи “бармоқ” сифатида изоҳланади ва қуйидаги мақол келтирилади: *бэш эräңäк тўз эрмäс – беш бармоқ баробар эмас.*

[14] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғоти-т-турк. Туркий сўзлар девони. I жилд. -Тошкент, “MUMTOZ SO‘Z”, 2016.
[15]Словарь литературоведческих терминов. – Москва, 1974. – С.351.
[16] Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент, 1983. – Б.296.
[17] Муҳаммаджонова Г. 80-90-йиллар охири ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқиқи. Филол.фан.номзоди ..дисс.автореф. –Т., 2004. Б.19

Ҳозирги ўзбек адабий тилида бу мақолнинг *беш қўл баробар эмас* тарзида ишлатилишини назарда тутсак, илк эски туркий тилда мазкур сўз бутун номи сифатида эмас, балки ўз маъносида қўллангани англашилади. Лекин Кошғарий мақолни изоҳлар экан, "шунга ўхшаш, одамлар ҳам бир-бирларидан фарқ қиладилар" дейди. Бу фикрга асосланилса, *эрäңäк,* яъни *бармоқ* сўзи (қисм) шахс, инсон (бутун) маъносида қўллангани аён бўлади.

"Девон"да *Эtli tïрïңalï эẕірмас – эт ва тирноқ айрилмас* мақоли берилган. Бу мақол *Эт тирноқдан айрилмас* тарзида таржима қилинади. Лекин, тарихий лисоний далиларга асосланиладиган бўлса, у *эт ва тирноқ айрилмас* бўлиши керак. Чунки уюшиқ бўлакларнинг ҳар бири таркибида такрорланиб қўлланадиган ... lі ... lі қўшимчаси тарихан ҳозирги ўзбек тилидаги *ва* боғловчисининг функциясини бажарган. Бу мақолда *эт* ва *тирноқ* сўзлари орқали, яъни қисм орқали бутун (шахс маъноси) ифодаланган.

Синекдоха турли қатламга доир қатор сўзлар доирасида юз беради. Ўсимлик номлари ва уларнинг меваси (ҳосили) ўртасидаги муносабат ҳам синекдоха йўли билан маъно кўчишининг бир усулидир. Туркий тилларда, жумладан ўзбек тилида ҳам, одатда, мевали дарахт ҳамда турли хил резавор ўсимликлар ҳамда уларнинг меваси ёки ҳосилини ифодалаш учун бир хил ном қўлланилади. Масалан, *тўлўг эрўк* (шафтоли), *сарїғ эрўк* (ўрик), *қара эрўк* (олхўри) [1.65], *ўзўм* (узум) [1.68], *армут* (нашвати , олмурут [1.82]), *awja* (беҳи ; бир луғат [диалект] да [1.94]) *алшуж* (бир хил сариқ олхўри), *jағақ* (ёнғоқ) каби номлар орқали дарахт номи ҳам, шу дарахтнинг меваси номи ҳам ифодаланган.

Асарда *кäбäз* сўзи қўлланган бўлиб, бу сўз орқали пахта ҳосилини берувчи ўсимлик (ғўза) ҳам, ўсимлик (ғўза)нинг ҳосили (пахта) маъноси ҳам ифодаланган. Масалан: *кäбäз уруғландї* деганда "ғўза чигитланди" [1.203] мазмуни ҳам, пахтанинг уруғи, чигити чиқарилди, айириб олинди мазмуни ҳам англашилган.

"Айрим сўзлар семантикасидаги ўзгаришлар қисм номининг бутун денотатни англатиши ва аксинча, бутун номи билан денотат қисмини номлаш кузатилади. Масалан, *там* қадимги туркий тилда "девор", уйнинг устки қисми"; "уй" маъноларида қўлланган [1.299]. Бу маънолар ҳозирги туркий тилларда ва шеваларда сақланиб қолган. Айрим туркий тилларда мазкур сўз фарқли маъноларда қўлланади. Жумладан, қозоқ тили шеваларининг жануби-шарқий қисмида *там* "ертўла", шимоли-ғарбий қисмида "қабр" маъноларида ишлатилади. Мўғул тилида бу сўзнинг "тубсиз чуқур" маъноси кузатилади. "Шажарайи тарокима"да *там* ва *эв* сўзлари жуфт қўлланиб, "шаҳар" тушунчасини ифодалаган: *там эв салди* "шаҳар қурди"[18]. "Бобурнома"да *там* икки маънони: объектни ҳамда объектнинг қисмини ифодаловчи лексик бирлик сифатида қўлланган, "уй" маъносида келган: ...тамға ва йиғачқа ошбу тишларини қўйуб,

[18] . Сафаров М. Наблюдения по лексике тюркских языков // Исследования по лексике и грамматике тюркских языков. –Т.: Фан, 1980, – С.126.

зўрлаб йиқитур (Бобурнома, 199, 1); “уйнинг устки қисми”, “кузатиш жойи” маъноларида қўлланган: *Кун тушқа йавуқ тамдин тушуб, менинг қашумға келиб айтадурким, Юсуф даруға келадур* (Бобурнома, 99, 2). *Там* сўзи семантикасида ўзгариш юзага келиб, ҳозирги ўзбек адабий тилида маъно тараққиёти (синекдоха) асосида “уйнинг, бинонинг устини бекитиб турувчи тепа қисми”ни ифодалайди. “Уй” маъноси айрим шеваларда сақланиб қолган “[19].

Хулоса қилиб айтганда, Маҳмуд Кошғарийнинг полисемантик бирликларга берган изоҳи XI аср эски туркий тилда луғавий полисемик бирликлардан унумли ва моҳирона фойдаланилганлигини кўрсатади. Зеро, ҳар қандай тилни бундай бирликларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

НУТҚИЙ АКТ ВА ИНТОНАЦИЯ

Газиева Мафтуна Муҳаммадовна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Аннотация: *Мақолада нутқий актнинг семантик турларига оид мулоҳазалар баён қилинади. Интонация нутқий актни ҳосил қилувчи асосий восита эканлиги кўрсатилади.*

Аннотация: *В статье обсуждаются семантические типы речевого акта. Интонация считается основным средством при выявлении речевого акта.*

Annotation: *The article deals with the discussion of the semantic types of the speech act. The intonation is considered as the main means in revealing the speech act.*

Таянч сўз ва иборалар: *прагмалингвистика, нутқий акт, нутқий акт кўринишлари, интонация.*

Ключевые слова и выражения: *прагмалингвистика, речевой акт, виды речевого акта, интонация.*

Key words and word expressions: *pragmalinguistics, speech act, types of the speech act, intonation.*

Нутқий акт назариясининг умумий масалалари семиологик структура билан боғланади. Нутқий акт нутқ ҳодисаси сифатида ўрганилади. Нутқий акт билан ёки нутқий акт орқали ифодаланган маъно билан сўз ва иборалар маъносини фарқлаш лозим. Нутқий акт орқали ҳам маънолар ифодаланиб, унинг ифодаловчи воситаси гап, матн, нутқ, ифода структурасидаги интонация орқали шаклланади. Масалан, Баҳор келди жумласини уч хил оҳанг билан талаффуз қилиниши “хабар”, “сўроқ”, “ҳаяжон” нутқий актларини юзага келтиради. Савол туғиладики, лексик бирликлар (сўз ва иборалар), фонетик бирлик (интонация), синтактик бирлик (гап) орқали ифодаланган маънолар семиологик нуқтаи назардан семиологиянинг принципларига мос кела оладими, унинг талабларига жавоб бера оладими? Белгилик хусусиятлари тамойилларига кўра шакл ва шакл орқали идрок қилинадиган маъно асос қилиб олиниши керак. Масалан, олма сўзи идрокида унинг образи ва маъноси шаклланади. Бу семиологик принциплар талабига тўлиқ

[19] Dadaboyev X.A., Xolmanova Z.T. Turkiy tillarning qiyosiy-tarixiy grammatikasi. – T.: “Tafakkur bo’stoni”, 2015. B.47.

мос келади ва айни пайтда тил ҳодисаси сифатида эътироф этилади. Фонетик бирлик ҳисобланган интонациянинг белгилик табиати ҳақида гапирилганда тилшунослар орасида икки хил қараш мавжуд. Айрим тилшунослар тилнинг интонацион воситаларини белгининг ифода плани бўлса етарли деган ғоя билан тасдиқлайдилар. Жумладан, тилшунос олим В.Б.Касеевич интонация лисоний белгиларнинг мустақил соҳаси деб таъкидланишини инкор қилади. У ўзининг қарашларида интонация мураккаб белгилар таркибига киришини таъкидлайди. Жумладан, интонация бир неча факторларнинг ўзаро алоқадорлиги натижасида маъно ифодалайди деб таъкидлайди. Бир неча факторларга интонацион, лексик ҳамда синтактик факторларни киритади. Шу маънода Н.Д.Светазарованинг қарашлари муҳимдир. У ўзининг қатор тадқиқотлари натижаси сифатида қуйидаги хулосаларини тақдим қилади. “Гапнинг синтактик структураси, сўз тартиби, лексик-семантика кабилар ифоданинг коммуникатив типларини белгилайди. Ифода структурасида просодик воситаларнинг ўзаро бирикиши натижасида интонация орқали ифодаланувчи маъно кўзга ташланади. Бу турли тиллар юзасидан ўтказилган тадқиқот натижасидир”[1. 9]. Н.Д.Светазарова томонидан таъкидланган бу қоида нутқий актлардир ва айни пайтда бундай қараш интонациянинг белгилик табиатини исботлаб беради. Нутқий актлар нутқий ҳодисалар саналиб, у орқали ифодаланган маънолар гапнинг коммуникатив типларини белгилашда интонацион модель ёки интонема деб юритилади.

“Дж. Остин локутив актни ички фарқланиш белгисига кўра уч гуруҳга ажратади: фонетик, фатик ва ретик актдир. Сўзловчи учун маълум бўлган товушлар талаффузи фонетик акт дейилади”[2. 51]. Шунинг учун ҳам номаълум товушлар талаффузида акцентлашиш пайдо бўлади. Бунда локутив актнинг фонетик принциплари бузилади.

Ўзбек тилшунослигида М.Ҳакимов, Ш.Сафаров тадқиқотлари прагмалингвистиканинг пайдо бўлишида асос бўлиб хизмат қилди. М.Ҳакимов диссертацион тадқиқоти[2]да ҳам, Ш.Сафаров монография[3] сида ҳам нутқий акт масаласи батафсил тадқиқ этилган. М. Қурбонованинг қарашларида “... нутқий актда хабар, сўроқ, буйруқ, изоҳ бериш, кечирим сўраш, ташаккур билдириш, табрик ифодалаш каби турли нутқий ҳаракатлар амалга оширилади” [4. 9] деб таъкидланади. Шунингдек, айнан болалар коммуникатив фаолиятида кўп учрайдиган нутқий акт кўринишларини семантик жиҳатдан қуйидаги турларга бўлади: “...хабар, сўроқ, илтимос, буйруқ, ундаш, кечирим, ваъда, истак, талаб, таклиф, рад этиш, орзу-ҳавас, миннатдорчилик, огоҳлантириш нутқий актлари” [4. 32] дир.

“Нутқий акт сўзловчининг муайян коммуникатив мақсадига бўйсундирилгани боис унинг турли кўринишлари фарқланади. Хусусан, буйруқни ифода этувчи нутқ кўриниши буйруқ нутқий актини, сўроқни ифода этувчи нутқ парчаси сўроқ нутқий актини, истакни ифодаловчи нутқ кўриниши истак нутқий актини ҳосил қилади. Манбаларда нутқий актнинг хабар қилиш, истакни баён

этишга қаратилган нутқий акт, мажбурият акти, ижтимоий этикет кўринишлари, эмоционалликни ифодаловчи актлар, маъқулловчи, таъқиқловчи, нутқни тўхтатувчи акт каби турлари қайд этилади" [4. 15] деб эътироф этилади. Бу ўринда нутқий акт турлари гапнинг коммуникатив типларига мос равишда ажратилиши, бизнингча, мақсадга мувофиқдир. Хусусан, буйруқни ифода этувчи нутқ кўриниши буйруқ гап интонацияси орқали буйруқ нутқий актини, сўроқни ифода этувчи нутқ парчаси сўроқ гап интонацияси орқали сўроқ нутқий актини, истакни ифодаловчи нутқ кўриниши эса истак гап интонацияси орқали истак нутқий актини ҳосил қилади. Шу ўринда дарак гаплар интонацияси бўйича ўз тадқиқотларини олиб борган Д.Ниёзов[5. 65] ифоданинг дарак кўринишининг "соф дарак, хабар, эълон, тасдиқ жавоб, инкор жавоб, даракда санаш, номлаш, луқма" каби саккиз турини ажратади. Демак, нутқий акт турларини ажратишда ҳам гапнинг коммуникатив типлари ва уларнинг ички кичик турлари асосида тасниф қилиш лозим. Бу эса нутқий актларни ифодаловчи асосий восита интонация эканлиги кўрсатади.

Нутқий акт маъно бўладиган бўлса, уни ифодаловчи восита мавжуд бўлиши керак. Нутқий актларни ҳосил қилувчи асосий восита бу интонация бўлиб, у нутқий акт турларини фарқлашга ҳам хизмат қилади. Бу жараёнда овознинг паст-баландлиги, оҳангнинг ўзгариши, темпнинг тез-секинлиги, паузанинг узун-қисқалиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Нутқий актнинг қуйидаги кўринишлари фарқлаш мумкин: **Хабар нутқий акти:** *– Ёлғон гувоҳлик бериш қонун бўйича жазоланажагини эслатиб қўймоқчиман, - деб гап бошлади Зоҳид* ***расмий оҳангда****. (Тоҳир Малик Шайтанат 2, 87-бет)***Сўроқ нутқий акти:** *– Яна нима бўлди, Раҳмонқул чегачининг қизи? –* ***сал норози оҳангда*** *сўради Турғунбой ота. (Абдуқаюм Йўлдош Дарё – 192-бет)* **Буйруқ нутқий акти:** *Меҳмонхона эшиги "ғийқ" этиб очилди. Ичкаридан чиқиб келган Меҳри хола аввал Одинага, кейин Шарофатга қараб "уят" дегандай бетини чимчилади, сўнг атайин* ***кўтаринки оҳангда, баланд овозда*** *буйруқ берди: - Овқатни сузавер, келин. (Абдуқаюм Йўлдош Дарё – 135-бет)* Бадиий матнда нутқий актларга ишора қилувчи ва ҳар бир актга хос бўлган хусусиятларни ёритишга хизмат қилувчи ёзувчи томонидан изоҳланган лексик воситалар ҳам мавжудки, бу бирликлар аниқ хулосалар чиқариш имконини беради. **Огоҳлантириш нутқий акти:** *– Қўлингдан келганини қил, тўрткўз! –* ***беписанд оҳангда*** *гапирди Бердиқул. – Хоҳласанг, ҳозир мен билан биттама-битта чиқ. Эзиб ташлайман! (Абдуқаюм Йўлдош Дарё – 151-бет)* **Талаб нутқий акти:** *Жавлон* ***жиддий оҳангга*** *ўтди: - Одилова, сичқон-мушук ўйинини бас қилинг. (Абдуқаюм Йўлдош Дарё – 171-бет).* **Ундаш нутқий акти:** *Дилобар* ***самимий оҳангда*** *гапида давом этди: - Йўғ-э, сизни "ўртоқ терговчи" деб атайманми. Ноқулай-ку. Дилобар* ***тагдорроқ оҳангга*** *ўтди: - Сизнинг соҳангизда ҳам яхши-яхши акахонларимиз ишлайди.. ўртоқ терговчи. Бир қўнғироқ қилиб қўйсам...(Абдуқаюм Йўлдош Дарё – 110-бет)* **Истак нутқий акти:** *Гулноза тўсатдан қизини маҳкам қучиб олди ва йиғи аралаш* ***титроқ овозда***

<u>шивирлади</u>*: - Кетамиз, қизим...кетамиз. (Абдуқаюм Йўлдош Дарё – 59-бет).* **Таклиф нутқий акти:** *Дарвоза ёнида турган "Тез ёрдам" машинасига яқинлашганлари маҳал Дониёр* ***<u>пастроқ овозда холага мурожаат қилди</u>****: - Гап-гап билан-у, лекин барибир отахонни касал.. э, шифохонамизга бир обормасангиз бўлмайди, хола. (Абдуқаюм Йўлдош Дарё – 57-бет).* **Илтимос нутқий акти:** *Ҳозирдан сенга айтиб қўяй, агар мен қайтиб келмасам, муштипар онамнинг ҳолидан хабардор бўлиб юр! – деди* ***<u>бўғилган овози билан</u>****. (Жўржий Зайдон Фарғона келини – 205-бет).*

Таҳлилда нутқий акти ва овознинг ўзгариши билан қаҳрамон руҳий ҳолати яққолроқ намоён бўлади. **Миннатдорлик нутқий акти:** *Қиз* ***<u>бўғиқ овоз билан</u>****: - Худога шукур, бу балодан мени қутқазиш учун сизни етказди. (Жўржий Зайдон Фарғона келини – 145-бет)* Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, нутқий актни ифодаловчи асосий восита бу интонациядир. Қолган лексик, фразеологик, синтактик бирликлар интонация билан биргаликда нутқий вазиятни юзага чиқишида хизмат қилади. Шунингдек, нутқий актнинг семантик турлари нутқ вазиятига мувофиқ ўзгариши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Светазарова Н.Д. Интонационная система русского языка. – Ленинград: Изд-во ЛГУ, 1982.
2. Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2011.
3. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
4. Қурбонова М. Ўзбек болалари нутқининг прагмалингвистик аспекти. – Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2018.
5. Ниёзов Д. Дарак гаплар интонацияси//Ўзбек тили ва адабиёти 1968, 5-сон, 64-67-бет.

MAKTAB, AL VA KHK DARSLIKLARIDA OT SO‘Z TURKUMINING YORITILISHI

E.Ibragimova, FarDU dotsenti,
Sh. Nuraliyeva, Quvasoy pedagogika kolleji o'qituvchisi

Ma'lumki, ot predmet va predmetlik tushunchasini ifodalaydigan so‘z turkumidir.

Umumiy o‘rta ta'lim maktablari darsligida otga: "Shaxs,narsa-buyum, joy nomlarini bildirib, kim?,nima? qaer? so‘roqlariga javob beruvchi mustaqil so‘z turkumidir", deb ta'rif beriladi. Otlar son, kelishik va egalik qo‘shimchalari bilan qo‘llanadi. Gapda otlar bosh va ikkinchi darajali bo‘lak, shuningdek, undalma vazifasida kelishi haqida ma'lumot beriladi .

Otlar birlik va ko‘plik sonda qo‘llanadi. Ko‘plik otlarga -lar qo‘shimchasini qo‘shish bilan hosil bo‘ladi(bola-bolalar).

Otlar ma’no munosabatiga ko‘ra atoqli va turdosh otlarga bo‘linadi va ularga quyidagicha ta’rif beriladi: “Bir turdagi narsa-buyumlarning nomini bildirgan otlar turdosh otlar deyiladi”. Masalan:qishloq,choynak,aka,daraxt.

Ayrim shaxs yoki buyumga atab qo‘yilgan nomlar atoqli otlar deyiladi.Kishilarning ism,familiYasi, joy hamda hayvonlarga atab qo‘yilgan nomlar, gazeta, jurnal, kitob kabilarning nomlari atoqli otlardir. Masalan: “Toshloq tumani”, “Gulxan” jurnali, Olapar, Mustaqillik kuni. Atoqli otlar doimo bosh harflar bilan yoziladi .

Darslikda atoqli otlarning quyidagi turlari keltiriladi:

1) joy nomlari;
2) shaxs nomlari;
3) tashkilot, korxona, muassasa nomlari;
4) suv havzalari nomlari;
5) tarixiy sana va bayram nomlari.

Turdosh otlar ham 4 guruhga tasnif etiladi:

1) shaxs otlari;
2) narsa otlari;
3) o‘rin-joy otlari;
4) faoliYat-jarayon otlari.

Otlar tuzilishiga ko‘ra 4 turga bo‘linadi: 1) sodda; 2) qo‘shma; 3) juft; 4) takroriy.

SHuningdek, maktab darsligida kelishik hamda egalik qo‘shimchalari haqida ham ma’lumot berilib, quyidagicha ta’riflangan:

“Otlarga qo‘shilib, ularni o‘zidan keyin kelgan boshqa so‘zlarga tobelantirib bog‘lab keladigan qo‘shimchalarga kelishik qo‘shimchalari deyiladi”. Qolaversa, tilimizda 6 ta kelishik mavjudligi,ularning 5tasida qo‘shimchasi borligi (-ning, -ni, -ga, -da, -dan) haqida ma’lumot berilib, mashqlar tahliliga o‘tilgan .

Otlardagi egalik qo‘shimchalari haqida esa, darslikda quyidagicha ta’rif berilgan: “Otlarning 3 shaxsdan biriga qarashli ekanligini bildirgan qo‘shimchalarga egalik qo‘shimchalari deyiladi. Egalik qo‘shimchalari qo‘shilgan ot, albatta o‘zidan oldingi otning qaratqich kelishigida kelishi talab etiladi” .

K va q undoshlari bilan tugagan otlarga egalik qo‘shimchalari qo‘shilganda, qanday eshitilsa, o‘shanday yozilishi, ba’zan k undoshi g tovushiga, q undoshi g‘ tovushiga o‘zgarishi haqida ta’rif berilib, quyidagi misollar asosida yoritib berilgan: tuproq-tuprog‘i, terak-teragi. Ayrim so‘zlarda bunday o‘zgarish yuz bermasligi xaqida ham ma’lumot beriladi: huquq-huquqi,idrok-idroki...

O‘g‘il, burun, shahar kabi otlarga egalik qo‘shimchasi qo‘shilganda, ikkinchi bo‘g‘indagi i, u, a unlilari tushib qolish holati kuzatiladi hamda o‘g‘li, burni, shahri kabi yoziladi.

Akademik litseylar o‘quvchilari uchun darslikda otning ma’no munosabatiga ko‘ra turlari hamda tuzilishiga ko‘ra turlari haqida nazariy ma’lumotlar berilmaydi.

A. Nurmonov, A. Sobirov, N. Qosimovalar tomonidan Akademik litseylar va kasb-hunar kollejlarining 2-bosqich talabalari uchun Yaratilgan “Hozirgi o'zbek adabiy tili

”darsligining to'ldirilgan va qayta ishlangan 4-nashrida ot va uning uslubiy xususiYatlari quyidagi holatda o‘rganilgan:

Borliqdagi narsa va hodisalarning, afsonaviy tushunchalarning nomi ot turkumiga mansub. SHuningdek, otlarning turdosh va atoqli otlarga bo‘linishi, son (birlik-ko‘plik), egalik va kelishik shakllariga, shuningdek, ba’zan erkalash — hurmat shakllariga.

Otlar son-miqdor ma’nosiga ega va u birlik yoki ko‘plik shakllari orqali ifodalanadi. Birlik nol ko‘rsatkich (maxsus grammatik ko‘rsat- kichning yo‘qligi)ga ega.

Ko‘plik -lar qo‘shimchasi orqali ifodalanadi. Bunga morfologik yo‘l deyiladi. Masalan, uylar, do‘stlar, binolar. SHuningdek, birlikdagi ot oldidan birdan yuqori bo‘lgan sanoq sonlarni yoki daraja-miqdor ravishlarini: ko‘p, ancha kabi so‘zlarni qo‘shish yordamida ham ko‘plikni ifodalash mumkin. Bunga esa sintaktik yo‘l deyiladi. Masalan, ko‘p odamlar, yigirmata maktab, ancha yillar kabi.

Shuni ta’kidlash kerakki, ko‘plik shakli sanaluvchi -lar otlarga qo‘shilib doimo ko‘plikni bildiravermaydi. U birlik ma’nosini o‘zgartirmasligi ham mumkin. Bu vaqtda -lar hurmat, tasviriylikni kuchaytirish, ta’sirchanlikni oshirish ma’nolarida qo‘llaniladi. Masalan, ko‘zlarimga ishonmayman. («O‘ttkan kunlar») Bu jumladagi ko‘zlarimga so‘zini birlik shaklga — ko‘zimga shakliga almashtirib ko‘ring. Ikkinchi holat bilan birinchi holat bir xil ma’noni — birlik ma’nosini (bir kishining ko‘zini) ifodalasa ham, lekin bu ikki holat ta’sirchanlik, ifodalilik belgisiga ko‘ra bir-biridan farq qiladi. Birinchisida yuqoridagi belgilar bor, ikkinchi holatda esa yo‘q. Yana solishtiring:

Bolalarning shovqinidan boshlarim og‘rib ketdi — Bolalarning shovqinidan boshim og‘rib ketdi. Har ikki holatda ham bir kishining boshi haqida fikr yuritiladi, lekin birinchi gapda boshlarim so‘zidagi -lar ko‘plikni bildirmasdan, bosh so‘zining ma’nosini kuchaytirish, ta’kidlash vazifasini bajaradi. Bunday ma’no esa ikkinchi holatda yo‘q.

Donalab sanalmaydigan narsa va hodisalarni bildiruvchi otlar birlik shaklda kelsa ham, aslida jamlikni bildiradi. Masalan, Ko‘chaga qum to‘kilgan yoki Ariq to‘la suv, ichgani tashna, bolam.

Bunday so‘zlar ko‘plik shaklini olganda ko‘pincha narsa va hodisaning xilma-xil ekanligini bildiradi. Suvlar (gazli suv, mineral suv kabi); bozordagi unlar. Ba’zan tasviriylik, ifodalilikni kuchaytiradi: ko‘z yoshini artdi - ko‘z yoshlarini artdi.

Ko‘plik atoqli otlarga qo‘shilganda o‘zi qo‘shilgan otning ko‘pligini emas, balki uning boshqalar bilan birgalikda ekanligi yoki geografik nomlarga qo‘shilganda shu geografik joyning kengroq, atrofdagi joylar bilan birlikda ekanligini bildiradi: Olimjonlar kelishdi (bir nechta Olimjon emas, Olimjon va uning Yaqinlari); Mirzacho‘llar obod bo‘ldi (Mirzacho‘l 7 va unga Yaqin joylar).

Qarindoshlik bildiruvchi so‘zlarga ko‘plik shakli qo‘shilib hurmat ma’nosini bildiradi. Bunday vaqtda egalik qo‘shimchasi bilan birgalikda qo‘llaniladi. Qaysi shaxsdagi egalik qo‘shimchasi bilan qo‘llanilishiga ko‘ra ko‘plik va egalik qo‘shimchalarining o‘rinlashishi farqlanadi:

1. II shaxs egalik qo‘shimchasi bilan kelganda ko‘pincha egalik qo‘shimchasi oldin, ko‘plik qo‘shimchasi esa undan keyin keladi: Masalan, Dadamlar keldilar. Opamlar salom aytdilar. Agar bu tartib o‘zgarib, ko‘plik shakli oldin, egalik keyin kelsa, shaxsning ko‘pligini ifodalash mumkin: Qiyoslang: Opalarim kelishdi.

2. Ko‘plik shakli. III shaxs egalik qo‘shimchasi bilan birgalikda qo‘llanilganda, ko‘plik shakli oldin, egalik shakli esa keyin keladi va ko‘plik shakli hurmat ma’nosini ifodalaydi. Masalan, Xayriniso, dadamning opalari bo‘ladilar.

Shuningdek, darslikda ot so‘z turkumining nutqimizda qay darajada ishtirok etishi, ona tilimizni boyitish va sofligini saqlash uchun nimalarga e’tibor qaratish lozimligi haqidagi matnlar tahlilga tortilgan:

O‘zbek tiliga Davlat tili maqomining berilishi faqat o‘zbeklar uchungina emas, balki respublikamiz hududida Yashayotgan barcha millat vakillari uchun ham katta ahamiYatga ega. CHunki bu qonun o‘zbek tilini Davlat tili sifatida e’tirof etish bilan birga, respublikamizda to‘p bo‘lib istiqomat qilayotgan boshqa xalqlar tillarini ham himoYa qiladi.

Bundan tashqari, «YAxshi so‘z — muxtasar» mavzusida matn berilib, ot so‘z turkumining matnda ishlatilishiga e’tibor qaratilgan:

Bir donishmanddan shogirdlari:

— Nima qilsak tinch va rohatda umr kechiramiz? — deb so‘radilar.

Donishmand:

— Hech qaerda hech kimga birorta so‘z so‘zlamang, sukut eting, — deb javob berdi.

Shunda shogirdlari:

— Axir, doim sukut etib yuraveramizmi, bu mumkinmi? Boshqacha yo‘l ko‘rsating! — dedilar.

Donishmand shunday maslahat berdi:

— Sukut eta olmasangiz, so‘zlang, lekin qisqa va ma’noli so‘zlang, og‘zingizdan sira ham nojo‘Ya so‘z chiqmasin. YOmon so‘z tinglovchining ko‘nglini xira qiladi, bundan saqlaning. Bayt:

YAxshi so‘zdan ko‘rasan mehr-u vafo, Nomunosib so‘zlasang, etgay jafo.

Ha, til bo‘lsa ham, bo‘lmasa ham — boshga balo. SHuning uchun donishmandlar so‘zni doriga o‘xshatadilar. «Ortiqchasi zarar keltiradi», — deydilar. Bu fikrni ulug‘ bobokalonimiz YUsuf Xos Hojib o‘zining «Qutadg‘u bilig» nomli ilk turkiy badiiy asarida shunday bayon etgan:

Tilingni avayla — omondir boshing, So‘zingni avayla — uzaYar yoshing. Kishi so‘z tufayli bo‘ladi malik, Ortiq so‘z qiladi va boshni egik.

Bu fikrlar bundan o‘n asr ilgari aytilgan. SHundan buyon bu mavzuda Yana qanchadan qancha durdona fikrlar dunyoga keldi, ammo odamlarning SO‘Zga bo‘lgan munosabati hamon turliligicha qolmoqda. Buning boisini XX asr shoiri Tolib Yo‘ldosh shunday izohlaydi:

Bir so‘z bilan har kishi o‘zligini ko‘rsatar, So‘z gavharin ko‘pincha dono olar, ko‘r sotar.

Afsuski, o‘zlarining bo‘lar-bo‘lmas gaplari, mahmadonaiiklari bilan kishilarning asabiga tegadigan va, eng muhimi, ularning sog‘lig‘ini, qimmatli vaqtlarini o‘g‘irlaydiganlar hali ham kam emas. Duch kelgan kishiga qalbini ochiq maktubday yoyib yuradigan bunday kimsalarga ko‘cha-ko‘yda ham, oshxona va majlislarda ham, bazm-u jamshidlarda ham tez-tcz duch kelib turamiz.

Alisher Navoiy bunday kishilarni kechalar tong otguncha tinmay huradigan itga o‘xshatadi va davom etib yozadi: «Oz gapirmoq hikmatga sabab; oz emoq — sog‘liqqa sabab. Og‘ziga kelganni demoq — nodonning ishi va oldiga kelganni emoq — hayvonning ishi». Bayt:

«Ko‘p demak birla boimagil nodon, Ko‘p emak birla boimagil hayvon».

Demak, inson har qanday sharoitda ham kerakli so‘zlarnigina aytishi, tiliga ortiqcha erk bermasligi lozim. (S. Mo‘minov)

So‘zlash odobiga oid quyidagi maqollarni ham bilib oling:

«Gap egasi bilan yurmaydi», «So‘zlaganing kumush bo‘lsa, tek turganing — oltin», «Saqlangan so‘z sof oltin», «Aytmasdan burun so‘zga sen ega, aytgandan so‘ng senga so‘z ega», «Aytar so‘zni ayt, aytmas so‘zdan qayt», «Arzimagan gap og‘izda qolsin!» kabi ibratli misollar yordamida talabalar bilimi mustahkamlangan. Bundan tashqari, otning ma’no turlari, otlarning Yasalishi, otlarning egalik va kelishik qo‘shimchalari bilan turlanishiga mashqlar berilib, talabalarning bilimi mustahkamlangan.

LINGUO-CULTURAL ASPECT OF INTERRELATION OF LANGUAGE AND CULTURE

Zafarbek N. Abdusamadov, UzSWLU,
General linguistics department

Investigations show that linguocultural aspect of linguistic science appeared at the beginning of the XX century and gradually ousted country study. As it is known, linguoculturology studies interrelation of language and culture, but being different from culture-oriented linguistics, the main attention is focused on the linguistic aspect in this article.

Supporters of linguocultural approach to the understanding of disciplinary status of linguoculturology, demonstrate its general genetic roots, linked with linguistics, associating it with the appearance of linguistic doctrines worked out by Humboldt, Bundt, Shukhardt, Potebnya and others. Within this didactic approach Prokhorov considers that culture of a country is considered as a constituent part of communicative necessities of learning the language, extra linguistic basis of speech situations and realized intentions in it. "The aim of leaching is to supply communicative competences of the learners" (Prokhorov, 96).

The subject of linguistic culturology is language as the realization of the start of creative spirits of the human being, as the reflection of cultural values of ethnic society,

and the central problem is the problem of learning the language picture of the world, peculiar for each language collective (Vorobyov, 45). As Vorobyov affirms, deepening of semantics till the level of "subject syntagmatics" supplies ability to analyze verbalized act of culture as the unity of language and out of language (extra-linguistic) essence. Accordingly, linguoculturology is directed to the analysis of out of language contents of culture as well, giving advantage to the last notion.

As to Prokhorov in linguoculturology more abstract level of description of the problem of mutual relationship of language and culture is given. Nevertheless the author puts the teaching of culture in the first place, but alongside with it, he indicates the necessity of complex consideration of three criteria: 1) language, criterion including frequency of usage of language units, taking the given borders into consideration; 2) acquainting criterion, being realized in the understanding of teaching-methodical purposefulness; 3) culturological criterion, surmising to take the degree of importance into account, and urgency of the information from the position of knowledge of the given field.

In accordance with this, we may come to the conclusion that during the teaching of a foreign language in an auditorium, the usage of linguocultural approach is a must, because linguocultural information becomes a necessary communicative part of the competence of the student, specific manner realized in the semantics of language unit. Linguocultural knowledge makes forming linguocultural competence, as a part of communication, necessary. Linguoculturologic competence includes study of linguoculturology, phenomenon of culture, but not the phenomenon of language.

The nature of humanitarian science itself surmises a special type of "culturological" methodology, including variety of "language games" with obligatory presence of narrative,elements. It is worth mentioning that such a methodology is not usual and is a very understandable means. It is not a logical understanding, and in itself is a notion of a key is not something abstract or taken as to analogy, but first of all concretely formalizing, but not determining exactly, and adjoining the self-peculiarity of the object and occurrences. Such ordinary notions are close to the modem cultural "conception", able to be actualized in different "contexts".

On the basis of linguocultural methodology lies ordinary notion of special type: "concepts of word-forming" which do not turn into abstract notions and are enriched, thanks to lively, but not "theoreticalized" narration, the search of culture in facts is just the sense of life. In this plan several methods of linguoculturology can be distinguished:

1) diachronical method based on comparative analysis of different linguocultural units as to the lime; 2) synchronic method, comparing simultaneously existing linguoculturological units; 3) structural-functional method, surmising division of the objects of culture into parts and discovering links among the parts; 4) historical-genetic method, oriented to the study of linguocultural facts from the point of view of its formation, development and its further fate; 5) typological method, aimed at discovery of typologically closeness of different linguocultural units, created during historico-

cultural process; 6) on the basis of comparative-historical method lies the comparison of original linguocultural units as to the time and analysis of their essence.

We support the idea on the linguoculturology telling that linguistic approach to the phenomena of culture in no case can be considered as something of "transition" of terms of culturology to the linguistic terms, but with structurally more exact approach to culture as something like semantic whole. All the great ideas can be uttered by a man or by the people only by its self belongingness and all the genious ideas are only in the bosom of national experience, spirits and wisdom. Judging by how a man trusts, how he prays, how he does his praying, how and in what speech examples the man's honour, sense of duty appear, how he sings, reads poems, it is possible to determine to what nationality the person belongs. We must mention that all this depends not only on the conscious behavior of a man, but also on the spiritual state of the person which appears unconsciously.

The list of the used literature

1. Cherneyko, D. (2003). Linguaculture and cognition. Moscow.
2. Teliya, V. N. (2008). Linguaculturology—the key to new reality. Langage. Culture. Communication. The collection of scientific works.
3. Vorobyov, V. V. (1997). Lingua-culturological principals of presentation of educational material. The problems of concentrism, Moscow

ОРОГРАФИК ОБЪЕКТЛАР НОМЛАНИШИДА ТОҒ КУЛЬТИ ТУШУНЧАСИНИНГ МОТИВЛАНИШИ

Бегимов Одил Тўхтамишович
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
“Ўзбек ва рус тиллари” кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди

Аннотация. Маълумки, инсонлар қадим замонлардан тоғларни муқаддас, илоҳий куч-қудратга эга деб тушунишган ва уларга сиғиниб келганлар. Бу ҳодиса, яъни тоғ культи оронимларда ҳам ўз аксини топган. Мақолада оронимларда тоғ культи ҳодисасининг намоён бўлиши Жанубий Ўзбекистон материаллари асосида тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: ороним, тоғ, культ, илоҳийлик, муқаддас, баландлик, чўққи, тепа.

Аннотация. Известно, что люди с древних времён считали, что горы имеют сверхестественные силы, поэтому преклонялись им. Это явление называемое горным культом выполняло своего рода мативационную задачу при наименовании орографических объектов. В статье исследованы явления горного культа в оронимах на материалах Южного Узбекистана.

Ключевые слова: ороним, гора, культ, сверхестественность, святой, возвышенность, пик, холм.

Тарихий моддий ва ёзма манбалардан маълумки, инсонлар қадим замонлардан, яъни диний тасаввурлар пайдо бўлган даврлардан бошлаб, тоғларни ҳам муқаддас, илоҳий куч-қудратга эга деб тушунишган ва уларга сиғиниб келганлар. Бу ҳодиса, тоғли ҳудудларда яшаган халқларда, айниқса, кенг тарқалган. Шу сабабли тоғларни илоҳийлаштириш, яъни тоғ культи оронимларда ҳам ўз аксини топган.

Жанубий Ўзбекистон орообъектларини номланишида ҳам тоғ культи тушунчасининг мотивланишини кузатиш мумкин. Маҳаллий халқлар тоғларни муқаддас билиб, уларни ўз тиллари доирасида “буюк”, “юксак”, “қудратли” каби тушунчаларни ифодаловчи сўзлар билан аташган. Бундай сўзлар таркибли оронимларнинг бир компоненти бўлиб келиб, тоғларни илоҳийлиги, муқаддаслигига ишора қилади.

Культ тушунчаси мавжуд бўлган оронимлар сирасига асқар компонентли номларни киритиш мумкин. Ўзбек адабий тилида асқар сўзи апельятив сифатида қўлланилмайди. У фақат киши исмлари (Асқар, Асқарали, Асқаржон, Асқарбой) ва орографик объект номлари таркибида сақланиб қолган. Халқ нутқида Асқартоғдай бўй берсин; Асқартоғдай гердаймоқ; Асқартоғдай тилай, қирдай (фарзанд) берсин иборалари бор. Халқ оғзаки ижодининг маҳсули бўлган «Ойсулув», «Орзигул», «Алпомиш», «Балогардон», «Муродхон» каби достонларда Асқар тоғ атамаси кўп такрорланади. Шунингдек, халқ достонларида тоғ ақсаси бирикмаси тоғ чўққиси, тоғнинг баланд нуқталари маъносида қўлланганлигини кўриш мумкин. Наманганнинг Янгиқўрғон, Қирғизистоннинг Янгийўл туманлари ўзбеклари нутқида тоғ асқаси (тоғ усти, тоғнинг ба¬ланд жойи) бирикмаси мавжуд. Асқар, асқа тарихан ўзакдош сўз[5,18].

Асқар умумтуркий тилларга хос бўлган сўз бўлиб, қорақалпоқ тилида — баландлик, чўққи, юқори, юксаклик [3, 54]; қозоқ тилида — жуда баланд тоғ, ўтиб бўлмас тоғ, кўчма маънода таянч, суянчиқ [2, 45]; қирғиз тилида — ўтиб, ошиб бўлмас, юксак қояли тоғ [6,74] тушунчаларини англатади. Шунингдек, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз тилларида асқар тау, асқар тау, аскар тоо, асқар таш бирикмалари мавжуд бўлиб, улар жуда баланд, усти доимо қор билан қопланувчи тоғ, энг юксак тоғ маъносини англатади. Муғул тилида асга~аска — тош уюми, тошни уйиб қилинган баландлик [4,145]. Ўтмишда бундай тош уюмлари муқаддас саналган. Асқа//асқар сўзлари тоғ культини ўзида сақлаб қол¬ган бўлиб, у буюклик, юксаклик(яъни, Тангрига яқинлик), абадийлик тимсоли тушунчаларини ўзида намоён этади.

Асқартоғ бирикмасидаги асқар сўзининг улкан, юксак, юқори, жуда баланд маънолари, ўз навбатида, киши исмлари ва бошқа турдаги жой номла¬рига ҳам ўтган. Умуман олганда, ҳозирги шакли асқар бўлган бу сўз дастлаб, ер рельфининг баландлиги, юксаклигини ифодаловчи орографик характердаги атама бўлган. Кейинчалик, у тоғ, чўққи ва бошқа турдаги баландликларни ифодаловчи индикаторларга қўшилиб, баландлик белгисини кучайтирувчи аниқловчи

сифатида қўллана бошланган. Халқ оғзаки ижодида учрайдиган Асқар тоғ образи аниқ бир тоғ номи бўлмай, балки баланд, юксак, муқаддас тоғларнинг умумлашган образи ҳисобланади. Шундай қилиб, Жанубий Ўзбекистон оронимиясида асқар компонентидан ташкил топган қуйидаги номларни учратиш мумкин.

Асқартепа — Яккабоғ туманидаги тепа. Баланд, юксак, теварак-атрофидаги баландликлардан анча юқори бўлган тепа.

Асқарчўққи — Яккабоғ туманидаги чўққи. Бошқаларига нисбатан баланд бўлган чўққи.

Асқарширам — Деҳқонобод тумандаги баландлик (Оқбош). Шу типдаги бошқа баландликлардан фарқ қилиб, ажралиб турувчи юксак дўнглик (ширам). Ширам — шевада бир томони тик жарлик бўлиб, бошқа томонлари яссироқ ёки қиялик бўлган чўзиқ баландлик. Бу термин фақат деҳқонободлик тоғликлар нутқида бор [5,19].

Мазмунида илоҳийлаштириш, муқаддаслаштириш тушунчаси сингдирилган оронимлардан яна бири Боботоғ ҳисобланади. Бу Денов, Шўрчи, Сариосиё туманларининг шарқидаги тоғ номи бўлиб, у кейинчалик Сариосиё(Хуфар), Шўрчи(Оқтумшуқ) туманларига қарашли қишлоқ номларига ўтган. Қишлоқ номи тоғ номи асосида юзага келган, яъни оронимдан ойконим вужудга келган. Бобо — катта, улкан, буюк, улуғ, муқаддас. Боботоғ — катта, улуғ, муқаддас тоғ(қиёсланг: Помир қадимги туркий тилда Тангритоғ деб номланган. Бу тоғ культи билан боғлиқ [5,36]. Умуман олганда, бобо сўзи ўзбек тилида ўзига хос қўлланиш хусусиятларига эга. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида бу тўғрида қуйидаги маълумотларни ўқиш мумкин: Бобо [ф. ота; бува; оқсоқол] 1. Отанинг ёки онанинг отаси(набирага нисбатан). 2. (фақат кўплик шаклида) Ўтмишда яшаб ўтган қариндош кишилар, аждодлар. 3. Ҳурмат юзасидан қариялар номига қўшиб ишлатилади(Хожи бобо). 4. Азиз-авлиёлар номига қўшиб ишлатилади(Шайх Зайниддин бобо, Занги бобо). 5. тар. Ўтмишда Бухоронинг катта даҳаларини назорат қилувчи бош миршаб унвони. 6. фольк. Оқсоқол, отахон. Камбағаллар Тоғайни бобо кўтарган эди. У камбағалларга бош бўлиб турган эди. “Рустамхон”. 7. Бобо(эркаклар исми) [7, 291-292].

Бобо сўзи деҳқон сўзига қўшилиб, бободеҳқон шаклида ҳам қўлланилади. Бу ҳолда сўз, биринчидан, деҳқончилик касбининг устаси, моҳир, тажрибали кекса деҳқон тушунчаларини ифодаласа, иккинчидан, Ўрта Осиё халқлари орасидаги ривоятга кўра, деҳқончилик ҳомийси, пири тушунчасини ифодалаб келади[7,292]. Шунингдек, бу сўз тоғ сўзи билан қўшилиб, боботоғ шаклида апеллятив сифатида қадимий ва улуғ тоғ маъносида қўлланилади. Гужум маддасидек қўлларинг қадоқ, Бироқ боботоғдек қадди тик, мардсан. Миртемир, Асарлар[7,292].

Яккабоғ тумани ҳудудига қарашли Масхара (чўққи) номида ҳам тоғ культи тушунчасининг мотивланишиш ҳодисасини кузатиш мумкин. Бу ном тарихий тузилишига кўра мас+хара шаклидаги қўшма сўз. Ном таркибидаги иккала сўз ҳам

келиб чиқишига кўра қадимги эроний тилларга тегишли луғавий бирликлар ҳисобланади. Номнинг биринчи компоненти бўлиб келган мас сўзи “тоғ, баландлик” маъноларига эга.

Фикримизча, оронимнинг иккинчи компоненти бўлиб келган хара сўзи нисбатан қадимий ҳисобланиши ҳам мумкин. Бу фикрни маълум бир жиҳатдан “Авесто” китобида келтирилган Хара ороними ҳам тасдиқлагандай бўлади. У асарда замин куррасини иҳота қилган афсонавий тоғ силсиласи сифатида кўрсатилган. Демак, бу номга асос бўлган хара сўзи замирида “муқаддас тоғ, тош” тушунчаси ётади. Шунингдек, асарда “хар-баразайти” атамаси ҳам келтирилган бўлиб, у “юксак хара” маъносида таржима қилинган[1, 347]. Демак, Масхара - “баланд тоғ, юксак чўққи” маъноларини касб этади. Бу ном замирида “юксаклик, улуғворлик” маънолари орқали илоҳийлик, муқаддаслик туйғулари сингдирилган.

Хулоса қилиб айтганда, Жанубий Ўзбекистон орообъектларини номланишида ҳам тоғ культи тушунчасининг ўзига хос тарзда мотивланишини кузатиш мумкин. Маҳаллий халқлар тоғларни муқаддас билиб, уларни ўз тиллари доирасида “буюк”, “юксак”, “қудратли” каби тушунчаларни ифодаловчи сўзлар билан номлашган. Бундай сўзлар таркибли оронимларнинг бир компоненти бўлиб келиб, тоғларнинг илоҳийлиги, муқаддаслигига ишора қилади.

Адабиётлар:

1. Авесто (Тарихий-адабий ёдгорлик). Тошкент: “Шарқ” нашриёти, 2001. –Б. 184.
2. Казахско русский словарь. Алма-Ата, 1954. –С. 471.
3. Каракалпакско-русский словарь. М., 1958. –С. 892.
4. Монгольско-русский словарь. М., 1957. –С. 715.
5.6. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимияларининг изоҳли луғати . –Т.: Ўқитувчи, 1988.-290 б.
6. Юдахин К.К. Киргизиско-русский словарь. М., 1965. –С. 973.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А. Мадвалиев таҳрири остида(2006-2008). Ziyouz.com kutubxonasi.

СЕМИОТИЧЕСКАЯ И СЕМАНТИЧЕСКАЯ РЕАЛЬНОСТЬ В ИНТЕРНЕТ-ЖУРНАЛИСТИКЕ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ

Равшанов Махмуд,
профессор кафедры Узбекского и иностранных языков
Навоийского государственного горного института,
доктор филологических наук.
Равшанов Бахром Махмудович,
студент Узбекского государственного университета
журналистики и массовой коммуникации.

Семиотический подход основан на отождествлении информационно коммуникативного цифрового пространства с языком в целом, а точнее с

семиотической и семантической реальностью. Наиболее уместным здесь будет применить термин семиосфера, разработанный Ю. М. Лотманом в семиотической культурологии. По мотивам Ю.М. Лотмана содержание семиосферы определяются с различными научными мотивами. Эти явления семиосферы одновременно и семиотическое пространство, что почти тождественно культуре, и комплекс условий делающих возможной коммуникацию.

Ю. М. Лотман определил этот процесс следующим образом:

Представится себе что, в качестве единого пространственного цифрового мира, взятого в синхронном срезе, зал музея, где в разных витринах выставлены экспонаты разных эпох, надписи на известных и неизвестных языках, инструкции по дешифровке, составленные методистами пояснительные тексты к выставке, схемы маршрутов экскурсий и правила поведения посетителей, и представим все это как единый механизм» [1.43-49].. Мы получим образ семиосферы. При этом не следует упускать из виду, что все элементы семиосферы находятся не в статическом, а подвижном динамическом состоянии, постоянно меняя формулы отношения друг к другу.

В исследованиях М.Равшанова концепции «Язык и реальность» с онтологической точки зрения по иной модификациях. «Реальность – одно из важнейших наиболее широких понятий, которое присутствует во всем человеческом знании. Поэтому понятие «реальность» разрабатывается в философии с момента ее возникновения, и до сих пор оно носит дискуссионный характер» [2.43-49]. Однако проблема реальности чрезвычайно широка и выходит за пределы поставленной нами данной темы: В источниках рассмотрены глагольные лексемы в финитной и инфинитной формах на следующем примере:

«Шундай ўтиришларнинг бирида ҳаво ***айниб қолди****: қоп-қора, хунук увада булутлар тепамизни бир зумда қоплаб олди-да, тухумдек-тухумдек дўл* ***ёга бошлади****» (Шукур Холмирзаев)*.

Инфинитная и финитная формы сводятся к определению реальности в языковых ситуация «бесконечность»и «конечность». Определяется бесконечность как предметный мир, а конечность как языковая ситуация. Финитность и инфинитность в европейской лингвистической литературе интерпретируются как грамматические глагольные категории [3.102-143]. онтологической позиции определяются данные проблемы.

Процесс цифровой семиотики требует другой научный подход. Эти явления семиотики в кибернетике и интернетой сети, компьютерной и корпусной технологии требует другой подход. По этому нами разработаны в исследованиях исскуственная семиотика, то есть на основе искусственных языков. Исскуственная семиотика точно подходит к Интернету – журналистики. Семиосфера Интернета и Интернет-журналистики может быть определена как тождественная, а точнее структурно подобная информационно-коммуникативному пространству[3.47-106]. Это означает, что между социальными отношениями внутри и вне сети

существует взаимно однозначное соответствие. То есть все возникающее в сети есть отражение складывающихся в обществе отношений. Интернет не изобретает, а проявляет то, что было не так заметно.

Следовательно, интернет-журналистика – все та же журналистика, пусть и вышедшая на принципиально другой уровень своего бытования. Возвращаясь к обсуждению понятия «информационно-коммуникативное пространство», следует сказать, что на сегодня не существует однозначного его понимания. Вкладываемый в него смысл определяется языковой интуицией и контекстом словоупотребления [4.104-178].

Таким образом, последнее подчеркнем особо, поскольку значение этого понятия и возможность работы с ним полностью зависит от задачи и от того контекста, в котором эта задача решается. Если поставлена задача описания интернет-журналистики, то этот термин может быть использован и в понимании информационной среды, и в понимании семиосферы, и в понимании пространственно распределенных источников информации и коммуникации [4.104-178].

Литература

1. Лотман Ю.М., Успенский Б.А. О семиотическом механизме культуры // Учен. зап. Тарт. гос. ун-та. 1971. Вып. 284. 349 с.
2. Равшанов М. Семиологоческая и лексикографическая характеристика номинативных единиц. Автореферат дисс на соискание учен.степени док филол.наук. Фергана. 2019. 72 с.
3. Сепир Э. Коммуникация. М., 1993.Наука. 237 с.
4. Ким М.Н. Жанры современной журналистики: Учеб. пособие. М., 2004. 379 с.

ВОПРОСЫ СОЦИАЛЬНОЙ КОММУНИКАЦИИ В ЦИФРОВОМ ОБЩЕСТВЕ И ПРОСТРАНСТВЕ

Равшанов Махмуд,
профессор кафедры Узбекского и иностранных языков
Навоийского государственного горного института,
доктор филологических наук.
Равшанов Бахром Махмудович,
студент Узбекского государственного университета
журналистики и массовой коммуникации

Информационное цифровое общество определяется в научных источниках, *работающих занято производством, хранением, переработкой и реализацией информации, особенно высшей её формы — знаний людей*. До этой стадии определены разными исследователями *развития цифрового общества и цифровой экономики* имеют следующие характерные черты:

-увеличение роли информации, знаний и информационных технологий в жизни цифрового общества;

-возрастание числа людей, занятых информационными технологиями, коммуникациями и производством информационных продуктов и услуг, рост их доли в валовом внутреннем продукте;

-нарастающая информатизация цифрового общества с использованием телефонии, радио, телевидения, сети Интернет, а также традиционных и электронных средств массовых информаций;

-создание глобального информационного пространства, обеспечивающего, эффективное информационное взаимодействие людей, их доступ к мировым информационным ресурсам, удовлетворение их потребностей в информационных продуктах и услугах, развитие электронной демократии и электронной экономики, электронного государства, электронного правительство, цифровых рынков, электронных, социальных и хозяйствующих сетей [3.29-104].

Таким образом, по мнениям исследователей западных государств информационно - цифровое общество является *примером самовоспроизводящейся и самореферентной системы*. Формой существования и самоописания цифрового общества является *социальная коммуникация*, то есть, цифровая журналистика. Особенно французского исследователя Жан-Франсуа Лиотар по данным проблемам характерно следующие обоснование. Он рассматривал «цифровое общество как систему дискурсивных практик. Современные развитые цифрового общества он определяет как «постмодерн»[2.96-114].

При этом социальность приобретает характер дискурсивной разнородности, в основании которой лежат языковые игры — «минимальные отношения для существования общества». И в работах другого исследователя Пьера Бурдье «цифровое общество представляет собой совокупность отношений, складывающихся в различные поля, каждое из которых имеет специфические типы власти (политика, образование, наука, философия, журналистика и т. д.)»[1.102-161].

Таким образом, цифровое коммуникация представляется в виде сложного процесса, организующего социокультурное цифровое пространство. С помощью процессов коммуникации общество создает окружающую среду – информационно-коммуникативное пространство, устанавливая границу между коммуникациями, с одной стороны, и человечеством – с другой.

Настоящее время средства массовой информации, как системы обработки информации, информационно-коммуникативные технологии превращают каждое событие, попавшее в «повестку дня», в глобальный фактор человеческих отношений. Современное состояние информационной среды в человеческом обществе качественно отличается от ее состояния. Эта специфика требует соответствующего отражения на понятийном уровне, поскольку сегодня

потенциальную глобальность приобретает любая информационная единица, попадающая в мировую телекоммуникационную и компьютерную сеть[4-32-35].

Именно это и оправдывает допущение цифровой пространственности информации и коммуникации. Иногда мы точно не дифференцируем цифровой общество и цифровое пространство. В наших других исследованиях и анализах работ по Интернету-журналистике разработанные нами различие цифрового общества и пространства. Эти дифференциации очень характерны и важны для Интернета-журналистики.

Таким образом, действительно и коммуникация, и информация приобретают фундаментальный характер, который заставляет придавать этим понятиям онтологический (бытийный) статус. В связи с этим необходимо обсудить варианты использования понятия «информационно-коммуникативное пространство». Определенное и точное содержание могут иметь только частные его трактовки, построенные на идеализированных информационных пространств.

Литература

1. Бурдьё Пьер. О телевидении и журналистике / Пер. с фр. Т. Анисимовой, Ю. Марковой; Отв. ред., предисл. Н. Шматко. М.: Фонд научных исследований «Прагматика культуры», Институт экспериментальной социологии, 2002. 167 с.
2. Лиотар Ж.-Ф. Состояние постмодерна. СПб., 1998. 129 с. Перевод с французского языка Н. А. Шматко.
3. Интернет-СМИ: Теория и практика / под ред. М.М. Лукиной. М., 2010. С.29-104
4.Калмыков А.А., Конвергентные трансформации поля медиа. Новая информационная парадигма. // Журналистика XXI века: современное состояние и прогнозы развития. Материалы Всероссийской научно-практической конференции / Под ред. М.Н. Кима. СПб.: Издательство СЗИУ РАНХиГС, 2013 — с. 83. С. 32—35.

НОВЕРБАЛ ТИЛНИНГ ЎЛЧАМЛАРИ

Хошимова Наргис Абдуллаевна
филология фанларидан фалсафа доктори (PhD)
ФДУ, инглиз тили ўқитиш методикаси кафедраси

Аннотация. *Мазкур мақолада паралингвистик воситаларнинг ўлчами ҳақида маълумот берилади ва буларнинг ўзига хос жиҳатлари намоён бўлади.*

Калит сўзлар ва иборалар: *новербал, паралингвистик воситалар, ўлчам.*

Аннотация. *В данной статье даются сведения об измерениях паралингвистических средств, выделяются особые их свойства.*

Ключевые слова и выражения: *невербальный, паралингвистические средства, измерение.*

Annotation. *The given article presents the information on the dimensions of the paralinguistic means and their peculiar features are distinguished.*

Key words and expressions*: nonverbal, paralinguistic means, dimension*

Гендер масалаларининг тадқиқида тилнинг новербал имкониятлари ниҳоятда долзарб бўлиб, улар бир неча соҳалар объектига кириши мумкин. Биринчи навбатда, новербал тил гендер тилшунослик йўналишида, иккинчидан, психолингвистика ва семиотика йўналишларида кенг таҳлил этилади. А.Нурмонов паралингвистик воситалар масаалаларининг тадқиқи лингвомаданиятшунослик фани таркибида вужудга келганлигини эътироф этган [1,213]. Кўриниб турибдики, эркак ва аёлларнинг новербал тили, яъни паралингвистик воситалари тилшуносликнинг бир неча йўналишларида тадқиқ этилади. Бугунги кунда новербал мулоқот тури ўзининг турли ўлчамлари билан ифодаланади. Лекин тилнинг новербал ўлчамлари изоҳи ва сони турли тадқиқотчи ҳамда олимлар томонидан фарқланади. Масалан, ғарб тилшунос ва психологлари буларни қуйидагича ифодалашади:

1. Жисмоний кўриниш – инсонларнинг кийиниши, тақинчоқлари, тана ва юз тузилишига асосан тадқиқ этилади. Инсоннинг тана ва юз тузилишига қараб характерини ифодалаш антик давр Арасту томонидан тадқиқ этилган. Ҳозирги кунда психология йўналиши шу даражада кучайиб, киши кийимига қараб, унинг табиати ва характерини ифодалаш имкониятлари назарий ва амалий тадқиқотлар орқали ифодаланиб берилмоқда.
2. Проксемика – шахсий ҳудуд. Маълумки, ҳар қайси шахснинг ички шахсий ҳудуди бўлиб, улар турли омилларга асосан фарқланади. Шаҳар ва қишлоқ жойларида яшовчиларнинг, турли маданиятга тааллуқли шахсларнинг, аёл ва эркакларнинг шахсий ҳудуди фарқланишига доир қатор илмий ишлар бағишланган. Осиё халқлари жамоавий, ғарб халқлари эса индивидуал яшаш тарзи билан ажралиб туради. Шу туфайли проксемика ифодаси дунёнинг икки тарафига мансуб ҳалқларда фарқланади.
3. Мимика – ҳиссиёт ва муносабат ифодалайдиган новербал восита. Талдқиқотчилар инсоннинг юзида акс этадиган 6 асосий эмоцияни ажратган: бахт, хайрат, қўрқув, ғамгинлик, жаҳл, нафрат [2].
4. Имо-ишоралар ва тана холатлари – бевосита инсон онги билан боғланган бўлиб, мулоқотни бошқаради.
5. Кинетик воситалар – қўл бериш, саломлашиш, елкага дўстона уриш каби иш ҳаракатлар ушбу паралингвистик ўлчамига киритилади. Айрим ҳолатда турли эмоциялар кинетик воситалар орқали гавдаланади, масалан, жаҳли чиққанда мушт билан уриш.
6. Окулесика (кўз контакти) – кўз контакти орқали инсон ҳар қайси ҳис-туйғусини, инсоннинг доминант ёки тобе ҳолатини ҳам ифодалаш мумкин.
7. Овоз такти - интонация, овоз тембри, урғу, паузаларни, яъни суперсегмент воситаларни ўз ичига олади.
8. Хронемика – вақт ўлчами. Ҳар қайси инсон ўзининг ички вақти ўзгачалиги ва у бошқа инсонларнинг ички вақти билан мос келмаслиги билан

ажралиб туради. Бундан ташқари, вақт ўлчами турли миллатларда ҳам фарқланиши мумкин.

А.Нурмонов паралингвистика доирасига коммуникацияда иштирок этадиган барча суперсегмент воситалар, имо-ишора ва мимикаларни киритиш зарурлигини таъкидлаб кетган [1,213]. Булардан ташқари мулоқот учун муҳим бўлган паралингвистик воситаларга биз окулесика, проксемика ва кинетика каби паралингвистик ўлчамларни киритишни тавсия этамиз. Юқорида келтирилган паралингвистик воситаларнинг 8 ўлчамидан биз мулоқотда иштироки мухим бўлмайдиган жисмоний кўриниш ва хронемика кабиларни киритмадик. Албатта, ташқи кўриниш инсон ҳақида анчагина маълумот беради. Лекин, бизнинг фикримизча, ташқи кўриниш, яъни одам кийиниши, ўзини тутиши, юз ва тана тузилиши кўпроқ шахснинг ички дунёси хақида маълумот беради.Ташқи кўриниш тадқиқи орқали шахс психологик жиҳатдан тадқиқ қилиниб, унинг характери, темпераменти ифодаланиб берилади ва тилнинг экстралингвистик воситаси сифатида изоҳланади.

Мулоқотни тўлдирувчи паралингвистик воситалар миллатга хос тилнинг хусусиятларини кўрсатиши билан ажралиб туради ва муомала маданиятини ифодалайди. Шунингдек, гендер тили тадқиқида ҳам эркак ва аёлларга хос паралингвистик воситаларнинг ўзига хос жиҳатлари намоён бўлади. Айниқса, Европа ва Осиё тилларининг қиёсий тадқиқида паралингвистик воситалар кескин фарқланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Нурмонов А.Танланган асарлар. –Тошкент: “Академнашр”, 2012.–Б.213
2.Erkman, P. *Emotion in the Human Face*, 2nd ed. Cambridge: Cambridge University Press. 1982

ОБ ОРФОГРАФИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЯХ ПРАВОПИСАНИЯ ТАДЖИКСКИХ ЗАИМСТВОВАНИЙ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

М.Т.Зокиров, к.ф.н, доцент,
С.М.Зокирова, PhD, старший преподаватель
Ферганский государственный университет

В течение многих веков узбекский народ находился в тесных взаимных связях со многими народами. В результате словарный фонд узбекского языка пополнился многочисленными иноязычными заимствованиями. Особенно плодотворное и заметное влияние на узбекский язык оказали таджикский, арабский и русский языки. Определение орфографии заимствованных слов считается одним из сложных лингвистических процессов. В этой связи мы хотели бы высказаться о правописании таджикских заимствований в узбекском языке.

В средние века значение персидско-таджикского языка в качестве господствующего письменного литературного языка оказало большое влияние на

тюркский письменный литературный язык. В результате в узбекский язык были заимствованы многочисленные таджикские лексические единицы. Идентичное правописание многих таджикских заимствований в обоих языках можно объяснить влиянием письменного литературного тюркского языка на узбекский язык.

Такие слова как *баҳор, осмон, офтоб, дарахт, барг, гул, баҳо, хона, шамол, бемор, кам, чала, балки, агар* использовались для обеспечения поэтического благозвучия, поэтому большинство из них считаются поэтизмами.

В связи с тем, что таджикские слова проникали в узбекский язык в основном через устную разговорную речь, доля таджикских слов, относящихся к повседневной бытовой лексике составляет 27,9 % от числа соответствующей общей лексики узбекского языка.[20]

Каждый заимствующий язык в процессе освоения заимствованных слов приспосабливает их к своей фонетической системе. Соответствующий процесс в той или иной степени произошёл и с таджикскими заимствованиями в узбекском языке. Анализ таджикских заимствований в узбекском языке показывает, что в узбекской орфографии они в основном передавались на основе фонетического принципа.

Ряд таджикских заимствований были подчинены орфоэпическим и орфографическим нормам узбекского языка. Изменения, произошедшие в произношении слов, были закреплены и на письме.

Изменения гласных звуков:

1. широкие и средние гласные перешли в узкие: А) а→и: *бародар→биродар, каркадон→каркидон.* Б)е→и: *парешон→паришон, зиреҳ→ зириҳ, абера→абира, андеша→андиша, гелос→гилос, даҳлез→даҳлиз.* В) ў→у*: андўҳ→андуҳ, гўрўҳ→гуруҳ, гўгирд→гугурт, мўҳр→муҳр, рўҳ→руҳ, сўҳбат→суҳбат, тўмор→тумор;*

2. лабиализованные гласные делабиализовались:

а) о→а*: андова→андава, калхот→калхат, пойтоба→пайтава, озмоиш→азмойиш;*

б) у→и: *кокул→кокил, гармдору→гармдори, дорухона→дорихона;*

3. средние гласные стали широкими:

е→а: *шамбе→шанба, душамбе→душанба, дуредгор→дурадгор;*

4. Узкие гласные подверглись редукции: *олуча→олча.*

II. Изменения согласных звуков:

а) звонкие согласные в узбекском языке имеют свойство оглушаться в конце слов. *чўб→чўп, пўлод→пўлат, бадтар→ баттар;*

б) некоторые звонкие звуки в анлауте слов также оглушаются:

жойи шаб→ чойшаб;

[20] Гафурова Л.Х. Бытовая лексика современного узбекского языка. Т., 1991, стр-96.

в) иногда происходить обратный процесс глухие согласные заменяются на звонкие: *бечиз → бежиз, хишт → ғишт;*

г) в некоторых словах взрывные согласные подвергаются спирантизации: б→в: *кисабур→кисавур, лўбиё→ловия, мошоба→мошава, пойтоба→пайтава;* п→в: *чор по → чорва;*

д) наблюдается замена в некоторых словах губных согласных на переднеязычные согласные: м→н: *шамбе → шанба, тамбал → танбал.*

III. Исторически в таджикском языке звук ***қ*** отсутствовал, он появился под влиянием узбекского и арабского языков[21]. Поэтому использование звука ***қ*** в таджикских заимствованиях представляет само по себе очень интересный фонетический процесс. Факты показывают что в этих словах исконно таджикские фонемы были заменены на звук ***қ***. Например: а) г→ қ: *деҳгон → деҳқон, хонагоҳ → хонақа; б*) к→ қ: *коғаз→ қоғоз.*

Некоторые заимствования так сильно фонетически изменились, что совершенно удалились от своего эквивалента на исходном языке. Для такого рода слов характерно слово *варрак***.** Это вариант произношения и написания таджикского слова *бодпаррак* существующий в ферганских диалектах узбекского языка. В хорезмских диалектах это слово произноситься как *бодрак.* Вариант соответствующий таджикскому языку можно встретить в бухарских диалектах узбекского языка. Следовательно эволюцию данного слова в узбекском языке можно изобразить следующим образом:

бодпаррак → бодрак→ варрак[22]

Точно также в орфографических правилах узбекского языка закреплены следующее написание таджикских заимствований подвергшихся сильным фонетическим изменениям в узбекской разговорной речи: *рўбарў(й) → рўпара, кафш → кавуш, бачагона → бачкана.*

В таджикских словах где встречаются подряд несколько согласных звуков произошло выпадение некоторых из них. Здесь сыграли свою роль законы экономии и удобства произношения: *ангуштвона→ангишвона, кўршабпарак→кўршапалак, панжшаха→паншаха, панжшанбе→пайшанба, рўймол→рўмол.*

О сильном взаимовлиянии узбекского и таджикского языков свидетельствует также широкое использование в узбекском языке таджикских изафетных конструкций. Передача изафетных конструкций в узбекской орфографии также имеет ряд особенностей.

В связи с тем, что ряд словосочетаний заимствованных из таджикского языка подверглись лексикализации, они воспринимаются и пишутся как одно слово: *Пой*

[21] Раҳмонбердиев К. Ўзбек тили контактлари. Т., Фан, 1989, 36-бет.
[22] Ш. Шоабдураҳмонов ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., 1980, 128-бет.

това→ пайтава, калон муш→каламуш, пойи тахт→пойтахт, чор по→ чорва , як дона →ягона.

По нашему мнению, такие большие фонетические изменения таджикских слов в узбекском языке связаны с тем, что носители узбекского языке не знают мотивационной основы этих слов, их внутренней формы. Например, внутренняя форма слова "*калон муш" (крыса)* - *"большая мышь",* а слова *"бодпаррак" (воздушный змей)* - *бод+паридан (ветер+летать),* то есть эти слова состоят из двух лексем, чего основная часть носителей узбекского языка не знает.

В заключении можно сделать вывод о том, что для таджикских заимствований проникших в узбекский язык посредством литературного языка приняты историко-традиционный и морфологический принципы, а для слов пришедших через устную речь приняты фонетические принципы орфографии написания слов.

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КОРПУСИНИНГ ТАРИХИЙ АСОСИ

Манзура Абжалова Абдурашетовна
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Навоий давлат кончилик институти.
E-mail: manzura_ok@mail.ru
[1] Doctor of Philosophy in Philology, Navoi State Mining Institute.
[1] Доктор философских наук по филологии (PhD),
Навоийский государственный горный институт

Аннотация. *Ўзбек тилшунослиги ривожланишнинг янги йўлига кирган, жаҳон тилшунослигидаги илғор анъаналарни тадқиқ қилиб, ўз йўналишига сингдираётган даврда унинг бўлими (айрим адабиётларда компьютер / амалий тилшунослик бўлими) ҳисобланмиш корпус лингвистикасини яратиш тамойилларини тўғри белгилаш ва муаммоларни кўрсата билиш катта муваффақиятлар сари қўйилган салмоқли қадамдир. Информацион оламнинг кенгайиши ва инсонларнинг матн билан боғлиқ жараёнда қулайликка ҳамда тезкорликка интилиши натижасида Миллий корпусга эҳтиёж ошмоқда.*

Мазкур мақолада ўзбек Миллий корпусининг тарихий асослари борасида сўз юритилади.

Калит сўзлар: *корпус, матн, тўплам, Миллий корпус, тарихий асос, туркий тил, статистик метод.*

Abstract. *At a time when Uzbek linguistics is entering a new path of development, studying and absorbing the advanced traditions of world linguistics, correctly define the principles of corpus linguistics and identify problems is a significant step towards great success. The need for a National corpus is growing as the information world expands, and people are striving for convenience and speed in the text process.*

This article discusses the historical foundations of the Uzbek national corps.

Keywords: *corpus, text, collection, national corpus, historical basis, Turkish language, statistical method.*

Ко́рпус – бу маълум бир тилда матнларни электрон шаклда тўплашга асосланган ахборот-маълумот тизими. Аниқроқ айтганда, тилшуносликда корпус тилни ўрганиш учун асос сифатида қўлланиладиган маълум қоидаларга мувофиқ танланган ва ишлов берилган матнлар тўпламидир. Улар статистик таҳлил қилиш ва фаразларни текшириш, муайян тилда тадқиқотлар олиб бориш учун асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Миллий корпус тилни унинг маълум бир босқич ёки босқичларида ва турли жанрлар, услублар, ижтимоий ва диалектал холатларда намоён этади. Шунга кўра унинг даврий нашрлар корпуси, муаллифлик корпуси, поэтик корпус, диалектал корпус, синтактик корпус каби кўринишлари мавжуд.

Корпус тилшунослиги матн корпусларини шакллантириш, уларни яратиш тамойилларини тадқиқ этиш, улардан фойдаланиш билан шуғулланадиган тилшунослик бўлими ҳисобланади.

Корпус, энг аввало, сўзларнинг матнда қўлланишини кўрсатувчи мисоллар массиви эканлиги билан лингвистик тадқиқотлар учун аҳамиятли ҳисобланади. Корпус ёрдамида сўзларнинг қайси семантик категорияга мансублигини аниқлаш, ҳар бир категориядаги маъноси билан танишиш мумкин. Семантик изоҳга эга корпус лингвистик тадқиқотларда морфологик ва семантик амаллар бажариш учун материал тўплаш имконини беради. Шу нуқтаи назардан корпус илмий-амалий аҳамиятга эга динамик ҳаракатдаги лингвистик мажмуа ҳисобланади.

“Корпус” атамаси 1960-йиллардан тилшунослик оламига кириб келган бўлса, тил корпуси ва корпус таълимоти дунё тилшунослари оламига XX асрнинг 80-йилларидан ҳисоблаш техникаси тараққиёти билан қадам қўйди[23]. Браун университети мутахассислари томонидан яратилган Браун корпуси морфологик белгиланган (разметкаланган: разметка – белгиланма) электрон матнлар фондига эга биринчи инглиз корпуси ҳисобланади. Шундан сўнг турли тилларда матнларнинг машина фонди – корпуси яратила бошланган. 1970-йилларда эса мазкур корпус модели асосида рус тили статистик луғати яратилган.

Туркий тилларга мансуб матнларни статистик методлар асосида лингвистик таҳлил қилиш соҳасида Р.Г.Пиотровский, М.А.Махмудов, А.А.Пиотровская, Т.Садиков ишлари диққатга сазовордир[24]. Ўзбек тили материаллари бўйича компьютер лингвистикасига оид дастлабки тадқиқотларни олиб борган олимлар Ҳ.Арзиқулов, С.Ризаев ва С.Муҳамедовлардир[25]. Улар, асосан, компьютер лингвистикасининг статистик таҳлил йўналишлари бўйича назарий ва амалий

[23] https://ru.wikipedia.org/wiki/Корпусная_лингвистика

[24] Пиотровский Р.Г. и др. Методы автоматического анализа и синтеза текста. Минск.: Высшая школа, 1985.; Махмудов М.А., Пиотровская А.А., Садыков Т. Система системного анализа и синтеза тюркской словоформы / Переработка текста методами инженерной лингвистики. – Минск, 1982.

[25] Ризаев С. Ўзбек тилининг лингвостатистик тадқиқи: Филол. фан. док. ...дисс. автореф. – Т., 2008. –50 б.; Шу муалл. Ўзбек тилшунослигида лингвостатистика муаммолари (монография). Т.: Фан. 2005.; Мухамедов С.А. Статистический анализ лексико-морфологической структуры узбекских газетных текстов: Автореф. дис. …канд.филол.наук. – Т. 1980. –25 с.

ишларни амалга оширишган. Ҳ.Арзиқулов ўзининг “Информатика и переработка текста средствами вычислительной техники” номли монографиясида компьютер ёрдамида **катта ҳажмдаги матнларга ишлов беришнинг автоматик тизими** асосларини таҳлил қилган. С.Муҳамедов ва Р.Пиотровский ҳаммуаллифлигидаги асарда сунъий интеллект яратиш ва инженер лингвистикаси методлари билан ўзбекча нутқни автоматик қайта ишлаш жараёнида фойдаланиш учун зарур бўлган ўзбекча матнларнинг лексик-морфологик тузилиши статистик таҳлили натижалари келтирилган. С.Ризаевнинг “Кибернетика ва тилшунослик” асарида эса тилшуносликда аниқ методларнинг қўлланилиши, бунда компьютердан фойдаланиш, тил ва нутқ ҳодисаларига статистик ёндашишнинг сабаблари, матнларни автоматик қайта ишлаш, машина таржимаси муаммолари, шунингдек, ҳарфларнинг қўлланилиш частотасини аниқлашда компьютернинг ўрни борасидаги маълумотлар келтирилган[26]. М.К.Айимбетов статистик методлардан фойдаланган ҳолда туркий тиллар – ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқ тиллари морфологиясини моделлаштириш орқали уларнинг қариндош тиллар эканлигини исботлаб, ушбу тилларнинг квантитатив типологиясини ишлаб чиққан бўлса, Исхакова Х.Ф. туркий тилларнинг формал морфологиясини тадқиқ қилиш бўйича самарали изланиш олиб борган[27].

Частотали луғатларни яратиш корпус тадқиқотларининг энг кенг тарқалган дастурларидан бири бўлиб, тил маълумотларини қайта ишлаш ва тақдим этишни ривожлантиришнинг қайд этилган босқичлари билан чамбарчас боғлиқ[28].

Тадқиқотларни амалга ошириш учун лингвистик манба – матнлар мажмуаси, аниқроқ айтганда, матн корпуси шакллантирилган. Умуман, лингвистик тадқиқотлар учун материал вазифасини бажарган картотекалардан йирик матнлар тўпламига ўтилиши ва уларнинг ҳисоблаш техникасида рақамлаштирилиши натижасида ўзбек тилшунослигида XX асрнинг 80-йилларидан ўзбек матнлари корпуси юзага келган, ундан тил ва нутқ бирликлари ҳақида квантитатив маълумотлар, лексема, сўз шакллари, грамматик шаклларнинг частотасини аниқлаш, турли даврларда частоталар ва контекстларнинг ўзгаришини кузатиш, лексик бирликларнинг биргаликда учрашиши ҳақида маълумот олиш учун фойдаланилган.

[26] Ризаев С. Кибернетика ва тилшунослик. Т., 1976. –Б.16.

[27] Айымбетов М.К. Проблемы и методы квантитативно-типологического измерения близости тюркских языков (на материалах каракалпакского, казахского и узбекского языков): Автореф.дисс. …д-ра филол.наук. – Т., 1997. –47 с.; Он же. Квантитативная типология тюркского текста (сборник избранных статей). – Нукус.: Илим. 2012.; Исхакова Х.Ф. Исследования в области формальной морфологии тюркских языков (на материале татарского литературного языка в сопоставлении с турецким и узбекским): Дис. канд. филол.наук. – М., 1972.

[28] Копотев В., Мустайоки А. Современная корпусная русистика. / Инструментарий русистики: корпусные подходы. – Хельсинки, 2008. – Стр. 13.

ЛИНГВИСТИК ПРАГМАТИКАНИНГ ХУСУСИЙ МАСАЛАЛАРИ

Қурбонова Сайёрахон Махамадалиевна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори,
ФарДУ катта ўқитувчиси

Аннотация. *Мақолада лингвистик прагматиканинг хусусий масалалари парадигмаси ҳақида илмий қарашлар баён қилинган.*

Аннотация. *В статье даны научные воззрения о парадигме лингвистической прагматики.*

Annotation. *The scientific views on the paradigm of linguistic paradigmatics are givenin the article.*

Калит сўзлар*: лингвистик прагматика, хусусий масала парадигма, лингвисик восита, нутқ субъекти, шахс хусусиятлари.*

Ключовые слова*: лингвистическая прагматика, особенность, лингвистическое средство, субъект речи, свойство личности.*

Key words*: linguistic paradigm, peculiarity linguistic means, speech subject, features of a person.*

Тил масалалари таҳлилига прагматик ёндашувнинг майдонга келиши ва ўрганилиши фаннинг янги тараққиёт босқичига қадам қўйганлигини белгилайди. Прагматик ёндашувнинг бошқа таҳлил усулларидан фарқи шундаки, унда хусусийликдан – умумийликка тамойили билан бирга умумийликдан – хусусийликка механизми ҳам иш беради. Яъни жонли нутқда алоҳида ажратилган жиҳатлар тилнинг умумий қоидаларини белгилашга асос бўлгани ҳолда улардан фойдаланишда доимо хусусийлик белгиси – тил имкониятлари асосида шаклланган нутқ ўрганилади. Бу эса тилшуносликда тадқиқотлар учун янги бир майдонни вужудга келтирадики, унда муайян тилнинг имконият даражаси луғат таркиби ва грамматик қоидалар ҳолатида эмас, балки реал мулоқот вазияти асосида ўрганилади. Бунда “шахснинг лисоний имкониятдан амалий фойдаланиши сўзловчи ҳамда тингловчи хусусияти, нутқ мақсади, нутқ турлари, шакли, нутқий стратегия ва тактика каби қатор нолисоний омиллар билан яхлитликда намоён бўлади”[29]. Айтиш мумкинки, тилшуносликнинг прагматикадан бошқа соҳаларида бу имконият кузатилмайди: семантика ва синтактика фанга катта ютуқлар бергани ҳолда уларда ўрганилган масалалар фақат лисоний белги ва унинг имкониятлари доираси билан чегараланади. Ваҳоланки, ўта мураккаб жараён ҳисобланган мулоқот ва унинг тўлақонли тадқиқига эришишда масалалар кўлами чегаралаб қўйилган бундай ёндашувлар талабга етарли жавоб бера олмаслиги аён бўлади. Прагматика эса тилдаги лисоний бирликлар ва уларнинг имкониятлари билан бирга мулоқот жараёнини, нутқ вазияти ҳамда уни англаш билан боғлиқ нолисоний омилларни ҳам ўргана олади, уларни сўзловчи ва тингловчи хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда баҳолай олади.

[29] Менглиев Б. Тилда имконият ва воқелик муштараклиги // Маърифат. 2013 йил 15 май.

Ўзбек тилшунослигида прагматика соҳаси ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган тилшунос олим М.Ҳакимов лингвистик прагматиканинг хусусий масалалари нутқ субъекти, нутқ объекти ва нутқ вазияти билан боғлиқ равишда юзага келиши ҳақида ўз илмий мушоҳадаларини баёр қилар экан, энциклопедик луғат манбаларига таянган ҳолда мазкур масалаларни асосий тўртта гуруҳга ажратади. Манбада лингвистик прагматика 1) нутқ субъекти билан боғлиқ бўлган хусусий масалаларни; 2) нутқ адресати билан боғлиқ хусусий масалаларни; 3) коммуникация иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабат билан боғлиқ масалаларни; 4) аралашув вазияти билан боғлиқ равишда дейктик белгилар интерпретациясини ўрганиши таъкидланади[30].

Айтиш мумкинки, прагматика тилшуносликнинг янги ривожланиб келаётган соҳаларидан бири бўлганлиши сабабли унинг ўрганиш масалаларининг юқорида келтирилгани каби илмий парадигмасини шакллантириш катта ижобий қадам бўлди. Айниқса, соҳа масалалари таркибини тартиблаш паргмалингвистика соҳаси ҳақида илмий тасаввурларини шакллантиришга ёрдам беради.

Шу билан бирга соҳа масалаларини кенгроқ планда ўрганиш, мазкур таснифни янада мукаммаллаштириш, унда лингвистик аспект белгиларини янада чуқурроқ ёритиш зарурати пайдо бўладики, нутқ, яъни ўзаро муносабатларда тил воситаларидан фойдаланиш ҳолати ёритилган тақдирдагина илмий тадқиқотлар лингвистика фани қамровига даҳлдор бўлади. Шу маънода нутқ субъекти билан боғлиқ лингвистик прагматика масалалари нутқда шахс хусусиятларининг намоён бўлиш ҳолатлари билан чамбарчас боғланади. Бунда нутқ субъекти сифатида қаралган шахсга хос хусусиятларни катта икки аспектга ажратиш мумкин бўлади: 1. Шахс нутқининг шаклланиши учун муайян имкониятлар яратган тил ресурслари. 2. Нутқ субъети бўлган шахснинг тил ресурсларидан фойдаланишдаги ўзига хос белгилари. Яъни ҳар бир нутқ субъекти бирор тилда мулоқотга киришар экан, у мазкур тилнинг умумий ифода имкониятлари(вербал, новербал шакллар)ни ва улар орқали ўз қиёфасини намоён этиш услубидан фойдаланади. Бунда лингвистик, паралингвистик, экстралингвистик воситалар ва уларнинг англатган мазмуни нутқ субъекти олдида имконият сифатида намоён бўлса, унинг феъл-атвори, темперамент, характер хусусиятлари таъсирида нутқ шаклининг воқеланиши жараённи ҳосил қилади. Шу икки аспект етарли даражада фарқлангандагина прагмалингвистика масалаларига ечим топиш мумкин бўлади.

Бир қарашда тил ва нутқ дихотомиясини ёдга солувчи бу бўлиниш аслида прагмалингвистик нуқтаи назаридан баҳоланганда, нисбатан фарқли кўриниш намоён этади. Жумладан, тил сатҳлари бўйича тасниф қилинганда актуаллиги юқори бўлган бирликлар бу ўринда пассивлашади, аксинча, актуаллиги унча юқори бўлмаган бирликлар аҳамияти кучаяди. Масалан, фонетик сатҳ бирлиги сифатида саналишга ҳам иккиланишлар остида турган интонация

[30] Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. 21-23 бетлар.

прагмалингвистикада фонетик сатҳнинг энг муҳим бирлигига айланади. Ёки лексик сатҳда юқори актуаллика эга бўлган номинатив бирликлар прагмалингвистик таҳлилларда нейтрал баҳо касб этади.

Бу тафовутлар сабабини тадқиқот объектига ёндашувнинг ўзгарганлиги – прагмалингвистик характер касб этаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Унинг мукаммал парадигмасини яратиш бугунги кунда прагмалингвистлар олдида турган энг муҳим масала саналади.

ПРЕДИКАТ ВА ГАПНИНГ СТРУКТУР ТИПЛАРИ ҲАҚИДА

Д.А.ГАНИЕВА (ТАТУ ФФ доценти)

Маълумки, предикат ва унинг актантлари муносабатидан ташкил топган синтактик қурилма предикатив ифода ҳисобланади.[31] Предикатив ифодалар миқдори предикатга қараб белгиланади. Гапда неча предикат бўлса, шунча предикатив ифода мавжуд бўлади. Ҳар бир предикатив ифода муайян предикацияни ифодалайди. Ҳар қандай гап предикатив ифода асосига қурилади. Лекин гап предикатив ифодага тенг эмас, чунки ҳар қандай предикатив ифода гап мақомига эга бўлавермайди. Предикатив ифоданинг марказий элементи ҳисобланган предикат предикативлик шаклига эга бўлсагина, у гап мақомига эга бўлади. Акс ҳолда, предикатив ифода предикатив шаклидаги бошқа предикатив ифоданинг таркибида амал қилувчи бир узв бўлиб қолади. Шунга кўра, предикатив ифода содда, мураккаблашган, қўшма гаплар шаклида намоён бўлиши мумкин. Гапларнинг структур типларини белгилашда таркибидаги предикатларнинг миқдори ва уларнинг предикативлик шаклига муносабати катта аҳамиятга эга бўлади.

Шундай қилиб, гаплар предикатлар миқдорига кўра монопредикатли ва полипредикатли гапларга бўлинади. Профессор А.Нурмоновнинг таъкидлашича, полипредикатли содда гапларда бир предикат иккинчи предикатнинг аргументи позициясида келади. Натижада ўзига хос предикатлар даражаланиши вужудга келади. Предикатлар даражаланишида аргумент позициясида келган предикат қўшилма предикат, қўшилма предикатдан иборат аргументига эга бўлган предикат қўшувчи предикат ҳисобланади.[32]

Предикатларнинг ифодаланишига кўра феъл ва от предикатларга бўлиниши кўпчилик тилшунослар томонидан эътироф этилади. Масалан, *куз келди* ва *кузнинг келиши* синтактик қурилмаларининг синтактик ва мазмуний маркази *келмоқ* феъл предикатидир. Бу феъл предикат биринчи синтактик қурилма таркибида предикативлик шаклини олиб, синтактик қурилмани гап сифатида шакллантиряпти, предикат кесим позициясида келяпти. Иккинчи синтактик қурилмада эса худди шу предикат предикативлик шаклига эга бўлмай, отдош

[31] Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, А.Акбаров, С.Солихўжаева. - Тошкент: Фан, 1992. – Б. 71.

[32] Богданов В.В. Семантико-синтаксическая организация предложения. –Л.: ЛГУ, 1977. – С. 177.

шаклида келиб, иккинчи предикатнинг иштирок этишига эҳтиёж сезади. Бу предикатив ифода коммуникатив вазифа эмас, балки номинатив вазифа бажармоқда. Ҳар икки предикат феълдан ифодаланганлиги учун феъл предикат ҳисобланади.

Профессор Н.Маҳмудов ҳар қандай предикатив ифоданинг муайян пропозицияни билдиришини эътироф этган ҳолда, унинг икки даражада ифодаланишини ва икки хил ифодада предикат икки хил функция бажаришини таъкидлайди.[33] Предикатив шаклидаги предикатив ифодаларни пропозициянинг бирламчи ифодаланиши, нопредикатив шаклидаги предикатив ифодаларни эса пропозициянинг иккиламчи ифодаланиши ҳисоблайди. Н.Маҳмудов иккиламчи усулда ифодаланган предикатив ифодалар бирламчи усулда ифодаланган предикатив ифодалар билан бирга келиши ва содда гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштиришини баён қилади.

Пропозициянинг иккиламчи ифодаланиши мавжуд бўлган гапларда икки ва ундан ортиқ предикат иштирок этади ва полипредикатли гапларни ҳосил қилади. Полипредикатли гапларнинг бир гуруҳи мураккаблашган гаплар мақомида бўлади. Бундай гапларда предикатлардан бири предикатив шаклда, бошқаси эса нопредикатив шаклда, асосан феълнинг функционал шаклларида бўлади. Предикатив шаклдаги предикат гап структурасига нисбатан асосий, нопредикатив шаклдаги предикатлар эса иккинчи даражали, факультатив предикатлар саналади. Иккинчи даражали, факультатив предикатлар, биринчидан, кесим позициясида келган асосий предикатнинг аргументи, кенгайтирувчиси, шу бўлакнинг тобе компоненти бўлиши билан бирга, унинг ўзи субъект, объект, локал сингари валентликларини тўлдирувчи аргументлар билан кенгайиб келиши мумкин.

Полипредикатли қурилмаларда икки ва ундан ортиқ предикатлар иштирок этади. Улардан бири функционал нуқтаи назардан асосий, бирламчи функцияни бажарса, нопредикатив шаклдаги (равишдош, сифатдош, отдош шаклидаги) предикатлар иккинчи даражали ёки иккиламчи функцияни бажаради. Бу шуни кўрсатадики, предикатларнинг бош вазифаси кесим позицияси билан белгиланади. Лекин бу абсолют ҳолат эмас. Кесим позицияси учун предикатив шакл предикатларни хослайди. Ана шундай шаклга эга бўлмаган тақдирда предикатлар асосий вазифасидан четлашади ва гап структурасида иккинчи планга ўтади. Предикатларнинг бундай вазифада келиши уларнинг иккиламчи вазифаси саналади.

Отдош, сифатдош, равишдош шаклидаги предикатлар кесимлик шакллари билан ўзгармайди. Айрим муаллифлар ўз аргументлари билан кенгайган отдош, сифатдош, равишдош шаклидаги предикатларни номинализация ҳодисасига учраган ёки депредикацияланган синтактик қурилмалар ҳисоблайдилар ва бундай

[33] Маҳмудов Н.М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Тошкент, 1984. - Б.92.

қурилмаларнинг бир бутун ҳолда предикатив қурилмага нисбатан бир синтактик позицияда келишини кўрсатиб ўтадилар.[34]

Бу жиҳатдан шарт майли шаклидаги предикатлар алоҳида ўрин эгаллайди. Шарт майли шаклидаги феъл предикатлар, бир томондан, худди иккиламчи предикатларга ўхшаб икки томонлама синтактик ва семантик муносабатга эга бўлади.

ФРАЗЕОЛОГИК ВА ЛЕКСИК МАЪНО ТУЗИЛИШИГА ДОИР

Шодия ГАНИЕВА
ФарДУ катта ўқитувчиси,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Бизга маълумки, тилнинг ҳар қайси сатҳ бирлиги маълум интеграл белги асосида умумийликни ҳосил қилиши билан бирга, турли сатҳ бирликлари ўртасида ўхшаш нуқталар мавжуд бўлади. Мазкур ўхшаш жиҳатлар мураккаброқ сатҳ бирликларининг номаълум томонларини унча мураккаб бўлмаган ва тадқиқотчи учун маълум бўлган сатҳ бирликларига қиёслаб ўрганишга қулай имконият яратади. Лексема ва фраземалар ўртасида ҳам ана шундай яқин ўхшашликлар мавжуд. Бу лексема ва фразеологизмларнинг номинатив функцияларида ҳам, мазмуний тузилишида ҳам яққол намоён бўлади. Шунинг учун фразеологик маъно ва унинг тузилишини лексик маъно ва унинг тузилишига қиёслаган ҳолда ўрганиш фразеологизмлар семантикасини ёритишга катта аҳамиятга эга.

Лексема шакл ва мазмун томонига эга бўлган бутунликдир. Айрим адабиётларда бутунлик ва унинг қисмларини бир-биридан фарқлаш учун турли атамалардан фойдаланилади. Хусусан, Л.А.Новиков бутунни ифодалаш учун *лексик-семантик вариант* (*ЛСВ*), бутуннинг шакл томонини ифодалаш учун *лексема*, маъно томонини ифодалаш учун *семема* атамаларини қўллайди.[35] Унинг фикрича, ЛСВ бутунлик сифатида лексема ва семемалар муносабатидан ташкил топади. Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловларнинг таъкидлашларича, номема тилга хос томон саналиб, онгимизда муайян фонемалар тизмаси сифатида мавжуд бўлади. Лексеманинг моҳияти унинг ички томони – семема орқали ва шунга кўра, лексеманинг бошқа тил бирликлари билан муносабати, алоқага киришуви орқали белгиланади.[36] Худди лексема сингари, фразеологизм ҳам шакл ва мазмун томонига эга. *Фразема* атамаси бутунлик учун қўлланилгани ҳолда, шакл томонини ифодалаш учун *номема*, мазмун томонини ифодалаш учун *семема* атамаларидан фойдаланиш лексема ва фразеологизм ўртасидаги изоморфлик тамойилининг натижаси ҳисобланади. Фразеологизм номемаси ҳам тил бирлиги

[34] Гузев В.Г. Очерки по теории тюркского словоизменения: Имя. – Л.: Наука, 1987. – С. 39-40; Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис). – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 110-111.
[35] Новиков Л.А. Семантика русского языка. М.: ВШ, 1982.- С.115.
[36] Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Тошкент: Ўқитувчи, 1995.- Б.55.

саналиб, онгимизда фразеологизм таркибий қисмларининг муайян фонемалар тизими сифатида яшайди. Фраземанинг мазмун томони унинг сememаси ҳисобланиб, фраземанинг бошқа тил бирликлари билан муносабати орқали белгиланади.

Профессор А.Нурмоновнинг баён қилишича, лексик маъно компонентлари ҳақидаги тушунча ҳозирги кунда тилшуносликда кенг тарқалган бўлса-да, лекин бу тушунчанинг номланишида хилма-хиллик учрайди: “семантик белгилар”, “семантик йўналтирувчилар”, “элементар қиймат”, “лексик-семантик вариант”, “сема”. Сўнгги даврларда бу тушунча учун “сема” атамаси кенг қўлланилмоқда.[37] Демак, семема бир нечта атомлардан – семалардан ташкил топади. Лекин бу атомларнинг лексема сememасидаги вазифалари ва мавқеи бир хил эмас. Шунинг учун илмий адабиётларда лексема сememасининг ташкил этувчилари семема таркибидаги мавқеи ва функциясига кўра турлича тасниф қилинади.

Фразеологик маъно тузилиши билан лексик маъно тузилиши ўртасида муайян ўхшашлик бўлиши билан бирга, маълум фарқланиш ҳам мавжуддир. Жумладан, лексик маъно лексемага хос бўлиб, улар туб ва ясама лексемаларга бўлинади. Ясама лексемаларнинг маъноси ясашга асос қисм билан ясовчи морфема ўртасидаги семантик мотивацияга асосланган бўлади. Фразеологизм эса икки ва ундан ортиқ сўзларнинг барқарор боғланишидан ҳосил бўлган иккиламчи номинация саналади. Фразеологик маъно фразеологизм таркибидаги сўзларнинг лексик маъноси суммасидан келиб чиқмайди. Фразеологик маъно умумий яхлитлик хусусиятига эга. Шуни таъкидлаш керакки, яхлитлик даражаси барча фразеологизмларда бир хил эмас. Таркибидаги сўзлар қанчалик мустақиллигини йўқотса, яхлитлик даражаси шунчалик кучли бўлади.

Шунингдек, фразеологик маънонинг ҳам, лексик маънонинг ҳам таркибий қисми сифатида категориал маъно мавжуддир. Лекин фразеологизм мазмуний структурасидаги категориал сема лексема мазмуний тузилишидаги категориал семадан бошқачароқ намоён бўлади. Гап шундаки, фразеологизмлар сўз бирикмалари структур схемаси асосида шаклланади. Эркин бирикмалар тузилишида таянч сўз сифатида тўртта сўз туркуми – феъл, от, сифат ва равиш иштирок этади. Фразеологизмлар ҳам шаклланишига асос бўлган эркин бирикманинг структур схемасини сақлаган ҳолда, тўртта сўз туркумига мувофиқ келади. Фразеологизмлар таркибида лексемаларга хос олмош ва сон категориал маъноларининг йўқлиги ана шу ҳолат билан изоҳланади.[38]

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, фразеологизм ва лексемаларнинг мазмуний тузилишида Ф.Ф.Фортунатов томонидан илгари сурилган ички шакл ўзига хос хусусиятга эга. Лексик бирликлар номланиши учун мотивловчи бўлиб хизмат қилган белги кўп ҳолларда лексема сememасининг семик таркибидан ўрин олади ва

[37] Нурмонов А. Танланган асарлар. Ш том. Тошкент, 2012.- Б150; яна қаранг: Кузнецова Э.В. Лексикология русского языка. М., 1982.- С.33.
[38] Жуков В.П. Семантика фразеологических оборотов. М.: Просвещение, 1978.- С.21.

семема структурасига киради. Фразеологизмнинг мазмуний тузилишида эса ички шакл маънонинг дифференциал ёки интеграл компоненти сифатида амал қила олмайди. В.П.Жуков таъкидлаганидек, фразеологизмнинг ички шакли фразеологик маънонинг таркибий қисми эмас, балки тамоман мустақил бўлган этимологик маънони ташкил қилади.[39]

Демак, фразеологик маъно билан лексик маъно ўртасида умумийлик бўлиши билан бирга, бир қатор ўзига хос белгилар мавжуд. Умумий белгилар бу икки ҳодиса ўртасидаги ўхшаш жиҳатларни кўрсатиб турса, ўзига хос белгилар дифференциал белгилар сифатида уларнинг тил системасида алоҳида-алоҳида ҳодисалар эканлигини белгишга хизмат қилади.

СОДДА ГАП СИНТАКТИК ШАКЛИНИНГ УЮШИҚ БЎЛАКЛАР ВОСИТАСИДА КЕНГАЙИШИ ҲОЛАТИ ХУСУСИДА

Самандаров Рустам Дўсёрович
Самарқанд давлат чет тиллар институти мустақил тадқиқотчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Аннотация. *Ушбу мақолада содда гап синтактик шаклининг уюшиқ бўлаклар воситасида кенгайиши масаласининг илмий ўрганилишининг аҳамияти ҳақида муҳокама қилинади. Бироқ тилшунослик адабиётларида бу масаланинг лингвистик характерини очиб бериш борасида олимлар фикрларида муштараклик кузатилмайди. Баъзи олимлар уюшиқ бўлакли гапларни камида икки гапнинг бирикувидан ташкил топган деб билсалар, айрим тилшунослар айни пайтда гаплар эмас, балки унинг муайян бўлаклари уюшишини назарда тутадилар.*

Калит сўзлар: *грамматика, гап, содда гап, қўшма гап, уюшиқ бўлак, умумлаштирувчи (ажратилган), бўлак, синтактик муносабат.*

Аннотация. *В данной статье рассматривается важность научного исследования проблемы синтаксической формы простого предложения в инструменте организованных частей. Однако в лингвистической литературе нет единого мнения ученых относительно лингвистического характера этого вопроса. Если некоторые ученые считают, что организованно-фрагментированное предложение состоит из сочетания, по меньшей мере, двух предложений, то некоторые лингвисты при этом ссылаются на объединение определенных его частей, а не предложений.*

Ключевые слова: *грамматика, предложение, простое предложение, сложное предложение, организованная часть, обобщение (разделение), фрагментация, синтаксическое отношение.*

[39] Жуков В.П. Семантика фразеологических оборотов. М.: Просвещение, 1978.- С.18.

Annotation: *In this article discusses the importance of scientific research on the problem of syntactic form of a simple sentence in the tool of organized parts. However, there is no consensus among scholars in the linguistic literature on the linguistic nature of this issue. While some scholars believe that an organized-fragmented sentence consists of a combination of at least two sentences, some linguists refer to combining certain parts of it, rather than sentences.*

Keywords: *grammar, sentence, simple sentence, complex sentence, organized part, generalization (division), fragmentation, syntactic relation.*

Ҳозирги пайтгача тилшунослик муаммолари тадқиқида, шу жумладан, кенг истеъмолга киритилган мантиқий (фалсафий) қоидалар устувор аҳамият касб этиб келаётгани сир эмас. Бунинг натижасида эса соф грамматик тамойиллардан четлашиш ҳолати вужудга келди. Бошқача айтганда, биз тилшунослик муаммолари тадқиқига мантиқий ёхуд психологик нуқтаи назардан ёндашиб келдик ва соф грамматик тамойиллар ҳамда уларга хос қоидалардан бирмунча четлашиб кетдик.

Рус тилшунослигида узоқ йиллар давомида уюшиқ бўлакли гаплар уюшган гаплар тарзида ўрганилиб келинди ва бу ҳодиса замирида камида икки гапнинг бир-бири билан қоришиши назарда тутилди. Албатта, айни пайтда соф грамматик ҳодисанинг мантиқий ҳодисалар билан қориштирилиб юборилганини кўрамиз. А.А.Потебня таъбири билан айтганда, икки ва ундан ортиқ гапларнинг уюшиб (қоришиб) келиши ҳақидаги фикр илмий асосли эмас [5; 117-118]. Тўғри, икки ва ундан ортиқ гап трансформация натижасида қоришиши мумкин. Бироқ бунинг уюшиқ бўлакли гапларга алоқаси йўқ. Масалан, трансформациянинг контаминация усули воситасида муайян гапларнинг қоришишини кузатамиз.

Уюшиқ бўлакли гапларни уюшиқ гаплар деб, биринчилар қаторида Н.И.Греч маълумот берган эди. Бундай мулоҳаза Ф.И.Буслаев тадқиқотларида ҳам кузатилади [4; 369]. Аммо бу даврда А.М.Пешковский томонидан истеъмолга киритилган *уюшиқ бўлак* тушунчаси ҳам мавжуд эди. Лекин шундай бўлса ҳам, Ф.И.Буслаев *уюшиқ гап* терминидан воз кеча олмайди. Олимнинг фикрича, уюшиқ гаплар содда гап ва қўшма гаплар оралиғида яшайди[3; 110].

А.Г.Руднев уюшиқ бўлаклар деганда, уларнинг лексик маъноси ёки морфологик ифодаси назарда тутилмаслигини, айни пайтда уюшаётган бўлакларнинг синтактик муносабати ва вазифаси муҳим аҳамият касб этишини қайд қилади. Уюшиқ бўлаклар деб аталаётган морфологик бирликларнинг бажарадиган синтактик вазифалари бир хил бўлмоғи лозим, акс ҳолда уларни уюшган деб бўлмайди. Айнан ана шу жиҳатига кўра улар гапнинг ажратилган бўлакларидан фарқ қилади.

Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, баъзи синтактик назарияларда ҳозиргача уюшиқ ва ажратилган бўлаклар тушунчаси қориштириб юборилмоқда. Масалан, уюшиқ бўлакларда умумлаштирувчи сўзни олайлик. Деярли барча дарслик ва

ўқув қўлланмаларида умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлаклар билан бир хил саволга жавоб бўлиши ва бир хил синтактик вазифа бажариши эслатиб ўтилади. Унга кўра, *Боғимизда барча дарахтлар: олма, анор, ўрик ва гилос гуллади* жумласидаги *дарахтлар* сўзи уюшиб келаётган сўзларни умумлаштириб, улар билан бир хил саволга жавоб бериши ва бир хил синтактик вазифа бажаришини қайд этишимиз лозим. Аммо жумла таркибида қатнашаётган фактик тил материалининг таҳлили мазкур мулоҳазамизни инкор этишини кўрамиз. Бунда, биринчидан, умумлаштирувчи сўзнинг уюшиб келаётган сўзлар билан синтактик муносабати уюшиқ бўлак тарзида эмас, балки ажратилган бўлак ҳолатида эканлиги намоён бўлмоқда. Иккинчидан, *дарахтлар* сўзи ажратилган бўлак вазифасида экан, уюшиқ сўзлар унга илова тарзида хизмат қилаётган ажратилган изоҳ эканини кузатамиз. Демак, бу ўринда ажратилган бўлак ўзининг уюшиқ ҳолатидаги ажратилган иловаси билан келмоқда. Учинчидан, айни пайтда гапнинг эгаси уюшиқ сўзлар эмас, балки ажратилган бўлак (*дарахтлар*) саналади, уюшиқ сўзлар эса унинг ажратилган изоҳловчилари вазифасини бажармоқда.

Кўринадики, умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлаклар таркибига кирмайди, зотан, у уюшиқ бўлакларни ўзининг аниқланиши, изоҳланиши учун талаб қилади. Бу жиҳатдан умумлаштирувчи сўз ҳоким мавқега эга бўлади. Фикр далилини А.Ғуломов ва М.Асқароваларнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида (1987) кўришимиз мумкин: “Умумлаштирувчи сўз жинс тушунчасини – нисбатан кенг тушунчани ифодаловчи сўз бўлиб, уюшиқ бўлаклар тур тушунчасини – ўша кенг тушунчанинг ичига кирмаган тушунчаларни ифодаловчи сўзлардан бўлади, шунга кўра уюшиқ бўлаклар умумлаштирувчи бўлакка нисбатан изоҳ сифатида келади”[2; 143].

Бироқ А.Ғуломов ва М.Асқароваларнинг айни пайтда келтирилган мулоҳазаларида уюшиқ бўлакнинг компонентлари умумлаштирувчи сўз ичига кирмаслиги таъкидланганини кўрамиз. Бизнингча, бу ўринда баъзи фикр ғализликларига йўл қўйилмоқда. Чунки уюшиқ бўлак компонентлари умумлаштирувчи сўз ичига мазмуний жиҳатдан киради. Айни пайтда тур ва жинс тушунчалари қоришиб кетади. Масалан, ушбу дарсликда берилган қуйидаги мисолга аҳамият берайлик: *Боғимизда мева дарахтлари кўп: ўрик, олма, нок ва бошқалар.*

Айни пайтда умумлаштирувчи сўз *мева дарахтлари* бирикмаси билан берилиб, у ўрикни ҳам, олмани ҳам, нокни ҳам мазмунан қамраб олмоқда. Бу эса уюшиб келаётган сўзлар умумлаштирувчи сўзнинг ичида тасаввур этилаётганини кўрсатади. Бундан ташқари, мазкур дарсликда қуйидаги фикрлар ҳам бир мунча ғализ ифодаланганини кўрамиз: “Умумлаштирувчи бўлак кўпинча уюшиқ бўлаклардан олдин келади. У ҳам уюшиқ бўлаклар боғланган бўлакка боғланади”[2; 143]. Айни пайтда савол туғилиши мумкин: Уюшиқ бўлаклар гапнинг қайси бир бўлагига боғланади? Албатта, уюшиқ бўлаклар умумлаштирувчи сўзга боғланади. Умумлаштирувчи бўлак аксарият ҳолларда

гапнинг эгаси вазифасида келади ва у биринчи галда гапнинг кесими билан боғланади. Уюшиқ бўлаклар эса олдин умумлаштирувчи сўз билан, кейин эса у орқали кесим билан алоқа ўрнатади. Агар гапда умумлаштирувчи бўлак қатнашмаган бўлса, у ҳолда уюшиқ бўлаклар кесим билан бевосита (билвосита эмас) боғлана олади.

Содда гап шаклининг кенгайиши масаласига келсак, умумлаштирувчи сўзли синтактик қурилма яхлитлигича гап шаклини мураккаблаштиради. Буни синтактик жиҳатдан ҳам, семантик жиҳатдан ҳам кўриш мумкин.

Гап шаклининг мураккаблашувини, шундай қилиб, биз кўриб ўтган ажратилган ва уюшиқ бўлакларга асосланадиган бўлсак, синтагматик жиҳатдан боғланган деб аташимиз мумкин. Чунки ҳар икки ҳолатда ҳам гап таркибига киритиладиган сўзлар бир - бирлари билан, шунингдек, гапнинг бошқа компонентлари билан боғланган бўлади. Горизонтал чизиқда рўй берувчи бундай боғланиш синтагматик боғланишни ташкил этади. Бироқ гап шаклининг мураккаблашуви кириш сўз ёки бирикма, ундалмага асосланадиган бўлса, синтагматик боғланиш кузатилмайди. Бундай боғланишни носинтагматик боғланиш деб аташ мумкин [7; 10-14]. Дарҳақиқат, ажратилган ва уюшиқ бўлакларда рўй берувчи синтактик муносабатдан фарқли равишда, носинтагматик боғланишли кириш сўз, ундалма каби морфологик воситаларнинг гап компонентлари билан муносабати семантик асосли бўлгани учун улар синтагматик боғланишни тақозо этмагандай кўринади. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бўлиб, уни биз кириш сўзлар ва бирикмалар ҳар доим гапнинг кесими билан боғланишида кўрамиз. Ундалма эса аксарият ҳолларда гапнинг эгаси билан яширин боғланишда келади.

Ғ.А.Абдураҳмоновнинг уюшиқ бўлакли гапларни мураккаб шаклли гаплар жумласига киритмаганлиги, бизнингча, гапнинг грамматик қурилишида рўй берувчи ўзгаришлар билан боғлиқ кўринади. Чунки ажратилган бўлаклар гапнинг грамматик шакли ўзгаришига олиб келади, уюшиқ бўлакларда эса бундай ҳолат кузатилмайди. Хусусан, содда гап семантик қурилишини мураккаблаштирувчи воситаларга жиддий эътибор қаратилди. Содда гапнинг семантик структурасини ва қисман синтактик шаклини кенгайтирувчи қурилмалар алоҳида эътиборга муҳтож эканлиги, бундай қурилмалар содда гап шаклини кенгайтиришига қарамай, уни қўшма гапга айлантира олмаслиги таъкидланади. Содда гапнинг таркибида ундалмалар, кириш ва киритма қурилмалар, ажратилган бўлаклар қатнашиб, содда гапни ҳам шаклий, ҳам мазмуний томондан мураккаблаштиради. Айрим муаллифлар уюшиқ бўлаклар иштирок этган гапларни ҳам мураккаблашган гаплар қаторига қўшадилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Абдурахманов Г. Синтаксис осложненного предложения (К некоторым спорным вопросам синтаксиса тюркских языков) // Структура и история тюркских языков. – М., 1971. – С.140.

2.А.Ғуломов, М.Асқарова, Ҳозирги ўзбек адабий тили – Тошкент, 1987, 143-бет.
3.Буслаев Ф.И. Историческая грамматика русского языка. – М., 1875., §110.
4.Греч Н.Н.Практическая русская грамматика. – СПб., 1934.- С.369.
5.Потебня А.А.Из записок по русской грамматике. Т.1-2. – Харьков, 1888. – С.117-118
6.Синтаксис современного русского языка. – Санкт- Петербург, 2008.– С.144.
7.Турниёзов Н. Синтагматик муносабат ва дискурс шаклланишига доир баъзи қайдлар//Xorijiy filologiya, N-4, 2016. 10-14 бетлар.
8.Синтаксис современного русского языка. – Санкт- Петербург, 2008. – С. 179-180.
9. Современный русский язык.(под ред. В.А.Белошапкова).- М.,1989 – С.630-631.
10.Шахматов А.А. Синтаксис русского языка – Л., 1941.- С.235.
11. Шутова Е.И.Вопросы теории синтаксиса. – М., 1984. – С.131.
12.Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис. –Тошкент, 1976, 163-183; 208-283.

SO’Z LEKSIK MA’NOSINING KO’CHISHIDA PARADIGMATIK ASIMMETRIYA

Nargizaxon Umarova *(FarDU, tilshunoslik kafedrasi dotsenti),*
Sohibaxon Rahimova *(Farg’ona viloyati 1-IDUMI oliy toifali ona tili va adabiyot fani o’qituvchisi),*
Asadullo Tursunov *(FarDU IV bosqich talabasi)*

Nomutanosiblikni yuzaga keltiruvchi omillar har xil bo’lishiga qaramay, bu hodisa tilning belgililik tabiati asosida vujudga keladi. Tilning leksik sathidagi ma’no ko’chishi o’zining shakldoshlik xususiyatiga ko’ra, paradigmatik asimmetriya hosil qiluvchi hodisalar sirasiga kiradi. Shu sabab polisemiya shaklning ko’p ma’noliligi emas, balki bir shaklda bir necha ma’noning mavjudligidir.

Ko’p ma’noli lisoniy birlikning asosiy xususiyati tilda o’zaro bog’langan ma’nolar sistemasini hosil qilishdir. Polisemantik birlik semalaridagi o’zaro umumiy nuqta ularning shakliy tomonida ko’rinadi. Shakliy tomoni bir xil bo’lgan bu semalar o’zlarining boshqa muhim belgi-xususiyatlarida turlicha xususiyatlarni namoyon etadi. Polisemantik birlik tarkibidagi semalar biri ikkinchisining o’sib chiqishi uchun tayanch nuqta bo’lib xizmat qiladi. Demak, polisemantik lisoniy birlikda ma’nolar miqdori qanchaligidan qat’iy nazar, ular o’zaro bog’liq bo’lib, bosh ma’nodan rivojlanganligi, shu jihatdan bir-biriga aloqadorligi bilan ajralib turadi.

M.Brealning ko’p ma’nolilikning tilda tutgan o’rni xususida “...tilda polisemiyaning nihoyatda taraqqiy etganligi fikr ayiraboshlash uchun hech mahal qiyinchilik tug’dirmaydi. Uning taraqqiyoti ob’ektiv mavjudotni o’zaro bog’liq holda anglash, ularni qiyosiy o’rganish, taraqqiyotlarning tilda aks etib turishi natijasi bo’ladi, ya’ni polisemiya tsvilizatsiya belgisidir. Qaysi xalqda fan-tehnika, madaniyat, sa’nat taraqqiy etgan bo’lsa, o’sha xalq ob’ektiv borliqning o’zaro aloqasini shuncha ko’proq ko’radi, ular bir-birida o’z aksini topdi, ya’ni insonning o’z atrofini o’rab turgan borliqni

umumlashtira olishi bilan bog'liq holatda polisemiya mavjud va taraqqiy etishini"[40] bayon etadi.

Tilshunoslik ilmida ko'p ma'nolilik 2 xil tarzda: keng va tor ma'noda tushuniladi. Keng ma'noda qaralganda, funktsiyadoshlik hodisalari bilan yonma-yon turuvchi, lekin ulardan o'ziga xos lisoniy xususiyatlariga ko'ra farq qiluvchi mustaqil hodisa sifatida tushuniladi. Tor ma'noda esa polisemiya hodisasi omonimiya tarkibiy qismiga aloqador bir ko'rinish sifatida qaraladi.

Ko'p hollarda polisemiyaga tilning bohsqa bir qator hodisalari qorishtirib yuboriladi. Jumladan, *konversiya, omonimiya, fraza.*

Polisemiya ma'lum bir so'zning bir necha leksik ma'nolarga ega bo'lishi hodisasi bo'lsa, konversiya ma'lum bir so'zning hech qanday affiks olmagan holda boshqa so'z turkumi vazifasida kelishi hodisasidir.

So'z ma'nosining ko'chishi leksik ma'nolarning hosil bo'lishi natijasidir. Leksik ma'nolar esa ma'no ko'chishi yo'li bilan ham hosil bo'ladi. Mana shu ko'chma ma'no hosil bo'lishining ayrim tomonlari esa konversiyaning ba'zi tomonlariga o'xshab ketadi. M.Mirtojiyev *po'lat bilak* va *ipak soch* birikmalari tarkibidagi po'lat va ipak so'zlarini konversiyaning bir turi sifatida *Po'lat* va *ipak* so'zlarida sodir bo'lgan ad'ektivatsiyada bu leksemalar avval ma'lum narsani anglatar edi, keyin uning belgisini ifodalab keladigan bo'ldi, deya polisemiya va konversiya hodisalarini farqlaydi. Olimning ta'kidlashicha, *gunafsha* rang ma'nosida gulning tarkibiy qismi bo'la olmaydi[41]. Bu o'rinda *gunafsha* konversiya (adyektivatsiya) hodisasi bo'lib, rang biror narsaning nomi bilan atalgan, har qanday narsaning ana shunday rangi bo'lsa, uni ifodalayveradi. Narsa rangi bilan uning rangini atash sinekdoxa bo'la olmaganidek, narsa nomi bilan uning har qanday belgisini atash ham sinekdoxa bo'la olmasligini ta'kidlaydi. SHuningdek, narsadan uning belgisiga nomning ko'chishi kabi belgisidan narsaga nomning ko'chishi ham, ya'ni sifat substantivatsiyasi ham sinekdoxaga teng emas. Masalan, *cho'loq, tirtiq* kabi sifatlar bilan odamni atash ham sinekdoxa bo'la olmaydi. Chunki bu kabi sifatlar shaxsga nisbatan qo'llanganda yangi ma'no hosil qilmaydi. Bu o'rinda ko'chma ma'no hosil bo'lishi sof semantik hodisa bo'lib, konversiyaning sintaktik turi esa so'zlarning sintaktik vazifalaridagi o'zgarishlarda namoyon bo'ladi.

M.Mirtojiyevning fikricha, harakat nomi bilan shu harakat hosilasi bo'lgan voqelikning atalishi (to'y-// to'y va ko'ch-// ko'ch kabi), belgisi nomi bilan predmetning atalishi (ko'k//ko'k kabi) metonimiya bo'la olmaydi. Ammo ko'k leksemasini SH.Rahmatullayev, M.Mirtojiyevdan farqli o'laroq, belgining nomi shunday belgisi bor predmetga ko'chirilishini aytib, ko'k so'zining osmon ma'nosini metonimiya asosida nom ko'chishi sifatida baholaydi[42].

M.Mirtojiyev *to'y* va *ko'k* so'zlaridagi ma'no ko'chishini, fe'l turkumiga oid so'zlar taraqqiyoti natijasida boshqa turkumlarga oid so'zlarni hosil qilsa, u metonimiya

[40] Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия.-Тошкент.: Фан, 1975, 3-б
[41] Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. –Тошкент: ФАН, 1975. 18-19-б.
[42] Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. Биринчи китоб. –Т., 2010. 63-б.

emas, balki fe’l konversiyasi ekanligini ta’kidlaydi. Zero, fe’ldan nol affiksatsiya natijasida boshqa turkumga oid so‘z yasalyapti. Bu esa konversiyaga olib keladi. *Ko‘k* (rang), *ko‘k* (osmon) so‘zlaridagi semantik bog‘lanish ham narsa nomi bilan belgini atashdir[43].

Ma’nosi ko’chgan so‘z ma’nolaridan birortasi boshqa ma’nolarga aloqadorligni yo‘qotsa, polisemantik so‘z xuddi shu o‘rinda differensiatsiya bo‘ladi, ya’ni omonim vujudga keladi. Demak, tilda polisemantik so‘zlarning omonimga o‘tish jarayoni yuz berib turadi. Bu esa ularning chegarasini belgilashda qiyinchiliklar tug‘diradi. Tilshunos olim A.G‘ulomovning ta’kidlashicha, “o‘zbek tilida omonimlarning ko‘pchilik qismi shu yo‘l bilan vujudga kelgan”[44]. M.Mirtojiyev omonimlar kelib chiqishining bu jihatiga *popuk(gajim va shirinlik), gap(nutq birligi va ziyofat), dam(nafas, hordiq, harorat), boq(qaramoq, parvarishlamoq), bod(shamol va kasallik)* kabi so’zlar omonimligini misol tariqasida keltiradi. Bundan tashqari, O.Azizov metafora uchun dalil qilgan *ko‘zi ochildi,* S.Usmonov tomonidan keltirilgan *esini yo‘qotmoq* iboralarni M.Mirtojiyev polisemantik so‘z bilan qorishtirmaslik kerakligini, frazemalar tarkibidagi fe’llarning ma’nosi frazeologik birlikka tegishli bo’lib, frazema ma’nosi polisemantik so‘zning strukturasi tarkibiga kirmasligini ko‘rsatib o‘tadi. Tilshunos hattoki, darsliklarda sinekdoxa sifatida keltirilgan *otashin yurak* birikmasidagi yurak so‘zi sintaktik substantivatsiyaga uchraganligini, bu o‘rinda sinekdoxa hodisasi yo‘qligini asoslab beradi.

Xulosa o’rnida aytish mumkinki, polisemantik so’zda leksik ma’noning ko’chishi va unga yondosh hodisalar haqida tilshunoslar yakdil fikrda emas.

СВОЕОБРАЗИЕ НАРОДНО – ПОЭТИЧЕСКОЙ ЛЕКСИКИ В ПОЭЗИИ С.ЕСЕНИНА

Курбанова М., преподаватель ФерГУ
Собирова Д., студентка ФерГУ

Русская литература XX столетия знает немало громких поэтических имен. Поэзия других, некогда славных первоклассными дарованиями европейских народов стала в это время по большей части приходить в упадок, а то и вовсе впадать в небытие. Но Россия новой поры дала миру таких поэтов, которые своей поэзией не только сохранили богатство классической литературы, но и с неведомой прежде силой, продолжили путь классиков. Сегодня в Республике Узбекистан на основе Государственной программы по подготовке национальных кадров разрабатываются и внедряются эффективные формы и средства духовно-нравственного воспитания подрастающего поколения, основанные на богатых национальных культурно- исторических традициях, обычаях народа и общечеловеческих ценностях. Обеспечивается приоритет воспитания и

[43] Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. –Тошкент: ФАН, 1975.
[44] Бу ҳақда қаранг: Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. –Тошкент: ФАН, 197529-б.

разностороннего развития личности. В этом основная задача ложится на литературу. Все это отозвалось в богатом наследии русских поэтов не очень далекого прошлого.

С. А. Есенин – самый популярный, самый читаемый в России поэт. Есенинскому творчеству посвящено большое количество критических статей, литературоведческих работ. Мы хотим рассуждать в нашей статье о народном языке поэзии С. А. Есенина.

В стихотворении «Скупались звёзды в невидимом бреде…» использованы диалектное дуля «груша» в форме именительного падежа множественного числа (дули) и его омофон – глагол дули:

Блестятся гусли весёлого лада,
В озере пенистом моется лада.
Груди упруги, как сочные дули,
Ластится к вихрям, чтоб в кости ей дули.
Тает, как радуга, зорька вечерня,
С тихою радостью в сердце вечерня.

В приведённом тексте обратим внимание на первое предложение. Сомнение вызывает буква е в глаголе блестятся. Звуки гуслей чудятся, кажутся, мерещатся - это значение передаёт диалектизм бластится: Ей всё бластился в колючем дыме выстрел… («Лисица»); В роще чудились запахи ладана,// В ветре бластились стуки костей…(«Русь»). Сам поэт, объясняя местные слова в последнем стихотворении, написал: «Бласт… Видение». Вероятно, в многочисленных изданиях произведений Есенина допускается неточность. Как сказал Н.М. Шанский, толкуя «таинственное словосочетание» парагуш квелый (правильно карагуш – подорлик, вид небольшого орла), здесь «простая опечатка, (!) кочующая из издания в издание…».

По-видимому, такой же опечаткой является и написание палица в «Богатырском посвисте»: содержание стихотворения не допускает упоминания о палице – старинном оружии в виде тяжёлой дубины с утолщённым концом. Речь идёт о полице – части сохи: «железная лопаточка… служит для отвала земли» (В.И. Даль).

Удобным «строительным материалом» для есенинских стихов служат и диалектные словообразовательные модели. Стилистика маркированности таких форм как противопоставленных литературной норме обычно поэтом не подчёркивается.

Например: ввечеру, вдогон, цвет («цветок»), яблонный (У оврага за плетнями ходит Таня ввечеру; Мне вдогон смеялась речка; Зацелую допьяна, изомну, как цвет; Словно яблонный цвет, седина).

Факт употребления С.А. Есениным различных синонимических построений можно расценивать как проявление творческого художественного подхода к организации композиционно-речевой структуры текста. В таком подходе

проявляется ориентация автора на отбор средств общенародного языка, отношение к народу как к носителю духовных ценностей русской культуры, закрепившему в языке многовековой опыт, наблюдательность, образное освоение действительности.

Диалектизмы, родная рязанская речь, органично влившаяся в общий поток поэтического слова Есенина, позволяют ему «петь по-своему», самобытно, делают его поэзию «наилучшим выражением широких закатов за Окой и сумерек в сырых лугах, когда на них ложится не то туман, не то синеватый дым с лесных гарей» (К.Г. Паустовский).

Есенин – русская художественная идея, самый читаемый в России и при этом отнюдь не общедоступный поэт. Его стихи даже таким искушённым ценителям, как профессиональные литераторы и лингвисты, до сих пор представляются явлением загадочным. Он явился из глубины России, оттуда, где с незапамятных мифологических времён бил, как писал Гоголь, «в груди народа» самородный фольклорный ключ. Есенин глубоко знал жизнь крестьянской России, был кровно связан с жизнью русского крестьянства – всё это способствовало тому, что он смог стать истинно народным, национальным поэтом и в ярких произведениях сказать своё правдивое поэтическое слово о главных событиях своей эпохи. Это единственный среди великих русских лириков поэт, в творчестве которого невозможно выделить стихи о Родине в особый раздел, потому что всё, написанное им, продиктовано, пронизано «чувством родины». Это само «чувство родины».

В результате проведённого анализа в произведениях С.А. Есенина мы пришли к следующим выводам. Диалектная лексика – наиболее распространённое средство создания национального или – уже – местного колорита в традициях русской литературы. Певец «страны берёзового ситца», хорошо знавший народный язык, часто использовал его как в стихотворных, так и прозаических произведениях, поскольку именно местная, диалектная лексика в ряде случаев способна передать самые задушевные интонации, в том числе и «нежную грусть русской души». Факт употребления С.А. Есениным данного пласта лексики можно рассматривать как проявление творческого художественного подхода к организации композиционно-речевой структуры текста. В таком подходе проявляется ориентация автора на отбор средств общенародного языка, отношение к народу как к носителю духовных ценностей русской культуры, закрепившему в языке многовековой опыт, наблюдательность, образное освоение действительности.

Итак, на примере произведений С.А. Есенин смог показать своеобразие использования диалектной лексики в художественной литературе. Были даны нами толкования диалектизмов, прояснены «непонятные места» в лирике. Данная статья показало, насколько глубок, неисчерпаем и богат русский язык и насколько искусно, умело пользовались им великие писатели и поэты русской литературы.

НУТҚ, ТИЛ МАДАНИЯТИ ВА ОДОБИ ТЎҒРИСИДА АЙРИМ ТУШУНЧАЛАР

М.Қаҳҳорова, ФарДУ доценти
Ш.Аббосова, ФарДУ ўқитувчиси

Нутқ маданияти тўғрисида сўзлашдан олдин нутқ ўзи нима, унинг тилдан фарқи борми деган саволга жавоб топишимиз керак. Ҳар қандай соҳанинг маданияти бўлгани сингари нутқнинг ҳам ўз маданияти бор.

Тил ва нутқ бир-бирига боғлиқ ҳодисалардир, уларни бир-биридан ажратиб қараш асоссиздир. Тил нутқ учун моддий материалдир. Шу асосида нутқ ташкил топади. Тилда руҳий ва моддий материал мавжуд бўлиб, сўзнинг кишилар хотирасидаги образлари руҳий материал, нутқ яратиш жараёнида қўлланиладиган сўз шакллари, материаллар, товушлар моддий материал ҳисобланади. Тилнинг руҳий ҳодисалиги унинг онгда сақланиши бўлса, моддий ҳодиса эса ундаги товушлардир.

Нутқ – бу, тил деб аталувчи, ўта муҳим вазифани бажарувчи ноёб қуролдан фойдаланувчи жараён. Тил бирикмалари имкониятларининг борлиқ, тафаккур, онг ҳамда вазият каби ҳодисалар билан муносабатда намоён бўлишидир. Нутқ ҳаракатдаги тил бўлиб, нутқ аъзоларининг ҳаракати жараёнида пайдо бўлади ва сўз бирикмалари, эркин бирикмалар, сўз тартиби ва гаплардан ташкил топади.

Маданий гапиришга интилиш тушунчаси барча халклар тилларида қадимдан мавжуд ҳодисадир. Бу тушунча одоб ва нафосат талаблари билан алоқадор тушунчадир.

Демак, нутқ маданияти тушунчаси ҳар бир халқ тили ва миллат маънавиятини белгиловчи ёки кўрсатувчи одоб ва нафосат категориясидир.

Ҳозирги нутқ маданияти атамаси билан юритилаётган ҳодиса ва илмий муаммо анча кенг мазмунга эгадир. Нутқ маданияти миллатнинг умумий маданиятини кўтариш, одамларга маълум тилнинг дидини (языковый вкус) тарбиялашга хизмат қилувчи фаолият ҳамдир.

Нутқ маданияти уч хил ҳодисанинг номидир:

1. Маданий нутқнинг, яъни нутқий ҳодисанинг номи.

2. Маданий нутқ тушунчаси билан боғлиқ ва нутқ маданияти деб юритилувчи (муаммосини ўрганиш) илмий муаммонинг номи.

3. Нутқ маданияти муаммосини ўрганиш билан махсус шуғулланувчи соҳанинг, тилшунослик фани бўлимининг номи.

Келтирилган учта ҳодисанинг ҳар бири ўз мураккаб кўринишларига, қирраларига эга, уларни бир-бири билан қориштириб юбормаслик лозим.

Ушбу баён этилган мулоҳазалар нутқ маданияти тушунчасини тушуниш ва таърифлаш тилшуносликда ҳозир қуйидаги кўринишларга эга деган хулосага келиш имконини беради:

Нутқ маданияти адабий тил ривожининг ўзига хос хусусиятларидан бири, бу адабий тил меъёрларининг шаклланиши ва силлиқланишига ёрдамлашишдан иборат бўлган фаолият, яъни тил ривожига онгли аралашувдир. Нутқ маданияти тилни, унинг қонун-қоидаларини онгли идрок қилиш, аниқ, равшан, ифодали нутқ туза олиш маҳоратидир. У кишиларни ўзаро тўлиқ ва теран фикрлашиши, тилнинг барча имконият ва воситаларини пухта эгаллашдан иборат.

Нутқ маданияти фақат тўғри нутқгина эмас, ўқитувчилик ҳамда нутқий чечанлик ҳамдир, тил воситаларидан ўринли фойдаланган ҳолда мақсадга мувофиқ сўзлаш ва ёза олиш санъатидир .

Нутқ маданияти шу тилнинг алоқа-аралашув қуролини ишлатишга бўлган муносабат. Тил вакилларида бу ноёб қуролнинг имкониятларига муносабат, уни ишлатишдаги бошқа омиллар: тафаккур, онг, борлиқ, турли вазият ва ҳолатлар, мақсадга бўлган муносабат қанчалик юқори савияда бўлса, нутқ маданияти ҳам юқори савияда бўлади ва акс ҳолда нутқ маданияти ҳам паст савияда бўлади.

Нутқ маданияти тўғрисида гап борар экан, табиийки нутқда қўлланилган ўринли ёки ўринсиз сўзларнинг қўлланиши тўғрисида баҳс боради. Қўлланган тил бирлиги тўғри ёки нотўғри дейилганда, албатта, маъ-лум бир ўлчов (мезон)га асосланганлиги тайин. Мана шу ўлчов (мезон) тилшуносликда адабий тил меъёри деб юритилади.

Ҳар лаҳжанинг, сўзлашув тилининг, адабий тилнинг ўз меъёрлари бўлганидек, нутқнинг алоҳида кўринишлари бўлган арголар, жаргонлар ҳам ўз меъёрига эга.

Адабий меъёр. Маълум бир ҳудудда тарқалган ўша ҳудудда яшовчи аҳоли учун истисносиз тушунарли бўлади, яъни алоқани енгил амалга ошувига имкон беради. Бу тилнинг ўзи меъёрдан иборатлигини кўрсатади. Меъёр - тилнинг яшаш шаклидир.

Адабий меъёр узусга асосланади, ундан олинади. Адабий меъёр адабий тил билан бирга туғилади, бадиий адабиётнинг, халқ маданияти тараққиёти билан ривожланиб уз қонун-қоидаларини мустаҳкамлаб боради.

Адабий меъёрнинг оғзаки ва ёзма кўринишлари мавжуд бўлиб, оғзаки адабий меъёрнинг ривожланишига халқ қизиқчилари, аскиячилар, маърифатгўй халқ шоир-бахшилари катта ҳисса қўшсалар, ёзма адабий меъёрнинг шаклланишида белгиланган ёзув шакли асосида ёзиб қолдириладиган ёзма адабиёт-нинг хизмати чексиздир.

Умуман олганда, адабий тил меъёрини ўрганиш янги ҳодиса эмас. Тил меъёри ва адабий меъёр муаммо сифатида нутқ маданияти илмий соҳа, деб тан олинганга қадар ҳам ўрганиб келинган. Адабий тил меъёри, унинг шаклланиши, ривожланиши, стабиллашув қонуниятлари нутқ маданияти соҳасининг текшириш обьекти ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР:

1. «Ахлоқ – одоб сабоқлари». Улфат Махкамов. «Фан» –1994 й.

2. «Дил ажойиботларининг шархи». «Камолат» Муҳаммад Абу Ҳамид Ғаззолий. – Т.1990 й. - 199 бет.

3. «Аждодлар ўғити». – Т. «Чўлпон» 1991 й. – 118 бет.

4. «Нутқ ўстириш машғулотлари» А.Ғуломов, Б.Қобилова. – Т. «Ўқитувчи». - 1995 й.

5. Махкамов У., Тилабова Н., Тилабоева Ш. “Педагогик маҳорат”. Ўқув қўлланма. – Т. 2003 й.

ДАРИЙ ТИЛИДА СОДДА ФЕЪЛЛАР АСОСИДА ЯСАЛГАН ҚЎШМА ФЕЪЛЛАР

Алимова Холида Зикриллаевна
филология фанлари доктори,
Тошкент давлат шарқшунослик институти доценти

Дарий (*دری dar(r)i*, илмий адабиётларда, шунингдек, «форсий»[45], «форси-йе кобулий»[46], «Kābulī Persian»[47] терминлари ҳам мавжуд) тилшунослигида феълнинг қуйидаги ривожланиш йўллари ажратилади: 1) содда феълнинг префикс билан бирикуви натижасида янги маъно касб этиши; 2) «*исм → феъл*» модели асосида от (ва сифат)дан феъл ясалиши; 3) фразеологик моделлаштириш асосида қўшма феъл ясалиши.

Юқорида келтирилган усуллардан қўшма феъл ясалиши маҳсулдор саналади. Мавжуд префиксли феъллар қадимий тип ясалиши[48] бўлиб, ҳозирги дарий тилида маҳсулсиз[49]. Қўшма феъл ясалиши феъл ясалишининг бошқа усулларини сиқиб чиқарган[50].

Қўшма феъллар префиксли ва отдан ясалган феъллар каби муайян бир ҳаракатни билдиради. Уларнинг шаклланиши ўрта форс тили давридан бошланади ва тилнинг ҳозирги босқичида миқдор жиҳатидан устунлиги шубҳасиз. Қўшма феълларни ясалишига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин: а) содда феълларни «парчалаш» орқали ясалган қўшма феъллар; б) *исм + ёрдамчи феъл* типидаги қўшма феъллар.

Дарий тилида содда феълларни «парчалаш», «бўлиш» орқали ясалган қўшма феълларни феъл перифраза (ёки парафраза – юн. paraphrases – тасвирий ифода, тасвир)лари деб аташ мумкин. Бундай қўшма феълларнинг биринчи компоненти (от қисми) вазифасида асос феълнинг негизи, сифатдош шакли, ҳаракат номи

[45] Фархади Р. Разговорный фарси в Афганистане. – М.: Наука, 1974. – С. 4.
[46] Дорофеева Л.Н. Язык фарси-кабули. – М.: Изд-во восточной литературы, 1960. – С. 6; Эдельман Д.И. Категории времени и вида. Категория наклонения//Опыт историко-типологического исследования иранских языков. Том 2. – М., 1975. – С. 337.
[47] Bogdanov L. Stray Notes on Kābulī Persian. – JASB, vol. 26, № 1. – Calcutta, 1930. – P. 1-2.
[48] Мухамедова Н.А. Префиксальные глаголы в персидском языке // Краткие сообщения института народов Азии. №72. Языкознание. – М., 1963. – С. 91.
[49] Пейсиков Л.С. Лексикология современного персидского языка. – М.: Изд-во МГУ, 1975. – С. 79.
[50] Рубинчик Ю.А. Основы фразеологии персидского языка. – М.: Наука, 1981. – С. 122.

келади. Мазкур қўшма феълларни уларнинг ясалишига асос бўлган содда феъллар билан ўзаро муносабатига кўра қуйидаги моделларини ажратиш мумкин[51]:

1. ***От (ва сифат)дан ясалган феълларнинг ясовчи асоси + ёрдамчи феъл*** модели: نامیدن *nâmidan* – نام دادن *nâm dâdan* ‘номламоқ’, ‘атамоқ’, طلبیدن *talabidan* – طلب کردن *talab kardan* ‘талаб қилмоқ’, رقصیدن *raqsidan* – رقص کردن *raqs kardan* ‘рақсга тушмоқ’, جنگیدن *jangidan* – جنگ کردن *jang kardan* ‘жанг қилмоқ’, ‘урушмоқ’ каби.

2. ***Содда ва префиксли феълларнинг ўтган замон сифатдоши (ЎЗС) + ёрдамчи феъл*** модели: آمیختن *âmêxtan* – آمیخته کردن *âmêxta kardan* ‘аралаштирмоқ’, لرزیدن *larzidan* – لرزیده خوردن *larzida xordan* ‘қалтирамоқ’, گداختن *godâxtan* – گداخته کردن *godâxta kardan* ‘эритмоқ’, بر آوردن *bar âwardan* – بر آورده کردن *bar âwarda kardan* ‘амалга оширмоқ’ каби.

3. ***Содда феълнинг ҳозирги замон негизи (ҲЗН)дан ясалган ه -а суффиксли от + ёрдамчи феъл*** модели: خندیدن *xandidan* – خنده کردن *xanda kardan* ‘кулмоқ’, گریستن *geristan* – گریه کردن *gerya kardan* (به گریه افتادن *ba gerya oftâdan*) ‘йиғламоқ’, نالیدن *nâlidan* – ناله کردن *nâla kardan* ‘нола қилмоқ’; ‘инграмоқ’, سرفیدن *sorfidan* – سرفه کردن *sorfa kardan* ‘йўталмоқ’ каби.

4. ***Содда феълнинг ҲЗНдан ясалган ش -eš суффиксли от + ёрдамчи феъл*** модели: گراییدن *garâyidan* – گرایش کردن *garâyeš kardan* ‘интилмоқ’; ‘мойил бўлмоқ’, سنجیدن *sanjidan* – سنجش کردن *sanješ kardan* ‘пухта ўйламоқ’, ‘чуқур мулоҳаза қилмоқ’, آزمودن *âzmudan* – آزمایش کردن *âzmâyeš kardan* ‘синамоқ’, ‘текширмоқ’, کوشیدن *kôšidan* – کوشش کردن *kôšeš kardan* ‘ҳаракат қилмоқ’ каби.

5. ***Маъно жиҳатидан бир-бирига яқин ёки синоним сўзларни و -o- тенг боғловчиси орқали бирикуви + ёрдамчи феъл*** модели: سعی و کوشش *say-o-kôšeš kardan* – کوشیدن *kôšidan* ‘ҳаракат қилмоқ’, گریه و ناله کردن *gerya-o-nâla kardan* – گریستن *geristan*, نالیدن *nâlidan* ‘йиғламоқ’, ‘ҳўнграб йиғламоқ’, جست و خیز کردن *jast-o-xêz kardan* – جستن *jastan* ‘сакрамоқ’ каби.

6. ***Содда феълнинг ҳозирги замон сифатдоши (ҲЗС) + ёрдамчи феъл*** модели: آویختن *âwêxtan* – آویزان کردن *âwêzân kardan* ‘осмоқ’, ‘осиб қўймоқ’, شکفتن *šekoftan* – شکفان شدن *šekofân šodan* ‘гулламоқ’, رفتن *raftan* – روان شدن *rawân šodan* ‘кетмоқ’, ‘жўнамоқ’, نمودن *namudan* – نمایان کردن *namâyân kardan* ‘кўрсатмоқ’ каби.

7. ***Содда ва префиксли феълларнинг ўтган замон негизи (ЎЗН) + ёрдамчи феъл*** модели: خریدن *xaridan* – خرید کردن *xarid kardan* ‘сотиб олмоқ’, بافتن *bâftan* – بافت کردن *bâft kardan* ‘тўқимоқ’, نمودن *nemudan* – نمود کردن *nemud kardan* ‘кўринмоқ’, زیستن *zistan* – زیست کردن *zist kardan* ‘яшамоқ’, ‘ҳаёт кечирмоқ’, جستن *jastan* – جست زدن *jast zadan* ‘сакрамоқ’ каби.

8. ***Содда феълнинг ҲЗН + ёрдамчи феъл*** модели: آزردن *âzordan* – آزار دادن *âzâr dâdan*, آزار رساندن *âzâr rasândan* ‘озор бермоқ’, ‘хафа қилмоқ’, فریفتن *feriftan* – فریب دادن *ferib dâdan* ‘алдамоқ’, ‘фириб бермоқ’, نوشیدن *nôšidan* – نوش کردن *nôš kardan*

[51] *Қаранг.* Alimova X. Dariy tili. – T.: «O‘zbekiston» NMIU, 2008. – B. 58-65.

‘ичмоқ’, ‘тотмоқ’ каби. Баъзан қўшма феълнинг от қисми به *ba* олд кўмакчисини қабул қилади: جوشیدن *jôšidan* – به جوش آمدن *ba jôš âmadan* ‘қайнамоқ’; ‘ҳаяжонланмоқ’ каби.

9. ***Содда феълнинг ҳам ўтган, ҳам ҳозирги замон негизлари + ёрдамчи феъл*** модели: جستجو کردن *jost-o-jô kardan* – جستن *jostan* ‘qidirmoq’, گفتگو کردن *goft-o-gô kardan* – گفتن *goftan* ‘gapirmoq’, ‘suhbatlashmoq’, پخت و پز کردن *poxt-o-paz kardan* – پختن*poxtan* ‘pishirmoq’, رفت و روب کردن*roft-o-rôb kardan* – روبیدن*rôbidan* (رفتن *roftan* / روفتن *rôftan*) ‘supurmoq’ каби.

Юқорида келтирилган содда ва қўшма феъллар ҳаракатни турли даражада ифодалашлари мумкин, бироқ бир ҳаракатни билдирганлари (денотатив маъноси бир хил) учун синонимлар ҳисобланади.

Шуни қайд этиш керакки, баъзи содда феъллар ўзларининг лексик маъноларига кўра ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз феълдир. Бундай феъллардан қўшма феъл ясалганда, ўтимли-ўтимсизлик маъносини ифодалаш учун турли ёрдамчи-ясовчи феъллар қўлланилади:

کاستن *kâstan* ‘камаймоқ’; ‘камайтирмоқ’ – کاهش یافتن*kâheš yâftan* ‘камаймоқ’, کاهش دادن *kâheš dâdan* ‘камайтирмоқ’; آزردن *âzordan* ‘озор бермоқ’, ‘хафа қилмоқ’; ‘хафа бўлмоқ’, ‘ранжимоқ’ – (رساندن) آزار دادن *âzâr dâdan* (*rasândan*) ‘озор бермоқ’, ‘ранжитмоқ’; (کشیدن) آزار دیدن *âzâr didan* (*kašidan*) ‘хафа бўлмоқ’, ‘ранжимоқ’; فریفتن *ferêftan* ‘алдамоқ’ – فریب دادن *ferêb dâdan* ‘алдамоқ’, فریب خوردن *ferêb xordan* ‘алданмоқ’ каби.

Кўринадики, келтирилган содда ва улардан ясалган қўшма феълларнинг синонимлик даражаси бир хил эмас. Улардан баъзиларининг маънолари ўзаро тўлиқ мос тушса (رقصیدن *raqsidan* – رقص کردن *raqs kardan* ‘рақсга тушмоқ’, خریدن *xaridan* – خرید کردن *xarid kardan* ‘сотиб олмоқ’, خندیدن *xandidan* – خنده کردن *xanda kardan* ‘кулмоқ’ каби), айримларининг маънолари баъзи жиҳатлардагина тенглашади (نگریستن *negaristan* – نگران بودن *negarân budan* ‘қарамоқ’, ‘назар солмоқ’, бироқ نگران بودن *negarân budan* феъли ‘безовта бўлмоқ’, ‘хавотир бўлмоқ’, ‘қайғурмоқ’ маъноларига ҳам эга, خاموشیدن *xâmušidan* ‘жим бўлмоқ’, ‘жимиб қолмоқ’ – خاموش شدن *xâmuš šodan* 1) ‘жим бўлмоқ’, ‘жимиб қолмоқ’; 2) ‘ўчмоқ’, ‘сўнмоқ’).

Материалларимиз таҳлили ҳозирги дарий тилида 7-, 8-, 9-моделларнинг фаоллашувини кўрсатди. Бунда қўшма феълларнинг от қисми отлашган феъл негизларидан иборат. Масалан:

روز گذشته مورخ 10 جوزا سال روان دهها راکت از آنطرف خط دیورند به ولسوالی دانگام ولایت کنر انداخت گردید [52]

Rôz-e gozašta mowarrax-e dahom-e jawzâ-ye sâl-e rawân dahhâ râket az ân taraf-e xatt-e Dyurand ba woloswâli-ye Dângâm-e welâyat-e Konar andâxt gardid

[52] http://mod.gov.af/fa/blog/33401

‘Ўтган куни, жорий йилнинг 10 июнида Дюранд чизиғининг у томонидан Кунар вилоятининг Донгом уездига ўнлаб ракеталар отилди’;

مواد خارجی که در گندم یافت می شود ... [53]

Mawâdd-e xâreji ke dar gandom yâft mêšawad …

‘Буғдойдаги мавжуд (топиладиган) ташқи моддалар’.

Шунингдек, юқоридагиларга қўшимча **10- модель** сифатида антоним феълларнинг негизларини қўшма феъл от қисми вазифасида келтириш феъл негизлари отлашуви жараёни маҳсулдорлигини англатади. Масалан:

زنها حق ندارند به داکتر مرد بروند. بدتر اینکه آنها مانند بردگان جنسی خرید و فروش میشوند[54]

Zanhâ haq nadârand ba dâktar-e mard berawand. Badtar inke ânhâ mânand-e bardagân-e jensi xaridoforôš mêšawand

‘Аёллар эркак шифокорларга мурожаат қилишга ҳақлари йўқ. Бундан ҳам ёмони, улар жинсий қуллардек олди-сотди қилинадилар’;

سالهاست نبود جاده اساسی و اسفالت شده باعث شده تا غوریان به سختی به گوشه و کنار آن ولایت و ولایت های همجوار رفت و آمد کنند [55]

Sâlhâ-st nabud-e jâdda-ye asâsi wa asfâlt šoda bâ‘es šoda tâ ğôriyân basaxti ba gôša wa kenâr-e ân welâyat wa welâyathâ-ye hamjawâr raftoâmad konand

‘Бир неча йилдирки, асосий ва асфальт кўчанинг йўқлиги Ғўрликлар вилоятнинг ва қўшни вилоятларнинг чекка жойларидан қатнашларига сабаб бўлмоқда’.

Хулоса қилиб айтганда, дарий тилида қўшма феълларнинг асосий қисми *исм + ёрдамчи феъл* типидаги фразеологик модель асосида ясалиши маълум бўлса-да, содда феъллар асосида қўшма феъл ясалишининг 10 та модели мазкур усулнинг ҳам фаоллигини кўрсатади.

НЕМАРКИРОВАННЫЕ ПОВТОРЫ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

Абдукаримова Феруза Шухратовна,
к.филол.н., ст.преподаватель Худжандского государственного университета имени академика Б.Гафурова (Р.Таджикистан).

Аннотация. *В статье рассматривается функционирование немаркированных повторов, которые являются одной из основных явлений стилистико-прагматической возможностей узбекской художественно-фольклорной речи.*

Ключевые слова и выражения*: коррелят, эллипсис, антиэллипсис, повтор, маркированный, немаркированный, оппозиция, нейтральность, частотность.*

[53] دایرة المعارف آریانا. – کابل: انجمن دایرة المعارف، ۱۳۲۸-۱۳٤۸ش (٦ جلد). – ص ۱۹٦/۱.
[54] سپوژمی زریاب. قلمی در برابر کابوس// http://www.kabulnath.de
[55] روزنامۀ «انیس». – ۲۳ عقرب ۱۳۹٦ ه . ش (2017 .11.14) – ص. ٤

Немаркированные повторы—эти повторы нулевой позиции, что соответствует требованиям литературной нормы узбекского языка. Немаркированные повторы всегда сопровождаются с маркированными коррелятами синтаксической конструкции любого характера: без маркированных коррелятов не могут функционировать немаркированные повторы[1].

Повторы такого характера чаше всего встречаются в предложениях-пословицах (и поговорках) в узбекском языке. Так, например, слово «ортар» немаркированно (без звукового оформления) повторяется в структуре второго компонента бессоюзного сложносочиненного предложения «Меҳнатдан дўст ортар, ғийбатдан душман». Так же, «повторный» коррелят «бўлмас» формально (маркированно) отсутствует в структуре второго компонента бессоюзного сложносочиненного предложения «Аҳмоқнинг моҳири бўлмас, дўстликнинг--охири,. Подобный же характер имеет структура пословицы «Каттани катта бил, кичикни кичик» в узбекском языке, где коррелят повтора «бил» не имеет формальное выражение, т.е. является немаркированным. Следует отметить, что восстановить и включить немаркированных коррелятов повтора в структуру предложения стилистически не возможно: конструкция предложения под влиянием неудачной избыточности претерпевает к ущербу. Сравните:. 1. Меҳнатдан дўст ортар, ғийбатдан--душман – Меҳнатдан дўст ортар, ғийбатдан душман ортар(?). 2.Аҳмоқнинг моҳири бўлмас, дўстликнинг–охири – Аҳмоқнинг моҳири бўлмас, дўстликнинг охири бўлмас(?); 3. Каттани катта бил, кичикни--кичик --- Каттани катта бил, кичикни кичик бил(?).

Все члены предложения могут иметь нулевую позицию, являясь немаркированными повторами, что подтверждается следующими примерами, которые встречаются в конструкциях узбекских пословиц. 1.Немаркированное слово в позиции сказуемого второй предикативной части бессоюзного сложного предложения (высказывания-пословицы):

а) немаркированным бывает глагол в позиции сказуемого: Яхшидан от қолади, ёмондан—дод (Яхшидан от қолади, ёмондан дод қолади); Булбул чаманини севар, одам—Ватанини (Булбул чаманини севар, одам Ватанини севар); Сувсиз ҳаёт бўлмас, меҳнатсиз—роҳат (Сувсиз ҳаёт бўлмас, меҳнатсиз роҳат бўлмас); Бирни биров беради, кўпни—меҳнат(Бирни биров беради, кўпни меҳнат беради);

б) в позиции немаркированного повтора выступают существительные в функции сказуемого: Салом ҳам фарз, алик ҳам (Салом ҳам фарз, алик ҳам фарз); Кўрган кўзга фойда, севган кўнгилга (Кўрган кўзга фойда, севган кўнгилга фойда);

в) в позиции немаркированного повтора выступает прилагательное в функции сказуемого: Кийимнинг янгиси яхши, дустнинг эскиси(Кийимнинг янгиси яхши, дўстнинг эскиси яхши); Суҳбат сўз билан ширин, овқат туз билан (Суҳбат сўз билан ширин, овқат туз билан ширин); Ипнинг узуни яхши, гапнинг – қисқаси (Ипнинг узуни яхши, гапнинг қисқаси яхши); Эчкининг шохи хавфли, отнинг—туёғи (Эчкининг шохи хавфли, отнинг туёғи хавфли);

г) в позиции немаркированного повтора выступает числительное в функции сказуемого: Ҳаёт ҳам битта, муҳаббат ҳам (Ҳаёт ҳам битта, муҳаббат ҳам битта);

д) в позиции немаркированного повтора выступает вспомогательная часть сказуемого: Тоғ бўрисиз бўлмас, тўқай-арслонсиз (Тоғ бўрисиз бўлмас, тўқай арслонсиз бўлмас); Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ (Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ бўлади); Кўпчилик қайда бўлса, тўқчилик шунда (Кўпчилик қайда бўлса, тўқчилик шунда бўлади); Яхши қанд едирар, ёмон панд(Яхши қанд едирар, ёмон панд едирар);

е) в позиции немаркированного повтора выступают модальные слова в функции сказуемого: Қалбга қаримоқ йўқ, севгига ўлим (Қалбга қаримоқ йўқ, севгига ўлим йў қ).

2. В функции немаркированного повтора выступают существительные в позиции прямого дополнения: Одамни умид яшартади, ғам қақшатади (Одамни умид яшартади, одамни ғам қақшатади;

3. В функции немаркированного повтора выступают существительные в позиции притяжательного определения: Бола—азиз, одоби ундан азиз (Бола азиз, боланинг одоби ундан азиз); Болангни яхши кўрсанг, одобига айнима (Болангни яхши кўрсанг, болангнинг одобига айнима).

В данной конструкции немаркированный повтор является асимметричными, который характеризуется тем, что основной коррелят различается от немаркированного его коррелята в отношении морфологической оформлении. Коррелят немаркированного повтора является существительными в винительном падеже, а немаркированный коррелят – существительное в родительном падеже.

Немаркированный коррелят повтора является симметричным, если его коррелятивная пара совпадает с ним в отношении морфологического оформления. Например, в предложениях-пословицах Ер бойликнинг онаси бўлса, отаси—меҳнат(Ер бойликнинг онаси бўлса, бойликнинг отаси – меҳнат); Ҳар ернинг ўз тупроғи бор, ўз шароити бор(Ҳар ернинг ўз тупроғи бор, ҳар ернинг ўз шароити бор); Ойнинг ўн беши қорон ғи бўлса, ўн беши ёруғ (Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ойнинг ўн беши ёруғ). В симметричных случаях немаркированный повтор и его маркированный коррелят имеют однозначное морфологическое оформление. В вышеприведенном примере оба корреляты повтора в одинаковой морфологической форме: существительные в родительном падеже—существительные в родительном падеже. .

4. В функции немаркированного повтора выступает именное словосочетание в позиции подлежащего: Инсон кўнгли гулдан нозик, тошдан қаттиқ Инсон кўнгли гулдан нозик, инсон кўнгли тошдан қаттиқ); Кўз бўямачи тулки бўлади, халқ ичида кулки бўлади (Кўз бўямачи тулки бўлади, кўз бўямачи халқ ичида кулки бўлади) и др.

Во многих случаях в литературной и разговорной речи обнаруживаются так называемые «обратные повторы», которые противостоят к обычным,

«нормальным» повторам лексического характера. Термин «обратный повтор» употребляется нами условно.

«Обратный повтор» являясь одним из разновидностей смыслового повтора, характеризуется тем, что в нем маркированным является второй коррелят повторяемого слова, он имеет фонетическое выражение, а первый член повторного коррелята осмысляется без фонетического выражения, т.е. является немаркированным. Так, например, в предложении-пословице «Сафар қилсанг, ҳамроҳинг, уй-жой қилсанг, хамсоянг бўлсин» многокомпонентное сложное предложение, которое состоит из четырёх предикативных частей: 1) сафар қилсанг; 2) ҳамроҳинг бўлсин; 3) уй-жой қурсанг; 4) ҳамсоянг бўлсин. Во второй его предикативной части сказуемое «бўлсин» является немаркированным, оно характеризуется как «обратный повтор» (Сравните: Сафар қилсанг, ҳамроҳинг бўлсин, уй-жой қурсанг, ҳамсоянг бўлсин).

«Обратный повтор» широко употребляется в конструкциях пословиц узбекского языка, основными его разновидностями являются следующие:

1.Обратным повтором является сказуемое первой части сложного предложения: Яхши сўз билан илон инидан, ёмон сўз билан пичоқ қинидан чиқар (Яхши сўз билан илон инидан чиқар, ёмон сўз билан пичоқ қинидан чиқар); Яхши бўлсанг, ошингни, ёмон бўлсанг, бошингни ейсан (Яхши бўлсанг, ошингни ейсан, ёмон бўлсанг, бошингни ейсан); Сўз олқишидан, севги боқишидан билинар (Сўз олқишидан билинар, севги боқишидан билинар);

2. В позиции обратного повтора употребляется сказуемое, которое имеет форму отрицательного глагола, в позиции маркированного повтора -- глагол утвердительной формы: Эр йигитни одам эмас, номус ўлдиради (Эр йигитни одам ўлдирмайди, номус ўлдиради); Одамни пўстин эмас, иш қидиради (Одамни пўстин қиздирмайди, иш қиздиради);;

3. В позициях обеих повторов — глаголы утвердительной формы позиции сказуемого: а) Сўзни ўлчаб, кулгини мисқоллаб сот (Сўзни ўлчаб сот, кулгини мис қоллабсот); Қуённи қамиш, одамни номус ўлдиради (Қуённи қамиш ўлдиради, одамни номус ўлдиради); б) формы именного сказуемого: Эчкининг шохи, отнинг туёғи хавфли (Эчкининг шохи хавфли, отнинг туёғи хавфли);

4. В позиции обратного повтора употребляется косвенное дополнение, выраженное именным словосочетанием: Яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади (Яхши гап ҳам бир оғиздан чиқади, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади). Это предложение отличается от предыдущих предложений в отношении количества обратного повтора. В нем обратный повтор два: а) бир оғиздан; б) чиқади.

Следует отметить, что в узбекском языке конструкции с «обратными повторами» без изменения смысла легко трансформируются на конструкции с обычными, «постпозитивными» повторами. Сравните: Яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади – Яхши гап ҳам бир оғиздан чиқади, ёмон гап ҳам; Эчкининг шохи, отнинг туёғи хавфли – Эчкининг шохи хавфли, отнинг туёғи;

Қуённи қамиш, одамни номус ўлдиради – Қуённи қамиш ўлдиради, одамни— номус и т.д. Между ядерными и трансформированными эквивалентами предложений с немаркированными и обратными повторами различие обнаруживается лишь в интонационном строении высказываний: не препозитивное в отношении немаркированного повтора произносится выделительной паузой, что в письменной речи определяется с помощью тире. Ср. Қуённи қамиш, одамни номус ўлдиради – Қуённи қамиш ўлдиради, одамни— номус.

Немаркированные повторы активно встречаются и в парцелляцивных конструкциях. Парцелляционная конструкция характеризуется тем, что «…при которой содержание высказывания реализуется не в одной, а в двух или более интонационно-смысловых речевых единицах, следующих одна за другой после разделительной паузы… Парцелляция широко используется в художественной литературе как средства изобразительности, особый стилистический прием, позволяющий усилить смысловые и экспрессивные оттенки значений». Так, например, сказуемое «келди» является не маркированным повтором в речевом отрезке «Бизнинг касалхонага яқинда бир қиз келди. Тошкентдан («Шар қ юлдузи»), что является парцеллятивной конструкцией, в которой парцеллят «Тошкентдан» не имеет формального лексического повтора. Наличие немаркированного повтора осмысляется через пресуппозиции данного предложения, где маркером пресуппозиции является сказуемое «келди», которое употреблено в основной (базовой) структуре парцеллятивного высказывания, Ср.: Бизнинг касалхонага яқинда бир қиз келди. Тошкентдан (келди). Непарцелляционным, обычным эквивалентом данного высказывания является форма предложения: «Бизнинг касалхонага яқинда Тошкентдан бир қиз келди». Эти две конструкции (парцелляционной и не парцелляционной структуры) в отношении общего смысла не различаются; различаются они друг от друга в отношениях прагматико-стилистического и структурно-грамматического аспектов высказывания.

Немаркированные повторы в одной партелляционной конструкции могут быть два и больше. Например, в структуре высказывания «Район марказига атроф қишлоқлардан бозор-учарга одамлар келишарди. Машиналарда. Яёв» (Ш.Тошматов) два парцеллята с не маркированным повтором.: 1) Машиналарда (келишарди); 2) Яёв (келишарди). Кроме этого, в данном высказывании обнаруживается и смысловой повтор (одамлар: …одамлар машиналарда келишарди; …одамлар яёв келишарди), тоже имеет не словесное оформление, т.е. немаркированное.

Языковые (точнее: речевые) данные подобных характеров, в которых повторы не имеют формальное оформление, многочисленны в узбекском языке и в языках иного грамматического строя, что является объектом самостоятельного изучения.

Л И Т Е Р А Т У Р А

1. Проблемы данной темы рассмотрены в следующих литературах: Сковородников А.П. Об одном виде повторной номинации со стилистической значимостью // В кн.Синтаксис текста. –М.: «Наука»,1979.; Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. –М.: «Просвещение», 1976. –С.272-273);

ҚАДИМИЙ ХИТОЙ ТИЛИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ МАТНЛАРИДА МУРОЖААТ ШАКЛЛАРИ

Носирова Саодат Абдуллаевна
ф.ф.н. (PhD), доцент
Тошкент давлат шарқшунослик институти

Қадимги Веньян тилида мурожаатнинг ифода шакллари хилма-хил ва ҳозирги хитой тилига нисбатан анча кўп бўлганлиги илмий асарларда келтирилади.[56]

Мурожаат шаклларини танлашда кўплаб ҳам объектив омиллар: ижтимоий келиб чиқиш, ёш, сўзловчи ва тингловчининг жинси; ҳам субъектив омиллар: сўзловчининг тингловчига нисбатан ёндашуви (нейтрал, ҳурмат, юқори даражадаги ҳурмат, атайлаб инсонни ғурурига, нафсониятига тегиш, инсонни камситиш, ҳафа қилиш)га амал қилинган. Шу муносабат ила, субъектив омиллардан келиб чиқиб, мурожаатнинг нейтрал, ҳурмат, камситиш шакллари мавжуд бўлган. Бир хил шаклдаги ибора, мурожаат сўзи ҳар ҳил вазиятларда ҳам ҳурмат ҳам ҳурматсизлик тарзида, ҳаттоки камситиш шаклида қабул қилиниши мумкин бўлган. Масалан, 汝[57] ru *сен* мурожаат шакли лавозими бир хил инсонга ёки ёшроқ инсонга нисбатан қўлланилиши нейтрал мурожаат сифатида қабул қилинган, ушбу мурожаат шаклининг лавозими юқорироқ инсонга нисбатан қўланилиши эса камситиш, беписандлик маъносини билдирган. Агар инсон суҳбат давомида ўзини ёшликдаги исми билан атаб ўзга киши билан гаплашса – бу сўзлашувнинг ҳурмат категориясини билдирган, лекин шу вақтнинг ўзида суҳбат қураётган инсонни исми билан чақириш юқори даражадаги ҳурматсизлик белгиси ҳисобланган. Кишилик олмошларидан ташқари мурожаат шакллари маъносида лавозим, унвон, қариндошлик муносабатларини билдирувчи сўзлар ҳам қўлланилган.

Инсон сўзлашув жараёнида ўзини аташ учун ишлатиладиган шакллар ҳам турлича бўлган: масалан, атоқли отлар ва айрим ўзига ҳос от сўз туркумидаги сўзлардан кенг фойдаланилган: 巨[58] chen *хизматчи, қўл остидаги киши,* 亲[59] qie

[56] 简明唐诗本。- **北京**、1990.- 97 页
[57] （书）你。现代汉语词典，2002**年**，1076页
[58] **官使**对皇帝上书或说话的自称。现代汉语词典，2002**年**，152页
[59] **古**时女子谦称自己。现代汉语词典，2002**年**，1023页

канизак , 镆[60]pu *фақир, хизматкор* ва ҳ. Баъзи мурожаат шакллари универсал характерда бўлган. Масалан, инсон ҳар қандай вазиятда ўзини кишилик олмоши билан аташи урф бўлган. Баъзи мурожаат шакллари фақат маълум бир жамият гуруҳи доирасида қўлланилган. Масалан, фақатгина князь ўзини 寡人gua ren *ман, ёлғиз ман*; император ўзини 朕[61] zhen *Танҳо Мен* каби сўзлар билан аташи мумкин бўлган. Баъзи бир сифатларнинг мурожаат шаклида бирикиб келиши мурожаатнинг ҳурмат даражасини янада оширган (大da *буюк,* 明ming *зиёли*). Ўзини аташга қаратилган сўзлар кўпинча камситиш характерга эга бўлган сифат билан ишлатилган: 遇yu *ақлсиз*, 不肖 *ҳеч нарсага ярамайдиган*. Бу каби сифатлар мурожаат шакли ўрнида ёки суҳбат жараёнида сўзловчининг ўзини ўзи номлаши учун хизмат қилган ва кўпинча бундай мурожаат шаклларида от сўз туркумидаги сўзлар тушириб қолдирилган.

Ўзини аташ шакллари (суҳбат жараёнида). Ҳар қандай инсон бошқа-бир инсон билан сўзлашганда ўзини 五wu *мен*, 我wo *мен*, 子zi *сен* каби кишилик олмошлари билан атаган. Бу сўзлашувнинг нейтрал шакллари ҳисобланган. Ҳурмат маъносидаги сўзлашувда сўзловчи одатда ўзини ёшликдаги исми билан ёки “ҳурматни ифодаловчи” от сўз туркумидаги сўзлар билан атаган巨[62] chen *менким, Сизнинг қулингиз*. Бунда тингловчининг қайси лавозимда эканлиги аҳамиятсиз эди.

Аёл киши лавозим жиҳатдан ўзидан юқори ва ҳаттоки тенг мансабдаги киши билан сўзлашганда ўзини 亲[63] qie *канизак* деб айтган – бу шакл ҳурмат категориясидаги шакл бўлган. Император ўзини朕[64] zhen *Танҳо* сўзи билан атаган.

Ҳар қандай киши сўзлашувда ўзини 小人xiaoren *кичик одам* ёки *ўқимаган*, *оддий фуқаро* сўзи билан атаган (антоним сифатида 君子junzi *зиёли, юқори маданиятли* сўзи ишлатилган). Ўзини аташ сўзларининг аксарияти камситиш маъносига эга бўлган. Масалан, 不才bucai *иқтидорсиз,*不佞buning *ақлсиз* , 贱 jian *зоти паст* .

Мурожаат шаклларининг нейтрал турларига 汝ru *сен*, 若ruo *сен*,而 каби кишилик олмошлари, қадимги Веньян тилида от сўз туркумига оид子zi *сен* сўзи кенг қўлланилган. Иккинчи шахсни ифодалашда қўлланиладиган кишилик олмошлари ўрнига ҳам子zi бемалол ишлатилаверган. Лекин ўзидан юқори мансабдаги инсон билан сўзлашувда ўша инсонни кишилик олмоши билан аташ ўта ҳурматсизлик ҳисобланган. Ҳурмат маъносида инсонни унинг лавозими билан аташ, даражаси, унвони маъносидаги сўзларни қўллаш одат тусига кирган (

[60]古时男子谦称自己。现代汉语词典，2002年，987页
[61] “我”专用做皇帝自称。现代汉语词典，2002年，1601页
[62] 官使对皇帝上书或说话的自称。现代汉语词典，2002年，152页
[63] 古时女子谦称自己。现代汉语词典，2002年，1023页
[64] “我”专用做皇帝自称。现代汉语词典，2002年，1601页

王wang *князь,* 公子gongzi *шаҳзода*, 将军 jiangjun *генерал,* 太子taizi меросхўр, 相xiang *маслаҳатчи, вазир* ва б.). Шогирдга нисбатан 弟子dizi сўзи, меҳмонга нисбатан 客ke , 先生xiansheng *жаноб* маъносида (*олдин туғилган*), устозга 夫子fuzi деб мурожаат этилган. Оҳирги икки шакл устоз билан муомалада ишлатилган. Ёши улуғ кишиларга нисбатан 叟sou *қария* сўзи ишлатилган. Турмушга чиққан аёлга нисбатан 婦 fu *рафиқа* сўзи қўлланилган. Кенг тарқалган ҳурмат маъносидаги мурожаат шакли сифатида 君jun *жаноб*, ўта ҳурмат маъносида 足下zuxia *оёқ остидаги* сўзи қўлланилган.

Кўриниб турибдики, қадимги Хитой Веньян тилида мурожаат шакллари ва ўзини аташ шакллари ҳилма-хиллиги кузатилади. Бирон-бир мурожаат шаклини танлашда сўзлашувчиларнинг ёши, жинси, сўзлашувнинг пайти, вазияти каби объектив, сўзлашувчи ва тингловчининг бир-бирига муносабати каби субъектив омиллар таъсир кўрсатишини инобатга олсак, талабаларда қадимги Веньян тилидаги матнларни тўғри таржима қилиш кўникмасини тўғри шакллантириш вазифаси ниҳоятда долзарбдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 简明唐诗本。- 北京、1990.

2. 现代汉语词典，2002年

3. Березин Ф. М. История лингвистических учений. – М.: Высшая школа,1984. 318 б.

4.Зограф И.Т. Монгольско – китайская интерференция. Язык монгольской канцелярии в Китае. – М.: «Наука», 1984. – 140 с.

CHO‘LPON LIRIKASIDA METONIMIYA

I.Raxmonova, FarDU o’qituvchisi

Metaforaga yondosh va o‘xshash hodisalar anchagina bo‘lib, ko‘pincha ularning hammasi metafora deb atalaveradi. Shu fikrga tayangan holda metaforaga yondosh va o‘xshash hodisalarni tahlil qilishdan avval, ularning farqli tomonlarini aytib o‘tishni lozim deb topdik (metonimiya, sinekdoxa).

Metonimiya so‘zi yunoncha metonymia – yangi nom qo‘yish, nomini o‘zgartirish demakdir. Metonimiyada biror predmet yoki voqea - hodisaning nomini aytganda shularga o‘zaro bog‘liq bo‘lgan ikkinchisi anglashiladi, bir nom orqali ikkinchisi ifoda etiladi. Bunda predmetlarning ichki yoki tashqi tomonlarining o‘xshashligi ko‘zda tutilmaydi. Metonimiya ham qiyosga asoslanadi. Faqat “metaforada bir-biriga o‘xshash predmetlarning belgilari qiyoslansa, metonimiyada bu ikki predmet tashqi ko‘rinishi yoki ichki xususiyatlari bilan bir-biriga qandaydir aloqasi bo‘lsa ham, ammo, umuman bir-biridan farq qiluvchi (bir-biriga o‘xshamagan) predmetlarning belgilari chog‘ishtiriladi” Cho‘lponning lirik asarlarini o‘rganish jarayonida quyidagi o‘rinlarda

metonimiya usuli asosida ma’no ko‘chirilib, uslubiy bo‘yoqdorlik oshirilgan badiiy matnlarni aniqladik:

Kun botishga o‘t ketibdur, alangasi ko‘rindi.
Ey madaniy, ey faylasuf, ey alloma “ kun botish”,
Yer yuzida kishan yoyib, qullik sepib oxirda
Bu nima, bu –alangalar to‘ri bilan o‘ralish?
Hech mumkinmi qahr etilsun qahr etguvchi qahrda?.. (“Ko‘ringan alanga”)

Bu yerda metonimiya usuli orqali ma’no ko‘chirilgan. Germaniyan voqealariga bag‘ishlangan “Ko‘ringan alanga” nomli she’rda shoir kun botish deganda Germaniyani nazarda tutgan. Quyoshning botish tarafida bolgan Germaniya davlati kun botish so‘zi orqali ifodalangan. Tahlillarimiz natijasida shu narsa ayon bo‘ldiki, Cho‘lpon bitta badiiy nutqda ham metonimiya, ham metafora usulidan unumli foydalangan va badiiy ta’sirchanlikni amalga oshirgan. Bu esa yozuvchining mahoratidan dalolat beradi.

Metonimiya ham nom ko‘chish usuli bo‘lib, narsalar orasidagi obyektiv bog‘liqlikka asoslanadi.

Metonimiya va metafora orasidagi farq nom ko‘chirish asoslaridadir. Metaforalarga o‘xshashlik, metonimiyaga esa bog‘liqlik asos bo‘ladi. Demak, daxldorlik metonimiyaning asl qoidasi; so‘zning tagma’nosi o‘xshatilmasa, aloqadorlik mavjud bo‘lsa, biz uni to‘laqonli metonimiya hodisasi deb olishimiz mumkin. O‘xshashlik va bog‘liqlik munosabatlari orasidagi tafovut bu ikki til hodisasining farqini ochib berishga xizmat qiladi. Bu tafovut shundaki, metafora subyektiv o‘xshashlik asosida bo‘lib, so‘zning semem tarkibiga suyangan holda metaforalarni aniqlash mumkin. Masalan, gul so‘zi go‘zal va xushbo‘y semalarini ifodalaydi va uni kontekstda yor (ma’shuqa) ma’nosida ko‘rishimiz mumkin. Metonimiyada esa bog‘liqlik obyektiv mavjud bo‘lmasa, uni yaratib bo‘lmaydi. Masalan, tegirmon - bu obyekt. Joylashgan joyga nisbat berilib metonimiya hodisasi aniqlanadi: — Tegirmonga bordim.

Badiiy adabiyot tilida metonimiya va sinekdoxaning ishlatilishi til tejamkorligi qonunlariga hamda badiiy estetik talabga to‘laligicha mos keladi.

Metonimiya - grekcha “metonymia” so‘zidan olingan bo‘lib, boshqacha nom berish degan ma’noni bildiradi. Metonimiya hodisasi ham so‘zlarning ko‘chma ma’nosi bilan bog‘liq. Ammo bu yerda asosan biror narsa yoki voqea-hodisaning nomi boshqa bir narsa yoki hodisaga ko‘chiriladi. Bu predmet yoki voqea-hodisa ongimizda bir-biri bilan aloqador tushunchalarni anglatishi bilan o‘zaro bog‘langan bo‘ladi. Metonimiyada ikki predmet tashqi ko‘rinishi yoki ichki xususiyatlari bilan bir-biriga qandaydir aloqasi bo‘lsa ham, ammo, umuman bir-biridan farq qiluvchi (bir-biriga o‘xshamagan) predmetlarning belgilari chog‘ishtiriladi . Yuqorida aytib o‘tilganidek, metonimiya bog‘liqlik asosida ko‘chishdir. U bir necha xil bo‘lishi mumkin. Lekin metonimiyaning poeziyadagi imkoniyati bir oz cheklangan. Buni Cholpon lirikasida ham kuzatishimiz mumkin. Ayrim misollar keltiramiz:

Minayin semirgan otga deb
Og‘zingga mallalar bir tepdi. (“O‘zbegim”)

Cho‘lpon rus bosqinchilarini mallalar deb atagan. Bu bilan shoir shaxs va uning rangi o‘rtasidagi bog‘liqlikka asoslangan.

Quyidagi misralarda esa Cho‘lpon oltin bilaguzuklar, yoqut marjonlar deya ayollarga murojaat qilgan. Bunda taqinchoqlar nomlari ayollarga xos buyumlar bo‘lganligi uchun metaforik asosda nom ko‘chishiga sabab bo‘lgan.

Tokay ig‘vo bilan, aldashlar bilan
Million-millionlarni asir qilasiz?
Yer asiralari, yer asiralari!
Oltin bilaguzuklar, yoqut marjonlar (“Yer asiralari”)

Cho‘lpon bir she’rida tovush so‘zini shaxs ma’nosida qo‘llab metonimiyaning go‘zal namunasini yaratgan:

Yigitlik ko‘karib yashargan damda,
Har yumshoq tovushga tutqin bo‘ldim men…
Har go‘zal chehraga ko‘ngil berganda,
Borliqni u uchun qurbon qildim men (“Men ham sevaman”)

Demak, metonimiya hodisasi bir predmet, belgi, harakat nomini o‘zaro tashqi yoki ichki bog‘liqlik asosida boshqa predmet, belgi yoki harakatga nisbatan qo‘llash hodisasi ekan.

CHO‘LPON LIRIKASIDA SINEKDOXA

I.Raxmonova,FarDU o’qituvchisi

Ba’zi adabiyotlarda metaforaning bir turi sifatida e’tirof etilgan sinekdoxa hodisasi, asli metonimiyaning bir ko‘rinishidir. Chunki unda ham metaforadan farqli ravishda o‘xshashlikdan ko‘ra bog‘liqlik, aloqadorlik jihatlari ustun. Buni birgina misol orqali ko‘rishimiz mumkin: Besh qo‘l barobar emas jumlasida qo‘l so‘zi “barmoq ma’nosidadir”. Bu jumlada o‘quvchi diqqati qo‘l so‘ziga qaratiladi.

Qo‘l – odamning barmoq uchlaridan yelkasigacha bo‘lgan qismi (O‘TIL,II)

Demak, qo‘l so‘zi odam tana a’zosiga bog‘liq va aloqador bo‘lgan qismi. Bu misol orqali biz butun bo‘lakni ifodalab kelganini anglashimiz mumkin..

Sinekdoxa hodisasi ham ko‘chimning bir turi bo‘lib, uning vositasida shaxs yo predmetning nomi o‘rnida biror bo‘lak orqali o‘sha tushuncha beriladi. Sinekdoxa hodisasiga Azim Hojiyevning “Tilshunoslik terminlarining izohli lug‘ati”da shunday ta’rif beriladi: Sinekdoxa (yun. Synecdoche – birga nazarda tutmoq) bir predmet nomining boshqa predmetga butun va qism munosabati asosida ko‘chishi, butuning nomi qismning nomi va aksincha bo‘lib qolishi. Masalan, olma: 1) Mevaning bir turi va 2) shu mevaning daraxti.

Demak, yuqoridagi fikrlarga tayangan holda sinekdoxaning ikki turini belgilash mumkin:

1) butunni bo‘lak ifodalaydi. Sinekdoxaning bu turi Cholpon she’riyatida faol qo‘llangan. Uning lirik asarlarida insonnig deyarli barcha a’zolari orqali shaxs ma’nosi anglashilishini ko‘rish mumkin. Misollar:

Jon so‘zi (qism) orqali inson (butun) ifodalanadi:
Qarshimda yig‘lagan bu jonlar kimlar?
Qullar o‘lkasining insonlarimi?

Qayg‘urib qolgan chog‘ingdir, barcha jonlar qayg‘urar,
Har tomonda qayg‘u, hasrat, har aziz jon oh urar. (“Tabiatga”)

Alam oldi, firoq oldi, qon oldi,
Amal qoldi… Ko‘zi yoshli jon qoldi. (“Yotoqdan”)
Ko‘z so‘zi orqali ham shaxs, inson ma’nosi anglashiladi. Misollar:
Ketding, biroq izlaringda ko‘z qoldi,
Tillaringda aytilmagan so‘z qoldi.

Har yetim ko‘zda tomchi-tomchi zahar,
Har faqir uyida inglayish va yig‘i. (“Yana qor”)
Dengizlar qaynasa, toshsa suvlari,
Kesilsa yo‘lchining istak yo‘llari.
Dengizga aylansa o‘ng va so‘llari,
Balki yupatg‘usi ho‘llangan ko‘zlar? (“Yupanmoq istagi”)
Ba’zan ko‘z so‘zi oldidan ohu so‘zi aniqlovchi sifatida qo‘shib qo‘llaniladi:
Dam ko‘kka irg‘itib, dam tortar ko‘ksiga
Shu yo‘lda o‘ynatur qizni,
Kuldirib u nurli yuzni, Suydirib u ohu ko‘zni,
Qul qiloib sizni ham bizni…(“Po‘rtana”)

Qo‘l so‘zi:
Binafsha,
Bir so‘yla,
U qanday qo‘llarkim,
Uzalar, hidlaylar, yanchalar? (“Binafsha”)
Uzib olib yerga urmas har inson-da,
Keng sahroda o‘zim yashnab sarg‘ayardim!
Har xoin qo‘l meni yerga urmas edi,
Har bir oyoq ko‘kragimdan yurmas edi. (“Chechak”)
Yuz so‘zi:
Har sarig‘ yuzida so‘ngi shy’la so‘nar,
Har tomon, har tarafda bir qayg‘i (Yana qor)
Yuz so‘zining sinonimi bo‘lgan chehra so‘zi orqali ham butun, ya’ni shaxs ma’nosi ifodalanadi. Masalan:
Yigitlik ko‘karib yashargan damda,
Har yumshoq tovushga tutqin bo‘ldim men…

Har go‘zal chehraga ko‘ngil berganda,
Borliqni u uchun qurbon qildim men (“Men ham sevaman”)

Yanoq so‘zi. Quyidagi misolda yanoq so‘zi sinekdoxa bo‘lib, unda ham butunni bo‘lak ifodalab kelgan. Yanoq - kimsaga tegishli qism, yuzning bir qismi. Bu misolda yanoq so‘zi odam, go‘zal qiz, yor ma’nosida qo‘llangan.

Ko‘zimni olaman oy chiqqan yoqqa,
Boshlayman oydan-da seni so‘rmoqqa.
Ulda aytadir bir qizil yanoqqa
Uchradim tushimda, ko‘milgan oqqa.
Miya, bosh so‘zlari:
Tokay haq so‘zlagan miyalar, boshlar
Dorlarning ipiga borib tegadi?
Ohimning o‘tidan chiqqan shu’lalar
Sharqning ko‘kragida bir joy topmasmi?
Ko‘ksimdan qisilib chiqqan na’ralar
Uxlagan dillarga siljib oqmasmi? (“Amalning o‘limi”)

O‘zaro sinonim bo‘lgan ko‘ngil, yurak, dil so‘zlari orqali ham butun, ya’ni inson ma’nosi anglashiladi:

Ay umidsiz, ay chizilgan
Dor oldiga… Oppoq dillar! (“Vijdon erki”)
Bugun ko‘ngil va yuraklar olovli-o‘tli kabi,
Bulut ko‘zidan esa yerga og‘u-yosh sochilar (“Og‘riganda”)

2) bo‘lakni butun ifodalaydi. Sinekdoxaning bu turi Cholpon lirikasida kammahsul bo‘lib, quyida namuna sifatida ushbu misolni keltiramiz:

Boqchangga yosh qo‘llar ekalar gullar,
Ochilmoq istaydir lola,sumbullar (Ketding)

Keltirilgan bayt misralarida qo‘l so‘zi senekdoxa hodisasidir. Qo‘l – odamning barmoq uchlaridan yelkasigacha bo‘lgan qismi. Qo‘l so‘zi –lar grammatik formasini olib, kuchaytirish mazmunida “barmoq” ma’nosida kelgan, ya’ni bo‘lakni butun ifodalab kelgan.

Demak, sinekdoxa hodisasi butun va qism munosabati asosidagi ko‘chim hodisasidir.

Filologik lug‘atlarda so‘zlarning ma’no xususiyatlarini ochib berish, ma’nolarni chegaralash ancha murakkab masaladir. Lug‘atchi kartoteka materiallari asosida ish ko‘rar ekan, har bir so‘zning xilma-xil leksik qurshov doirasida o‘zaro munosabatga kirishuvini tahlil qiladi, uning matn, nutq jarayoni talabiga ko‘ra, til qonuniyatlari asosida tushuncha ifodalash xususiyatlarini aniqlaydi, ma’no nozikligi va qo‘llanish holatlarini farqlagan holda ularga leksikografik tavsif beradi.

Ma’lumki, ma’no ko‘chirishda metafora, metonimiya, sinekdoxa va vazifadoshlik hodisalari muhim rol o‘ynaydi. Demak, lug‘at tuzish jarayonida, xususan ma’nolarni chegaralashda ham mazkur hodisalarga suyanib ish ko‘rish ijobiy natijalar berishi

mumkin. O‘zbek tilida sinekdoxa hodisasi tufayli ko‘p ma’noli so‘zlarning yuzaga kelishi keng tarqalgan.

U turli qatlamga doir qator so‘zlar doirasida yuz beradi.

MAIN PECULIARITIES OF LEXICAL AND PHRASEOLOGICAL UNITS EXPRESSING PHYSICAL CONDITION OF PEOPLE

M.Kh.Khakimova, UzSWLU, teacher,
department of teaching English methodology

Comparative analysis of structural-grammatical and semantic characteristics, internal structure and imagery of phraseological units describing the state of an individual in Uzbek, Russian and English are quite real today. Actually the most important questions are concerning the comparative analysis of languages to establish their related and distinctive features. “Comparative-typological analysis of communicating languages belonging various language groups accelerates the process of reciprocal language enrichment and assimilation of one language of anything important beneficial found in other languages”[1:p.212].

In linguistics, analysis of languages from a separate system is actively developing alongside a comparative study of similar languages. The problems of comparative phraseology are reflected in the works of Yu.A.Dolgopolov, D.O.Dobrovolsky, V.M.Mokienko, V.N.Teliy, A.V.Kunin. Because of the universal existence of the main philosophical categories, the oldest types of cultural understanding of the world, the growth of intercultural relations and the general processes of integration and rapprochement of national languages contribute to an increase in the importance of studying commonality in different structural languages. The variations in individual languages are explained by the relative freedom of the language with the decisive position of thought, the absence of a clear and unambiguous reliance on thought of the linguistic phenomena. The above confirms our belief that recognizing and researching common or related characteristics provides the conditions for a better understanding of particular, unique characteristics inherent in one of the languages being compared and analysis of distinctive, unique characteristics helps to define similar characteristics between languages being studied.[2:p.26]

Phraseology, as you know, is a kind of predictor of the general and unique nature of country, representing the uniqueness and originality of the language, culture, structure, tradition, history, mindset consciousness stereotype. However, phraseological units are the most “special elements of language’s lexical and phraseological system; “with the opportunity to penetrate in and enrich other languages. This is due, firstly, to the fact that the phraseological units studied occupy a substantial layer in the phraseological context of the languages in question; secondly studying the phraseological unit data helps to understand how different native speaker states of these languages manifest and experience. [3:p.97]

1.Therefore, the appeal to phraseological units as linguocultural units, on the figurative basis of which the worldview of the Uzbek, Russian, English and peoples are represented, phraseological units representing the condition of an individual are one of the most numerous and important fields of phraseological funding of the Russian, English and Uzbek languages.

2. Phraseology describing the condition of individual have a cultural meaning and include not only ethnic, peculiar features of the peoples of Uzbekistan, Russian, England, but also a collection of universal, universal human characteristics.

3. Phraseological units with a negative evaluative connotation dominate in the three studied languages over the amount of phraseological units with a positive evaluation connotation which is explained by a person's increased emotional response to negative phenomena.

4. In phraseological units that express a person's state, components that acts as symbols, standards, stereotypes are distinguished, reflecting both the features of the language and the national culture.

5. The processes of creating, implementing and perceiving phraseological units, expressing the human condition in the Uzbek, Russian and English languages considered in the study, indicate the similarity of the members of multilingual cultures to the anthropocentrically guided perception of surrounding truth.

6. Studying the human circumstances conveyed by phraseological units plays a significant role in the language and culture system, helping to define a specific ethnic group's national. The commonality of linguistic can be discovered in the mass consciousness of members of different ethnic groups through phraseological funds of studied languages.

7. The quantitative prevalence of the total number of phraseological units representing the human condition of the Uzbek and Russian languages over the phraseological units of the English language is clarified in greater emotionality and sensuality by the psychological properties and attitude of the Uzbek and Russian populations. Summarizing the present ideas and points of view regarding the concept of "state", philosophers gives this definition. State the philosophical category that reflects a specific form of realization of being, fixing the moment of stability in the change, development, movement of material objects at some given moment in time under certain conditions.

There is an entity relation between the central and reliant components of phraseological units. Phraseological units with structure V+N are biggest category. For instance: in Russian "to bring your head"-it means to death; "to lose your head"- to go crazy; "to hang your nose"-to become depressed; in English "lose countenance" (letters, lose patience) it means lose your temper: English turn the corner (letters, wrap around the corner) - start to get better; English take alarm (letters, raise the alarm) - worry, get scared. Unlike phraseological units of the English language, the Uzbek phraseological units and a number of phraseological units of the Russian language present the reverse

order of components. For example: rus. “the leg is taken away”-someone is very tired after a serious illness; “the head burns”-someone is very excited;” “the nut loosened”-someone was very scared; Uzbek oyoqtan qolmoq- in English “to die”; Uzbek yoqotmoq -loose your head it means –go crazy; in Uzbek “joni tinchimoq” (the soul calm down), obresti pokoy in Russan it means ‘to die”.

To the considered group of phraseological units were also attributed phraseological units with a pre positive extension of the noun with the possessive pronoun: V+pron+N(pron+N+V). For example: rus.”be aware”- to understand, fully realize something, rus.”bite your elbows”-annoy, regret; “loose ones balance”- lose your temper, lose your peace of mind; Uzbek “dunyo tor bolishi”-not to find a place for yourself; Uzbek “jonini jabborga bermoq”(letters, get out of your skin) - to exhaust yourself; Uzbek “o’z soyasidan qorqmoq”- to be afraid of one’s shadow.

The list of used literature:

1.Telia V.N. “Russkaya frazeologia”-Semanticheskiy, pragmaticheskiy i lingvokulturologicheskiy aspekti,1996-288str, 212 str.

2. Simanov A.L. “Osnovi obshey teorii perevodcheskoy deyatelnosti” 2008 g-48 str, 26 str.

3. Kunin A.V. “Kurs frazeologii sovremennogo angliyskogo yazika”1996-381str,97str.

4. Dobrovolskiy D.J. “Nasionalno-kulturnay spesifika vo frazeologii/Voprosi yazikoznaniya 1997g.

ОКСЮМАРОН -ВЫРАЗИТЕЛЬНОЕ СРЕДСТВО ЯЗЫКА

А.Валиева, преподаватель средней школы № 4 г.Ферганы

Лексическая система языка сложна. Возможности постоянного обновления в речи принципов, способов, признаков объединения в пределах целого текста слов, взятых из различных групп, скрывают в себе и возможности обновления речевой выразительности, её типов.

Выразительные возможности слова поддерживаются и усиливаются ассоциативностью образного мышления читателя, которая во многом зависит от его предшествующего жизненного опыта и психологических особенностей работы мысли и сознания в целом.

Выразительностью речи называются такие особенности ее структуры, которые поддерживают внимание и интерес слушателя (читателя). Полная типология выразительности лингвистикой не разработана, так как она должна была бы отразить всю многообразнейшую гамму человеческих чувств и их оттенков. Но можно вполне определенно говорить об условиях, при соблюдении которых речь будет выразительной:

Первое — самостоятельность мышления, сознания и деятельности автора речи. Второе — его интерес к тому, о чем он говорит или пишет. Третье —

хорошее знание выразительных возможностей языка. Четвертое — систематическая осознанная тренировка речевых навыков.

Рассмотрим, каковы же выразительные возможности современного русского языка. Выразительность могут усиливать или ослаблять все его элементы, начиная со звуков и кончая синтаксическими единицами. Усиливает выразительность речи интонация. Ослабляют артикуляционная нечеткость, лексическая и интонационная бедность, употребление канцеляризмов и слов-паразитов, синтаксическое однообразие в построении речи.

Основной источник усиления выразительности — лексика, дающая целый ряд особых средств: эпитеты, метафоры, сравнения, метонимии, синекдохи, гиперболы, литоты, олицетворения, перифразы, аллегория, ирония.Большими возможностями усилить выразительность речи обладает синтаксис, так называемые стилистические фигуры речи: анафора, антитеза, бессоюзие, градация, инверсия (обратный порядок слов), многосоюзие, оксюморон, параллелизм, риторический вопрос, риторическое обращение, умолчание, эллипсис, эпифора.

Лексические средства языка, усиливающие его выразительность, называют в лингвистике тропами (от греч. tropos — слово или выражение, употребляемое в переносном значении). Чаще всего тропы используют авторы художественных произведений при описании природы, облика героев.

Эти изобразительно- выразительные средства носят авторский характер и определяют самобытность писателя или поэта, помогают ему обрести индивидуальность стиля. Однако существуют и общеязыковые тропы, возникшие как авторские, но со временем ставшие привычными, закрепившиеся в языке: «время лечит», «битва за урожай», «военная гроза», «совесть заговорила», «свернуться калачиком», «как две капли воды ».

В них прямое значение слов стирается, а иногда и утрачивается совсем. Их употребление в речи не рождает в нашем представлении художественного образа. Троп может перерасти в речевой штамп, если употребляется слишком часто. Сравните выражения, определяющие ценность ресурсов при помощи переносного значения слова «золото», — «белое золото» (хлопок), «черное золото» (нефть), «мягкое золото» (пушнина) и т.д.

Оксюмарон- один из художественных тропов сочетание противоположных по смыслу определений, понятий, в результате которого возникает новое смысловое качество.

Оксюморон (оксиморон) (от греч. — "острая глупость") — термин античной стилистики, обозначающий нарочитое сочетание противоречивых понятий.

Среди теоретиков литературы нет единодушия в том, чтоотносится к тропам. Если в качестве тропа точно определяют метафору или метонимию, то другие разновидности тропов – даже такие традиционные, как эпитет, сравнение ,

синекдоха, перифраз, - ставятся под сомнение. Вообще отдельным особняком от них стоят олицетворение, символ, аллегория, аксюморон, ирония.

Известный литературовед Б.В. Томашевский даёт следующее определение этому средству литературного языка: «Оксюморон - эпитет, противоречащий определяемому: жгучий холод, сладкая горечь и т.д. Чтобы оксюморон был осмыслен, необходимо, чтобы слова, его составляющие, были употреблены в переносном значении».

В «Литературном энциклопедическом словаре» даётся похожее определение оксюморона:

«Оксиморон (оксюморон) - сжатая и оттого парадоксально звучащая антитеза, обычно в виде антонимических существительного с прилагательным или глагола с наречием».

И в том и в другом случае под оксюмороном подразумевают сочетание семантически контрастных слов, которые своим соединением создают новое смысловое единство. Только вместе эти слова открывают совершенно иной смысл. Так и оксюморон получается при сложении двух противоположных по лексическому значению слов, указывая на новый смысл полученного. Это художественное средство делает смысл более глубоким.

В произношении термина возможна вариантность: оксю́морон, окси́морон. Важно отметить, что ударение в этом слове нужно делать на втором слоге, а не на последнем.

В лингвистике, оксюморон (аксиморон) - это риторическая фигура (фигура речи), представляющая собой умышленное соединение противоположных посмыслу понятий, создающее неожиданное смысловое единство. Такой приём эмоционально усиливает эффект от словосочетания, фразы.

Например: Бежал, еле передвигая...

Что такое оксюморон или зачем совмещать несовместимое?

В первую очередь оксиморон — это способ привлечь внимание, заинтересовать, заставить человека удивиться, остановиться, задуматься... Например, фраза «долгий миг» или «сложная простота» несколько обескураживает, ошеломляет (как такое вообще возможно?), вызывает необычные и неожиданные ассоциации, кого-то даже может заставить улыбнуться (вот завернули!).

Поэтому оксюмороны очень часто встречаются в названиях книг(примеры — «живой труп», «горячий лед», «честный вор», «красноречивое молчание», «оптимистическая трагедия», «конец вечности»), названиях фильмов (яркие примеры — «правдивая ложь», «обыкновенное чудо», «старый новый год», «назад в будущее», «завтра была война»), в рекламных слоганах, стихах.

Подобные фигуры речи придают стихам очарование и делают их неповторимыми.

Люблю я пышное природы увяданье. А.С. Пушкин

Но красоты их безобразной
Я скоро таинство постиг. М.Ю. Лермонтов
И убогая роскошь наряда-
Вся не в пользу ее говорит. Н.А. Некрасов
Смотри, ей весело грустить,
Такой нарядно обнаженной. А.А. Ахматова
Белеет чернотой сиреневый желток,
Зеленый синевой краснеется чепыжность,
Восточит запад, западит восток,
Роднит людей космическая сопричастность! А. Иванов
Все эти стилистические приемы классиков литературы.

Они использовали оксюморон, чтобы усилить эмоциональность художественной речи, раскрыть единство противоположностей.

Примеры оксюморонов в русском языке.

Очень много примеров использования этой яркой фигуры речи в названиях художественных произведений. Часть из них я уже приводил, но попробую расширить этот список: «Богатый нищий» (Мартынов), «Мое взрослое детство» (Гурченко), «Барышня-крестьянка» (Пушкин), «Мертвые души» (Гоголь), «Честный вор» (Достоевский), «Живой труп» (Толстой), «Живые мощи» (Тургенев), «Оптимистическая трагедия» (Вишневский «Горячий снег», (Бондарев), «Обыкновенное чудо» (Шварц), «Бесконечный тупик» (Галковский), «Старый Новый год» (стих) (Фанайлова), «Конец вечности» (Азимов), « Невыносимая легкость бытия» (Кундера), « Красноречивое молчание» (Браун),

«Слепящая тьма» (Кестлер), «Честный вор» (Блик), «Вверх по лестнице, ведущей вниз» (Кауфман).

Оксюморон часто используют также для создания некоего драматизма — например, «жестокая доброта» или «оглушительная тишина». Недаром говорят, что краткость сестра таланта. А тут получается очень кратко (всего два слова) и в то же время так емко... Но поставленные рядом они зачастую придают произведению художественную яркость, ибо обладают сильным эффектом неожиданности и ставят перед читающими их логический парадокс, который каждый размещает для себя по своему. И в этом вся прелесть.

ZULFIYA SHE’RLARIDA KO‘CHIMLARNING QO‘LLANILISHI

Z.Komilova, Farg’ona shahar 23-maktab o’qituvchisi

Badiiy matnning lingvistik xususiyatlarini tahlil etishda ko‘ramizki, tilning barcha sathlari o‘rganish obyekti bo‘la oladi.Zulfiya she’rlari tilining lingvistik xususiyatlarini bor-bo‘yi bilan ochib berish uchun fonetik, leksik-semantik,sintaktik, uslubiy xususiyatlarini tahlilga tortishimizga to‘g‘ri keladi. Biz esa shoira she`rlarining lingvistik xususiyatlarini to‘laqonli yoritib berish maqsadida masalaga leksik-semantik

va sintaktik planda yondoshdik. Badiiy matn tahlili jarayonida adabiy asarning badiiy qimmatini, ifodaliligini, ekspressivlikni kuchaytirish uchun bir narsaning nomini,belgisini ikkinchisiga ko‘chirish yoki so‘zlarning, umuman, ko‘chma ma’noda ishlatilishi muhim ahamiyatga egaligini hisobga olgan holda ko‘chimlar asosida Zulfiya she’rlari lingvistik xususiyatini ochib berishga harakat qildik. “So‘zlarni ko‘chma ma’noda qo‘llash, dastlab, lug‘atlarda so‘zlarning ma’no jihatdan qashshoqligi tufayli kelib chiqqan bo‘lsa, asta-sekin go‘zallik va jozibadorlikka bo‘lgan ehtiyoj ularning ma’nolarini kengaytira boradi. Bu esa xuddi kiyim dastavval, sovuqdan himoyalanish vositasi sifatida vujudga kelgan-u, keyinchalik kishi tanasini bezaydigan libosga aylanganga o‘xshaydi” .Badiiy asar tilida tabiat va jamiyatdagi narsa va hodisalarni g‘ayri odatiy tarzda, boshqacharoq tasvirlashga intilish ehtiyoji kuchli bo‘ladi, bu holat fikrni ta’sirliroq ifodalash usullarini topishga sabab bo‘lib, ular ijodkor qo‘lida ta’sirchan nutq ko‘rinishlarini shakllantiruvchi va subyektiv munosabat ifodalovchi vositaga aylanadi. Bu hodisa tilshunoslikda troplar nomi bilan ham ataladi. Ko‘chimlar deyilganda, “adabiy asarning badiiy qimmatini ifodaliligini ekspressivlikni kuchaytirish uchun bir narsaning nomini belgisini ikkinchisiga ko‘chirish yoki so‘zlarning umuman ko‘chma ma’noda ishlatilishi” nazarda tutiladi.

Shoira she’riyati tilini lingvistik jihatdan tadqiq etish jarayonida uning badiiy tasvirning usul va vositalarini yaxshi bilishi va o‘z she’rlarida ulardan mohirona foydalana olishining guvohi bo‘lamiz.Tahlil jarayonida shoira asarlarida xalqona ohang hosil qilishda, takrorlanmas badiiy obrazlar yaratishda hamda boshqa shoirlar ijodida uchramaydigan turli xil ma’no nozikliklarini poetik tasvirlashda ona tilimizning boy imkoniyatlaridan oqilona foydalanganligioydinlasha boradi.Tilimizda badiiy asar tilining emotsional-ekspressivligi, obrazliligini ta’minlashga xizmat qiluvchi bunday vositalar “lingvopoetik vositalar”, “troplar”, “uslubiy vositalar”,“stilistik figuralar” kabi turli nomlar bilan yuritiladi.

Tilshunos olim N.Mahmudov shunday fikrlarni bildiradi: “Nutqda so‘zlarni ko‘chma ma’noda ishlatishning xilma-xil ko‘rinishlari mavjud bo‘lib, ular ko‘chimlar (yoki troplar) nomi bilan umumlashtiriladi. Ko‘chimlarning asosida ikki narsa yoki tushunchani qiyoslash yotadi, ya’ni ikki narsa yoki tushuncha o‘rtasidagi muayyan munosabat (o‘xshashlik, umumiylik, aloqadorlik kabi) asosida tasviriylik, ifodalilik, aniqlikni kuchaytirish maqsadi bilan ulardan birining nomi ikkinchisiga ko‘chiriladi. Shuning uchun ham ko‘chimlar o‘ziga xos tasviriy vositalar sifatida nutqning ifodaliligini ta’minlashda alohida o‘rin tutadi” . Olimning bu fikrlari tilshunos S.Karimov tomonidan yanada aniqlashtirilganligi kuzatiladi. Olim badiiy uslubda ifoda-tasvir vositalarining qo‘llanishini tahlil qilar ekan shunday fikrlarni bayon qiladi:“Ularning troplar deb ataluvchi qismi obraz yaratishda bevosita ishtirok etsa, ikkinchi bir qismi – uslubiy figuralar esa, garchi obraz yaratmasa-da, ana shu obrazlarning shakllanishiga, barkamol, pishiq bo‘lishiga, o‘quvchining matnni to‘g‘ri va tez tushunib olishiga ko‘maklashadi. Ko‘chma ma’noda qo‘llanilayotgan, obraz yaratayotgan til birliklari darajasida bo‘lmasa ham,ular vaziyatga qarab qo‘shimcha

ma’no ifodalaydi, tasvir obyektiga ijodkor bahosini beradi, yuksak emotsionallikni yuzaga keltiradi. O‘quvchi yoki tinglovchidagi hissiyotlarning junbushga kelishida tezlashtiruvchi vosita rolini – katalizatorlik vazifasini bajaradi, yozuvchiga ko‘makdosh bo‘ladi. Badiiy ijodning qiyinchiligi ham shundaki, ijodkor his-tuyg‘ularni o‘zi qanoatlanadigan darajada ifodalay oladigan til birligini axtaradi. Ularni bir-birlariga chog‘ishtiradi, qarama-qarshi qo‘yadi, yonma-yon qo‘llaydi, takror ishlatadi va hokazo. Zero, troplarning o‘zi so‘zlarni asl ma’nolaridan ko‘ra ko‘proq ko‘chma ma’noda qo‘llashga intilishning natijasidir” .So‘z ma’nosining ko‘chish jarayonlari turli ko‘rinishlarda voqe bo‘ladi,bu jarayonlar va ularning natijalari sifatida yuzaga keladiganhodisalar,bu hodisalarning turlari,o‘ziga xos xususiyatlari kabi masalalar o‘zbek tilshunosligida anchabatafsil o‘rganilgan.Ko‘chimlar deyarli ko‘pchilik adabiyotlarda “troplar”atamasi ostida o‘rganilgan. “Badiiy tekstning lingvistik tahlili” qo‘llanmasida ko‘chimlar quyidagicha tasnif qilingan: “1.So‘z ma’nosining miqdoriy ko‘chishiga asoslangan troplar: a)giperbola; b)meyozis.2.So‘z ma’nosining uslubiy sifatiy ko‘chishiga asoslangantroplar: a)metafora; b)metonomiya; v)ironiya. .Badiiy matnni lingvistik tahlilga tortganda ko‘chimlar deb ataladigan tasviriy vositalarning deyarli barchasining asosida o‘xshatish, chog‘ishtirishdan iborat mantiqiy tushuncha yotganligini unutmaslik kerak.

Narsa –buyum, voqea va hodisalar o‘rtasidagi o‘zaro o‘xshashlikka asoslangan ma’no ko‘chishiga metafora deyiladi.Metafora ko‘chma ma’no hosil qilishning eng keng tarqalgan usullaridan biri bo‘lib,mumtoz adabiyotshunosligimizda “istiora”deb yuritilgan.Biror predmet, belgi, harakatning nomiboshqasiga o‘zaro tashqi (shakli, rangi kabi jihatlari bilan) o‘xshashligi asosida ko‘chirilsa, metafora yo‘libilan ko‘chirish deyiladi (yunoncha metaphora –“ko‘chirish”) .Masalan, yo‘l – leksemasiasli “yurish joyi”ma’nosini anglatadi.Shungao‘xshashlik asosida bu leksema “satr” (“bir chiziq bo‘ylab joylashgan yozuv”) ma’nosini ham anglata boshlagan.Metafora mohiyatan yashirin o‘xshatish bo‘lib, unda o‘xshatilayotgan narsa tilga olinmagani holda, uning ma’nosini o‘xshatayotgan narsa (ya’ni uni ifodalayotgan so‘z) bildiradi. Albatta, bu o‘rinda o‘xshatilayotgan narsa hodisalarning aynan o‘xshashligi talab qilinmaydi, balki ikki narsa-hodisaga xos belgilardan birortasi asos uchun olinadi. Deylik, “oltin kuz”, “oltin davr” birikmalarining birinchisida o‘xshatish asosiuchun “rang”, ikkinchisida “qimmat”olingan.Badiiy matndagi metaforaning ma’nosi g‘oyat serqirra, chunki u konteksdagi boshqa so‘zlar bilan birga mazmuniy butunlikni tashkil qilar ekan, ular bilan aloqada hosil bo‘lgan assotsiyalar tufayli ma’no diapozonini kengaytiradi.Leksik metaforaning ma’nosi bir so‘z doirasida anglashinishi mumkin va u nominativ (atash) funksiyasini bajaradi.Masalan leksik metafora sifatida “bahor” ─ yoshlik, “kuzak” ─ yetuklik, “kuz ─ keksalik ma’nolarida ishlatilishi mumkin, ya’ni uchala holda ham metafora inson umrining bir bosqichini boshqa so‘z bilan ataydi, xolos.Badiiymetaforaning funksiyasi esa atashdan ancha keng, umatndagi boshqa so‘zlarning ma’nolari ta’sirida mazmunini kengaytiradi va estetik funksiya bajaradi.

Yurak orom istab qolgan har damni

Ko‘mmoq mumkin qaysi chohning qa’riga.
Oylab sukut qilgan qalamni
Yondirayin qaysi g‘azab qa’riga.(“Qozog‘iston o‘lanlari”234-bet)

Yuqoridagi “oylab sukut qilgan qalam” misrasida esa ko‘chma ma’nodagi qalam so‘zi alohida holda emas o‘zi birikib kelgan so‘zlar bilan bir butunligicha muhim, ular oylab ijod qilmagan, qalamga barmoq bosolmagan, qog‘ozga yuzlanolmagan ijodkor kechinmalarini ifodalaydi, obraz yaratadi. Bu kabi hollarda yoyiq metafora haqida gapiriladi.

КОНСТИТУЦИЯ – ЮРИДИК ТЕРМИНЛАР МАНБАИ

Боймирзаева Рахимахон Хошимжоновна
Наманган вилоят халқ таълими ходимларини
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш
ҳудудий маркази ижтимоий-иқтисодий
фанлар методикаси кафедраси ўқитувчиси

Маълумки, юридик терминлар қонун тили лексикаси ҳисобланади. Ана шу лексика ўзига хослиги билан ўзбек тили луғат қатламида алоҳида ўрин тутади. Терминология қоидаларига асосан, ҳар қандай юридик тушунчаларни ифодаловчи термин маълум талаб ва меъёрларга амал қилиши лозим. Бу терминнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқади. Бир термин қачонки бир тушунчага тенг келса, мазмун-моҳият аниқ бўлади. Айниқса, юриспруденцияга оид терминлар қанчалик такомиллашган бўлса, ижтимоий муносабатлар, шунчалик аниқ ва пухта бўлади, жамиятда қонун устуворлигига тўлиқ эришилади. Шу боис, ҳозирги ўзбек адабий тилининг долзарб, муҳим масалаларидан бири соҳа тили, жумладан, юридик терминологияни янада тараққий эттиришдир. Чунки жамиятда ҳуқуқ аралашмаган бирор бир соҳанинг ўзи йўқ. Ҳуқуқ инсонларнинг эҳтиёж ва манфаатларини таъминлайдиган воситадир. Ўз навбатда тил эса ҳуқуқнинг реаллашувида асосий омил ҳисобланади1.

Халқ томонидан ўзлаштирилган сўз ёки сўз бирикмаси, шу жумладан, термин ҳам халқнинг умуммуомаладаги лексикасига айланиб боради. Лингвистика талабига кўра, бирор бир тилга бошқа тилдан сўз ёки сўз бирикмаси ўзлаштирилса, бунда ўша сўз ёки фикрнинг оригиналдаги маъноси диққат-эътиборда бўлмоғи лозим. Мазмунга эътибор бермаслик сўз мавқеига салбий таъсир қилиши мумкин.

Агар қабул қилинаётган хорижий сўз ёки сўз бирикмаси мазмун-моҳиятига шу сўзни ўзлаштираётган тилда мос келадиган вариант(таржима)топилмаса, у ҳолда муқобили топилгунга қадар улар асл ҳолда, яъни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилинади. Масалан, юридик соҳада “неустойка”, “протест”; психологияда “установка”; ҳарбий соҳада “окоп”, “бронетранспортёр“; ижтимоий термин ҳисобланган “отгул” каби сўзлар ўзбек тилида шундайлигича қўлланиб

келинмоқда. Ўз навбатида бизнинг тилимизга хос бўлган “кураш”, “чала”, “ҳалол”, “ёнбош” каби спорт терминлар ҳам хориж тилларда аслича янграйди.

Сўз, айниқса, термин ўзлаштириш талаби ҳар бир миллат тили учун муҳим ҳисобланиб, бунда адабий тилнинг барча жиҳатлари кўзда тутилиши шарт. Акс ҳолда, сунъийликка, ноаниқликка йўл қўйилади. Натижада сўзнинг қиймати, мазмун-моҳияти йўқолади. Юридик тилда кўплаб хорижий сўз, терминлар лингвистик талаблар асосида ўзбек тилига таржима қилиниб, муомалага кирган. Халқ бундай сўзларни бемалол тушунади ва қўллайди. Бироқ аллақачон оригинал ҳолда ўзлашиб кетган қатор сўзларни бошқаси билан алмаштириш шартмикан? Масалан: пенсия – нафақа; транспорт – нақлиёт; декларация – баённома, баёнот; архив – ҳужжатхона; судья – қози; кодекс – мажмуа; экспертиза – таҳқиқ ёки муояна; амнистия – умумий афв; ветеран (ваҳоланки, бу сўз тилимизга фахрий деб таржима қилинган) – кайвоний ва б. Бу каби ўгирмалар, энг аввало, халқ учун қийинчилик, ноқулайликлар туғдириб, фикр чалкашлигига олиб келмасмикан?

Ҳар қандай қонун лингвистика ҳамда мантиқ илмлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда яратилиши лозим. Юридик фикрнинг лўнда, аниқ, равон баён этилиши тил орқали амалга оширилса, нутқнинг асл моҳиятини мантиқ ифодалайди. Улуғлар таъкидлаганидек, мантиқсиз нутқ бемаъниликка олиб келади. Юридик ёзма нутқда ҳам расмий услуб талабларига оғишмай амал қилинади. Терминологияга тегишли бўлган бу услуб ўзига хосликларга эга.Академик ёзувга бағишланган “Academic Writing” қўлланмасида услуб учун, барча ҳолатлар ва фан соҳаларига мос келувчи қоидалар мавжуд эмас, лекин шунга қарамай, у аниқ, холис ва кенг фикрлашни талаб қилади, деб алоҳида таъкидланган1.

Шу боис тушунча, айниқса, юридик тушунча тил қодалари асосида кенг ёритилмас экан, юридик терминологиянинг тараққиёти, умумҳуқуқий тезаурус ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Чунки терминлар тушунчанинг ташқи рамзидир. Шундай экан, яратилаётган қонунларимизни, энг аввало, оддий фуқаро тушунсин, унинг моҳиятини тўлиқ англасин. Яъни қонунларни барча бирдек етиб борсин. Ҳуқуққа оид ҳар қандай расмий фикр, тушунча, муносабат сўзларда, терминларда ўз ифодасини топади. Расмий юридик фикрнинг мавжудлиги ҳам расмий юридик тилда намоён бўлади. Шундай экан, юриспруденция тармоқларига оид ҳар қандай тушунча сифати, қонунларнинг амалиётда тўғри татбиқ этилиши бевосита тилга боғлиқдир.

Тилнинг луғат таркибини пухта ўрганиб, тадқиқ этиш тилшуносликнинг муҳим масаласи ҳисобланади. Ҳозирги ҳаётимизни соҳа терминларисиз, жумладан, юридик терминологиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки юридик терминлар ҳаётимизнинг барча тармоқларида унумли қўлланилади. Ўзбекистон Республикасининг миллий давлатчилиги ўзининг тарихий тажрибалари, қадриятлари асосида қайта ривожланиб, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш томон жадал одим ташламоқда. Бунинг учун қонунлар мазмун-моҳиятига кўра

адолатли ҳуқуқий кучга эга бўлиб, халқ учун тушунарли бўлмоғи лозим. Қонунчилик матни тилнинг расмий услуби талабларига қатъий риоя этиши лозим. Чунки қонунчилик ҳужжатлари аҳолининг кенг доирасига қаратилган бўлади. Дарҳақиқат, қонунлар қанчалик тушунарли бўлса, халқ уларни бир ўқишда англаса, шундагина жамиятда инсон ўз ҳуқуқларини тўғри ҳимоя қила олади. Шу ўринда мустақил давлатимизнинг биринчи Конституциясини мисол қилиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг биринчи Конституцияси халқ иродаси, ижтимоий ва сиёсий онги, маънавияти, руҳиятини ўзида акс эттиради. Асосий Қонун демократик фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий негизларини мустаҳкамлайди. У Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қоидаларига монанддир. Энг асосийси, мустақил республикамиз Конституцияси ўз она тилимизда қабул қилинди. Давлат тили тўғрисидаги Қонун ва Конституция она тилимиз мавқеини янада оширди, ўз навбатида миллий тилимизга юқори талаблар ҳам қўйди. Худди шундай, “Давлат тили тўғрисида”ги Қонун ва Конституция ўзбек юридик тили тараққиёти учун янги имконият, шароитлар яратди.

Конституция давлатнинг Олий Қонунидир. Шунинг учун у юридик терминлар манбаи бўлиб, ўзида жуда кўп юриспруденцияга оид терминларни акс эттиради. Юридик терминларни ишлатишда, энг аввало, Конституция тилига монанд ҳолда, ундаги терминлардан намуна сифатида фойдаланиш зарур. Чунки Конституцияда берилган ҳар бир юридик термин қонунийликка эгадир. Конституциямизда юридик терминлар фаол қўлланилган ва улар ўз ўрнида тўғри ишлатилган, баъзи ўзлашган терминлар ўзбек тилида ўзининг аниқ муқобилини топган. Конституцияда, шунингдек, фаол байналмилал терминлар асл ҳолича ишлатилган бўлиб, бу ҳам матнларнинг аниқ, тушунарли тузилишига хизмат қилган: судья, суд, цензура, референдум, депутат, валюта, кредит, бюджет, прокурор, ратификация, денонсация, парламент, амнистия, адвокатура, пенсия ва ҳакозо.

Она тилимизда тайёрланган ва қабул қилинган Давлатимизнинг бош қомуси – Конституциямиз миллий тарихий қадриятларимиз тажрибаларига таяниб, лисоний талабларга риоя қилган тарзда ишлаб чиқилган. Асосий Қонунда қонунларнинг мазмун-моҳияти ёрқин ифодалаб берилган, матнлар юридик тил ва услуб жиҳатдан жуда тўғри тузилган бўлиб, лингвистик талабларга тўлиқ амал қилинган. Конституциямизда ҳаётимиздаги туб ўзгаришлар, миллий руҳият, жаҳон цивилизацияси жиҳатлари эътиборга олинган бўлиб, матнлар ўзбек адабий тилининг имкониятлари асосида аниқ тузилган. Шу сабабли, ҳар бир модда содда тилда ёзилиб, аниқ ва равон ўқилади, фуқаро онгига тез етиб боради.

ЯЗЫКОВАЯ НОРМА – ОДНА ИЗ СОСТАВЛЯЮЩИХ НАЦИОНАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ

Хамидова Гулнора Юлдашбаевна
Бухарский областной центр переподготовки и повышения квалификации сотрудников народного образования

Языковая норма - совокупность языковых средств и правил их употребления, принятая в данном обществе и в данную эпоху. Норма противопоставлена системе, понимаемой как присущие тому или иному языку возможности выражения смыслов. Далеко не все из того, что может языковая система, разрешается языковой нормой. Наша задача разобраться, как какая литературная норма принята в русском языке и национальных традициях других стан.

Языковая норма – одна из составляющих национальной культуры. Поэтому разработка литературной нормы, ее кодификация, отражение нормализаторской деятельности лингвистов в грамматиках, словарях и справочниках имеют большое социальное и культурное значение.

Культура речи— распространённое в лингвистике XX века понятие, объединяющее владение языковой нормой устного и письменного языка, а также «умение использовать выразительные языковые средства в разных условиях общения». Этим же словосочетанием обозначается лингвистическая дисциплина, занимающаяся определением границ культурного речевого поведения, разработкой нормативных пособий, пропагандой языковой нормы и выразительных языковых средств.

В культуру речи, помимо нормативной лексики, включается регулирование «тех речевых явлений и сфер, которые ещё не входят в канон литературной речи и систему литературных норм» — то есть всего повседневного письменного и устного общения, включая такие формы, как просторечие различного рода жаргоны и т.п.

В лингвистике термин «норма» используется в двух смыслах – широком и узком. В широком смысле под нормой подразумевают традиционно и стихийно сложившиеся способы речи, отличающие данный языковой идиом от других языковых идиомов. Так, можно говорить о норме применительно к территориальному диалекту: например, нормальным для севернорусских диалектов является оканье, а для южнорусских – аканье. В узком смысле норма – это результат целенаправленной кодификации языкового идиома. Такое понимание нормы неразрывно связано с понятием литературного языка, который иначе называют нормированным или кодифицированным. Территориальный диалект, городское койне, социальные и профессиональные жаргоны не

подвергаются кодификации, и поэтому к ним неприменимо понятие нормы в узком смысле этого термина.

Литературная норма отличается рядом свойств: она едина и общеобязательна для всех говорящих на данном языке; она консервативна и направлена на сохранение средств и правил их использования, накопленных в данном обществе предшествующими поколениями. В то же время она не статична, а, во-первых, изменчива во времени и, во-вторых, предусматривает динамическое взаимодействие разных способов языкового выражения в зависимости от условий общения.

Единство и общеобязательность нормы проявляются в том, что представители разных социальных слоев и групп, составляющих данное общество, обязаны придерживаться традиционных способов языкового выражения, а также тех правил и предписаний, которые содержатся в грамматиках и словарях и являются результатом кодификации. Отклонение от языковой традиции, от словарных и грамматических правил и рекомендаций считается нарушением нормы и обычно оценивается отрицательно носителями данного литературного языка.

Все традиции культуры речи складывались на основе определенных практических потребностей, главной из которых была необходимость обучения некоторому базовому для данной традиции языку. Это были санскрит в Индии, греческий и латинский в античном мире, классический китайский (вэньянь) в Китае, классический арабский в мусульманском мире, старописьменный японский (бунго) в Японии. Описание языка для целей обучения было актуальным лишь в двух случаях: либо когда язык должны были усваивать носители других языков (греческий в Александрии, латинский в завоеванных Римом провинциях, арабский в Халифате), либо когда язык культуры начинал с ходом времени значительно отличаться от разговорного (санскрит в Индии времен Панини, вэньянь в Китае двух последних тысячелетий, бунго в Японии к 17 в.); отнюдь не случайно, что античная традиция не сложилась тогда, когда по-гречески говорили только в Греции, а по-латински – лишь в Риме.

Список литературы

1. Ушаков Д.Н. К вопросу о правильном произношении. – В кн.: Вопросы культуры речи, вып. 5. М., 1964
2. Крысин Л.П. К соотношению системы языка и его нормы. – Русский язык в школе, 1968, № 2
3. Норма и социальная дифференциация языка. М., 1969
4. Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. М., 1974
5. Горбачевич К.С. Нормы современного русского литературного языка. М., 1978

UNDERSTANDING BEGINNING SEWING TERMS: A SEWING DICTIONARY

Irgasheva Dildora Habibullaevna
UzSWLU, teacher,
department of teaching English methodology

The definition of sewing terms is often confused with sewers, particularly the beginners. It's something we all need to know and the sewing is extremely necessary. This article will help you understand the words used and what it is to describe gran.

Woven fabric has two finished edges, which is known as selvage. The selvage is the part of fabric where you often see manufacturer's information, contrasting trim, etc. The selvage does not fray, although some selvages have frayed threads hanging off after the finished edge. This fraying will not affect the fabric in any way.

The line of thread moving from selvage to selvage is called weft. I like to think of it with this rhyme: right to left, weft. Kind of cheesy, i know, but it helps! In sewing, the weft is mostly referred to as the crosswise grainline. The next time you buy fabric,



watch the fabric being cut. It will be cut along the crosswise grain.

The line of fabric that moves at a right angle to the crosswise grain is the **lengthwise grainline**. This thread runs the entire length of the fabric and is parallel to the selvage. When you place a pattern on the fabric, you align the pattern's grainline with the fabric's lengthwise grain. Unless otherwise noted, grain or grainline generally refers to the lengthwise grain.

True Bias is an invisible line that's at a 45 degree angle to the crosswise and lengthwise grain. It has a good deal of stretch. When garments are cut on the bias, they hug and move easily with the body. Fabric for spaghetti straps, bias binding and cording are also cut on the bias.

Sewing Terms Every Beginner Should Know

1. Backstitch. A backstitch is necessary to secure a line of stitches. Backstitching is overlapping stitches at both the beginning and end of a stitching line. This is done by sewing approx. 1-3 stitches by machine, reversing the direction of the feed dogs and stitching directly on top of the previously-made stitches. After backstitching, continue sewing the rest of the seam, and repeat the backstitching process at the end of the stitching line.

2. Baste. Basting stitches are long stitches done by hand or machine that temporarily hold fabric in place before sewing. They are removed once the final seam is in place.

3. Clip. To help flatten a curved seam, snip at even intervals along the inner curve, being careful not to cut into the stitch line.

4. Edgestitch. To edgestitch, add a second row of stitches very close to the seam line on the right side of the fabric. This is usually sewn to keep pressed seams in place.

5. Finish seams. There are many ways to finish a seam or raw edge to get a neat look and prevent fraying. For sturdy fabrics, just trim seams with pinking shears. For lighter fabrics, use a zigzag stitch along the seam. Other methods of finishing include turned-under seams, bound edges, and serged edges. Learn six different techniques for finishing seams.

6. Gather. Gathering stitches are used to sew a longer edge to a shorter edge, resulting in significant fullness. Use a long stitch length and stitch three rows parallel to each other. Leave long thread tails which can be tugged to adjust ease before you sew. See our gathering tutorial.

7. Grade seam. Seams need to be graded to reduce bulk when pressing the seam allowance in a single direction. After the seam is sewn, trim the seam allowance in half. Then, identify which side of the seam allowance will be laying against the body once it is pressed, and trim that side of the seam allowance in half.

8. Knit Fabric. Knit fabric is created from one continuous piece of yarn that is looped repeatedly. This looped structure gives knit fabrics a great deal of stretch. Knit fabrics will unravel but will not fray. Learn more about knit fabrics, here.

9. Woven Fabric. Woven fabric is created by weaving multiple yarns across each other at right angles. These fabrics usually have no stretch along the lengthwise, little along the crossgrain, and the most stretch along the bias. Depending on the fiber content, some woven fabrics will have more stretch than others. Woven fabrics will unravel and raw edges should be finished.

10. Notch. The notches on a pattern help align the pattern pieces when you sew them together. Another type of notch is one that is added when sewing the outside edge of a curved seam. These notches are added by cutting wedge shapes into the seam allowance at even intervals, being careful not to cut into the stitching.

11. Raw edge. The raw edge is the unfinished, cut edge of the fabric.

12. Right side & wrong side. The right side of the fabric will show on a finished garment; the wrong side will be on the inside. Here's a quick tip: the raw edges of knits fabrics tend to roll toward the right side.

13. Staystitch. Staystitching is a straight stitch sewn through one layer of fabric. It's most often used around a curve to prevent distortion, as it stabilizes a piece of fabric before it is sewn. This stitch is traditionally at a slightly smaller stitch length. Learn more about the the importance of staystitching.

14. Seam Allowance. The seam allowance is the distance between the stitching line and the raw edge of a piece of fabric. Most commercial patterns have a 5/8″ seam allowance.

15. Stitch length. The stitch length is determined by the movement of the feed dogs. It can be set so that the stitches are longer or shorter, depending on the project.

16. Topstitch. Topstitching is stitching on the outside of a garment that is parallel to, and usually 1/4″ from the seam. To topstitch, sew through the fabric and seam allowance after pressing to help the seam lay flat. Topstitching is similar to edge stitching, but more noticeable, and can be used decoratively.

17. Understitch. Understitching is stitching that helps seams lay flat and prevents facings and linings from rolling to the outside of the garment. Press the seam toward your facing, then stitch the facing to the seam, very close to the seam line. See our understitching tutorial.

18. Bias. True bias is a cut made on an angle, 45 degrees to the selvage. This direction allows for the most stretch. Bias refers to any line diagonal to the crosswise and lengthwise grains. Most bias pattern pieces are laid on the true bias; the grainline arrow and the pattern's layout instructions will help you align your pattern pieces.

19. Selvage. Selvage is the self-finished edge of fabric. The selvages are located on either finished edge of fabric and are made while the fabric is being manufactured, usually on a loom.

20. Grainline. The grainline runs parallel to the selvage. The long arrow symbol printed on a pattern corresponds to the location of the fabric's grainline when laying out patterns.

21. Crossgrain. The cross grain runs perpendicular to the selvage.

References

1. *Snell H*. Handbook of Translation. Tübingen: Stauffenburg-Verlag, 1999.
2. *Toury G*. Descriptive Translation Studies and beyond. Amsterdam / Philadelphia: John Benjamins, 1995.
3. https://crazylittleprojects.com/sewing-dictionary-with-pictures/

АНТРОПОЦЕНТРИЧЕСКАЯ МОДЕЛЬ ЯЗЫКА И СЕМАНТИКА ГЛАГОЛОВ ТИПА «ОБУЧИТЬ» И «ЭКЗАМЕНОВАТЬ»

Хайдарова З.Т.
Уз ГУМЯ , Ташкент.

«Идею антропоцентричности языка в наше время можно считать общепризнанной: для многих языковых построений представление о человеке выступает в качестве естественной точки отсчета.» (Маслова, 2001,3).

Применение модели с позиции говорящего (антропоцентрической модели), принятое в нашей работе, обеспечивает включение изучаемых слов в активную речевую деятельность, так что обучаемые билингвы получают умения и навыки продуцирования семантики слов с учетом их сочетаемости, а следовательно, - их семантических компонентов. 1(Об этом более подробно в материалах « Межвузовской научно--практической конференции «Уз ГУМЯ от 18 декабря 2019 года, в сборнике «Методология и методы научных исследований гуманитарного направления» стр. 17-24. Ташкент –2019).

Наша цель обосновать определенную систему обучения семантике глаголов, в нашем случае со значением чувств, с позиции говорящего, т.е. антропоцентрической модели речи современного русского языка.

Для примера рассмотрим глаголы типа «обучить» знаниям, умениям, навыкам, которые могут иметь и чувственный характер с применением дистрибутивной конструкции в составе синтаксической парадигмы.

С1од.им.+ Г + С2од.в. + С3неод.д.

К классу с указанной дистрибутивной формулой относятся следующие глаголы: выучить (человека грамоте), доучить (ребенка чтению), научить (малыша рисованию), обучить (сына ремеслу), подучить (девочку языку), поучить (Танюшу музыке), учить (спортсмена технике) (7 лекс).

Позиция ***С1им*** в окружении перечисленных глаголов регулярно выражается одушевленными именами существительными и имеет значение активно, целенаправленно действующего субъекта; позиция ***С2в*** регулярно выражается одушевленными существительными и имеет значение прямого объекта, которому субъект передает свои знания, умения и навыки; позиция ***С3д*** регулярно выражается неодушевленными именами существительными и обозначает знания, умения и навыки, которые субъект передаёт объекту. Вторую приглагольную позицию справа может занимать также инфинитив: научить малыша рисованию \ рисовать.

Глаголы анализируемого класса обозначают процесс передачи знаний, умений и навыков одним лицом другому. По центральной лексеме их можно назвать глаголами «обучить» (см. Фоменко, 1977). Эта группа отличается большой семантической плотностью, приближаясь к синонимическому ряду.

На содержательном уровне эти глаголы допускают разбиение на два подкласса. К первому подклассу относятся глаголы, обозначающие систематическую, целенаправленную передачу коллективно отработанной информации: выучить, доучить, научить, обучить, подучить, поучить, учить.

Ко второму подклассу относится глагол поучать, обозначающий передачу жизненного опыта. Глаголы выучить, научить, обучить, поучать и учить анализируются в: Васильев, 1971.,192—193, 233.)

Глагол обучить (кого,чему) . Обучить грамоте – ўқиш-ёзишни ўргатмоқ, хат-савод ўргатмоқ; обучить музыке – мусиқадан таълим бермоқ; обучить игре в шахматы – шахмат ўйнашни ўргатмоқ; обучить иностранным языкам – чет тилларини ўргатмоқ.

Глаголы типа «экзаменовать» имеют значение испытательного воздействия одушевленного субъекта на одушевленный объект.

С1од.им. + Г + С2од.в. + С3неод.д.

К классу с указанной дистрибутивной формулой относятся: выслушать, гонять, допрашивать, завалить, засыпать, испытать, консультировать, натаскивать, недослушать, опрашивать, отэкзаменовать, провалить, проверить, проконсультировать, проэкзаменовать, резать, специализировать, спрашивать, топить, тянуть, экзаменовать, (парня по математике) (24 лексы).

Позиция ***С1од.им***. в окружении перечисленных глаголов регулярно выражается одушевленными именами существительными, находящимися в отношениях субституции с одушевленными и обозначает активного производителя действия; позиция ***С2од.в*** регулярно выражается одушевленными именами существительными и обозначает подвергающееся испытанию лицо; позиция ***С3неод.д***. регулярно выражается неодушевленными именами существительными и обозначает ту сферу (по преимуществу интеллектуальной) деятельности, в которой субъект подвергает объект испытательному воздействию.

Анализируемые глаголы имеют значение испытательного воздействия одушевленного субъекта на одушевленный объект (значение типа «экзаменовать») . (см. Фоменко, 1977).

Семантически этот класс распадается на два подкласса;

1) глаголы типа «экзаменовать» и 2) глаголы типа «консультировать» (экзаменовать + передавать недостающие знания).

К первому подклассу относятся ; выслушать, гонять, допрашивать, доспрашивать, завалить, засыпать, испытать, недослушать, опрашивать, отэкзаменовать, переэкзаменовать, поэкзаменовать, провалить, резать, спрашивать, топить, экзаменовать.

Ко второму подклассу относятся; консультировать, натаскивать, проконсультировать, специализировать, тянуть.

Среди глаголов первого подкласса можно выделить еще одну подгруппу – глаголы с дополнительным семантическим признаком «ставить объект в

безвыходное положение». Это глаголы завалить, засыпать, провалить, резать, топить.

К глаголам типа «экзаменовать» примыкает глагол догнать (ученика по математике).

В книге Ю.Д.Апресяна отмечены лишь два глагола анализируемого класса – спрашивать и экзаменовать (а также – провалить), находящиеся в одном ряду с глаголами разбирать и расшифровывать. (Апресян, 1967,182-183).

1. Имтиҳон олмоқ, имтиҳон (синов)дан ўтказмоқ; экзаменовать студента – талабадан имтиҳон олмоқ.

2. Разг. Синовдан ўтказмоқ, синаб (текшириб, сўраб, сўриштириб) аниқлаб олмоқ. Экзаменовать парня по математике – (домла) йигитни имтиҳонидан ўтказмоқ(ди), Семантика глаголов узбекского и русского языков схожая.

В данном случае мы использовали дистрибутивный (синтаксический) метод, теоретической базой которого является идея зависимости синтаксиса от семантики. Если семантика слова определяет его дистрибуцию (шире синтаксическое поведение), то из этого следует, что дистрибутивные признаки слова содержат информацию о его значении.

ЛИТЕРАТУРА:

1. Апресян Ю.Д. Экспериментальное исследование семантики русского глагола. – М.: Наука, 1967. – 251 с.
2. Васильев Л.М. Семантические классы глаголов чувства, мысли и речи \\Очерки по семантике русского глагола. Уфа ; Башк.гос. ун-т, 1971. С 38-310.
3. Маслова В.А. м 31 Лингвокультурология: Учеб.пособие для студ. Высш. Учеб. Заведений. –М.;Издательский центр «Академия», 2001. – 208с.
4. Фоменко Ю.В. Глаголы русского языка, объединенные семой передачи\\ Науч.тр.\ Новосиб. Гос. Пед. Ин-т.—1977.—Вып. 137; Проблемы рус. Лексикологии –с. 3-30.

АДАБИЙ МЕЪЁР ЭКОЛИНГВИСТИК ТАМОЙИЛ СИФАТИДА

Н.Қўлдашев,
ФарДУ докторанти

Тил нутқнинг жуда муҳим белгиси ҳисобланади. Бу алоқа, хабар, таъсир этиш каби вазифаларни бажаришда етакчи саналиб, имкониятлари кенгайиб бориши натижасида, кишилик жамияти тўплаган тажриба ва билимларни келажак авлодларга етказишда аҳамиятлидир. Тил шаклланиб ва ривожланиб бориши давомида узоқ, тарихий йўл ва муддатни босиб ўтади. Шу жараёнда, аста-секинлик билан бўлса-да, такомиллашиб ҳам боради. Бу ҳолатни унинг ички қурилишида, амалда бўлиш қоидаларининг маълум бир тизимга кела боришида кузатамиз. “Ички қурилиш нуқтаи назардан тил маълум миқдордаги бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган тил бирликларининг йиғиндиси ва ана шу

бирликлардан фойдаланиш қоидаларидан ташкил топган мураккаб системадир”.[65] Ушбу тизимнинг мавжуд бўлиши меъёр деган атаманинг дунёга келишига сабабчидир. Демак, меъёр тилнинг барча жараёнини тартибга солиб турувчи ўлчов ҳисобланади. “Меъёр (норма) – тил бирликларини нутқнинг у ёки бу кўринишида ишлатиш қонуниятлари ва имкониятлари бўлиб, улар жамият томонидан белгиланган ва аниқлангандир”.[66]

Юқорида айтилган фикрлардан шу нарса маълум бўладики, тил ва нутқ тизимида меъёрнинг ўрни катта. Дарҳақиқат, тил нутқ жараёнига хизмат қила бошлаган лаҳзаларданоқ, уни меъёрлаштириш жамият, жамоа эҳтиёжига айлантириш учун, меъёрий муаммоларни ҳал қилиш кун тартибига қуйилган. Демак, меъёр тушунчасини ёритишга нималар киради? Меъёрни изоҳловчи жамият томонидан белгиланган “қонуният ва имкониятлар” мавжуд. Биринчидан, “тилнинг моддий томони ҳақида бизнинг тасаввуримиз нутқда юзага чиқар экан, у қандай шакл ва кўринишда воқеланиши жамият томонидан муайян меъёрлар билан белгиланган бўлади”[67]. Масалан, “нари бор” деган мазмундаги имо-ишорани қилмоқчи бўлсак, кафт бармоқларини ўзимизга нисбатан икки-уч бор қарама-қарши ҳаракатлантирамиз. Нутқда эса товушлар тизими мажвуд бўлиб, талаффуз қилиш ва айтишимиз керак. Бу жамият томонидан қабул қилинганган меъёр саналади. Тилни миллий хусусиятлардан ажратиб бўлмайди. Унинг тарихий жараёнда шаклланганлиги, кўламининг кенглиги миллатнинг ўтмиши билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади. Бу ҳолатда меъёр миллийлик ва тарихийлик тамойилини ўзида мужассам қилади. Йиллар давомида шаклланган **ананавийликка** эга бўлади. Инсон тафаккури борлиқни онгда шакллантириши узоқ ва давом этувчи жараён ҳисобланади. Табиат ҳамда жамиятдаги барча нарса-ҳодисалар тилда зарур бўлган ном билан юзага келади. Турли тилларда турлича ифодаланадиган бир ҳил нарса ва ҳодисалар фикрлашув қуролининг **ижтимоий-тарихий-миллий** ҳодиса эканлигини исботлайди. Тилдаги меъёр муаммоларини қисқа вақтда бартараф этиш мушкул. “Айтилганларнинг барчаси меъёрнинг таркибий қисмларидир. Шунга кўра тил имкониятлари меъёр дарчасидан ўтиб, нутқда юзага чиқади”[68]

Бу соҳани шаклланишида луғатчилик катта аҳамиятга эга. 1981 йилда нашр қилинган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ўзбек адабий тилининг сўз бойлигини тўплаш ва тавсиф қилиш билан бирга адабий меъёрни белгилаш ҳамда мустаҳкамлаш луғатнинг асосий вазифаларидан саналган. Луғатда замон сиёсий муҳитига қарамасдан меъёрнинг барча талаблари имло, талаффуз, сўз ясалиши ва ишлатиш мезонлари тавсия этилган. Лекин академик Л.В.Щчерба айтганидек меъёрни аниқлаш осон иш эмас. Шунинг учун луғатда тилнинг ушбу

[65] . Содиков А., Абдуазизо В А., Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: 22-бет..
[66] . Неъматов Х,., Р а с у я о в Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 7-бет.

67. Каримов С. Тил таълими ва меъёр.Ўқув қўлланма. Абдулла Кодирий номидаги халк, мероси , нашриёти – Тошкент: – 2002.
68 . Не ъ м а т о в Х,., Ра су лов Р. Юқоридаги асар, 27-бет.

жараёнларини белгилашда айрим хатоликлар учрайди. Дарҳақиқат, луғатлар адабий тил меъёрларини белгилашга интилар экан, уни абадийлаштирмайди. Тил ўзгаргани каби меъёр ҳам вақт ўтгани сари ўзгариб, ривожланиб боради. Ўзбек адабий тил меъёрининг ривожи ва камолоти учун хизмат қилган асослардан яна бири 1984 йили эълон қилинган “Ўзбек адабий талаффузи луғати”дир. Ўзбек халқи орасида тилнинг оғзаки шаклини кенг ёйиш имконини берди. Луғатнинг асосий мақсади сўзларни адабий, яъни тўғри талаффузини кўрсатиш ҳамда ўзбек адабий талаффузини меъёрлаштиришдан иборат. Луғатнинг кўзга ташланадиган бошқа муҳим жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, сўзларнинг талаффуз вариантлари, меъёрий ва меъёрий бўлмаган грамматик шакллар ёрдамчи материал сифатида берилади. Ушбу луғат ўзбек адабий тилининг оғзаки шаклини меъёрлаштириш, тартибга солиш, унинг ўзига хос томонларини тадқиқ қилиш кераклини кўрсатиб берди. Ўзбек адабий тили меъёрининг изчиллигини таъминлашда яна бир ҳужжат катта ўрин эгаллади. 1989 йил “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида” ги Қонуннинг қабул қилиниши меъёрни биринчи сақлов хужжат саналади. Унинг ҳамма моддаларига тўлиқ амал қилинмади. Бир томондан ўша давр муҳити рус тилида иш юритишни талаб қилса, иккинчи томондан бу кўп миллатли халқ учун шароит тақазоси билан айрим ҳудудларда савод чиқариш ҳам рус тилида бўларди. Ўзбек тилидан фойдаланишдаги кўплаб қийинчиликларни бартараф этиш анча мураккаб эди. Ўзбек халқи бир юзи ўттиз йиллик Чор Россияга қарам бўлганлиги тилимизнинг софлигига жиддий таъсир ўтказди. Натижада соф туркий сўзларнинг қўлланилиши ўрнига рус тилидаги сўзларнинг ўзбекча талаффуз билан қўлланилиши ортиб борди. Ушбу омиллар ўзбек тили меъёрига етарли даражада ўз таъсирини ўтказди. Демак, бугунги кунги тараққиёт талабларидан келиб чиқиб, меъёр даражасини имкон қадар кузатиб, тартибга солиш керак. Бунга тил мутахассислари маълум бир даражада меъёрга эътибор қилишса, тилнинг ўзи ҳам табиий равишда шаклланиб бораверади. Тилга тазйиқ ўтказиб бўлмайди. Шунинг учун тегишли йўл-йўриқлар, тавсиялар, кўрсатмалар тавсия қилиниши зарур. Кейинги йилларда нашр қилинаётган қатор имло, изоҳли,талаффуз луғатлари, қолаверса, тил тўғрисида қабул қилинаётган қарорлар ўзбек адабий тили меъёрларини яна бир тизимга тушишига хизмат қилмоқда.

Меъёрга функционал жиҳатдан қараган Д.Крэпп ҳам меъёрни иккита аспектда ёритади. Яъни тилда “меъёрий” ва “яхши” қўлланишни ажратиб кўрсатади. Тилшунос жамият томонидан фаол қўлланадиган сўзларни меъёр ҳамда тил жамоаси вакилларининг фикрлари ва кечинмаларини тушунарли тарзда ифодалайдиган тилни яхши тил деб ҳисоблайди. Шунга яқин фикрни тилшунос В.Хартунг ҳам илгари суради. Олим меъёрни баҳолашда уч ўлчовни фарқлайди:

1) сўзловчининг ўз фикрини тўғри, аниқ ва лўнда қилиб ифодалай олиши;
2) тингловчининг у ёки бу даражада таъсирланиши;

3) маълум тилнинг структураси ва унинг анъаналари[69].

Ушбу ёндашувда тил воситаларини, қолаверса, меъёрни тил тизимида тутган мавқеи ҳам таҳлилга тортилган. Фикрларнинг теранлиги тўғрилик-нотўғрилик тамойили асосида ёритилиб, жамиятнинг зиёли қатлами манбаларида берилган тил амалиёти қабул қилинади.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида нутқ маданияти ва тил меъёр масалалари илмий семинарлар, рисола ҳамда тўпламларда ёритилиб борилмоқда. Лисоний меъёр нутқ маданияти билан чамбарчас боғланган. Бу икки жараён кейинги даврларда бир хил ривожланишда бўлмади. Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, ўзбек адабий тилининг меъёрий воситаларини аҳоли қатламларида ўзлаштириш етарли даражада эмас. Аммо шева ва лаҳжаларга адабий тилнинг таъсири бўлди. Шунинг учун халқимизда шеванинг хусусияти ва имконияти камайиб бормоқда. Юқоридаги фикрдан англашидики, ўзбек адабий тили бутун ўзбек халқининг мулкидир. Нутқ маданияти ўз навбатида тилнинг лексик, семантик, имло, талаффуз ва бошқа меъёрларини назорат қиладиган соҳа. Бу меъёрнинг шаклланиши ва назарияни илгари суриш тилшуносларнинг вазифаси саналади. Тил сатҳлари юзасидан олиб борилаётган тадқиқотлар ҳамда яратилаётган ўқув қўлланма, дарслик, талаффуз луғатларини меъёр ўлчови сифатида кўрсатишимиз мумкин. ЎР ФА Тилшунослик институти ушбу масалага 1966 йилдан эътибор қаратди. Профессор Ғ.Абдураҳмонов меъёрдан чалғимаслик, уни аниқ кўрсатиш мақсадида *“Тилшунослар олдида турган муҳим вазифа нормадан ташқари, хато деб тушунадиган тил фактларини коллекция қилиш эмас, балки уларни системалаштириш, сабабини аниқлаш, тилда қўлланилаётган аммо нормалаштирилмаган ҳодисаларни адабий тил нормаларига зид бўлган анормал ҳодисалардан фарқлаб боришдан иборат”* – дея таъкидлайди.

Тилшунос С.Иброҳимов ҳам меъёр, нутқ маданияти, тил ва унинг қадр қиммати тўғрисида асосли мулоҳаза юритади. Айниқса, олимнинг услубий ва талаффуз меъёрига бағишланган назарияси диққатга сазовор.

Нутқий жараёнларни прагматик жиҳатдан монографик тарзда тадқиқ этган М.Ҳакимов прагмалингвистик масалалар таҳлилида социолингвистика соҳасига алоҳида тўхталиб, «социал вазифа белгилари сифатида дастлаб нутқий меъёр тушунчаси ажратиб олиниши» зарур деган фикрни илгари суради. Дарҳақиқат, ҳар қандай сўзловчи нутқида унинг шахсига хос социал белгиларни намоён этувчи жиҳатлар мавжуд бўлиб, уларнинг катта фоизи аксар ҳолларда лингвистик воситалар орқали намоён бўлади. Шундан келиб чиқиб, муаллиф «жамиятдаги ижтимоий воқеликларнинг тилдаги ифодаси ҳамда уларнинг умуммиллат тилига таъсири»[70]ни социолингвистик муаммоларнинг асосий масаласи деб белгилайди.

[69] . Бегматов Э. Адабий норма назарияси. – Тошкент: Наврўз, 1997 .

[70] Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари – Тошкент: Академнашр, 2013. 68-бет.

Эколингвистика ҳозирги кунда катта одимлар билан ривожланиб бормоқда. Бу замон тақазосидир. Ўз мустақиллигига эришган давлатларнинг миллий адабий тилларини яратиш, ёзувни асослаш, уни мукаммаллаштириш, соф ҳолда сақлаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Замон талаби билан фан ва техника тараққиёти халқаро савдонинг ривожланиб бориши, бир томондан, тилларда байналминал сўзлар сонининг ошиб боришига сабаб бўлса, иккинчи томондан, маҳаллий тиллар билан халқаро тил вазифасини ўтаётган тиллар ўртасидаги тўқнашувларга, тил чатишувлари (креоллаштириш, пижинлаштириш)[71]га сабаб бўлмоқда. Бу масалалар билан ижтимоий тилшунослик яни ***эколингвистика*** шуғулланиши, бундай ҳодисаларнинг қонуниятларини илмий равишда очиб бериши зарур. Жамиятга тил қанчалик зарур бўлса, тил учун жамиятнинг бўлиши ҳам шунчалик зарурдир. Демак, жамиятдаги шахсларнинг нутқий мулоқот давомида сўзлардан ўринли ҳамда тўғри фойдаланиши эколингвистик тамойиллар асосида меъёрлаштирилади.

Биз тилни соф ҳолда сақлаш, сўзлардан ўринли фойдаланиш ҳақида гапиришдан олдин буларнинг барчаси қай ҳолатда қўлланилиши кераклигига эътибор қаратишимиз керак. Яъни тилдаги меъёрийлик тамойиллари эколингвистиканинг асосий олтин қоидаси эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Содиков А., Абдуазизо В А., Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: 22-бет**.**

2. Неъматов Х,., Р а с у я о в Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 7-бет.

3. Каримов С. Тил таълими ва меъёр.Ўқув қўлланма. Абдулла Кодирий номидаги халк, мероси , нашриёти – Тошкент: – 2002.

4. Бегматов Э. Адабий норма назарияси. – Тошкент: Наврўз, 1997 .

5.Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари – Тошкент: Академнашр, 2013. 68-бет.

6. Irisqulov M.T. Tilshunoslikka kirish. Ilmiy-uslubiy nashr. Toshkent: Yoshlar matbuoti. 2009.

ФОРСЧА-ТОЖИКЧА ЎЗЛАШМАЛАРДА КОНСОНАНТЛАР ЎЗГАРИШИ

З.Алимова, ФарДУ катта ўқитувчиси
М.Расулова, ФарДУ талабаси (18.74-гуруҳ)

Форс-тожик тилидан ўтган ўзлашмаларда консонантлар ўзгаришини кўплаб кузатиш мумкин. Тилшунос Д. Набиева ундошларнинг муҳим фонологик томонлари пайдо бўлиш ўрни, пайдо бўлиш усули, жарангли ҳамда жарангсизлик

[71]. Irisqulov M.T. Tilshunoslikka kirish. Ilmiy-uslubiy nashr. Toshkent: Yoshlar matbuoti. 2009.

белгиси ҳақида маълумот берган [1.87-94]. К.Раҳмонбердиевнинг талқинича, ўзбек ва тожик тилларидаги ундошларнинг артикуляцион базаси бир хил бўлиши ҳам бежиз эмас. Бу нарса буларнинг кўп асрлик консонантининг натижаси бўлиб, бу яқинлашувда ҳар иккаласининг бир-бирига баробар таъсири бор бўлган бўлиши керак [2.43].

Ўзлашмаларда консонантлар ўзгаришини қуйидаги мисоллар кўринишида таҳлил қилиш мумкин:

Барваста (بربسه*боғланган, маҳкамланган; ёпилган, ривожланмай қолган*) лексемаси *гавдали, кенг яғринли* каби маъноларга эга: *Қосимбек Тоҳирнинг **барваста** гавдасига ва юзидаги чандиққа қаради-ю:*

-Йигит, аскарий хизматда бўлганмисен?-деди (П.Қодиров, Юлдузли тунлар, 58-бет).

Ушбу лексема тожик тилида *барбастан* феълидан ҳосил бўлган ўтган замон сифатдош шакли бўлиб, “*боғланган, маҳкамланган”* каби маъноларни ифодалайди (ФТЗТ.I.134). Ўзлашмада *б* товушининг *в* товушига алмашинуви ўзбек тилида мавжуд товуш ўзгаришлари қоидаларига мувофиқ воқе бўлади: овоз товушлар оралиғида *б* портловчи товуши *в* сирғалувчи товушига алмашади.

***Киссавур* (كيسه بر** *халтани, киссани кесувчи*) лексемаси форс-тожик тилида “*чўнтакни кесувчи”* маъносини ифодалайди: *Каромат **киссавур**ларда бўлади. Пулинг борини билиб, орқангдан илашади* (Т.Обидов, Юсуфжон қизиқ) (5.II.376).

ЎТЭМда *киссавур* лексемасига қуйидагича изоҳ келтирилади: “Бу от тожикча *кисса* отига “*олиб кет*” маъносини англатадиган *бурдан* феълининг *бурд* ўтган замон асосини қўшиб ҳосил қилинган” [3.110]. Бизнингча, бундай талқин тўғри эмас. Тожик тилида *кисабур* (ФТЗТ.I.612), форс тилида *кисебўр* (ПРС.II.378) шаклида ифодаланувчи ушбу лексема *киса- чўнтак, буридан- кесмоқ* феълининг *бур* ҳозирги замон асоси қўшиб ҳосил қилинган бўлиб, *чўнтак кесувчи* деган маънони ифодалайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, *д* ва *т* товушлари ўзбек тилининг товушлар тизимидаги икки мустақил товуш ва ҳар бири ўз ўрнида лексемаларнинг ифода жиҳати бўлиб хизмат қилади, шунга кўра икки мустақил фонемага тенг; лекин бу ердаги товуш алмашинувида *т* товуши *д* фонемасининг иккиламчи аллофонемаси тарзида, *д* фонемаси таркибидаги *д - т* занжирининг ҳалқаси сифатида намоён бўлади. Товуш ўзгариши лексема охирида келадиган *д* фонемасида ҳам воқе бўлади ("Имло қоидалари"нинг 13-параграфида акс эттирилган): *марварид* (ёзилиши) - *марварит* (айтилиши). Бу тур лексемаларда *д* фонемасининг *д* (асосий) ва *т* (иккиламчи) аллофонемалари намоён бўлади.

М.Миртожиевнинг таъкидлашича, одатда сўнгги бўғинга лексик урғу берилиб, унинг унлиси кучли талаффуз этилади. Натижада ундан кейинги ундош редукцияга учрайди. Редукцияга учраган товуш жарангсиз бўлса, кам частотали жаранглига айланади. У жарангли бўлса, жарангсизга ўтади. Мисол, *awlod>awlot, ozod>ozot* каби. Бу кўпроқ портловчи ундошларда кузатилади [4.302].

Калит (**کلید**) лексемаси тожик тилида *калид* (ФТЗТ.I.580), форс тилида *келид, калид* (ПРС.II.346) шаклларида учрайди, ўзбек тилига ўзлашганда *д* товуши *т* га ўзгарган (5.II.298): *Гўзал хулқ ва солиҳ амаллар саодат саройининг* ***калит****идир* (Т.Малик, Одамийлик мулки, 191-бет).

Баттар (**بدتر** *ёмонроқ*) лексемаси ўзбек тилига *баттар* шаклида ўзлашган (5.I.176). М.Миртожиевнинг таъкидлашича, агар *t* консонанти ауслаутда бўлиб, контакт *d* консонантини ассимиляция қилса, чўзиқ *t:* консонанти юзага келади. Масалан, *кетди<ket:i*, *бадтар<bət:ər* сўзларидаги каби [4.104]: *Узоқ қариндошим бўлмиш ўша шифокорнинг гапини эшитганимда,* ***баттар*** *ҳайрон бўлдим* (Ў.Ҳошимов, Дунёнинг ишлари, 92-бет).

Кунжут (**کنجد** *уруғидан ёғ олинадиган ўсимлик*) лексемаси форс тилида *кўнжед, кўнжад* шаклларида, тожик тилида *кунжид* тарзида (ФТЗТ.I.636) (ПРС.II.358) учрайди. Қуйида келтирилган мисолларда ҳам сўнгги бўғинга лексик урғу берилиб, унинг унлиси кучли талаффуз этилиши, ундан кейинги ундош редукцияга учраши маълум бўлади: *намад (نمد - кигиз)>намат, нўхуд* (**نخود**) *>нўхат, пулод* (**پولاد**)*>пўлат, сабад* (**سبد**)*>сават.*

Гўдак (**کودک** *ёш бола, чақалоқ*) (5.I.529) лексемаси форс-тожик тилида *кудак* тарзида учрайди (ФТЗТ.I.640) (ПРС.II.367-бет): *Ўшанда* ***гўдак*** *тасаввуримга сиғмаган нарсани кейин тушунганман: уруш битиб одамларнинг яраси янгиланган дамлар экан* (Ў.Ҳошимов, Дунёнинг ишлари, 70-бет).

Ўзбек тилида *ф* товуши *в* товушига алмашинишига қуйидаги лексемаларни мисол қилиш мумкин: *кавуш, кавушандоз, кавушдўз.*

Кавуш (**کفش** *оёқ кийими*) лексемаси *“чармдан тикилган оёқ кийими”* маъносини ифодалайди (5.II.290). Бу от асли *кафш* таркибига эга бўлиб, ўзбек тилига *ф* товушини *в* товушига алмаштириб, *вш* товушлари оралиғига *у* товушини киритиб қабул қилинган. Ўзбек сўзлашув тилида бу от таркибидаги *а* товуши *в* товуши таъсирида айтилади: *Жувон амиркон* ***кавуш****ини ечиб, якандозга чиқди* (А.Қаҳҳор, Ўтмишдан эртаклар, 55-бет).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Набиева Д.А. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. – Тошкент: Шарқ, 2005.
2. Раҳмонбердиев К. Ўзбек тили контактлари. – Тошкент: Фан, 1989.
3. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. III том. -Тошкент: Университет, 2009.
4. Миртожиев М. Ўзбек тили фонетикаси.-Тошкент: Фан, 2013.

ЎЗБЕК ТИЛИ ЛУҒАТ ТАРКИБИ ШАКЛЛАНИШИДА ЎЗЛАШМАЛАРНИНГ ЎРНИ

З.Алимова, ФарДУ катта ўқитувчиси

Ўзбек адабий тилининг тарихий тараққиёт даврига назар ташласак, ўзлашма сўзлар ва сўз шакллари турли даврларда турлича ижтимоий сабаблар билан кириб келганлигига гувоҳ бўламиз. XI асрга оид манбаларда қўлланилган ўзлашмаларнинг кириб келишида форс-тожик сўзларининг аҳамияти каттадир.

Форс тили бу даврда маъмурий, ҳуқуқий, тижорий, илмий, диний тушунчаларни ифодаловчи шарқ тиллари сўзларининг ўзбек адабий тилига ўзлашишида воситачи вазифасини бажарган [1.62]. Диний тушунчаларни ифодалашда М.Умархўжаевнинг “Диний атамалар ва иборалар” номли оммабоп қисқача изоҳли луғати муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бу луғатда форс-тожик тилидан ўтган *бомдод, гуноҳ, дарвеш, дарвешона, даҳа, девона, дуруд, дўзах, жон, намоз, намозгоҳ, пешин, парвардигор, пир, парихон (пархон), фаришта, шойиста, шом, шоҳимардон, хуфтон* каби диний тушунчалар изоҳи ҳам берилган [2.6-21].

Ўзлашма сўзлар тилнинг изоҳли луғатларида ўз ифодасини топади. Изоҳли луғатлар нафақат сўз маъноси ҳақида, балки унинг келиб чиқиши, семантик тараққиёти ҳақида ҳам етарлича маълумот беради. Ўзбек тилининг янги беш жилдли изоҳли луғати ўзлашма сўзларнинг асл маъноси, уларда юз берган семантик, шаклий ўзгаришларни таҳлил қилишга ёрдам беради.

Бугунги кунда форс-тожик тилидан ўзлашган айрим сўзлар борки, улар ўзбек тилида неологизмлар ҳисобланади. Жумладан, *фармуда* (буюрилган: *қўшалоқ сомса*), *шохобча* (савдо шохобчаси), *шоҳ бекат* (катта бекат), *ягона дарча* ва бошқа бир қанча мисолларни келтириш мумкин. Номлари қайд этилган неологизмлардан *фармуда, шохобча* ва *шоҳ бекат* (катта бекат) сўзлари ЎТИЛга киритилган, *ягона дарча* неологизми ҳозирча луғат таркибига киритилган эмас.

Ш.Раҳматуллаевнинг қайд этишича, ўзбек тили лексикаси ҳам ўз ички имкониятларидан ташқари ташқи манбалар асосида бойиб бормоқда. Қайси тил лексемаси бўлишидан қатъий назар, тил луғатига сингиб кетган лексемани қувиш ҳаракати зарарли деб баҳоланиши лозим [3.110].

Ўзбек тили лексик тараққиётини ҳам жамиятдаги муҳим ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, маълум бир давр босқичлари асосида ўрганиш мумкин. Туркий тил сифатида юритилган ўзбек тили тарихан Ўрта Осиё ҳудуди халқлари учун бир неча аср мобайнида форс-тожик тили билан бир вақтда истеъмолда бўлди. Узоқ вақтли мулоқот натижасида тил омухталашиши сезиларли даражада ҳар иккала тил лексик қатламига ҳам таъсир қилди. Ўзбек тили лексик қатламига янги сўзлар, форсий изофалар, иборалар, ҳаттоки сўз ясовчи қўшимчалар ҳам кириб келди. Бундай сўзлар, аввало, мавҳум, кейинчалик уларнинг кўпчилиги ўз қатлам сўзлари каби тилимизга мослашиб, ажратиб бўлмас ҳолатда ўринлашди.

Ўзбек адабий тилининг луғат таркибидаги сўзлар тарихий шаклланиши жиҳатидан фақат туркий тилларга хос бўлмай, балки форс-тожик, араб, мўғул, рус, уйғур тилларига хос ўзлашмалардан ҳам иборатдир. Тилшунос олимлар келтирган маълумотларга кўра, тадрижий жиҳатдан лексема ўзлаштиришдаги энг қадимги манбалар деб форс-тожик, араб тиллари кўрсатилади. Рус тилидан лексема ўзлаштириш буларга нисбатан анча кейинги вақтларда содир бўла бошлаган. Форс-тожик, араб тилларидан лексема ўзлаштириш тарихан актив бўлган, ҳозир эса пассивлашган [4.175].

Ўзбек лексикасининг ички ва ташқи манбалар асосида бойиш имкониятлари жуда кенг. Масалан: а) илгари қўлланилиб, кейин истеъмолдан чиқиб кетган сўзлардан янги тушунчаларни ифодалаш учун фойдаланиш: *вазир, ҳоким, вилоят, ширкат, туман* каби; б) ясовчи қўшимчалар ёрдамида янги сўз ясаш: *уяли алоқа, омонатчи, пудратчи, божхона*, *аудитчи* (аудитор), *дизайнчи* (дизайнер); в) диалектал сўзларни фаоллаштириш: *менгзамоқ – ўхшатмоқ, қиёсламоқ* каби [5.206].

Ўзлашмалар тилнинг луғат бойлигини оширади, янги ўзаклар, сўз бирикмалари ва терминлар учун манба бўлиб хизмат қилади. Ўзлашмалар бирор-бир тилга кириб келгандан сўнг ўша тилга мослашади, ўзида грамматик, семантик, фонетик ва орфографик ўзгаришларни ўтказади.

Ўзлашмалар тил луғат бойлигидан жой олар экан, имло қоидаларига риоя қилган ҳолда ўзлашади. Б.И.Татаринцевнинг ёзишича, рус тилидан тува тилига кирган ўзлашмалар, агар улар байналмилал сўзлар бўлмаса, у ҳолда тува тилининг тил қонунларига бўйсунган, яъни реал талаффузни акс эттирган. Байналмилал сўзларни эса, иложи бўлса, русча аслга яқинлаштириб ёзиш талаб этилган [6.69].

Ҳинд тилшуноси К.Гурунинг ёзишича, ҳиндий тилида чет сўзлар ўз тилида қандай талаффуз қилинган бўлса, шундай ёки талаффузи ўзгарган шаклда ёзилиши ҳам мумкин [6.70].

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, ўзлашмалар маълум бир тилга кириб келишининг ижтимоий, сиёсий ва маданий омилларнинг ўрни жуда каттадир. Тил, асосан, ўз ички имкониятлари асосида ривожланади. Шу билан бирга, ўзаро иқтисодий, маданий алоқалар туфайли четдан сўз олиш ва ўзлаштириш дунёда барча тилларга хос хусусиятдир. Бу жараён ўзбек тилининг шаклланишида ва тараққиётида муҳим аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдушукуров В. Эски туркий адабий тил лексикаси.-Тошкент, 2015.
2. Умархўжаев М. Диний атамалар ва иборалар. Оммабоп қисқача изоҳли луғат. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016.
3. Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o‘zbek tili. – Toshkent: Universitet, 2006.
4. Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992.
5. Нурмонов А., Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили.-Тошкент; Илм-зиё, 2015.
6. Иброҳимов А. Ўзлашмаларда имло масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти.-Тошкент, 2007.-№ 1.

“БОБУРНОМА”ДАГИ САБАБ, БЕЛГИ, ХУСУСИЯТ МАЪНОСИНИ АНГЛАТУВЧИ ИЗОФИЙ БИРИКМАЛАР

Амонов Мухтор Умарович
ФарДУ катта ўқитувчиси

Тилшунос олима З.Холмонова “Бобурнома”даги луғавий бирликларни семантик майдон доирасида тасниф қилган. А.Иброҳимов ҳам Бобур асарлари лексикасини бир нечта мавзуий гуруҳларга ажратиб тадқиқ қилган. Биз эса “Бобурнома”даги изофали бирикмаларни лексик-семантик гуруҳларга ажратганимизда, улар ўрин-жой, пайт, сабаб, шахс, белги каби яна бир қатор маъноларни англатиши маълум бўлди. Қуйида асарда қўлланилган сабаб, белги-хусусият маъносини англатувчи изофий бирикмаларни таҳлилга тортдик.

Бу турдаги изофали бирикмалардан сабаб маъносини англатувчи арабча “важҳ” сўзи ва унинг араб тилидаги синиқ кўплик шакли “важоҳ” изофали бирикмаларда аниқланмиш вазифасида келган:

Олачанинг важҳи тасмияси муни дерларким, қалмоқ ва мўғул тили била ўлтургучини “олачи” дерлар (БН:14-бет). Бу жумлада *важҳи тасмияси* изофали бирикмаси номланиш сабаби, аталиш сабаби маъносида келмоқда.

Умаршайх мирзонинг ўзга беклари ва йигитларига ҳар қайсиға фарохўр ҳоллари вилоят ва ер ва муча ва чарға ва важҳи истиқомат муқаррар ва муайян бўлди (БН:19-бет).

Неча кундин сўнг Биёнани Маҳди Хожаға иноят қилиб, важҳи истиқоматини етмиш лак қилиб, Биёнаға рухсат берилди(БН:280-бет).

Анинг важоҳи истиқомати Биёна парганасидин йигирма лаклик тайин бўлди (БН: 280-бет). Бироқ, юқоридаги жумлаларда *важҳи истиқомат, важоҳи истиқомат* бирикмалари мулк маъносини англатиб келяпти.

Ҳар неча кунда бир киши келиб, вилояттин ва эл ва улусдин сўзлар тақрир қилур эдиким, мужиби умидворлиқ бўлур эди (БН:109-бет).

Султон Ҳусайн мирзонинг бу хатлари мужиби ноумидлик бўлди (БН:111-бет).

Юқоридаги изофали бирикмалардаги *мужиби умидворлиқ умидворлиққа сабаб, мужиби ноумидлик ноумидликка сабаб маъносини* англатади.

“Бобурнома”да бир нечта ўринларда қўлланилган арабча изофали бирикмалар белги-хусусият маъносини англатиш учун хизмат қилган:

Қутб бизнинг била ихтилот қиладур, санга “Ҳизабруллоҳ” лақаб бўлди, сен ўзбекни олғунгдир (БН:185-бет). Муаллифнинг ўзи *“Ҳизабруллоҳ”* арабча изофали бирикмаси лақаб бўлганини таъкидламоқда, бу ерда ушбу сўз “оллоҳнинг зўр шери” маъносини англатиб келяпти.

Яна Панжҳир туманидур. Йўл устида воқе бўлубтур. Кофиристон анга бисёр ёвуқтур, қуттоут-тарийқ куффорнинг мурури Панжҳирдиндур (БН:123-бет). Ушбу жумладаги *қуттоут-тарийқ* арабча изофа бирикмаси йўлтўсар маъносини англатиб келяпти.

Номаълум сабабларга кўра, З.Холмонова *қуттоут-тарийқ* арабча изофа бирикмасини форсча-тожикча сўзлар қаторида санаб кўрсатган:

Асар лексикасидаги бир қатор форсча-тожикча сўзлар ҳозирги қипчоқ шеваларида қўлланади: *гирдо гирд, қуттоут-тариқ, бовужуд* каби[1.61].

Ваҳоланки, *қуттоут-тарийқ* арабча изофали бирикма бўлиб, *йўлтўсар, қароқчи* маъноларини англатади.

Асардаги айрим китобхонга тушунилиши мураккаб арабча изофали бирикмаларни муаллифнинг ўзи изоҳлаб ўтади. *Буқаламун* ҳақида шундай ёзади: *Ул ажаб нима ривоят қилдилар: қиш бўлғоч, тоғ доманаларига тушар, агар учурсаларким, узум боғидин ўтса, яна асло учолмас, тутарлар. Маъкулул–лаҳмдур, бисёр лазиз эти бордур(БН:256-бет)*. Мазкур жумлада *Маъкулул–лаҳм* арабча изофали бирикмаси эти ейиладиган маъносини англатиб келган.

Бобур Ҳусайн Бойқарога таъриф бериб, унинг ҳам ота, ҳам она авлоди Амир Темурга бориб тақалишини айтади: *Султон Ҳусайн Мирзо каримут-тарафайн эди, асл подшоҳ эди(БН: 146-бет)*. Ушбу жумлада *каримут-тарафайн* арабча изофали бирикмаси икки томонлама улуғланган маъносини англатиб келган. Тарихдан маълумки, Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳам сифати *каримут-тарафайн* эди.

Муншийларини тилаб, буюрдумким, бу икки азимуш-шаън умурким, воқе бўлди, бунинг ихбориға фармонлар битигайлар(БН:287-бет). Юқоридаги жумлада *азимуш-шаън* арабча изофали бирикмаси буюк, улуғ маъносини англатиб келяпти.

Шунингдек, Бобур Ҳиндистондаги ҳайвонот оламига таъриф берар экан филни қуйидагича тавсифлайди: *Фил азимул-жусса ва зийрак жонивордур. Ҳар не десалар билур ва ҳар не буюрсалар қилур(БН: 252-бет)*.

Хулоса қилиб айтганимизда, “Бобурнома”даги изофали бирикмалар семантик жиҳатдан ўрин, пайт, сабаб, белги, хусусият, шахс маъноларини англатувчи қатор лексик-семантик гуруҳларга бўлинади.

Адабиётлар:

1. Холмонова З. “Бобурнома” лексикаси. – Тошкент: Фан, 2007.
2. .Бобур М.З. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. “Бобурнома”дан олинган ҳаволалар қавс ичида кўрсатилган.

“БОБУРНОМА”ДАГИ ШАХС МАЪНОСИНИ АНГЛАТУВЧИ ИЗОФИЙ БИРИКМАЛАР

Амонов Мухтор Умарович
ФарДУ катта ўқитувчиси
Омонова Фарангиз Мухторхон қизи
ФарДУ талабаси

“Бобурнома”да касб-кор ёки маълум гуруҳга алоқадорлик маъносини ифодаловчи, *соҳиб, аҳл* сўзлари иштирок этган изофали бирикмалар мавжуд: *аҳли табъ*– табъ аҳли, *аҳли нағма*, *аҳли соз* – соз аҳли, *аҳли фазл*–фазл аҳли, *аҳли шеър*

– шеър аҳли, *аҳли ҳунар* - ҳунар аҳли, *аҳли ислом* – ислом аҳли, *аҳли куфр* –куфр аҳли, *аҳли куффор* – кофирлар аҳли, *аҳли иртидод – чекинувчилар аҳли, муртадлар* каби. “*Аҳл*” сўзи аслида арабча қариндошлар; оила аъзолари; бир хонадонга мансуб кишилар; маълум соҳа, касб эгалари; халқ, хуллас, бирор бир белги асосида бирлашган шахслар доирасини билдиради[1.48]. Я.Зулфиевнинг таъкидлашича, *аҳл* сўзи XV-XIX асрларда яратилган бадиий асарларда анча кенг қўлланган. Ҳозирги кунда бу сўз кўпроқ шеърий услубга хос бўлиб, илмий услубда, шева ва жонли тилда жуда кам ишлатилади. Ўзбек тилида, айниқса, унинг ҳозирги тараққиёт босқичида “*аҳл*” сўзи лексик бирлик сифатида деярли мустақил қўлланилмайди[2.42-43].

Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай (БН:154-бет).

Бобур Алишер Навоий даврида ижод қилган Қул Муҳаммад Удийга таъриф бериб: *ғижжакни ҳам хўб чолур эди. Ғижжакка бу уч қил тақти. Аҳли нағмадин ва аҳли создин ҳеч ким мунча кўп ва хўп пешрав боғлағон эмастур (БН: 164-бет)* дейди.

Асарда учрайдиган айрим сўз ва изофали бирикмаларни ҳозирги ўқувчи луғат ёрдамисиз тушунмайди.

Бу юрттин икки кўчуб, Биёна борилди. Биёнағача, балки Алвор ва Мевотқача аҳли куффор ва аҳли иртидоднинг жийфаси бениҳоят ётиб эди (БН:299-бет). Ушбу жумлада муаллиф *аҳли иртидод* изофали бирикмаси орқали жангда чекинганларни ва бир пайтнинг ўзида муртадларни назарда тутган. В.Раҳмонов томонидан тузилган “Мумтоз асарлар луғати”да *аҳли иртидод* изофали бирикмаси *диндан қайтганлар, маслагидан қайтганлар* маъносини англатиши кўрсатиб ўтилган[3.95].

“Бобурнома”да таркибида *аҳл* сўзи бўлган жами 12 та изофали бирикма учрайди. Бироқ Х.Назарова томонидан нашр эттирилган “Заҳириддин Муҳаммад Бобир асарлари учун қисқача луғат”да *аҳл* сўзи иштирокидаги фақат 2 та изофий бирикма маъноси берилган: *аҳли нағма, аҳли табъ*[4.12]. *Аҳл* сўзи иштирок этган қолган 10 та изофий бирикманинг изоҳи мазкур луғатда берилмаган. Ф. Исҳоқовнинг “Бобурнома” учун қисқача изоҳли луғат”ида ҳам юқоридаги иккита изофий бирикманинг маънолари изоҳланган холос[5.12]. Алишер Навоий асарларида эса мазкур сўз иштирок этган шахсни билдирувчи изофий бирикмалар 158 тани ташкил этади.

“Бобурнома”да *соҳиб* лексемаси иштирок этган изофали бирикмалар бирор бир асарнинг муаллифи маъносида ҳамда бирор бир мансаб эгаси маъноларида кенг қўлланилган:

Яна соҳиби “Саҳиҳи Бухорий” Хожа Исмоил Хартанг ҳам Мовароуннаҳрдиндур. Яна соҳиби “Ҳидоя” ким, Имом Абу Ҳанифа мазҳабида “Ҳидоя”дин мўътабарроқ китоби фиқҳ кам бўлғой, Фарғонанинг Марғинон отлиқ вилоятиндур, ул ҳам дохили Мовароуннаҳрдур(БН:44-бет).

“Вафоий” тахаллус қилур эди. Соҳиби девон эрди, шеъри ямон эмас эди, бу байт анингдурким...(БН:22-бет)

Яна Хожа Ато эди. Агарчи алардек соҳиб мансаби девон эмас эди, вале жамиъ Хуросонотта Хожа Атонинг бемашварати ҳеч муҳим файсал топмас эди (БН:159-бет).

Асар таркибида *соҳиб* лексемаси иштирок этган лексик бирликлар жами 13 та, Алишер Навоий асарларида эса *соҳиб* лексемаси иштирок этган 24 та изофий бирикма учрайди.

Асардаги айрим изофали бирикмаларнинг изоҳи муаллиф томонидан изоҳлаб берилган бўлса, айримлари “Бобурнома”ни табдил қилган Порсохон Шамсиев томонидан изоҳлаб кўрсатилган: *Мусаввиди авроқ айтадурким, тўққуз юз ўттиз еттида жумодил-аввал ойининг олтисида чаҳорбоғидаким, ўшул подшоҳ ўз қўли билан обод қилиб, эрди, ҳоли мутағаййир бўлуб, бу олами бевафони падруд қилди (БН:356-бет).*

Юқоридаги жумлада *мусаввиди авроқ* арабча изофали бирикмаси варақларни қораловчи, яъни котиб маъносини англатиб келяпти. Алишер Навоий ўз асарларида Бобурга нисбатан бир мунча кўп арабча изофали бирикмаларни қўллаган бўлса-да, бироқ Навоийнинг наср ва назмдаги асарларида *мусаввиди авроқ* изофали бирикмаси учрамайди. Ҳатто бирикма таркибида иштирок этган *мусаввид* лексемаси ҳам учрамайди. *Мусаввид* араб тилида аниқ нисбат сифатдоши бўлиб, унинг мажҳул нисбатдаги формаси, қоралама нусха маъносини англатувчи *мусаввада* лексемаси Навоий асарларида фаол қўлланилган.

Адабиётлар:

1. Баранов Х. Арабско- руский словарь. –Москва, 1985.
2. Зулфиев Я, Жуманова М. Ўзбек тилида “аҳл” сўзининг семантик-грамматик ва услубий хусусиятлари // ФДУ илмий хабарлар. 2005, №1.
3. Раҳмонов В. Мумтоз асарлар луғати. –Тошкент: Akademnashr, 2019.
4. Назарова Х. Заҳириддин Муҳаммад Бобир асарлари учун қисқача луғат. – Тошкент: Фан, 1972.
5. Исҳоқов Ф. “Бобурнома” учун қисқача изоҳли луғат. –Андижон, 2008.
6. .Бобур М.З. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. “Бобурнома”дан олинган ҳаволалар қавс ичида кўрсатилган.

NUTQIY CHEGARALANGAN AYRIM BIRLIKLAR

(«Boburnoma» asarida misolida)

Do’smatov Hikmatillo Hayitboyevich
Farg’ona davlat universiteti katta o‘qituvchisi, PhD.
Mahmudova Zulayho Numonjon qizi
Farg’ona davlat universiteti talabasi

Tildagi hamma so‘zlar ham nutqdan tashqarida erkin qo‘llana olmaydi. Ularning qo‘llanilishi, ma’no anglashilishi uchun ma’lum sharoit, nutqiy jarayon sodir bo‘lishi

lozim. Masalan, tildagi ba’zi so‘zlar o‘z oldidagi yondosh so‘z bilan qo‘llangandagina ma’nosi to‘liq anglashilishi mumkin. Bunday birliklar o‘zbek tilida ham ko‘p bo‘lib, o‘zbek tilshunosligida kam o‘rganilgan soha sanaladi. Shu nuqtayi nazardan bu kabi birlikni yig‘ish, ularning ma’nosi, qo‘llanilish doirasi, birikuvchanlik xususiyatlarini o‘rganish maqasadida bu birliklarga **nutqiy chegaralangan birliklar** atamasini qo‘llab, shu nom ostida ularni o‘rganishni oldimizga vazifa qilib belgiladik. Bu kabi ma’lum nutqiy holatni talab qiluvchi birliklar o‘zbek tilida ham talaygina bo‘lib, biz ularni «Boburnoma» asari talqinida ko‘rib chiqamiz. **Shikast**. Bu birlik forscha bo‘lib, aslida mag‘lubiyat; omadsizlik; zarar, ziyon; sinish, siniq; suyakning singan joyi [O‘TIL, 4-tom, 568] ma’nolarini beradi. Bu birlikning o‘zbek tilida qo‘llanilish doirasi biroz tor sanalib, uning o‘zbek tilida *shikast topmoq, shikast yetmoq, shikast bermoq* kabi shakllarda kelish o‘rni mavjud. Xususan, «Boburnoma»da ham bu so‘zning quyidagi ma’nolarda qo‘llanilishi kuzatiladi. 1) *zarba, sindirish.* Muhammad Shayboniyxon Sulton Muhammadxon bilan Olachaxong‘a shikast berib, Toshkand va Shohruxiyani olg‘on mahalda, ushbu So‘x bilan Hushyor ko‘hpoyalariga kelib bir yilga yovuq tanqislik o‘tkazb, Qobul azimati qildim. 2) *pand, omadsizlik, mag‘lubiyat*. Hamisha mulkgirlik dag‘dag‘asi bor edi, necha navbat Samarqand ustiga cherik tortdi, ba’zi mahal shikast topdi. 3) *zarar, ziyon yetmoq.* Toshkandtin ikki she’riy yo‘l bo‘lg‘ay, bu suvning yoqasidakim shikast topti. 4) *nobud bo‘lmoq.* (Darveshbek) Tabi’ nazmi bir edi. Sulton Ahmad Mirzo Chir suyi yoqasida shikast topganda Chir suyig‘a bordi. Bu birlikning hozirgi kunda ham kelish o‘rni qo‘shma so‘z tarkibida bo‘lib, fe’l bilan birikma hosil qiladi. Bu birlikning bir tomondan turkiy so‘z emasligi, ikkinchi tomondan kam qo‘llanilishi uning nutqda ayrim so‘zlar(fe’l) bilan birikma holida shakllanib ifodalanishiga omil bo‘lib xizmat qiladi.

Zabt. Uning *hibs, musodara, tergov* ma’nolari bor bo‘lib, [O‘TIL, 2-tom, 121] *zabt etmoq, zabt qilmoq* kabi qo‘llanilish shakllariga ega. Bu birlikning quyidagi ma’nolari mavjud: 1) *bosib olmoq, egallamoq, ishg‘ol qilmoq.* Xabar topib muhassillar yiborib, korvonning jami’ jihatini zabt qildi. 2) *o‘z hukmiga bo‘ysundirmoq, jilovlamoq.* Derlarkim, qazoq xon va sultonlarining orasida hech kim ul ulusmi Qosimxoncha zabt qulg‘on emastur. Qo‘shma so‘zning tarkibiy qismi sifatida hozirgi kunda qo‘llanish shakliga ega bo‘lib, fe’lga birikib kela oladi. Bu birlik tarixiy so‘z bo‘lmasa-da, shu kabi tarixiy jarayonlarni yoritishga xizmat qilganligi uchun nutqda kam qo‘llanilishiga, va aynan, fe’l bilan birikib ifodalanishiga sabab bo‘lgan.

Zoye [a.yo‘qolgan, nobud bo‘lmoq] bu birlik *bekor ketmoq; foydasiz, yaroqsiz bo‘lib qolmoq; biror ishni bekorga ketkazmoq, yo‘q qilmoq* [O‘TIL, 2-tom, 157] kabi ma’nolariga hamda *zoye bo‘lmoq, zoye qilmoq* kabi qo‘llanilish shakliga ega. 1) *hayf bo‘lmoq, qo‘ldan ketmoq.* ...qalin cherik kelib ko‘rukda tiqilib, qalin ot va teva bu qora suvga yiqilib zoye ketdi. 2) *nobud qilmoq, halok bo‘lmoq.* Chun yaroqsiz urush solilib edi, ba’zi yigit-yalang zoye bo‘lib, heyli kishi yaraliq bo‘ldi. Bu birlik o‘zbek tilida ibora holida ham keladi va uning ma’nosi: *befoyda sarflanmoq. Foydali* so‘zining zidi

sanalgan bu birliklarning mustaqil holda qo‘llanilish o‘rni mavjud emas. Bu birlik ibora(yana ham aniqrog‘i qo‘shma fe’l)ning tarkibiy qismi sifatida qo‘llaniladi.

Ro‘y [f. yuz, yuza, sath] Biror narsaning sirtqi tomoni, yuzi [O‘TIL, 3-tom,405]. Bu birlik o‘zbek tilida deyarli kam qo‘llanilib, uning hozirda *ro‘y bermoq* shakli iste’molda ko‘proq ishlatilib, *ro‘y* birligining o‘zi lirik asarlardan tashqari mustaqil qo‘llanmaydi. Uning *sodir bo‘lmoq, voqe bo‘lmoq, yuz bermoq* kabi ma’nolari mavjud. Mundog‘ ulug‘ vaqoe ro‘y berganda Umarshayx mirzodin qolgan beklar va yigitlar yaxshi qatlanib mardona jonlar torttilar. Fe’l bilan birikma hosil qilishi va qo‘shma fe’l tarkibida yetakchi bo‘lib kelish o‘rnidan tashqari uning izofali tarkibda kelish o‘rni ham mavjud: *ro‘yi jahon, ro‘yi zamin.*

Ruxsat [a.ijozat, iz ijozat(rozilik) qog‘ozi] [O‘TIL 3-tom,399] bu birlikning *biror ishni bajarish, qilish, amalga oshirish uchun shu ishga taalluqli yoki javobgar kishi(lar)ga ijozat berish* ma’nosi bor. ... mag‘lub bo‘lib ilikka tushdi. Yana Yunusxon yaxshilik qilib viloyatig‘ a ruxsat berdi. Ot turkumiga oid bo‘lgan mazkur birlik fe’l bilan birikkan holatini (qo‘shma fe’l sifatida shakllanganini) ko‘rdik. Hozirgi kunda bu birlikning qo‘shma fe’l tarkibidan tashqarida yakka holda qo‘llanilish o‘rni mavjud emas. Ammo uning kesim vazifasida kelib, yakka holda kelishi mumkin, ammo faqat u ko‘pincha og‘zaki nutqda qo‘llaniladi.

Mashg‘ul [ishi ko‘p, ish bilan band]. Biror ish bilan band bo‘lgan, shug‘ullanayotgan [O‘TIL, 2-tom,562] ma’nosiga ega mazkur birlikning asardagi ma’nolari quyidagicha: 1) *doimiy shug‘ullanmoq.* Xisravshohga taalluq el hamisha shurb va zinog‘a mashg‘ul edilar. 2) *band bo‘lmoq.* Haydar ko‘kaldoshkim mug‘ul cherikning rukni a’zami edi, irovul edi, tamom ottin tushib, shiba qo‘ymoqqa mashg‘ul bo‘ldi. Bu birlikning kesim vazifasida kelgandagina alohida kelish holati kuzatiladi. Ammo hozirgi kunda ham bu birlik qo‘shma fe’lning tarkibidan tashqarida erkin qo‘llana olmaydi. Uning fe’l bilan birikishi mumkin va unda belgini bildirib keladi: *mashg‘ul bo‘lmoq* tarzida.

Zabt: *zabt etmoq* shaklidagi qo‘llanilish shakli mavjud. U *hibs, musodara, tegov* kabi ma’nolarga ega [O‘TIL, II tom,121]. *Zabt* birligi aslida tarixiy so‘z bo‘lganligi boisidan uning *bo‘ysundirmoq* ma’nosi hozirgi kunda yorga, ishqqa nisbatan shoirlar ijodida kuzatiladi. Bu birlikning alohida kelish o‘rni deyarli uchramaydi. Poetik nutqda shoir she’rining qofiyasi, vazni nuqtayi nazaridan bu birlikni yakka holda qo‘llagani bilan uning ikkinchi qismi sezilib turadi. Asarda ham bu birlik qo’shma so’z tarkibida kelgan. 1) *bosib olmoq, egallamoq, ishg‘ol qilmoq; o‘z hukmiga bo‘ysundirmoq, jilovlamoq.* Xabar topib muhassillar yiborib, korvonning jami’ jihotini zabt qildi. Hozirgi tilda bu birlik ham fe’l bilan birikib keladi va shaxsning belgisini bildirishga xizmat qiladi. Umuman olganda, bu kabi nutqiy chegaralangan birliklar o‘zbek tilida anchagina bo‘lib, biz bu birliklarni faqatgina «Boburnoma» asari negizida ayrim ko‘rib chiqdik. Jonli nutqda bu singari birliklar, xususan, maqol, matal va iboralar tarkibida ham talaygina. Nutqiy chegaralangan birliklarning tarkibiy qismlari, turkumlari,

qo‘llanilish shakllarini ham ochish, to‘liq o‘rganib chiqish barobarida til nazariyasiga oid muhim manba bo‘lishiga ishonamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. V tomlik. – T.: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi», 2006.

2. Bobur. Boburnoma. – T. : Yulduzcha, 1989.

ON LEXICOGRAPHIC DEFINITION OF AUTOMOBILE ROAD CONSTRUCTION TERMS

Tuychi Valiev
Independent Researcher at
Karshi State University, Uzbekistan

Key words: term, dictionary, automobile road, lexeme, word form, combination, poly-functional terms, metaphoric, functional sememes, sememic chains, universals, polysemy, multifunction, homonymy, simple, compound, binomials, combination of terms, asphalt, traffic sign, shelter, gallery, level.

Resume: Automobile road construction terms are similar to the structure of other branches of terms. In the terminological dictionary “vocabulary words” and “vocabulary article” might be given in the form of borrowed terms, original root, formed, original layer, borrowed layer, simple original, simple formed, binomials and combination of terms. Sources have been determined to choose words for the automobile road construction terms dictionary. Automobile road construction defining dictionary has not been compiled so far.

Automobile road construction as top priority economic policy of Uzbekistan is extensively developing. New technologies are being introduced in production, modern tech equipment are being applied. Automobile road construction being a separate branch of general tech & science is intensively developing keeping to international standards. Quality changes have taken place, as the branch develops on the principles of science - production harmony, resulting tremendous changes in terminology system. Before the Independence, due to the fact that Russian was the language of science and production the layer of automobile road construction terminology, being of the internal Microsystems of the Uzbek language remained undeveloped. Thanks to the fact that the Uzbek language gained the statues of State Language office and correspondence work in this branch and education in secondary special and higher system, undergoing radical reform changes in training highly qualified specialists are being carried out completely in Uzbek. Consequently, a great deal of work have been carried out in reviewing language units related to the branch of terminological system, term formation, borrowing, in general, terminology developing. In particular, creation of the Russian-Uzbek automobile road construction dictionary was a desirable event. At the same time, a number of existing units of other terminological systems in the Uzbek language have

been entered into the automobile road construction terminology system related to "automobile road" semantics. A great deal of words and word combinations used in every day speech have acquired terminological sense. But still there are a number of problems awaiting solutions in terms of improving and developing this branch of terminology as required by the present day life activities.

Needs and requirements of a certain period reflected in Linguistics are clearly seen first of all in Lexicography. "As language develops quick, rapid and considerable changes take place in vocabulary stock than the other layers of a language. Certainly, the reasons are clear. These changes reflect not only quantity but also quality developments in vocabulary. Developments and changes in vocabulary are natural linguistic phenomena manifested in appearing new lexical units or disappearing of certain units (becoming obsolete), some words acquiring new meaning and losing some meanings. In this process various changes in relationship of vocabulary to literary standards and usage take place. When these changes reach certain points there is a need for research work explaining them in terms of theory and practice. One of the main practical works is to compile defining, historical and etymological dictionaries" [10.5].Today the role of the Uzbek as a state language is steadily gaining importance in social life and it has been restored in widest sense of word as a real national value and this is a great event for the nation without exaggeration. "During the years of Independence the sphere of the Uzbek language usage has practically widened a lot, a great deal of scientific researches aimed at further developing of the language are being carried out with subsequent publications of science and popular books, academic manuals and number of dictionaries all contributing to further developing in terms of society cognition" [3,86]. However, there are certain problems in this field. Particularly, since the Russian for a long period was the language of science, education, production and office language we can note the old state of affairs still remaining in number of branches of terminological system. In this sense as our president Islam Karimov underlined "especially, wide usage of our mother tongue in most important spheres such as basic sciences, modern communication and information technologies, bank - finance system, publication of etymological and comparative dictionaries, working out necessary terms and expressions, notions and categories, in short, thorough developing of the Uzbek language on solid scientific basis, without any doubt, will promote to national self- cognition , sacred feelings towards Motherland" [3,87].

We can hardly say that automobile road construction terms are orderly arranged in Uzbek as to sources and choosing words for "Defining Dictionary of Automobile Road Construction Terms". This is proved by the mere fact that there is no any defining dictionary in this field so far. First and most of all, compiling a shorter defining dictionary covering the most active words in this field, and then extending and further developing would certainly fill the gap existing in terminology. As mentioned above, the only existing Russian-Uzbek translation dictionary does not meet the demands for

modern dictionaries. While choosing words for automobile road construction terms we have to rely on many various sources. The might be grouped as following:

1) dictionaries of terms, reference books, encyclopedias in Russian and other foreign languages related to automobile road;
2) dictionaries of terms, reference books, encyclopedias in Uzbek related to automobile road;
3) defining dictionaries and encyclopedias in Russian and other foreign languages;
4) defining dictionaries and encyclopedias in Uzbek;
5) tech- technological terms dictionaries, reference books and encyclopedias in Russian and other foreign languages;
6) text books and manuals, educational- methodical complexes.

Terms in the present sources, as mentioned above, are grouped as:

a) terms mainly used in automobile road construction, partly used in other fields;
b) terms equally used in automobile road construction and in other fields;
c) terms used mainly in other fields and partly in automobile road construction.

Lexeme vocabulary consists of vocabulary articles in word form and expression terms. By terms in form of lexeme we mean root and derivational lexemes. Some grammatically formed lexemes in the word form can also function as a term: as in compaction (шиббалаш), grading (текислаш), текислагич (grader), etc. They (lexeme, combination and word forms) are termed in the dictionary as one indivisible head units as to analogy head word terms in defining dictionaries. Actually, as it is underlined by compiles of defining dictionaries “this term (i.e. head word- T.V.) is to be treated as a unit capable of make vocabulary article and explained in detail specifying and defining its meaning or meanings. When it is understood in this way, not only words entered in the dictionary, but also phrasal word combinations тасдиқ қилмоқ (written separately corresponding to –to confirm) formed with use of helping words, and as well as set expressions formed with a participation of a word бош – head (for instance- боши осмонга етди-lit. his head reached the sky-meaning very pleased with, боши қотди - he had a headache) are considered as vocabulary units” [10.336,337].

The present terminological dictionary words, like in defining dictionaries, have been arranged in alphabetical order. But it differs from traditional systematic-alphabetical dictionaries. Each extract defining the term is called a vocabulary article. So, in this terminological dictionary both vocabulary word (for example, ГАЛЕРИЯ- gallery) and vocabulary article (for example, “тоғ ёнбағридаги йўл устига темир-бетон плитадан айвон кўринишида қурилиб, транспорт оқимини кўчкидан ҳимоя қилишга мўлжалланган мухандислик иншооти –reinforced concrete slab engineering structure in the shape shed erected at mountainous road sides to protect transport stream from possible slides“) are treated inextricably keeping to the dictionary compiling traditions.

1. Vocabulary words. From the genetic point of view the following units make up the vocabulary words:

Borrowed terms:

1. Root lexeme borrowed terms: грейдер-grader, балкон-balcony, галерея=gallery etc.
2. Formed lexeme borrowed terms: планировка-lay out, активатор-activator, откос-slope etc.

Origin layer terms:

1. Russian-international root terms: leveler- нивелирлаш, chloride- хлорли, activato-активатор, slope- откос etc.
2. Arabic-Farsi root terms: айвон-shed, равоққулф, ҳавон-supporting/retaining wall etc.

The following terms as to their structure are included in vocabulary words:

1. Simple root terms: road- йўл, balcony -балкон, gallery -галерия etc.
2. Simple formed terms: bituminous- битумли, lay asphalt-асфальтлаш, leveling -текислаш etc.
3. Binomials terms: асфальт-бетон-asphalt-concrete, темир-бетон-reinforced concrete, шлак–цемент- etc.
4. Combination of terms: қопламанинг нураши - collapsing of the layer, мустаҳкамлик заҳираси (қўри)-margin of safety, сирпаниш коэффициенти- slippage coefficient, тўшамаларнинг ўпирилиши- roadbed destruction, тоштахталарнинг лиқиллаши-wavering of stone slabs, жорий таъмир-maintenance, емирилиш репери-destruction bench mark, қопламадаги силжиш-sliding of cover slabs, қирра синиши-edge break, йўл хизмати-road service, йўлни сақлаш-road maintenance, бордюни тикламоқ-restoring of borders, едирилиш қатлами-bed layer, қор бўрони (қор уюмлари)-snowstorm, қор тўсиқ- snowdrift, қорли машъал-snow blizzard, қопламани тозалаш-surface cleaning, музларнинг тирбандлиги-ice traffic jam, юкловчи-loader, ғилдиракли экскаватор-excavator on wheels, ишлаб чиқаришни автоматизациялаштириш-automation of production, бурғилаб ковламоқ-drilling, тебратиб зинчлаш-compaction through vibration.

From the point of application and usage the following automobile road construction terms have also been included in the dictionary:

1. Archaic words such as: нов-разҳа , crashed - чақиқ- etc.
2. Words related to everyday speech: leveling- текислаш, compaction-шиббалаш-, vibrate -тебратиш etc.
3. Dialectical words: crossroad- чоркўча, нов -чувиқ-, etc.

This way of choosing the words will help to compile shorter, concise and larger automobile road construction defining dictionaries.

In defining the meanings of terms in “A Shorter Defining Dictionary of Automobile Road Construction Terms” it is expedient to use efficiently the lexicographic traditions of the XX- th century during which the Uzbek philological science reached one of its peak. Since, “the XX-th century is noted to have been the most important period in the history of compiling Uzbek dictionaries. During this period a number of terminological dictionaries pursuing different purposes were published, educational and spelling dictionaries, bilingual and trilingual phrase books were created. Here, first of all, we can

mention Russian-Uzbek and Uzbek –Russian, as well as, dictionaries aimed at comparative learning of the Uzbek language to other European and Oriental languages [1; 2; 3; 5; 6; 7; 8; 9; 11]" [10]. The Defining Dictionary of the Uzbek language in 5 volumes and "Uzbek National Encyclopedia" in 12 volumes, created in the new century, are known as the new and bright pages in the history of Uzbek lexicography.

The Uzbek dictionary compilers gained solid experience in creating various types of dictionaries, defining word meanings. Thus appeared various terminological dictionaries widely and efficiently defining terms. However, in some cases- in structuring dictionaries one could observe some deviations from existing lexicographic definitions of word meanings. Moreover, absence of linguists-lexicographers among compilers resulted in those imperfections.

We tried to give the road construction terms in compliance with the lexicographic trends and rules established in Uzbek linguistics.

Terms in the dictionary are usually given in indefinite grammar forms. As in other cases some words are given in definite grammar forms. Here the unit together with the grammar form of a word is considered as lexeme. Here also in the defining dictionary "head words (notional words) are given in the zero (head form) form. We followed the rule that the term "form" is conditional and does not have any grammatical meaning"[5]. For example, халқа автомобил йўли-ring automobile road, бўйлама кесим юзидаги эгрилик-, бир-бирига тескари йўналган эгриликлар, etc.

The term under definition in general might be homonymous. In such cases we only give the meaning related to road construction. If there were any homonyms in this area, as in the defining dictionaries being highlighted with roman numerals, each head words might have been given. But we never came across with homonymous forms of terms used in automobile road construction area.

Verb terms are given in the non-finite form of (и)ш. But final verb used to define it is given in the form of мок. For example:

ASPHALT - laying automobile roads, streets, airdromes with asphalt-concrete (v.uzbek АСФАЛЬТЛАШ -автомобиль йўллари, кўча, аэродром ва ҳ.к. га асфальт-бетон қопламалар ётқизмоқ).

None Turkish head words are supplied with etymological information

GRADER / GRADE-leveling/ - machine used in road construction for grading, leveling (v.uzbek ГРЕЙДЕР - текисламоқ йўл қурилишида йўлни очиш, созлаш, текислаш учун ишлатиладиган машина).

After etymological information a symbol – қ. (қаранг-see), айн. (айнан-literally)is given.

Grammar and stylistic sighs are not given in the dictionary. It is worth to note that in the dictionary we gave and explained only the sememes of head words related to automobile road construction. Meanings of terms are presented through definition, description and explanation. Lexicographic meaning is given driving from the semantic structure of a term. For example:

ASPHALT - construction material natural or artificial, prepared by adding small minerals into bitumen , sand, gravel or crashed stones and used for coating roads (v.uzbek Асфальт - битумга майда минерал тўлдирғич қўшиб тайёрланадиган, қум, шағал, чақиқ тош аралаштирилиб йўл тўшамаси сифатида фойдаланиладиган, табиий ёки сунъий турдаги боғловчи қурилиш материали.

STREET SIGN –fixed at an appropriate places to control traffic at dangerous sections and warning drivers about the road building work. (v.uzbek Йўл белгиси-ҳайдовчиларни автомобиль йўлларидаги қурилиш ҳақида огоҳлантиш ва хафли участкалардаги ҳаракатланишни тартибга солиш учун тегишли жойларга осиб қўйиладиган шартли белги).

As mentioned above, in defining the meaning of a term we followed the sequence of "seme "types"- seme expressing function of a denotation- seme expressing the main features of a denotation- seme expressing the structural and formation features of a denotation":

SHELTER- a small structure, built at sides of less intensive traffic roads in sparsely populated areas for passengers to wait and protect themselves from the sun rays and precipitation (v.uzbek Айвон- аҳоли тарқоқ яшайдиган худудлардаги маҳаллий аҳамиятга эга, камқатнов йўллар четида йўловчиларнинг кутиш чоғида ёғин ва қуёш нуридан сақланиш учун қурилган, катта бўлмаган иншоот).

GALLERY - reinforcement concrete engineering structure, erected at mountain roads to protect transport from avalanches and slides (v.uzbek Галерея- тоғ ёнбағридаги йўл устига темир-бетон плиталардан айвон кўринишда қурилиб, транспорт оқимини кўчкидан ҳимоя қилишга мўлжалланган мухандислик иншооти).

LEVEL – an instrument made of three equal triangle cast iron, 3-5 mm thick, having three needle shaped legs, used to measure/ survey the ground surface relative elevations (v.uzbek. Бошмоқ – ер юзасининг нисбий баландлигини ўлчаш учун қўлланадиган, пўлатдан тенг томонли учбурчак ёки думалоқ шаклда ясалган, 3-5 мм қалинлик ва игна узунлигидаги учли темир оёқларга эга бўлган, ўртача катталикдаги челакнинг таг қисмига тўғри келадиган (ҳажм) жиҳоз).

In defining words synonyms have not been used. We have not used illustrating materials in defining meanings of terms.

References and resources

1. Akmadjanov U., Ilyosov B. Uzbek-Russian Dictionary (in Latin graphic). – Tashkent, 1931.
2. Zahiriy A. A Concise Russian-Uzbek Dictionary. In 2 volumes. – Tashkent, 1927 – 28.
3. Karimov I.A. The highest spirituality is an invincible power. –Tashkent: Manaviyat, 2007.
4. Polivanov E. D. A Shorter Russian-Uzbek dictionary. – Tashkent – Moscow, 1926.

5. Rahmatiy S., Qodiriy A. A Larger Russian-Uzbek vocabulary. In 2 volumes (34 thousand words). – Tashkent- Kazan, 1934.
6. Reshetov V.V. A shorter Uzbek-Russian Dictionary. – Tashkent, 1935.
7. Russian –Uzbek Dictionary (78 thousand words). – Tashkent, 1950-55
8. Russian- Uzbek Dictionary (50 thousand words). – M., 1954.
9. Uzbek – Russian Dictionary (40 thousand words). – M., 1959.
10. The Uzbek Language Defining Dictionary: - Tashkent: “The Uzbekistan National Encyclopedia” State Science Publishing House, 2006.
11. Udakhin K.K. A Shorter Uzbek-Russian Dictionary (in Arab graphic). – Tashkent, 1927.

ХИТОЙ ТИЛИДА ОТЛАРНИНГ СУФФИКСАЦИЯ ОРҚАЛИ ЯСАЛИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

Юсупова Ҳилола Саъдулла қизи
Тошкент давлат шарқшунослик институти ўқитувчиси

Отларнинг суффиксация усули орқали ясалиши мустақил маъноли морфема ва суффикснинг қўшилишидан пайдо бўлади. Сўз ясалишида ўзак морфемадан кейин келадиган аффиксал морфемани суффикс (后缀 houzhui) деб аталади. Хитой тилида нафақат нафақат шакллантирувчи балки сўз ясовчи суффикслар жуда кам. Аммо, яримсуффикснарнинг сўз ясалишида мавжудлиги хозирги замонавий хитой тилида суффиксация усули орқали ясалувчи сўзларнинг тобора кўрайиб бораётганини англатиб келади. Суффиксация усули орқали ясалувчи сўзлар одатда бир лексик –грамматик категорияга тегишли бўлмаган сўзларни ясалиши учун хизмат қилади. Шундай қилиб, сўз ясалиш процессида ўзакларнинг категорик бўғлиқлиги мавжуд бўлади. Н.Н. Коротковнинг айтишича, хитой тилида шундай функцияда келувчи 3 та субстанционал суффикс бўлиб улар 子(zi)， 儿 (er), 头 (tou). Улар нафақат сўз ясовчи балки синф ясовчи ролни бажариб, лексик бирликларни от сўз туркумина киритади.

子 (zi) суффикси умумлаштиривчиб маиший ҳолларда ишлатиб келинадиган отларни ясайди. Бу энг кўп учрайдиган морфемалардан биридир. У маиший ва терминологик сўзларда кенг қўлланилади. Бу морфема генетик жихатдан 子 (zi), яъни ўғил маъносини билдириб келувчи морфема билан боғлиқ. Бу суффикс орқали қуйидаги сўзлар ясалади, масалан: 柜子 guizi – шкаф, 桌子 zhuozi – стол, 孩子 haizi – бола, 蚊子 wenzi – чивин, 盒子hezi – қути, 汉子 hanzi- эркак, 样子 yangzi – ташқи кўриниш, 日子 rizi – кун, 狮子 shizi – арслон, 勺子 shaozi – қошиқ. Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, бу суффикс орқали ясалган сўзлар турли семантик категорияларга мансуб бўлиб, шахс номлариниб хайвонларни, қушларни, инсон таъна аъзоларини билдириб келади. Айрим ҳолларда 子 суффикси феълларга қўшилиб келиб маиший буюмларни ҳам билдириб келади,

масалан: 剪子 jianzi қайчи, бу ҳолатда 剪 кесмоқ маъносини билдириб келувчи сўз бўлса, 子суффиксининг қўшилиши орқали қайчи маъносини билдириб сўзга айланди. Хитой тилининг лексик структураси таҳлил қилинаётганда子 zi суффиксини албатта 子zi ўзак морфемадан ажрата билиш муҳимлигини англаб йеттик. Бу морфема “ бола, тухум, дон” маъносида келиб қўйидаги сўзларнинг ясалишида ишлатилади, масалан: 蚕子canzi ипак қурти, 松子songzi кудр ёнғоғи ва бошқалар. Бу икки морфема бир биридан нафақат морфологик балки фонетик ҳам ажралиб туради, 子суффикси фонетик жиҳатдан нейтрал оҳангда ўқилса, 子 мустақил морфема учинчи оҳангда ўқилади.

儿 (er) суффикси нарса ва предмет маъноларини ифодалаб келувчи отларни ясайди. Бу морфеманинг этимологик асоси ўғил ўзак морфемасидир[72]. Сун Чансюйнинг “Хитой тили лексикаси” китобида мазкур сўз ясовчи морфемани тўрт асосий вазифасини кўрсатиб беради: хиссий бўртиришни, ўзак морфеманинг маъносини янада кучайтириб келиш, ўзак морфеманинг категориясини ўзгартириб келиш, ҳамда бир бўғинли морфеманинг фонетик структурасини ўзгартириб келиш. Энди эса ҳар бир вазифани бирма бир ўрганиб чиқамиз. Биринчи функция бу хиссий бўрттиришни ҳосил қилиши. 儿 (er) суффиксқ орқали морфемага хиссий бўрттириш берилади. Мисол қилиб, шу суффикснинг қўшилиши ёрдамида морфеманинг кичрайтирувчи маънони билдирувчи сўзларни кўришимиз мумкин, масалан: 刀儿 daor – пичоқча, 棍儿 gunr - тайоқча, 盖儿 gair – қопқоқча, 鱼儿 yur – балиқча. Эркалатиш маъносига эга бўлган сўзлар ҳам учраши мумкин, лекин уларнинг миқдори жуда оз, масалан: 孩儿 hair – болажон, 宝贝儿 baobeir – олтиним, 眼泪儿 yanleir - мунчоғим.

Иккинчи функция бу ўзак морфеманинг маъносини аниқлаштириш. Бундай сўзлар турлича ифодаланиши мумкин. Айрим ҳолларда бу суффикснинг қўшили орқали ўзак морфеманинг махноси янада аниқроқ кўринса, айрим ҳолларда бу суффикс орқали ясалган сўзлар аниқ маънодан мавхум маъноли сўзларша айланиши мумкин. Масалан: 路йўл маъносини билдириб келувчи сўз бўлса, суффикснинг қўшилиши орқали 活路儿 huolur сўзи ҳосил бўлиб қийин вазиятдан чиқиб кетиш маъносини англатувчи сўз ҳосил бўлади.

Учинчи функция бу ўзак морфеманинг категориясини ўзгартириб келиши. Қачонки у феъл ёки адъектив морфемага 儿 суффиксини қўшилиши орқали отларни ясагандагина ўз ўрнига эга бўлади. Феъллардан ясалган отлар: 玩儿 wanr – ўйнамоқ, 盖儿 gair- қопқоқ, 空儿 kongr – бўш вақт, 画儿 huar – расм. Сифатлардан ясалган отлар: 短 калта 短儿 duanr - қисқа, 尖jian учли и 尖儿jianr найза учи.

[72] Горелов И.В. Лексикология китайского языка. – М.: просвещение, 1984. - Стр. 50-84

Тўртинчи гуруҳга кирувчи сўзлар бу бир бўғинли морфеманинг фонетик структурасини ўзгартириш ҳолатларини ясовчи сўзлар. 儿 суффикси ўзак морфема билан қўшилиб, бир бўғинни ҳосил қилади, масалан: 景儿 jingr – пейзаж, 抓人zhuar – кичкина панжа.

头 **tou** суффикси турли семантик қаторга мансуб отларни ясайди. Бу морфеманинг этимологик коррелятори 头 (бош) ўзак морфемаси ҳисобланади. Бу суффикс орқали ясалган морфмемалар одатда конкрет мавжуд предметларни билдириб келувчи сўзлар ҳисобланади. Одатда улар овал, цилиндрсимон предметлар ҳисобланади, яъни бу суффикс орқали ҳосил бўлган сўзлар қиррали бўлмаган предметлар ҳисобланиб кўриниши жиҳатидан бошни эслатиб туради. Шуни айтиб ўтиш лозимки, мазкур суффикс билан ясалган сўзлар 子 ва儿суффикслари ёрдамида ясалган сўзларга нисбатан камроқ. Айрим манбаларда келтирилишича, 214 суффиксал сўзлардан бор йўғи 25 тасигина 头tou суффикси билан ясалган сўзларга тўғри келади[73]. 头tou аффиксал морфемасининг фонетик жихатларига назар ташлайдиган бўлсак, бу морфема айрим сўзларда ўз этимологик оҳангини сақлаб қолса, айрим ҳолларда кучсизланиши мумкин. 头tou суффиксқ билан ясалган отларга мисол қилиб қуйидагиларни келтириш мумкин: 石头 shitou – тош, 斧头 futou - болта, 舌头 shetou – тил, 指头 zhitou – бармоқ, 骨头 gutou – суяк, 罐头 guantou – консерва, 眉头 meitou – қош. Ундан ташқари 头 tou суффикси мажхул тушунчаларни билдириб келувчи сўзларни ҳам ясаб келади. Мисол учун: 话头 huatou – сўз, суҳбат, 想头 xiangtou – фикр, мулоҳаза , 来头 laitou – сабаб, 砖头 zhuantou – фойда, 准头 zhuntou – тўғри сўзлик.

家 jia суффикси орқали бирор бир касб хунар ёки шахсларнинг номларини билдирувчи отларни ясашда ишлатилади. Бу морфема 家 jia оила ўзак морфемаси билан этимологик қариндошдир[74]. Айрим сўзларда 家 jia морфемаси бошланғич маъносини йўқотган бўлса ҳам, айрим холатларда у этимологик оҳангини сақлаб қолган, масалан: 专家 zhuanjia -мутахассис, 画家 huajia - рассом, 科学家 kexuejia - олим, 文学家 wenxuejia - адабиётшунос, 政治家zhenzhijia – сиёсатшунос, 教育家 jiaoyujia – педагог.

者 zhe суффикси ҳам 家 jia суффикси каби семантик-морфологик таснифига кўра от категориясига оид лексик бирликларни ясалишида қатнашади. У ясама сўзлар таркибида этимологик оҳангини сақлаб қоладиган хусусиятга эга. Бу сиффикс билан ясалган сўзлар одатда бирор бир фаолият билан шуғулланувчи шахслар, ҳамда ижтимоий-сиёсий қарашларга эга бўлган шахсларга нисбатан

[73] Коротков Н.Н. Основные особенности морфологического строя китайского языка. (Грамматическая природа слова) –М.: 1968, - С.75

[74] Фролова О.П. Словообразование в терминологической лексике современного китайского языка. – Новосибирск: 1981. - С.77

ишлатилади. 者 zhe суффикси сўз ясалиши жиҳатидан энг кўп сўз ясаш хусуситятига эга суффикслардан бири ҳисобланади. Мисол учун: 唯物论者weiwenwulunzhe - материалист, 新闻记者 xinwenjizhe - журналист, 学者 xuezhe - олим.

Юқоридан келтирилган мисоллардан шуни кўришимиз мумкинки, хитой тилида отларнинг суффиксация орқали ясалиши хитой тили сўз ясалишида ўзининг катта ўрнига эга. Сўз ясалишисиз тилнинг маданияти, урф одатлари ва анъаналарини ўрганишимиз мумкин. Сўз ясалишининг суффиксация орқали ясалиши одатда бирор бир йўналишларга эга бўлган сўзлар ясалишида катта ўрин тутади. Улар замонавий хитой тилида янада ривожланиб келмоқда. Суффиксация усули билан ясалган сўзлар ўзакнинг хусусиятларини бўрттириб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 胡波刘，文月。实用现代汉语语法。北京，2015。
2. 李金斯. 汉语词汇研究. 北京, 2001.
3. 高级汉语.华语教学出版社，2009.
4. Горелов И.В. Лексикология китайского языка. – М.: просвещение, 1984.
5. Коротков Н.Н. Основные особенности морфологического строя китайского языка. (Грамматическая природа слова) – М.: 1968.
6. Фролова О.П. Словообразование в терминологической лексике современного китайского языка. – Новосибирск: 1981, с.77

ДИНИЙ ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА РЕКЛАМАНИНГ АҲАМИЯТИ

Исмаилова Лайло Хондамировна
ТошДЎТАУ Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: *Ушбу мақолада миллий диний туризмни ривожлантиришда рекламаниниг ўрни, ҳамда реклама матнининг лингвокультурологик хусусиятлари хусусида сўз юритилади.*

Калит сўзлар: *реклама матни, миллий туризм, менежмент, сайёҳ, имидж, лингвокультурология.*

Она юртимиз замонавий туризм индустриясини ривожлантириш учун барча имкониятларга эга. Мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш эса уларнинг рекламасидан бошланади. Сабаби деярли ҳар бир сайёҳ бирор мамлакатга туристик йўлланма олишдан олдин интернет тармоқлари ёки оммавий ахборот воситалари орқали сайёҳат манзилининг тасвирий рекламаси ва унинг қанчалар қизиқарли тузилганига қараб мамлакат ҳақидаги илк таасуротга эга бўладилар. Реклама эълонлари содда ва аниқ сўзлардан иборат бўлиб, лингвокультурологик жиҳатдан мукаммал тузилиши бу давлат туризмининг ривожлантирилишидаги ҳамда уни дунё ҳамжамиятига танитилишишдаги

муҳим омил бўлади. Албатта, бу тилшуносларнинг бевосита иштирокини талаб этади. Ушбу рекламада акс этган хизматларнинг тўлиқ ижроси ва ҳаққонийлиги сайёҳлар ишончини қозонишдаги энг мақбул йўлдир. Ҳақиқий туризмнинг ривожланган даври рим империясига тўғри келади бунга сабаб империянинг бепаён майдони ҳамда йўл қурилмаси эди[1].

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, 2019 йил давомида Ўзбекистонга 6 миллион 748 минг 500 нафар сайёҳ ташриф буюрган. Бу 2018 йилдагидан 1 миллион 402 минг 300 нафар зиёд бўлган. Энг кўп сайёҳ Марказий Осиё минтақасидан ташриф буюрган. Уларнинг сони 5 миллион 764 минг 500 кишига етган. МДҲ мамлакатларидан келганлар эса 495 600 кишини ташкил қилган. Узоқ хорижий мамлакатлардан 488 400 меҳмон ташриф буюрган.

Сайёҳларнинг аксарияти Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон, Россия Федерацияси, Туркия, Афғонистон, Хитой, Корея Республикаси, Ҳиндистон кабидавлатлардан келган. Мана шундан ҳам кўриниб турибдики, географияни кенгайтириш масаласида ҳали кўп ишқилиниши керак.

Ўзбекистонга ташриф буюрганлар орасида қариндош-уруғ ва дўстларини кўришга келганлар сони 81,8 фоиздан иборат бўлган бўлса, дам олиш учун ташриф буюрганлар 15,5 фоизни ташкил этган[2]. Дарҳақиқат, бу рақамлардан кўп нарсани англаш мумкин. Бизнинг юртимиз жаннатмакон ўлка! Бой маданий меросимиз билан биргаликда ислом динининг маркази бўлган шаҳарларимиз, диний қадамжоларимиз ҳам мавжуд. Бу ўринда тарихий шаҳар Бухоронинг диний мероси беқиёсдир. Мусулмонларнинг Ер юзи бўйлаб турлим ақсадларда, диний ибодатларни адо этиш (ҳаж ва умра), ризқ излаш ва умуман бошқа сабаблари билан саёҳат қилиши туризм соҳасида ўзига хос ёндашув ва стандартларга асос солинишига сабабчи бўлди.

Шу ўринда туризм мутахассислари мусулмонларнинг диний талабларидан чиқмаган ҳолда ҳар қандай сабаб билан саёҳат қилишларини барча учун бирдай тушунарли бўлиши учун қандай номланиши устида фикрлар билдирганлар.

Диний туризм ривожланган сари уни турли номда атай бошладилар: зиёрат туризми, исломий туризм, диний туризм, шаръий туризм, ҳалол туризм ва ҳоказо.

Юқоридаги атамаларнинг барчасининг муаммоли жиҳатлари бор эди. Мисол учун зиёрат туризми дейилганда кўпчилик мусулмонлар фақат ҳаж ва умра зиёратларини тушунадилар, исломий туризм ва диний туризм шоппинг, саёҳатва дам олишни қамраб олмайди, барча саёҳат ҳам тўлалигича шаръий бўлмаслиги мумкин ва ҳоказо.

Турли баҳс ва мунозара, диний соҳа ва туризм мутахассисларининг фикрларидан келиб чиқиб, Muslim-friendly travel (мусулмонлар учун қулай

туризм) атамаси маъқул кўрилган [3]. Диний туризмдаги яна бир жиҳат мусулмонлар учун ҳалолм еҳмонхоналар, ҳалол курортлар, ҳалол ресторанлар ва ҳалол саёҳат каби хизматларни тақдим этилишидир.

Хулоса қилиб айтганда, бу ҳизматларнинг барчаси эълонлар орқали тўғри ибора ва жумлалар билан ёритилиши айнан диний туристик оқимни ривожлантириб, мамлакатимизнинг диний туризм соҳасида ҳам жаҳонда ўз ўрнини топишига ёрдам беради.

Адабиёт:

1. Е.В.Вавилова “Основы международного туризма”/ Гардарики, 2005. – 160 б.
2. www.platforma.uz
3. Саид Комил Холхўжаев//Зиёрат туризми, Исломий туризм.

„ЮЛДУЗ“ КОСМОНИМИНИНГ ЎЗБЕК ВА НЕМИС ТИЛЛАРИ ИБОРАЛАРИДА БЕРИЛИШИ

ФарДУ ўқитувчиси А.Мамарасулов

XX асрнинг 50-йилларгача фразеология ўзбек тилшунослиги таркибида мустақил соҳа сифатида шаклланиб етмаган эди. Бу даврда фразеологияга доир дастлабки маълумотлар, турғун бирикмаларга оид илк назарий фикрлар грамматика ва стилистикага, айрим ўзбек шоирлари, ёзувчиларининг бадиий маҳорати тадқиқига бағишланган ишларда кўзга ташланади. Бундай ишлар А.Фитрат, Ғози Олим Юнусов, А.Ғуломов, У.Турсунов, А.К.Боровков, Ф.Камол, Х.Зариф, В.Абдуллаев, Н.Маллаев сингари машҳур тилшунос ва адабиётшунос олимларнинг қаламига мансуб эди.[1]

70-80-йилларда ўзбек тилидаги фраземаларнинг структурал-грамматик, семантик, услубий хусусиятларини ўрганиш, фраземаларни луғатларда изоҳлаш тамойиллари ва ўзбек тили фраземаларини бошқа тиллардаги фраземалар билан қиёслаб ўрганиш ишлари жадаллашди. Бу ўринда ўзбек тилидаги фраземаларни рус (И.Расулов, Т.Мирзаева, А.Чўпонов, Я.Ражабов, Р.Жўрақулов, Б.Қаршиев, Б.Ҳайитов), немис (М.Азимова, А.М.Бушуй, А.Исаев, А.Яхшиев, К.Хурбоев, М.Умархўжаев, Т.А.Бушуй)тиллар билан қиёслаб ўрганиш соҳасида бажарилган ишларни алоҳида қайд қилиш ўринлидир. Бундай ишлар ўзбек тилининг фразеологик тизимини бошқа тиллар фразеологияси билан қиёсий ўрганиш ўзбек тили фразеологик тизимининг ўзига хослигини, ривожланиш йўлларини аниқлашга ёрдам беради. Шунингдек, бундай тадқиқотлар умумий тиллар фразеологик таркиби орасидаги муштарак томонларни белгилаш, унинг тарихий илдизлари ва сабабларини асослаш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон тилшунослигида И.И.Чернишева, А.Д.Райхштейн, М.Д.Городникова-ларнинг немис фразеологиясининг мустаҳкам ўрин олишида эришган ютуқлари алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Кейинги ярим аср мобайнида ҳамдўстлик мамлакатларида ўзбек (Ш.Раҳматуллаев, Я.Пинхасов, Ҳ.Бердиёров, Э.Умаров,

А.Маматов, Б.Йўлдошев кабилар) тиллари фразеологияси бўйича салмоқли ишлар майдонга келди. Натижада фразеология тилшуносликнинг алоҳида, мустақил соҳаси сифатида шаклланди[2].

Юлдуз космонимининг ўзбек ва немис изоҳли луғатларида берилиши

Немис тили изоҳли луғати			**Ўзбек тили изоҳли луғати**		**Маънога кўра фарқи**
1. Stern	Der; (eng). Stern-anord. stjorn-Steuer(ruder) (Seemansspr.): Heck	солиқ, солиқ идораси: (денгизчилар тилида)- эшкак, қуйруқ			солиқ, солиқ идораси: (денгизчилар тилида)- эшкак, қуйруқ
2. Stern	**1. a)** als silbrig weiser, funkelnder Punkt bes. am nächtlichen Himmel sichtbares Gestirn: ein heller, funkelnder Sonne, Mond, und –e; die Sterne stehen am Himmel, blinken, flimmern;	**1.a)** кумуш рангга асосланган, айниқса тунда осмонда ялтировчи ёритгич: порлоқ, ярқираган қуёш, ой ва юлдузлар осмонда ялтираб турибди:	**Юлдуз**	1. Қизиган газ (плазмалар)дан таркиб топган, табиатига кўра қуёшга ўхшайдиган, кечаси нуқта бўлиб кўринадиган осмон жисми. Ёруғ юлдуз. Қутб юдузи. Юлдузлар туркуми. -Оқшом чўкди Тошкент қўйнига, Милтиллашиб кўкларда юлдуз. Х.Салоҳ. Бу ерга қуёш оғди-салқин тушади, кечалари, тепамизда юлдуз тўла осмон. Р.Азизхўжаев, Яшил чайла.	
	unter fremden Sternen (dichter; in der Fremde) leben;	юлдузлар остида (адиб; зичроқ, чет элда) яшаш;			юлдузлар остида (адиб; зичроқ, чет элда) яшаш;
	Der Sterne sehen.	Юлдузларга қаранг.			Юлдузларга қаранг.
	(ugs. durch einen Schlag, Aufprall o.ä. ein Flimmern vor den Augen haben):	(зарба ёки шунга ўхшаш нарсалар натижасида кўзлар олдида юлдуз милтиллаши).			(зарбаёки шунга ўхшаш нарсалар натижасида кўзлар олдида юлдуз милтиллаши).
	die Sterne vom Himmel holen wollen (geh. Unmögliches zu erreichen suchen);	Осмондан Юлдузларни олишни ҳоҳламоқ; (лекин бу мақсадга			Осмондан Юлдузларни олишни ҳоҳламоқ;

		эришишни имкони йўқ).			(лекин бу мақсадга эришишни имкони йўқ).
	jmdm./für jmdm. Die Sterne vom Himmel holen (alles für jmdm. tun; Äusserung, mit der man jmdm. gegenüber seine grosse Liebe zum Ausdruck bringen will); nach den Sternen greifen (geh. Etwas Unerreichbares haben wollen).	Кимдир Осмондан Юлдузларни Кимгадир олиб бермоқ (ҳамма нарса қила олиш, ўз севгисини ифодалаш, изҳор этиш; Юлдузни олиб бермоқ (Бу эришиб бўлмайдиган нарса).			Кимдир Осмондан Юлдузларни Кимгадир олиб бермоқ (ҳамма нарса қила олиш, ўз севгисини ифодалаш, изҳор этиш; Юлдузни олиб бермоқ (Бу эришиб бўлмайдиган нарса).
	1. б) Gestirn im Hinblick auf seine schicksalhafte Beziehung zum Menschen: die Sterne stehen günstig (astrol; ihre Konstellation kündet für jmdm. Glück o.ä.an); Die Sterne befragen, in den Sternen lesen (durch Sterndeutung die Zukunft vorherzusagen suchen); ein glückliches Sterne, sein guter Stern. (geh. Freundliches Geschick, Glücksstern) hat ihn geleitet: jmds. Stern geht auf, ist im Aufgehen (geh. Jmd.) Ist zunehmend erfolgreich, ist auf dem Weg, bekannt, berühmt zu werden: jmds. Stern sinkt, ist im Sinken (geh.jmds. Glück, Erfolg, Ruhm lässt nach): jmd. ist unter einem/keinem guten, glücklichen	**1.б)** инсон тақдирига муносабат туфайли: юлдузлар илтифотли (астрол, уларнинг юлдуз туркуми кимгадир омад тилайди ёки шунга ўхшаш); Юлдузлардан сўраш, юлдузларда ўқинг (ёрқин юлдуз орқали келажакни башорат қилиш); бахтли юлдуз, унинг яхши юлдузи. (дўстнинг тақдири, омадли юлдуз) унга омад кулиб боқди: Юлдузи кўтарилиб, ўсиб бормоқда (кимнидир; У бу соҳада тобора муваффақият қозонмоқда, машҳур бўлмоқда: Юлдуз чўкмоқда, (бахт, омад, муваффақият, шон-шараф сўниб			**1.б)** инсон тақдирига муносабат туфайли: юлдузлар илтифотли (астрол, уларнинг юлдуз туркуми кимгадир омад тилайди ёки шунга ўхшаш); Юлдузлардан сўраш, юлдузларда ўқинг (ёрқин юлдуз орқали келажакни башорат қилиш); бахтли юлдуз, унинг яхши юлдузи. (дўстнинг тақдири, омадли юлдуз) унга омад кулиб боқди: Юлдузи кўтарилиб, ўсиб бормоқда (кимнидир; У бу соҳада тобора муваффақият қозонмоқда,

	Stern geboren. (geh.jmd: hat (kein) Glück im Leben): In den Sternen stehen (noch ganz ungewiss sein, sie noch nicht voraussagen lassen): unter einem guten, glücklichen (ungünstigen) o.a.	бормоқда): яхши эмас, ёмон: бахт юлдузида туғилди. (кимнидир ҳаётда омади бор, йўқ): юлдузлар (аниқ бўлган ваноаниқ нарсаларни ҳам башорат қила оладилар):			машҳур бўлмоқда: Юлдуз чўкмоқда, (бахт, омад, муваффақият, шон-шараф сўниб бормоқда): яхши эмас, ёмон: бахт юлдузида туғилди. (кимнидир ҳаётда омади бор, йўқ): юлдузлар (аниқ бўлган ва ноаниқ нарсаларни ҳам башорат қила оладилар):
	1. c) Himmelskörper (als Objekt wissenschaftlicher Untersuchung) ein Stern. Erster, zweiter, dritter Grosse: auf diesem Stern (dichter; auf der Erde)	**1. c)** самовий жисм (илмий текшириш объекти сифатида) юлдуз. Биринчи, иккинчи, учинчи буюк: бу юлдузда (зичроқ, ер юзида)			**1. c)** самовий жисм (илмий текшириш объекти сифатида) юлдуз. Биринчи, иккинчи, учинчи буюк: бу юлдузда (зичроқ, ер юзида)
	Viel.eigtl. der Stern am Himmel Ausgestreueter.	Осмонда юлдуз кўп тарқалди.			Осмонда юлдуз кўп тарқалди.
	2. a) Figur, Gegenstand, um dessen kreisformige Mitte (gleich grosse) Zacken symmetrisch angeordnet sind, so das er einem Stern ähnlich ist: ein fünf, seckszackiger Stern.	**2. a)** Шакл, унинг доирасимон (бир хил катталикдаги) учли носимметрик тарзда жойлаштирилган, у юлдузга ўхшайди: бешта, олти учли юлдуз.		**2.** Бир неча ўткир учли геометрик шакл ҳамда шундай шаклга эга бўлган нарса. -Беш учли юлдуз. -Юлдузни шаклини чизмоқ. -Арчанинг тепасига юлдуз ўрнатмоқ.	
	Ü. mit jmdm. Geht ein neuer Sterne auf jmd. Tritt als großer Könner auf seinem Gebiet hervor.	Кимдадир янги юлдуз пайдо бўлади ва ўз соҳасининг буюк мутахассиси сифатида иштирок		**3.** кўчма. Машҳур бўлиб танилган, шуҳрат қозонган шахс ҳақида. - Кино юлдузлари. -Донғи кетган	

		этади).		теримчи ва шуҳрат юлдузиман, Лафзи ҳалол, юзи оқ Фарғонанинг қизиман. Уйғун. - Йиғилганларни қизиқтирган нарса ўзбек адабиёти ва саъатининг юлдузлари ва ўзбек жангчилари бўлди. Н.Сафаров. Оловли излар.	
	2. б) Stern (2a) als Rangabzeichen Orden, Hochzeitszeichen:	**2. б)** юлдуз даража белгиси сифатида, тўйни белгилаш:			**2. б)** юлдуз даража белгиси сифатида, тўйни белгилаш:
				4. (Хотин-қизлар исми). Юлдуз кўрмай жон берди. -Узоқ турмади, барҳам топди, йўқ бўлиб кетди, ғойиб бўлди. Юлдуз санаб ётмоқ айнан, тоқи санаб ётмоқ, қ. тоқи. Юлдузи иссиқ, айнан, истараси иссиқ, қ. истара.	**4.** (Хотин-қизлар исми). Юлдуз кўрмай жон берди. - Узоқ турмади, барҳам топди, йўқ бўлиб кетди, ғойиб бўлди. Юлдуз санаб ётмоқ айнан, тоқи санаб ётмоқ, қ. тоқи. Юлдузи иссиқ, айнан, истараси иссиқ, қ. истара.
	2. с) sternförmiges Zeichen zur qualitativen Einstufung von etwa (bes.von Hotels, Restaurants): ein Hotel, ein Kognak mit drei Sternen.	**2. с)** сифат жиҳатдан таснифлаш учун юлдуз шаклидаги белги: (масалан, меҳмонхоналар, ресторанлар)ни меҳмонхона, учта юлдузли коняк.			**2. с)** сифат жиҳатдан таснифлаш учун юлдуз шаклидаги белги: (масалан, меҳмонхоналар, ресторанлар)ни меҳмонхона, учта юлдузли коняк.
	2. д) sternförmiges Kennzeichen in Texten, graphischen Darstellungen o.ä.als Verweis auf eine Anmerkung. Fussnote	**2. д)** матндаги ёзувга ишора сифатида, график тасвирларда ёки шунга ўхшаш нарсаларда юлдуз шаклидаги белги, Изоҳ.			**2. д)** матндаги ёзувга ишора сифатида, график тасвирларда ёки шунга ўхшаш нарсаларда юлдуз

					шаклидаги белги, Изоҳ
	3. (bei Pferden u. Rindern) weisser Fleck auf der Stirn.	**3.** (отларда ва қорамолларда) пешонасидаги оқ доғ.			**3.** (отларда ва қорамолларда) пешонасидаги оқ доғ.
	4. (Jägerspr). (beim Wild) Iris.	**4.** (Овчиликда).			**4.** (Овчиликда).
	5. geliebte Person, Liebling (meist in der Anrede): du bist mein Sterne	**5.** суюкли одам, севгилим (асосан мурожаат шаклида): сен менинг юлдузимсан			**5.** суюкли одам, севгилим (асосан мурожаат шаклида): сен менинг юлдузимсан

Юқоридаги жадвалдан қуйидагича хулоса қилишимиз мумкин. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида юлдуз космоними 4 ҳолатда турли маъноларни англатувчи, ибора, мақол ва адибларнинг асарларидан намуналарда берилган.

Немис тили изоҳли луғатида юлдуз космоними 11 ҳолатда, асосан ҳалқнинг тилида умумий маъно англатувчи ибораларда келтирилган. Адиблар асарларидан намуналар келтирилмаган.

Немис тили изоҳли луғатида ўзбек тилида учрамайдиган маъно англатувчи ибораларга дуч келишимиз мумкин.

Масалан: *Машҳур бўлиб танилган, шуҳрат қозонган шахс ҳақида.*

- Der Stern *geht auf, ist im Aufgehen-* ***Юлдузи*** *кўтарилиб, ўсиб бормоқда.*

- Geht ein neuer ***Sterne*** *auf jemand, Tritt als großer Könner auf seinem Gebiet hervor- Кимнингдир янги* ***юлдузи*** *пайдо бўлади ва ўз соҳасининг буюк мутахассиси сифатида иштирок этади.*

- Der Stern *–солиқ,* ***юлдуз****, денгизчилар тилида- эшкак, қуйруқ маъносини билдиради.*

- ***Der Stern*** *sinkt, ist im Sinken (geh.jmds. Glück, Erfolg, Ruhm lässt nach)- Кимнингдир* ***юлдузи*** *чўкмоқда, (бахт, омад, муваффақият, шон-шараф сўниб бормоқда):*

Юқоридагиларга асосан ўзбек ва немис тилларида қўлланадиган кўплаб фразеологизмларни тўғри келадиган вариантларини қиёсий ва илмий изланишлар орқали асослаш бизнинг келажакда амалга оширадиган асосий мақсадимиз эканлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

[1]Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. Монография. Тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашри. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2013. – 25 б.

[2]Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. Монография. Тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашри. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2013. –5-6 б.

[3]Günther Drosdowski DUDEN- Deutsches Universalwörterbuch 2., völlig neu bearbeitete und stark erweiterte Auflage. Mannheim-1989
[4]А.Мадвалиев таҳрири остида. Ўзбек тилининг изоҳли луғати Тошкент нашри -81 б.

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ХАРАКТЕРИДА НОН КОНЦЕПТИ

Абдуллаева Рохила Юсуфжон қизи.
Наманган давлат университети

Бугунги лингвокультурологик тадқиқотларнинг асосий вазифаларидан бири – миллий концепт масаласини таҳлил қилишдан иборат. Бу борада тилшунослик ўзига хос ютуқларга эришди ва айни вақтда олинган натижалар камчиликлардан ҳоли эмас. Концепт таҳлилининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, турли лисоний манзараларда айни тушунчага тенг келадиган лисоний бирлик воқеланганда ташқи омиллар таъсирида ўзгаришга учрайди. Кўп ҳолларда ушбу таъсир диний дунёқараш омилидан иборат бўлиб, предмет ҳиссий – эмоциональ тарзда қабул қилинади. Жамиятда предметга бўлган муносабатни ҳам айни ёндашув белгилайди. Ўзбек тилида ҳам ушбу жараёнга мисол бўладиган турли концептлар мавжуд. Хусусан, нон концети ҳам шулар жумласидандир. Ўзбек миллий маданиятида нон тушунчаси озиқ – овқат, бирламчи истеъмолга тайёр маҳсулот маъноларидан ташқари ҳиссий – эмоциональ ҳодиса сифатида ҳам қабул қилинади. Ушбу ҳиссий қабулнинг диний ва тарихий илдизлари мавжуд. Саҳиҳ манбаларга кўра Ер юзига бадарға қилинган Одам а.с. ва Момо Ҳавонинг илк емиши нон бўлган. Жаброил а.с. томонидан уларга келтирилган илк неъмат нон ва ўргатилган илк касб бўғдойдан нон тайёрлаш бўлган. Инсоният бошида тушган даҳшатли очарчилик ва урушларнинг барчасида нон инсонлар ҳаётини сақлаб қолган. Хусусан, иккинчи жаҳон уруши фронторти қатнашчиларининг асосий озуқа манбаи нон бўлган. Ўзбек миллий маросимларининг деярли барчасида нон иштирок этади. Нон тури ва сони маросимнинг кайфияти ва мазмунидан келиб чиқади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида келтирилган қуйидаги таърифлар асосида ўзбек лисоний манзарасида нон концептининг тутган ўрни хусусида фикр юритамиз. **НОН** *[ф. — нон; озиқ-овқат]* **1** Хамирдан тайёрланиб, тандир, ўчоқ, това ва ш.к. да пишириладиган егулик. *Буғдой нон. Зоғора нон. Ширмой нон. Бўлка нон. ит[Кампир] Нон ясаб бўлгунча, тандир қизиди. Кейин бир чеккадан ёпдим.* Ойбек, Танланган асарлар.[1,57.] Сўзнинг бирламчи маъноси тайёр егулик, истеъмол маҳсулотини англатади. Ушбу маъно нон маҳсулоти билан таниш бўлган ҳар қандай тил эгаси лисоний манзарасидан фарқ қилмайди. Ноннинг ушбу маъноси бошқа тиллар лисоний манзарасидан фарқ қилмайди.

2 Умуман, егулик-ичгулик, яшаш, тирикчилик учун зарур нарса. -*Матқовул ака, мен нон топармиканман, деб қорин ғамида мактаб очганим йўқ, — деди у [Ғуломжон] босиғи билан.* М. Исмоилий, Фарғона т. о.[1,57.] Сўзнинг иккинчи маъносида нон сўзининг маъноси кенгайиб, бир турдаги егулик маъносидан

катталашиб, ҳар қандай егулик – озуқа, таом, рўзғор, яшаш учун керакли барча нарсалар, маҳсулот, маблағ маъносини беради.

Нон гадойи Нонга зор, камбағал-қашшоқ. *У ё ўз-ўзини ўлдирарди, ё хизматкор йигит билан бир юртга қочиб, камбағалликда, нон гадойи бўлиб яшарди.* Ойбек, Танланган асарлар. Ушбу ибора камбағалликнинг энг қуйи даражасини кўрсатиб, нон учун ҳам маблағ топа олмаслик, қашшоқликнинг энг оғир шаклини ифодалайди. Чунки нон кенг истеъмолдаги маҳсулот бўлганлиги сабаб, унинг нархи барча тинчлик даврларида арзон бўлган. **Нон емоқ** Бирор нарсадан фойдаланиб тирикчилик ўтказмоқ, кун кечирмоқ, бирон касб ёки фаолият ортидан яшамоқ. *Доим ҳовли, ер жанжалидан нон еб юрадиган бир элликбоши, афандининг йўлини тўсиб, кўрган тушини айтиб берди.* «Латифалар». [1,57.]Ушбу ибора касб – машғулот маъносини ифодалайди. Ушбу луғат мақоласида нон концептининг асосий маъно кўрсатгичларидан бири – касб маъноси англашилган. **Нон синдириш** *(ёки* **ушатиш)** *этн.* Никоҳ тўйи маросимларининг бир қисми: қиз томон, яъни унинг ота-оналари совчи юборган томонга ўз розилигини бергач, совчилар келтирган дастурхон очилиб, шу розилик белгиси сифатида нон синдирилиши ва тўй билан боғлиқ масалаларнинг белгиланиши, ҳал қилиниши.[1,57.] Ўзбек милий маросимларининг деярли барчасида нон иштирок этади. Нон шакли ва сони маросим мазмунидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. **Нони бутун** Тирикчилик, яшаш учун зарур нарсалари бут, муҳайё, ҳеч нарсадан камчилиги йўқ, бекам-кўст, тўкис. *Сартарош у дунё, бу дунё хор бўлмайди. Ҳамма вақт нони бутун [деди кампир Шодига].* Э. Раимов, Ажаб қишлоқ.[1,57.] Нони бутун ибораси яшаш учун етарли бўлган маблағ жамғара оладиган, иқтисодий ҳолати мувозанатда бўлган, муаяйан касбга эга, айрим контекстларда пулдор инсонни ифодалайди. **Нони яримта** Бирор шерик ёки рақобатчи туфайли топиш-тутиши камайган, етишмай қолган, аввалдан мавжуд бўлган даромадидининг маълум қисмидан айрилган инсон. *Нима, Қобилов келиб, нонимиз яримта бўлиб қолдими, аксинча, қўлни-қўлга бериб ишласангиз, битта нонингиз иккита бўлади.* С. Маҳкамов, Шогирд.[1,57.] **Нонини туя қилмоқ** Бировга тегишли ҳақнинг маълум қисмини олмоқ, ўзлаштирмоқ. *"Бўшанглик қилсам, нонимни туя қилиб беришлари аниқ", — ўйлади Йўлчи.* Ойбек, Танланган асарлар.[1,57]

Нон – намак[1,58] тушунчаси макон ва замон билан боғлиқ кенг қамровли тушунча. Намак сўзи ўзбек тилига форс тилидан ўзлашган бўлиб, туз маъносини англатади. Ушбу тушунча егулик маъносидан ташқари макон маъносини ҳам билдиради. Нон намак меҳмондорчилик, биргаликда овқатланиш, ўз бағрига қабул қилиш маъносини ифодалайди.Ўзбек миллий маданиятида нон намак бўлган киши қадрдон, дўст, улфат кишини ифодалайди.

Нонкўр[1,58] сўзи ҳам нон сўзининг иккиламчи маъноси асосида пайдо бўлган. Сўзни маъноли қисмларга ажратадиган бўлсак, нон+кўр, нон кўр қиладиган, нон кўр қилишига лойиқ маъносини беради. Инсоннинг бирламчи

эҳтиёжи – нон билан таъминлаган (нон билан таъминлаш кенг маънода қўлланилиб, иш билан таъминлаш, турар жой билан таъминлаш, ғамхўрлик кўрсатишдан ва умуман ёрдам кўрсатишдан иборат бўлиши мумкин.), унга меҳрибонлик кўрсатган инсонга нисбатан ёмонлик қилиш, панд беришни ифодалайди.

Ноннинг муқаддаслиги сабабли қасам ва қарғишларда ҳам фаол қўлланилади. Хусусан, нон уриши хусусидаги қарғиш ва қасам бунинг ёрқин мисолидир.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, ўзбек миллий лисоний манзарасида нон концепти инсон эҳтиёжини қондирувчи тайёр маҳсулот маъносидан ташқари ҳиссий – эмоциональ тарзда қабул қилинади. Нон концепти илоҳий, муқаддас предмет сифатида қабул қилинди. Ўзбек миллий маданиятида нон концепти истеъмол учун, яшаш учун зарурий барча нарсалар мажмуаси, касб – кор, фаолият, оила боқиш ва даромад келтириш учун хизмат қиладиган фаолият, маросимнинг асосий қисми маънолари билан боғланади. Нон- намак тушунчаси турли халқлар маданиятида мавжуд тушунча бўлиб, маҳсулот маъносидан ташқари замон ва макон маъносини акс эттиради. Ушбу тушунча орқали меҳмондўстлик маъноси англашилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. III жилд. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. – Т, 2006. –Б. 57, 58.
2.

TURKIY TILDA KASALLIK NOMINI BILDIRUVCHI SO‘ZLARNING SEMANTIK XUSUSIYATLARI

Dilnoza Ro‘zimatova
O‘zMU magistarnti

Turli tillarda tibbiyotga oid terminlar, asosan, lotin tilidagi so‘zlar orqali beriladi.Lekin ushbu sohaga oid adabiyotlarni ko‘zdan kechirar ekanmiz,lotin yoki boshqa tillardan o‘zlashgan terminlar Ibn Sino,Mahmud Koshg’ariyning “Devoni lug’otit turk”asarida keltirib o’tilganligiga guvoh bo‘lishimiz mumkin Xalqimiz terminlarni nomlashda o‘z dunyoqarashiga,kuzatishlariga asosida qilingan xulosalarga tayangan.O‘zbek tilidagi kasallik nomini bildiruvchi so’zlarni atashda troplardan unumli foydalangan.Tibbiyot insoniyat jamiyati bilan birgalikda taraqqiy etgan.Ba‘zi terminlarning ma’nosini tushunish uchun antik xalqlarning turmush tarzi va hayotini tasavvur qilish lozim,chunki birmuncha tibbiyot terminlari qadimgi kishilar atrofdagi bino qismlari ,hayvon,asbob-uskuna va boshqa predmetlarning nomlaridan kelib chiqqan.Har bir kasallik nomi ma’lum obyektiv sabab ta’sirida yuzaga kelgan;uning paydo bo‘lishi va ko‘rinishi yuzasidan chuqur kuzatishlar olib borilgan,o‘ziga xos darak

beruvchi alomatlari hisobga olingan.Ayrim kasalliklar esa tashqi ko‘rinish yoki nimagadir o‘xshashligiga ko’ra nomlangan.O‘zbek tilida ko’plab kasallik nomlari hozir ham aynan yoki qisman fonetik o‘zgarish bilan,leksik-semantik ma’nolarini deyarli saqlagan holda ishlatilmoqda.Kasallik nomlarining semantik usul bilan yasalishida bir necha jihatlar asos qilib olingan.

Kasallikni nomlashda kasallangan biror a’zoning rang-tusidagi o‘zgarishlar,jumladan,kishining biror a’zosi kasallika chalinsa,odamning ruhiyatida muayyan o‘zgarishlar ro‘y beradi,ya’ni rang-tusi boshqacharoq bo‘lib qoladi, qizaradi, ko‘karadi va hokazo.Shundan kelib chiqib, aksariyat kasallik bildiruvchi so‘zlarni nomlashda bu holatlardan keng foydalangan.

Jumladan, teri kasalliklarini nomlashda ham turli kuzatishlar, toshmalarning joylashishi , kasallikning kechishiga qarab turlicha yonashilgan.

Pushti temiratki (Розовый лишай) **–** qizil-pushti reolasimon dog’larni tana terisida paydo bo‘lishi bilan kechadi. Kasallik terida bitta qizilsimon oval tangachani eslatadigan ,o‘rtacha 3 sm keladigan, chegaralari aniq bo‘lgan dog’lar bilan boshlanadi.[75] Bu toshmalar aynan pushtiga moyilroq rangda bo‘lganligi uchun shunday nomlangan.

Qizil yassi temiratki (Красный плоский лишай) – surunkali kasalliklardan bo‘lib, teri va ko‘rinadigan shilliq pardalarda toshmalar toshadi, qizg’ish, och pushti, binafsha rang, mayda tugunchalardan iborat bo’ladi. O’rtasi botiq bo’ganligi uchun ham “yassi”nomi berilgan .[76]

Rang-barang temiratki (Разносветный лишай) – terining yuzaki zamburug’ kasalligi . Terida oq va jigarrang dog’lari paydo bo ‘ladi.[77] Har xilligi uchun shunday ataladi.

Qizil yugurik (Красный волчанка) **–** bu kasallikda yirik qizil toshmalar paydo bo’ladi, burun usti, yonoq sohasi qizarib, chandiqlanuvchi toshma paydo bo‘ladi Uning ko‘rinishi esa qanotlarini yoyib turgan kapalakkka o‘xshaganligi uchun kasallik simptomi “Kapalak “deb ataladi. Toshmalar ko‘chganda esa xuddi ayollarning poshnasiga o‘xshash terida chuqurchalar paydo bo ‘ladi. Rus tilidagi nomi esa qumlardagi konussimon chuqurchalar xalqda “bo‘richa”deb atalgan Shuning uchun ham bu kasallik dastlab shunday nomlanishga sabab bo‘lgan.

Tabiatda aynan shunday nomlanadigan o’simlik ham bor.

Tibbiyotda rang bilan bog’liq bir qancha kasallik nomlari tilimizda uchraydi: qizilcha, qizamiq, ko‘kyo‘tal, qorason, oqqon singari. Kasallikni nomlashda atrof-muhitdagi narsa, predmetlar yoxud tibbiy terminologiaga aloqasi bo‘lmagan ,oddiy so‘zlashuv nutqiga xos so‘zlardan ham foydalanilgan. Jumladan, quyida beriladigan terminlar bu fikrning isboti bo‘lishi mumkin.

1. А. Ваисов А.Ш. Тери ва таносил касалликлари. Тошкент:.”Янги аср авлоди”,2004.114-b

[76] . А. Ваисов А.Ш. Тери ва таносил касалликлари. Тошкент:.”Янги аср авлоди”,2004.105-b

[77] . А. Ваисов А.Ш. Тери ва таносил касалликлари. Тошкент:.”Янги аср авлоди”,2004. 109-b

Yotoq yara-bemor bir vaziyatda uzoq yotsa, badanning ko‘proq bosiladigan joylarida qon aylanish qiyinlashadi, keyin yumshoq to‘qimalar iriydi. Yotoq yara shundan boshlanadi. Kasallik, asosan, yotadigan insonlarda uchragani uchun shunday nomni olinishiga sabab bo ‘lgan

Hiqichoq – odam nafas olganda diafragma reflektor qisqarib, nafas yo‘lidan o‘ziga xos tovush chiqarishi, bu diafragmaning tortishib qisqarishi natijasida ro‘y beradi.[78] Mahmud Koshg’ariyning “Devoni lug’otit turk” asarida esa “iq” shaklida uchraydi. ”Muzdek suv ichib, ustidan non yegandan so‘ng nafas olish qiyinlashib, to‘satdan ko‘krakdan chiqadigan o‘qchiq “[79]. Taqlid so’zdan ot yasalgan.

Chipqon (Фурункул) – soch xaltachasi va atrofidagi to‘qimaning o‘tkir yiringli nekrotik yallig’lanishi[80]. Bu ot qadimgi turkiy tilda “чубақан”, ”“чыпқан” shakllarida uchraydi. Bu so‘z asli ***unotu*** o‘simligi mevasining nomi bo‘lib, keyinchalik tashqi o‘xshashlik asosida badandagi chandiqqa nom sifatida ko‘chirilgan[81].

Bu kasallik bo ‘yicha “Devoni lug’otit turk”da yara qizillikda chilonjiydaga o‘xshaganligi uchun shunday atalgan degan ma’lumot bor[82]

Uchuq (Простой герпес) – kasallik “uchg’uq” deb ham atalgan, shamollaganda, ya’ni uchunganda paydo bo‘ladigan chiqiq. Bu ot qadimgi turkiy tilda “uch” fe’lining “chiq” ma’nosidagi “uq” qo‘shimchasi bilan yasalgan.[83] Devoni lug’otit turk”da esa “uchg’uq’ shaklida uchraydi.

“Devoni lug’otit turk”da “***tumov”*** kasalligidan keyin ham bu toshmalar chiqishi haqida ma’lumot berilgan. ”Tumov” so‘zi esa “uchg’uq”, ”tumag’u” deb ham nomlangan, kasallik uchunish , shamollash natijasida paydo bo‘lganligi uchun “uchunsh” deb ham atalgan. Bunda nomlik ma’nosini bildirgan “tum” so‘zidan –a qo‘shimchasi bilan yasalgan fe’lga –g’u qo‘shimchasini qo‘shish bilan yasalgan(4): tum+a+g’u>tumag’u>tumag’>tumav>tumov (2-359)[84]

Tibbiyotda kasalliklarning nomlari orasida hayvon nomi bilan ataladigan terminlarni ham uchratish mumkin. Inson qadimdan bevosita hayvonlar bilan aloqada bo‘lib kelgan. Ro‘zg’or ishlarida ularda foydalangan, go‘shtlarini oziq-ovqat sifatida iste’mol qilgan. Ayrim terminlar hayvonlarning tashqi ko‘rinishiga o‘xshab ketgan, ayrimlarini davolash esa aynan shu hayvon orqali kechgan.

Quyonchiq (Tutqanoq) – (Эпилепсия). To’satdan tutib qolib, kishini harakatdan to‘xtatib qo‘yadigan asab kasalligi[85]. Devoni lug’otit turk”da “to‘lg’anik” tarzida berilgan [86]

[78] Қосимов.А. Тиббий терминлар изоҳли луғати. I жилд Тошкент,2004.370-b
[79] Mahmud Koshg’ariy .”Devoni lug’otit turk”.Toshkent II jild 85-b
[80] Раҳматуллаев Ш ”Ўзбек тилининг этимологик луғати “.I жилд .Тошкент ,2000
[81] Раҳматуллаев Ш ”Ўзбек тилининг этимологик луғати “.I жилд .Тошкент ,2000.428-b
[82] Mahmud Koshg’ariy .”Devoni lug’otit turk”.Toshkent II jild 135-b
[83] Раҳматуллаев Ш Ўзбек тилининг этимологик луғати Ш жилд Тошкент, 2000. -b
[84] Раҳматуллаев Ш Ўзбек тилининг этимологик луғати Жилд Тошкент 2000. 359
[85] Қосимов.А. Тиббий терминлар изоҳли луғати. I жилд Тошкент,2004.253-b
[86] Mahmud Koshg’ariy .”Devoni lug’otit turk”.Toshkent ,II jild 205-b

Quyonlab – ya'ni lab va tanglay ochiqligi nuqsoni. Yuqori labning og'izdan burungacha bo'lgan yirtig'i[87]. Ba'zi bolalar shunday tug'iladilar. Keyinchalik jarrohlik yo 'li bilan to 'g'rilanadi. So'z ot+ot shaklidan hosil qilingan qo'shma ot hisoblanib,metaforik yo'l bilan hosil qilingan.

Eshakyem-(Крапивница) – allergik kasallik guruhiga kirib, teri va ba'zan shilliq qavatda faqat qavarchiqdan iborat toshmalar toshish bilan kechadi[88].

Bu kasallik tuzalishi uchun bemor eshakka yem bersa, davo topadi, degan qarashdan bu nom kelib chiqqan.

Bo'ritanglay (***волчя паст)*** **–** bunday tug'ilgan bolalarning tanglayi bo'lingan yoki og'iz bo'shlig'ining tepa qismida odatdan tashqari bo'lgan yirtiq joyi bo'ladi. Emish, yutish va keyinroq nutq o'sishini qiyinlashtirib qo'yadi[89]. Ko'rinishi asosida shu nom bilan atalgan.

Filoyoq (Elefantiaz) – to'qimalarda limfa dimlanishi oqibatida teri va teri osti yog' qavati qalinlashib, ayrim a'zolar, masalan, lab, burun, quloq, oyoq va boshqalar shishib ,yo'g'onlashib ketishi bilan kechadigan kasallik. Ko'proq oyoqda kuzatilganligi uchun shunday nomlanishga sabab bo'lgan[90].

Misollardan ko'rinadiki, semantik usulda tibbiiy termin hosil qilishda o'zbek tilida ham boy imkoniyatlar mavjud. Semantik jihatdan tibbiy terminlarni o'rganish tilimizda kasalliklar nomining kelib chiqishi sabablarini aniqlash uchun muhim ahammiyat kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mahmud Koshg'ariy ."Devoni lug'otit turk". Toshkent , II jild
2. Раҳматуллаев. Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. II жилд. Тошкент, 2003.
3. Ваисов А.Ш. Тери ва таносил касалликлари. Тошкент." Янги аср авлоди", 2004
4. Қосимов. А. Тиббий терминлар изоҳли луғати. I жилд, Тошкент, 2004.

ГЕНДЕРОЛИНГВИСТИКА ТАРИХИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Дилрабо Ҳакимова
ФарДУ талабаси

Аннотация. *Мазкур мақолада нутқнинг гендер фарқланиши тарихи ёритилган бўлиб, гендеролингвистика муаммоларининг жаҳон тилшунослигида ўрганилиши тадқиқ этилган.*

Аннотация. *Данная статъя посвящена проблеме гендерной дифференциации речи. В ней проводится анализ гендеролингвистических проблем.*

Annotation. *This article is dedicated to the issues of gender differentiation of speech and problems of gender linguistics are illuminated.*

Таянч сўз ва иборалар: *гендеролингвистика, табулашган бирлик, аёллар тили, субмаданият, тобе гуруҳ, ҳукмрон гуруҳ.*

[87] Қосимов.А. Тиббий терминлар изоҳли луғати. I жилд Тошкент,2004.351-b
[88] . Ваисов А.Ш. Тери ва таносил касалликлари. Тошкент:."Янги аср авлоди",2004. 82-b
[89] Қосимов.А. Тиббий терминлар изоҳли луғати. I жилд Тошкент,2004.147-b
[90]Қосимов.А. Тиббий терминлар изоҳли луғати. I жилд Тошкент,2004.252-b

Ключевые слова и выражения: *гендеролингвистика, табулированная единица, язык женщин, субкультура, подчиненная группа, доминантная группа.*

Key words and expressions: *gender linguistics, tabooed language unit, language of women, subculture, dependant group, dominant group.*

Ҳозирги даврда бошқа фанларда бўлгани каби тилшуносликда ҳам икки фан оралиғида пайдо бўлган соҳалар жадал ривожланмоқда. Компьютер лингвистикаси, когнитив тилшунослик, нейролингвистика, психолингвистика, прагмалингвистика, лингвопоэтика, социолингвистика сингари фан тармоқларини бунга мисол қилиш мумкин. Соҳа олимлари бу борада кўплаб ютуқларга эришмоқдалар. Аммо ҳамма янги соҳаларни ҳам бирдай жадалликда ривожланиб боряпти деб бўлмайди. Масалан, гендеролингвистика соҳасида айрим тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, муаммолар ҳали тўла-тўкис ўрганилганича йўқ. Тил системаси орқали бундай муаммоларни ўрганиш ва тадқиқ этиш энг долзарб масалалардан бири саналади. Бу масалаларни ўрганиш ўзининг узоқ тарихига эгадир. Ўзбек тилшунослигида аёллар нутқининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишга қизиқиш XX асрнинг 80-йилларига тўғри келади. Бироқ бу масалалар бизнинг тилшунослигимизда ҳанузгача ўз ечимига эга бўлмаган йўналишлардан бири сифатида ўз тадқиқотчисини кутмоқда ва тилшуносликда бу борадаги янги тадқиқотларни амалга ошириш эҳтиёжи кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу муаммо дунё тилшунослигида айнан японларда жиддий тадқиқот объекти сифатида ўртага ташланган ва ўрганилган. Ҳақиқатан ҳам уларда гендер лингвистикаси термини билан номланган соҳа мақомига эга бўлган нутқда аёл ва эркак жинсига кўра лисоний фарқлари аниқ кўзга ташланиб туради. Тилшуносликда бу масалалар жинс факторининг тилга таъсири билан намоён бўлади. Барчамизга маълумки, социология ва психология фанларида “гендер” тушунчаси “биологик жинс” тушунчасидан фарқланувчи ижтимоий тушунча ҳисобланади. Бунинг асосида жамиятда эркак ва аёлларга хос бўлган хусусиятлар негизида шаклланган “ижтимоий жинс” тушунчаси ётади [2]. Бу эса гендер лингвистикасида ўзига хос назариянинг шаклланишига хизмат қилади. Бундан ташқари, бадиий адабиётда қаҳрамонлар характерини очиб бериш билан боғлиқ бўлган нутқнинг ўзаро функционал алмашинуви натижасида соҳанинг янги муаммолари кун тартибига қўйилади. Гендеролингвистикада тилнинг антропологик ва функционал хусусиятлари асос қилиб олинади. Айни пайтда эркак ва аёллар нутқида ўзаро фарқ гендер гуруҳлар мулоқотидаги ифода шакллари билан ажралиб туради. Шулардан келиб чиққан ҳолда нутқда жинсга хос хусусиятларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини ажратиш муҳимдир.

Рус тилшунослигида тилнинг гендер фарқланиши соҳасига оид дастлабки тадқиқотлар XX асрнинг дастлабки йилларида бошланган бўлишига қарамай, бу масалага қизиқиш 1960 йилларда социолингвистика соҳасининг ва феминистик ҳаракатнинг шаклланиши натижасида пайдо бўлди. Аслида бу масалаларнинг келиб чиқиши Р.Лакоффнинг “Тил ва унда аёлларнинг ўрни” мавзусидаги ишида гендер коммуникатив фарқланишига оид қарашлари билан боғлиқ [3]. У

биринчилардан бўлиб аёллар ҳамда эркаклар тилдан турлича фойдаланишларини таъкидлаб, шу асосда “аёллар тили” иборасини қўллайди. Аёллар нутқининг гендер ўзига хослиги лингвистик тавсифининг кучсизлиги билан белгиланади. Уларнинг нутқи ажратувчи ифодалар, сўроқлар, модал сўзлар, кучайтирувчи лексик бирликлар орқали ажралиб туришини айтиб ўтади. Д.Малц ва Р.Боркерлар аёл ва эркаклар нутқида коммуникатив хусусиятларнинг маданий фарқланишларини мисоллар билан изоҳлайдилар. Бу соҳада улар Дж.Гамперц қарашларига суянадилар. Турли маданиятга оид вакилларнинг алоқа аралашув жараёнида ҳар бир иштирокчининг ўзига хос тасаввури, аралашув қоидалари ва нутқий ахлоқининг нормалари мавжуд. Й.Ариес ва кейинчалик Д.Танен аёллар ва эркаклар алоқа-аралашувида қандайдир услубий фарқланиш борлигини таъкидлайди [1]. Й.Ариес мулоқот жараёнида эркакларнинг аёлларга нисбатан ҳар қандай тингловчига бевосита мурожаат қила олишлари мумкинлигини айтиб ўтади. Аёлларда эса бу ҳолат секин-асталик билан, суҳбатга қизиқиш жараёни бошланиши натижасидагина кузатилишини таъкидлайди. Жон Коац ўз тадқиқотларида аёл ва эркак мулоқот услубини фарқлаб, улар нутқидаги ўзига хос жиҳатларни ажратиб кўрсатади. Аёллар нутқидаги ажралиб турувчи жиҳатлар сифатида қуйидагиларни айтиб ўтади: кўп гапириш, яъни сергаплик; ҳушмуомалалик; ҳушомад ва мулозамат кўрсатиш;

Тилда гендерологик характерга эга бўлган жиҳатлар талайгина. Уларда фонацион, лексик ва экстралингвистик омилларнинг қўлланишига кўра таҳлиллар олиб бориш лозим. Бу ўзбек тилшунослигида ечимини кутаётган масалалардан саналади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Aries E. Internation patterns and themes of male , female and mixed groups, Small group behavior, vol. 1, 1976. Pp. 7-18.
2.Гриценко Е.С. Язык как средство конструирования гендера. ДД. Нижний Новгород, 2005.
3. Lakoff R. Language and woman`s place. N. Y., 1975.

ДИНИЙ МАТНЛАРГА ХОС ДИАЛОГИЗМЛАР ХУСУСИДА

Юсупова Шахзода Тохиржон қизи
Фарғона давлат университети

Илмий луғатларда диний матн термини қуйидагича изоҳланади: “Диний матнлар – диний анъаналарга боғлиқ матнлардир. Улар бадиий матнлардан эътиқод, мифология, маросимлар, буйруқлар, қонунлар, этик кўрсатмалар, руҳий истакларнинг жамланмаси эканлиги билан фарқланади”.[91] “Диний матнлар муқаддас ёзувлар, муқаддас матнлар номлари билан ҳам номланувчи, турли диний

[91] www.wikipedia.org//religioustexts

анъаналарга кўра муқаддас саналган, динда марказий аҳамиятга эга бўлган матнлардир".[92] Демак, диний матнлар – диний анъаналар билан боғлиқ, диннинг марказий тушунчаларини ўзида акс эттирадиган, диний эътиқод, диний кўрсатмаларни жамлайдиган матн туридир.

Бугунги кунгача етиб келган илк қўлёзмаларнинг асосий қисми ҳам диний битиклардир. Масалан, эрамиздан аввалги 3500-3400-йилларда яратилган ва Миср, Ҳинд водийсидан топилган илк қўлёзма матнлар ҳам динга оид саналади.[93] Ҳинд ведалари ҳам диний матнларнинг илк кўринишларидир, улар қадимги санскрит тилига оид ёзишмалар бўлиб, эрамиздан аввалги 1700-1100 йилларда яратилган деб таҳмин қилинади. Кўринадики, диний матнлар қадимий тарихга эга ва улар инсоният ҳаётида муҳим ўрин тутади.

Диний матнлар услубий хусусиятлари, бажарадиган функцияларига кўра бошқа матн турларидан фарқ қилади. О.Прохватилова, К.Кузьмина, Н.Ивойлова каби тилшунослар томонидан диний матнларнинг бир кўриниши саналган диний ваъзларга хос хусусиятлар, хусусан, диалогизм тўғрисида тадқиқотлар олиб борилган. Уларда дилогизация ҳодисаси диний матнларнинг ўзига хослиги сифатида алоҳида эътироф этилади.

О.Прохватилова тадқиқотларида диалогизм сўзловчи ва тингловчининг, нутқ субъекти ва адресатининг алоқаси сифатида матнга оид хусусият деб баҳоланади.[94] Шунингдек, олима монологик диний матнга хос диалогизмни диний услубни шакллантирувчи асосий омиллардан бири сифатида келтириб ўтади.[95] Ҳақиқатан ҳам, бундай ўзига хос диалогизм шакли диний матнлар учунгина хос.

Кузьмина фикрича, "диний ваъзлар умумий матнга хос бўлган хусусиятлар (бутунлик, тугалланганлик)дан ташқари, мақсадга йўналтирилганлик ва диалогизацияни ҳам намоён этади".[96] Демак, диалогизация диний матнни бошқа матн турлари (бадиий матн, расмий матн каби)дан фарқловчи хусусиятлардан биридир.

Н.Ивойлова тадқиқотига кўра, диний ваъз матнига хос диалогизация усуллари қуйидагилардан иборат: савол-жавоб уйғунлиги, тасаввурий диалог, иқтибос келтириш, риторик сўроқ гаплар, аудиторияга савол бериш.[97] Келтириб ўтилганларнинг барчасида адресант ва адресатнинг ўзига хос муносабати мавжудлиги уларнинг диалогизация кўринишлари қаторида келтирилишига асос бўлади.

---

[92] https://www.definitions.net/definition/religious+text

[93] http://www2.nau.edu/~gaud/bio301/content/reltxt.htm

[94]Прохватилова О.А. О гиперкоммуникации в современной духовной речи// Мир Православия: Сб.науч.ст.вып.3. – Волгоград: Издательство ВолГУ, 2000. –с.280-295.

[95] Прохватилова О.А. Экстралингвистические параметры и языковые характеристики религиозного стиля (Электронный ресурс)// www.dissercat.com

[96]Кузьмина К.А. Структурные и языковые особенности проповеди как речевого жанра. Автореф.дисс….канд.филол.наук. -Санкт-Петербург, 2006. –с.14.

[97]Ивойлова Н.Ю. Строй текста современной христианской проповеди (на материале английского языка). Автореф.дисс….канд.филол.наук. -Москва, 2003. –с.13.

1. Савол-жавоб уйғунлиги диний матнларнинг кўпчилик қисмида салмоқли ўрин тутувчи диалогларда намоён бўлади. Хусусан, ҳадислар матни, одатда, диалог тарзида баён этилади. Бунда, асосан, пайғамбарга савол бериш ва жавоб олиш ёхуд пайғамбарнинг савол бериш орқали бирор нарса, одат, ҳолатни изоҳлашини кузатамиз:

Абу Дардо (розияллоҳу анҳу) айтади: "Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қилдидар: "Сизларга рўза, намоз ва садақанинг даражасидан ҳам устун бўлган нарса ҳақида хабар берайми?" "Албатта, (ё Расуллуллоҳ, айтинг)" дейишди. "Одамлар орасини ислоҳ қилишдир, чунки одамлар орасидаги низо (динни) қиради", дедилар". (Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти). "Ҳидоят" журнали, 2018. 8. 2-бет.

Лекин айрим ҳолларда монолог тарзида – ваъзлар баён этилганда ҳам савол бериш ва унга жавоб келтириш орқали савол-жавоб уйғунлигига эришилади:

Исо ибн Яҳё ана шу кишига, яъни ибн Синога табиий илмларни ва тиб илмини ўқитди. Ана, тибдан Ибн Синонинг устози ким? Исо ибн Яҳё. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Абу Али ибн Сино ҳақидаги маъруза.

Юқоридаги мисолда ваъзхон савол ва жавоб уйғунлиги орқали услубий таъсирчанликка эришишни кўзда тутади.

2. Тасаввурий диалогда яширин мулоқотчи билан сўзлашиш назарда тутилади. "Диний ваъзлар коммуникатив актининг асосий хусусияти сифатида ундаги иштирокчиларнинг ноодатий таркиби намоён бўлади. Одатий адресант (ваъзхон) ва адресат (омма) учинчи бир "яширин мулоқотчи" – Худонинг бир вақтнинг ўзида ҳам "яширин адресант", ҳам "яширин адресат" сифатида мулоқотда иштирок этишини назарда тутадилар".[98] Ҳақиқатан ҳам, диний матнларда оддий матнга хос бўлмаган адресант-адресат муносабатини кузатамиз. Агар кундалик дискурсда сўзловчи ўз фикрларини тингловчига етказиши ва тингловчи уни қабул қилиши асосий саналса, диний нутқда адресант – ваъзхон ўз нутқида Яратган номидан гапиради, унинг буйруқлари, кўрсатмаларини адресат – оммага етказади. Бунда тингловчилар яширин адресант – Худога қулоқ тутадилар. Шу билан бирга, дуо, илтижо қилинганда ана шу яширин мулоқотчи – Худо адресат мақомига ўтади. Шу ҳолатда диний нутқда яширин мулоқотчи ҳам иштирок этади.

Бир куни туриб, шундоқ дуо қилдиларким: "Эй бор Худоё, Қурайш қабиласи ичида биринчи Умар ибн Хаттоб, иккинчи Абул Ҳакам ибн Ҳишом, бу икки кишининг иймон келтиришлари билан Ислом динига ривож бергин", дедилар...

...Эй Умар, сенга хушхабар, Абул Ҳакам билан сенинг ҳаққингда қайси бир куни жаноб пайғамбаримиз Худодин иймон сўраб, дуо қилганларини кўрган эдим. Ул дуо сенинг ҳаққингда қабул бўлганга ўхшайдур... (Алихонтўра Соғуний, "Тарихи Муҳаммадий")

[98]Ивойлова Н.Ю. Строй текста современной христианской проповеди (на материале английского языка). Автореф.дисс….канд.филол.наук. -Москва, 2003. –с.7.

Матн парчаларининг биринчи қисмида дуо орқали яширин мулоқотга киришилган бўлса, иккинчи қисмида ана шу дуонинг Яратган орқали ижобат бўлгани тўғрисида сўз боради. Бунда сўзловчи ҳам, тингловчи ҳам яширин мулоқотчининг мавжудлигига тўла ишонч билан мулоқотга киришадилар.

3. Диний матнларга хос хусусиятлардан бири унда Қуръони каримдан, ҳадислардан иқтибос келтирилишидир. Агар илмий матнларда олимлар бошқа тадқиқотчиларнинг фикрларини келтириш орқали илмий мунозарага киришса, диний матнларда муаллиф ўз фикрларини исботлаш, таъсирлироқ баён қилиш учун муқаддас матнлардан иқтибос келтиради:

Инсон бошига тушган барча яхшилик ва ёмонликларни тақдирдан деб билиши керак. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: "(Инсонга) бирор мусибат етган бўлса, албатта, Аллоҳнинг изни (иродаси) билангина етур. Кимки Аллоҳга имон келтирса, (У) унинг қалбини тўғри йўлга ҳидоят қилур. Аллоҳ ҳар нарсани билувчидир" (Табоғун сураси, 11 оят). ("Сафар ойи хосиятли ойдир". Муҳаммадшариф Нарзуллаев// "Ислом нури" газетаси. 2018 йил. 18-сон. 18-бет)

4. Диний нутқда риторик сўроқ гаплар ҳам қўлланади. Қуръон тафсирида ҳам риторик сўроқ гапларни учратиш мумкин:

"(Эй Муҳаммад! Раббингиз) Сизни етим ҳолда топиб, бошпана бермадими?! Яна сизни гумроҳ (ғофил) ҳолда топиб, (тўғри йўлга) ҳидоят қилиб қўймадими?! Сизни камбағал ҳолда топиб, бой қилиб қўймадими?!..." (Зуҳо сураси, 6- 11- оятлар) "Ҳидоят" журнали, 2018 йил. 9-сон. 31-бет.

5. Диний ваъзларда кўп ҳолларда аудиторияга савол берилади. Бунда, одатда, адресатдан жавоб кутилмайди:

"Ибн Сино бутун дунёга машҳур одам. Шу одам қанақа қилиб ўқиган?" Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Абу Али ибн Сино ҳақидаги маъруза.

Ушбу мисолда савол бериш орқали адресатдан жавоб кутилмайди, аксинча, тингловчиларни ваъзга янада қизиқтириш, диққатларини жамлашга кўмаклашиш мақсадида савол берилиб, ваъзхон берилган саволга ўзи жавоб беради.

Диний матнлар қадимий тарихга эга ва улар инсоният ҳаётида муҳим саналади. Диний матнлар бошқа матн турларидан ўзига хос услубий хусусиятларга эга эканлиги билан фарқланади. Хусусан, диалогизация ҳодисаси диний матнларни шакллантиришда салмоқли ўрин тутади. Диний матнларга оид диалогизмларнинг савол ва жавоб уйғунлиги, тасаввурий диалог, иқтибос, риторик сўроқ гап, аудиторияга мурожаат каби кўринишлари мавжуд. Диалогизация диний матнларни бошқа матн турларидан фарқловчи асосий хусусиятлардан бири сифатида баҳоланади.

ЖУМБОҚЛИ МАТНЛАРНИНГ СЎЗ ЎЙИНИ ФУНКЦИЯСИ

Якубова Нодирахон, ўқитувчи
ФВХТХҚТМО ҳудудий маркази

Замонавий тилшуносликда тил тизимлари элементларининг ўртасидаги алоқалар ва қарама-қаршиликлар тармоғи ҳисобланган систем тилшунослик ўрнини қайта йўналтирилган ўзига хос назария—антропоцентрик ёндашув эгаллмоқда. Бундай ёндашув тилнинг инсон ҳаёти, онги, тафаккури, маданияти, амалий фаолияти билан боғлиқлигини ўрганишга асосланади.

Сўз ўйини жамиятда тил мавжудлигининг шаклларидан бири сифатида сўзда янги маъноларни, муайян маданият вакиллари тил ташувчиларининг алоҳида нуқтаи назарларини очиб беради. Сўз ўйинига йўналтирилган матнлар ва ушбу матнлар ортидаги ижтимоий омиллар ўртасидаги алоқаларни, шунингдек, мазкур сўз ўйинлари ишлатиладиган вазиятларни аниқлаш когнитив тилшуносликнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Чунки бу бизга ушбу сўз ўйинида фойдаланилган лексик бирликларнинг семантик-прагматик спектрини тўлалигича аниқлаш имконини беради.

Жумбоқли матнлар, хусусан, топишмоқлардаги сўз ўйинлари ҳам ўзига хос йўсинда қўлланилади. Тавсифлашнинг мушкуллиги ва “топишмоқ” атамасининг ноаниқлигидан қочиш учун топишмоқни илмий объект сифатида лингвистик тавсифлаш терминологияси ишлаб чиқилган. “Топишмоқ” атамаси лотинча “enigma” сўзига мос келади, бу эса ундан тегишли тавсифий бурилишларнинг ўрнини босадиган қулай атамаларни яратишда фойдаланиш имконини беради. Топилиши лозим бўлган воқелик объекти—энигмат, уни рўёбга чиқарувчи муайян матн эса энигматор деб юритилади. Мазкур хулосаларга таяниб биз топишмоқлар ва кроссвордларни ҳам айнан жумбоқли матнларнинг бир тури деб қарашимиз мумкин. Топишмоқлар матни сўзлардан иборат бўлгани учун уларни ҳеч иккиланишсиз матн деб атай оламиз. Кроссвордлар ҳам шаклий жиҳатдан ўз ичига ҳарф, рақам ва жадвалларни олгани учун уларни ҳам матн деб аташ мақсадга мувофиқ бўларди.

Жумбоқли матнларнинг асосий белгилари савол-жавоб структураси, коммуникатив йўналганлик, муаллифнинг мавжуд эмаслиги, маълумотнинг етарлилии ва мазмуний тугалликдир. Топишмоқ ва кроссвордларнинг жавобини топишда уларда қўлланилган сўзлар семантикасининг аҳамияти ҳам кам эмас. Семантик нуқтаи назардан топишмоқ ва кроссвордни номи энигматорда айнан эслатилмайдиган матн, денотат деб ҳам таърифлаш мумкин. Коммуникатив нуқтаи назардан эса бу типдаги матнларнинг вазифаси адресат, яъни танловчи ёки ўқувчини керакли объект—денотат номини топишга ундашдир. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, энигматорда ифодаланган матн денотатни ўта тавсифлаб ҳам юбормаслиги керак, акс ҳолда топишмоқ ўзининг ўйин мотивини йўқотади.

Сўз ўйини кишиларнинг тил имкониятларидан режалаштирилган ҳолатда муайян мақсадларда: инсонларнинг эстетик эҳтиёжларини қондириш, кулгили ёхуд комик эффект ҳосил қилиш, шунингдек, суҳбатдошга таъсир қилишнинг турли шаклларидан фойдаланишини намоён этади. Сўз ўйинларини рўёбга чиқаришнинг икки асосий шарти мавжуд: 1) Суҳбатдошга таъсир ўтказиш. Топишмоқ оғзаки нутқ жанри бўлиб, кроссвордлар эса, асосан, ёзма нутққа хос ҳисобланади. Мазкур матнлардаги сўз ўйинларининг субъектларини фарқлаш лозим. Топишмоқда топимоқни айтувчи-сўровчи сўзловчи, кроссвордда эса субъект тузувчи деб юритилади.Топишмоқнинг адресатини тингловчи, кроссвордникини эса шунчаки жавобни топувчи деб айтамиз, лекин суҳбатдош эмас. 2) Қатнашувчиларда умумий когнитив базанинг мавжудлиги. Топишмоқ ва кроссвордлар каби сўз ўйинлари қатнашувчилардан муайян билимларни ва улардан фойдалана олиш маҳоратини талаб этади. Шундай қилиб, мазкур сўз ўйинларининг субъектлари ахборотни юборувчи ва қабул қилиб олувчилар бўлса, тил меъёрларидандан фойдаланишнинг ноанъанавий шаклларини ўзида жамлаштирган матн унинг объекти бўлиб хизмат қилади.

Сўз ўйинларига бўлган маҳорат кишиларнинг тилдан фойдаланишдаги креативлигини кўрсатади. Тилдан фойдаланишнинг умумий қабул қилинган нормаларидан чиқиш кишиларда фақат “ўзигагина тегишли” бирликларни “ихтиро қилиш”, тилнинг ғайритабиий жиҳатларини кашф қилиш имконини беради, бу эса албатта инсоннинг лингвокреатив қобилиятини ривожлатиради. Гапирувчининг топишмоқ ва кроссвордларда ифодаланган тил шаклларидан эркин фойдалана олиши тилшуносларнинг доимий диққат марказида бўлиб келган. Бунда сўз ўйинларининг асосан икки тури фарқланади: 1) шаклга боғлиқ сўз ўйинлари (асосан болалар нутқига хос) ҳамда 2) мазмунга боғлиқ сўз ўйинлари (асосан катталар нутқига хос бўлиб, бола нутқи ривожланишининг кейинги босқичларида ҳам қўлланилади).

Болалар атрофдаги воқелик ва умуман олам ҳақидаги тасаввурларни катталар (ота-оналар ва педагоглар)дан “тайёр шаклда” ўзлаштирадилар. Катталар нутқи туфайли тил меъёрлари, белги ва тизимли стереотиплардан фойдаланиш ва уларни идрок қилишнинг имкони юзага келади. Бола белгининг шакл ва мазмун қонунларини кашф қила туриб, тилнинг фонетик хусусиятлари (қофия, ритм) дан завқланади, товушнинг ўйноқилигини ҳис қила бошлайди. Шундай қилиб, сўз ўйинлари ўз мазмун-моҳиятига кўра ижтимоий ҳодиса бўлиш билан бирга, тилимиздаги таҳлилталаб жараёнлардан бири, деб ҳисобласак ҳам бўлади.

ТИЛШУНОСЛИКДА ПАРЕМИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ УМУМИНСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Абдусаломова (Муротова) Дилноза Хасан қизи
ФДУ магистратура Лингвистика (инглиз тили)
2-курс магистранти

Фольклоршунос олимлар мақоллар ва маталларни ўрганувчи сохани паремиология деб аташади. Паремия - юнонча "чуқур маъноли гап, ҳикматли сўз, ибора, мақол, матал" маъносини беради. Паремия баркарорлик ҳодисаси бўлиб, бир бутун мазмунни, семантик бутунликни англатади [1].

Аввало, парема ва паремиологиянинг тарихига назар ташласак паремиология XII асрда юзага келган ва ўрганила бошлаган. Грекча paroimiya - «ҳикматли сўз, зарбулмасал» маъносини англатиб, ўша пайтларда черковларда бўлиб ўтадиган байрамларда ўз маъносига кўра ишлатилган. Парема айтувчилар алохида хурматга сазовор шахслар эди, улар махсус таклиф билан бой хонадонларга ва черковларга бориб, байрамларда ҳикматли сўзлар айтганлар. Шунинг учун хам ҳалқ паремиялари йиғилган китоб «паремейник» деб аталган. Паремейниклардан уйда фойдаланилмаган. В.И.Даль паремияни «ўқимишлилар сўзи» деб атайди ва парема ўқиладиган кечада ўқимишли, зиёлилар иштирок этишини келтириб ўтади. Паремалар кўпрок панд-насиҳат руҳида ёзилган. Кадимда черковларда ишлатилувчи парема сўзи 1970 йилдан бошлаб тилшуносликка «паремиология» термини сифатида кириб келди.[2]

Г.Л.Пермякова парема ва паремиологияни Шарк ҳалқларининг ҳикматли сўзи деб атайди ва фольклоризми билан бирга вужудга келганини, бу термин дидактика билан бир маъно касб этишини айтади [1]

Тилшуносликнинг бир йўналиши сифатида мақол ва маталлар XX аср охири ва XXI аср бошларида Паремиологияда ўрганила бошлади. Паремиология грек тилидан олинган бўлиб, “хикматли сўз, масал” деган маъноларни англатади. “Паремиология” атамасига қуйидагича таъриф берилади: “Паремии - сложные знаки или комбинации знаков, непременно бытующих в живой разговорной речи и литературе (главное живой речи). Если паремия неизвестна говорящим, она не может служить знаком... Обычные (свободные или переменные) предложения не входят в систему языка. Это не элементы языка, а единицы речи. Они каждый раз производятся заново, импровизируется в зависимости от задачи момента на основе языка. В отличие от обычных (свободных) предложений клишированные паремии, представляемые предложениями, относятся к языку и являются его единицами” [1]. Қуйидаги таърифдан келиб чиқадики, паремия – бу мураккаб белгилар бўлиб, доимий нутқда ишлатилади. Агарда паремия сўзлашувчиларга номаълум бўлса, у холда белги бўла олмайди. Оддий гаплар, яъни мустақил ёки ўзгарувчан гаплар тил системасига кирмайди. Улар тил бирлиги эмас, балки нутқ бирлигидир. Чунки оддий мустақил гаплар маълум бир тил асосида холатдан

келиб чиққан холда хар гал янгитдан яратилади. Оддий мустақил гаплардан фарқ қилган холда клишеланган паремиялар гап кўринишида бўлганлигига қарамасдан, тил бирлиги ҳисобланади. Негаки у тил фойдаланувчилари томонидан тайёр холда ишлатилади

Паремага тааллукди ўзбек тилшуносларининг ишларига назар ташласак, Х.Бердиёров ва Р.Расуловнинг «Ўзбек тилининг паремиологик луғати»ни тузганлиги, Ш.Рахматуллаевнинг ўзбек фразеологияси, О.Мадаевнинг ўзбек адабиётини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссасини таъкидламай иложи йўқ [3]. Ўзбек тилшунослигида паремаларни тўплаш, ўрганиш Махмуд Кошғарий («Девону луғати турк») ва Гулханий («Зарбулмасал») замонларидан ҳозирги кунгача давом этиб келмокда.

Паремиология коинот конуниятларини кузатиш, турмуш тажрибаларига суяниш асосида чикарилган хулосаларни ифодаловчи, ҳалқнинг жамиятга муносабати, руҳий ҳолати, этник ва эстетик туйғулари, ижобий фазилатларини мужассамлаштирган, авлоддан-авлодга оғзаки шаклда кўчиб юрувчи, ихчам ва содда, қисқа ва мазмунли мантиқий умумлашмада пайдо бўлган мақол, матал, афоризм каби ҳикматли сўзларни - паремаларни ўрганади.

Паремияларда инсоният тафаккури ва хулк-атвори ўз ифодасини топади. Шунинг учун паремиялар кейинги йилларда вужудга келган антропоцентрик парадигманинг тадқиқот объекти деб олинган.

Паремия фразеологик қатламнинг энг бой ва жуда экспрессив намунаси ҳисобланади. Чунки паремиялар фақатгина мақол ёки ибора ҳисобланиб қолмасдан, улар ўзида кўчма маъно билан биргаликда халқ, миллат маданиягини акс эттиради. Демак, паремиялар нафақат тил маҳсули, балки халқ ва бутун бир миллатнинг маданий бойлигининг тилдаги гўзал аксидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Permyakov, G.L. Bases of Structural Paroemiology (1970).
2. Даль, В.И. Толковый словарь великорусского языка [Электронный ресурс] / В.И. Даль. - Режим доступа: http://dic.academic.ru
3. О.Мадаев «Халқ оғзаки поэтик ижоди» (2001, 2003)

UMDALMA MUROJAAT SHAKLI SIFATIDA

Bo’ronova Gulnora Muxamadjonovna
Yozyovon tumani 36-IDUMning
oliy toifali ona tili va adabiyot fani o’qituvchisi

Muloqot jarayonida undalmadan murojaat shakli sifatida keng foydalaniladi. Avvalo, undalma so’zining kelib chiqishiga—etimologiyasiga nazar solsak. Undalma

so’zining asosi “un” bo’lib, tovush, ovoz degan ma’nolarni anglatadi[99] Qadimgi turkiy tilda ham tovush, ovoz ma’nolarini anglatuvchi ot “un” deb atalgan. Shundan kelib chiqib “un”(ovoz, tovush)otidan, biror ish-harakatni bajarishga da’vat etmoq, chaqirmoq, buyurmoq ma’nosini anglatuvchi “unda”[100] fe’lidan yasalgan. Undalma Fitratning “Nahv” asarida “undash oti” nomi bilan yuritiladi.

Undalma termini bugungi kunda murojaat birliklari termini bilan yonma-yon qo’yiladi. Ular,odatda, so’zlovchining nutqi qaratilgan shaxs yoki predmetlarni anglatadi. Diqqatni jalb etish maqsadida har doim bosh kelishikda turadi.

Undalma gapning umumiy mazmunini to’ldiradi, gapning kimga qarashli ekanligini ko’rsatib turadi. Shu bilan birga so’zlovchi bilan tinglovchining o’zaro munosabatini ham ifodalaydi.

Undalmalar ko’pincha, shaxsning ismi, familiyasi, unvoni, taxallusu, laqabi, kasbi yoki qarindoshlik formasidagi so’zlar bilan ifodalanadi. Masalan, lekin o’shandagi jasoratingiz uchun yog’iylar Tohirg’a nayza sanchib,uni og’ir yarador qildilar, janob Qosimbek! Begim, bu mullochani ma’shuqalardek himoya qilmoq uyat emasmi? Janob amirul umaro, jiyanim ham Bobur mirzog’a sodiq hizmat qilish orzusida edi. Janob me’mor, tavochilar navkarlikka odam olmoqdalar. Yuqoridagi misollardan ko’rinib turibdiki, undalmalar gapning istalgan joyida kelishi mumkin. Undalma gapda boshqa bo’laklar bilan grammatik aloqaga kirisha olmaydi, lekin gapning umumiy mazmuni bilan bog’liq bo’ladi.

Gap tarkibidan undalmaning chiqarilishi gapning mazmuniy qurilishiga jiddiy ta’sir ko’rsatadi, muallifning aytmoqchi bo’lgan fikri anglashilmay qoladi. Nutq bir shaxsga emas, bir necha shxs-predmetlarga qaratilganda, undalma uyushiq holda qo’llanadi. Masalan, Hazrati oliylari, janob amirlar, ushbu masalada sizning fikringiz qanday? Qosimbek! Tohirbek! Hazrat begim! Shahzoda! Tezroq chiqinglar!

Undalmalar ekspressiv qimmatga ega so’zlar bilan ifodalanganda, sub’ektiv baholash ma’nosini anglatadi. Ism bilan murojaat qilganda emotsionallik unchalik yuqori bo’lmay, faqat murojaat ma’nosini bildiradi. Ekspressiv qimmatdagi so’zlar bilan murojaat qilinganda so’zlovchi tinglovchiga yaqinligi, g’amxo’rligi kabi ma’no bo’yoqlariga ega bo’ladi. Masalan, Fiqh darsida surat tomoshasi o’rinsiz, azizim. Onajon, so’zum yerda qoldi deb also kuyunmang.Undalmalarning gap tarkibida kelib, gap bo’laklari bilan sintaktik aloqa kirisha olmasligi, leksik-semantik xususiyati, ifodalanishi, stilistik roli, asosan, ikkinchi shaxsga qaratilgan bo’lishi kabi o’ziga xos xususiyatlarga ega bo’ladi.

Gap tarkibida sintaktik aloqa kirishmaydigan boshqa bo’laklardan undalma tubdan farq qiladi. Undalma murojjat ohangida aytilishi, nutq qarashli bo’lgan ob’yektni ifodalashi kabi xususiy tomonlari mavjud. Undalmalar atov gaplarga ham shaklan o’xshaydi, ammo mazmun va grammatik hamda intonatsion xususiyatiga ko’ra farqlanadi. Xalq! Qani endi bu ko’prikdan faqat xalq o’tsa. Ushbu atov gapda ma’lum

[99] O’zbek tilining izohli lug’ati.
[100] Rahmatullayev Sh. O’zbek tilining etimologik lug’ati. T.,2000.

bir his-hayajon, maqsad ifodalangan. Shuning uchun ham u gap intonatsiyasi bilan aytiladi. Undalmalar esa tugal bir maqsad yoki tugal his-hayajonni ifodalamaydi, intonatsiyada ham tugallik bo'lmaydi.

Undalmalar gapning qaysi o'rnida kelishiga qarab, turlicha ma'no anglatishi mumkin. Agar so'zlovchi tinglovchining diqqatini nutq jarayoniga jalb etishni maqsad qilsa, gap boshida qo'llanadi. Masalan, Mavlono, Bobur mirzo zafar bilan qaytsalar, xudo rahmati otamning o'sha orzularini ro'yobga chiqarurlar. So'zlovchi tinglovchiga murojaat etish orqali sub'yektiv munosabat ifodalashni maqsad qilib olsa, undalma gapning o'rtasida yoki oxirida keladi. Undalma o'zi ishtirok etgan gapning ega, kesim, to'ldiruvchi va aniqlovchining ekvivalenti bo'la oladi.

1. Undalma eganing ekvivalenti: Amirzodam, *siz* shohsiz, sizning hukmingiz vojib. Beklarga ishonmang, amirzodam, *siz* xalqdan so'rang.
2. Undalma kesimning ekvivalenti: Men avval qo'rg'ondagi beklar bilan so'zlashay, amirzodam.
3. Undalma to'ldiruvchining ekvivalenti:Xon hazratlari, *sizni* hoinlarning makr-u hiylalaridan ogoh etish uchun keldim. Men istardimki, hazratim, *sizga* barcha el-ulus o'z dardini ayta olsin.
4. Undalma aniqlovchining ekvivalenti: Pirim, *sizning* fotixangiz darkor men uchun.

Murojjat shakli sifatida undalmaning o'zbek tili taraqqiyotida tutgan o'rni beqiyos. Kishilarga murojaat qilganda, albatta, ularning ismilarini aytib chaqirmoq ijobiy xususiyatlardan biri. Undalmaning hayotimizda tutgan ahamiyati ham shunda. Yosh avlodni tarbiyalashda mavzularni hayot bilan bog'lash ilg'or pedagoglar oldida turgan muhim vazifalardan biridir. Zamonaviy ta'lim ham shuni taqozo etmoqda.

ИНТОНАЦИЯ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

Ё.Ёрматова- ФВХТХҚТМО ҳудудий маркази
инглиз тили ўқитувчиси

Резюме. *Мақола интонация масалаларига бағишланган бўлиб, унда интонациянинг шаклланиш тарихи ва бу мавзу доирасида изланишлар олиб борган олимлар ҳақида сўз юритилади.*

Резюме. *Статья посвящена вопросам интонации. Также рассматривается история интонации и об учёных которые ввели исследовательские работы.*

Resume. *The article is devoted to issues of intonation. Also article is considered the history of intonation and about the scientists who has done the research works in this sphere.*

Таянч сўз ва иборалар: *интонация, товушлар тизими, акустик фактор*

Ключевые слова и выражения: *интонация, звуковвые системы, акустический фактор*

Key words and words expressions: *intonation, sound system, acoustic factor*

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда тилшуносликнинг ҳар бир сатҳида янгича ёндашувлар кўзга ташланади. Шу нуқтаи назардан фонетикага оид масалалар жуда ҳам кўп ишланган бўлса-да, шу соҳага доир интонация муаммолари ҳали ҳануз ўз долзарблигини йўқотган эмас. Интонация муаммолари тилшунос олимларни анчайин ва узоқ вақтдан буён қизиқтириб келган бўлса-да, бу масала махсус эксперимент билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳар қандай мутахассис бундай изланишларга эҳтиёткорлик билан ёндашадилар. Асрлар давомида, аниқроғи, 1958 йилда А.Шарп тилшуносликнинг Синдерелласи (Золушкаси) деб таърифлаган интонация соҳасида ҳали ечимини кутаётган масалалар талайгина[101] эканлигини таъкидлайди, ҳақиқатан ҳам мавжуд тиллар мисолида интонация масалаларини ўрганиш ва уларни қиёслаш, ўзга тилдан иккинчи тил сифатида фойдаланучилар интонациясини ўрганиш соҳадаги янг йўналишлардан биридир. . “Тилнинг товушлар тизимида, грамматик қурилишида, луғат таркибидаги ўзгаришларида тарихий муаммолар четда қолаверса, тилдаги илмий тадқиқотлар кемтик бўлиб қолаверади”, деб таъкидлаган И.П.Сусов[102]. Айниқса мазкур соҳада экспериментал тадқиқотлар ўтказиш ўз долзарблигини йўқотмаган. Фақат бир тилга хос бўлган интонацияни тадқиқ этишгина эмас, айнан шу тилни иккинчи тил сифатида ўрганишдаги интонация муаммоси, унинг ўзига хос қиёсий-типологик ўрганиш ва бу борада экспериментлар ўтказиш ҳатто энг кучли тилшунос олим учун ҳам осон иш деб бўлмайди.

XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб интонация ва уни тадқиқ этиш муаммоси рус тилшунослари Т.М.Николаева, М.И.Матусевич, Н.Д.Светазарова, Н.В.Черемисина, А.М.Антипова, Л.А.Кантер ҳамда Е.А.Бризгунова тадқиқотларида ўрганила бошланди. 1970 йилдан 1990 йиллар оралиғида эса мазкур муаммо доирасида олиб борилган тадқиқотлар сезиларли равишда ортди. Шунингдек, туркологияда ҳам интонация масалаларига бағишланган қатор илмий ишлар ҳам кўзга ташланади. Бу борада гапнинг коммуникатив типлари интонациясига бағишланган А.У.Туркенбаев, Ш.К.Калиев, И.Е.Алексеев, С.Куренов, А.Нормуҳамедов, А.Сапаев, О.Д.Розиева, И.Чанаков, Ж.Дуйишевнинг ишлари мисол бўла олади. Бундан ташқари интонация масалаларига бағишланган экспериментал-фонетик тадқиқотлар ҳам бармоқ билан санарли. Бундай изланишлар А.Маҳмудов, Д.Ниёзов, Ҳ.Йўлдашева, М.Юсупова, Н.Ҳайитметов, У.Тўйчиев, М.Миртожиев[103] каби олимларнинг илмий фаолиятида кўзга ташланади. Бугунги кунда ҳам мазкур мавзуга бўлган қизиқиш ҳеч ҳам сўнмади.

Н.И.Жинкин интонацияга қуйидагича таъриф беради, “интонация “ифода индикатори” бўлиб, шахснинг ўзини танитувчи ва намоён қилувчи асосий воситаларнинг бири ҳисобланади. Н.Ю. Бахтина фикрича эса, “ҳақиқатан ҳам

[101] Chang T.N.C. Tones and Intonation in Chengtu Dialect // Intonation. ed. Bolinger D., Pen.edu., 1972, 465 p
[102] Сусов И.П. Введение в теоретическое языкознание. Модуль 3. Основы общей фонетики и фонологии. 25/07/12 http:// www. superlinguist. Com
[103] Газиева М. Просодика «Akademnashr» Тошкент 2019

бошдан кечириладиган ҳамма нарсалар интонимлашади”, интонация сўзсиз контекст билан сўз ўртасидаги яқин алоқани ўрнатади, бу эса “ўз шакли (жаранглаши)га ва таркиби (маъносига)га кўра нутқнинг икки томонлама бирлигига эга (А.А. Абдуазизов)” эканлигидан далолат беради.

Интонация ҳар бир тилда муҳим аҳамият касб этади. Интонация исталган тилдаги мулоқот қилишнинг калити ҳисобланади. Унинг ёрдами билан сўроқ, илтимос, буйруқ ёки ундов гаплар фарқланади. Мулоқот жараёнида шундай кучга эга бўлган интонация ҳанузгача тўлиқ тадқиқ этилмаган. Интонацияни тадқиқ этиш товушларни тадқиқ этишга қараганда бироз қийинчилик туғдиради. Бунинг сабабаларидан бири интонация тил эгаси томонидан товушларга қараганда, билмасдан, яъни қоидаларга асосланмай қўлланилади. Шунингдек, у ёзувда ҳам акс этиши борасида тиниш белгиларидан бошқа кўринишга эга эмас.

Одатда тилшуносликда интонация деганда акустик фактор, нутқнинг ритмик-оҳангдорлик билан ифодаланиши тушунилади. Аникроғи интонация фонетик жиҳатдан нутқни ташкил қилади. Интонция нутққа эмоционал ва экспрессив бўёқ беради. Шунингдек, интонация коммуникатив маънони (дарак, сўроқ, ҳис-ҳаяжон гапларни) етказиб беришда муҳим фонетик бирлик бўлиб, сўзловчининг ўз нутқига бўлган муносабати ва эмоционал ҳолати ҳамда суҳбатдошнинг нутқига ҳам бўлган муносабатини ифодалайди, нутқнинг бутунлигини таъминлайди [Бондарко; Брызгунова, 1974, 1984; Николаева; Светазарова, 1982, 2000].

Ҳар бир тилнинг ўзига хос интонацияси мавжуд бўлади ва улар ўзаро фарқланади. Оҳанг кишига тингланаётган қўшиқни англашга ёрдам бергани каби, интонация ҳам хорижий тилни англашга хизмат қилади. Қўшиқда оҳанг ўзгарса, уни тушуниш қийинлашади. Шунинг учун ҳам она тилидаги интонация билан инглиз тилида сўзлаганда, тингловчи учун сўзловчини тушуниш анчайин қийинчилик туғдиради. Инглиз интонацияси ҳам ўзининг мураккаблиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Мазкур интонация шева ва ҳудудлараро ҳам сезиларли даражада фарқланади. Бу фарқланишни Британия ва Америка интонацияларидаги фарқда ҳам кўриш мумкин. Интонация сўзловчининг баланд ёки паст овозда гапириши, тез ёки сокин нутққа эга бўлиши, жўшқин, ҳис-туйғуларга бой бўлиши ёки бефарқ эканлигига қараб турлича жаранглаши мумкин. Интонацияга асосланиб киши қай даражада мулойим, ҳис-ҳажонга бой, мулоқотга даҳлдорлигини ва бошқаларни билиш мумкин. Шунингдек, интонация нутқнинг маъно доирасини кенгайтирибгина қолмасдан, балки фикрнинг нозик тарафларини очиб беришига ҳам хизмат қилади. “Оддийгина “салом” сўзини, - деб таъкидлайди И.Андроников, кибр билан, уялиб, бефарқлик, мулойимлик, ғамгинлик, таъсирсиз, дўстона, узуқ-юлуқ, изтеҳзоли қилиб айтиш мумкин”[104]. Айнан интонациянинг ранг -баранглиги эвазига оғаки нутқ ёзма нутққа нисбатан

[104]Сусов И.П. Введение в теоретическое языкознание. Модуль 3. Основы общей фонетики и фонологии. 25/07/12 http:// www. superlinguist. Com

фикрни, туйғуни ва кайфиятни мўлжалга аниқ етказа олади. “Ҳа сўзини 50 хил йўсинда ифодалаш мумкин”, - дейди Б.Шоу, - шунингдек ”йўқ” сўзини ҳам” ва фақатгина бир усул билан уларни ёзувга тушириш мумкин”[105]. Яна ҳам аниқроқ ёндашадиган бўлсак тилда интонация етказиб бера оладиган маънони ёзув тўлалигича ёритиб бера олмаслигига гувоҳ бўламиз.

Интонациянинг бирликларидан энг кенг тадқиқ қилинган таркибий қисмларга мелодика ва урғу киради. Мисол учун инглиз тилида ҳам иккита асосий, яъни кўтарилувчи ва пасаювчи мелодика ҳамда тон мавжуд. Пасаювчи оҳанг фикрни қатъиян тугал маъно англатишини ифодалайди. Шунинг учун тасдиқ маъносидаги гаплар пасаювчи оҳанг билан айтилади. Инглиз тилидаги буйруқ ва дарак маъносидаги гаплар пасаювчи оҳанг билан айтилади. Инглиз тилидаги овознинг пасайиши ўзига хос характерга эга. Ўзига хослиги шундаки, у ўткирроқ ва теранроқдир. Мелодика, яъни оҳангдорлик гап урғуси билан чамбарчас боғликдир. Масалан:

↗Really? – Ростанми ?

Юқоридаги сўз тингловчидаги сўзловчининг нутқига бўлган қизиқишни, тинглаётган пайтдаги иккиланишни, одатий мулойимликни билдирса, айрим ҳолларда бу сўз тингловчи ҳақиқатан ҳам сўзловчининг нутқи унга зерикарли эмаслигини билдиради.

Кўринадики, интонация масаласини ҳар жиҳатдан ўрганиш соҳадаги кўплаб муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

ЛИНГВИСТИК ТЕРМИНОЛОГИЯДА ГИПЕРО-ГИПОНИМИК МУНОСАБАТЛАР

Эрматов Ихтиёр Ризакулович
филология фанлари бўйича фалсафа доктори
Гулистон давлат университети

Аннотация. Мақолада лингвистик терминология тизимида гипоним, гипероним, гипонимик муносабатлар, гипоним терминлар муносабати ҳақида фикр юритилади. Тилшунослик терминлари мақоланинг иллюстратив материали сифатида хизмат қилади.

Таянч сўз ва иборалар. Гипероним, гипоним, термин, гипонимик муносабатлар, семантик атрибут ва б.

Ҳар қандай тилнинг ажралмас қисми бу шубҳассиз, унинг лексик луғати бўлади. Бунда терминологик луғатларнинг ҳам ўрни катта. Умумий лингвистик

[105]Брызгунова Е.А. О смыслоразличительных возможностях русской интонации // Вопросы языкознания. – 1974. – № 4.

хусусиятга эга бўлган терминлар алоҳида соҳа тушунчаларини номлашдан иборат бўлган махсус вазифани бажаради.

Фан-техника тараққиёти махсус луғат, яъни терминологик луғатлар ривожланишини рағбатлантиради. Махсус луғатлар соҳа терминологиясини аниқлаш ва шакллантиришга ҳисса қўшади ва уларни такомиллаштиришни тақозо этади. Айниқса, ҳозирги глобаллашув даврида кўпгина терминлар тизими етарлича ўрганилмаган. Фан-техника эса пухта ўрганишни ва тизимлаштиришни талаб қилади. Махсус луғатлар таркибидаги бундай қатламлардан бири тилшунослик терминологиясидир.

Мамлакатимизда тилга берилаётган эътибор, айниқса, жамиятнинг энг муҳим алоқа воситаси бўлган тилсиз замонавий жамият ҳаётини тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбек тилшунослиги терминологияси ўз тараққиётини акс эттирган ҳолда, шаклланиш ва ривожланишнинг қийин йўлини босиб ўтди ва босиб ўтмоқда.

Тиллар тизими, жумладан терминологик лексика ҳам бошқа тиллар учун ҳамиша очиқ. Маълум бир тилнинг терминологик тизими ўзи танҳо ривожлана олмайди ва бошқа соҳавий луғат тизимлари билан умумий тилнинг терминлаштириш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ.

Тил соҳасининг жадал ривожланиши билан махсус луғатлар тузиш ва уларни бойитиб бориш талаб этилади. Махсус луғатлар тартибга солинмас экан, улар чет сўзлар билан асоссиз тўлдирилишида давом этаверади. Бугунги долзарб масала, умуман ўзбек тилининг терминологик тизимини жиддий тадқиқ этишни давр тақозо этмоқда.

Лексик гипонимик парадигмалар ҳар доим дунёдаги барча тилларда очиқ луғавий микротизимларни ташкил қилади. Бу шундай микротизимки, унинг таркиби узлуксиз янги элементлар билан бойиб боради. Айни замонда худди мана шу янги элементлар орасида ўзаро янги маъно муносабатларининг ҳосил бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳам тил ўзининг луғат таркибида мавжуд бўлган гипо-гиперонимик парадигмаларни бойитиш соҳасида чексиз имкониятларга эга[106].

Терминлар одатда “таббий тил” сўзларидир. Адабий тил лексемаларидан фарқли ўлароқ, атамалар улар белгилаган воқеликка (тушунчаларга) мутлақо боғланган. Тилшунослик терминлари соҳасининг яхлитлиги ва изчиллиги унинг таркибий қисмлари ўртасидаги турли хил лексик ва семантик муносабатлар, хусусан, гиперо-гипонимик муносабатлар туфайли юзага келади[107]. Гиперо-гипонимия ҳодисаси ҳар қандай соҳа луғатида мавжуд, чунки жинс-тур муносабатларини ифодалашда, аввало, терминологиянинг тизимли табиати

[106]Сафарова Р. Лексик семантик муносабатнинг турлари. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – Б.17.
[107]Жеребило Т. В. Словарь лингвистических терминов. Изд-е 5-е, испр. и доп. Назрань: Пилигрим, 2010. – 486 с.

намоён бўлади[108]. Гиперо-гипонимик муносабатларни аниқламасдан, терминологиянинг тизимли ташкил этилишини тавсифлаш қийин.

Гиперо-гипонимик тизимлаштириш лексикографик ишлар учун ҳам муҳимдир, чунки ҳар қандай турдаги луғатни ташкил этиш принципи сўзни жинси ва турларининг фарқи орқали аниқлашга асосланади. Умумий муносабатлар барча сўз бойлигини қамраб олади. Гипоним атамалари атрибутларга эга бўлиб, гипероним атамасининг маъносини ҳосил қилади. Шу билан бирга, қўшимча семантик хусусиятларга эга бўлган гипероним маълум концепциянинг мазмунини кенгайтириб, ҳажмини эса торайтиради, бу ўз навбатида гипонимларга нисбатан семантик таркибий қисмларнинг устувор бўлишига олиб келади. Гиперо-гипонимик гуруҳларда турли хил ўзига хослик даражасида бир хил семантик атрибут (лот. *atributum* – қўшиб қўйиш, қўшимча қилиш)ни[109] ифода этувчи бирлаштирилган атамалар мавжуд. Масалан, *ундош товуш* гипероними 25 дан ортиқ *гипонимлар*ни ўз ичига олади, улар орасида *жарангли ундош, жарангсиз ундош, сонор ундош, лаб ундош, тил ундош, бўғиз ундош, шовқинли ундош, портловчи ундош, сирғалувчи ундош, титроқ ундош, унлилараро ундош, юмшоқ ундош, қўш ундош, бурун ундош, ён ундош, лаб-лаб ундош, лаб-тиш ундош, танглай-тиш ундош, увуляр ундош, интервокал ундош, веляр ундош, фарингал ундош, фрикатив ундош, альвеоляр ундош, билабиал ундош* ва бошқалар[110].

Ҳосил бўлиш ўрнига кўра гипро-гипонимик терминларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: бир компонентли, икки компоненли, уч ва ундан ортиқ компонентли. Мас., бир компонентли – *сон* гипероними нинг гипонимлари *бирлик, кўплик*; икки компонентли – *феъл нисбатлари* гипероними нинг гипонимлари *аниқ нисбат, ўзлик нисбати, орттирма нисбат, мажҳул нисбат, биргалик нисбат*; уч компонентли – *эргаш гап* гипероними нинг гипонимлари *эга эргаш гап, кесим эргаш гап, аниқловчи эргаш гап, тўлдирувчи эргаш гап, ҳол эргаш гап, пайт эргаш гап, ўрин эргаш гап, сабаб эргаш гап, мақсад эргаш гап, шарт эргаш гап, тўсиқсиз эргаш гап, натижа эргаш гап, ўхшатиш эргаш гап, равиш эргаш гап* ва б[111].

Шу билан бирга гипро-гипонимик қаторларни “тўғри шаклланган” ва “нотўғри шаклланган” гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. “Тўғри шаклланган” гуруҳлар – бу иккита характерли гипонимни ўз ичига олган таркибий қисмлар бўлиб, улар маълум бир белги мавжудлиги ёки йўқлиги билан зидлик асосида шакллантирилади, масалан: *жарангли ундош – жарангсиз ундош* **(ундош),** *лабланган товуш – лабланмаган товуш* **(товуш)**, *содда гап – қўшма гап* **(гап)**,

[108]Агабабян С. Р., Барабанова И. Г. Гипер-гипонимические отношения в языке Рунета // Успехи современной науки и образования. 2016. Т. 6. № 12. С. 43-46; Коновалова Е. А. Гипер-гипонимия в экономической терминологии // Философские студии. 2001. № 2. – С. 79-85.

[109]Ҳожиев А. Тилшунослик терминларнинг изоҳли луғати. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – Б.19.

[110]Mahkamov N., Ermatov I. Tilshunoslik terminlarining izohli lug‘ati. – T.: Fan, 2013. – B. 15-94.

[111]Ҳожиев А. Тилшунослик терминларнинг изоҳли луғати. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – Б.19-115.

прогрессив ассимилация – регрессив ассимилация **(ассимилация)**, *очиқ бўғин – ёпиқ бўғин* **(бўғин)**.

“Нотўғри шаклланган” гуруҳларда гипро-гипонимик гуруҳлар асосан иккитадан кўп гипонимларни ўз ичига олади. Масалан, *гап турлари* гиперонимида 10 дан ортиқ гипонимлар мавжуд: *содда гап, қўшма гап, дарак гап, сўроқ гап, буйруқ гап, ҳис-ҳаяжонли гап, ҳис-ҳаяжонсиз гап, эмоционал гап, ноэмоционал гап, интеллектуал гап* ва ҳ.к.

Ҳар қандай соҳа терминологик тизими тушунчаларни англатиши билан тилнинг маълум қонунларига бўйсунади. Гипро-гипонимик қаторларнинг асосий таркибий турлари иерархик тузилишга бўйсунади. Иерархия тил бирликларининг босқичли кетма-кетлик муносабати. Мас., *фонетика сатҳида товушлардан бўғинларнинг, бўғинлардан сўз ва тактларнинг, тактлардан фразаларнинг, фразалардан матнларнинг ҳосил бўлиши* каби.

Бунда семантик майдонларнинг иерархик тузилишини асосан гипонимияда кўриш мумкин. Улар юқоридан қуйигача кузатилиши мумкин, бу ерда юқори даража умумий, пастки сатҳ эса аниқ бўлади. Масалан, *сўз туркумлари* кузатиладиган энг юқори даража, энг паст даражаси *сон, эгалик, келишик* бўлиши мумкин.

Гиперо-гипонимик муносабатлар ўртасида қарама-қаршиликнинг икки тури мавжуд: хусусий ва эквивалент[112]. Терминлардаги қарама-қаршиликларнинг шаклланишини гипероним ва ҳар бир гипоним ўртасида кузатиш мумкин. Шу билан бирга ушбу гипонимларнинг ҳар бири, ажралиб турувчи таркибий қисм бўйича, бошқа бир қатор гипонимик атамалар учун гипероним ролини ўйнаши мумкин. Бундай қарама-қаршиликлар *эквивалент* деб аталади. Масалан, *товуш* гипероними-нинг *ундош товуш, унли товуш* гипонимлари мавжуд бўлиб, улар бир қатор бошқа гипонимларни ҳам ҳосил қилади, жумладан – ***ундош товуш*** – *жарангли ундош, жарангсиз ундош* каби.

Хусусий ва эквивалент қарама-қаршиликлар терминологиянинг яхлитлиги ва изчиллигини кўрсатди. Терминологияни тизимли шакллантиришда гиперо-гипонимик муносабатларнинг ўрни алоҳида. Терминлар жинс-тур муносабатларига асосланган гиперо-гипонимик гуруҳларга бирлаштирилиб, соҳа тушунчаларининг иерархияси ва ўзаро боғлиқлигини акс эттиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. Изд. 2. – М.: Советская энциклопедия, 1969. – 608 с.

2. Агабабян С. Р., Барабанова И. Г. Гипер-гипонимические отношения в языке Рунета // Успехи современной науки и образования. – М.: 2016.

[112]Жеребило Т. В. Словарь лингвистических терминов. Изд-е 5-е, испр. и доп. Назрань: Пилигрим, 2010. 486 с.

3. Бердиалиев А., Хидиров Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Хужанд: Раҳим Жалил, 2013. – 207 б.

4. Даниленко В. П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. М.: Наука, 1977. – 246 с.

5. Жеребило Т. В. Словарь лингвистических терминов. Изд-е 5-е, испр. и доп. Назрань: Пилигрим, 2010. – 486 с.

6. Коновалова Е. А. Гипер-гипонимия в экономической терминологии // Философские студии. – М., 2001. № 2. – С. 79-85.

7. Лайонз Дж. Лингвистическая семантика / Дж. Лайонз. – Москва: Языки славянской культуры, 2003. – 400 с.

8. Mahkamov N., Ermatov I. Tilshunoslik terminlarining izohli lug‘ati. – T.: Fan, 2013. – 144 b.

9. Сафарова Р. Лексик семантик муносабатнинг турлари. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 48 б.

10. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларнинг изоҳли луғати. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 168 б.

ШЕЪРИЙ МАТНЛАРДА МИЛЛИЙ ХАРАКТЕР ИФОДАСИ

Носирова Умидахон Икромовна
Фарарғона ВХТХҚТМОҲМ
Тилларни ўқитиш методикаси
кафедраси катта ўқитувчиси

Ҳар қандай шеърий матн маълум бир шаклий ва мазмуний уйғунликдаги бутунликдир. Шеърий матн яратишнинг коммуникатив стратегиялари унинг прагматик потенциалини белгилайди. Шеърий матннинг прагматик потенциали тилнинг прагматик таъсир кучи сифатида муаллифнинг лисоний воситалардан ўринли ва муайян мақсадга йўналтирилган ҳолда фойдаланишини тақозо этади.

Шеърий матн муаллиф томонидан яратилади, аммо бунинг заминида муаллифнинг китобхонга узатаётган ахбороти ётади. Муаллиф ахборот ўзатар экан “концептуал манзарани миллий-маданий либосга ўрайди”[113]. Унда миллий менталитет, миллий характер, миллий онг, миллий тафаккур, яъни ҳар бир халқнинг ўзига хос қиёфасини яратади. Характер тасвирида объектнинг ташқи белгилари эмас, балки унинг ички дунёси кўрсатилади. “Характер (юн.charakter – фарқланувчи хусусият, белги) – одамнинг ҳатти-ҳаракатлари ва атроф –муҳитга

[113] Усмонов Ф.Ўзбек тилидаги ўхшатишларнинг лингвомаданий тадқиқи. Фил.фан.бўйича фалсафа док. дис.. – Тошкент, 2020. –Б 17

муносабатида намоён бўладиган ўзига хос хусусияти, ички маънавий барқарорлиги ”[114]дир.

Бизга маълумки, “ҳар бир миллатнинг ўзига хос кўриш тарзи бор, ўзига хос идрок интизоми бор, умумлаштириб айтганда, ўзига хос тафаккур тамойили бор. Шунинг учун ҳам “миллий онг”, “миллий тафаккур”, “миллий туйғу”деган оддий тушунчалар, минг йиллардир одам боласининг қалбидаги нурга қудрат ва қамров бахш этиб келади”[115]. Ўзбек ҳалқи ўзига хос миллий характерга эга бўлиб, қуйидаги шеърда унинг бошқа халқлардан ажралиб турувчи ноёб характери ифодаланган:

Мўйсафид йўл узра бир бурда нонни
Тупроқ орасида кўрдию ногоҳ,
Аста қўлга олди, ўпди, бу онни
“Шиқ” этиб сувратга туширди сайёҳ.

Бир куни бу сурат олис маконда
Рўзномалар аро бўлди намоён.
Ёздилар: шўрлик халқ Ўзбекистонда
Мана шундай яшар зору нотавон.

Ким рад этар сурат далолатини,
Ишонмай, не қилсин бехабар олам?
Ўзбек деб аталган халқ одатини
Қаёқдан ҳам билсин бехабар одам?[116]

Ўзбек ҳалқида “Нон – азиз, ушоғи ҳам азиз” деган мақол бор. Ушбу мақол остида ўзбек халқининг миллий характери, мулоқот ҳулқи ётади. Ҳеч бир халқда нонга бўлган муносабат, эъзоз ўзбеклардек эмас. Ушбу шеърий матнда ўзбек ҳалқининг миллий характери, психологияси, мулоқот ҳулқи ёритилган бўлиб, тилшунос олим С.М.Мўминов таъкидлаганидек: “Мулоқот хулқи муаммосини миллий характер, миллат аҳолисининг ўзига хос урф-одатлари, қадрият ва анъаналарини ҳисобга олмасдан туриб мутлақо ўрганиш мумкин эмас. Чунки мулоқот ҳулқи миллат характерининг узвий бир қисми бўлиб, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир”[117]. Ушбу шеърий матнда коммуникатив акт рўй берган вазият ва жой, мулоқот иштирокчиларининг этник, индивидуал характеристикаси прагматик муносабатларнинг юзага чиқишига хизмат қилган.

[114] Мадвалиев А. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. –Б .384
[115] Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. –Б 10.
[116] Эркин Воҳидов. Танланган асарлар. –Тошкент: Шарқ, 2018. –Б .300
[117] Мўминов С.Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Док. дисс. автореферати. – Б. 36.

Шеърий матнларда индивидуал шахсга хос характер ҳам ифодаланиб, “характер тасвирида шахснинг характерига хос хусусиятлар ҳар доим ҳам аниқ белгилар билан эмас, балки бирор нарсага ўхшатиш, сифатлаш, сўз маъноларини кўчириш воситасида кўрсатилади. Бунда ўхшатиш ёки сифатлаш, маъноси кўчган сўзлар замирида унинг характерига хос хусусиятлар яширин бўлади.”[118] Профессор Ш.Сафаров “Когнитив тилшунослик” номли монографиясида тил ва тафаккур муносабати миллий менталлик ва миллий маданият тушунчалари билан узвийлик касб этишини таъкидлайди. Унинг фикрича, “ботиний структурани концептуал жараён, яъни *борлиқ – предмет воқеаларнинг идрок этилиши* ва уларнинг онгли ҳазм этилиши жараёнида юзага келадиган ҳодиса сифатида талқин қилмоқ керак. Бу жараёнда юзага келган бирлик – концепт ҳақиқий маъно бирлигига айланиши учун у лисоний қобиқ олмоғи даркор, фақатгина лисоний «либос» кийган концептгина лисоний фаолият воситасига айланади, маълум мазмун ифодаловчи белги сифатига эга бўлади.”[119] Шеърий матнларда миллатга хос ёки, аксинча, унга ёт бўлган характер “ифода шаклларини ҳосил қилишда инсон идрокидаги образ катта ўрин тутади”[120]. Ҳар қандай бадиий асарда яратилган образ, аввало, ёзувчининг кишиларга ва ҳаётга муносабатини акс эттириш воситаси ҳисобланади. Айни чоғда, у муаллифнинг ҳаёт ҳодисаларига берган маънавий баҳоси ҳамдир. Масалан:

Кўча ўртасида бир синиқ шиша
Ўтган-кетганларга солар ўзини.
Кўча ўртасида бир синиқ шиша
Қараган одамнинг олар кўзини.
Шофёрлар туширар қора ойнасин,
Йўловчилар четга бурар юзини.
Кўча ўртасида бир синиқ шиша –
Тенгсиз мўъжиза деб ўйлар ўзини. [121]

Ушбу шеърда образ даражасига кўтарилган *“синиқ шиша”* лексик бирлиги орқали инсоннинг интеллектуал, психологик ва эмоционал фаолиятининг салбий бўёғи ифодаланган. Муаллиф *“синиқ шиша”* атрибутив бирикмаси орқали ўзбек аёлларига мос келмайдиган характер тавсифини берган. Бизга маълумки, ўзбек аёллари ўзининг шарму ҳаёси, ибоси, ташки ва ички гўзаллиги, латофати билан ўзлигини намоён этади. Адабиётшунос олим Д.Қуронов “ижодкор ўзи анчадан бери ечолмай келаётган, ўзи англашга интилаётган масаланинг ечимини табиат манзарасида, ҳаётдаги бирон бир ҳолатда, ҳодиса ва шу кабиларда кўриши...

[118] Ҳожалиев.И.Т. Тасвир нутқ типининг лингвистик хусусиятлари. Ф.ф.номзоди илмий даражасини олиш учун десс автореферати. –Тошкент. 1998. .– Б. 16
[119] Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Монография. – Тошкент. 2008. –Б . 33
[120] Қурбонова С.Бадиий матнда шахс хусусиятларини ифодалаш.Фил.фан.бўйича фалсафа док..(PhD)дисс... Фаргона. -2018 .-Б 21
[121] Воҳидов Э. Танланган асарлар. –Тошкент : Шарқ, 2018.– Б. 49

мумкин”[122], деб таъкидлайди. Шеърни ўқиган китобхон қалбида, ҳеч шубҳасиз, *“синиқ шишани чегалаб, бутунлаб бўлмаганидек, беҳаё, нопок инсонлар, улар қанчалик кўзни қамаштирмасин, лекин уларни поклаб бўлмайди”*, деган тагмаъно юзага чиқади. Муаллиф ушбу шеърий матн орқали китобхон руҳиятига таъсир этади, хулоса чиқаришга ундайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, шеърий матнда тил бирликлари мазмунан бир-бирини тўлдириб, коммуникатив бир бутунликни ташкил қилади. Унда миллий характер, миллий онг, миллий тафаккур ўз ифодасини топади. Шу боис муаллифнинг тил бирликлари орқали инсоннинг ҳис-туйғулари, фикрлаш услуби, дунёқараши ва ахлоқига таъсири прагматика ва психология фанлари кесишмасида ўрганилади.

НУТҚ МАДАНИЯТИГА “БЕГОНА” СЎЗЛАР

Райимова Шаҳноза Содиқовна
Муқимий номидаги ҚДПИ талабаси

Нутқи равон кишини нотиқ деймиз. Нотиқлик – адабий тил меъёрларига хосланган, шевага хос сўзлардан йироқ, нутқнинг мукаммал шаклига амал қилиб айтиладиган сўз санъати. Нутқ – инсониятга берилган, уни бошқа мавжудотлардан ажратиб турадиган асосий мезон. Нутқ болаликдан пайдо бўлададиган ижтимоий воқелик. Нотиқлик инсон умри давомида шаклланадиган, маълум билим ва малакалар сабаб ривожланиб борувчи ҳодисадир. Демакки, у доимий ўзгаришда. Жаҳон халқлари тили билан таққослаганда, ўзбек тили нутқнинг теранлашув ва тадрижи учун беқиёс манба, бой тилдир. Нутқ услубларидан фойдаланишда ўзбек тили сўз бойлигининг имконияти кенг. Биргина Қуёш сўзининг *шамс, сирож, анвар, хуршид, офтоб* синонимлари ёки осмон сўзнинг *кўк, само, коинот, фалак* каби муқобилларидан нутқ услубларига мос равишда фойдаланишимиз мумкин. Синонимлардан ўз ўрнида фойдаланиш эса нутқни аниқ, таъсирчан ва чиройли бўлишини таъминлайди.

Сир эмаски, ўзбек тили ўз ички имкониятлари, яъни сўзга қўшимча қўшиш (аффиксация) ҳамда сўзга сўз қўшиш (композиция) усулида, шунингдек, чет эл сўзлари (варвар) нинг кириб келиши натижасида тўхтовсиз бойиб бормоқда. Нутқни бойитиш жараёнида иштирок этаётган бирламчи восита – сўзловчи, яъни муайян шахслардир. Шахслар ўз яшаш ҳудудларидан келиб чиқиб, айрим адабий сўзларни ўз хоҳишларига кўра қисқартириб, ўзгартириб фойдаланишга ўтганлар. Лекин бу тилимизнинг янги сўз билан бойимоқда, дегани эмас. Маълумки, адабий тил мамлакатнинг барча аҳолиси учун бирдек тушунарли бўлган тилдир. Маълум ҳудудда яшовчи, сўзларни ўз ҳолича қўлланилишига амал қилмаслик натижасида ўзга сўзни пайдо қилган кишилар бисотидаги айрим сўзлар бошқаларга

[122] Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. Андижон: Ҳаёт.2002. –Б 23-24.

тушунарсиз бўлиши табиий. Масалан: *“онг” (олинг), “кенг” (келинг), “куйинг (қуйинг), “суқори”, (печенье), “жей”, “жўй” (жой), “чей” (чой), “чўй” (чой), “тўхтаппайнг” (тўхтаб қўйинг), “бадринг” (бодринг), “кияпти” (келяпти), “бўзак”, “бўзоқ” (бузоқ), “бақа” (бу ёққа), “шақа” (шу ёққа), “чўйдиш” (қумғон), “чумалик” (чумоли), “тева” (тепа), “қумисқа” (қумурсқа), “закан” (зовур), “лўй” (лой), “тала” (дала), “пайшах” (паншаха), “дувол” (девор), мишиқ (мушук), “опке” (олиб кел), “шоғол” (шағал), “кесе” (кесак), “гаде” (гадой), “дувона” (девона), “опоқа” (опоқи, бобо), “ина” (эна), “йина” (игна), “опо” (опа), “аба” (она), “камзир” (камзул), “чач” (соч), “атта” (у ерда), “батта” (бу ерда)* кабилар янги сўзлар эмас, адабий тил сўзларининг бузилган ёки қисқартма шаклидир. Юқоридаги намуналарнинг айримлари эса сўз туркумлари бўйича ўз (асл) маъносига ҳам эга, яъни: онг (нима? от с.т.), кенг (қандай? сифат с.т), бақа (нима? от с.т), тева (бу ўринда туя: нима? от с.т), ва ҳ.к. Ассимиляция, диссимиляция, товуш тушиш, товуш алмашиш каби кутилмаган зарбаларга учраган “яродор” сўзлар сони афсуски, бойигандан бойиб бормоқда. Асосан, қишлоқ жойлардаги аҳоли ўртасида тарқалган бу каби сўзлар суҳбат жараёнларида фаол қатнашиб, одатий тушунувдаги жумлаларга айланиб кетган. Тўғри, айрим сўзларнинг талаффузи аслига ўхшаш, бироқ **онг, кенг, бақа** каби ўз маъносига эга сўзларни нутқ жараёнида қўллаш нутқ маданиятига зид, жиддий хатодир.

“Ўйнасанг ҳам ўйлаб гапир” дейди доно халқимиз. ***“Опо, бақа кенг. Жўйга ўтинг. Чўй ичамиз. Бошқача бўп кетибсиз. Чачингиз ўсиб, камзирингиз яқасига тушипти”*** деб турган мезбоннинг сўзи меҳмоннинг энсасини қотиради, беихтиёр кулгу қўзғаса, ичдан ғашланади.

Адабий тил меъёрлари бузилган сўзлар асосан сўзлашув услубига хос, бошқача айтганда “кўча тили”дир. Кўча эса ҳамманики. Ана ўша ҳамма сўз айтишда деярли ҳамма сўзга бошқача “тўн кийдириш” га қодир. Шифокор қабулига келган бемор навбат кутаётганларни кўриб, хонага ишора қилади-да, шундай дейди: “Ҳамма бақами?” Кимдир ҳайрон, кимдир эса ўзининг “бақа”га айланганига бепарво жавоб қилади.

Нутқнинг оғзаки ва ёзма кўринишда бўлиб турган бугунги икки шаклидан ўз ўрнида фойдаланамиз. Хат, таклифнома, табрик, ариза каби меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, алоқа хатлари ва ёзишмалар шулар жумласидан. Кейинги пайтларда сўзловчилар ўртасида оммалашган“ташриф буюрмоқ” сўзи “келмоқ” сўзининг навбатчи вариантига айланиб қолди. Аксарият ёшлар (афсуски, катталар ҳам) интервью ва суҳбатлардаги нутқида шу сўзни боз-боз такрорлаётир. Давлат раҳбарларининг бир мамлакатдан бошқа мамлакатга борди-келдисини англатувчи **“ташриф”, “ташриф буюрмоқ”** феъли олий даражадаги учрашув учун зарур бўлган “шоҳона” жумладир. ОАВ да бериб бориладиган сиёсий хабар ва мақолаларда айнан шу жумлани учратиш мумкин: “Давлат раҳбари расмий ташриф билан Хитойга борди”, “Хитой халқ республикаси Президенти

мамлакатимизга ташриф буюрди”, Ташриф давомида меҳмон кенг доирадаги учрашувда иштирок этди”, “Ташриф якунида келгуси режалар бўйича келишиб олинди”. Ҳурматли меҳмоннинг иззати учун “ташриф” сўзи ҳамроҳ бўлиб турган ҳолатда, бир қишлоқдан бошқа қишлоққа келган, ёки бир шаҳардан, қўйингки, бир вилоятдан бошқа вилоятга турли мақсадларда борганларнинг “ташриф буюрдим” ёки “ташриф буюрдик” деб туриши улардаги нутқий маданиятнинг камлиги ёҳуд йўқлигидан далолат беради.

Нутқий маданиятдаги қусурларни тўғрилаш, турли ўзгариш ва эврилишларга учраган “хаста” сўзларни даволаш эса бугун-эрта бўладиган жараён эмас. Йиллар давомида пайдо бўлган сўзларни аслига қайтариш учун ҳам йиллар керакдир.

Нутқ маданиятига таъсир этувчи салбий омиллар лексик, грамматик ёҳуд фонетик жиҳатдан бузилган сўзларгагина боғлиқ эмас. Бу ўринда нутқ маданиятига сезилар-сезилмас, бироқ жиддий нуқсон бўлиши мумкинликдаги товушларнинг борлиги ҳамдир. Гап “нг” товуши устида бормоқда Айб ҳарфда эмас, уни қўллаш билан боғлиқ хатога йўл қўйганларда. “Келин-келинг”, кўйин-қўйинг”, “олин-олинг”, “борин-боринг”, “айтин-айтинг”, “сотин-сотинг”. Бу ўринда санаб ўтилган сўзлардаги “нг” ҳарфининг талаффуздаги мавжудлигини таъминлаш “юк”и “и” ҳарфи (товуши) га юкланган: оли:н тарзида, яъни “и” товушини аниқроқ талаффуз этиш билан “нг” нинг борлигига ишора қилинади. Лекин “и” ва “нг” нинг ҳам ўз ўрнида бўлгани маъқул. Икки ҳарф – икки хил товуш, яъни ҳарфнинг ёнма-ён келган ҳолдаги бирининг йўқлиги Али бўлмаса, Вали дегани эмас. Буйруқ бериш, ҳайдаш, чақириш, даъват этиш каби вазиятларда айтиладиган бу каби сўзлар сўнггидаги “нг” товуши талаффузда деярли сезилмай бормоқда. “н”+”г”>нг тарзида пайдо бўлган ҳарф бирикмасининг баъзи ўринларда бир-биридан “жудо бўлиши” одатий ҳолга айланиб қолгандек. Ахир “келин” (эга) билан “келинг” (кесим) нинг фарқи кундек равшан-ку?! Ёки “олин/олинг” ни кўрайлик. “Олин” даги “нг” товуши баъзан жаранглаб ҳам қолади, бироқ қош қўяман деб, кўз чиқарган бўламиз. “Олинг” сўзи бир айланиб, яна ўша “онг” га қайтади, бу эса шевага хос сўзловчилар топган қисқартма вариантнинг ҳали ҳам амалда эканидир.

Нотиқлик санъатига эга кишига нисбатан нутқий маданиятга эга экан, деймиз. Хўш, маданият ўзи нима? Унга изоҳ борми? ***Маданият ҳам энди шаклий, маиший маъноларини йўқотиб, эстетик-ахлоқий тушунчага айланиб бормоқда. Маданият деганда бугун биз кўпроқ ички маданиятни кўзда тутамиз, юксак фазилатлар мажмуини тушунамиз”***[1]Демак, маданият, юксак фазилатлар мажмуи экан, бу мажмуанинг таркибига хулқ-атвор, тарбия билан бир қаторда нутқий саводхонлик, яъни нутқий маданият ҳам кириши тайин. Нутқий маданиятнинг такомиллашуви эса кишидаги сўз бойлиги, тафаккурининг кенглиги, теран фикрга эга бўлишига чамбарчас боғлиқ. Нутқий камчиликларни

бартараф этиш бўйича мана шу боғлиқлик англанганда эса, нутқ маданиятига “бегона” сўзлардан ҳалос бўлишга эришамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Э.Воҳидов. Тўла асарлар тўплами. 4-жилд. Шеърлар, драма, адабий мақолалар. Т.: “Sharq”, 2016. – 416 б. {276-бет}

ТЎҒРИ ТАЛАФФУЗДАН НУТҚ МАДАНИЯТИ САРИ

С.Ачилова, Ш.Райимова
Муқимий номидаги ҚДПИ.

Бугунги кунда нутқ маданиятига эришиш тилшуносликнинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб келмоқда. Шахс жамиятнинг аъзоси сифатида яшар экан, фикр, дунёқараш, билим савияси ва кўникмалари шаклланиши баробарида ривожланиб ҳам боради. Ривожланишга хизмат қилувчи бирламчи омил эса нутқий жараёндир. Маълумки, шахслар бир-бирлари билан мулоқот жараёнида икки хил мақомда бўладилар: сўзловчи ва тингловчи. Бу ўринда ахборот узатувчи-сўзловчи, ахборотни қабул қилувчи – тингловчига айланади. Ахборотнинг тингловчига тўлиқ ва аниқ етказилиши биринчи галда сўзловчига боғлиқ. Нутқни бир шахс яратар экан, унинг билим даражаси, сўз бойлиги, лексик ва фонетик жиҳатдан тўғри талаффузга эгалиги нутқий маданиятнинг шаклланишига хизмат қилади. Чунки талаффуздаги товушлар занжири бир-бирига шу қадар боғланганки, унинг узилиши маълум сўз ёхуд жумланинг бузилишига сабаб бўлади.

Ҳозирда ўзбек тили доирасидаги нутқ маданиятига салбий таъсирлар қуйидагича намоён бўлмоқда:

- *талаффузда айрим товушларни ўзгартириш ёҳуд тушириб қолдириш;*
- *талаффузда бир сўзни кетма-кет ёки тез-тез такрорлаш;*
- *нутқ давомида жаргон, арго, вулгар, варвар сўзларни қўллаш.*

Бу ўринда ижобий хусусиятдаги лексемалар (жаргон)дан фойдаланиш нутққа таъсирчанлик сифатида безак беришини инобатга олсак, қолган ҳолатлар нутқ маданияти ҳуснига доғдек гап. Чунки салбий маънодаги лексемалар (арго), қарғиш ва сўкиш (вулгар), четдан кириб келган сўз (варвар) ларни нутқ жараёнида қўллаш нутқ маданиятининг пасайиши, секин-асталик билан емирилиб боришига олиб келади. Нутқимизнинг бундай жиддий хатоликлардан ҳоли эмаслиги эса ўзбек тилининг бой ва беқиёс қудратига путур етказилиши демакдир. Нутқ маданияти шаклланишига жиддий хавф бўлиб турган яна бир масала сўзлашда такрорий сўзлардан ўринсиз фойдаланишдир. Нутқда тез-тез жарангловчи бундай сўз ва сўз бирикмалари тилшуносликда “паразит сўзлар” дейилади. Афсуски, бундай сўзларнинг ҳиссаси юқорида санаб ўтилган салбий ҳолатлардан-да кўпроқни ташкил этиб турибди. Ҳар уч сўзловчининг икки нафарида шундай

“касаллик” бор. Ахборот қабул қилувчи буни тез илғайди ва сўзловчи нутқига ўрнашиб қолган қайсидир такрорий сўзни аксарият ҳолларда ўзи ҳам қўллай бошлайди. Қисқача айтганда, такрорий сўзнинг бошқа шахсда ҳам такрорланиш жараёни “юқумчил” кўриниш олади. ***“Хўш”, “мана”, “демак”, “яъни”, “кейин-иннайкейин”, “ўша”, “ҳалиги”, “анақа”, “шу-шу”, “яна”, “ҳамда”, “хуллас”*** ва ҳ.к. сўзлар шулар жумласидан. Нутқни паразит сўзлардан ҳалос этишнинг асосий “дори”си, яъни бу ўринда ишончли қурол – сўз бойлигини оширишдир. Сўзловчининг сўз бойлиги кўп бўлгандагина такрорий сўзларнинг нутқдаги умри қисқариб бораверади, аниқроқ айтганимизда, бундай сўзлар нутқда паразитлик қилолмайди.

Бугун нутқ давомида варвар сўзларни қўллаш одат тусига кириб бормоқда. Бунга аксарият ҳолларда ёшлар ўртасидаги мулоқот жараёнларида гувоҳ бўлиш мумкин. Нутққа ортиқча зеб беришни ўзига бино қўйганликнинг белгиси деб оладиган бўлсак, ўзбек тилига ортиқча зебу пардознинг кераги йўқ. Чунки ўзбек тили ўзига хос жило, оҳанг, маъно ва мазмунга эга. Қолаверса, варвар сўзлардан ўринсиз фойдаланиш “оммавий маданият”нинг бир кўриниши сифатида қулоч ёзаётганидан даолат беради. Тилшуносликка хос бўлмаган бундай ёт қусурнинг авж нуқтасини Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ўзининг “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” китобидан ўрин олган “Муштипар” монологидаги суҳбатдош аёл образи орқали бера олган: *“Мен, к сожелению, сизнинг сочиненияларингизни ўқиган эмасман, хотя эшитганман. Мамашкалар тўғрисида ёзаркансиз. Менинг ҳам тўртта болам бор. Нима, унақага ўхшамайди-ку, дейсизми? Раҳмат, комплимент учун...”* Мана шу икки оғиз жумладаги ўзбек тилига ёт сўзларни санайдиган бўлсак, аёлнинг суҳбат давомидаги “варвар”лари сони кишини чалғитиб юбориши тайин. Ёҳуд бошқа мисолни кўрайлик. *“Сен **кема**, ўзим бораман. Эсингдан чиқиб **қомасин. Қишлақтан кеяпппан.** Шаҳарлик **қандаштикида** тўй **бўяпти**”.* Ажратиб кўрсатилган сўзлардаги хатоликлар шевага хос сўзлар сирасидан. Лекин ҳар гапнинг бирида бундай сўзларнинг учраши нутқ маданияти ривожи йўлида улкан тўсиқ каби тураверади. Тилшуносликдаги масала бу тўсиқни айланиб ўтиш эмас, уни батамом йўқ этишдир. Аммо бу тўсиқнинг зарур ҳолда ўз ўрни ҳам бор.

Маълумки, нутқ услублари доирасидаги бадиий услуб ўзининг кенг қамровлилиги, яъни барча нутқ услубларини қамраб олиши билан ажралиб туради. Бунда ижодкор ўз асари қаҳрамонларининг ички дунёси, руҳий олами, характери ва тушган вазиятини ўқувчига янада жонли етказишда хоҳлаган ўзгаришдаги сўзларни қўллаши мумкин. Асар қаҳрамонининг ўз ҳолича “сўзлаши” мутолаа жараёнида ўқувчини таажжубга солмайди, диққат қилмайди. Қаҳрамон характерига уйғунлашиб кетган ҳар бир сўз ўқувчига эстетик завқ, хордиқ ва бошқа ҳисларни етказишга хизмат қилади.

“...Чарос яқин келиши билан узуқ-юлуқ гапларни эшитди.

– *Вой, нима қипти?*

– *Сирка ичибди.*
– *Войй!*
Ичкаридан дилни ларзага солувчи фарёд эшитилди.
– *Вой болеем! Онанг ўлсин, болеем! Онагинанг ўлсин, болеем!...”*[1]

Айтилган сўзнинг отилган ўқ эканини таъкидлаб кетган доноларимиз бисотидан нутқ маданиятига доир яна бир ибратли фикрни келтириш мумкин: “Оз сўзласанг ҳам соз сўзла!” Бир шахс томонидан айтилган нутқ воқеаланиш, яъни ҳодиса тусини олгач, ўз таъсирини иккинчи ва учинчи шахсга ўтказади. Бунда мулоқот доираси юзага келади. Доирани ўраб турган мулоқот иштирокчилари, яъни нутқ эгалари занжири бир-бирига уланган ҳолда каттагина ҳудудни забт этиб бораверади. Ҳудуд эса бир давлат, мамлакат миқёсидир. Бугун асрлар оша сайқалланган, не-не нодир асарларнинг яралишига илҳом, завқ ва ифтихор берган бой манба-ўзбек тилининг бойлиги ва қудрати ўз мақомини сақлаб турибди. Ўзбек халқи учун нондек азиз ва лазиз бўлган ўзбек тили кейинги йилларда кўплаб тилшунос олимлар томонидан энг тўғри ва муқобил сўзлар билан бойитилди, бойитилмоқда. Ўзбек тили тараққиёти бардавомлигини сақлаб қолишнинг биринчи галдаги йўли мактабгача ёшдаги болалар тарбияси билан, уларнинг нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик борасидаги машғулотларини тизимли ва чуқурлаштирилган ҳолда олиб боришдир. Чунки, айнан 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларда нутқ ривожланишининг бир қатор талаблари мавжуд, булар қуйидагилардир:

- тинглаш ва тушунишга қодирлик;
- сўзлаш ва мулоқот қобилиятига эга бўлиш;
- талаффузни яхшилаш;
- сўз бойлигини ошириб бориш;
- нутқнниг грамматик тузилишини шакллантириш;
- боғланишли нутқни шакллантириш.[2]

Нутқ маданиятини ошириш бўйича машғулот ва дарсларни боланинг мактабгача ва мактаб ёши даврида сингдириб бориш, яъни сўзларни аслидек айтиш ва айттириш оила ҳамда таълим муассасаси ўртасида давом этадиган етакчи йўналиш бўлмоғи зарур. Тўғри талаффузгина нутқнинг изчил ва равонлигини, тўкис ва мукаммал бўлишини таъминловчи бирламчи мезондир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ў.Ҳошимов.Танланган асарлар: 1-жилд. – Т.: “Шарқ”, 2009. – 448 б.
2. Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари . 2013 йил .

ГИПЕРО-ГИПОНИМИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ ВЫРАЗИТЕЛЬНЫХ СРЕДСТВ ЗНАЧЕНИЙ «РОДИТЕЛЬ РОДИТЕЛЕЙ ЖЕНСКОГО ПОЛА» В УЗБЕКСКОМ И РУССКОМ ЯЗЫКАХ

Каримова В.В., Бурханова Г,
ст. преподаватели Кокандского ГПИ им Мукими;
соискатели кафедры «Узбекский язык и методика его преподавания» Худжандского госуниверситета имени академика Б.Гафурова (Республика Таджикистан).

Аннотация. *В статье рассматриваются выражения значений «родителя родителей женского пола» («мать отца и матери»), которые являются одним из распространённых значений плана содержания терминов родства в тюркских языках и языках народов мира..*

Аннотация. *Мақолада ўзбек ва рус тилларида "ота-она(м)нинг онаси" (*"отанинг онаси", "онанинг онаси") *маъноларини ифодаловчи лисоний воситалар ва уларнинг гипероним ва гипонимик муносабатлари ҳақида фикр юритилади.*

Ключевые слова и выражения: *значение, мать отца, мать матери, реализация, лексикографические данные, узбекский язык, русский язык, эквивалент, гетероним, эквоним, гипоним, лексикографические данные, синтагматико-парадигматическое отношение* и др.

Таянч суз ва иборалар: *маъно, отанинг онаси, онанинг онаси, вқцеланиш, лексикографик маълумот, ўзбек тили, рус тили, муқобил бирлик, гипероним, эквоним, гипоним, синтагматик ва парадигматик муносабатлар* ва б.

Значения «родитель родителей женского пола» («мать отца», «мать матери») – одним из широко распространенных значений в языках всех народов и национальностей мира.

В узбекском, языке выражение значения «родитель отца женского пола» («мать отца») не различается от выражения значения «родитель матери женского пола» («мать матери»), которые реализуются с помощью лексемы *буви,* что является инвариантной лексемой синонимической парадигмы со значением «родитель родителей женского пола».

В знаменитом словаре В.В.Радлова встречается многозначное слово *LoLo* в значении «родитель женского пола» («мать»), которое, кроме значения *«родителя эго женского пола*» («мать»), обозначало и «*родителя родителей женского пола*», т.е. «бабушка» [1, 2084].

В письменных памятниках тюркских языков в значении «родителя родителей женского пола» («бабушка», «старуха») употреблена и лексема *куртга* [2, 328]. Лексикографические данные тунгусо-маньчжурских языков свидетельствуют, что в языках тунгусо-маньчжурской группы значения «родитель

родителей женского пола» («*мать отца», «мать матери*») выражаются с помощью слов *аба, абай // эбечи // энечи // эмгээн, мама, найна* [3: 433, 452, 578]. Данное значение в сарыг-югурском языке выражается словами *anigam, aneka* [4, 171-122].

Во многих говорах узбекского языка значения «родитель родителей женского пола» («*мать отца»* и *«мать матери»)* выражаются с помощью лексем *бува, биби, эна, катена (*от «катта эна»), *мома, оча* и др., которые составляют парадигму выразительных средств со значением «родитель родителей женского пола» вообще. Следует отметить, что по отношению к характеру выражения значения «родитель отца женского пола» («мать отца») и «родитель матери женского пола» («мать матери») узбекский язык отличается от других некоторых тюркских языков. Например, в кыргизском языке значения «родитель отца женского пола» («мать отца») и «родитель матери женского пола» («мать матери») выражаются с помощью различных лексем: в значении «мать отца» употребляется лексема *чон эне,* а в значении «мать матери» – *тай эне* [5]..

По поводу элемента «*тай»* (один из его вариантов: *дайы*) Л.А.Покровская пишет, что в терминологии родства в языках тюркских народов термин *тай // дайы* занимает очень важное место: им обозначается все родство по линии матери [6, 47].

И в русском языке значения «родитель отца женского пола» («мать отца») и «родитель матери женского пола» («мать матери») выражаются с помощью одной и той же лексемы – лексемой *бабушка.* Значения «родитель отца женского пола» в русском языке, как в узбекском, выражается словосочетанием «бабушка по отцу» («отамнинг онаси»); а значение «родитель матери женского пола» – словосочетанием «бабушка по матери» («онамнинг онаси»).

Лексема *буви* в узбекском языке, *бабушка* в русском – представляют собой как гиперонимы (и гиперосемы) по отношению к двум словосочетаниям-гипонимам:

а) «*отам(м)нинг онаси»//* «мать отца»;

б) *«она(м)нинг онаси//*«мать матери».

Термины-словосочетания «*отамнинг онаси*»//«*бабушка по отцу»,* «*онамнинг онаси//* «*бабушка по матери*» являются гипонимами гиперонима «*буви»//«бабушка*» в узбекском и русском языках и образуют парадигму одной функционально-семантической микросистемы (ФСМС) со значением «*родители отца женского пола» и «родитель матери женского пола*».

Значение «*мать родителей*» является интегральной семой для семантических структур компонентов *«ота(м)нинг онаси»//* «*мать отца»* и «*она(м)нинг онаси*»//«*мать матери»* данной ФСМС в узбекском и русском языках. В качестве дифференциальной семы для семантических структур компонентов – словосочетаний-гипонимов «*ота(м)нинг онаси//«мать отца*» и

«она(м)нинг онаси//«мать матери» функционирует как отношения родства «к отцу» и «к матери»

Как нам известно, гиперо-гипонимические отношения входят в круг семантических отношений, возникающих между единицами плана содержания. Эти отношения бывают парадигматико-семантическими и синтагматико-семантическими. Термины родства узб. *буви* русс. *бабушка* имеют семантическую связь с лексемами *бобо* в узбекском языке, *дед// дедушка* в русском*: отамнинг отаси//дед по отцу; онамнинг отаси//дед (дедушка) по матери».*

Эта семантическая связь относится к парадигматико-семантическим отношениям между семантическими единицами, которые противопоставляются синтагматико-семантическим отношениям. Различие между этими функционально-семантическими отношениями заключается в том, что парадигматико-семантические отношения имеют место между семантическими единицами безотносительно к их совместному употреблению в пределах фиксированного речевого отрезка. Синтагматико-семантические отношения связывают семантические единицы в пределах одного и того же речевого отрезка.

Так, парадигматико - семантические отношения возникают между терминами-гетеронимами типа узб. *ата* «отец» и *она* «мать» (*ота-она//отец-мать*), *опа* «ст. сестра» и *сингил «младш. сестра» (опа-сингил)* и т.п. Гетеронимический характер носят термины-словосочетания *отамнинг онаси//мать отца* и *отамнинг отаси//отец отца (*«бабушка и дед по линии отца») *онамнинг онаси//мать матери* и *онамнинг отаси//отец матери.*

Синтагматико-семантические отношения возникают между словами разных частей речи, что называется **супплетивом лексического плана:** узб. *хотин* («жена», «женщина»), *олмок (* «взять», «брать»), *эр* «муж», «мужчина», *чикмок* «выйти», «выходить» : *хотын олмок* «жениться», *эрга чикмок* «выйти замуж».

Следует вывод о том, что при парадигматико-семантическом отношении образуются парные слова, при синтагматико-семантическом отношении – устойчивое словосочетание – фразеологизм. Парадигматико-семантические отношения основываются на гетеронимическую связь слов, синтагматико-семантические отношения на супплетивную связь слов.

Таким образом, в заключении следует отметить, что в выражении значений «родитель родителей женского пола» в обеих языках наблюдается ассиметрия: и значение «мать отца», и значение «мать матери» выражается с помощью одной и той же лексемой – лексемой *буви* в узбекском языке, лесемой *бабушка* – в русском.

Литература

1. Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Т.4., ч. 1. –С-Петербург, 1911.
2. Девону луѓотит турк. Индекс-луѓат. –Тошкент: Фан, 1067.

3. Сравнительный словарь тунгусо-маньчжурских языков. В двух томах. Т.1. – Ленинград, 1975; т.2. –Ленинград, 1977.
4. Тенишев Э.Р. Строй сарыг-югурского языка.-М..: Наука, 1076.
5. Кыргызско-русский словарь. Составил проф. КК. Юдахин. –М. : Советская энциклопедия, 1965.
6. Покровская Л. А. Термины родства в тюркских языках // В кн. Историческое развитие лексики тюркских языков. –М.: Издво АН СССР, 1961.

RUS TILIGA O‘ZLASHGAN TURKIY SO‘ZLAR

Aralova Lobar Akbar qizi
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent
davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti

Annotatsiya: *Maqolada turkiy tillarning o‘zaro ta’siri natijasida rus tiliga o‘zlashgan turkiy so‘zlar tadqiq qilingan va misollar ilmiy manbalar asosida izohlangan. Rus tiliga o‘zlashgan so‘zlarning tarixiy ildizlari, ulardagi fonetik, leksik, semantik o‘zgarishlar borasida so‘z boradi.*

Kalit so‘zlar: *turkiy so‘zlar, kebit, tovar, tamojnya, karagach, tobulg‘a, jir.*

Anotation: *In the article, the Turkic words that have mastered the Russian language are explored as a result of the interaction of Turkic languages. The article illustrate the origin of Russian words and fonetic, leksik, semantic changing in this.*

Key words: *Turkic words, shop, ownership, customs, elm, tree, oil.*

Tarixiy taraqqiyot jarayonida dunyo xalqlari o‘rtasida o‘zaro iqtisodiy, siyosiy, ilmiy, madaniy aloqalar sodir bo‘ladi. Buning natijasida tillarning lug‘at tarkibi yangi tushunchalar va ularni ifodalovchi so‘zlar bilan boyib boradi. Darhaqiqat, rus xalqi bilan hamohang tarzda rus tili ham o‘zining tarixiy rivojlanishida ko‘plab boshqa xalqlar tillari bilan aloqada bo‘ladi, shu bois, rus tili lug‘at tarkibining ma’lum qismini o‘zlashgan so‘zlar tashkil etadi. Hozirgi kunda rus va turkiy tillar aloqalarini o‘rganish zamonaviy lingvistikaning asosiy vazifalaridan biri sanaladi. Izlanishlar turk terminlarining rus tiliga kirib kelish yo‘llari va ularning kirib kelgan vaqti hamda qanday moslashishini ko‘rsatadi. Turkiy tildan o‘zlashgan so‘zlar rus tili leksikaning sezilarli qatlamini hosil qiladi.

XVI-XVII asrlarda Usmonlilar imperiyasining ulkan madaniy ta’siri natijasida turkiy tillardan **“kebit”** so‘zi rus tiliga o‘zlashdi. Turkiy xalqlar orasida bu so‘z XII-XIV asrlardayoq faol qo‘llanilgan edi. Mahmud Koshg‘ariyning “Devoni lug‘atit turk” asarida “ichkilik do‘koni, mayxona” ma‘nosida qo‘llanilganligi qayd etilgan (DLT,I,338). Shuningdek, “Qutadg‘u bilig” dostonida ham “kichik do‘koncha” ma’nosini bildiruvchi kebit leksemasi uchraydi. *Kebit keδ bezädim kiŝi körgüsi, asïγ joq kebitta satïγ belgüsi* - Do‘konni manzur bezaganim – bu odamlar ko‘rishigaginadir, bu do‘konda savdo belgisi bo‘lmish foyda yo‘q (QB, 5000).

Tovar-qadimgi ajdodlarimiz tilida keng ishlatilib, bir muddat iste'moldan deyarli chiqqan va yana davr taqozosi bilan hozirgi kundalik so‘zlashuv tilimizda juda faol qo‘llanilayotgan ushbu so‘z Mahmud Koshg‘ariyning “Devoni lug‘otit turk” asaridagi “tabmaq” fe'li bilan bog‘liq. “Tabmaq” fe'li topmoq, ishlab topmoq, ega bo‘lmoq kabi lug‘aviy ma'nolarni anglatadi. Koshg‘ariyning fikricha, O‘rxun-Enasoy bitiklaridagi “tovar” so‘zi “tabmaq” asosida hosil qilingan. Bu “molk-mulk, xomashyo, shaxsiy buyum” ma'nolarini anglatadi.

Tamojnya - hozirgi kunda tilimizga “bojxona” tariqasida o‘girilayotgan ushbu so‘z qadimiy tarixga ega bo‘lib, uning shakllanishi turk xoqonligi davriga borib taqaladi. Devonda bu so‘z “tug‘rochi-tamg‘achi” shakllarida qo‘llanilgan bo‘lib, Movarounnahr atrofidagi boshqa davlatlar tomonidan “damochi” deb nomlangan. Bu hozirgi kunda konselyariya va devonxona bilan bog‘liq.

Yog‘ochi qattiq, shoxlari tig‘iz joylashgan, bargi mayda va to‘q rangli, qalin soya beradigan, suvsizlikka chidamli daraxt ma'nosida qo‘llaniluvchi **“qayrag‘och”** so‘zi mo‘g‘ullar istilosi davrida rus tiliga o‘zlashgan deb qaraladi. Fasmerning “Этимологический словарь русского языка” asarida “карагач”-qora daraxt sifatida izohlanadi. Aslida “qayrag‘och” ikki so‘zdan hosil bo‘lgan. Undagi “qayir” so‘zi “qattiq”, “puxta” mazmunini, “og‘och” so‘zi esa “daraxt” ma'nosini anglatgan. Ilmiy manbalarda ham shu ma'no qayd etilgan. Jumladan, Mahmud Koshg‘ariyning “Devoni lug‘atit turk” asarida “yig‘ach”- “daraxt” ma'nosida qo‘llanilgan (DLT,I,15). Masalan, uzum yig‘achi-uzum daraxti ana shu ma'nodadir. Mahmud Koshg‘ariy izohiga ko‘ra, yog‘och so‘zi XI asr qabilalari tilida biroz farqli qo‘llangan. Bu so‘z u davrda daraxt, uzunlik o‘lchovi , o‘tin ma'nolarini anglatgan. Hozirgi o‘zbek tilida bu so‘z , asosan, yog‘och tarzida, ba'zi birikmalarda og‘och tarzida qo‘llanadi. Lekin hozirgi tilda bu so‘zning birinchi ma'nosi o‘rnida , asosan, daraxt so‘zi qo`llanadi. Shu bilan birga, bu yog‘och so‘zining ma'nosi hozirgi tilda juda kengaygan. Katta-kichik ustun, novda, xoda ma'nosida ham qo‘llana beradi. Hatto Navoiy asarlarida ham daraxt ma'nosida qo‘llanganligini ko‘ramiz.

Yog‘ochi ustida ko‘p sabzalar fosh,
Bale ko‘k sabzasidin o‘ktarib bosh.
(U daraxt serbarg edi-yu, osmondan baland edi).

Yana bir rus tiliga o‘zlashgan so‘z bu-**“tabulg‘a”** so‘zidir.

Bir tabulg‘a yuz bo‘ldi,
Yuz tabulg‘a ming bo‘ldi,
Ming tabulg‘a tuman bo‘ldi,
Bilib qo‘ying: foydasi bor, bu yaxshi.

Yuqoridagi she'r eramizning IX asr boshlarida yaratilgan “Irq” bitigidan keltirildi. “Qadimiy hikmatlar” kitobida berilgan izohga ko‘ra, Zahiriddin Muhammad Boburning yozishicha, tabulg‘a qizil po‘stloqli daraxt bo‘lib, Farg‘ona tog‘laridan boshqa yerda uchramaydi. Mahalliy aholi undan o‘q va tayoq yasashadi. Mahmud Koshg‘ariyda bu so‘zning o‘zgacha varianti “tavilqu” shakli uchraydi. Devonda olim bu so‘zga “qizil tol

daraxti” deb izoh bergan. Bobur ham qizil po‘stloqli degan. Rus tilida bu so‘z “таволга” deyiladi. “Ruscha-o‘zbekcha lug‘at” da “таволга” so‘zining tarjimasi “tobulg‘i, tubulg‘a” deb ko‘rsatilgan. “O‘zbek tilining izohli lug‘ati” da esa tobulg‘i, to`bilg‘i ra’noguldoshlarga mansub, tog‘li yerlarda, jarliklarda uchraydigan buta o‘simlik, deb izohlangan.

Alibek Rustamovning “So‘z xususida so‘z” kitobida ta’kidlanishicha, **“жир”** so‘zi tilimizda “yog‘”, “moy” ma’nosini anglatadi. Ozg‘in kishiga nisbatan “Bunga hech jir bitmayabdi” yoki “Buning hech jiri yo‘q” degan iboralar shu mazmundan kelib chiqqan(O‘zbek tilidagi “jir”da “jurnal” so‘zidagi kabi “ж” talaffuz qilinadi).[123] Shunisi qiziqki, rus tilidagi “жир” so‘zi asli bizning tilimizdagi ayni shu “jir” so‘zining o‘zidir. Chunki “jir” so‘zining turkiy so‘z ekanligi Mahmud Koshg‘ariyning lug‘atida qayd etilgan.

Rus va turkiy xalqlar o‘rtasidagi o‘zaro ijtimoiy-iqtisodiy hamkorlik, savdo va madaniy aloqalarning yo‘lga qo‘yilishi ruslarning leksikonida ham ozgarish sodir bo`lganligini, qardosh xalqlarimizdan rus tiliga yangi so`zlarni kirib borganligini ko‘rsatadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati:

1. Abdurahmonov G., To‘xliyev B., Rustamov A., Dadaboyev H. Qutadgu bilig. I, II, III, IV, V jildlar. – Toshkent: Jahon print, 2011.
2. Abdushukurov B. “Qissasi Rabg‘uziy” leksikasi. – Toshkent: Akademnashr, 2008.
3. Макс Фасмер. Этимологический словарь русского языка. – Москва: Прогресс, 1986.
4. Mahmud Koshg‘ariy. Devoni lug‘otut – turk. (I, II, III jildlar). – Toshkent, 1963.
5. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. (I, II, III, IV jildlar). – Toshkent.
6. Shukurov E. Bobo so‘z izidan. – Toshkent: Mashhur-press, 2018.

FRANSUZ VA O’ZBEK TILLARIDA SO’Z SEMANTIKASINING O’ZIGA HOS JIHATLARI

Atamirzayeva Mahliyo Xabibullayevna
AndDU Fransuz tili va adabiyoti kafedrasi o’qituvchisi

Ma'lumki har bir til lug’at tarkibidagi mavjud so’zlar kommunikasiyaga chiqqanlarida ob'ektiv borliqning turli tomonlarini aks ettirib kommunikativ xususiyatlariga ko’ra bir xil bo’lmagan informativ kommunikativ qimmat oladilar. Bu xolat so’zlar ma'no tuzilishining kommunikasiya yaruslariga ko’ra aspektlashuvidan dalolat beradi. Nutqda so’z ma'no tuzilishining logik, affektiv, funksional-stilistik aspektlari farqlanadi.[2.44bet]

Logik aspekt kommunikasiyaning nominativ yarusiga aloqador bo’lsa, affektiv aspekt pragmatik yarusga aloqadorligi bilan xarakterlanadi.

[123] E. Shukurov. Bobo so‘z izidan. – Toshkent: Mashhur-press, 2018. 312-b.

So’z ma'no tuzilishining funksional-stilistik aspekti kommunikasiyaning funksional yarusiga ko’ra farqlanadi. So’z semantikasining har bir aspekti asosida asosiy va ko’chma ma'no yotadi.

Shunga ko’ra mavjud ma'no aspektlarida asosiy va ko’chma ma'nolar farqlanadi.

Ma’no aspektlari Ma’no turlari	Logik aspect	Affektiv aspekt	Funksional stilistik aspect
Asosiy ma’no	Asosiy logik ma’no	Asosiy affektiv ma’no	Asosiy funksional stilistik ma’no
Ko’chma ma’no	Ko’chma logik ma’no	Ko’chma affektiv ma’no	Funksional stilistik ma’no

So’z semantik tuzilishining har bir aspekti o’ziga xos xususiyatiga ko’ra bir-biridan farq qiladi. Jumladan, logik aspekt asosiy ma'no planida ob'ektiv reallikning konkret predmetini aks ettirib neytral xususiyat kasb etadi. [1.65]

Ma'no logik aspekti asosan har bir til lug’at tarkibining intellektual guruxiga oid bo’lgan so’zlarda mujassamlashgandir. Bunday so’zlar qatoriga uy, ko’cha, dala, daraxt, ruchka, qalam… va boshqa shu kabi so’zlarni kiritish mumkin. Mazkur so’zlar ob'ektiv borliqdagi mavjud predmetlarni maksimal xolda neytral tarzda belgilaydi va kommunikasiyada ko’proq sof informasiya ifodasi uchun xizmat qiladi. Logik aspektdagi ko’chma ma'noli so’zlar qatoriga metaforik hamda metonimik qo’llanish ko’lamiga ega bo’lgan so’zlar kiritiladi. [3.34]

Logik metafora hamda metonimiya kommunikasiyaning nominativ aspekti bilan uzviy bog’liq bo’lib sof informasiya uchun xizmat qiladi va shu jarayonlarga moyil bo’lgan so’zlar nutqda qo’shimcha emosional-ekspressiv qimmat olmaydilar.

Logik metafora quyidagi ko’chma ma'noli so’zlarda o’z aksini topgan: choynakning tumshug’i, pechkaning og’zi, kemaning burni, qozonning qulogi.

Logik metanimiyalar esa o’z aksini butunni qism bilan belgilanishi jarayonida, predmetning ayrim tashqi ko’rinishlari bo’yicha belgilanishi asosida va boshqa xollarda kuzatiladi.

Logik metanimiya ham nominativ aspekt bilan uzviy bog’lanib uning realizasiya jarayoni informasiyaning amalga oshirilishini ta'min etadi. Logik metanimiya planida qo’llanuvchi so’zlar qatoriga ko’z, quloq, jigar, yurak, qo’l, og’iz, salla, telpak, shapka, mo’ylov, surnay, karnay… va boshqa shu kabi so’zlarni kiritish mumkin. [2.29]

So’z semantik tuzilishida ob'ektiv reallikning ijtimoiy-ruxiy tomonini aks etishiga ko’ra affektiv aspekt farqlanadi. Affektiv aspekt logik aspektdan tubdan farq qiladi. Shu boisdan affektiv aspekt xususiyatiga ko’proq to’xtalishga to’g’ri keladi.

Ma'lumki nutq jarayoni bilan uzviy bog’langan barcha informasiyalar odatda logik hamda affektiv qismlarga ajraladi . [3.44]

Ularning har ikkalasi berilayotgan informasiya tarkibida bevosita kommunikasiyada o’z aksini topadi.Berilayotgan informasiyaning logik qismi mazkur

xabarning denotativ qismini, ya'ni sof informativ tomonini tashkil etadi. Kommunikasiyada o’z aksini topgan xabarning affektiv qismi esa informasiyaning inson ruxiy xislati ichki kechinmalari (xis-xayajon, zavqlanish, xafa bo’lish, achinish va boshqalar bilan uzviy bog’langan emosional-ekspressiv tomonini ochib beradi.

Shuni aytish kerakki, kommunikasiya bilan bog’langan barcha xabar vositalari faqatgina sof informativ xarakterda bo’lib qolmay, balki ma'lum darajada kommunikasiya ishtirokchilarining shu informasiyaga bo’lgan emosional munosabatini ham aks ettiradi. Bu esa berilayotgan xabarning ma'lum monosemantik qimmatini belgilaydi .

Bundan ko’rinadiki, nutq jarayoni birgina sof informasiyalar uchungina hizmat qilmay, balki kommunikasiya ishtirokchilarining shu informasiyaga bo’lgan emosional munosabatlarini ochib berishda ham muxim ahamiyat kasb etar ekan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ш.Балли. Фрацузская стилистика.М.,1961.
2. С.К.Кононич. Грамматическая средства моносемантизации слова М., 1972.
3. В.Г.Гак. Беседы о французском слове. М., 1966.
4. Г.В.Колшанский. Соотношение субективных и обьективных факторов языке. М., 1975.

FRANSUZ VA O’ZBEK TILLARINING QIYOSIY JIHATLARI HUSUSIDA

Anorboyeva Iroda Oripovna
ADU, katta o’qituvchi
Sobirova Shirin
ADU, iqtidorli talaba

Xorijiy davlatlar bilan madaniy munosabatlar rivojlanib borayotgan bir vaqtda qiyosiy masalalarini ilmiy asosda tadqiq qilish, qiyosiy qimmati, saviyasi ta`minlovchi omillarni belgilash muhim ahamiyat kasb etadi.

Professor A.A.Abduazizov aytganidek, “til dalillarini ongli ravishda o’zlashtirish, nazariy bilimlar ustida ongli ravishda ilmiy tadqiqotlar olib borish ham o’z ona tilimizni, ham xorijiy tillarni amaliy o’rganishda katta yordam beradi”.

Xorijiy tillarni o’qitishda ona tilisi bilan qiyoslanganda uch maqsadni ko’zda tutadi: ona tili talabalar tomonidan chuqurroq o’rganilishi; Xorijiy til o’rgatishning samarali yo’llarini topish; talabalar yo’l qo’yadigan tipik xatolarni oldindan aniqlash va ularni oldini olish. Bizga tipologiya fanidan ma’lumki, jahondagi mavjud tillarda umumiy va hususiy alomatlar kuzatiladi. Til hodisalari o’rtasida qardosh yoki qardosh emasligidan qattiy nazar o’hshash va noo’hshash tomonlari mavjuddir. [1.253]

Bilamizki, turli tizimdagi tillar grammatik xodisalari mazmun plani, ifoda plani xamda funksional planlar asosida qiyoslanib o’rganilishi mumkin.

1. Mazmun plani bo'yicha. Grammatik kategoriyalar asosida turli tillar ob'ektiv borliqning turli tomonini, gapda so'zlar bog'lanishining turli aloqalarini aks ettiradi. Grammatik kategoriyalarning fransuz va o'zbek tillarida uch xil farqli tomoni mavjuddir.

1). Grammatik kategoriya fransuz tilida mavjud bo'lib, o'zbek tilida yo'qdir. Masalan, shunday kategoriyalar qatoriga artikl orqali ifodalanadigan determinasiya kategoriyasi kiradi.

2). Grammatik kategoriya o'zbek tilida mavjud bo'lib fransuz tilida bo'lmasligi mumkin. masalan, bunday kategoriyalarga otlardagi kelishik kategoriyasi misol bo'la oladi.

3). Grammatik kategoriya xar ikki tilda mavjud bo'lishi mumkin. Ammo, umumiy jixatdan o'xshash bo'lsada, bu kategoriyalar o'zaro bir biridan spesifik xususiyatidan farq qilishi mumkin. Ushbu farqli tomonlar asosan ikkala tilda mavjud bo'lgan bir xil kategoriyaning ma'no xajmi va belgilarining spesifik xususiyatlarida, bir xil tushuncha maydonlarining xar bir tilda o'ziga xos farqli tomonlari ajratilib ko'rsatilishida, bir xil kategoriyalarning xar ikki tilda turlicha shaklanishi (kombinasiyalashuvi) bo'yicha ko'zga tashlanadi.

2. Ifoda plani asosida. Bu yo'nalishda asosan grammatik kategoriyalar ifoda vositalarining xar ikki tilda ko'rinishi qiyoslanadi. Bu yo'nalishdagi qiyoslanish ikki asosiy masala bilan bog'liqdir.

1). Sintetik xamda analitik ifoda vositalari nisbati (o'zaro munosabati). O'zbek tiliga nisbatan fransuz tili analitik ifoda vositalariga ko'proq moyilligi bilan xarakterlanadi.

2) Yozma xamda og'zaki nutq shakllari nisbati (o'zaro munosabati) xar ikkala til ifoda vositalari yozma ko'rinishi og'zaki shakllaridan farq qiladi. Shu boisdan, ular nisbatini ikkala til planida kuzatish aloxida e'tiborga joizdir.

3. Funksional aspekt bo'yicha. Xatto teng ma'noli bir xil kategoriyalar ikkala tilda turlicha funksiyalashuvi mumkin. Agglyutinasiya (grammatik elementni o'zakka uni o'zgarishsiz qo'shish): stol-stollar, table-tables. [2.144]

Fleksiya (grammatik elementni so'zda almashinuvi): gapiryapman, gapiryapsan. Parlez! Parlons!

Suppletivizm (so'z o'zagining o'zgarishi): je suis, tu es, il fut. Qishloqqa, terakka, ko'chaga.

Yordamchi so'zlar (so'z tarkibiga kirmovchi): le livre du frere

Qurshov (so'zlarning sintaktik munosabatlarda o'zgarishi): un homme dur-dur-sifat, travailler dur-dur-ravish, anor ekmoq-anor yuz.

So'z doirasi bilan cheklangan grammatik ma'no ifoda vositalari sintetik xisoblanadi. So'z doirasiga kirmovchi grammatik ma'no ifoda vositalari analitik ifoda vositalari xisoblanadi.

Demak, xorijiy tillarni o'rganayotgan talabalar, til fonetikasi, morfologiyasi, sintaksisini puhta bilishi kerak. Ayniqsa bunda o'z ona tilisi bilan qiyoslab o'rgansa til

qonuniyatlari mukammalroq o'zlashtiriladi. Mashhur nemis olimi Gyote shunday degan edi: "Kimki chet tilini bilmasa, u o'z ona tilisini ham bilmaydi" . Bu fikrdan shunday xulosaga kelish mumkinki, chet tilini o'rganishda qiyosiy tipologiyaning ahamiyati qanchalik muhim ekanligini bilish mumkin. Demak, qiyoiy tipologiya fanining xorijiy tillarni o'rganishdagi ahamiyati katta,chet tili oldindan puhta bilim va ko'nikmalar olingan ona tili asosida o'rganiladi. Til o'rganuvchi ihtiyoran va beihtiyor o'z ona tilisiga chet tili o'rganish jarayonida suyanadi-o'rganayotgan til tizimini ona tili tizimi bilan solishtiradi. Kezi kelganda o'hshash joylardan foydalanadi - til o'rganuvchiga o'rganayotgan xorijiy tili va uning ona tilisidagi o'hshashlik unga tilni tez o'rganishga yordam beradi. [3]

Hulosa qilib aytish mumkinki, qiyoslash jarayonida umumiy va hususiy alomatlar borligi aniqlanishga erishildi. Demak, tillarni giyosiy o'rganish eng samarali usullardan biri hisoblanar ekan. Shu bois, biz ham ushbu maqolamizda turli tizimga oid fransuz va o'zbek tillarini o'hshash va farqli jihatlarini ba'zilarini qiyosiy o'rqanishga harakat qildik va turli tizimga oid fransuz va o'zbek tillarini qiyosiy o'rganishda ushbu material o'zining amaliy aksini topishi, shubhasiz.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Комиссаров В.Н. Теория перевода (лингвистические аспекты). - М.: Высшая школа, 1990. – 253 с.
2. Миньяр-Белоручев Р.К. Курс устного перевода. Французский язык. М.: Московский лицей, 2000. – 144 с.
3. www.edufrance.fr

FRANSUZ VA O'ZBEK TILLARIDA YORDAMCHI SO'ZLAR QIYOSIY TAHLILI

Karimova Oyista Pozilovna
Andijon viloyati Andijon tumani 34-maktab
fransuz tili fani o'qituvchisi

Xorijiy davlatlar bilan madaniy munosabatlar rivojlanib borayotgan bir vaqtda qiyosiy masalalarini ilmiy asosda tadqiq qilish, qiyosiy qimmati, saviyasi ta`minlovchi omillarni belgilash muhim ahamiyat kasb etadi.

Fransuz tilidagi so'zlar o'z hususiyatlariga ko'ra ma'lum so'z turkumlariga bo'linadi. So'zlarning biror turkumga mansubligini aniqlashda, birinchidan, ularning ma'no hususiyati hisobga olinadi. Masalan: un livre, un cheval, la route kabi so'zlar predmet yoki predmetlik tushunchasini: blanc, rouge, grand, serieux, sigari so'zlar predmetlarning belgisini, rangini, shaklini, harakterini: aller, prendre, travailler, etre so'zlari esa predmetning harakatini yoki holatini anglatadi.

Yordamchi so'zlar: 1) artikllar (les articles), predloglar (les prepositions),

1) 2) bog'lovchilar (les conjonctions), 3) undov so'zlar (les interjections)

Yuqorida ko'rsatilgan so'zlar tasnifi har doim qat'iy emasdir. Ayrim mustaqil ma'noga ega bo'lgan so'zlar ba'zan yordamchi so'zlarga aylanishi mumkin. Masalan: il vient (mustaqil so'z) a temps. Il vient (yordamchi so'z) d'arriver.

Ma'lumki, yordamchi so'zlardan biri Les conjonctions – bog'lovchilardir. Bog'lovchilar mustaqil gaplarni bir-biriga bog'lashda qo'llanadi.

Bog'lovchilar sodda va qo'shma shakllarga ega.

et – va Je prendrai ce livre et je le lirai etc.
ou – yoki Je viendrais vous voir ou vous m'écrirez etc.
que - … ni Il nous dit que Pierre partira ce soir etc.
si – agar Si tu reviens à temps je serai content etc.
ni – ham Ni l'un, ni l'autre n'est pas venu etc.
quand – qachonki Je vous suivrai quand même vous me diriez de rester ici etc.
parce que – chunki Elle a reçu une bonne note parce qu'elle avait travaillé pendant toute l'année etc.
tandis que – shu paytda Tandis que le père lisait le journal nous l'écoutions
avant que – avvalo Aérez la classe avant que le professeur y entre etc.
aussitôt que –… gach Aussitôt que la leçon est terminé les élèves sont sortis de la classe etc.
jusqu'à ce que - … gacha Attendez-moi jusqu'à ce que je revienne etc.

Fransuz tilida kelishik bo'lmaganligi sababli, ular o'rnida predloglar qo'llanib, so'zlarni bir-biriga bog'lashda katta ahamiyatga ega.

Ko'p qo'llanadigan predloglardan namunalar.

à - … da, ga Je suis à l'école; je vais à l'école etc.
de -… dan Je sors de la salle. Le livre de mon ami etc.
dans -… da, dan Il entre dans la salle. Il viendra dans 2 jours
avec - … bilan Il écrit avec un stylo etc.
pour - … uchun La mère achète des cadeaux pour ses enfants
depuis -… dan beri Il est malade depuis deux jours etc.
avant - … oldin Il est arrivé avant nous etc.
après -… so'ng, keyin Après la leçon il reste à la bibliothèque etc.
sans -… siz Il a écrit sans fautes etc.
chez -… ga, da Il viendra chez nous etc.
en - … da En automne on cueille le coton etc.
parmi - orasida, ichida Parmi ces romans je prends celui-ci etc.
pendant - davomida Il a plu pendant toute la nuit etc.
par - … dan, tomonidan Cette composition a été écrite par les étudiants
entre – o'rtasida, orasida Les relations entre de ces pays se développent
à l'aide de –yordamida A l'aide de quoi as-tu traduit ce texte? etc
à partir de -… dan boshlab A partir d'aujourd'hui … etc.
jusqu'à -… gacha Aujourd'hui nous travaillons jusqu'à deux heures
au cours de – davomida Au cours de la dernière semaine nous avons

beaucoup travaillé etc.

Près de – oldida Il t’attend près de l’institut etc.

Mazkur maqolada fransuz va o’zbek tillarida yordamchi so’z turkumlarini qiyosiy o’rqanishga harakat qildik.

Shuningdek, yordamchi so’z turkumlarida ham barcha tillarga hos bo’lgan universal qonuniyatlar mavjud. Qiyoslnyotgan har ikki tilda ham so‘z turkumlari atalmish so‘zlarning leksik-grammatik guruhlari dunyo tillarining tipologik universaliyalari jumlasiga kiradi.

Shu bois, biz ham turli tizimga oid fransuz va o’zbek tillarida yordamchi so’z turkumlarini qiyosiy planda o’rganishga harakat qildik.

Hulosa qilib aytish mumkinki, qiyoslash jarayonida umumiy va hususiy alomatlar borligi aniqlanishga erishildi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. F.Abdurahmonov. O’zbek tili grammatikasi. Toshkent-1996
2. A. Nurmonov, va b. O’zbek tilining mazmuniy sintaksisi, T.,1999
3. M.X.Karayeva, M.Yu.Litochevskaya.Fransuz tili grammatikasi.Toshkent-1977.
4. J.B.Bo’ronov . Ingliz va o’zbek tillari qiyosiy grammatikasi. T., 1973.
5. http: \\ www. Ziyonet.uz.

LA POLYSÉMIE DES VERBES DE PERCEPTION VISUELLE

Esonboyeva Naziraxon Murodbek qizi
Andijon davlat universiteti fransuz tili va adabiyoti ta’lim yo’nalishi 3-bosqich iqtidorli talabasi

Tenant compte des diverses fonctions sémantico-pragmatiques que certains marqueurs discursifs peuvent recouvrir en français moderne, nous tenterons dans cet article d’établir s’il existe un lien entre, d’une part, la plurifonctionnalité de la construction parenthétique *tu vois*, illustrée par la coexistence en français actuel des exemples et, d’autre part, le chemin évolutif de la structure en français historique à partir du français préclassique jusqu’à aujourd’hui.

Le champ lexical de la vue est significativement plus abondant que celui des autres sens (goût, odorat, ouïe, toucher). Dans le langage courant, c'est celui où l'on relève le plus grand nombre de verbes, d'expressions figurées et de locutions figées. Les verbes relatifs à la perception visuelle sont systématiquement décrits et classés. L'analyse de leur polysémie est fondée sur une description fine de leur fonctionnement; elle permet d'expliquer en partie le sens donné à ces verbes et de prévoir les relations entre la sémantique et la syntaxe. [1.29]

Quand on observe la littérature (tant francophone qu’anglo-saxonne) s’interrogeant sur l’origine des constructions parenthétiques, il ressort deux grandes tendances susceptibles d’expliquer les étapes évolutives de *tu vois*.

Selon la première tendance, on postule traditionnellement pour les constructions verbales parenthétiques et les constructions à 'verbes recteurs faibles' [3.30]

Le chemin de grammaticalisation suivant: partant d'une structure subordonnante où la grammaticalisation est nulle, ces constructions passeraient ensuite par un stade intermédiaire de grammaticalisation où la particule complétive *que* serait omise, pour finalement remplir une fonction de marqueur discursif à un niveau avancé de grammaticalisation. Au dernier stade de l'évolution, la construction serait marquée entre autres par une forte désémantisation, un renforcement pragmatique et une plus grande autonomie/ optionalité syntaxique. [4.51]. Elle m'a supplié de lui laisser le tems de se retirer. On ne devoit pas savoir qu'elle fût dans la maison. Charmante fille ! **Tu vois**, Belford, qu'elle ne pense plus à me quitter. (Litt., Classique, *Frantext* – L'Abbé Prévost, *Lettres angloises ou Histoire de miss Clarisse Harlove,* 1751)

Plus loin, c'est le bruit nouveau des chars de combat. Enfin nous avons entendu des pas et nos yeux se sont ouverts sur la dernière scène. Sanders m'a soufflé : - **Tu vois**, fallait pas avoir honte. On va brûler gentiment l'un à côté de l'autre. Je l'ai regardé avec horreur. - Après tout, ai-je dit, c'est ça qui me console. (Litt., Moderne, (6) Avant, il la prenait quand elle était malade, mais depuis un an, c'est un week-end sur deux, et la moitié des vacances, et c'est tout ! (Là, **tu vois**, j'avais envie de pleurer, et le médecin l'a bien vu, il m'a donné un mouchoir, et puis il m'a redemandé ce que c'était que cette histoire de fugue...) (Litt., Contemporain, *Frantext* – M. Winckler, Cette première hypothèse explicative est la plus répandue et possède un caractère généralisant, puisqu'elle postule un seul chemin de grammaticalisation pour les structures parenthétiques construites à partir d'un verbe avec complément propositionnel subordonné (ex. *penser*, *croire*, *dire*, *entendre*, *voir*, *savoir*, *vouloir*, etc.).

Dans son étude sur l'équivalent de *tu vois* en anglais (i.e. *you see*), Brinton (2008) formule par ailleurs une autre hypothèse selon laquelle *you see* trouverait son origine dans les constructions relatives introduites par *as* (*as you see*, correspondant à *comme tu vois* en français) dès l'anglais préclassique. Selon cette deuxième hypothèse, la première étape évolutive se caractériserait par l'intégration de *tu vois* dans une structure relative introduite par *comme*. La seconde étape serait celle des structures intermédiaires où l'introducteur est omis, avant d'aboutir à la troisième étape des constructions parenthétiques sans complément, désémantisées et en dehors de la syntaxe phrastique. [2.15]

La question qui a guidé notre analyse, rappelons-le, était de savoir quelle était la nature du rapport entre l'émergence de sens nouveaux pour la séquence [tu+vois] et la prédominance de certaines structures syntaxiques au cours des siècles pour cette même séquence. Si l'on en croit les résultats obtenus, il semblerait finalement que ce serait le contexte formel d'apparition qui favoriserait l'apparition de nouveaux sens (et pas l'inverse), à tout le moins en ce qui concerne le phénomène linguistique étudié et la période couverte par l'analyse sur corpus (débutant au français préclassique). Nous

avons cependant constaté que certaines occurrences n'entraient pas *de facto* dans ce schéma évolutif.

Partant, nous pensons qu'il serait utile d'envisager l'évolution des constructions parenthétiques sous un nouvel angle d'approche, dépassant le cadre de la grammaticalisation pour s'orienter vers le cadre plus large du changement linguistique. Le besoin sémantico-pragmatique d'organiser l'information discursive ne pourrait-il pas être premier ? Envisagé de la sorte, c'est ce besoin qui sous-tendrait alors l'apparition de nouvelles formes linguistiques, qui à leur tour seulement seraient le siège d'une diversification d'emplois susceptibles de se conventionnaliser ou non dans l'usage au cours du temps.

Bibliographie

1. Hopper, 1991; Lehmann, 1995 ; Marchello-Nizia, 2006
2. Brinton, 1996 ; Schourup, 1999
3. Batzeev Shyldkrot, 1989 : 288
4. Dostie, 2004 ; Andersen, 2007 ; Pusch, 2007
5. Victor Hugo , "Notre Dame de Paris".

FRANSUZ TILIDA SO'Z YASALISHIGA DOIR

Tursunboyev Javoxir Baxtiyorjon o'g'li
ADU, chet tillari fakulteti
Fransuz tili va adabiyoti ta'lim yo'nalishi
1-bosqich iqtidorli talabasi

Ma'lumki, tilning lug'at tarkibi doimo o'zgaradi, rivojlanadi. Jamiyatning tarixiy taraqqiyoti davomida ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy sohalarda yangi-yangi tushunchalar paydo bo'ladi. Tilning imkoniyatlari shu qadar boyki, oz vositalar bilan cheksiz tushunchalarni, xilma-xil axborotlarni ifodalash mumkin. Bu yangi tushunchalarni nomlashga bo'lgan extiyoj tufayli tilda yangi so'zlar vujudga keladi.

Fransuz tilidagi so'zlarni morfemalarga bo'lish mumkin. Morfema- bu tilning eng kichkina leksik ma'noli bo'lagidir. Fransuz tili lug'at tarkibi sodda, yasama va qo'shma so'zlardan tashkil topgan. [1.26]

Fransuz tilida ham so'zlar o'zbek tili singari tub (mots – racines) va yasama (mots composés) so'zlarga bo'linadi. Tub so'zlar yasalmaydi: *terre, femme, gai, froid.* Yasama so'zlar ikki xil usul bilan yasaladi :

1. So'zlarni qo'shib, juftlab so'z yasash . Bu kompozitsiya yoki sintaktik usul (le style composition) hisoblanadi. Masalan*:* ***chef d'oeuvre, pomme de terre, eau-de-vie, socio-culturel, électronique, toujours (tous les jours), longtemps, autrefois...***

2. So'z yasovchi qo'shimchalar (les affixes) yordamida: ***Dis***paraître, popula***tion***, ***dés***agréable, énergét***ique,*** poig***née***, passer***elle***, faibl***esse...*** Bu affiksatsiya yoki morfologik usul (le style affixation) bilan so'z yasash deyiladi.

Shu o'rinda fransuz tilidagi affikslarga alohida to'xtalib o'tamiz. Avvalo affikslar ikkiga: préfixe ya'ni old qo'shimcha va suffixe (orqa qo'shimcha)larga bo'linadi.

Hozirgi fransuz tilidagi prefikslar lotin va grek tillaridan kirib kelgan bo'lib, ularning katta qismini lotin tilidan kirib kelgan prefikslar tashkil qiladi: *a, ad*-arriver, allonger; ***dé, dés, di, dis*** - disparaître, désagréable ; ***co, con, com*** -collaborer, composer, copain ; ***contre*** – contresens ; ***en, em , in, im*** - enrichir, enfermer, illuminer ; ***super, eur*** - surprendre, supermarché, superimpôt ; ***anti*** (antinational), ***a*** (anomalie, anormal) prefikslari esa grek tilidan kirib kelgan.

Fransuz tilida so'zning negziga suffikslar qo'shib so'z yasash juda keng tarqalgan. Ko'p asirlardan buyon suffikslar o'z ma'nosini va vazifasini o'zgartirgan. Hozirgi kunda ot va fe'l yasovchi ***–age*** suffikisi lotin tilida ***-aticum*** ko'rinishida bo'lib, faqat sifatlarni yasagan. Ma'salan, ***formaticum.*** Hozirgi fransuz tilidagi suffikslar lotin, grek, italian, nemis tillaridan kirib kelgan. Masalan, ***–iste, -isme, -iser*** suffikslari grek tilidan,- ***hart>ard criard, -wald>aud nigaud*** suffikslari nemis tilidan, ***ada>ade limonade, esco>esque romanesque*** italian tillidan kirib kelgan suffikslar hisoblanadi. Suffikslarni kata qisnini ot yasovchi suffikslar tashkil qiladi. Fransuz tilida mujiskiy rod (nom masculin)dagi otlarni yasovchi suffikslar quyidagilar : **-ade** – le courage, un ouvrage ; **-air**– le salaire, un anniversair ; **-al** – le festival, le journal ; **-ard**–le regard, le boulvoird ; **-at** – le syndicat, le prolétariat ;
-eau –le bateau, le tableau ; **-(i) er** –le merier, le rocher ; **-(t)eur**–le secteur, le croiseur; **-isme**–le communisme, le matérialisme ; **-ment**–le gouvrnement, le complément ; **-oir**–le miroir, le le tiroir .

Jenskiy rod (nom féminin)dagi otlarni yasovchi suffikslar quyidagilar :
-ade –la parade, une promenade ; **-asse, -esse** – la jeunesse, la faiblesse, la paillase ;
-ance, -ence –la naissance, la conférance ; **-eur**–la douleur, la douceur ; **-ette, -otte** – la maisonnette, la carotte ; **-té**–la liberté, la bonté ; **-ière** – la lumière, la soupière ;
-ude –la solitude, une inquiétude ; **-ure** – la nature, la parure ;

2. So'zlarni qo'shib, juftlab so'z yasash. Bu kompozitsiya yoki sintaktik usul (le style composition) hisoblanadi. Masalan :

Les substantifs composés (Otlarni yasalishi).

a) «adjectif + substantif » yoki « substantif + adjectif » : **bonhomme, gentil-homme, belle-fille, plafond, sang-froid, cofre fort.**

b) « substantif + de + substantif » : **chef d'oeuvre, pomme de terre, eau-de-vie.**

c) « substantif + adverbe ou d'une préposition et d'un substantif» : **arrière-dent, arrière-plan, arrière-pensée, avant-centre, sous-parti.**

d) « substantif + verbe » : **gratte-ciel (m), brise-glace, coupe-papier, vide-ordures, garde-robe.**

Hozirgi zamon fransuz tilida qo'shma va yasama so'zlar xosil bo'layapti, lekin oddiy yangi o'zak so'z kamdan kam hollarda paydo bo'ladi. [3.71]

So’z yasashning har xil usullarini tahlil qilish leksikologiya bilan grammatikaning uzviy bog’liqligini ko’rsatadi.

Shuning uchun hozirgi zamon fransuz tilida so’z yasashning serunim usullarini o’rganib chiqish lozim deb o’ylayman.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Лопатникова Н., Мовшович Н. Лексикология современного французского языка. – Москва, 1982.
2. O’zbek tili leksikologiyasi. Toshkent -1981
3. Гак В.Г. Сопоставительная лексикология. Москва -1980

FRANSUZ VA O’ZBEK TILLARIDA OT SO’Z TURKUMINI QIYOSIY JIHATLARI HUSUSIDA

Mahmudova Lobar Ismoiljonovna
Andijon viloyati Buloqboshi tumani XTB ga qarashli
17-umumiy o’rta ta’lim maktabi o’qituvchisi

Mazkur maqolada turli tizimga oid fransuz va o’zbek tillarida ot so’z turkumining ba’zi jihatlarini qiyosiy o’rqanishga harakat qilamiz.

Ma’lumki, til hodisalari o’rtasida qardosh yoki qardosh emasligidan qatt’iy nazar o’hshash va noo’hshash tomonlari mavjuddir.

Shuningdek, ot so’z turkumida ham barcha tillarga hos bo’lgan universal qonuniyatlar mavjud. Qiyoslnyotgan har ikki tilda ham so‘z turkumlari atalmish so‘zlarning leksik-grammatik guruhlari dunyo tillarining tipologik universaliyalari jumlasiga kiradi.

Darvoqe, ot so’z turkumi sifatida o’z semantikasi, grammatik kategoriyalari (shakli) va sintaktik funksiyalari bilan ajralib turadi.

Ot semantikasini ba’zi jihatlarini qiyoslaydigan bo’lsak, otlar xar ikki tildagi umumiy ma’nosi bir-biriga mos tushadi, shu bilan bir qatorda otlarning semantik grammatik guruxi xam mos tushadi. Xar ikki tilda otlar semantik yadrosini konkret otlar (predmet nomini anglatuvchi - jonli va jonsiz va miqdor anglatuvchi) tashkil etadi. Abstrakt otlar (xarakat xolat, sifat, nomlari) shuningdek atoqli otda xar ikki tilda otlarning periferial razryadiga kiradi. fe’llardan va sifatlrdan xosil bo’lgan fransuz tilidagi abstrakt otlar ko’pincha o’zbek tilida xam yasama otlarga to’g’ri keladi: observation kuzatish clarté yorug’lik lekin jamlovchi otlar guruxida sezilarli farq kuzatiladi. chunki fransuz tilidagi jamlovchilar o’zbek tilidagilarga ko’pincha mos tushmaydi. branchage, verrerie, jamoa, xalq.

Turli tizimga oid fransuz va o’zbek tillarida otning grammatik kategoryalari mavjud. Ot so’z turkumi xar ikki tilda quyidagicha grammatik kategoryalarni o’zida mujassamlantirgan:

kategoriyalar	fransuz	o’zbek tili
rod	+	–
son	+	+
aniqlik	(+)	+
qism (partitivlik)	(+)	–
kelishik	–	+
egalik	(+)	+

Fransuz tilida qavslar orqali berilgan kategoriyalarda otning bevosita shakli orqali ifoda etilmasdan, balki yordamchi so’zlar artikllar, determinativlar orqali belgilanadi.

O’zbek tili otlari o’z shakllari oppozisyasi doirasida to’rt grammatik ma’noni ifoda etadi, fransuz tilida esa rod va son sifat xamda miqdor aniqligi , noaniqligi fransuz tilida artikl shakllari orqali (le / un les / des le / du) ifoda etiladi.

O’zbek tilida kelishiklar orqali bayon etilgan ma’nolar fransuz tilida analitik vositalar (predloglar so’z tartibi) orqali ifoda etiladi.

Qiyoslanayotgan tillarda otlarning sintaktik funksiyalariga nazar tashlasak, xar ikki tilda otlar gapda bir xil funksiyalarni bajaradi. Yadro semantik kategoriyali otlar (jonli predmetli, jonsiz predmetli miqdor) xamda atoqli otlar o’zlarining birlamchi funksiyalarida , ya’ni ega, to’ldiruvchi, o’rin va payt xoli, kesimning otlashgan qismi va murojaatlarda ishtirok etadilar.

Barcha bu funksiyalar substantiv so’zlarga berkitilgan. Periferiyal razryadli otlari nomlarining ikkilamchi sintakik funksiyalarini bajaradi: aniqlovchi, ravish xoli, payt sabab, maqsad, to’siqsizlik , shart ravishidagi bu funksiyalarda abstrakt otlar sifatlarni, ravish yoki fe’llarning shaxs shakllarini almashtirib turadilar. Xar ikki tildagi otlar ma’nosi va funksiyasi o’rtasidagi asosiy munosabatlar quyidagi jadvaldan ko’rinib turibdi:

	Sintaktik funksiyalar	
	Birlamchi	Ikkilamchi
Konkret (yadro)	Munosabatli	(nomunosiblik)
Abstrakt (periferial)	(nomunosiblik)	Munosiblik

Tillar o’rtasidagi farq shunda kuzatiladiki, muayyan razryadga tegishli otlar o’ziga xos bo’lmagan funksiyani bajarishi mumkin.

1. Fransuz tilida ko’pincha konkret otlar ikkilamchi funksiyada ya’ni aniqlovchi, ravish, sabab, shart, to’siqsiz xollar funksiyalarida keladi: une avec insistance - biror narsani qat’iylik bilan talab etmoq.

2. Fransuz tilida abstrakt otlar ko’pincha otlar birlamchi funksiyada, xususan, fe’lga tenglashuvchi analitik konstruksiya xosil etuvchi to’ldiruvchi funksiyasida keladi:

Il jeta un regard craintif du coté de la porte

U eshik tomonga qo’rquv aralash nazar tashladi.

3. Fransuz tilida ko’pincha jonsiz otlarda o’timli fe’llar oldida ega vazifasida keladi.

Se desort n'offrait point d'oasis semblable.

Bu erda, saxroda, bunday oazisni uchratmaysan.

Xullas, o’z tajribamda kuzatishim natijasida ayta olamanki, bunday misollarni ko’plab keltirish mumkin. Qiyosiy metod o’quvchi ongida, tasavvurida uzoq vaqt saqlanib qoladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Bo’ronov J.B. Ingliz va o’zbek tillari qiyosiy grammatikasi. T., 1973
2. Абдураззаков М.А. Очерки по сопоставительному изучению разносистемных языков. Т. 1973
3. A.Xojiev.``Lingvistik atamalarning izohli lug’ati`` Toshkent- 1985
4. http: \\ www. Ziyonet.uz.

ZULFIYA SHE’RIYATIDA - *SIMON* FORMANTLI OKKAZIONAL DERIVANTLAR

Nargizaxon Umarova,
FarDU tilshunoslik kafedrasi dotsenti
Muhabbatxon Usmonova,
FarDU tilshunoslik kafedrasi o’qituvchisi

Okkazionalizm atamasi lotincha “occasionalis” so‘zidan olingan bo‘lib, lug‘aviy ma’nosiga ko‘ra “tasodifiy” degan tushunchani bildiradi. Lingvistikaga oid lug‘atlarda bu istiloh quyidagicha ta’riflanadi: “Umum tomonidan qabul qilingan qo‘llashlarga mos kelmaydigan, yakkalik xususiyatiga ega bo‘lgan, maxsus matn tarkibiga singdirilgan uzual, qiyos”.[124]

Azim Hojiyevning “Lingvistik terminlarning izohli lug‘ati”da okkazional so‘zlar “okkazional produktiv bo‘lmagan qolip asosida yasalgan, faqat shu matnning o‘zida qo‘llangan so‘z, individual uslub neologizmi”, deya ta’riflanadi. Lug‘atda okkazional ma’noga berilgan ta’rif okkazionalizmlar haqida yanada aniq tasavvurni hosil qilishga yordam beradi: “So‘zning semantik strukturasida shakllanib yetmagan, ma’lum individual qo‘llashda reallashgan ma’no. Qiyos, uzual ma’no”.[125] Bunday so‘zlar izohli lugátlarda uchramaydi, chunki ular ijodkorning individual uslubi va mahorati bilan bog‘liq bo’ladi.

Okkazional ma’no ifodalashda yasovchi qo’shimchalar muhim ahamiyat kasb etadi. Bu qo’shimchalar sirasida o’zbek tilining o’z qo’shimchalari bilan birga,

[124] Розинтель Д.Э., ТеленковаМ.А. Словарь – справочник линвистических терминов. М.:Просвещение. 1967.С.197
[125] Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т., ЎМЭ, 2002. – Б. 63.

o’zlashma, xususan, fors tilidaln o’tib o’zlashgan so’z yasovchi qo’shimchalar birmuncha faol sanaladi.

Shoira Zulfiya she’rlarida okkazional ma’no hosil qilishda fors tiliga oid ***–no, -simon*** qo’shimchalari o’ziga xos ijodiy individuallik va okkazional ifoda asosini shakllantiradi. Uning she’rlarida boshqa ijodkorlarga xos bo’lmagan derevantlarni uchratish mumkin. Zero, yangi so’zning individualligi ham aynan shu o’rinda namoyon bo’ladi.

Shoira o’zbek tilidagi yasovchi o’zlashma formantlardan biri ***–no*** qo’shimchasidan o’z she’rlarida okkazional birliklar yasashda, yangi poetik ma’nolar hosil qilishda samarali foydalangan. Masalan, shoira “Iqrorga vaqt yetdi” she’rida ***notugal*** so‘zini bizga ma’lum “chala”, “oxiriga yetmagan” ma’nosida emas, she’rdan, o’z ijodidan “ko‘ngli to‘lmaslik” ma’nosida qo’llaydi: *Oldda bekatlarning tuyib yo'qligin,* ***Notugal*** *mashqlarim sochayotirman.* (Зулфия. Сайланма, 125-b,*)* [126] Ushbu o’rinda qo’llangan *notugal* so’zi she’riy matnda shoira ijodidagi kayfiyatsizlik, xafsalasizlik, lanjlik, yozganlaridan ko’ngli to’lmaslik singari hissiyotlarni ifodalashda ijodkorga qo’l kelgan. Mazkur so’z o’zbek tilining izohli lug’atida aks etmagan. Shu bois bu yasalmani individual xarakterda deb baholash mumkin,

Shoiraning “Izlayman” she`rida ***no-*** affiksi ***noshodlik*** derivant formanti sifatida yuqoridagi misollarda qayd etilgan ma’no ifodasidan birmuncha farq qiladi. Jumladan, *Kunlar qancha shodlik, Qancha noshodlik* misralaridagi ***noshodlik*** yasalmasi “g’amgin” ma’nosida qo’llangan bo’lib, bu ma’noni bo’rttirish uchun esa shoira matnga asos derivat(***shod***)ni ham olib kirgan.

O‘zbek tilida qiyos ma’nosini ifodalovchi ***–simon*** affiksi otlarga qo‘shilib qisman o‘xshatish tushunchasaini ifoda etadi. Forsiy tilning derivatsiya affiksi bo‘lgan bu qo‘shimcha shoira ijodida o‘ziga xos yasalish tizimini shakllantirganligini ko‘rishimiz mumkin. Ijodkor o’zining ***“Yulduz”*** she’rida ***–simon*** qo‘shimchasi vositasida kishilik olmoshidan ***sensimon*** ko‘rinishidagi individual so‘z yasaydi. Masalan, *Yashnadi bir yulduz xuddi* ***sensimon.*** (O’sha manba, 22-b.)

Shoira ushbu she’rida *sensimon* so‘zi orqali yangi ma’no va yangi so’z yasashga erishadi va natijada bu yangi so‘z orqali *-simon* qo‘shimchasidan faqat ot so’z rurkumidan emas, balki olmoshlardan ham so‘z yasash mumkinligini ko‘rsatib beradi Shu o‘rinda yana bir narsani ta’kidlash joizki, shoira aynan ***–simon*** qo‘shimchasi vositasida ko’plab yangi ma’noli, yangi qolipdagi yasalmalarni she’riyatga olib kiradi. Masalan, “Mening tongim” she’rida olmoshdan yasalgan ***bizsimon****: Toki yashab inson vaqtida, quyoshga tik boqsin* ***bizsimon (***O’sha manba, 58-b.***)***, yulduz so’zining ko’plik formasi(*yulduzlar*)dan yasalgan – ***yulduzlarsimon:*** *Esimda, chorlashdi* ***yulduzlarsimon*** *Chaqmoq va bijildoq bir davra go'dak (*O’sha manba, 53-b.*)*, shuningdek, ***yersimon:*** *Hamrohim – intilish, qo'shiq va mehr, Quyosh yo* ***yersimon*** *yo'ldaman har dam* (O’sha manba, 42-b.), ***orzusimon*** *: Onam bog‘i orzusimon*

[126] Зулфия. Сайланма. –Тошкент: Шарқ, 2006. 125-b.

*turfa rang, Loqayd, bachki bezaklarga edi yot (*O'sha manba, 107-b.*)* kabi individualizmlar shular jumlasidandir. Yuqoridagi iqtibos misralarda shoira tomonidan yaratilgan yangi so'zlar – ***bizsimon*** **va** ***orzusimon*** okkazionalizmlari she'riy misarlarning emotsional-ekspressiv xususiyatlarini ta'minlashga xizmat qiladi.

Ta'kidlash joizki, yuqoridagi misollarda asosga yasovchi qo'shimcha qo'shishga doir grammatik me'yordan chekinish holatlari ham kuzatiladi (bilamizki, so'z yasash qolipi shunday tartibda shakllanadi: avval so'z yasash asosi, keyin so'z yasash formanti joylashadi, ya'ni: ***so'z yasash asosi +lug'aviy so'z yasovchi qo'shimcha***). Sheriyatda so'z yasashning bu qolipi ba'zan istisnoli bo'lishi tabiiydir: ***so'z yasash asosi****+[lug'aviy shakl hosil qiluvchi /sintaktik munosabat ifodalovchi]* **+** ***lug'aviy so'z yasovchi qo'shimcha*** tarzida . Bu usul ham yangi so'zning individual jihatlarini belgilovchi omillardan biriga aylanishi mumkin: ***yulδuz/lar/simon***. Aynan shu o'rinda asosga so'z yasovchi qo'shimcha bevosita emas, balki bilvosita qo'shiladi, ya'ni lug'aviy so'z yasovchi lug'aviy shakl yasovchidan so'ng so'z yasah qolipi elementlariga xos bo'lmagan holda, so'z yasashning grammatik me'yorlaridan og'ishgan formaga aylanadi.

Zulfiya she'riyatida ***–simon*** qo'shimchasi egalik affiksi (III shaxs birlik formasi bo'lgan ***-i*** qo'shimchasi) dan keyin yasovchi formant sifatida qo'llanishi ham mumkin. Xususan, "Men ishq edim…" deb boshlanuvchi she'rida *Keyin* ***oltingugurt olovisimon****, Ko'rinmay hijronning dog'ida yondim...*(O'sha manba, 24-b.) va "Yulduzlar allasi" she'rida esa *Kirib tomiringga sendan ham pinhon,****Yoz oftobisimon*** *shodlik yoqilur* (O'sha manba, 74-b.) misralarida *–simon* qo'shimchasi bilan yasalgan *oltingugurt olovisimon, yoz oftobisimon* kabi individual so'zlarni qo'llashda shoira yasovchi formant vositasida sintaktik qolipni so'z yasash qolipi asosiga aylantiradi. Bunda yasalma asosi so'z birikmasi bo'ladi va moslashuvli bog'lanishning grammarik shakli bo'lgan egalik qo'shimchasi lug'aviy so'z yasovchidan oldin qo'llangan sintaktik munosabat qo'shimchasi maqomini oladi.

Shoira ijodida ba'zi o'rinlarda **–** ***simon*** qo'shimchasi sifatdosh asosga qo'shilib individual so'z yasovchi formant bo'lishi ham mumkin. Bunda ***–simon*** ma'noviy jihatdan garchi ***- dek*** qo'shimchasi sinonimdek ko'rinsa-da, yasalmadagi taxmin va gumon ma'nosi qat'iylashmaydi, natijada uslubiy jihatdan ma'no bo-yoqdorligiga ega bo'ladi Masalan, Zulfiyaning "Shoshma, hali" she'rida qo'llangan ***turtgansimon*** *(Yarim tunda, birov* ***turtgansimon****, Bir cho'chiyman; 117-b.),* ***chaqqansimon, ichgansimon*** *(Men o'zimni his qilaman qaynoq jangda. So'ngra-so'ngra xuddi ilon* ***chaqqansimon****..; 117-b)* singari yangi so'zlar shular jumlasidandir. Shoira *–simon* qo'shimchasi yordamida sifatdosh asosli derivantlarni ham individuallashtirgan.

Bundan tashqari, shoira grammatik me'yorlardan og'gan holda *–simon* qo'shimchasini mustaqil so'z sifatida ham she'riy misralarda qo'llagan o'rinlar uchrab turadi. Ya'ni qo'shimchani avvalgi misradagi o'z asosidan ajratib , keyingi misra boshida alohida so'z sifatida qo'llaydi. Bu kabi qo'llash shoiraning bir qator she'rlariga taalluqli bo'lib, ushbu holat shoiraning qo'shimcha qo'llash bilan bog'liq o'ziga xos uslubini

namoyon etadi. Masalan, quyidagi “Gulzor” she’rida qo’llangan *–simon* qo’shimchasining istifoda etilishida ana shu jihatlar ko’zga tashlanadi:

Kun tutilgan chog‘dagi ***ziyo*** *—*
Simon *taram-taram pushtisi,*
Bor tarovat bilan ochilmish.(97-b.)

Xulosa qilib aytganda, shoira Zulfiya ijodida *–simon* derivatsion formanti asosida okkazional, produktiv bo‘lmagan qolip asosida yasalgan, faqat shu matnning o‘zida qo‘llangan so‘z, individual uslub neologizmining yasalish holatlari rang-barang bo’lib, ushbu qo’shimchaning bu kabi qo’llanishida muayyan morfologik va semantik, qolaversa, uslubiy me’yorlar shakllanganligini qayd etish mumkin.

ПРАГМАТИК ВАЛЕНТЛИК ХУСУСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Шокирова Ҳавасхон Нурмаматовна
Фарғона вилояти ХТХҚТМОҲМ доценти

Аннотация*. Мазкур мақолада тил сатҳида валентлик, грамматик шакл валентлиги , семантик, лексик-семантик валентлик, прагматика, прагматик валентлик ва унинг ўрганилиши каби масалалар таҳлил қилинади.*

Annotation*. This article analyzes actual valency, form of grammar, semantic, lexical semantic valency , pragmatism and its exploration .*

Калит сўзлар*: тил, валентлик, грамматик шакл валентлиги, семантик валентлик, лексик валентлик, прагматика, семиотика, лингвистика.*

Key words*: language, valency , form of valency, semantic valency, lexical valency, pragmatism, semiotics, lenguistcs.*

Тил системаси лисоний белгилар мажмуасидан иборат. Тилдаги муҳим тушунчалардан валентлик ва прагматика айнан шундай кенг қамровли ўрганиш аспектини ташкил этади. Валентлик моҳиятан кимёвий атама бўлиб, фанда у кимёвий элементларнинг ўзаро бирикиши билан боғлиқ тушунчани ифодалайди. Ўз даврида биринчилардан бўлиб, валентликни илмий тушунча сифатида тилшуносликка татбиқ этган олим С.Д.Кацнельсон эди.Ўтган асрнинг ўрталарида олим валентлик тушунчаси ва атамасини тилшуносликка олиб кирди. Валентликнинг туркийшуносликдаги тадқиқи ўзбек тилшунослигида субстанциал(формал- функционал) тадқиқ йўналиши асосларини бунёд этган С.Иванов номи билан узвий боғлиқдир. С.Д.Кацнельсон валентликни сўзнинг ўзига хос хусусияти эканлигини эътироф этади ва шундай ёзади: “Валентлик сўзининнинг маъноси асосида бошқа сўзлар билан синтактик муносабатида намоён бўлади”. Кейинчалик бу назария ўзбек тилшунослигида И.К.Қўчқортоев нутқ феълларини, А.А.Цалкаламанидзе феъл сўз туркуми доирасидаги семантик-синтактик гуруҳларни, Р.Расулов ҳолат феъллари ва уларнинг аблигатор валентликлари В.А.Каримжонова ўрин келишикли бирикмалар семантикасини, Ў.Шарипова юмуш феъллари маъно валентлигини, С.Ҳ.Муҳамедова ҳаракат феъллари

валентлигини, М.Миртожиев феъл валентлигини, М.Қурбонова,М. Абузалова синтактик валентликни ўрганиб ўзбек тилшунослигида валентлик назариясини шакллантирдилар.

Дастлаб “валентлик” атамаси фақат феълларнинг бирикувчанлик имкониятларига нисбатан қўлланилди. Кейинчалик ушбу терминнинг вазифаси кенгайиб, валентлик хусусиятлари кенг доирадаги морфологик бирликларга хос эканлиги тилшунослар томонидан эътироф этила бошланди. Бу борада семантик ва синтактик валентликни фарқлаш, грамматик шакл валентлигининг турли хил табиатини тушуниш, грамматик шакл лексик валентликни қўшимча валентлик билан бойитиши таҳлил этилди.

Грамматик шаклнинг икки хил валентлигини лексик, семантик валентликнинг облигатор ва факультатив кўринишлари билан қиёслаб, фақат қаратқич сўз шаклининг эгалик қўшимча билан бирикиши облигатор валентликдан юқорироқ бўлган комплетив валентликка яқинроқ эканлиги кўриб ўтилди. Шу ўринда грамматик шакл валентлиги зарурий ва имконий ҳамда ҳокимлик ёки тобеликка ишора табиатига эга бўлиши ифодаланди.

Прагматика тилшунослик фанининг янги бир назарий ва амалий тармоғидир. У инсоннинг ижтимоий фаолиятини ўзида акс эттирувчи нутқий жараён, нутқ иштирокчиларига хос коммуникатив ният, нутқий вазиятнинг таъсири билан алоқадор масалаларни ўрганади.“Прагматиканинг манбаси Ч.Пирс, У.Джемс, Д.Дьюн, Ч.Моррис каби таниқли файласуф олимларнинг номи билан боғликдир.Чунки уларнинг ишларида (XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида) белгилар системаси ва лингвистик белги функционаллиги хусусидаги ғоялар ўртага ташланиб, семиотика ҳақидаги асосий тушунчалар аниқланади, синтактика, семантика ва прагматика ўртасидаги ўзаро фарқлар кўрсатилади”.[127]

Рус тилшунослигида прагматика тушунчалари XX- асрнинг 80-йилларидан ўрганилиб тадқиқ этилган[128].[2] Прагматика- грекча “pragmos” сўзидан олинган бўлиб, “иш”, “ҳаракат” маъноларини ифода этади. Прагматика лингвистик белгиларнинг нутқдаги функционал қўлланишини ўрганади. Прагматика-семиотика ва тилшуносликнинг нутқда тил белгиларининг амал қилишини ўрганувчи соҳаси, бошқача айтганда муайян белгилар тизимини ўзлаштириб, ундан фойдаланувчи субъектларнинг айни шу белгилар тизимига муносабатини ўрганувчи соҳа тармоғидир. Шу асосда борликдаги воқеликларнинг тилдаги ифодаланиш даражаси прагматик билимлар сифатида талқин этила бошлади.

---

[127] Петров В.В. Философия, семантика, прагматика. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVI. М., 1985, с.471.

[128] Завьялов А.А. “Семантика, синтактика и прагматика мифонимов немецкова языка”, Санников В. “Русский синтаксис в семантико-прагматическом пространстве”, Сизых М.М “Прагматический потенциал внутренней валентности ключевых лексем , формирующих современную русскую эргонимию”, Р.Курпниеценинг “Прагматические и когнитивные аспекты современного рекламного дискурса”, Вахтел Н.М.”Основы прагмалингвистики”, Казакова Т.А “Семантико-прагматические осложнения при переводе мифонимов” мавзусидаги тадқиқотлари, М.А.Гадуева, И.А.Кобяковаларнинг изланишлари маълум тушунчаларни ёритишга хизмат қилади.

Тилшуносликнинг бу йўналиши структурал тилшуносликдан фарқли тарзда тил ва нутқ муаммоларини инсоннинг нутқий фаолияти билан боғлиқ ҳолда тадқиқ эта бошлади. Борликдаги воқеликларнинг тилдаги ифодаси энди ўзининг мантиқий, фалсафий ва лингвистик талқинига эга бўла бошлади. Коммуникатив ниятни ифодалаш стратегияси лингвистик прагматиканинг бош масаласи ҳисобланади. Сўзловчи бунда ўз ички мақсадини тингловчига баён қилиш учун у ёки бу ифода усулини танлайди. Лингвистик прагматика аниқ шакл ва ташқи кўринишга эга эмас.Унинг доирасига сўзловчи субъект, адресат, уларнинг алоқа-аралашув вазияти билан боғлиқ кўплаб масалалар киради. ”Прагматика тилнинг вазиятли қўлланиши тўпламидир. Прогмалингвистика- тил эгасига нутқий тузилмалар қаторини маълум контекст билан боғлаш имконини берадиган қоидалар тизимини қолиплаштиришдир”- деб ёзади Т.А. Дейк.(van Djik 1976:26). Демак, нутқий акт билан контекст ўртасидаги муносабат жуда кучли бўлганда, нутқий акт контекст билан боғлиқ ҳолда ечилган жойда прагматикага эҳтиёж туғилади[129].[3] Прагматик валентликнинг юзага келишида “прагматик маъно”,” прагматик ахборот”, “прагматик вазифа” каби бирикмалар тушунчасига изоҳ бериш имконияти очилади. “Прагматик воситалар” тушунчасининг қўлланишида эса маънони ёки унинг компонентларини ифодаловчи лисоний воситалар, лисоний белгилар назарда тутилади, ушбу воситаларнинг ассоциатив алоқалари матн, нутқий бирликларнинг прагматик мазмунини, прагматик валентлигини шакллантиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари.Фарғона. 2011.-185 б.
2. Сафаров Ш. Прагмалингвистика.Т.2008.- 315 б.
3.Абузалова М.К.Субстанциал морфология , валентлик ва синтактик қурилма.Филол.фан.д-ри...дис.автореф -Тошкент, 2018.-76 б.
4. Djik T.A. van. Pragmatics and poetics // Pragmatics of language and literature.- Amsterdam:North Holl.publ.comp.,1976.-p 23-57.

NUTQ MADANIYATI VA SO’Z SEHRI

Nasibaxon Ergashalievna Kurchieva,
35-maktab, Baliqchi, Andijon, O’zbekiston.

Nutq madaniyati inson tafakkurining mahsuli bo’lib, jamiyat madaniy hayotining va millat ma’naviy kamolotining muhim belgisidir. Nutq madaniyati kishilarni o’zaro to’liq va teran fikrlashi, tilning barcha imkoniyat va vositalarini puxta egallashidan iboratdir.

Nutq madaniyati tarixiga nazar tashlaydigan bo’lsak, nutq madaniyati haqidagi ta’limot qadimgi Rim va Afinada shakllangan bo’lsa ham, unga qadar Misrda, Ossuriyada, Vavilion va Hindiston mamlakatlarida paydo bo’lganligi notiqlik san’ati

[129] Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари.Фарғона. 2011.-185 б.

tajribasi va tarixidan ma’lum. Bu davrda hokimiyatdagi davlatni boshqarishning, savdo-sotiqning va sud ishlarining, nihoyatda taraqqiy etishi notiqlikni san’at darajasiga ko’tardi. Chunki u paytda davlat arboblarining obro’-e’tibori va yuqori lavozimlarga ko’tarilishi ularning notiqlik mahoratiga ham bog’liq bo’lgan.

O’rta Osiyo madaniyati tarixida ham nutq madaniyati o’ziga xos mavqega ega. Sharqda, shu jumladan, Movarounnahrda notiqlik, voizlik, ya’ni va’zxonlik “Qur’on”ni targ’ib qilish bilan mushtarak holda so’zning ahamiyati, ma’nosi va undan o’rinli foydalanish borasida ko’p yaxshi fikrlar aytilgan. Ana shu nuqtayi nazardan qaralsa “nutq odobi”, “muomala madaniyati” nomlari bilan yuritilib kelingan nutq madaniyati tushunchasi juda qadimdan olimlar va ziyolilarning diqqatini tortgan. Abu Rayxon Beruniy, Abu Nasr Farobiy, Abu Ali ibn Sino, Al Xorazmiy, Mahmud Qoshg’ariy, Zamahshariy, Yusuf Xos Hojib, Ahmad Yugnakiy, So’fi Ollayor, Abdurahmon Jomiy, Alisher Navoiy kabi ulug’ siymolar nutq odobi masalariga, umuman, nutqqa jiddiy e’tibor berishga da’vat etish bilan birga tilga, lug’atga, grammatikaga va mantiqqa oid asarlar yozganlar.

Gap notiqlik ustida borar ekan, uning zamonaviy turlaridan biri – voizlik to’g’risida to’xtalishimiz tabiiy. Voizlik san’ati bilan shug’ullanadigan kishilar xalqning nazaridagi yetuk alloma bo’lganlar va ular nodir iste’dod sohibi sifatida qadrlanganlar. Masalan: Alisher Navoiy zamonasida Husayn Voiz Koshifiy ana shunday kishilardan bo’lganlar. Shuningdek, bundan avvalroq, Sohibqiron Amir Temur zamonasida Voiz Hurmuz, Bobur Mirzo hamda Mirzo Ulug’bek zamonasida saroy ahli orasida tibbiy olimlar, munajjimlar, Shayx ul-Islom qatorida, albatta, notiqlar, sarkardalar bilan voizlar ham saroy ahli nazarida yetuk allomalar bo’lishgan.

Til ham, fe’l-atvor ham insonga qon bilan kirib, uning butun jismu joniga taralib ketuvchi an’analar ekan, bularga e’tibor bermaslik hamisha ulkan muammolarni keltirib chiqaradi. Ulug’ shoir Yusuf Xos Hojib turkiy xalqlarning XII asrdagi ajoyib badiiy yodgorligi bo’lgan “Qutadg’u bilig” (“Baxt keltiruvchi bilim”) asarida so’zlarni to’g’ri tanlash va to’g’ri qo’llash haqida: *“Bilib so’zlasa, so’z bilig sanalur”*, — degan edi. Qisqa so’zlash, so’zlarga iloji bori qadar ko’proq ma’no yuklash haqida:

Urush so’zlama so’z, biror so’zla oz,
Tuman so’z tugunini bu bir so’zla yoz,

deydi. Bundan tushunishimiz mumkinki, so’zni ko’p so’zlama, kamroq so’zla. Ming tugunini shu so’z bilan yech. Qolaversa, gapirishdan maqsad so’zlovchi ko’zda tutgan narsa, hodisa, voqealarni tinglovchiga to’g’ri, ta’sirchan yetkazishdan iborat. Shunday ekan nutqning to’g’riligi, ravonligi va matiqiyligiga erishish, muhim ahamiyat kasb etadi.

So’zlovchining, ya’ni notiqning tinglovchi bilan fikran to’qnashuvlarida, o’zi boshqalarning taqdiri uchun kurashishida, nihoyat muddaoga erishishda notiq uchun so’z asosiy qurollardan biridir. So’z – tafakkur xazinasining ko’zgusi bo’lib, notiq uchun faqat fikrni ifodalash vositasigina bo’lib qolmay, balki mavzuni faol ifodalaydigan asosiy omil hamdir.

Nutq odobi deb yuritilgan qoida va ko'rsatmalarda sodda va o'rinli gapirish, qisqa va mazmundor so'zlash, ezmalik, huda-behuda gaplarni qoralash, keksalar va ustozlar oldida nutq odobini saqlash, to'g'ri, rost va dadil gapirishning yuksak ifodasini talqin etish va boshqalar haqida gap boradi. Shu o'rinda, Kaykovusning shunday fikri bor: *"Hamma qobiliyatlarning eng yaxshisi nutq qobiliyatidir. Nutqni juda yaxshi va san'atkorona o'rganib ol, doimo gapga chechan bo'lishga harakat qil. Nutqi shirin kishinnig mehribon kishilari ham ko'p bo'ladi"*.

O'zbek nutqi madaniyati tarixiga, jo'yali, aniq va ta'sirli nutq haqida nazar tashlaydigan bo'lsak, qadimda bu sohaga "Nutq odobi" nomi ostida ancha keng e'tibor berilganligini ko'ramiz.

Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisning 1997-yil 29-avgustidagi IX sessiyasida so'zlagan nutqida: *"O'z fikrini ravon, go'zal va lo'nda ifoda eta olmaydigan mutaxassisni, avvalambor, rahbar kursisida o'tirganlarni bugun tushunish ham, oqlab ham bo'lmaydi"*, deb ta'kidlaydi. Bu muammoni hal etish umummadaniyatimiz taraqqiyoti, shuningdek, oliy va o'rta maxsus o'quv yurtlarida, o'rta maktablar va umuman dars o'tish jarayonini yaxshilash bilan ham bog'liq. Chunki notiqlik san'ati sirlarini o'rganish va o'z fikrini bayon qilayotgan har bir vositasini kerakli va lozim bo'lgan o'rinda qo'llash mantiqan barcha sohada xizmat qiluvchi har bir mutaxassis uchun, umuman, har qanday madaniyatli kishi uchun hayotiy zaruriyat, deb hisoblanishi kerak.

Xulosa qilib aytganda, o'zbek tiliga davlat tili maqomining berilishi Respublikamizda davlat ishlarining, o'qish-o'qitish, ta'lim-tarbiya, targ'ibot-tashviqot ishlarini shu tilda olib borilishi uchun juda katta imkoniyat yaratdi. Inson butun umri davomida o'z nutqini takomillashtirib boradi. U tilimizning boy imkoniyatlaridan unumli foydalanish orqali nutqning go'zal, ravon, ifodali, ta'sirchan bo'lishiga intiladi. Zero, go'zal va ta'sirchan so'zlay bilish ham san'atdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Jalilov H. Notiqlik san'ati. – Toshkent: O'zbekiston, 1976, 68-b.
2. Rasulov R., Husanov N., Mo'ydinov Q. Nutq madaniyati va notiqlik san'ati. – T.: Iqtisod-moliya, 2006, 26-b.;
3. Qudratov T. Nutq madaniyati. – T.: O'qituvchi, 1993, 58-b

ФРАНЦУЗ ТИЛИДАН ТАРЖИМА ҚИЛИНГАН АСАРЛАРДА ЭКЗОТИЗМЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ.

Деҳқонов Ислом Тешаевич
ФарДУ француз тили ўқитувчиси

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг халқимизнинг қадимий ва бой маданий мероси, адабий ёдгорликларини атрофлича, жиддий тадқиқ этиш ишлари кенг кўламда амалга оширила бошлади. Бу борада ғарб мамлакати тилларидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан ғарб халқлари тилларига билвосита ва бевосита таржималарни аслият билан қиёсий-типологик жиҳатдан илмий тадқиқ этиш ишларига катта эътибор қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, француз-ўзбек таржимачилиги тарихи ҳам қарийб юз йиллик тарихни ўз ичига олади. Француз адабиётидан ўзбек тилига ўгирилган таржималар тарихи ва амалиёти таржимашунос олим Муҳаммаджон Холбеков томонидан ўрганилган ва тарғиб қилинган.

Ўтган аср давомида ўзбек китобхонлари француз адабиёти сарчашмалари бўлмиш Франсуа Рабле, Мольер, Вольтер, Монтескье, Стендаль, О.де Бальзак, Г.де Мопассан, Э.Золя, В.Гюго, А.Дюма, Г.Флобер, Ж.Санд, П.Мериме, А.Франс, Ф.Морияк, А.Сент-Экзюпери, А.Камю, Ле Клезио, Ф.Саган сингари адибларнинг асарларини она тилида ўқишга муяссар бўлди. Бу таржималар хусусида, умуман француз-ўзбек ва ўзбек-француз таржимачилиги тарихи, назарияси ва амалиёти Республикамиз олимлари томонидан кенг қамровда ўрганилган.

Ўтган асрнинг 50-60-йилларида француз адабиётининг роман жанридан ўзбек тилига ўгирилган таржималарда аслият матнида ифодаланган миллий колоритнинг берилишини ўрганишни муҳим омил қилиб олинган. Бу борада илмий изланишлар олиб борган олимлар француз адабиётидан ўзбек тилига ўгирилган билвосита ва бевосита таржималарда аслият матнининг миллий ўзига хослигини сақлаш муаммоси хусусида фикр-мулоҳазалар юритилган. Хусусан, И.Мирзаев ва Р.Ширинова ўз тадқиқотларида француз бадиий прозаси таржимасида хос сўзлар – реалия (экзотизм) ларнинг қай тарзда берилишига оид назарий хулосалари алоҳида аҳамиятга эга. Аммо ҳозирга қадар француз адабиётидан ўзбек тилига ўгирилган таржима матнларида миллий колоритнинг (фразеологик бирликлар ва реалия-сўзлар, экзотизмлар мисолида) берилиши тадқиқот обеъкти сифатида алоҳида илмий тадқиқ қилинмаган.

Француз адабиётидан ўгирилган таржималар тарихидан маълумки ҳар бир халқни унинг адабиёти дунёга танитади. Ҳар бир миллатнинг эса жаҳон танийдиган, севадиган, ардоқлайдиган ёзувчи ва шоирлари бисёр. Жаҳон адабиёти хазинасида француз адабиётининг қўшган ҳиссаси ҳам эътирофга лойиқ. Франсуа Рабле, Мольер, Вольтер, Монтескье, Стендаль, О.де Бальзак, Г.де Мопассан, В.Гюго, А.Дюма, Г.Флобер, П.Мериме, Ж.Верн, Э.Золя, Ф.Мориак, А.Сент-Экзюпери, А.Камю, Ле Клезио сингари адибларнинг яратган асарлари жаҳон бадиий тафаккури ва маданиятининг юксак намунаси сифатида тарих саҳифаларини эгаллади. Мазкур адибларнинг асарлари аллақачон ўзбек китобхонларининг ҳам кўнглини забт этиб, ноёб маданий-маънавий мулкига айланди.

Ўтган асрнинг 40-50 йилларида таржимонларимиз француз адабиётининг йирик асарларига мурожаат қилдилар, бунинг натижасида ўзбек китобхонлари Жюль Верн романлари, Эмиль Золя ва Ги де Мопассан ҳикоялари, Шарль Перро эртаклари билан танишиш имконига эга бўлишди. Д.Дидро, В.Гюго, А.Доде ва бошқа адибларнинг асарларидан парчалар таржима қилиш муваффақиятли амалга оширилди. Бу даврда эртак, новелла, роман жанрларига кўпроқ эътибор берилиши ўзбек китобхони учун француз адабиёти намуналарини танлашнинг сифат жиҳатдан ўзига хослиги ҳисобланади.

Бу даврда таржима қилинган эртаклар орасида XVII аср француз ёзувчиси Шарль Перронинг “Қизил қолпоқча” (Ш.Саъдулла таржимаси), “Этик кийган мушукча”, “Золушка” (С.Исмоилова таржимаси) асарлари алоҳида ўрин тутади. Болалар адабиётининг шоир-таржимони Ш.Саъдулла таржима қилган “Қизил қолпоқча” эртаги мактаб хрестоматиясига киритилган ва бир неча марта қайта нашр қилинган. Бу эртакларни С.Маршак таржима қилган русча вариантидан амалга оширилган таржима устида ишлаш жараёнида Ш.Саъдулла таржиманинг кейинги барча таҳрирларида унинг ўзбекча вариантини такомиллаштиришга ҳаракат қилган. Бироқ, эртак таржимасининг барча нашрларида қатор жиддий камчиликлар кўзга ташланар эди. Кўпинча французча ва русча вариантларда яққол намоён бўлиб турган қаҳрамонларнинг ҳиссий жўшқинлиги қайта гавдалантирилмайди, у сўниб, жўн бир хабар тусини олади, дея таъкидлайди таржимашунос олим М.Холбеков. Таржимон баъзи ўринларда аслият матнидаги лексик хусусиятларнинг ўзбекча эквивалентларини топа олмайди. Агар С.Маршак таржимасида бўрининг нутқида учрайдиган “mon enfant” сўзи “болажоним” деб адекват таржима қилинган бўлса, Ш.Саъдулла ушбу ўринда “жонгинам” сўзини танлаган, бу тўғри эмас, албатта. Бу ўринда “жон болам” ёки “қизалоғим” каби эквивалентларидан фойдаланиш лозим эди. Таржимада кузатиладиган бадиий ноаниқликларга қарамай, Ш.Саъдулла таржимаси С.Маршакнинг русча варинанти асосида қилинган Ш.Перро эртакларининг энг яхши намунаси ҳисобланади.

Ўтган асрда француз-ўзбек адабий алоқалари тарихида буюк француз драматурги, француз театр санъатини юксак поғонага кўтарган актёр ва комедияграф Жан-Батист Мольер ижоди алоҳида ўрин тутади. Бу йилларда Мольернинг “Тартюф”, “Скапеннинг найранглари” комедиялари ва “Зўраки табиб” драмаси ўзбек тилига таржима қилиниб, саҳна репертуарларидан мукаммал ўрин эгаллади.

Бу даврга келиб, ўзбек таржимашунослигида новелла жанри устидаги ишда талай тажриба тўпланган эди. Дени Дидронинг “Роҳиба”, Альфонс Доденинг “Саодатли Августининг азиз дуоси”, Эмиль Золянинг “Румо”, “Лурд” каби новеллалари ўзбек тилига таржима қилинди. Булардан ташқари, Ги де Мопассан, Анатоль Франс, Виктор Маргеритларнинг ҳикоялари ҳам ўзбек тилига ўгирилди. Бу давр таржимачилигида П.Турсун ва М.Ҳакимнинг сермаҳсул фаолиятидан кейин таржимон Зумрад 1948 йилда Ги де Мопассан новеллалари бўйича ўзининг

дастлабки вариантини таклиф этади. Унинг таржималари бундан олдинги барча таржималарга нисбатан тўлароқ ва мукаммалроқдир. Бунда Л.С. Бархударов таъбири билан айтганда “икки турли хил тилларнинг лексик бирликлари ўртасидаги семантик муқобиллигини топиш мухимдир”. Шундай қилиб, олимлар ўртасида хос сўзлар нималар орқали ифодаланиши мавзусида бахс бошланиб кетди. А.В. Федоровнинг фикрича “Миллий колорит миллат яшаётган ижтимоий турмуш билан боғлиқ бўлган персонаж образида, хатти ҳаракатларида ўз аксини топади”. Л.Соболев ўз навбатида “асардаги ҳар бир персонаж ўзининг миллий қиёфасини фикрлашларида, хатти-ҳаракатларида намоён қилади” деб таъкидлаб ўз мақоласида миллий колоритни ифодаловчи сўзни “реалия” атамаси билан изоҳлаган. 1958 йил эълон қилинган А. Е. Суприннинг “Экзотическая лексика” номли мақоласида ва В. Россельснинг “О передаче национальной формы в художественном переводе” мақолаларида реалиялар экзотик лексика сифатида таржимашунослик нуқтаи назардан ўрганила бошлаган.

Адабиётлар:

1. Холбеков М.Н. Французская художественная литература в переводах на узбекский язык (История и переводческий опыт). – Ташкент: 1982. – 20 С.;
2. Холбеков М.Н. Француз адабиёти Ўзбекистонда. Биобиблиографик кўрсатгич. – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 1990. – 78 бет.
3. Асадов.М.Т. Таржимада миллий ўзига хосликни акс эттириш масаласи. “Замонавий тилшунослик, адабиётшунослик, таржимашунослик ва хорижий тиллар ўқитиш муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами. – Т.: ЎзДЖТУ, 2012, Б. 26.

TURIZM TERMINLARINING YASALISHIGA DOIR

Boymanov Elyor G‘iyozovich
NavDPI O‘zbek tili kafedrasi katta o‘qituvchisi

O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning 2017—2021-yillarga mo‘ljallangan beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasida ham turizmga doir ma’lum vazifalar belgilab qo‘yilgan: ”O‘rta muddatli istiqbolda O‘zbekiston Respublikasida turizm sohasini rivojlantirish konsepsiyasini, shuningdek, 2017–2021-yillarda konsepsiyani amalga oshirishga doir aniq chora-tadbirlar dasturini ishlab chiqish ...”[130], “Ichki turizmni jadal rivojlantirishni ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Qarori[131] dan ham bilish mumkinki, yurtimizda turizm sohasiga alohida e’tibor qaratilmoqda. Prezidentimizning Parlamentga Murojaatnomasida turizmni rivojlantirishga doir quyidagi fikrlari ham diqqatimizni tortadi: “Turizmni rivojlantirish, sohaga investitsiyalar jalb etish, kadrlar salohiyatini oshirish bo‘yicha kompleks choralar ko‘rishimiz lozim. Bizda turizm ko‘pincha qadimiy shaharlarimiz, tarixiy-madaniy

[130] 2017—2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi. Toshkent, 2017 -yil ,7- fevral.
[131] “Ichki turizmni jadal rivojlantirishni ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 07.02.2018 -yil. PQ-3514 . 6-son, 100-modda.

yodgorliklar doirasida cheklanib qolmoqda. Vaholanki, mamlakatimizning betakror tabiati, milliy qo‘riqxonalar, tog‘li hududlarda turizmni rivojlantirish uchun katta salohiyat mavjud. Ayniqsa, tibbiyot turizmi, ziyorat turizmi va ekoturizmni rivojlantirish nafaqat iqtisodiyot, balki ijtimoiy sohalar rivojiga ham katta turtki beradi...”[132]

Turizm sohasiga doir bu kabi e’tibor turizm terminologiyasida yangi-yangi tadqiqotlarni olib borishni taqozo etadi. Turistik faoliyat bilan shug‘ullanadigan har bir shaxs, u xoh turist bo‘lsin, xoh turistlarga xizmat qilsin, turizm sohasida tez-tez qo‘llanadigan so‘z-terminlarga doir bilimi bo‘lishi talab etiladi. Chunki turizm sohasi ishtirokchisi aloqa-aralashuv jarayonida soha so‘z-terminlaridan unumli foydalanadi.

Bugungi kunda turizmda izohli lug‘at tarkibiga kirmagan, ammo jonli tilda yoki o‘zlashmagan terminlar ham anchagina. Bilamizki, o‘zbek tili lug‘at tarkibi ichki va tashqi imkoniyatlar hisobiga o‘z lug‘at boyligini boyitib boradi. Ichki imkoniyat sifatida so‘z yasalishi va shevalardan adabiy tilga so‘z olishni olsak, tashqi imkoniyat o‘zbek tili lug‘at tarkibiga boshqa tillardan so‘z o‘zlashtirish tushuniladi. Professor Sh. Rahmatullayev ta’kidlaganidek: “…xalqlar o‘rtasidagi iqtisodiy, madaniy, siyosiy aloqalar natijasida bir til qurilishiga xos birliklar (asosan lug‘aviy birliklar, qismangina fonetik va grammatik birliklar) ikkinchi tilga o‘tadi, shu tilga singib, uning boyligiga aylanadi”[133]. Turizm terminlarida ham ana shu jihatni ko‘rishimiz mumkin. Shuningdek, turizm terminlari so‘z yasash usullari asosida yasalgan terminlar hisobiga ham boyib boradi. Professor A.G‘.G‘ulomov o‘zining o‘zbek tili grammatikasiga doir izlanishlaridan birida shunday yozadi: “So‘z yasalishi tilshunoslik fanining ayrim bir bo‘limi, mustaqil lingvistik soha, tarmoq bo‘lib, u so‘zlarning yasalishini, yangi so‘z hosil qilishning qonun-qoidalarini, modellarini, vositalarini, shu bilan bog‘liq holda, so‘zlarning strukturasini tekshiradi. Demak, bu sohaning obyekti so‘zdir. Tilshunoslikning bu bo‘limida yangi so‘zlarning qanday paydo bo‘lganligi tekshiriladi. Tekshirishning bu ikki tomoni o‘zaro bog‘liq hodisalardan yangi so‘z mavjud modeliga qarab, shu asosda hosil qilinadi. So‘z yasashning turli yo‘llari bilan hosil qilingan so‘zlarni o‘z ichiga olishi ham uning asosiy xarakterini ochib beradi: bu asos tilning leksik, fonetik va grammatik vositalaridir”[134]. Shunday ekan, barcha tillarda tilshunoslikning so‘z yasalishi bo‘limi o‘rganilib kelinadi. O‘z navbatida, so‘z yasalishi masalasi turizm terminlariga ham ta’sirini ko‘rsatmay qolmaydi. Ya’ni, turizmda ham yasama so‘z va so‘z birikmalari ko‘p ishlatiladi. Ularning yasalishida so‘z yasalishidagi turli so‘z yasash usullarini kuzatish mumkin. Turizm terminlarida asosan affiksatsiya va kompozitsiya usulida yasalgan terminlarni tashkil etadi. Bunday yasalmalar o‘zlashma terminlarda ham, milliy turizm terminlarida ham o‘z aksini topgan.

Professor M.Abdiyev so‘z yasalishiga doir shunday fikrlarni yozadi: “Adabiy tilda faol ravishda leksimalar yasovchi u yoki bu affiks ba’zi terminologik sistemalarda ham faolligi bilan mushtaraklik hosil qiladi. Masalan *-chi* mahsuldor affiks bo‘lib, uning

[132] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Parlamentga Murojaatnomasi. Toshkent., 2018-yil 28-dekabr.
[133] Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o‘zbek tili. Toshkent, “Universitet”, 2006-yil, B – 105.
[134] O‘zbek tili grammatikasi. Toshkent, 1975-yil, 1-tom, B – 7-8.

yordamida ko‘plab leksemalar yasalgan terminologik sistemalarni o‘rganishga bag‘ishlangan ishlar o‘rganib chiqilganda mazkur affiks ayrim terminologik sohalarda ham adabiy tildagi kabi faolligini saqlab turadi”[135]. *-chi* affiksi haqida ilmiy adabiyotlarda turli qarashlarni uchratish mumkin. Tilshunos S. Ibrohimovning qayd etishicha, *-chi* affiksi “… ishlab chiqarish ahllari nutqida juda ko‘p ishlatiluvchi suffiksdir…”[136]. Darhaqiqat, bu affiks adabiy tilda kasb-kor egalarini ifodalash uchun xizmat qiladi. *-chi* affiksi o‘zbek tili lug‘at tarkibida, xususan, turizm terminlari tarkibida ham ko‘pgina so‘zlarni yasashga xizmat qilgan. Ba’zan ma’lum soha bilan shug‘ullanuvchi ma’nosini ham ifodalaydi. “*-chi* affiksi … asosdan anglashilgan ish-harakat, faoliyatda qatnashuvchi shaxs oti… yasaydi”[137].

Turizm terminologik tizimida *-chi* affiksi yordamida yasalgan quyidagi so‘z-terminlarni keltirish mumkin: *sayrchi, ekskursiyachi, sayohatchi, ziyoratchi, safarchi, iste’molchi*. *-vchi, -paz, -lash, -ma, -im* kabi suffikslar bilan yasalgan so‘z-terminlar turizm terminologik tarkibini boyitishda ahamiyatlidir.

Umuman olganda, adabiyotlarda turizm sohasiga doir leksemalarni hosil bo‘lishida affiksatsiya va kompozitsiya usuli asosida yasalgan leksemalarni ko‘p uchratish mumkin. *Mehmonxona, oshxona, tamaddixona, aerofirma, ekoturizm, taomnoma, ko‘ngilochar* kabi qo‘shma leksemalar*; tunovchi, buyurtma, oshpaz, baholash, prognozlash, ekskursiyachi, sayohatchi, ziyoratchi, safarchi, iste’molchi, tushum, kirim, chiqim, sog‘lomlashtirish, sayrchi, davolash, moliyalashtirish* kabi sodda yasama leksemalar shular jumlasidandir. Bu kabi leksemalar turizm sohasida keng qo‘llanilib, ichki va tashqi turizm faoliyatida og‘zaki va yozma nutqda aloqa jarayoni uchun muhim ahamiyat kasb etadi.

ИССЛЕДОВАНИЕ ПРОБЛЕМЫ ЛИНГВИСТИЧЕСКИХ ПРИЗНАКОВ ПИСАТЕЛЯ

Шевченко Елена Витальевна,
преподаватель кафедры методики русского языка,
Ферганский государственный университет

В лингвостилистике и теории художественного текста, развивающийся в новых парадигмах языкознания, огромный интерес исследователей вызывает проблема творческой позиции автора по отношению к системе языка, что говорит о её значимости. Как известно, автор литературного произведения на каждом этапе своего творческого развития достигает определенного уровня художественного мастерства. Большинство авторов исследований корпусной лингвистики, посвященных анализу индивидуальных проявлений языковой

[135] Abdiyev M. Kasb-korni ifodalovchi shaxs nomlarining yasalish asoslari. Toshkent, “Tafakkur”, 2015-yil, B – 122.
[136] Ibrohimov S. Farg ona shevalarining kasb hunar leksikasi.Toshkent, “FAN”, 1959-yil, B – 179.
[137] Hozirgi o‘zbek adabiy tili. Sayfullayeva R.R., Mengliyev B.R., Boqiyeva G.H., Qurbonova M.M., Yunusova Z.Q., Abuzalova M.Q. – T.: “Fan va texnologiya” nashriyoti, 2010-yil, 219-bet.

личности в художественном тексте, опираются на предложенное В.В. Виноградовым терминологическое понятие «индивидуальный стиль» - идиостиль. При этом важно отметить, что изучение исследователями идиостиля с опорой на количественные методы лингвистической статистики первично проводилось на художественных текстах (см. работы М.Л. Гаспарова, А. П. Журавлева, Ю.Н. Караулова, А.Н. Колмогорова и др.).

В настоящее время в лингвистике отмечаются и иные взгляды на содержание понятия «идиостиль». В частности, существуют исследования об особенностей идиостиля письменной речи человека в целом, на определение языковой личности и его связь с общим представлением о коммуникативной компетенции. Известный учёный Ю.Н. Караулов в своих работах выделяет «семантический, когнитивный и мотивационный уровни языковой личности, которые в разной степени индивидуализируют коммуникативное поведение человека».

Многие исследователи представляют свои дефиниции термина, например, под идиостилем понимается система лингвостилистических средств, характерных для творческой манеры данного автора (В.В. Виноградов, Ю.Н. Тынянов, М.М. Бахтин, А.К. Жолковский и др.), как его рефлексия над языком (В.П. Григорьев), как его проявление в качестве языковой личности (Ю.Н. Караулов), как совокупность глубинных текстопорождающих «констант» и «доминант» художественной личности (Ю.К. Щеглов, С.Т. Золяк) и др.

Для современных работ термин идиостиль актуален и определяется как:

1) «идиолект известных художников слова»;

2) «совокупность ментальных и языковых структур художественного мира писателя»;

3) «система знаков авторства мастеров слова»;

4) «система доминирующих, личностно актуальных способов и средств формально-содержательной и языковой фиксации авторских когнитивных структур»;

5) «эмоциональных состояний и субъективных смыслов в эстетически направленном речевом произведении»;

6) авторская неологизация и т.д.

В последнее время лингвистов, занимающихся анализом художественной речи, стали волновать вопросы о разграничении понятий «идиолект» и «идиостиль» (включенных в энциклопедическую кодификацию) и о принципах выявления соответствующих им конституентов. Если сравнивать дефиниции терминов-дублетов «идиостиль» и «идиолект» в словарных статьях «Литературного энциклопедического словаря», то можно наблюдать следующее толкование: «Идиостиль (от греческого idios - свой, своеобразный, особый и стиль) - то же, что индивидуальный стиль, отражающий некоторые интегрирующие тенденции в современной филологии, который обладает

широкими возможностями в плане выражения (ср., таких производных, как «идеостилевой», «идеостилистический», «идеостилистика») [2, 115]. Значит, идиостиль всегда привязан к конкретному автору (идиостиль Тургенева, идиостиль Пушкина и др.).

Термин же «идиолект» (от греч. idios - свой, своеобразный, особый и (диа)лект) трактуется как совокупность формальных и стилевых особенностей, свойственных речи отдельного носителя данного языка. Как видно, термин создан по модели термина «диалект» для обозначения индивидуальных варьирований языка, при которых те или иные речевые особенности присущи целым группам и коллективам говорящих. Результаты сравнения говорят сами за себя. По утверждению В. П. Григорьева, «всякий идиостиль как факт современной литературы является в то же время идиолектом»[1, 69].

В ряде современных работ по лингвистике термин «идеостиль» создан как соотносительный с термином «идиолект», который также получил распространение в лингвистике. В некоторых лингвистических трудах поясняется, что «идиолект» как общелингвистический термин давно укоренился в языкознании, его значение более или менее устойчиво, в то время как понятие «идиостиль», напротив, неопределенно.

Понятие идиостиля гораздо шире. Такая трактовка термина вводит идиостиль в более широкое дискурсивное пространство, это целостная система, которая «возникает вследствие применения своеобразных принципов отбора, комбинирования и мотивированного использования элементов языка» [3, 46] в различных формах устной и письменной речевой практики.

Понятие «идиостиль» логически шире понятия «идиолект» и трактуется как вся совокупность языковых выразительных средств автора, в то время как компонентами идиолекта становятся важнейшие черты идиостиля. В широком понимании идиостиль - совокупность порождающих текст, а значит и дискурс, глубинных механизмов создания текстового пространства, что является результатом индивидуальной творческой деятельности отдельного автора, не похожей на деятельность других.

Обзор и анализ научной литературы показал, что идиостиль близок к понятию идиолект. Идиолект – совокупность нормативных употреблений и отклонений от нормы, а также стилистических особенностей, свойственных речи отдельного носителя данного языка, индивидуальное варьирование языка. Идиолект – это речь человека, часть языка, но в узком понимании идиолект – это и есть идиостиль, т.е. набор формальных и содержательных признаков, характеризующих манеру письма отдельного автора.

В перспективе итогом статистико-стилистического анализа будет выявление частотных (объективно выводимых) лингвистических признаков идиостиля писателя, его креативные возможности, культурологические предпочтения.

Теоретическая и практическая значимость подобного подхода при изучении данных терминов очевидна, поскольку он открывает еще одну возможность привлечения количественных методов моделирования индивидуальных особенностей идиостиля писателя и обосновывает возможности объективации их изучения.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Григорьев В. П. Грамматика идиостиля. - М., 1983.
2. Литературный энциклопедический словарь. - М., 1987.
3. Пищальникова В. А. Проблема идиостиля. Психолингвистический аспект. - Барнаул, 1992.

А. ҚОДИРИЙ РОМАНЛАРИДА КЕЛИШИК ВА КЎМАКЧИЛАРНИНГ ИФОДА ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдураззоқов Элдор Ғофиржонович
ўқитувчи, НамДУ

Грамматик воситалар нутқни ҳосил қилишда кўпинча ҳал қилувчи роль ўйнайди. Сўзловчи, ижодкор грамматик воситаларидан ўз ифода мақсадига қараб турлича фойдаланади. Шундай ёзувчилардан бири – ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийдир. Ёзувчининг асарлари нафақат адабиётшунослар, балки тилшунослар учун ҳам маълум маънода пойдевор ҳисобланади. Абдулла Қодирий нафақат миллий романчиликка асос солди, балки ўзбек тилининг нақадар нафис бир тил эканлигини, унинг миллий хусусиятларини, қўлланилган ҳар бир сўзнинг салмоғини ҳам кўрсатиб бера олди.

Ўзбек тилида сўз бир грамматик кўрсаткичли ёки бир неча грамматик кўрсаткичли бўлиши мумкин. Масалан, (*гул*) сўзи бир грамматик кўрсаткичли (оддий даража), (*гулларни*) икки грамматик кўрсаткич (тушум келишиги, кўплик сон)ли. Шунингдек, тилимизда грамматик шаклнинг баъзилари бир грамматик маънони, баъзилари бир вақтнинг ўзида бир неча грамматик маънони ифодалаши мумкин. Масалан, (*кулиб*) сўзшаклидаги (*-иб*) кўрсаткичи ҳолат маъносинигина, (т*ўқийман*) сўз шаклидаги (*–ман*) шакли эса, ҳам биринчи шахс, ҳам бирлик маъносини ифодаламоқда.

Синтетик шакл аффикснинг табиатига қараб икки кўринишга эга:

а) аффикси моддий шаклга эга бўлмаган (ноль шаклли) сўзшакл (*Шоир шеър ўқийди* гапидаги [*шоир*] сўзи бош келишикда ва бирлик сонда бўлиб, бу маънони ифодаловчи шакл ***ноль шакл*** дейилади);

б) аффикси моддий шаклга эга бўлган сўзшакл (келтирилган гапдаги *ўқийди* сўз шаклининг ҳозирги-келаси замон, III шахс бирлик маънолари моддий шаклли восита билан ифодаланган). [Сайфуллаева ва бошқ. 144.] Шеър ўқиди бирикувидаги [шеър] сўзи белгисиз тушум келишигида дейилиб, у ноль шакл сифатида қаралмайди. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи матнида ҳам

келишик қўшимчаларининг белгисиз қўлланиш ҳолатлари кўзга ташланади. // – *Кечиринг, бек ака, – деди Раҳмат, – мен сизнинг* ***Марғилон*** *келганингизни бу кун отамдан эшит-дим. Йўқса, албатта сизни зериктирмас эдим.*//

Сўзлашув нутқида, баъзан бадиий матнларда соннинг маъно турларини ҳосил қилувчи қўшимчалар белгисиз қўлланилиши мумкин. Абдулла Қодирий ўз асарида дона сон қўшимчасини кўп ўринларда тушуриб қўллайди: *//Хотининг кўнглингга мувофиқ келмас экан, мувофиқини олиб, хотинни* ***икки қил.*** *Буниси ҳам келишмаса учунчисини ол. //*

Шунингдек романда келишик қўшимчасининг турли ўринларда турлича тушуриб қолдирилиши ҳам асарга ўзгача руҳ қўшиб тургани сезилади. Тушум келишигининг аксарият ҳолларда осонгина белгисиз қўлланилиб туриши маълум, аммо шундай вазиятлар бўладики, уни тушуриб қўллаш бугунги кун нуқтаи назари билан грамматик жиҳатдан белгисиз ишлатиш нотўғри. Шунга қарамай, қуйидаги мисолларда тушум келишиги белгисиз қўлланмоқда: *// Раҳмат Отабекка кулимсираб қарадида, тоғасиға жавоб берди. –* ***Хотин кўпайтириб****, улар орасида азобланишнинг нима ҳикмати бўлсин? – деди.//*

Романда келишик қўшимчаларининг қўлланилишида ҳам ўзига хос ёндашувларни кузатиш мумкин: *//Сўзингизнинг тўғрилиғи****да*** *шубҳа йўқ, – деди, – аммо шуни ҳам қўшмоқ керакки, оладирғон хотинингиз сизга мувофиқ бўлиши баробари эр ҳам хотинға мувофиқуттабъ бўлсин. //*

Бу ўринда ҳозирги ўзбек адабий тили қоидаларига кўра жўналиш келишиги қўлланилиши керак эди, бироқ ўрин-пайт келишигидан фойдаланилган. Моҳиятан ҳам айтилаётган фикрнинг қиймати йўналишдан кўра, макон ёки замонга кўпроқ боғлиқ бўлиши мумкин.

Сўзларга келишик қўшимчаларини қўшишда асоснинг қайси ҳарф билан тугаганлиги асосий мезон қилиб олинган. Романда келишик қўшимчаларининг қўлланилиши ўрганилганда жадидлар даврида бошқа мезонлар ҳам борлиги маълум бўлди. Яъни кишилик олмошларига ҳар доим “га” шакли, бошқа ҳолатларда, асосан, “ға” варианти қўлланилганини кузатиш мумкин. Бу ҳам ёзувчига ўтган хон замонларинининг лисоний манзарасини чизишда ўзига хос вазифа бажарган бўлиши мумкин.

// Бу кунги қора чопон ва қипчоқ низўларини ***сизга*** *бир тимсол ўрнида кўрсатайин: ўйлаб кўрилсин, бу низўлардан* ***бизга*** *қанчалик фойда ва қипчоқ оғайниларға нима манфаат ҳосил бўлмоқ-да?// //Амакингиз бизнинг* ***ҳавлиға*** *келиб турадиган вақтларида сиз ёш бола эдингиз, бек, – деди. – Амакингиз сизни* ***саройларға*** *ҳам олиб тушар эдилар. Отабек уялув аралаш кулимсираб* ***қутидорға*** *қаради.//* бу ўринда ҳам ҳавли сўзи унли билан тугаган ҳолатда “ға” шакли қўлланган бўлса, саройлар ва қутидор сўзлари бир хил ундош билан тугаган, аммо икки хил қўшимча ишлатилган. Ёзувчининг “Меҳробдан чаён” романида ҳам худди шунда ифодаланишни кўриш мумкин: *// Нигор ойим ҳозирғина қизларни*

*озод қўюб, кўкрак боласини **бағриға** олған эди. – Балли Раъно, ана жиннилик! – деди махдум, – атлас кўйлак **сенга** ҳайф, **сенга** бўздан бошқаси албатта ҳайф!//*

Роман матнида келишик қўшимчалари шакл ва вазифа нуқтаи назаридан бироз фарқланади: *// Отам **сизнинг билан** ўлтуришиб Тошканд аҳволотини сўзлашмакка муштоқдирлар. – Бу саройдан сизларникига кўчишим оғир, – деди Отабек, – аммо отангизнинг зиёратларига боришға ҳар қачон ҳозирман. //* Қаратқич келишиги билан кўмакчиси орқали боғланиши ҳозирги ўзбек адабий тилида учрамайди, бироқ айрим шеърий мисраларда шоирлар томонидан қўлланилиш мумкин. Асар матнида қаратқич келишигининг *каби* кўмачиси билан келиш ўринлари ҳам учрайди:

//Энди бу соатдан бошлаб Марғилондан розиман, негаки, йўқлаб келгучи **сизнинг каби** *қадрдонлар ҳам бўлур экан.//*

Шунингдек, романда қаратқич келишиги олмошлар таркибида “маним” шаклида ҳам қўлланганлигини таъкидлаш лозим. *// Отабек хуфтон намози учун таҳорат олишға меҳмонхонадан чиқған эди, унинг кетича: – **Отанинг боласи-да**, – деб Зиё шоҳичи меҳмонларга қараб қўйди. – Умри узоқ бўлсин, – деди Акрам ҳожи, – йигитларимиз ичида энг ақллиғи экан… Агарда хон кўтариш **маним** қўлимда бўлса эди, хон қилиб Отабекни кўтарар эдим…//* Бундан ташқари эгалик қўшимчасининг белгисиз қўлланилиши (отанинг боласи) ҳам асарга халқона руҳ беришга хизмат қилмоқда. Отасининг боласи бирикмасига қараганда кўпроқ маъно ифодаламоқда, бизнингча, мазкур боғланиш грамматик жиҳатдан тўғри, (отанинг боласи – отасининг боласи) эгалик қўшимчаси ортиқча экани кўриниб турибди.

Романлар матнининг аҳамиятли жиҳати шундаки улардаги воқеалар муаллиф яшаган даврдан ҳам олдинроқ содир бўлган, ёзувчи ўша даврни акс эттириш учун, албатта давр тилини ўрганган. “Ўткан кунлар” романи халқ орасида жуда оммалашгани, ҳатто ўқишни билмайдиганлар ҳам эшитиб завқлангани бежиз эмас, чунки асар халқчил тилда ёзилган, бу дегани унинг грамматикаси ҳам сунъий эмас.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдулла Қодирий Ўткан кунлар. Роман. –Т.: Шарқ –нашрёт матбаа концерни 2014.
2. Абдулла Қодирий Меҳробдан чаён. Роман. –Т.: Шарқ –нашрёт матбаа концерни 2014. 875 бет.
3. Чориева З. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги мактубларнинг луғавий-маъновий ва услубий хусусиятлари: филол.фан.номз. дисс. автореф. –Т., 2006.
4. Йўлдошев М.М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати: филол.фан.номз. дисс. автореф. –Т., 2000.

5. Сайидов Ё. Фитрат бадиий асарлари лексикаси: филол.фан.номз. ...дисс. автореф. –Т., 2001.
6. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Қурбонова М., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Фан ва технологиялар, 2010.

МОРФЕМ ТАРКИБИ СОДДАЛАШГАН СЎЗШАКЛЛАР

Усмонова Мохира Кенжаевна
ф.ф.ф.д., катта ўқитувчиси
Қарши давлат университети

Ўзбек тилидаги кенг қўлланилаётган *қаҳрамончасига, ҳарбийчасига, ққтошкентчасига, очиқчасига; оталарча, катталарча, акаларча, ўртоқларча...* равишларининг таркибий қисмлари масаласини ҳам кўриб чиқиш лозимга ўхшайди. Чунки бу сўзшакллар таркибидаги *-ларча* ёки *-часига* қўшимчалари, ҳақиқатан ҳам, мураккаб (қўшма) аффикс сифатида шаклланиб бўлганми? Гап шундаки, “Ўзбек тили грамматикаси”да *-ларча, -часига* бирликлари мураккаб қўшимча сифатида қайд этилса-да, бу нарса аниқ асосланмаган. Изоҳлар бошқача. Жумладан, шундай изоҳлар ўқиймиз: “Равиш ясовчи *-часига* ва *-ларча* аффикслари таркиб жиҳатдан мураккаб бўлиб, ҳар иккисининг вужудга келишида *-ча* равиш ясовчиси база ҳисобланади. Тилимизнинг кейинги тараққиётида *-ча, -ларча, -часига* аффикслари мустақил ясовчига айланган”. Энди бундан юқоридаги фикрни келтирамиз: “*-ларча* ёрдами билан ясалган равишлар маъно томонидан *-ча* орқали ясалган равишлардан асосан фарқ қилмайди, *-ларча* аффикси билан ясалган равишда ўхшатиш маъноси бир оз кучайган бўлади: *мардларча-мардча, дўстларча-дўстча*”. Келтирилган изоҳларга жиддий эътибор қаратилса, улар бир-бирини тасдиқламайди, балки инкор этади: а)*-ларча* алоҳида равиш ясовчи сифатида тан олинса, демак, энди у ўхшатиш маъносини кучайтириш учун хизмат қилмайди; б) кучайтириш маъноси *-лар* аффикси воситасида ифодаланган; в) шу мисолларнинг ўзида *-ларча* парчаланади, яъни *-лар +-дек* тарзида қўлланишга йўл қўйилади: *мардлар+ча; мардлар+дек* каби (*дўстлар+ча, дўстлар+дек*). Бундан ташқари, *дўстларча* билан *дўстча, мардларча* ва *мардча* қўлланишларида грамматик бирлик ёки кўплик (жамлик бўлиши ҳам мумкин) жиҳатдан фарқ ҳам аниқ сезилиб туради. Шунингдек, *тошкентча* курашамиз, *тошкентчасига* курашамиз бирикмаларидаги тошкентча ва тошкентчасига сўзшаклларида фақат грамматик маънода, фарқ бор. Ўзбек тилида *тўйгунумча* сўзшакли бор.

Албатта, бу сўзшакл таркибида *тўй* ўзак морфемаси мавжуд. Бироқ бу сўз таркибидаги *-гу* элементини алоҳида ажратиб бўлмайди. Чунки *тўйгу* шакли ўзбек тилида қўлланилмайди. Шу тарзда қарасак, кейинги *-н* элементини ҳам ажратиш қийин. Яъни *-н* элементининг қандай бирлик эканлиги, вазифаси, маъноси аниқ эмас. Агар бу элемент *тўйгин* кўринишида кузатилса, бу ҳолда ўзак морфемадан кейин мураккаблашиб олган *-гин* қўшимчаси бор деб қараш мумкин: *тўйгин* каби.

Бунда *тўйгин* сўзшакли таркибидаги *-гин* баъзи адабиётларда қайд этилганидек, иккинчи шахс буйруқ майли шакли деб тан олиниши керакми ё бошқа шаклми? Бизнингча, бу ҳолатида бу шакл (*-гин, -гил*) буйруқ майли шакли эмас, балки кучайтирувчи шаклдир: *тўй-тўйгин, бор-боргин* каби (буйруқ ўзакнинг ўзидан англашилади, иккинчи шакл ҳам, ўзакнинг ўзида ифодаланган). Кўринадики, бундай ажратиш ҳам мумкин эмас. Энди навбатда *-им* қўшимчаси турибди. Бу қандай бирлик? Агар сўзшакл *борганим* ёки *тўйганим* рост бўлди типидаги кўринишда тан олинса, албатта, бу ўринда *-им* эгалик кўрсаткичи бўлади ёки тусловчи бўлиши ҳам мумкиндир. Бироқ биз таҳлил қилаётган сўзшаклда *-им* бундай вазифани бажараётгани йўқ. Чунки ўзбек тилида *тўйгуним* шакли йўқ. Демак, *-им* элементининг қўшимча эканлиги сезилиб турса-да, уни алоҳида бирлик сифатида белгилаб бўлмайди. Ниҳоят, охирги *-ча* элементи қандай морфема? У равиш ясовчими? Ўзи алоҳида шу вазифани бажараяптими? Бу қўшимчанинг *тўйгуним* асосидан сўз ясаш хусусияти борми? Кўрамизки, ана шундай саволлардан яна бир нечтасига жавоб топиш керак. Ёки: ўзак морфема *тўй* қисми бўлса, *-гунимча* қисмини яхлит ҳолда мураккаб бирлик сифатида қараган маъқулмикин? Яъни: *тўй+гунимча* тарзида. Бу ҳолда *-гунимча* қисмини алоҳида, мураккаб қўшимча сифатида қайд этиш лозим бўлади. Афсуски, бундай қўшимча бирор манбада қайд этилмайди. Агар юқорида қайд этилган *-сига, -часига, -имли, -имсиз, -гинг, -гим, -гичи, -гина, -гундек, -гунимча,- гулик, -гунчалик, -айлик, -йлик* (*ўқийлик*), *-лайин* каби бирликларни мураккаб қўшимчалар тарзида қайд этган тақдиримизда ҳам, таркибида бу қўшимчалар бор бўлган сўзшакллар ҳозирги кунда морфемик жиҳатдан соддалашган сўзшакллар қаторида баҳоланмоғи лозим. Чунки уларнинг асл таркиби уч ёки тўрт морфемадан иборат бўлиб, тил тараққиёти давомида ўзак морфема ўз ҳолатини сақлаганлигига қарамай, қўшимча морфемалар бирлашиб (иккитаси ёки учтаси) бир қўшма аффикс ҳолига келган ва сўз таркибида соддалашиш содир бўлган. Энди *тўй+гу+н+им+ча* таркибли сўзшакл *тўй+гунимча* таркибли сўзшакл даражасида соддалашган: беш морфемали сўз икки морфемали сўзшакл тусини олган. Характерли жиҳати шундаки, ўзбек тилида *-гим* (боргим), *-гиси* (боргиси), *-гинг* (боргинг) қўшимчалари билан келган сўзшакллар, одатда, *кел* шакли билан қўлланиб келади: *боргим келди, кўргим келди, кўргиси келди, ўқигинг келди* каби. Ўзбек тилидаги *тўйимли* сўзшаклида ҳам тўйим қисмини ажратиб бўлмайди. Уни фақат *тўй+-имли* тарзида, шартли равишда икки қисмига ажратиш мумкин (*менинг тўйим февралда бўлган* гапидаги *тўйим* сўзшакли билан алмаштирмаслик керак). *Тўйимли* овқат бирикмаси таркибидаги *тў-йимли* сўзшаклини ҳозирги кунда морфемаларга ажратиш шарт эмаслиги ҳақидаги фикр ўринлидир.

Худди шу тарзида *узунасига* сўзшаклига ёндашиб кўрилса, бу сўзшакл таркибида ҳам ҳолат шундай эканлиги кузатилади. Жумладан, бу сўз таркибида тарихан қисмларга ажратиладиган, ҳозир эса туб сўз сифатида баҳоланадиган *узун* сифати - ўзаги мавжуд. У аниқ билиниб туради. Бу ўзакка *-а* элементи қўшилган

(унинг равишдош ясовчими, давомлилик ифодаловчими ёки яна бошқа бир элементми эканлиги сезилмай қолган), ундан сўнг *-си* қўшимчаси қўшилган (эгалик қўшимчаси тарзида баҳолаш мумкин), бу қўшимчадан кейин жўналиш келишиги шакли *-га* элементи қўшилган. Бу қўшимча ҳам гўё аниқ сезилиб тургандек. Бироқ ўзбек тилида *узун+а* ёки *узунаси* (*узун+а+си*) сўзшакллари алоҳида мавжуд эмас.

Узунасига сўзшакли узун ва *-асига* тарзида ажратилиши шартли равишда мумкиндир. Бу ҳолатда *-асига* қисми мураккаб қўшимча сифатида қайд этилиши лозим бўлади. Адабиётларда *-часига* мураккаб қўшимчасини қайта бошқа сўзшакл билан алмаштириш мушкул эканлиги масаласи ҳам бордир.

Ўзбек тилшунослигида тилдаги мавжуд қўшимчалар қайд этиб ўтилган манбалар мавжуд. Шулардан бири “Ўзбек тилининг морфем луғати” бўлиб, унинг охирги қисмида қўшимчалар рўйхати берилган. Бироқ *-гулик, -гундай, -имли, -имсиз* каби қўшимчалар шу шаклда алоҳида қайд этилмаган. Қизиғи шундаки, бу луғатда *-ги* III қўшимчаси алоҳида қайд этилиб, уни асослаш учун келтирилган мисолларда *егим келди, боргиси йўқ, ишлагинг борми* сўзшакллари учрайди.ч

Демак, кўринадики, бу сўзлар таркибида ё *-гим, -гиси, -гинг* каби мураккаб аффикслар бор, ёки бу сўзларни *йэ+-ги+-м, бор+-ги+-си, иш+-ла+-ги+инг (-си)* тарзида таҳлил қилиш керак. Бу ҳолда *еги, борги, ишлаги* тарзидаги шаклларни алоҳида ажратишга тўғри келади. Бу эса мумкин эмас. Чунки ўзбек тилида бундай сўзшакллар умуман йўқ. Худди шу каби, масалан, *кўримли, кўримсиз* сўзшаклларида ҳам *кўрим* қисми алоҳида ажратилиши мумкин эмас. Бу сўзшаклларни *кўр+-имли* ёки *кўр+-имсиз* тарзида ажратиш имконияти бор, албатта, бироқ бу ҳолда *-имли* ва *-имсиз* шаклларини мураккаб қўшимча сифатида қайд этиш лозим бўлади. Агар шундай қараладиган бўлса, *-гиси, -гинг, -гим (егим, боргиси, ишлагинг* сўзшаклларида), *-гулик, -гудек (-гундек)* бирликларини ҳам мураккаб қўшимча сифатида қайд этиш лозим бўлади. Акс ҳолда, бу сўзшаклларни морфемаларга ажратиш мумкин эмас. *Билимли* сўзи *бил+-им+-ли* шаклида парчаланади, бироқ кўримли сўзини бундай таҳлил қилиб бўлмайди *кўр+-им+ли* тарзида ажратиш хатодир, унда соддалашиш юз берган.

Энди ана шу қарашлар асосида ёндашиладиган бўлса, юқорида қайд этилган *тўйгунимча* сўзшаклини қай тарзда морфемаларга ажратиш лозим? Ёки у морфемаларга ажратилмайдими? Демак, терма команда бирикмаси таркибидаги *терма* сўзшаклидаги *-ма* қўшимчаси қўшма аффикс сифатида шаклланиб бўлган *(-қич, -гир* қўшимчаларида ҳам шундай) ва шунга кўра, уларни (қўшма) мураккаб қўшимча термини билан аташ маъқул бўлса, мураккаблашиш жараёни тўла тугалланмаган *-ламчи, -гунимча, -акчи (ет+акчи, ет+акла), -имча (қўш+-имча)* каби бирликларга нисбатан мураккаблашган ёки мураккаблашувчи қўшимчалар (морфемалар) терминини қўллаш тўғри бўлади. Шундай йўл тутсак, *иккиламчи, бирламчи* сўзлар таркибини, бемалол *бир+-ламчи, икки+-ламчи* тарзида морфемаларга ажратиш мумкин.

Ҳозирги кунда адабиётларда, маълумотномаларда бундай қўшимчаларнинг қайд этилишида, юқорида айтганимиздек, ҳар хиллик кузатилади. Яъни: “Ўзбек тилининг морфем луғати”да *-гани, -ганича, -гарлик, -гарчилик, -гача, -гунча, -гич, -гуси, -даги, -диган, -дик, -дингиз, -ётган, -илдоқ, -имиз, -имтил (имтир), -ингиз, -инди (қиринди), -инчи, -иғлиқ, -кали, -канча, -кача, -ларча, -кунча, -лат, -лаш, -лаб, -лаш, -лаштириш, -маслик, -моқда, моқлик, -моқчи, -ники, -овлон, -онғич, -оғич, -часига, -чилик, -қунча* каби бирликлар қўшма аффикслар тарзида шаклланиб бўлган бирликлар (морфемалар) тарзида қайд этилган бўлса, “Ўзбекча-русча таржима луғати”да юқоридагилардан ташқари *-айин, -айлик, -акам (ростакам, ҳазилакам), -аки, -лайин, -масдан, -тадан, -сангиз (ўқисангиз), -турғон (дигон)* бирликлари ҳам киритилган. Хуллас, қайд этилишда бир хиллик йўқ. Бу эса ўзбек тилида яхлитлашган ҳолда бир морфема вазифасини бажарадиган бўлиб қолган *-гунимча, -гунчалик, -асига, -гиси, -анчи* каби кўпгина бирликларни ҳам мураккаблашган қўшимчалар сифатида қайд этиш имконини беради. Бундай ҳолда ҳеч иккиланмай, *қўшимча* сўзшаклини *қўш+-имча* тарзида морфемаларга ажратишга тўла йўл очади. Шу тарзда *тўқимачилик* сўзи ҳам *тўқи+-мачилик* тарзида ажратилиши мумкин бўлади. Уни *тўқи+ма+чи* тарзида ажратиш мумкин эмаслиги ҳаммага маълум. Чунки *тўқима* (ҳужайра) сўзи каби қисм *тўқимачилик* сўзи таркибида йўқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбек тили грамматикаси. 1-том. Морфология. – Т.: Фан, 1975. – 612 б.
2. Ғуломов А., Тихонов А., Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг морфем луғати. – Т., 1977. – б. 15-21.

ОСНОВНЫЕ СВОЙСТВА И КАТЕГОРИИ ТЕКСТА

доц. Таштемирова З.С.
магистрант 2 курса Нематжанова Н. Б.
ФерГУ

Основу универсальных категорий текста составляют цельность (план содержания) и связность (план выражения).

Цельность текста ориентирована на план содержания, на смысл, она в большей степени психолингвистична и обусловлена законами восприятия текста, стремлением читателя, декодирующего текста в единое целое.

Целостность текста обусловлена концептуальностью текстового смысла, в связи с чем она в большей степени парадигматична.

Связность в противовес цельности в большей степени лингвистична, она обусловлена линейностью компонентов текста, т.е. синтагматична. Эта категория внешне выражается в тексте на уровне синтагматики слов, предложений,

текстовых фрагментов. Автор текста в процессе его порождения стремится расчленить континуальный смысл на компоненты.

Если попытаться отобразить графически эти две текстоформирующие категории, то цельность (содержание), несомненно, - вертикаль схемы, а связность (структура) - горизонтальность. Но хочется подчеркнуть, что эти оси координат взаимодействуют. Цельность внешне материализуется в связности, связность обусловлена цельностью и, в свою очередь, обуславливает её.

Цельность текста обеспечивается категориями информативности, интегративности, завершенности, хронотопа (текстового времени и текстового пространства), категориями образа автора и персонажа, модальности, эмотивности и экспрессивности.

Перечислим некоторые свойства текста.

Завершенность текста на первый взгляд связана с отдельностью его материального тела, материальной оболочки. Но для текстового целого важнее всего его контекстуально-смысловая завершенность.

Абсолютная антропоцентричность. Иными словами, текст создается человеком, предметом его изображения чаще всего является человек, и создается он чаще всего для человека.

Социологичность художественного текста означает, что он, с одной стороны, связан с определенным временем, эпохой, устройством общества, а с другой - сам выполняет социальные функции.

Диалогичность художественного текста связана с бесконечностью, открытостью, многослойностью его содержания, которое не допускает однозначной интерпретации текста, вследствие чего высокохудожественные литературные произведения не утрачивают актуальности многие десятилетия и столетия. Кроме того, диалогичная природа текста проявляется и в том, что любой текста является ответной реакцией на другие тексты, так как всякое понимание текста есть соотнесение его с другим тестом.

Статичность и динамичность текста обусловлены аспектом его рассмотрения, ибо текст одновременно находится и в статическом состоянии динамическом. Статическое состояние соответствует тексту, рассматриваемому как некоторый результат, продукт рече-мыслительной деятельности. Динамическое состояние - это текст в процессе его порождения, восприятия и понимания.

Напряженность текста. Художественный текст должен заинтересовать, как бы "взять за душу" читателя, придать напряжение всему восприятию текста.

Эстетичность текста - эстетическая функция художественного текста, которая порождает его специфические качества.

Системно-структурная организация художественного текста, семантика используемых в нем языковых единиц являются основой объективности его интерпретации, а коммуникативная, прагматическая природа текста и социальная, культурная компетенция читателя допускают субъективность, неоднозначность его интерпретации.

Необходимо знать основные категории текста, или его основные признаки.

Текстовая категория (характеристика) - это такой признак, который свойствен всем текстам и без которого не может существовать ни один текст, т.е. это типологический признак, который запрограммирован уже на уровне первичного авторского замысла и представляет собой отдельный параметр этого замысла.

Итак, основными свойствами текста являются его цельность, связность, членимость, тематичность, логичность, темпоральность локальность, оценочность, композиция.

Список литерературы:

1. Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – М.: Наука, 1981.
2. Бабенко Л.Т., Казарин Ю.В. Филологический анализ текста. – М., 2004.
3. Малюшкин А.Б. Комплексный анализ текста. – М.: Сфера, 2008.

ШАРҚ ШЕЪРИЯТИДА “ГЎЗАЛЛИК” КОНЦЕПТИНИНГ ВОҚЕЛАНИШИ

Зулфия Маруфова
Тошкент, Ўзбекистон

Асрлар мобайнида ҳар бир миллатнинг ўзига хос миллий-эстетик диди, дунёқарашлари, гўзалликка бўлган муносабатлари, тасаввурлари ва талаблари шаклланиб борган. “Гўзаллик” концепти ҳақида сўз юритишдан олдин олимларнинг “гўзаллик” ва “концепт” тушунчаларига берган таърифларига назар ташлайлик.

Гўзалликнинг моҳияти ва унга нисбатан ёндашувларни фалсафий-эстетик контекстда таҳлил қилган олим Б.Ҳусановнингфикрига кўра, “Гўзаллик – бу, воқелик (табиат,жамият, санъат) ҳодисаси бўлиб, бирор нарсага ҳис-туйғу орқали таъсир ўтказиш билан инсонда жисмоний ва маънавий кучлар оқимининг кўпайишига, шодлик, завқланиш, маънавий қониқиш ҳолати вужудга келишига имкон яратади.«Гўзаллик, – деб ёзади Б.Э.Ҳусанов, – «чиройли», «кўркам»,

«нафис», «жозибадор», «мафтункор» каби тушунчаларга нисбатан устуворроқдир»[138]

Гўзал нарсалар инсон амалий фаолиятига, манфаатларига мос бўлиб, уларни идрок этиш ҳайрат ва қувонч бағишлайди, шахснинг уйғун ривожланишига, унда энг яхши инсоний хислат-фазилатлар таркиб топишига кўмаклашади.

М.Раҳматова ўзининг “Инглиз, ўзбек ва тожик миллий маданиятида “гўзаллик” концептининг лисоний хусусиятлари” мавзусидаги докторлик диссертациясида учта миллат онгидаги гўзаллик ҳақидаги тасаввурлар ва уларнинг турли вазиятларда вербаллашувини қиёсий тарзда очиб берган. Инглиз, ўзбек ва тожик тилларида, яъни шарқ ва ғарб оламида «гўзаллик» концептининг лисоний хусусиятлари чоғиштириб таҳлил қилган. Шунингдек, «гўзаллик» концептининг бадиий ҳамда диний матнларда ифодаланиши концептуал метафоралар нуқтаи назаридан ва фрейм таҳлиллари асосида илк марта тадқиқ этилган. “Гўзаллик” концептининг тилда воқеланишида ҳар учала халқнинг этник хусусиятига хос *табиат ҳодисалари, зоонимлар, ўсимликлар дунёси антропонимлар, таом номлари, диний антропонимлар, историзмлар, услубий хос сўзлар ва ижтимоий* мавзуларга оид лисоний бирликларнинг универсал ҳамда миллий-маданий хусусиятларининг концептуал изоморфик (муштарак) ва алломорфик (фарқли) жиҳатлари исботланган.[139]

Миллий қадриятлар образли майдони назариясини ўртага ташлашнинг сабаби гўзаллик концептига оид мазмунни тушунтириш учун гўзаллик лексик-семантик майдонидаги сўзларнигина эмас, балки ҳар бир сўз ва контекстда мужассам миллий руҳни англаш муҳим. Яъни бир миллий маданиятдаги гўзаллик қадриятлари бошқа миллий маданиятда гедонистик (ёқади/ёқмайди), норматив (тўғри/нотўғри), этик (ахлоқ/ахлоқсизлик), психологик (қизик/қизиқмас, ёқимли/ёқимсиз) ёки ксенологик (таниш, ўзимники/нотаниш, бегона) ҳисларини уйғота олади. Масалан, ўзбек халқ мақоли *Ерга рош, қизга қош* инглиз халқи учун ҳеч қандай маъно англатмаслиги ёки диссонансни вужудга келтириши ҳам мумкин.Шунингдек, М.Раҳматова, гўзаллик муайян, лекин субъектив эканлигини, ўзбек халқи маданияти учун муҳим бўлган гўзаллик образлари инглиз маданияти учун муҳим бўлмаслиги мумкинлигини таъкидлайди.Плотин «Ақлий гўзаллик хусусида» асарида: «Гўзаллик илк гўзаллик ҳамда яхлитликдир, у ҳамма ерда яхлитдир» деган фикрни илгари суради.[140]

“Гўзаллик” тушунчаси кенг қамровли бўлиб,табиатга, санъат асарларига, аёлга,ахлоққа, ва, ҳар бир халқнинг миллий-эстетик қарашларидан келиб чиққан

[138]Хусанов Б.Э. Шахс ва жамият муносабатларида гўзалликнинг намоён бўлиш хусусиятлари: дисс… фал.фан.номзоди. –Т., 2004. –Б-12.

[139]Раҳматова М.М.Инглиз, ўзбек ва тожик миллий маданиятида “Гўзаллик” концептининг лисоний хусусиятлари. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

[140] Хусанов Б.Э. Шахс ва жамият муносабатларида гўзалликнинг намоён бўлиш хусусиятлари: дисс… фал.фан.номзоди. –Т., 2004. –Б-12.

ҳолда, бошқа нарсаларга нисбатан ҳам ишлатиш мумкин. Биз қуйида аёл гўзаллигига бўлган қарашлар доирасида фикр юритмоқчимиз.

Ҳар қандай тилда “гўзаллик” концептини ҳосил қиладиган “завқ берувчи”, “ҳайратга солувчи”, “бенуқсон”, “ўзига тортувчи”, “ёқимли”сингари универсал семалар инсониятнинг эстетик маданиятини бир нуқтада бирлаштирувчи концептоцентрик майдонни ҳосил қилади. М. Раҳматованинг фикрича, “...турли тилларда «гўзаллик» тушунчаси ўзига *соғлом, яхши, тоза, бузилмаган, қулай, меҳрли* каби белги-аломатларини ҳам сингдиради. Уларнинг ифода усуллари этник маданияти ва миллий дид нуқтаи назаридан фарқ қилади.

Шарқ шеъриятида гўзаллик тушунчаси асосан, ёрга(тасаввуфий шеъриятда Оллоҳга),аёлга бўлган меҳр-муҳаббат туйғулари заминида юзага келган, дейиш мумкин. Мумтоз адабиётда ёрнинг қоматини, юзини, кўзини, ёноқларини, сочларини, лабларини, юришларини метафорик усулда кучли экспрессив бўёқдорлик фонида тасвирлаш анъанаси мавжуд.

А.Навоий ижодидан мисол келтирадиган бўлсак, биргина гўзал аёлни номлаш учун *ой, қуёш, маҳваш, пари, нозанин, жанон, гулруҳ, пари пайкар, сарву гуландом, офатижон, санам, дилдор, нигорим, баҳорим, шаҳсуворим, моҳим* каби ўнлаб сифатлашларни қўллайди.

Сарв қад гулруҳлар ўтмас хотири ношодима,
Сарву гул кўрсам, алар киргай магарким ёдима

Бехуд ўлғач, *зулфи зуннориға* дин нақдин бериб,
Ишқ бозорида кўнглум турфа савдо қилдило.

Ёйиб оразда *мушкин холларни* сунбулунг доми,
Кўнгулнинг қушлари ул дому су донанинг роми.

Лаъли серобинга то кўз ўзини олдурмиш,
Лаъл рангидин асарлардур анинг ёшинда.

Қоши ёсин қурғали эл қасдиға бўлмиш кериш,
Фитналиғ чинким тушар ул *наргиси жоду* уза.

Шоир маъшуқанинг қаддини-сарв дарахтига, сочларини-зуннор (дарвешларнинг белбоғи)га, сунбул дарахтига, лабини-лаъл тошига, қошини—ёйга, кўзини-наргис гулига нисбат бериш орқали гўзаллик ҳақидаги тасаввурлар ассоциациялашиб, яхлит концептни ҳосил қилмоқда.

“Концептлар инсон онгида нафақат сўзнинг луғавий маънолари асосида, балки шахсий ҳамда бутун бир халқнинг маданий-тарихий тажрибасидан келиб чиқиб пайдо бўлади,-деб ёзади *Зафар Арслонов* “Когнитив тилшунослик ҳақида қисқача...” мақоласида.[141] Юқорида келтирилган ғазал намуналарида умуман туркий мумтоз адабиёт учун хос бўлган метафорик ифодаларни кўрдик. Яна шундай ташбеҳ ва бадиий тасвирлар ҳам учрайдики, у фақат муаллифнинг ўзигагина тегишли, яъни индувидуал-субъектив бўлади. Навоийнинг:

Сунбули зулфи агар ошуфтадур, айб этмаким,

Гул юзида ётқон икки нозанин бемори бор.-

Юқорида келтирилган турли мифонимлар қаторига бирор динга мансуб бўлган атоқли отлар ва худолар номлари, яъни теонимларни қўшиш мумкин. Масалан, Тангри, Ҳизр бува, Расул, Расулуллоҳ. Булардан ташқари баъзи олимлар, хусусан, Суперанская мифлар ва диний китобларда учрайдиган турли жинларнинг номлари: иблис, ажина, жин, шайтон, пари кабиларни демонимлар қаторига қўшади. Жин, иблис, шайтон каби мифонимларни, асосан, диний ривоятларда кўришимиз мумкин. Масалан, Ибн Жарир саҳиҳ иснод келтирган ривоятда айтилишича, Одам алайҳиссалом инсонларнинг асли бўлганидек, Иблис жинларнинг аслидир. Иблис оловдан яралган. У Одам алайҳиссаломга сажда қилишдан бош тортиб гуноҳкор бўлгунча Азозил, деб аталган.

Ўзбек тилида фаол бўлган турли пайғамбарлар (руҳлар) номларини ҳам кузатиш мумкинки, улар турли бало-қазоларни даф этувчи руҳ, пир сифатида инсонга ҳомийлик қилади, унинг тафаккурида яшайди. Масалан, фарзандсизларга

[162]Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – Б. 47.

фарзанд ато этувчи Шоҳимардон пирим ёки автоҳалокатларнинг олдини олувчи Довуд пирим шулар жумласидандир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – Б. 47.
2. Йўлдошев Б. Ўзбэк ономастикаси масалалари. Танланма фанлардан услубий қўлланма. – Самарқанд. 2011, 10-б.
3. Машарипов М. Атоқли отларнинг грамматик таркиби. Урганч. 2016, 15-б

ЎЗБЕК ТИЛИДА ИДИШ НОМЛАРИНИНГ ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Холбекова Матлуба Абдуфаттоевна
ФарДУ ўқитувчиси
Мамажонова Мунира Расулжоновна
Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 23-мактаб ўқитувчиси

Ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг ўзига хос турмуш тарзи ва ҳаёт анъаналари мавжудки, уларда халқ ёки миллатнинг маънавий қиёфаси акс этади. Адабий тил шакли бу маънавий бойликларнинг энг буюги, энг қимматлиси саналади. Сабаби инсоннинг теваракни қуршаб олган нарсалар олами ҳақидаги бор билим ва тасаввурлари тилда ўз аксини топади. Улар тилнинг луғат таркибидан жой олади. Уларнинг барчаси ўзаро ассоциатив муносабат ҳосил қилгани ҳолда нутқий вазиятларда ўзига хос прагматик хусусиятларга эга бўлади.

Тил бирликларида акс этувчи миллийлик бўёғи идиш номларини англатувчи сўз шаклларида ҳам мавжуддир. Масалан, *чойнак* ва *пиёла* жуфтлиги Шарқ халқлари учун хос бўлган идиш номлари ҳисобланади.

Ўзбек тилида чойнак сўзи чой салқин ичимлиги билан алоқадор тушунчани англатиб, *чойгум, чойдиш* сўзлари билан бир парадигматик қатор ҳосил қилади. Ўзбек тили луғат таркибига хитой тилидан кириб ўзлашган *чой* сўзи ўзагида ҳосил қилинган *чойнак* сўзига “Ўзбек тили изоҳли луғати”да қуйидагича таъриф берилган: **ЧОЙНАК** [*р.* Чайник – чой идиш] Чой дамлаб ичиладиган, жўмракли ва дастали идиш, уй-рўзғор асбоби. (ЎТИЛ, IV жилд, 504-бет)

Чойнак сўзи чой дамланадиган идиш сифатида дамланган чойни қуйишга мўлжалланган пиёла сўзи билан бевосита боғланади. Пиёла сўзи луғатда қуйидагича изоҳланади. **ПИЁЛА** [*ф.* < *юн.* phiale – сув ичиладиган ясси косача] Тубидан юқорига томон кенгайиб борадиган, косадан кичик, тагликли идиш (асосан чой ичиш учун ишлатилади). (ЎТИЛ, III жилд, 256-бет).

Дунёнинг кўп тиллари каби ўзбек тилида ҳам сўзлар ўз маъносидан ташқари кўчма маъно ифодалаб келади. Сўзни кўчма маънода қўллаш сўз маъноларининг кўчиш усулларига асоаланади. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов ўзининг машҳур “Камтарлик ҳақида” номли шеърида айнан чойнак ва пиёла сўзлари

ёрдамида метонимия усулига, яъни нарса ва тушунчалар ўртасидаги ўхшашликка асосланган кўчим туридан фойдаланиб, шеърий матн мазмунини ёритади.

Гарчи шунча мағрур турса ҳам,
Пиёлага эгилар чойнак ...

Бу ўринда шоир чойнак ва пиёла идишларининг шаклий кўриниши ҳамда фойдаланилиш тарзидан усталик билан фойдаланади. Маълумки, сув тўкилиб кетмаслиги учун чойнакнинг жўмрак қисми юқорига қаратиб ишланади. Шоир бу кўринишни калондимоқ, манман кишилар ифодаси учун ўринли қўллайди. Пиёла эса чойнакдан кичик бўлиб, асосан, ясси шаклда ишланади. Предметдаги бу белгилар унинг мисолида камтарин, ҳокисор кишилар тасвирини яратишда шоирга қўл келган. Демак, кўринадики, идиш номлари парадигмасининг прагматик хусусиятлари тилни чуқурроқ тадқиқ этишга ёрдам беради.

Бундан ташқари ўзбек халқ мақоллари матни таркибида ҳам идиш номлари кўп учрайди. Масалан, *Қозонда бори чўмичга чиқади* мақолини таҳлил қилиб кўрамиз. Мақол таркибидаги *қозон* ҳамда *чўмич* сўзлари идиш номи маъносини англатади. Кўпинча мақоллар мазмуни маъжозий маъно ифодалайди. Ушбу мақолда ҳам қозон ва чўмич сўзлари ҳамда улар билан боғлиқ жараён ифода мазмунидан кўра кенгроқ мундарижага эга бўлиб, ундаги асл мазмун ботинда бор нарса юзага чиқади, аксинча, моҳиятда мавжуд бўлмаган белги юзада акс этолмайди каби фикрларга ишора қилади. Мақол таркибида бу мазмуннинг қозон ва чўмич номлари орқали берилиши назарда тутилган фикрни осон илғаб олишга ёрдам беради. Сабаби бу идиш номлари ҳам кишиларнинг кундалик турмуш тарзида қадим замонлардан буён ишлатилиб келинади. Бундан ташқари қозон ва чўмич сўзлари ҳам чойнак ва пиёла сўзлари каби тилда ўзаро алоқадорлик асосида жуфтлик ҳосил қилади. Демак, идиш номлари ҳам турмуш тарзининг фаол прндмети сифатида шу тилда сўзлашувчи кишиларнинг фаол сўзлар луғати таркибидан жой олади.

Баъзан идиш номлари фразеологизмлар таркибида қўлланилади. Масалан, *коса тагида нимкоса* ибораси ўзбек тилида кўчма маъно ифодалаб мазмунан *гап тагида гап бор* иборасига тенг келади. Ушбу ибора таркибидаги *коса* идиш маъносини билдирувчи лексемаси ҳам ўзбек миллати кундалик турмуш тарзида энг кўп ишлатиладиган идиш тури саналади.

Баъзан мақол ёки маталлар таркибида шундай шакллар иштирок этадики, улар ҳозирги кунда тилда ишлатилмайди, эскирган сўзлар ҳисобланади. Улар фақат шу ўриндагина яшаб қолган бўлади. Масалан, *Бўзчи белбоққа ёлчимас, кулол мўндига* мақолида қўлланилган *мўнди* сўзи фақат тарихий матнлар таркибида учрайди. “Ўзбек тили изоҳли луғати”да мазкур сўз шундай изоҳланади: **МЎНДИ** [*ф.* – ўғзи синиқ кўза] Сопол кўза тури: оғзи тор, қорни кенг шаклда, дастасиз бўлади (суюқлик солиб қўйишда фойдаланилади). (ЎТИЛ, II жилд, 669-бет).

Кўринадики, идиш номлари тадқиқи ҳам тилшуносликда қизиқарли маълумотларни қўлга киритишга ёрдам беради.

NUTQIY FAOLIYATGA DOIR PAREMALAR TADQIQINING LISONIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY VA METODIK AHAMIYATI

Tursunova Dilorom Xoshimjon qizi
Namangan davlat universiteti
Lingvistika: o`zbek tili 2-kurs magistranti

Mamlakatimiz moddiy va ma'naviy madaniyati boyliklarini yanada ko`paytirish hamda uni jamiyat tomonidan har tomonlama, chuqur o`zlashtirilishini ta'minlash, Vatanimiz va dunyo xalqlari badiiy ijodining eng yaxshi namunalari asosida yosh avlodni g`oyaviy-estetik ruhda tarbiyalash zarurligini har tomonlama asoslab berdi. Bunda adabiy-madaniy meros, jumladan, folklor merosining roli va ahamiyati g`oyatda beqiyosdir. Chunki,buyuk iste'dod sohibi Chingiz Aytmatov aytganidek, "Xotirasi bo'lmagan, tarixi bo`lmagan, ko`hna asotirlar, afsonalar, klassik adabiyotda aks etgan ma'naviy biografiyasi bo`lmagan odam ruhan qashshoqlikka mahkum va bunday odam murakkab zamonaviy hayotni anglashga ojizdir". Shunday ekan, insoniyat ma'naviyatining buyuk olami bo`lgan folklorni, jumladan, o`zbek xalq ijodini har tomonlama o`rganish, uning eng yaxshi namunalarini mustahkam davlat qurilishining bugungi vazifalari xizmatiga qo`yish tilshunoslikning dolzarb masalalaridan hisoblanadi.

O`zbek xalqining folklor merosi juda ko'p va turli xil bo`lib, bu merosning salmoqli qismini maqollar tashkil etadi. Folklorshunos olimlar maqollar va matallarni o`rganuvchi sohani paremiologiya deb atashadi. "Paremiya"– yunoncha "chuqur ma'noli gap, hikmatli so`z, ibora, maqol, matal" ma'nosini beradi. Azim Hojiyevning "Tilshunoslik terminlarining izohli lug`ati" kitobida maqol va matallarga quyidagicha ta'rif berilgan:

Maqol – chuqur ma'noli, tuzilishi gapga teng, alohida ritmik-melodik xususiyatlarga ega bo`lgan folklore janr. Maqollarda xalqning ko`pyillik tajribalari, hayot hodisalarining ma'lum bahosi(unga munosabat) aks etdi.

Matal – hayotiy voqelikni ixcham shaklda emotsional-ekspressiv baho bilan tasvirlovchi ifodalar. Matallar nutqda hukmning qismi vazifasida bo`lishi, hamma vaqt ko`chma ma'no anglatishi kabi xususiyatlari bilan maqollardan farqlanadi.[1]

Maqollarda so`z qimmati alohida yorqin ifodalandi. Chunki maqollardagi so`zlarni boshqasi bilan almashtirish, biror so`z qo`shish mumkin emas. Ular milliy til tarkibida qoliblashgan holda namoyon bo`ladi. Bu janr dunyodagi hamma xalqlar og`zaki ijodida bor bo`lib, hajm, shakl, yaratilishi maqsadiga ko`ra mushtarak hisoblanadi. Hatto nomlanishida ham yaqinlik seziladi. Jumladan, arablarda "qavlun" – gap, so`z ma'nosini ifodalasa, tojiklarning "zarbulmasal" atamalarida misol keltirish, ruslar "poslovitsa"sida so`zlar bilan fikrni ifodalash, turlardagi "ota so`zi"da esa ajdodlar fikrini eslash ma'nosi yetakchi. Mahmud Koshg`ariyning "Devonu lug`otit

turk” asarida ham “sav” atamasi “otalar so`zini eslash” tarzida keltirilgan[2] . U o`z asarida 268 ta maqol matnini keltiradi.

Nutqiy faoliyatga doir paremalar tadqiqini lisoniy, ma’naviy-ma’rifiy va metodik ahamiyatini tahlil qilib ko’ramiz:

1.Nutqiy faoliyatga doir paremalarning lisoniy ahamiyati. Til va nutqiy faoliyatga doir paremalarni lingvistik jihatdan tahlil qilinadigan bo’lsa, ularning gap strukturasi shaxsi umumlashgan gapga to’gri keladi. Har bir maqol qaysi mavzuda yaratilishidan qat’i nazar ma’no-mazmun yetakchi o’rinda turadi. Maqollarda qiyoslash, taqqoslash yetakchidir.Maqol zamon o’tishi bilan iste’moldan chiqishi va ayni paytda yang-yangi na’munalari vujudga kelishi mumkin.Har bir qo’llanilayotgan maqol o’z yoki ko`chma ma’noda ishlatiladi. Maqollarni tasnif qilinganda alifbo tartibida, mavzu tartibida, to’g’ri va ko`chma ma’noda, qaysi ijtimoiy davrda yaratilganligiga – xronologiyasiga ko’ra, tuzilishiga (bir komponentli, ikki komponentli, uch va undan ortiq komponentli) ko’ra turlariga e’tibor beriladi.

Maqollarning mavzu ko`lami rang-barang shaklda bo`ladi. Til, nutq, so`z va gap mazmunli o`zbek xalq maqollari har bir shaxsning nutqiy madaniyatini o`stirishda katta ahamiyatga ega. Nutqiy faoliyatga doir paremalarni lisoniy jihatdan tahlil qilinadigan bo`lsa, uni tilshunoslikda gap qurilishini, grammatik xususiyatlari: ot kesimli paremalar, fe’l kesimli paremalar, sifatlarning otlashuvi tipidagi paremalar; alliteratsiya, assonans, metafora, sifatlash kabi hodisalarini.

Maqollarda tasviriy ifoda vositalaridan foydalanilganda, matnning badiiy estetik ta’sirchanlik funksiyasi ortadi. O`zbek maqollari nutqda faollashganda, nutq jarayonini go`zallashtiradi, obrazli ifoda tinglovchida o`ziga xos badiiy zavq paydo qiladi. Badiiy-estetik ta’sirchanlikni yuzaga chiqarishda o`xshatish, sifatlash, ritmik-sintaktik parallelizmlar, alliteratsiya, anafora, saj, giperbola, antiteza, metafora, metonimiya, sinekdoxa kabi ko`plab badiiy va lisoniy vositalarning o`rni katta.[1]

Ko`chim turalaridan metafora maqollarda ko`p qo’llaniladi. Maqollar negizida ko`pincha metafora turadi. Ma’lumki, metaforada bir predmetning belgi-xususiyatlari ikkinchi pretmetga tashqi o`xshashlik asosida ko`chiriladi. Ular o`rtasidagi o`zaro o`xshashlik o`xshatish(tashbeh)dan farqli bo`ladi. Metaforaning o`xshatishdan farqi ham o`xshatish vositasining ishtirok etmasligidadir.

Xalq maqollarining matni tilshunosliiikda shaxsi umumlashgan gap hisoblanadi. Bu degani har bir maqol butun bir millarning har bir fuqarosiga tegishli ekanligini ko`rsatadi. Masalan: “So`z aytganda bilib ayt, Naql - matal qo`shib ayt”, “So`z bilmagan kishidan hur bilgan it yaxshi”, “So`z atganda bilib ayt, Oqibatin bilib ayt”, “So`z bilmasang so`zlama”, “Sihat tilasang, ko`p yema, Izzat tilasang, ko`p dema” kabi maqollardan ko`rinib turibdiki, bu yerda ma’lum bir shaxsga yuzlanib, fikr bildirilmayapti ya’ni keltirilgan pand-nasihat ruhidagi bu maqollar har bir xalq vakiliga qarata aytilmoqda

2.Nutqiy faoliyatga doir paremalar tadqiqining ma’naviy-ma’rifiy ahamiyati.Nutq madaniyati va notiqlik oldiga sodda va o’rinli gapirish, qisqa va

mazmundor so’zlash, ezmalik qilmaslik, keksalar, ustozlar oldida nutq odobini saqlash, to’g’ri, rost va dadil gapirish, yolg’onchilikni qoralash, suhbatdoshning fikrlarini e’tibor bilan tinglash, tushunmagan, to’la anglamagan holda fikr bildirishga shoshilmaslik, vaziyat taqozosiga ko’ra hushyorlik va epchillik bilan suhbat usulini o’zgartirishga erishish, asosiy maqsaddan chalg’ib kemaslik, barchaning asosiy diqqatini ma’lum mavzu, ma’lum bir masala atrofiga tortish kabi talablar qo’yiladi.[3]

Ijtimoiy ehtiyojlarga mos nutq va muloqot madaniyatini yuksaltirish yuksak ma’naviyatli va yuqori salohiyatli kadrlar tayyorlashning muhim shartlaridan biridir. Shu boisdan ularni adabiy og’zaki va yozma nutq me’yorlari bilan tanishtirish, bu me’yor va qoidalardan amaliy foydalana bilish malakasini oshirish, fikr mahsulini nutq sharoiti va vaziyatiga mos ravishda og’zaki va yozma shakllarda to’g’ri va ravon, ta’sirchan ifodalash, o’zgalar fikrini to’gri va aniq anglash ko’nikmalarini rivojlantirish hozirgi kunda g’oyat muhim ahamiyatga ega.

Nutqiy faoliyatga doir paremalarning ma’naviy-ma’rifiy ahamiyati har bir soha vakillarining nutq madaniyatida yaqqol namoyon bo’ladi. Bugungi kunga kelib notiqlik san’ati sirlarini o’rganish barcha sohada xizmat qiluvchi har bir mutaxassis, har bir inson uchun hayotiy zaruratdir. Nutq madaniyati ijtimoiy hodisa bo’lib, u jamiyat, fan-texnika, madaniy adabiy hayot rivoji bilan chambarchas bog’liq holda taraqqiy etadi. Jamiyat a’zolarining madaniy saviyasi ortgan sayin nutqi ham jilolanib, sayqallanib nutq madaniyati me’yor va talablariga muvofiq holda takomillashib boradi.Masalan: “So’z chumchuq emas, Og`izdan chiqsa tutib bo`lmas”, “So`z eshitsang uqib ol, Xalqa qilib taqib ol”, “So`z qadrini bilmagan o`z qadrini bilmas”, “So`ziga ega turmagan, O`ziga ega turmas”, “So`zlamasdan o`ylab ol”, “Taom lazzati - tuzida, Odam lazzati – so`zida” kabi maqollarimiz har bir insonni o’ylab mulohaza qilib gapirishga chaqiradi. So`zlaganda ham odob doirasidan chiqmagan holatda gapirishimiz kerakligini uqtiradi.

Xalq maqollari ajdodlarimizning badiiy tafakkuri samarasi bo`lib, muayyan voqelikdan chiqargan hukm-xulosalarini ifoda etishda turli badiiy obrazlardan, usul va vositalardan foydalanganlar. Maqollar poetikasi masalasi muhim va murakkab bo`lib, bu janrning ixcham shaklga ega bo`lishi, biroq ijtimoiy-falsafiy mazmuni chuqur ekani bilan belgilanadi. Bu murakkablik ixcham shaklda chuqur mazmunni ifodalash bilan bog`liqdir.

3.Nutqiy faoliyatga doir paremalar tadqiqining metodik ahamiyati. Bugungi kunda har bir o’quvchining nutq madaniyatini shakllantirish va rivojlantirish pedagoglarimiz oldida turgan dolzarb muammolardan biri hisoblanadi. Nutqiy faoliyatga doir paremalarni bog`cha va maktab yoshidagi bolalarga o’rgatib borilsa, ularning nutqi rivojlanadi, so`zamolligi yanada oshadi. Bunday maqollarni o`rganish davomida o`quvchilar qayerda va qaysi paytda so`zlash kerakligini o`ragandilar. Masalan: “Dononing so`zidan qolma, Yurgan izidan - ham”, “Dononing so`ziga boq, Yaxshining – o`ziga”, “Dononing gapi – tegadi naf”, “Dono topib so`zlar, Nodon - qopib”, “Gapning ozi yaxshi, Danakning – mag`zi”, “Gapni gapir joyi bilan, Nonni yegin moyi bilan” kabi maqollarimizda o`quvchilar dono insonning so`zi ham ma’noli, mazmunli

bo`lishini, gapni vaqtida kerakli insonga gapirish kerak ekanligi to`g`risida tushunchalar oladilar. Bu esa ularning tarbiyasida muhim ahamiyat kasb etadi.

O'zbek xalq maqollaridagi til, nutqiy faoliyat va nutq odobiga doir pand-u o'gitlarni, talqin-u qarashlarini sinchkovlik bilan mukammal o'rganish sohaga doir nazariy va amaliy bilimlarning oshishiga yordam beradi, so'z qo'llash, notiqlik sirlari, muloqot madaniyatiga daxldor malaka va ko'nikmalarning boyish hamda takomillashuviga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.Ҳожиев А.,Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати.-Тошкент:Узбекистон миллий энсиклопедияси,2002.
2.Madayev O., O`zbek xalq og`zaki ijodi.-Toshkent:Mumtoz so`z,2010.
3.Uluqov N., Abduhamidova L., Nutq madaniyati talqin va tahlillari.-Toshkent:Navro`z,2017.

SHE'RIY MATNDA MAQOLLARNI O'ZGARTIRIB QO'LLASH

Soqiyeva Barno, Qo'shtepa tumani
7-umumiy o'rta ta'lim maktabi o'qituvchisi

Maqol pand-nasihat, ibratli so'zdir.Nutqni tushunarli, ta'sirchan va aniq ifodalashda maqollarning o'rni beqiyos.Shu sababli ham maqol insonlar muloqot jarayonida juda keng qo'llaniladi.O'z navbatida badiiy adabiyotda, xususan, she'r va dostonlarda, hikoya va romanlarda samarali foydalaniladi.

Maqol ma'nosini atroflicha anglab yetish, qo'llanish usullarini o'rganish ulardan foydalanish borasida yangi-yangi imkoniyatlarni keltirib chiqaradi.Yozuvchi maqollarni kntekstga moslashtirish, ob'yektni yorqinroq anglatishga xizmat qildirish uchun ularni ham mazmun, ham shakl jihatdan qayta ishlaydi, ularga yangicha vazifa yuklaydi, komponentlar o'rnini almashtiradi, turg'un vositalar tarkibiga yangi elementlar kiritadi. Maqollarni ma'no va qurilish jihatidan o'rni bilan qayta ishlab foydalanish ham badiiy mahsulning ta'sirchanligini ta'minlashga hissa qo'shadi.[163]

Quyidagi misolni ko'raylik.

Hammaga ham nasib etmas habib tushmak,
Hatto ajal ham odamni tanlar ekan. (I.Mirzo "Qalbi butun odam")

Shoir she'rda qirq yil qirg'in kelsa, ajali yetgan o'ladi maqolini "o'lim ham odam tanlaydi" tarzida ijodiy qayta ishlagn holda qo'llagan.

Poetik nutqda maqollar yoki ularning variantlaridan foydalanish she'rning ta'sirchanlik ko'lamini kengaytiradi, uni obrazli va ifodali chiqishiga xizmat qiladi:

Ayrilganni bo'ri yer, u tanho-yu toq bo'lsa,
Kim birlashsa qo'porgay, qarshisida tog' bo'lsa,
Yuxolarga yem bo'lur, tobe bo'lur, qul bo'lur,

[163] Самадов Қ. Ойбекнинг тил маҳорати.Тошкент, ТДПИ. 1981, 77-бет

Qaysi el yuz bo‘linib, yuz bitta quroq bo‘lsa. (O.Hakimov)

Ushbu misrlarda ayrilganni ayiq yer, bo‘linganni bo‘ri yer maqoli ellipsisga uchragan holda komponentlari o‘zaro o‘rin almashinib qo‘llanilgan.She’rda ayrilmoq leksemasi bo‘ri so‘ziga nisbatan qo‘llanilib, “bo‘lingan” lar esa “yuxo”ga yem bo‘lishi ifodalanadi.

Yuxo so‘zi o‘z ma’nosida barcha jonivorlarni aralash yeb, yutib yuboradigan afsonaviy maxluq deb izohlansa, ko‘chma ma’noda yeb to‘ymas, ochofat semalariga ega.[164] Keltirilgan misolda shoir maqolning emotsionalligini yana ham oshirish maqsadida ayiq leksemasi o‘rnida “yuxo” so‘zini qo‘llaydi.

Achchig’-u shirin suxan bitta og’izdan chiqqusi,
Bo‘l shirin guftor, noming eling yodidan ketmasin. (O.Hakimov)

Ushbu she’riy matnda “sen ham, siz ham bir og’izdan chiqadi” maqolining o‘zgargan variant qo‘llanilgan bo‘lib xalqimizda yana “yaxshi gap ham, yomon gap ham bir og’izdan chiqadi” shakli ham ishlatiladi. Misolda foydalanilgan maqolda yaxshi-yomon juft so‘zi o‘rnida achchiq-shirin birligi almashtirib qo‘llanilgan.

Ikki daryo o‘rtasi keng dasturxon,
Tuz totgansan, tuzlug’ingni ununtma.
Dasturxonni belbog’ qilib o‘stirgan,
O‘zbek eli, o‘zligingni unutma. (I.Mirzo)

Ushbu fodada “bir kun tuz totgan joyingga qirq kun salom ber” maqoli o‘zgargan tartibda qo‘llangan. Bu o‘zgarishni she’riyat talabi bilan yuz bergan deb baholash mumkin.Maqol metonimiya orqali ma’no ko‘chishiga asoslangan bo‘lib, tuz leksemasi vositaisda u bilan aloqador bo‘lgan ovqat semasi namoyon bo‘lmoqda.

Maqollar ko‘p asrlik hayotiy tajribalar, doimiy kundalik kuzatishlar xulosasini tugal fikr tarzida qat’iy qutbiylikda ifodalar ekan, ularda har bir so‘zning ma’no xilma-xilligi, iboralarning turg’unligi, shakliy barqarorlik ustunlik qiladi.Ammo qo‘llanish o‘rniga qarab ularning ma’no doirasi doimiy ravishda kengayib boradi. Shuning uchun ham maqoldagi har bir so‘zga alohida e’tibor berish kerak.Ularda tarixan boshqa ma’noni anglatgan so‘zlar ham mavjud. Misol uchun *tuz* so‘zi bugungi kunda mineral moddani bildiradi. Tarixan bu so‘z to‘g’ri, odobli; dala, tekislik ma’nolarini anglatgan va bu ma’no faqat maqollar dagina saqlanib qolgan: Qiz saqlasang, tuz saqla.Tuzdagi bilan emas, uydagi bilan bo‘l. kabi. [165]

Keyingi matnni tahlil qilamiz.
Bilarding neligin qut-u barakot,
Bilarding kim do‘st-u kimlar senga yot.
U dunyo, bu dunyo bo‘larding obod ,
Oldingdan oqqan suv qadrini bilsang. (O.Hakimov)

She’riy matnda “Oldingdan oqqan suvning qadri yo‘q” maqoli formal jihatdan qyata ishlangan, ya’ni inkor ma’nosini ifodalovchi kesim shart maylidagi fe’l bilan

[164] Ўзбек тилининг изоҳли луғати 2 томлик.-М: Рус тили, 1981. Т.2. 475-бет.
[165] Мирзаев Т. Ва б.Ўзбек халқ мақоллари. Тошкент: Шарқ, 2003. 6-бет.

almashtirilgan. Maqol odatdagi shaklda “qadrsizlik”, “nopisnadlik” semalarini namoyon qilsa, yuqoridagi misolda shu kabi illatlarni bartaraf etishga chorlov maqsadiga xizmat qilmoqda.

Yuragimning bir darzi bor,-
Qirq chegachi ulolmas.
Singan dilga qirq yil bekor,
Aslo butun bo‘lolmas. (O.Hojiyeva)

Shoira “singanni ulagan bilan izi qolar” maqolini shaklan o‘zgartirgan holda to‘rtlik mazmuniga ustalik bilan singdirib yuborganligini ko‘rish mumkin.

Demak, maqolar badiiy nutqda qo‘llanar ekan, xususan, she’riyatda ularning shakli mazmuni saqlangan holda ijodiy qayta ishlanishi yoki odatdagi mazmunidan farqli ravishda qarama-qarshi mazmunda ham qo‘llanishi mumkin. Maqollarni qya shakl va mazmunda ifodalash esa ijodkorning o‘z oldiga qo‘ygan badiiy-g’oyaviy maqsadidan kelib chiqadi.

“ALLA” NUTQNING HASRAT TIPI SIFATIDA

Shuxratova Yu., FarDU magistranti
Ilmiy rahbar:Mo‘minov S., FarDU professori

“Nutq odam psixologiya va fiziologiyasida faqat eshitish (qabul qilish) jarayonidagina ta’sir etib qolmay, balki inson shuurida qayta shakllanib, katta miya yarim sharlari qobig’ini o‘ziga xos tarzda tark etish jarayonida ham psixofiziologik funksiya bajaradi. Inson ongiga sezgi a’zolarining qaysi biri (ko‘rish, eshitish, hid, ta’m bilish va h.k) orqali bo‘lmasin ta’sir etgan narsa (og’riq, rohat, shodlik, qayg’u va h.k)lar vujudda o‘z in’ikosini ko‘rsatadi”.[1,118].

Nutq va muloqotning o‘ziga xos xususiyatlari to‘g’risida yapon olimi Nisio Minoro shunday fikr bildiradi: “… so‘zlash yoki yozish jarayonida so‘zlovchi (yozuvchi) tinglovchi (o‘quvchi)ga ta’sir ko‘rsatadi, ammo u bu informatsiyani bundan oldin o‘z suhbatdoshidan olganligini, bu qayta aloqa ekanligini unutmaslik kerak…”[1.119].

Professor M.S.Mo‘minov Nisio Minoro fikriga shunday xulosa bergan. “Inson suhbatdoshi bilan baham ko‘rishga shoshilayotgan quvonch-u shodligi ham, qayg’u-alami ham kimningdir yoki nimaningdir ta’sirida unga o‘tadi, reaksiya asosida taskin topadi, qoniqish hosil qiladi. Bu ta’sirni uchinchi bir odamga o‘tkazish (baham ko‘rish) jarayoni o‘zbeklar nutqida bir so‘z bilan “hasrat” deb yuritiladi.”[1,119].

“O‘zbek tilining izohli lug’ati”da “arz”, “arz-dod”, “nola”, “shikoyat” kabi so‘zlar “hasrat” so‘zining sinonimlari tarzida izohlangan bo‘lib, bu so‘zlarning hammasi “hasrat” so‘zida ma’no jihatidan umumlashtirilgan.

Professor M.S.Mo‘minov nutqning hasrat tipini bir qancha turlarga ajratgan. Birinchi turi adresantning real hamsuhbat (asl sub’yekt) ga hasrati bo‘lib, biz ushbu kichuk tadqiqot ishimizda “Alla”dagi hasratni ko‘rib chiqamiz.

Alla. Bu so‘zni eshitgan har bir inson qalbida qandaydir pokiza tuyg’ular junbishga keladi. Bu tuyg’ularni ba’zida inson tushuntirib bera olmaydi. Onalarimiz birgina alla orqali bu dunyoning barcha sir-sinoatlarini sehrli ohanglar bilan qalbimizga singdirgandek. Alla qaysi elda, qaysi tilda aytilmasin yuragimizda hasrat va hayajon jo‘sh uradi:

“ Qiziq, yuragimda yana o‘sha shirin orziqish uyg’ondi. Uning ovozi ham onamnikiga o‘xshab ketardi. Do‘stlarim gungur-gungur suhbatlashib o‘tirishibdi. Men bo‘lsam ichkaridan chiqayotgan alla sadosiga quloq solaman. “ Ba-yu, bay…’’

Bu qanday holat?! Bu qanday sehr?! Nima o‘zi bu?”[2,250].

“Alla” so‘zi bolani allalab-ovutib, avaylab, uxlatish degan ma’nolarni anglatadi. Buyuk allomalarimizdan Abu Ali ibn Sino allaning sehrli kuchini o‘sha davrlardayoq anglagan holda, shunday yozgan edi: *“… bolani mijozini kuchaytirmoq uchun unga ikki narsa qo‘llamoq kerak. Biri, bolani sekin asta tebratish, ikkinchisi, uni uxlatish uchun aytish odat bo‘lib qolgan musiqa va allalashdir. Shu ikkisini qabul qilish miqdoriga qarab bolaning tanasi bilan badan tarbiyaga va ruhi bilan musiqaga bo‘lgan iste’dodi hosil qilinadi” [3,333].*

Sevimli shoirimiz Cho‘lpon esa ona allasidagi sehrli dunyo ifodasini shunday ta’rif etadi: *“ Bir bola uxlamasa, alla aytadilar. Bola tez uxlab ketar. Chunki ul andin bir lazzat his qilur”.*

Biz yuqoridagi fikrlardan allaning bola salomatligi va uning ma’naviy yetuk bo‘lib ulg’ayishidagi ahamiyatlarini bilib olishimiz mumkin. Ona uchunchi? Ona uchun allaning qanday ahamiyatli tomonlari bor? Keling bu haqida fikr yuritamiz.

Alla - Onalarning qalb dunyosi, orzu-istagi, ko‘ngil nolasidir. Ona qalbida paydo bo‘lgan g’am-anduhlari, shodlig-u quvonchlarini, eng avvalo, hayotiy shaxslar – real hamsuhbatiga aytishga intiladi. Ona qalb dunyosini ochar ekan undagi tuyg’ularni uch bosqichga ajratib o‘rganishimiz mumkin.

Birinchi bosqich – allalarda bolani o‘rab turgan muhit ifodalanadi. Bunda Ona vatan, tabiat, hayvonlar ifodalanishi mumkin. Ayniqsa, o‘zbek allalarida bolalarni hayvonlarning bolalari va qushlar nomi bilan atab erkalash ohangi bor: bolalar qo‘zichoqqa, toychoqqa, bo‘toloqga va bulbulga qiyoslanib e’zozlanadi:

Bulbul qushning bolasi
Alla, qo‘zim alla
Daraxt bo‘lur uyasi
Alla, bolam, alla

Bu bosqich onaning shaxsiy kechinmalaridan, onalik tuyg’ularidan holi bo‘ladi.

Ikkinchi bosqich – allalarida bolaning taqdiri asosiy o‘rinda turadi. Bu bosqichda ona bolaning taqdiriga befarq qaray olmaydi. Bolasining taqdiri haqidagi o‘y kechinmalari, onaning shaxsiy kechinmalari bilan chuqurlashib, fikri bola atrofida aylansa-da, unga onalik tuyg’ulari ham aralasha boradi:

Yuzlaringga tomgan suvga
Hayron bo‘lma, alla-yo.

Baxtimga sen katta bo‘lgin,
Xazon bo‘lma, alla.

“A. Vetuxonov shunday izohlaydi: *O‘z mulohazalariga kuchli g’arq bo‘lib ketish oqibatida ona chaqalog’ining kelajak taqdirini va hayotining barcha davrlarini o‘ylay boshlaydi”.*

Uchinchi bosqich – allaning yuqori bosqichi hisoblanadi. Ona o‘z tuyg’ulariga chuqur kirib boradi. Qalbidagi gaplarini aytib, ko‘nglini bo‘shatgisi keladi. Dardlarini va tashvishlarini yuragidan chiqgan mayin va bir qadar horg’inroq ohanga solib, kuylab taskin topganday bo‘ladi. “ **M.N.Melnikov** *allalarni ona dunyosisiz, sezgilarisiz, tashvishlarisiz tasavvur etib bo‘lmaydi”*

Bu bosqichda onaning orzu va armonlari bilan birgalikda turli tarixiy voqealar, ijtimoiy hayotga munosabati ham bayon etiladi:

Afg’oniston tog’li-yo, alla,
Yaltillaydi balig’i-yo, alla
Kundan-kunga ortadi-yo, alla,
Amirlikning solig’i-yo, alla.

Yoki turmush o‘rtog’i urushga ketib, yo‘liga ko‘z tikib o‘tirgan ayol allasi:

Shaftoli shoxiga zar, alla,
G’aynoli bargiga zar, alla.
Men dadangga intizor, alla,
Ko‘z tikarman beqaror, alla.

Shunday allalar ham borki, turmushidan mehr ko‘rmay, turmushning og’ir yukini nozik yelkasida ko‘tarib, hasrat qilgan onalar allasi:

Otang – o‘zimman, alla, onang – o‘zimman, alla,
Sensan gulim, rayhonim,soyang o‘zimman, alla.
Dolanadek to‘kilgan yuragi bor onangni,
Sendan boshqa kimga ham keragi bor onangni?
Suyanganimsan bolam,
Ishonganimsan bolam.

Hayot tashvishlari shu qadar zalvorliki, yakka holda uni joyidan siljita olmaymiz – birgalashib ko‘tara olamiz, xolos. Insonga o‘z tana vazni qancha og’ir bo‘lsa ham sezilmay yuraveradi. Lekin qalbidagi yukni ko‘tara olmaydi. Bu yuk uning qalbidagi yarasidir. Undan xalos bo‘lishi uchun kimgadir aytgisi, dardlashgisi keladi. Bizning o‘zbek ayollarimiz orasida shunday ayollari ham borki, o‘z dardini, tashvishlarini ayta olmaydi, istihola qiladi. Shunday paytlarda alla aytish ona qalbiga malham bo‘ladi. Onalarimiz qalbidagi darlarini aytayotganda ham farzandiga ozor berishdan qo‘rqib, gulim, lolam, qo‘zichog’im, suyanchig’im deb erkalaydi. Shuning uchun ham ona buyuk zotdir.

Tahlillardan ma’lumki, alla orqali adresant o‘z his-tuyg’ularini, xususan, hasratini namoyon etadi. Shu bilan birga orzu-istaklarini ham ifodalaydi. Demak, nutqiy vaziyat

bevosita inson psixologiyasi bilan ham bog'liq ekanligini hamda fanlar o'rtasida uzviy aloqadorlikni ko'rsatadi.

Adabiyotlar:

1. Mo'minov S.M. O'zbek muloqot xulqining ijtimoiy-lisoniy xususiyatlari. Filol. fan. dokt. diss. – Toshkent, 2000y.,118-b.
2. Hoshimov O. Dunyoning ishlari. Qissa va hikoyalar. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2015y, 250 b.
3. Safarov O. O'zbek xalq og'zaki ijodi. Darslik. – Toshkent: Musiqa, 2010y, 333 b.
4. http://www/kruqosvet.ru/avticles/69/1006978/1006978a1.htm

SHE'RIYATDA MAQOLLARNING TO'LIQ IFODALANISHI TAHLILIGA DOIR

Rahimova Hayotxon
Farg'ona shahar 40-IDUM

Til, falsafa va badiiy ijodning o'ziga xos hodisasi sifatida yuzaga kelgan xalq maqollari folklorning ixcham shakl, ammo teran mazmunga ega bo'lgan bir janridir.[166]

O'zbek tili shaklan ixcham, chuqur mazmunli, purhikmat va jozibador maqollarga boy.Maqollar so'zga husn beradi, fikrni tushunib olishni osonlashtiradi, fikrni, matnni yorqin, ta'sirchan qiladi.Shuning uchun maqol odamlar nutqida har doim qo'llanadi.Yozuvchi-shoirlar ham maqollarga tez-tez murojaat qiladilar. [167] Maqollar badiiy asar tilining shirali va ta'sirchan bo'lishida, uning emotsional-ekspressivligini oshirishda muhim uslubiy vazifa bajaradi.

She'riyatda maqollar hech qanday o'zgarishsiz aynan keltirilsa-da, shoirlar tomonidan ularga ishlov berilib, she'r mazmuniga singdirib yuborilgan holatlarni ham kuzatish mumkin.

Hech kimsa devor bilan ajralganmas olamdan,
Vujudingga tutashdir tegrangdagi shu hilqat.
Yaxshilik qil hammaga qaytajak o'zingga ham,
Sen o'zingni asraysan, xalqni asrasang faqat. (A.Oripov)

She'riy matndagi maqol (yaxshilik qilsang, yaxshilik qaytadi) vazn talabiga ko'ra inversiyaga uchragan bo'lsa ham, to'liq hajmda qo'llangan.Keyingi misol esa ushbu maqolni mazmunan davom ettiradi:

El aro yuradi bir naql,
Xalq uni takrorlab aytadi.
Kimsaga yomonlik qilmagil,
Bir kuni o'zingga qaytadi. (A.Oripov)

[166] Мирзаев Т. Ва б. Ўзбек халқ мақоллари, Тошкент: Шарқ, 2003. 4-бет.
[167] Maqsumova S. Erkin Vohidov asarlaridagi maqollarning uslubiy xususiyatlari//O'zbek tili va adabiyoti, 2017-y., № 3, 100-bet.

Ushbu matnda “yaxshilik” leksemasi umuman tilga olinmaydi. Lekin maqol tarkibidagi “yomonlik qilmoq” leksemasining bo‘lishsiz shaklda qo‘llanilishi she’rda ezgulikka da’vat qilish g’oyasi ifodalanganligini ko‘rsatadi. Bunday mazmun quyidagi misralarda ham ifodalangan:

Darvoqe pand bersang bir jonga,
U ham tinch turarmi hech zamon.
Deydilar, tuflasang osmonga,
Yuzingga tushgaydir begumon. (A.Oripov)

Matnda keltirilgan maqol she’riyat talabiga ko‘ra inversiyaga uchragan. She’rda yomonlik leksemasi qatnashmagan, biroq “ob’yekt” sifatida olingan “osmon” so‘zi “inson” semasini ifodalamoqda. “Tuflamoq” leksemasi esa kontekstda “yomonlik qilmoq, tahqirlamoq” kabi semalari bilan ishtirok etmoqda.

Keyingi matnga murojaat qilamiz.
Yo‘q olov tutunsiz bo‘lmas, albatta,
Ehtimol uyimda kemtikdir nonim.
Chidab yashagandan zulm-itoatga,
Ozodlik yo‘lida fido bu jonim.

Azim Suyunning “Istqlol haqqi” deb nomlangan ushbu she’ri ozodlik, unga erishish mashaqqatlari haqida yozilgan.

She’rda ifodalangan maqol tarkibidagi “olov” leksemasi “natija”, “erishilgan yutuq” semalarini aks ettirsa, “tutun” leksemasi esa “mashaqqat”, “qiyinchilik” semalarini namoyon qilmoqda. Maqol konnotativlikka asoslanib, ushbu hodisani olov va tutun so‘zlarining o‘zaro mantiqiy bog’liqligi yuzaga chiqarmoqda.

Ayon gapki adolat elning ko‘z-qoshi bo‘lur,
Urgani un oshi-yu, so‘ksa so‘k oshi bo‘lur.
Yurt og’irin tortolgan asli yurtboshi bo‘lur,
Faqatgina xalq yashar, faqatgina qolur xalq.

Abdulla Oripov ijodiga mansub ushbu “Xalq” she’rida xalqning abadiyligi, ulug’ligi kuylangan. She’riy matnda ifodalangan maqoldagi “urmoq”, “so‘kmoq” leksemalari o‘z salbiy semasidan farqli o‘laroq “tarbiyalamoq”, “to‘g’ri yo‘lga solmoq” kabi semalarni ifodalamoqda. Berilayotgan jazo (urmoq, so‘kmoq) ning in’om (un oshi, so‘k oshi) sifatida ifodalanishini oksyumaron hodisasi sifatida baholash mumkin.

Oksyumaron *«grek.,* oxmaron — (o‘tkr-u, lekin bema’ni) mantiqan biri ikkinchisini inkor etadigan, bir-biriga qarama-qarshi bo‘lgan ikki tushunchani (mazmunan bir-biriga zid ikki so‘zni) o‘zaro qo‘shishdan iborat stilistik figura.[168]

Bug’doy nonim bo‘lmasa, bug’doygina so‘zim bor.
Har so‘zimga iylagan,yam-yashil ildizim bor.
Molim yetmaganiga jonimni qildim nisor,
Do‘stga ochiq ostonam, kelsa yorug’ yuzim bor. (O.Hojiyeva)

[168] Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент, 1985. 63-бет.

She’rda keltirilgan maqol tarkibidagi “bug’doy” leksemasi birinchi misrada o‘z ma’nosida, ya’ni “undan tayyorlangan mahsulot” semasini, keying qatorda esa “shirin so‘z”, “ochiq yuz”, “bag’ri kenglik” kabi bir necha ko‘chma ma’nolarni ifodalab kelmoqda. Ushbu paremiologik birlik ma’nosi navbatdagi maqolni keltirish bilan yana ham konkretlashtirilgan (molim yetmasa, jonimni nisor qilaman).

She’riy matnlarda to‘liq tarzda keltirilgan maqollarga yana quyidagilarni misol keltirish mumkin. Ulardagi semantik struktura ancha oddiy, yaqqol ifodalangan.

Cho‘ntaging to‘lar va omading kular,
Otni to‘g’ri yo‘ldan chapga toydirsang.
***Pul qo‘lning kiridir**, demish eskilar,*
Qancha iflos bo‘lsang, shuncha boydirsan. (I.Mirzo)
***Til – suyaksiz**, bor masal, idrok yo‘liga sol uni,*
Unga erk bersang yoqangdan oh-u afg’on tutmasin.
***Tig’ yarosi bitgusi, tilning yarosi bitmagay**,*
Begunohlarga tiling birla jarohat yetmasin. (O.Hakimov)

Kuzatishlarimizdan ma’lumki, badiiy matnda maqollardan o‘rinli foydalanish ijodkordan katta mahorat talab etadi va o‘z navbatida ijtimoiy davr ruhiyatini ochib berishda, badiiy obrazlar xarakterini aniq tasvirlashda muhim stilistik vosita bo‘lib xizmat qiladi.

SHE’RIY MATNLARDAGI MAQOLLAR LINGVOPOETIKASI

Rahimova Hayotxon
Farg’ona shahar 40-IDUM

“Til-yozuvchi uslubining qalbi”.[169]Bu qalbning qay darajada go‘zalligi til imkoniyatlaridan o‘rinli foydalanib, poetik nutq yaratilgandagina ko‘zga tashlanadi.O‘zbek tili uslubiy bo‘yoqdor so‘zlar, iboralar, maqol va matallarga juda boy. Bunday birliklardan nutqiy jarayonda foydalanish fikrni obrazli, betakror ham ta’sirchan bo‘lishida muhim vazifa bajaradi. Xalq donoligining mahsuli bo‘lgan maqollardan badiiy nutqda, xususan, she’riy asarlarda foydalanish yozuvchidan kata mahorat talab qiladi.

Har bir xalq asrlar davomida juda katta hayotiy tajriba to‘playdi, shu tajribani turli vositalar bilan kelajak avlodlarga meros qilib qoldiradi. Tabiiyki, umumxalq tili – tabiiy va tarixiy taraqqiyot jarayonlari ichidagi, ammo “andavalanmagan”, “randalanmagan” til[170]. Maqol va matallar umumxalq tilida juda ko‘p qo‘llaniladi. Maqol arabcha so‘z bo‘lib, hayotiy tajriba asosida xalq tomonidan yaratilgan, odatda pand-nasihat mazmuniga ega bo‘lgan ixcham, obrazli va hikmatli ibora, gap[171] degan ma’noni ifoda

[169]Федин.Писатель.Искусство, Время.-М.,1961.-С.380.
[170] Mahmudov N. O’qituvchi nutqi madaniyati. O’zb.Mil. –T.2009. 29-b.
[171]Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I жилд. “Рус тили” нашриёти. 1981.456-б.

etadi. Ana shunday purma’no maqollardan foydalanish o‘zbek shoirlari ijodida katta ahamiyat kasb etadi. Nutqning bunday lingvistik vositalari yordamidagi ifodasini Hamid Olimjon, Erkin Vohidov, Abdulla Oripov, Ohunjon Xakimov, Oydin Hojiyeva, Iqbol Mirzo kabi ko‘plab ijodkorlarimiz she’riyatida kuzatish mumkin.

Maqollar ham badiiy nutqda lisoniy vositalar kabi muhim ahamiyat kasb etadi. Ularning uslubiy vazifasi davr ruhini ko‘rsatishda, personajlar xarakterini tavsiflashda hamda ijodkor singdirmoqchi bo‘lgan g’oyani ifodalashda, ayniqsa, ko‘zga tashlanadi.

Maqollar epik va dramatik turga mansub asarlarda aynan qo‘llanilsa, she’riyatda shaklan o‘zgarishga uchrashi ham mumkin. Bu she’riy asarlarning vazn va qofiya kabi mezonlari sabab yuz beradi.Matnga murojaat qilamiz.

Bir yoqa, yeng bo‘laylik,
Farishtalar dorisin!
Yaxshimsan deb bul Vatan
Duo qilib yurisin!

Oydin Hojiyeva ijodidan olingan ushbu nutqiy ifodada xalq og’zaki ijodiga mansub “Birlashgan o‘zar-birlashmagan to‘zar” yoki “To‘rtovlon tugal bo‘lsa,tepadagini endirar” kabi maqollarning mazmuni ijodiy tahrir asosida she’r mazmuniga singdirilganligini ko‘rish mumkin. Yoki:

Yomon ko‘z tosh yorar der,
Yomon do‘st bosh yorar der.
Yomon erkak to‘y buzar,
Yomon qiz uy buzar der. (Muhammad Yusuf)

Shoirning xalq donoligi mahsuli aks etgan she’rlari (“Terma”) didaktik ruh bilan yo‘g’rilgan bo‘lib, unda shoir o‘z qarashlarini hikmatli so‘z va maqollar orqali ifodalaydi. So‘z san’atining mahsuli sifatida maqollar ham badiiyat hodisalaridir.Ularda bir so‘zning bir necha konnotativ ma’nolarini, badiiy tasvir vositalari, poetik ko‘chimlarning barcha namunalarini uchratish mumkin. Masalan, yuqoridagi misolda birgina yomon leksemasining nomard (do‘st), janjalkash (erkak), ahloqsiz (qiz) kabi semalari namoyon bo‘lgani holda “yomonlik” arxisemasi ularni birlashtirib turibdi.

Go‘rga olib ketmas-ku,
Har kim mansab toshini.
Yaxshi yeydi oshini
Yomon yeydi boshini. (Oydin Hojiyeva)

Shoira ushbu misralarda xalq maqolidan unumli va o‘rinli foydalangan. Maqolda substantizatsiya hodisasi sabab sifatlanmishning tushib qolishi sifatlovchini ot (predmet ma’nosini anglatuvchi so‘z) ga ko‘chiradi.Shuning uchun maqoldan predmet, ya’ni shaxs ma’nosini anglash qiyin emas.

Erkin Vohidovning quyidagi satrlarida ham xuddi shunday holatni ko‘rish mumkin:

“Umrini oshiq hamisha
O‘tkazur orzu bilan”.

Oyning o‘n beshi qorong’u
O‘n beshi yog’du bilan.

She’riy parchadagi maqolda son aniqlab keladigan ot (kun) tushib qolib, otlashish hodisasi yuz bermoqda.

Ha, to‘g’ri so‘z tosh yorar,
Buni esda tut, ukam.
Xalqim to‘g’ri so‘z kutar
Rost so‘zga zor yurt-o‘lkam! (Azim Suyun)

She’r tarkibidagi maqol to‘g’ri so‘zning bahosini ko‘rsatish uchun qo‘llanilib, konnotativ ma’no ifodalamoqda. Undagi tosh so‘zi kontekstda “qattiqlik” semasi bilan namoyon bo‘lmoqda. Tovushlar takrori esa she’rning musiqiyligini ta’minlashga xizmat qilmoqda.

Ko‘pgina ijodkorlar maqollardan samarali foydalanibgina qolmay, o‘zlari ham hikmatli so‘zlar yaratadilar.Masalan: “Umr- bu Ollohdan qarzi qiyomat”, “Shoirlik-yarim payg’ambarlikdir”, “So‘ndi demang, olov o‘chsa, kul ostida cho‘g’i bor” (Oydin Hojiyeva); “To‘ylarda yig’lagan yomon, vaqtida o‘lmagan yomon”, “Bir yashash bor, bir o‘lim bor”, “Bahorsiz sel yomon, botirsiz el yomon” (Usmon Azim), “Qayg’urganga qayg’urgin, qayrilmasga qayrilma.Vafosizga berilib, vafolidan ayrilma” (Muhammad Yusuf) kabi.

Kuzatishlarimizdan ma’lum bo‘ldiki, ijodkorlar o‘z asarida maqollardan foydalanar ekanlar, ularga ijodiy yondashib, badiiy asarning ma’no ko‘lamini kengaytirish bilan birga tayyor maqollarga yangicha jilo berdilar. Ular ta’sirida aforizmlar, xalq donoligining ifodasi tarzida yangi maqollar yaratildi.

Demak she’riy asarlarda maqollardan foydalanish mahoratini tilning estetik vazifasi sifatida baholash mumkin. Bu tilshunoslikning yangi sohasi bo‘lgan lingvopoetika uchun tahlil ob’yekti bo‘lib xizmat qiladi.

OG’ZAKI NUTQNI TAKOMILLASHTIRISHNING PSIXOLINGVISTIK TAHLILI

Baxodirova Shaxlo Baxodirovna
O’zMU Xorijiy filologiya fakulteti
Lingvistika: o’zbek tili ixtisosligi magistranti

Inson tug’ilipdiki, tilni to’liq o’zlashtirish imkoniyatiga ega bo’ladi. Ammo oldinda ushbu imkoniyatni amalga oshirish lozim. Buni qanday kechishini tushunish uchun psixolingvistika bola nutqining rivojlanishini o’rganadi. Turli yoshdagi bolalar nutqini rivojlantirish masalalari metodik fanning qiziqish doirasiga kiritilgan, bu bolalarni o'qitish, rivojlantirish va tarbiyalashning amaliy muammolarini hal qilish bilan bog'liq. An'anaga ko'ra, tilni o'qitish til tizimining turli darajalari elementlarini, ularning ifoda rejasi va tarkibiy rejasining xususiyatlari va ishlash shakllarini o'rganishni o'z ichiga oladi. Nutqni rivojlantirish metodologiyasining hozirgi holati nafaqat tilshunoslik

va psixologiya ma'lumotlaridan foydalanish, balki zamonaviy ilm-fan psixolingvistika bilan bog'liqligi ham tavsiflanadi. Bolalar nutqini rivojlantirish bilan shug'ullanadigan mutaxassislar nutq ontogenezining umumiy shakllarini, nutqni shakllantirishning asosiy bosqichlari va xususiyatlarini yaxshi bilishlari kerak. Ontogenezda nutqning rivojlanishiga ishonish prinsipi R.E.Levina tomonidan shakllantirilgan va ontogenetik deb nomlangan. Bu tamoyil axloqni o’stirish pedagogikasida alohida ahamiyatga ega nutq buzilishining turi va darajasini diagnostikasi va tuzatish ishlari usuli umumiy ontogenez davrida nutq qobiliyatini shakllantirish qonuniyatlariga asoslanadi.

Ushbu maqolada biz nutq faoliyati nazariyasining ba'zi jihatlarini nutqni rivojlantirish metodologiyasining asosiy qoidalari sifatida ko'rib chiqamiz. Psixolingvistikada ko'rib chiqilgan eng muhim tushunchalardan biri nutq faoliyati tushunchasidir. I.A.Zimnyayaning ta'rifiga ko'ra, "Nutq faoliyati bu faol, maqsadga muvofiq, til vositasida va odamlar o'rtasidagi o'zaro munosabat holatiga bog'liq bo'lgan jarayondir." Nutq faoliyati, umuman olganda, inson faoliyatining turlaridan biri bo'lib, mutlaqo maxsus faoliyatdir, uni na mehnat, na ish bilan taqqoslash mumkin emas. A.A.Leontev nutq faoliyatining bir qator o'ziga xos xususiyatlarini aniqlaydi: *Obyektivlik, diqqatlilik, motivatsiya, iyerarxik ("vertikal") va faza ("gorizontal").* Bola nutqining rivojlanishi, uning nutq faoliyatini o'qitish, yuqorida keltirilgan barcha xususiyatlarga ega ekanligiga bog’liqdir. Keling, nutq faoliyatining fazaviy tuzilishi kabi xususiyatiga batafsil to'xtalib o'tamiz. Faoliyat aktining "Faza tuzilishi" tushunchasi S.L.Rubinshteyn tomonidan kiritilgan. U inson faoliyatining quyidagi bosqichlarini aniqladi: *motivatsiya, indikativ harakatlar, faoliyatni rejalashtirish, rejani amalga oshirish va nazorat qilish* bosqichi. L.S.Vigotskiy ham faza tuzilishi ya'ni nutq faoliyati haqida yozgan. Olim nutqni yaratish jarayonini "Fikrni so'zdan harakatga o'tkazish jarayoni", deb hisoblagan va fikrni keltirib chiqaradigan sababdan, fikrning tuzilishini, uning ichki so'zda, undan keyin tashqi so'zlarning ma'nosida va nihoyat, so'zlarning vositachiligiga qadar bo’lgan jarayonni tahlil qilgan.

A.A.Leontev nutq faoliyatida S.L.Rubinshteynning sxemasini qo'llaydi va bunday aloqalarni nutq faoliyatining motivatsiyasi va shakllanishining yo'nalishi, rejalashtirish, boshqaruv va bo'g'in aloqasi sifatida ta'kidlaydi. I.A.Zimnyaya, nutq faoliyati metodologiyasi nuqtai nazaridan eng maqbul bo'lgan nutq faoliyati strukturasining uch fazali modelini ishlab chiqdi: Bular:

Motivatsion, kommunikativ-kognitiv ehtiyojlar (nutq faoliyatini amalga oshirish uchun shaxsiy xohish);

Kommunikativ-kognitiv motivlarning murakkab o'zaro ta'siri (ongli, obyektiv ehtiyoj);

Nutq faoliyatining maqsadlari.

Yuqorida aytilganlarga asoslanib, motiv nutq faoliyatiga birinchi turtki beruvchi omil hisoblanadi deyish mumkin. Ushbu nazariy pozitsiya nutqni rivojlantirish bo'yicha ishda mustaqil qismni ta'kidlash zarurligi to'g'risida gapirishga imkon beradi:

Barqaror nutq motivlarini shakllantirish;

O'qitish jarayonida nutq aloqasi ehtiyojini rivojlantirish;

Nutqni faoliyatning turli shakllarida qo'llash uchun motivlarni shakllantirish kerak

Bunday korreksion rivojlantirish ishisiz, ayniqsa, nutq patologiyasi bo'lgan bolalarda faqat reaktiv yoki doimiy qo'llab-quvvatlanadigan nutqning shakllanishiga ishonish mumkin.

Nutq faoliyatining ikkinchi bosqichi (I.A.Zimnyaya nazariyasida) - yo'nalish-tadqiqot - nutqiy vaziyatda suhbatdosh bilan o'zaro ta'sirini o'z ichiga oladi. Ushbu bosqichda nutq faoliyati subyekti nutq aloqasi sharoitida boshqariladi, ya'ni, vaziyatning joy, vaqt, mavzu, maqsad, ishtirokchilar va boshqalar kabi parametrlarini qamrab oladi. Ushbu bosqich nutq mavzusini yakuniy tanlab olish bilan bir qatorda, rejalashtirish va dasturlashning eng muhim aqliy harakatlarini amalga oshirish bilan (rejani bayon dasturiga kiritish) kechadi. Shubhasiz, nutqni o'qitish metodologiyasida nutq faoliyatini shakllantirishning ushbu bosqichiga yetarlicha e'tibor berilmaydi. Nutq faoliyati ushbu bosqichining rivojlanishi parametrlarning o'zgarishi bilan maxsus yaratilgan nutqiy vaziyatlarda sodir bo'lishi kerak: *Aloqa joyi* (do'kon, dorixona, hovli va hk.); *muloqot ishtirokchilarining kommunikativ rollari* (bolalar, o'qituvchi va bola, ona va bola va boshqalar); *aloqa maqsadi* (ma'lumotni yetkazish, ma'lumotni topish, suhbatdoshga ta'sir qilish va boshqalar). Nutqiy vaziyatning u yoki bu parametrini o'zgartirish nutq faoliyatida nutq mavzusini, mos ravishda nutq uslubini va nutq vositalarini tanlash shaklini o'zgartirishga olib keladi, bu tabiiy ravishda tuzatishni rivojlantirish uchun maxsus ishlarni talab qiladi.

Nutqiy faoliyatning uchinchi bosqichi - ijro etuvchi - bir vaqtning o'zida faoliyatni amalga oshirish va uning natijalari monitoringi faoliyatini o'z ichiga oladi. Ushbu faza subyekt tomonidan olib boriladigan nutq faolligining turiga qarab tashqi tomondan ifodalanishi yoki tashqi ko'rinishi muhim emas. Nutq va yozish tashqi nutq faoliyatining bir turi bo'lib, tinglash va o'qish tashqi tomondan ifoda etilmaydi yoki deyarli ifoda etilmaydi. Nutq faoliyatining har bir turi o'ziga xos xususiyatlarni, maxsus maqsadli tayyorgarlikni talab qiladi. Gapirish va tinglash og'zaki muloqotda amalga oshiriladigan va bolada hayotining birinchi kunidanoq shakllanadigan nutq faoliyati turlaridir. Avvalo, biror kishining miya yarim sharlaridagi maxsus nutq zonalari, ikkinchidan, periferik nutq mavjudligida o'zini namoyon qiladigan nutq faoliyatining ushbu turlarini o'zlashtirish uchun odamda irsiy moyillik apparati mavjud. Tug'ilish paytidagi nutqni rivojlantirish uchun ham birinchi, ham ikkinchi fiziologik shart-sharoitlar, nutqning erta shakllanishi davrida ancha rivojlangan va jadal rivojlangan ("Psixofiziologik jihatdan moslashtirilgan") bo'ladi. Ushbu yoshda (0 yoshdan 2-3 yoshgacha) nutq rivojlanishining asosiy harakatlantiruvchi kuchi - ona bilan hissiy aloqa bo'lib, u atrof-muhitning noqulay omillarini bartaraf etib, qichqiriqda namoyon bo'lgan bolaning mudofaa xatti-harakatlarini kommunikativ va kognitivga aylantiradi.

Faqatgina kommunikativ va kognitiv qiziqish sharoitida bola atrof-muhit tovushlarini, birinchi navbatda onalik nutqining tovushlarini tinglaydi va ularga taqlid qila boshlaydi. Shunday qilib, erta nutqni rivojlantirish davrida dastlab ona tilining

tovush tomoni shakllanadi, unli tovushga o'xshash elementlardan boshlab, shakllanish bilan yakunlanadi. Umuman, bola nutqining shakllanishi 3-11 yoshgacha bo'lgan davrlarni qamrab oladi. Bolaning nutqi aynan ana shu davrlarda shakllanib, individual nitqning asosiy ko'rsatkichlarini hosil qila boshlaydi. Bolaning nutqini yanada rivojlantirish uchun ko'plab omillarning birligi zarur: *Qulay nutq muhiti, kattalar bilan mazmunli va hissiy aloqa va boshqalar.* Til tizimining har bir darajasi o'z vaqtida va o'z qonunlariga muvofiq shakllanadi. Masalan, morfologik kategoriyalarni assimilyatsiya qilganda, bola analogiyalarga tayanadi (bu "jadvallar, uylar" ko'rinishidagi "qalam" shaklining paydo bo'lishini tushuntiradi) va so'z hosil qiluvchi quyi tizimni o'zlashtirib, bola zamonaviy tilda mavjud bo'lmagan har qanday leksemaning ichki shaklini izlashga yo'naltirilgan bo'ladi.

Sunday qilib, bolalarning *"pilo", (piyola) "pamadod" (pomidor) "viyiz" (tarvuz) (kinoda sotib olingan popsikula)* va boshqa neologizmlari paydo bo'ladi va so'zlarning ma'nosini tushunish nuqtai nazaridan qiyin so'zlar o'zlarining talqinidir. Bolalarning nutqini shakllantirish bilan shug'ullanadigan mutaxassis (o'qituvchi, nutq terapevti, psixolog, logeped) bolaning tilini o'zlashtirishning tabiiy kursi qonunlarini bilishi va o'quv jarayonida ularga ishonishi kerak.

Yozish va o'qish ikkinchi darajali, "G'ayritabiiy", nutq faoliyatining turlariga tegishli; ular bolada gapirish va tinglashdan ancha kechroq shakllanadi (5-7 yoshda); o'ziga xos xususiyatlarga ega va shunga mos ravishda maxsus uslubiy yondashuvni talab qiladi. Yozma nutqning belgilari - "Ramzlarning belgilari" ("Ikkinchi darajadagi ramziylik") bo'lib, ularda mavhum fikrlashning ma'lum bir rivojlanish darajasini talab qiladi. L. S. Vigotskiyning kuzatuviga ko'ra, bolalarda o'yin kabi tabiiy faoliyat turida ramziy funksiya, ayniqsa, muvaffaqiyatli rivojlangan. O'yinda bola "Hamma narsa bu hamma narsa" bo'lishi mumkinligini bilib oladi, ya'ni yozilgan belgi tovushli so'zning belgisi bo'lishi mumkin. Shubhasiz, o'quvchini yozma til bilan tanishtirishda o'qituvchi o'yinni bolaning yozma tili tarixidagi bosqichlardan biri deb hisoblaydigan L.S.Vigotskiy nazariyasining ushbu pozitsiyasiga ishonishi kerak. Yozma nutqning uni og'zaki nutqdan ajratib turadigan va uni o'zlashtirishni qiyinlashtiradigan eng muhim xususiyati - bu motivning yetishmasligi. Og'zaki nutq motivlari bolada nutqiy vaziyatda paydo bo'ladi, ular aloqa vaziyatining o'zi tufayli yuzaga keladi. O'quv bosqichida yozish uchun motivlar o'qituvchi tomonidan zaruratni tushuntirib yaratiladi

Og'zaki muloqot shakli va unga o'quvchini qiziqtirish. Ijodiy ishlarni (ekspozitsiyalar, insholar) yozishni o'rganish, ayniqsa, dolzarb bo'lib qolmoqda. O'qituvchi o'quvchiga yozma matnni yaratishda "Hayotiy ehtiyoj" ni his qiladigan sharoitlarni yaratishi kerak. Buni, masalan, yozuv mavzularini yoki ma'lum bir yoshdagi bolalar uchun qiziqarli bo'lgan yozuv janrlarini tanlash orqali amalga oshirish mumkin (masalan, boshlang'ich va o'rta maktablarda siz bolalarni ertak yozishga taklif qilishingiz mumkin). O'qishni o'qitishda o'qituvchilar yozma til ikkinchi darajali simvolizm degan fikrga ishonishadi, shuning uchun siz yozma tilga faqat og'zaki til orqali kirishingiz mumkin. Bu bolada o'qish mahoratini shakllantirishning quyidagi bosqichlarini ochib

beradi: *Ovoz chiqarib o'qish, pichirlab o'qish, jim o'qish (o'ziga o'zi).* Dastlabki va reaktiv turlarning rivojlanishi uchun alohida ahamiyatga ega. Nutq faolligi bolada so'zlarni yozishda, shuningdek, o'qituvchi matnni ovoz chiqarib o'qiyotganda ortadi. Birinchi holda, bu artikulyar apparatlar, yozuv qo'li va miyaning nutq markazlari o'rtasida aloqani o'rnatishga yordam beradi. Bu ulanish uning rivojlanishini dastlabki bosqichlarida ichki nazorat va xatni tuzatish funksiyasini bajaradi. O'qish paytida o'qituvchining orqasida joylashgan matnning takrorlanishi kinestetik boshqaruv ulanishi bilan aloqa mexanizmlarini faollashtiradi va kuchaytiradi, chunki eshitish paytida odamning ichki nutq-motor faoliyati harakatda bo'ladi. Bularning barchasi, bir tomondan, o'qilayotgan matnni yanada muvaffaqiyatli idrok etishga, ikkinchi tomondan, o'quvchining ortoepik saviyasini oshirishga yordam beradi. Shuni unutmaslik kerakki, baland ovozda o'qiyotganda, o'quvchi "Ma'nosini begonalashtirish"i mumkin (shuni ta'kidlash lozimki, baland ovozda o'qiyotgan kishi ushbu matn bilan bog'liq bo'lmagan narsa haqida o'ylashi mumkin). Shuning uchun, yaxshi o'qiyotgan o'quvchi matnning mazmunini to'g'ri idrok qilishi uchun, uni o'zlariga ham o'qish uchun imkoniyat berish kerak.

Har qanday faoliyatning eng muhim xususiyati uning obyektiv tabiati bo'lib, u nutqda atrofdagi voqelik obyektlari, hodisalarining aloqalari va aloqalarini aks ettirish shakli sifatida fikr mavjudligida namoyon bo'ladi. Shunday qilib, nutq faoliyatining boshlang'ich turlarining asosiy maqsadi, masalan, nutq va yozish, o'z fikrini ifoda etishdir. Psixolingvistikaning ushbu pozitsiyasidan kelib chiqqan holda, o'qituvchi bolaning fikrini to'liq, aniq ifoda etish ko'nikmalarini shakllantirishi kerak. Bunday ish atrofdagi voqelikning bir qismini tanlash bilan boshlanadi: jonli yoki jonsiz tabiat obyekti, voqealar, ichki kechinmalar va boshqalar.

Keyingi o'rinda mavzu bo'yicha fikrlarni til yordamida shakllantirish. Nutqiy faoliyatning natijasi aloqa jarayonida ikkinchi ishtirokchining javobi bo'lib, u birinchi kommunikatorning harakatlantiruvchi motivini tushunish va mos keladigan nutq yoki nutq bo'lmagan harakatlar bilan ifodalanadi. O'qituvchi bolani har qanday nutq harakati suhbatdoshning tashqi xatti-harakatlarida yoki uning ichki dunyosida o'zgarishga olib kelishi mumkinligi va zarur bo'lishi mumkinligini anglashga tayyorlashi kerak. Shunday qilib puxta tanlangan til vositalari va fikrni ifoda etish shakli yanada to'liqroq bo'lishiga yordam beradi va ma'ruzachining kommunikativ maqsadini amalga oshiradi. Nutq faoliyati murakkab operatsion tuzilishga ega bo'lib, uning tarkibiy qismlari harakat, operatsiya, mahorat va qobiliyat kabi elementlardan iborat. Har bir bog'lanishning psixolingvistik xususiyatlarini ko'rib chiqing. Nutq harakati ("Nutq harakati") - bu o'z motiviga ega bo'lmagan, yaxlit harakat motiviga bo'ysunadigan va faqat yo'naltirish, ijro etish va nazorat qilish bosqichlarini o'z ichiga olgan nutq faoliyatining birligi. Asosiy nutq xatti-harakatlari - bu nutqiy vaziyatni tuzish (gapirish va yozish) va uni idrok etish (tinglash va o'qish) jarayonlari. Nutqni o'qitish metodologiyasida nutq xatti-harakatlarini hajm va tuzilishini (Jumlalar ko'rinishidagi shaxsiy bayonlar va tavsif matnlari, batafsil rivoyat, mulohaza ko'rinishidagi batafsil bayonlar), shuningdek kommunikativ faza

(ma'lumot, so'roq, rag'batlantirish va boshqalar) bo'yicha farqlash kerak. *Operatsiya - bu kengaytirilgan harakatni amalga oshirish uchun vosita bo'lgan individual harakatlar.* Har qanday nutq harakati turli darajadagi bir qator operatsiyalarni o'z ichiga oladi:

Til birliklari bilan operatsiyalar (Masalan, fonetik yoki leksik darajadagi korrelyatsion juftlikning kerakli a'zosini tanlash);

Nutq birliklari bilan operatsiyalar (masalan, qismlardan butun sonni yaratish, semantik maydonning kerakli elementini tanlash va boshqalar).

Til tizimi ichki tuzilishining o'ziga xos xususiyatlaridan biri-bu paradigmatik munosabatlar, ya'ni, bir darajadagi birliklar o'rtasidagi o'xshashlik va kontrast asosida ifoda yoki mazmun jihatidan yoki bir vaqtning o'zida ikkita rejada nomoyon bo'lishi. Ayniqsa, aniq paradigmatik munosabatlar fonetik darajada (Masalan, yumshoqlik / qattiqlik, ovozli / karlik, ta'limning o'rni va usuli) undosh tovushlarning fonemali qarama-qarshiligi va leksikada (Masalan, antonimiya, sinonimiya, omonimiya, paronimiya).

O'qituvchi ontogenezda til tizimini mahorat bilan aniq amalga oshirilishini hisobga olishi kerak Tilshunoslik paradigmalarining assimilyatsiyasi va agar birliklar bir asosga solishtirilsa (Ovozli / kar undoshlar, yakka / ko'plik, otning nominativ / irsiy holati va boshqalar), bu jarayon yanada samaraliroq amalga oshiriladi. Til birliklari sintagmatik munosabatlardan foydalangan holda nutqiy vaziyatni tuzishga bog'liqdir, ya'ni, ketma-ket, izchil. Nutq ko'nikmalarini shakllantirishda o'qituvchi bolalarga fonetikadan leksik va sintaktik birikmalargacha til tizimining turli darajalari birliklarining muvofiqligi qoidalarini ko'rsatishi kerak. Operatsiyalar singari ko'nikmalar lisoniy va og'zaki bo'lib, nutqiy faoliyatning qaysi tomoni mukammallikka erishishiga bog'liq. Til ko'nikmalariga ishlov berish vositalari, fikrlarni shakllantirish, masalan, gapirish qobiliyati, so'zlarni shakllantirish, jumlalarni grammatik tuzilishi va boshqalar kiradi. Nutqqa mos ravishda - fikrlarni shakllantirishning avtomatlashtirilgan usullari, masalan, dialogik yoki monologik muloqot qobiliyatlari, nutqni rivojlantirish va tuzatish darslarida, birinchidan, turli xil ko'nikmalarni farqlash, ikkinchidan, til va nutq ko'nikmalarini shakllantirishga yetarlicha e'tibor berish kerak. Nutq qobiliyatini rivojlantirishning eng yuqori bosqichi nutq qobiliyatini shakllantirishdir. Agar nutq qobiliyati avtomatlashtirilgan, ko'pincha stereotiplarga asoslangan harakatlarni o'z ichiga olsa, unda nutq qobiliyati mustaqil, ijodiy tabiatga ega bo'lib, nutqning o'ziga xos xususiyatlarini o'zlashtiradi va o'z tilining ustasi va muloqotning to'liq ishtirokchisiga aylanadi.

Ontogenezda nutqni rivojlantirishning psixolingvistik asoslari haqida suhbatni yakunlab, nutqni shakllantirish bolaga nutq faoliyatining turli xil shakllarini o'rgatayotganligini ta'kidlash kerak. Tilni to'liq egallash nafaqat yozuvchi, balki o'quvchi uchun ham ma'ruzachi va tinglovchilarning kommunikativ rollarini bajarish uchun zarur bo'lgan ko'nikmalarni shakllantirishni o'z ichiga oladi. Nutq faoliyati subyekti inson ongida voqelikni bir qismining aqliy aksi ekanligiga asoslanib, nutq faoliyati intellektual deb belgilanishi mumkin. Shunga ko'ra, nutq faoliyatining asosiy maqsadi fikrlarni

shakllantirish va rivojlantirishdir, demak, nutq faoliyatini rivojlantirish, albatta, bola tafakkurining rivojlanishiga hissa qo'shadi.

Adabiyot

1. Vigotskiy, L. S. Fikrlash va nutq // Sobr. Op .: 6 jildda .-- M., 1982. - T. 2.
2. Gluxov, V. P. Psixolingvistika asoslari. - M., 2005 yil.
3. Zimnyaya I. A. Maktabda chet tillarini o'qitish psixologiyasi. - M., 1991 yil.
4. Levina, R. Ye. Nutq rivojlanmagan bolalarda yozuvning buzilishi. - M.,1961 yil.
5. Leontev, A. A. Psixolingvistika asoslari. - M., 2003 yil.
6. Rubinshteyn, S. L. Umumiy psixologiya asoslari. - M.-SPb., 2002 yil.

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ТИЛИДА БОБОТИЛ УНСУРЛАРИНИНГ САҚЛАНИШИ

Турсунали Жумаев,
филология фанлари номзоди, доцент
Қарши давлат университети

Турк, мўғул ва тунгус-манчжур гуруҳи тиллари учун олтой тили боботил ҳисобланади. «...мўғул тили туркий ва тунгус тиллар билан,− деб ёзган эди академик Б.И.Владимирцов, − биз шартли равишда олтой деб атайдиган боботилнинг бир шахобчасидир. Олтой тили маълум эмас, аммо олтой тиллар маълум, яъни муғул, турк ва тунгус тиллари шу олтой тилидан ривожланган.[172]

Олтой даври фанда на тарихий, на лисоний ёдгорликлар билан асосланмаган. Мавжуд маълумотлар ҳам ўша даврнинг тил қонуниятлари ҳақида аниқ маълумот бермайди. Олтой тили хусусиятлари борасидаги барча ҳукмлар тахминий бўлиб, улар қадимги ўлик ҳамда ҳозир истеъмолда бўлган тилларни тарихий-қиёсий метод асосида чоғиштириш натижасида келтириб чиқарилган. Бундай ҳукм ва хулосалар, бир томондан, тунгус-манчжур тилларини, иккинчи томондан, турк-мўғул тилларининг кейинги даврда юзага келган дифференцияси асосида ҳосил қилинган. Бу тиллардаги дифференциал белгиларининг энг қадимги ва характерлиси ундошларнинг мувофиқ келишидир. Тунгус тилидаги *т* манчжур тилидаги *с* турк ва мўғул тилларида *и* дан олдин қўлланадиган *ч-ш* га мос келиши улар орасидаги умумийликни белгилайди. Баъзи туркий тилларда олтой тилининг қадимги белгилари аниқ сақланиб қолган. Масалан, ёқут, хакас ва бошқирд, тунгус тилларидаги *т* манчжур тилидаги *с* ундошига мувофиқ келади. Яъни тунгус тилида *гутин* ва манчжур тилида *гусин*, мўғул тилидаги *гучин* сўзига тўғри келади; манчжур тилидаги *хусун* мўғул тилида *кучин*, ҳозирги олтой тилида *куч* («куч») маъносини ифодалайди.

172 Б.Я.Владимирцов. Сравнительная грамматика монгольского письменного языка халхаского наречия. −Л. 1929. –С. 45.

Олтой даври туркий тиллар тараққиётида, бир томондан, турк, мўғул, тунгус-манчжур тилларига бўлинган умумий тил бўлганлиги билан, иккинчи томондан, бир умумий тилнинг иккига: 1) турк-мўғул ва 2) тунгус-манчжур тилларига тармоқланганлиги билан характерланади. Бу тиллар ажралиш жараёнида ўзига хос фонетик, лексик ва грамматик белгилар касб этган.[173]

Демак, фонетика соҳасида юқоридаги ҳолатларни назарда тутиб тилларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: а) *ч-ш* (с) ловчи турк-мўғул тиллари; б) *т* ловчи, тўнгус-манчжур тиллари.

Кўринадики, илмий асосларга эга бўлмаса-да, олтой даврида на фақат тўнгус-манчжур гуруҳининг тўлиқ гуруҳга ажралиши ниҳоясига етди, ҳатто турк ва мўғул тилларининг ўзаро фарқланиши ҳам шаклланиб бўлди. Бу далиллар, бир томондан, ҳозирги мўғул тиллари, иккинчи томондан, барча туркий тиллар ўзига хос фонетик белгилар юзага келганлигини кўрсатади. Мўғул тилларидаги *р* ва *л* ундошлари туркий тиллардаги *з* ва *ш* алмашиниши улар орасидаги яқинликни кўрсатади; *р* ва *л* ундошларининг қўлланиши баъзи бир туркий тилларда, хусусан, қадимги булғор ва ҳозирги чуваш тилларида сақланиб қолган.

Қадимги умумфонетик бўлган *р-з* ва *л-ш-с* мослиги тўнгус-манчжур тилларида бўлгани каби мўғул тилларида ҳам қўлланган. Бу белги туркий тилларда, хусусан, чуваш тилида бўлганидек, бошқа туркий тилларда ҳам айрим фонетик ўзгаришлар ҳамда семантик фарқлар билан ҳозирга қадар яшаб келади, аммо мазкур алоқадорликни тиклаш анча мураккаб. Фикримизнинг исботи учун мисолларга мурожаат қилайлик: чуваш тилида *ул* − умумтуркий *йаш* 1) «йил», «ёш»; 2) «кўз ёши»; чуваш тилида *пилек* умумтуркий *беш* «беш»; чуваш тилида *хер* − умумтуркий *көз* «кўз», “кўр” маъноларида қўлланади. Ёки аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ўзбек тилидаги *шор=туз; йер=из* каби сўзларда ҳам шу қонуният сақланиб қолган.

Демак, олтой давридаёқ турк-мўғул тиллари *р-л* белгили тиллар билан мўғул қабила тилларига, туркий тиллар *з-ш/с* белгили тил билан туркий қабила тилларига ажралган.

Мўғул тиллари ва туркий тилларнинг булғор гуруҳи тиллари учун харатерли бўлган *р* чуваш тили каби бошқа туркий тиллардаги *з/й* га тўғри келади. Умуман олганда, олтой тилларида *р-з/с/д/т/й* мослиги қадимги даврдан сақланган мерос бўлиб, бу туркий тилларни бир неча гуруҳ тилларига ажралиши учун асос бўлди. Мисол қилиб, чуваш тили билан бошқа туркий тиллардаги *р- з/й* мослигини олиб кўрайлик (1-жадвал):

1-жадвал.


Чуваш тилида	**Бошқа туркий тилларда**	**Ўзбек тилида**
ура	*айақ*	«оёқ»

[173] Дмитриев Н.К. Строй тюркских языков. −Москва, 1962. –С. 112.

шар-	*сий*	«сиймоқ»
керу	*куйев –*	«куёв»
сар-	*йай-*	«ёймоқ»
хўран	*қазан*	«қозон»
ира	*ийи/ийги*	«яхши»


Шунингдек, *р-с/з/д/т/й* мослиги нафақат муайян гуруҳларга мансуб бўлган туркий тиллар учун, балки айрим олинган бир тил лексикасининг ички қурилиши учун ҳам характерлидир. Масалан, қарлуқ тиллари, хусусан, ўзбек тили учун: (1-чизма).

1-чизма.



Бу даврнинг қолдиқлари ҳозирги ўзбек тилида ёркин сақланиб қолганлигини бошқа далиллар ҳам исботлаши мумкин. Тилимизда ротацизм ва лабдаизм ҳодисалари бевосита қонуният сифатида мавжуд бўлмаса-да, *й-д/т/з* алмашинувлари талай сўзлар таркибида ҳамон мавжуд. Масалан: (2-чизма)

2-чизма.



Демак, боботил бўлмиш олтой тилининг энг қадимги фонетик белгилари шу оилага мансуб бошқа тиллар сингаги ҳозирги ўзбек тилида ҳам сақланиб қолган, бундай хусусиятни *д/т/з – й* мослигининг бошқа фонетик ҳодисаларга нисбатан ёркинроқ намоён бўлишида кўриш мумкин.

БАДИИЙ МАТНДА ЭМОЦИЯНИНГ ИФОДАЛАНИШИ
(прагматик аспектда)

Йўлдошева Сурайёхон Жаҳонгировна
Фарғона вилояти Марғилон шаҳар
1-умумий ўрта таьлим мактаби
она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Ҳамма тилларда бўлгани каби ўзбек тилининг ҳам эмоционалликни юзага келтирувчи усул ва воситалар, қўлланиш усуллари бор.Эмоционалликни ифодаловчи лексик –фразеологик воситалар сифатида полисемантизм, стилистик чегараланган лексика, синонимия ва фразеология каби ҳодисаларни белгилаш мумкин. Санаб ўтилган тил ҳодисалари эмоционаллик ҳосил килишда фаол ва сермаҳсул воситалардир.

Полисемантизмлар бир маьноси (тўғри, номинатив маьнолар) билан нейтрал, яна бир маьноси (фигурал – кўчма маьноси) билан эса экспрессив-эмоционал фикр ифодалаш учун хизмат қилади. Дўстлик офтобининг сўнмас қуёши (“Ўзбекистон адабиёти ва саньати”)

Синонимия стилистиканинг асоси бўлиб, синонимик бирликлар экспрессив-эмоционалликни яратишда муҳим ўрин эгаллайди. Масалан, юз, бет, афт, башара, чеҳра, ораз синонимик қаторидан афт, башара, чеҳра, ораз сўзлари экспрессив-эмоционаллик, стилистик бўёқли сўзлардир.

Фразеологизмлар воқеа- ҳодиса, белгиларнинг инсон онгига кучли таъсир килиши,шу кучли таъсир натижасини нутқда тўлалигича ифодалаш имконини беради. Умуман, фикрнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида, шу мақсад заминида яратилган тил ҳодисасидир.

Фразеологизмларда мавжуд бўлган градация (маънонинг кучли жиҳатдан даражаланиши) ҳодисаси, айниқса, экспрессив-эмоционалликни қай даражада ифодалаш имконини беради. Масалан, сочи тикка бўлмоқ ибораси экспрессив-эмоционаллик жиҳатдан у қадар кучли маънони бермайди, балки маълум фонетик ва грамматик воситалар ёрдамида қуйидагича кучайиб боради ва ўзига хос градация ҳосил қилади. Сочи тикка бўлмоқ – сочлари тикка бўлмоқ – сочи типпа-тик бўлмоқ – сочи тикка бўлиб кетмоқ – сочлари типпа-тик бўлмоқ –сочлари типпа- тик бўлиб кетмоқ.

Эмоционаллик ифодалашнинг морфологик усули деганда махсус сўз формалари воситасида, шунингдек, маълум бир грамматик маъно ифодаловчи формани махсус қўллаш (кўчма маънода) орқали эмоционаллик ифодалаш тушунилади. -ча, -чок, -чак, -лоқ қўшимчалари махсус эмоционаллик ифодаловчи восита бўлиб, суйиш, эркалаш, ёқтириш, шунингдек, менсимаслик, таҳқирлаш, кесатиш каби маъноларни ифодалайди. Мисоллар: Ўзингизни гўлликка солманг, отинча. Дўндиқча-ю, дўнчиқча,хизмат қилай ўлгунча. Сенга нима етимча. (Сўзлашув) –жон, -гина қўшимчалари ҳам эмоционалликка бой бўлиб, турли

субъектив муносабатларни ифодалайди:-Ҳой, бу ким десам сенмидинг, сўйлоққинам? Вой, айланиб кетай дарозгинамдан! (О.Ёқубов) Омон. Аяжон, ...аяжонгинам. (З.Фатхуллин) ...Акажон, жо-он ака... (Мирмуҳсин) -лар қўшимчаси ҳатто от бўлмаган сўзларга ҳам қўшилиб маънони кучайтиради: қанчалар кутдирдинг. (Сўзлашувдан)

Эмоционаллик ифодалашнинг яна бир усули сўзларнинг аналитик такрор формасидир. Бир ўзакли сўзларнинг қаратқич-қаралмиш формасида (доноларнинг доноси), чиқиш келишиги формасида келганда (камдан кам, қанчадан қанча, кучайгандан кучаяди), савол–жавоб формасида (йигитмисан йигит, куёвмисан куёв), сифатдошнинг эгалик формаси ёрдамида такрорлаш билан (яшнаганим яшнаган) белгининг кучли даражаси ифодаланади.

Экспрессивлик – эмоционаллик фикр ифодасининг таъсир кучини орттириш демакдир. “Нутқни янада ёрқинроқ, таъсирчанроқ, таассуротлироқ қиладиган нарсаларнинг ҳаммаси экспрессия-эмоционалликдир. Демак, нутқ экспрессивлиги--нутқни ёрқин, таъсирчан, тасвирий таассуротли қилувчи воситалардир.[1]

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, тил тараққиёт маҳсулининг меваларидан янада бойиб, сайқалланиб бораверди. шоирлар унда янги-янги топилмалар, бетакрор ташбеҳлар билан, тилшунослар эса тилнинг тарихий илдизлари, кечаси, бугуни ва эртасининг тадрижий босқичи учун бетиним изланадилар. Тилнинг ички ва ташқи имкониятларини ўрганиб, унинг бевосита ва билвосита бойиши ва ривожланиши, авлодларга соф ҳолда етказиш мақсадида илмий – амалий тажрибалар ўтказадилар. Бинобарин, мамлакат юксалиб, тараққиёт сари одимлайвергани сари унинг бевосита тили ҳам кундан кун, тобора юксакликка интилаверади.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида бадиий матнда эмоциянинг ифодаланиши тадқиқига эътибор кучайди.

Лингвопрагматик тадқиқотлар ичида, айниқса, матн прагматикаси масаласи тилшунослар эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Бу соҳада айрим ишлар амалга оширилса-да, ечимини кутаётган масалалар йўқ эмас. Ҳозирги давр тилшунослиги тил сатҳи бирликларининг контекст, нуқт вазияти, тил эгаларининг ташқи олам ҳақидаги умумий билимлари ва тил кўникмалари каби омиллар билан боғлиқ тарзда юзага чиқувчи бевосита кузатишда берилмаган ички имкониятларини ўрганишга жиддий эътибор қаратмоқда.

XIX аср охири XX аср бошларида Ч. Пирс, У.У Джемс, Д. Дюн, Ч.Моррис, асарларида ўртага ташланган прагматик йўналиш ғоялари кейинги йилларда янада ривожлантирилди. Жумладан, ўзбек тилшунослигида ўтган асрдан бошлаб прагматик тадқиқотларга қўл урилди ва бу йўналишда Н.Маҳмудов, А. Нурмонов, М. Ҳакимов, У. Раҳимов, Д. Лутфуллаева, Ш.Сафаров, М. Ҳайназарова, Н. Негматов, Н. Воҳидова, Г. Тоирова, З.Бурҳоновларнинг у ёки бу йўналишдаги прагматик тадқиқотлари юзага келди.[2]

Юқорида экспрессивлик-эмоционаллик ифодалашнинг усул ва воситалари кўп ва хилма-хил эканлиги айтилди. Бинобарин, юқорида айтилган гаплардан шуни

хулоса қилиш мумкинки, гапларнинг ўзига хос семантик, эмоционал-экспрессив хусусиятларини ўрганиш, айниқса, қиёслашнинг кўринишлари: ўхшатиш, тенглаштириш, таққослаш, зидлаш каби ҳодисаларни бир-биридан фарқлаш жуда катта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

[1]Талькина-Федорук Ч.М., Торшкова К.В., Шамский Н.М. Современный русский язык. Т. 1, с. 99.

[2]Маҳмудов. Н. Пресуппозиция ва гап. // Ўзбекистон адабиёти. – 1986. – № 6 – В. 28-31; Нурмонов А. Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти –1996. – № 6 –В. 42-45; Нурмонов А. гапнинг пресуппозиция аспекти. / А. Нурмонов ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси.--Тошкент: Фан, 1992.--В. 113-120; Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. ном...дис. автореф. --Самарқанд 1994.-23в; Лутфуллаева Д. Ўрнига кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. -- 1996. --№ 5.--В. 46-48; Шу муаллиф. Тасдиқ гапларда шаклий мазмуний номувофиқлик. --Тошкент: Фан, 1997-54в; Ҳайназарова М. Сўроқ гапларда шакл ва мазмун номувофиқлиги: Филол. фан. ном... дис. автореф. --Тошкент, 1999.-25в; Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талкини: Филол. фан. д-ри... дис. автореф. --Тошкент. 2001.--49в; Раҳимов У. Лисоний пресуппозиция // А. Ғулом ва ўзбек тилшунослиги: Илмий ишлар тўплами. --Тошкент.2004. --В. 57-60; Бурҳонов З. Кўмакчили қурилмалар пресуппозицияси // Педогогик таълим. 2004.--В. 61-62; Шу муаллиф . Лингвистик прагматик муаммо сифатида. // Тил ва адабиёт таълими. 2006.-- № 6.-В. 38-42; Раҳимов С. Типология текстообразующих категорий: Семантика. Прагматика. Фуннкция. --Андижан, 1990.-239-с.; Нурмонов А., Ҳакимов М. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. 2001.--№ 4.--В. 56-57; Сафаров Ш, Тоирова Т. Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлили асослари.--Самарқанд: СамЧТИ . 2007.-39в.; Негматов Ҳ., Воҳидова Н., Тоирова Т. Структурал тилшуносликдан прагмалингвистикага // Хорижий филология, 2007.--№ 4.-В. 38-41; Сафаров Ш. Прагмалингивистика. --Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008.-285в.

СХОДСТВА И РАЗЛИЧИЯ СУПЕРСЕГМЕНТНЫХ ДОМИНАНТ ПРИ ФОНОВАРЬИРОВАНИИ СЛОВА В РАЗНОСИСТЕМНЫХ ЯЗЫКАХ (НА ПРИМЕРЕ КИТАЙСКОГО, РУССКОГО И УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКОВ)

Нурмухамедова Мукаддас Абдуфаттох кизи
Преподаватель китайского языка, УзГУМЯ

Звучащая речь представляет собой основной вид речевой коммуникации, является неотъемлемой частью функционирования современного языка и признаком вербальных языков. Для устного выражения мыслей, человек

пользуется специальной системой знаков, известных, как звуки, буквы, морфемы, слоги, слова и предложения. Все фонетические явления, комбинируясь между собой, в процессе речи, образуют одну целую систему, называемую **речевым актом**.

Целью данной статьи является выявление сходств и различий супрасегментных просодических доминант при фоноварьировании слова (на примере китайского, русского и узбекского языков).

Сегментные единицы – это звуки речи, которые располагаются в речевом потоке друг за другом в линейной последовательности. Сегментная фонология тесно связана с отрезками речевой цепи, образующиеся в результате последовательного членения. Суперсегментные единицы, в свою очередь, представляют собой ряд фонетических единиц, которые проявляются в виде ударения и интонации. В потоке речи, суперсегментные единицы не могут функционировать отдельно от сегментных, т. е. они напрямую связаны между собой и реализуются только в звуковых сочетаниях, накладываясь на звуки и формируя структуру речевых отрезков.

Обычно, в фонетических системах многих современных языков, минимальной фонетической единицей является **звук.** Звуку как кратчайшей единице соответствует абстрактное языковое понятие фонемы, которая является центральным понятием фонологии. Звуки в процессе речи употребляются не изолированно, а в тесной связи с другими звуками, образуя вместе с ними различные по объёму, по признакам и назначению звуковые комплексы или сегменты (части).

В китайском языке, в отличии от узбекского и русского языков самой минимальной смыслоразличительной и смыслообразующей единицей является слог. Звуковой поток, или речь, распадается на минимальные единицы, которые мы называем слогами. Структура слога в китайском языке заметно отличается от структуры русского языка. В русском языке слог может состоять из разного количества звуков (и, ли, лить, слить, скрыть, всхрап, всплеск). В китайском же языке количество звуков в слоге не превышает четырёх (и, лу, май, хуан).

В русском и узбекском языках, для различения смысла слов, мы часто используем ударение. В китайском языке смыслоразличительной доминантой является тон, и один и тот же слог может произноситься четырьмя различными способами, с четырьмя различными мелодиями, или интонациями.

Тон в китайском языке играет в различении смысла слов такую же роль, что и звук. Если вместо одного тона произносить данный слог другим тоном, то получаться совершенно различные слова. Тон является фонологической единицей особого типа, т.е. супрасегментным элементом, стоящем над слогом. Чтобы подчеркнуть фонологическую роль тона, его нередко по аналогии с фонемой называют тонемой.

В отношении ударения самыми важными различиями между русским, узбекским и тонированным китайским языками являются следующие:

1. В русском языке ударение сильное, поэтому безударные гласные фонемы подвергаются редукции, т.е. ослаблению. В узбекском языке ударение сравнительно слабое, и именно поэтому безударные гласные практически не изменяются ни качественно, ни количественно.

2. В русском языке обычно ударение свободное, т.е. имеются слова с ударением на первом, втором, третьем и других слогах (считая от начала или от конца слова). Каждое слово имеет своё ударение. В узбекском языке подавляющее большинство слов имеет определённое место ударения: ударным почти всегда является последний слог слова. В китайском языке каждый слог имеет свой установленный этимологический тон.

3. Наконец, изменение ударения в слове в русском языке искажает слово, делает его непонятным, изменяет свою звуковую оболочку слова. Например: до́ма [до́мъ] - дома́ [дома́], за́мок [за́мък] - замо́к [замо́к]. В узбекском языке, как правило, изменение ударения в слове не влечёт за собою искажения смысла слова и не делает его непонятным для собеседника. Иногда изменение ударения в словах выражает лишь эмоциальные оттенки высказывания, но не изменяет лексических или грамматических значений слов. В китайском языке при неправильном произношении тона смысл слога искажается или же меняется вообще. Нарпимер: 歌gē-песня, 革gé- кожа, 合gě-100 мл., 各gè- каждый.

Это различие между тремя языками связяно с тем, что ударение в русском языке широко используется как грамматическое и словообразовательное средство, а в узбекском языке ударение таких функций почти не имеет. В китайском же языке тон выполняет смыслоразличительную функцию и его опущение или неправильное употребление искажает значение слога или слова вообще.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

1. Джусупов М., Сапарова К.О. Сегментная и суперсегментная фоностилистика русского языка как лингвистическая и методическая проблема // Языковое пространство Казахстана в новом тысячелетии и проблемы мировой лингвистики: Матер. Междунар. науч.-теор. конф. - Алматы, 2008. - С. 550-565.

2. Кубарич А. М. Суперсегментные единицы китайского языка: дисс...канд. филол. наук. – Бийск, 2016. – 169 с.

3. Н.А.Киссен., Курс сопоставительной грамматики русского и узбекского языков: Ташкент, 1966. – 29 с.

ТИЛ ҲОДИСАЛАРИГА КОГНИТИВ ЁНДАШУВ

Усмонова Зулхумор Назаровна
Ислом Каримов номидаги
Тошкент давлат техника университети катта ўқитувчиси

Лингвистика ривожланишининг замонавий босқичида тил ҳақидаги билимларни тасаввур қилиш муаммолари когнитивлик нуқтаи назаридан кўриб чиқилмоқда. Когнитивлик оламнинг концептуал тасвирини шакллантириш ва тил хусусиятида тафаккур жараёни эҳтиёжини таъминлаш ҳамда борлиқ ҳақидаги билимларни умумий кўришда бериш ва сақлашда намоён бўлади. Тилга когнитив ёндашувни когнитив лингвистика фани ўргана бошлади. Ушбу фан 1970 йилларнинг иккинчи ярмида АҚШ да вужудга келиб “Когнитив грамматика”, Россияда эса ”Когнитив семантика ” деб атала бошлади.

Тил ҳодисаларига когнитив ёндашувнинг ривожланиши уни бизнинг онгимиз ва ақлимизнинг концептуал ва когнитив тузилишиларидаги маълумотлар манбаи сифатида тушунишга ёрдам берди. Тил ўзида бизнинг дунёмиз ҳақидаги билимларнинг турли-туман тузилишиларини миямизда мавжудлигининг далолатини намоён қилади. Когнитив ёндашув тадқиқот объектини яхлитлаштириш ва лексик маънодаги таркибий қисмларни тақдим этиш усулларини кенгайтиришга имкон беради. Когнитив лингвистикада барча тил жараёнлари инсоннинг билиш фаолияти билан оламни концептуаллаштириш ва категориялаштириш далолатномалари билан боғлиқдир.

Концептуаллаштириш-бу инсон руҳиятида барча концептлар ва концептуал тизимни ҳосил бўлишга олиб келадиган нарсалар ва ҳодисаларни хаёлан қуриш, ахборотнинг одамга келишини фикрлаш жараёни.

Концептуаллаштириш жараёни категориялаштириш жараёни билан узвий боғлиқ. Бу жараёнлар узвий боғлиқликда борлиқни билиш натижаларини маълум категориялар бўйича тартиблаштиради. Агар концептуаллаштириш жараёни келаётган ахборотни тушунунчали таснифлашдан иборат бўлса, категориялаштириш у ёки бу муносабатда намоён бўладиган ўхшашликлар ёки ўхшашлик сифатида тавсифланадиган бирликларнинг янада каттароқ разрядларини бирлаштиришга йўналтирилгандир. Улар якуний натижа бўйича фарқланади.

Когнитив тилшуносликнинг барча муаммолари унинг асосий категориялари *концепт, концептуализация,категориялаштириш, концептосфера ёки олам тасвири атрофида айланади.*

Отлар билан лексик тизимда улар билан мустаҳкамланган объектлар ва буюмларнинг номларини тушунтирадиган концепт когнитив лингвистиканинг асосий бирлиги ҳисоланади. Дастлаб “концепт” “тушунча”сўзига синоним сифатида қабул қилинди. “Концепт” ва “тушунча” терминларини аста –секин фарқлаш бошланди.

Умумлаштирилган номлар остидаги концептлар қадимий даврлардан файласуфларни жалб қилган. Дастлабки Платоннинг ғоялар ҳақидаги таълимоти концепт (концептнинг концепти) ҳақидаги тушунчанинг такрорий образидир. Русча матнларда концепт терминидан тўлиқ фойдаланиш XX асрнинг 80 йилларида бошланди.

Кўпгина тилшунослар замонавий тилшуносликдаги концепт тушунчасига кўп мурожаат қилмоқдалар. Е.С.Кубрякова ушбу тушунчани “оламнинг барча тасвири, мия, тил ва концептуал тизим, ментал лексик(сўз),хотиранинг тезкор ва мазмуний бирлиги” деб изоҳлайди.

З.Д.Попова ва И.А.Стернин фикрига кўра, концепт-бу ўзининг турли белгилари ва қатламларини фаоллаштириб, турли томонлар билан буриладиган фикрлар фаолияти жараёнидаги мажмуавий фикрлаш бирлигидир. Концептнинг бу белгилари ва қатламлари тилда тил ишорасига эга бўлмаслиги ёки бир ёки ўша сўз турли мулоқот шароитларида концептнинг турли белгиларини репрезантация қилиши мумкин. Сўз бир неча асосий концептуал белгиларни бериши мумкин, аммо концептни тўлиқ намоён қилмайди. У концептуал билимга кириш воситаси, гўёки инсон учун концептни “очадиган” ва фикрлаш фаолиятида улардан фойдаланишга имкон берадиган калит ҳисобланади.

Ўзбек тилшунослари Н.Маҳмудов ва Ш.Сафаровлар ҳам концепт терминини изоҳлаганлар. Демак, концепт тилдан мустақил онг элементидир. Инсон сўзларни уларниг маъноси даражасида эмас, балки уларнинг маъноси берадиган мазмун даражасида, яъни концептлар даражасида эгаллайди. Сўзларнинг маъноси ушбу маънолар ортида турадиган маълум когнитив тузилишлар билан ўзаро боғлиқ ва уларни тушунишни таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Кубрякова Е.С.. Начальные этапы становления когнитивизма: лингвистика, психология, когнитивная наука. Вопросы языкознания.№ 2, 1994.
2. Махмудов Н.Тилнинг мукаммал тадқиқи йўлларини излаб. Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 2012, 5-сон.
3. Попова З.Д., Стернин И.А. Когнитивная лингвистика, Москва, 2007.
4. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. Жиззах.Сангзор, 2006.

“ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ТАРИХИ” АСАРИНИНГ АЙРИМ ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР

Муҳаббатхон Усмонова
ФарДУ тилшунослик кафедраси ўқитувчиси

Тил – ижтимоий ҳодисадир. Жамият ва давлат тарихида рўй бераётган ўзгаришлар бевосита тилда ўз аксини топади. Шу билан бирга ҳар бир манба ўзининг лингвистик белгилари билан ўша давр тилига хос бўлган хусусиятларни

ҳам намоён этади. Шу маънода тил тарихига оид манбаларни ўрганиш фақатгина тарихий мазмунга эга бўлмай, ҳозирги даврда қўлланилиб келинаётган адабий тил ҳолати ва уларнинг юзга келиш омилларини аниқлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари тарихий манбалар ватанимиз ва халқимиз тарихининг унутилган лавҳаларини тўлдириш, қора қилинган саҳифаларни янгидан тиклаш ва ойдинлаштиришда ҳам муҳим ўрин тутади. Бунда, айниқса, тарихий воқеаларга шахсан ўзи гувоҳ бўлган маҳаллий муаллифлар томонидан яратилган илмий ва тарихий асарларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Ана шундай манбалардан бири Мирзоолим Мушрифнинг «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин» («Султонлар насаблари ва хоқонлар тарихлари») номли асаридир. Асарининг учта қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади. Мазкур қўлёзма 215 варақдан иборат бўлиб, шундан 1—180-варақларда «Ансоб ус-салотин...», қолган саҳифаларда Мушрифнинг ўзбек ва тожик тилларида ёзилган шеърлари — ғазал, мухаммас, мусаддас, рубоийлари ўрин олган. Манба кейинчалик «Қўқон хонлиги тарихи» деб юритила бошлади.

Асар муаллифи Мирзоолим ибн Мирзораҳим асли тошкентлик бўлиб, Қўқон хонлари Маллахон ва Худоёрхон саройида хизмат қилган. Дастлаб дабир (ар.— котиб), кейинроқ Мушриф ё «Муширб» тахаллуси билан ижод этиши ҳам ана шу сабабдандир.

Мирзоолимнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида кенг маълумот берувчи асосий манба унинг «Ансоб ус-салотин...» номли тарихий асари ва унинг охирида берилган шеърларидир. Мушриф ва унинг ижоди ҳақида профессор А.П.Қаюмов ўзининг «Қўқон адабий муҳити» номли монографиясида батафсил тўхталиб ўтади.

Асарда XIX асрнинг иккинчи ярмида Қўқон хонлигида юз берган сиёсий-ижтимоий воқеалар акс эттирилган. Бу воқеаларнинг аксариятини муаррихнинг ўзи бевосита кузатган бўлган, айримлари ўзидан олдин ўтган муаллифлар асарларига қараган ҳолда баён қилади.

«Ансоб ус-салотин...»—тарихий-бадиий асар. Унда, аввало, XIX асрда Қўқон хоилигида юз берган сиёсий воқеалар аниқ акс эттирилган. Бироқ тарихий воқеалар илмий услубда оддий баён қилинмасдан, ўзига хос бадиий шаклда ва равон услубда тасвирланган. Буни муаллифнинг бадиий асар тилига хос ўхшатиш, сифатлаш, муболаға, жонлантириш каби тасвирий воситалардан усталик билан фойдаланганлигидан ҳам кўриш мумкин. Айниқса, асарда халқ оғзаки ижодига хос сажъ (қофияланган наср) санъати кенг қўлланилган.

Демак, асар ҳам тарихий, ҳам бадиий жиҳатдан ўзбек тили тарихида муҳим ўрин тутади. Асарнинг муқаддима қисмида муаллифнинг ўзи бу ҳақда шундай ёзади:

Бул боисдин бул фақири бебазоат во ҳақири беиститоат Мулло Мирзоолим ибн домло Мирзораҳим Тошкандий иродаи азалий ва хоҳиши лам язалий бирлан Фарғона мамлакатларини подшоҳларини ва ўтган воқеоти ажибларини

таворихлардан хўшачинлик айлаб, туркий алфозиға кетуруб ва баъзи воқеотларниким, Шералихон марҳум замонидин Худоёрхоннинг охир давлатиғача ўтган ғариб ва ажиб воқеаларни баайни содда иборат бирла қайди таҳрирға олиб, баён айлаб «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин» исм берилди. Токи мусулмон бандалар ўқумоқ ва эшитмаклари бирлан шоядки кўнгиллари очилиб ва ғамлари сочилиб, баҳраманд бўлғайлар ва биздин бир ёдгор қолғай.

Кўринадики, муаллиф асарни туркий тилда баён айлаб, ўқиган кишиларнинг «кўнгиллари очилиб» «баҳраманд бўлиш»ларини ният қилади. Мисолда келтирилган сатрларнинг тил хусусиятларига эътибор қаратадиган бўлсак, унда *ва* боғловчисининг услубий қўлланилишига гувоҳ бўламиз. Келтирилган парчада иккита гап берилган бўлиб, гаплар таркибида мазкур боғловчи етти ўринда қўлланилган ҳамда барча ўринларда ҳам гапнинг уюшиқ бўлаклари ва тенг боғланган қисмларни ўзаро боғлашга хизмат қилган.

Асарда ўзбек тилининг кенг бадиий имкониятлари очиб берилган. Масалан, «Аҳли дин, мусулмон бандаларни дили кабоб, сийнаси хароб, кўзлари пуроб бўлди» сатрларида ифода насрий йўл билан баён этилган бўлса-да, ундаги *дили кабоб, сийнаси хароб, кўзлари пуроб* бирикмаларининг ўзаро кетма-кетликда боғланиши ҳамда улар таркибидаги *кабоб, хароб, пуроб* сўзларининг *об* тарзида тугалланиши матн таркибида оҳангдорлик ва ўзига хос ритм пайдо бўлишига асос бўлган.

Асар тилида айрим ўринлар туркий тилларга хос бўлган ҳурмат маъносини ифодалаш учун эвфемик бирликлардан фойдаланилган. Масалан, *Эрдонахон муддати ўн тўрт йил хонлик қилиб, қирқ икки ёшда фоний дунёдин олами боқийға рихлат қилди...* мисолида қўлланилган *фоний дунёдин олами боқийга рихлат қилмоқ* иборасида *оламдан ўтмоқ, вафот этмоқ* маъноларини ифодалаш учун хизмат қилган.

Бундан ташқари асар тилида оғзаки нутққа хос бўлган шакллар қўлланилган. Масалан, *Қўзи қўйга қўшилғондек топишиб, як жузв ва як бадан бўлуб, мурожаат қилиб, доруссалтанаға равона бўлдилар* гапида қўлланилган *қўзи қўйга қўшилғондек* ибораси ўзбек тилида асосан оғзаки услубда ишлатилади, мазмунига кўра *бирга бўлмоқ, уюшмоқ* маъноларини англатиб, ижобий маъно ифодалашга ёрдам беради.

Шу билан бирга келтирилган нутқ парчасидаги мисолга аҳамият берадиган бўлсак, унда форс-тожик тили ва араб тилига хос бўлган шакллар аралаш ҳолда қўлланилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Асар тилида қўлланилган сўзлашув услубига хос унсурлардан яна бири кишилар исмига лақаблар қўшиб ишлатилишидир. Масалан, *Булар бориб уларнинг муддаоларини сўрдилар эрса, муддаоларини пардадин чиқариб айтдиларким: "Бизлар ҳеч кимдун ранжида бўлғон эмасмиз, аммо кал Юсуф мингбошидан озурдадурмиз, ани чиқариб ўрниға ҳар кимни мингбоши қилсалар, қабул қилурмиз ва лекин ул кални ҳукмиға кирмасмиз ва яна бизларга минбаъд зиён ва зарар ва*

заҳмат етмаса, бирор аҳднома умид қилурмиз, мундин бўлак муддаомиз йўқтур",- деб элчиларни баиззати ямом қайтардилар. Булар келиб анча ўтган сўзларни баайни тақрир қилдилар эрса, аркони давлат жамоат бўлиб маслаҳат қилиб, Юсуф мингбоши қирғизни мингбошиликдин чиқариб, ўрнига Шоди додхоҳни мингбоши қилиб, Юсуф мингбошини Марғинонга саркарда қилдилар ва яна ўшал соат аҳднома буюрдилар…

Юқорида келтирилган парчада қўлланилган *Юсуф мингбоши, Шоди додхоҳ* бирикмаларида изоҳловчилар амал-мансаб маъносини ифодаласа, шахс маъноси назарда тутилган *кал* ва *қирғиз* сўзлари кишиларга қўйилган лақаблардир.

Асар тилининг лексик хусусиятлари ниҳоятда характерли бўлиб, ўз даври тил хусусиятлари билан бирга ўзбек тилининг умумий тараққиётига хос бўлган жуда кўп жиҳатларни ўзида намоён этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзоолим Муширифф. Қўқон хонлиги тарихи. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1995 й.
2. Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити (XVIII—XIX асрлар) - Тошкент: Ўзбекистон ССР ФА нашриёти, 1961, 330-341-бетлар
3. Ўзбек тилинг изохли луғати. Москва, "Рус тили" нашриёти, 1981.

PRAGMATICS IS A NEW LIGHT IN UZBEKISTAN

Sharipov F.I., UzSWLU

Teaching and learning foreign languages especially the English language has been flourishing tremendously ever since the independence of Uzbekistan. However, the pragmatic knowledge of the target language might have been neglected on account of not having pragmatic ability to grasp social, cultural norms of the foreign language. The notion of pragmatics has a myriad of meanings based on the context. Nevertheless, the concept of pragmatics is the study of "invisible' meaning in certain context (Yule, 1996, p.127). In other words, pragmatics is the study of going beyond the literal meaning of what is said or written to seize the intended meanings, purposes or goals which are being occurred in spoken or written form of the language.

Pragmatics is a relatively novel branch of linguistics. Ishihara (2010) who is one of popular pragmatists claims that being able to pragmatically successful in communication depends on a wider range of factors such as: social status, age, gender, language proficiency in second language (L2), relevant experience with L2 speakers, L2 exposure with pragmatic knowledge and multicultural experiences in general (p.17) . In order to be pragmatically successful in the conversation, we need to reckon that the main four language skills are vitally important. As a **listener**, we should understand what is said and what is not said as well as what may be communicated non-verbally. In general sense, we can interpret the level of politeness, formality and directness in communication through verbal and non-verbal cues. Having considered these points, it can difficult for non-native speakers to interpret the actual intention of native speakers

because of verbal and non-verbal cues of the pragmatics when there is a conversation between native and non-native speakers of the target language. Consequently, it can lead to pragmatic failure in second language.

As a **speaker**, we should communicate with appropriate formality, politeness and directness with native speakers (Ishihara, 2010, p. 18). In other words, being able to switch up your vocabulary depending on who you are speaking is pragmatic skill which a lot of people lack nowadays. Let's take the conversation between a native professor and students in terms of bad mark on midterm as an example. Most non-native speakers can fail communicating with the professor pragmatically since they may not know how to say what they want say with the appropriate manner of politeness, directness and formality. They usually talk to the professor in the way of talking to their friends and relatives not considering the low or high social status, distance and minor or major intensity of the conversation unconsciously. Yan (2005) mentioned that students can be master in their first language (L1) as a matter of negotiating bad mark with their professors but when it comes to negotiating in L2 can be pain in the neck because of not knowing cultural, social and pragmatic norms of L2 (p.57).

With respect to pragmatic skill of a **reader**, we need to comprehend a sincere, sympathetic, and humorous or sarcastic, teasing, patronizing, angry and threating which is written messages and texts. It is sometimes awkward to comprehend bizarre indications of tone in the communication. While interpreting correctly the intended meaning of messages or texts can be even difficult for highly competent speakers, it may be much more arduous task for less competent learner to interpret implicate meaning of the messages or texts (Chiluwa, 2010, p.25). Although linguistic analysis of interpreting texts and messages is enormously beneficial, some other implicate meanings (e.g. humorous, sarcastic, sincere, angry and threating) of texts and messages may not be interpreted accurately (Watts, 1981, p.9). Therefore, in some cases, the readers cannot be highly competent in digesting the pragmatic messages and it ends with a failure while interpreting them incorrectly. Indeed, it often leads to unsuccessful communication in L2 community.

As a **writer**, we should know how to write our messages focusing on the level of directness, politeness and formality (e.g. requesting a promotion, a paid vocation from the boss). In a word, the messages should be written intelligibly. It is widely acknowledged pragmatics has intentionally paid attention to spoken medium and deemphasized writing skill so that we are able to learn just only functional knowledge in our written language.

Suffice it to say, pragmatic is a novel light in second language acquisition due to the above mentioned failures in conversation, messages and texts in Uzbekistan. The concrete interpretation of pragmatics and its success in communication behind human behaviors depends on social and cultural norms.

References

1. Ishara, N & Cohen, D. (2010) *Teaching and Learning Pragmatics,* Pearson education Limitation, Great Britain.
2. Chiluwa, I (2010). *Pragmatics.* National Open University of Nigeria.
3. Watts, R. (1981) The Psycholinguistic Analysis of Narrative Cooperation in Charles Dickens's Hard Times , Tubingen.
4. Yan, J. (2005) *Pragmatics and Discourse Analysis.*
5. Yule, G. (1996) *The Study of Language*, Cambridge University Press.

STYLISTIC PECULARITIES OF THE PHRASEOLOGICAL UNITS DENOTING "CURRENCY SYSTEM"
(Based on English, Uzbek and Russian materials)

Uzbekistan, Tashkent
UzWSLU
Senior teacher: Polvanova M.F

Аннотация. *Ушбу мақола "пул бирликларини" ифодаловчи фразеологик бирликларининг стилистик хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Фразеологик бирликларнинг муаммолари кўплаб тилшунослик изланишларида катта қизиқиш уйғотади ва уларнинг нутқда турли ҳолатларда мураккаб маънолари билан сўзлашув жараёнида ёки грамматик хусусиятлари орқали олдиндан асл маъносини айтиб бўлмайдиган хусусиятларга эга бўлган бирикмалардан иборатдир. Маданият, миллат, стилистик ва ҳис-тўйғуларни ифода этувчи фразеологик бирликлар билан узвий боғлиқлиги сабабли, тилшуносларнинг диққатини доимо жалб қилиб келган ва шу билан бирга тадқиқот олиб боришда муҳим рол тутади.*

Калит сўзлар: *фразеологик бирликлар, лексемалар, масалалар, стилистик хусусиятлар, маданият, миллат, таркибий қисм, пул бирлиги, тиллар.*

Аннотация. *Данная статья посвящена изучению английских фразеологизмов с компонентами обозначающие «деньги» и ее стилистическими свойствами. Вопросы фразеологизмов были в центре внимания многих лингвистических исследований, связи с этим они выражаются красочными и естественными, и в то же время они сложны, потому что имеют непредсказуемые значения словосочетаний и в грамматики часто имеют особые коннотации. Из-за их тесной связи с культурой, национальностью, стилистической и эмоциональной окраской фразеологические единицы всегда привлекали внимание лингвистов.*

Ключевые слова: *фразеологизмы, лексема, проблемы, стилистические свойства, культура, национальность, компонент, деньги, языки***.**

Annotation. *The given article is devoted to studying English phraseological units with the lexeme "money" and its stylistic peculiarities based on English, Uzbek and Russian materials. A large part of the vocabulary of a language is made up of phraseological units. The issues of phraseological units were in the center of interest in many linguistics studies, because they are colorful and lively and at the same time, they are difficult with their unpredictable meanings of collocations and grammar. Because of their close connection with the culture, nationality, stylistic and emotional coloring phraseological units have always attracted the attention of linguists..*

Key words: *phraseological units, lexeme, issues, stylistic properties, culture, nationality, component, currency, languages.*

Phraseological units reflect the wealth of a language displaying culture paradigms of the speakers of a particular language. Phraseological units are crystallized metaphors the expressiveness of which is often intensified by parallelism, antithesis and alliteration. Researches in phraseological units show that they have significant role in language. The problem of the study of phraseological units of the Russian and English languages has been considered by A.I. Smirnitsky, A.V. Kunin, G.B. Antrushina, I.V. Arnold and other scholars. At the same time phraseology is a field of science where not all the questions have been resolved.

The idea that phraseology has the right to exist as a separate linguistic discipline was first put forward by Kunin. He also introduced the term phraseological stylistics to denote the study of stylistic properties of PUs [1, p 71–75]. Kunin viewed phraseological stylistics as part of both general stylistics and phraseology. He developed his ideas of stylistic use of PUs in his subsequent works .Following his, idea phraseo-stylistics as a subject of stylistic description in its own right to study the communicative effects of phraseological units and their occasional, individual modifications. Research on stylistic changes of phraseological units in context has recently been on the increase; whether phraseological stylistics should be singled out as a separate area is another issue. However, a need clearly exists to examine PUs in use and the rules and processes determining stylistic changes, many of which exceed the boundaries of one sentence.

The growing interest in phraseology can be explained partly by the complicated processes which occur in this part of vocabulary, partly by a focus on lexicography as well as an increasing interest in stylistic features and its relevance to pedagogy. A.I. Smirnitsky is one of the scientists who has made a clear distinction between phraseological units and idioms using idioms in practice. In his view, phraseological units are such speech turnovers that their alternative can be ensured by other vocabulary, while idioms do not observe this situation.

Thus, in the following paragraphs phraseological units and idioms with the lexeme "money" will be analyzed according to particular classifications.

First, we turn our attention to the syntactical classification of phraseological units with the lexeme "money" by I.V. Arnold [3, p45]:

Noun *phraseologisms denoting an object, a person, a living being in English and Russian languages:* Black money (незаконно заработанные деньги), caution money (денежный залог), soft money (бумажные деньги), token money (разменная монета), money for jam (деньги, полученные за пустяковую работу) [4, p 78]

Verb *phraseologisms denoting an action, a state, a feeling (based on example English and Russian languages):* Be bad money (быть невыгодным), be flush with money (загребать деньги лопатой), be good money (быть выгодным), coin money (быстро богатеть), marry money (выйти замуж за богатого),

Adjective *phraseologisms denoting a quality:* Not everybody's money (подходящий не каждому) somebody/something for my money(подходящий)

Adverb *phraseological units:* For my money (по моему мнению)

Interjection *phraseological units:* Your money or your life! (кошелёк или жизнь) [5, p34]

The classification of phraseological units with the lexeme "money" according to the ways they are formed by some scientists' points. A.V. Kunin pointed out primary and secondary ways of forming phraseological units.

Primary ways:

formation by means of transferring the meaning of terminological word-group and free word-group: conscience money(сумма подоходного налога)

formation by means of alliteration: a mint of money(крупная сумма)

formation by using a sentence in a different sphere of life:

put one's money on a scratched horse(просчитаться)

Secondary ways:

formation by changing the grammar form: - soft money (бумажные деньги)
be bad money(быть невыгодным)

formation by contrast: hard money(металлические деньги)

formation by shortening of proverbs: - money has no smell (деньги не пахнут)

As we can see that the majority of phraseological units are formed by transferring the meaning of word-group and there are no phraseological units that are formed by using archaisms, expressions of politician in everyday life, analogy and by changing the grammar form, shortening of proverbs. Consequently, phraseological units are the result of human life experiences and observations. However, there is a similarity between the different peoples of their imagination on material world. But, the phraseological, emotional, and portable expression of a certain concept in any language may not have its exact alternative in the stylistic system of another language. In this case, they require translation using various transformative (lexical, pragmatic, stylistic, and grammatical) methods. The main reason for the difficulty of translating portable and figurative means from one language to another is the fact that they are related to the national peculiarities of languages. Also, the translator must fully understand the semantic meaning, use additional explanations, interpretations, and select the most appropriate alternative translation in order to achieve the desired and effective goal of translating text using

phraseological units and stylistic tools. According to the analysis of the proverbs concerning to "money" in two countries, there could be founded some similar equivalents that can be compatible and akin completely from positive or negative lexical meaning. For example:

-*"A fool and his money are soon parted"*- means that people spend their money on foolish things will lose their money and become poor. [6, p-59] This is something that often happens to people who suddenly get a lot of money, especially if that money comes in one lump sum or over the period of a few years. In Uzbek form it can be similar with the proverb *"Xisobini bilmagan hamyonidan ayrilar."*In both languages they express the negative meaning.

The study of idioms is significant not only in terms of understanding how people learn and comprehend figurative language, but also because idiomaticity reveals some dramatic insights into the relationship between language and thought [7,p-75]. All in all, it can be identified significant amount of similar phraseological units in some languages according to the meaning, the perspectives and viewpoints are various considerably**.** It should be noted that the most complex aspect of phraseology is the translation and search of alternatives in the phraseological units under this issue. In fact, phraseology can use various phraseological units, phrases, idioms, proverbs and parables. In our view, the formation of phraseological units in static phrases may not be a subject for discussion by anyone.

References

1. Kunin, A. V. Frazeologiya sovremennogo angliyskogo yazыka – M.: "Mejdunarodnыe otnosheniya", 1996.

2. Smirnitsky A.I. Lexicology of the English Language. M.: 1956. p-324.

3. Arnold I. The English Word.- M.: "Prosveshcheniye", 1966.

4. McCathy M, O'Dell, F. English Vocabulary in Use. - Cambridge "University Press", 1994

5. Kunin A. V. Bolshoy anglo-russkiy frazeologicheskiy slovarь. 4-e izd., pererab. i dop. - M.: "Russkiy yazыk", 1984.

6. Gibbs, R. W. Jr. Why idioms are not dead metaphors. In *Idioms: Processing, Structure, and Interpretation*, C. Cacciari & P. Tabossi (eds); 1993. P-57–78.

7. T.Mirzayev, A.Musoqulov.- Toshkent: G'ofur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2009. O'zbek xalq maqollari.

СТАНОВЛЕНИЕ НЕЙРОЛИНГВИСТИКИ КАК НАУКИ

Зокиров Музаффар Мухторали угли
Ассистент кафедры «Внутренние болезни №2 и сестринское дело»
Ферганский филиал Ташкентской медицинской академии

Нейролингвистика – это научная дисциплина, занимающаяся изучением внутренних мозговых процессов, лежащих в основе речевой деятельности человека. К области интересов нейролингвистики относится исследование механизмов распознавания речевых стимулов, таких как отдельные слова или предложения. Также эта дисциплина изучает процессы генерации устной или письменной речи, усвоения и использования родного или иностранного языка, так называемой квазиязыковой символики (математические и химические формулы, нотные записи, языки программирования и т.д.).

Лингвистические истоки нейролингвистики восходят к работам учёных школы Ивана Александровича Бодуэна де Куртенэ. Он считал, что «существуют не какие-то витающие в воздухе языки, а только люди, одарённые языковым мышлением»[22]. Многие идеи Бодуэна базировались на работах И.М.Сеченова, выявившего зависимость рефлекса не только от раздражителей, но и от суммы прежних воздействий. По мнению Бодуэна, психические явления неотделимы от физиологического субстрата, а значит, все они существуют только вместе с живым мозгом и исчезают при его «смерти».

Одним из наиболее ярких представителей школы И. А. Бодуэна де Куртенэ был Лев Владимирович Щерба. В знаменитой работе «О трояком аспекте языковых явлений и об эксперименте в языкознании» он утверждал, что «речевая организация человека может быть только физиологической или, лучше сказать, психофизиологической, чтобы этим термином указать на то, что при этом имеются в виду такие процессы, которые частично (и только частично) могут себя обнаруживать при психологическом самонаблюдении»[23]. Многие положения Щербы, которые он развивал в своих трудах, стали базовыми для отечественной психолингвистики.

Специально проблемами нейролингвистики занимался российский и американский лингвист Роман Осипович Якобсон. Одной из заслуг Якобсона является установление закономерностей распада звуковой стороны при патологии: «Верхние пласты снимаются прежде нижних. Опустошения афатического типа воспроизводят в обратном порядке приобретения детского возраста»[5].

Психологические истоки нейролингвистики обнаруживаются в концепциях Льва Семёновича Выготского. Л. С. Выготский предложил своё понимание локализации психических функций, которая, по его мнению, должна быть основана на исторической теории развития высших психических функций, высоко оценивающей значение представления о системном и смысловом устройстве сознания человека[6].

Физиологические истоки нейролингвистики содержит в себе теория физиологической активности Николая Александровича Бернштейна. В частности, в своей автобиографической книге «Этапы пройденного пути» А. Р. Лурия вспоминает, что именно труды Бернштейна помогли сделать предположение, что моторная афазия состоит из двух разных форм: эфферентной и афферентной[6]

Основной этап становления и развития нейролингвистики связан с работами нейропсихолога и основателя отечественной нейролингвистики Александра Романовича Лурия, объединившего системный анализ речевых нарушений с теоретическими представлениями лингвистики и психолингвистики.

История зарубежной нейролингвистики

В 1836 году на заседании медицинского общества в городе Монпелье (Франция) врач Марк Дакс выступил с научным докладом, посвящённым обследованию больных, потерявших речь в результате повреждения мозга. Дакс первый предположил, что между потерей речи и повреждённой стороной мозга существует связь, что позволило ему высказать мысль о локализации речевых функций в левом полушарии. Хотя доклад был впоследствии опубликован[7], научное сообщество не придало серьёзного значения работе Марка Дакса[8]. Тем не менее возникновение афазиологии традиционно связывают с именем французского хирурга и антрополога Поля Брока, случайно открывшего центр речи (центр Брока) по результатам патологоанатомического исследования всего двух больных. У обоих больных, как выяснилось после вскрытия, поражены (разными заболеваниями) одни и те же области левого полушария головного мозга, что и позволило Полю Брока, опираясь на данные предыдущих исследований, сделать выводы в отношении локализации речевого центра (в публикации 1865 года). Афазию, связанную с повреждением данного речевого центра, стали называть афазией Брока.

Не менее важное открытие совершил немецкий психоневропатолог Карл Вернике. В 1873 году Вернике изучал пациента, который перенёс инсульт. С одной стороны, этот человек мог говорить (однако разговаривал он патологически) и слух его не был нарушен, но, с другой стороны, он с трудом понимал устную и письменную речь. После того как он умер, Вернике при вскрытии обнаружил поражение в задней теменной и височной области левого полушария мозга пациента. Он заключил, что эта область, которая близка к слуховой области мозга, участвует в понимании речи. Таким образом, Карлу Вернике было только 26 лет, когда он в 1874 году опубликовал свой 72-страничный труд «Афазический симптомокомплекс» нем. *«Der aphasische Symptomenkompleks»*, в котором он первым описал сенсорную афазию, или, как он сам её называл, афазию управления (нем. *Leitungsaphasie*). В своей книге Вернике пытался связать различные афазии с нарушениями психических процессов в различных отделах мозга. Позже он открыл, что повреждение дугообразных

нервных волокон, соединяющих поля Брока и Вернике, тоже ведут к моторной и сенсорной афазии.

Подводя итоги, можно сказать следующее: 1. Современная когнитивная нейролингвистика представляет собой не единую, методологически связанную науку, а, скорее, несколько слабо взаимодействующих подходов, каждый из которых развивается в собственном направлении. 2. Деятельностный подход к развитию методологии когнитивной нейролингвистики является наиболее актуальным в настоящее время, поскольку позволяет проводить исследования, отвечающие вызовам современного общества.

ЛИТЕРАТУРА

1. *Савостьянов А.Н.* Психофизиологическая проблема в русской науке. Новосибирск, 2000. 127 с.
2. *Апресян Ю.Д.* Идеи и методы современной структурной лингвистики. М., 1966.
3. *Соссюр Фердинанд де.* Курс общей лингвистики. М. : Едиториал УРСС, 2004. 43 с.
4. *Grice H.P.* Presupposition and Conversational Implicature // P. Cole (ed.). Radical Pragmatics. N. Y. : Academic Press, 1981. P. 183–198.
5. *Kristensen L.B., Wang L., Petersson K.M., Hagoort P.* The Interface Between Language and Attention: Prosodic Focus Marking Recruits a General Attention Network in Spoken Language Comprehension. Cereb Cortex, 2012.
6. *Basar E.* (Ed.) Brain Functions and Oscillations. II. Integrative Brain Function. Neurophysiology and Cognitive Processes. Springer ; Berlin ; Heidelberg, 1999.
7. *Friedrich M., Herold B., Friederici A.D.* ERP correlates of processing native and non-native language word stress in infants with different language outcomes // Cortex. 2009. № 45(5). P. 662–676.
8. *Hagoort P.* Interplay between syntax and semantics during sentence comprehension: ERP effects of combining syntactic and semantic violations // J.Cogn Neurosci. 2003. № 15(6). P. 883–899.
9. *Черниговская Т.В., Деглин В.Л., Меншуткин В.В*. Функциональная специализация полушарий мозга человека и нейрофизиологические механизмы языковой компетенции // Доклады АН СССР. 1982. Т. 267, № 2. С. 499–502.

АФАЗИИ И ИХ ОСОБЕННОСТИ В ПОВЕСТВОВАТЕЛЬНОЙ РЕЧИ

Зокиров Музаффар Мухторали угли
Ассистент кафедры «Внутренние болезни №2 и сестринское дело»
Ферганский филиал Ташкентской медицинской академии

Актуальность исследования: Афа́зия или афази́я (от др.-греч. ἀ- — отрицательная частица и φάσις — проявление, высказывание) — это локальное отсутствие или расстройство уже сформировавшейся речи (в отличие от алалии) с нарушением восприятия речи при сохранении слуха. Возникает при органических

поражениях речевых отделов коры[2][3] (и «ближайшей подкорки» — по выражению А.Р.Лурии) головного мозга в результате перенесённых травм, опухолей, инсультов, воспалительных процессов и при некоторых психических заболеваниях. Афазия затрагивает различные формы речевой деятельности.[3]Использование различных видов рассказов или пересказов встречается в большинстве случаев коммуникативных ситуаций. При синдромах афазии данные виды речевой деятельности чаще всего являются нарушенными. Чаще всего афазия возникает вследствие инсультов: ишемического и геморрагического (наиболее часто при смешанной и тотальной форме). Также причинами афазийного расстройства могут быть: опухоли головного мозга, трепанация черепа и другие вмешательства в черепную коробку, энцефалит и другие воспалительные процесса мозга, прогрессирующие заболевания ЦНС, Разного рода черепные травмы. [3]

Существуют различные классификации афазий (Вернике-Лихтгейма; Лурии). В России наибольшее распространение получила классификация А. Р. Лурии[1]

Типы афазий

1. Афазия Брока, или *эфферентная моторная афазия* (efferentis — выносящий; эфференты — конечная часть рефлекторной дуги) впервые описана Полем Брока в 1861 году. Она возникает при поражении нижних отделов премоторной коры левого полушария мозга (двигательный речевой центр - центр Брока). Она вызывает распад грамматики высказывания (телеграфный стиль высказываний) и трудность переключения с одного слова (или слога) на другое вследствие инертности речевых стереотипов. Наблюдаются литеральные парафазии (замещения одних звуков другими), грубые нарушения чтения и письма. [1]

2. Динамическая афазия проявляется в невозможности построения внутренней программы высказывания и её реализации. А. Р. Лурия полагал, что в основе этой формы афазии лежит распад внутренней речи. Эта форма возникает вследствие поражения префронтальной области левого полушария (у правшей). [3][4]

3. Афферентная моторная афазия (от afferentis — привносящий; афференты — нервные окончания) . Возникает при поражении задне-центральной и теменной областей коры. Для таких больных характерно нарушение звена выбора звука. Первичный дефект заключается в неразличении близких по артикуляции звуков. Они смешивают артикулемы внутри группы (халат-хадат, слон-снол). Нарушаются кинестетические ощущения от органов артикуляции. Ведущий дефект — невозможность найти точные артикуляционные позы и уклады для произнесения слова. [2][6]

4. Афазия Вернике, или *сенсорная афазия*. В её основе лежит нарушение фонематического слуха, различение звукового состава слов. При акустико-

гностической афазии наблюдается утрата способности понимания звуковой стороны речи. [1]

5. Амнестическая афазия проявляется при поражении теменно-височной области. Дефект заключается в трудности называния предметов, хотя больной знает их значение и употребление. Например, при показе пациенту ключа, он не может его назвать, но отвечает, что это то, чем открывают и закрывают замок, либо делает ключом вращательные движения.[5] Наблюдаются вербальные парафазии, амнестические западения[2][6].

5. «а» Акустико-мнестическая афазия - в основе лежит нарушение объёма удержания слухоречевой информации, сужение объема и тормозимость слухоречевой памяти. В основе оптико-мнестической афазии лежит нарушение зрительной памяти, слабость зрительных образов слов, она проявляется в трудности называния слов. Эта форма афазии и афазия Вернике могут рассматриваться в рамках *амнестической афазии*, картина которой схожа с проявлениями этих форм.

5. «б» Оптико-мнестическая афазия один из видов амнестической афазии, при котором нарушается номинативная функция речи (называние предметов) и возможность вызывать по названному слову зрительные представления. Возникает при поражении задних отделов левой височной области на стыке с теменно-затылочными системами (нижние отделы 21-го и 37-го полей на конвекситальной поверхности полушария и задне-нижние отделы 20-го поля на конвекситальной и базальной поверхностях мозга). Больной с амнестической формой афазии не может назвать предмет и изобразить названный предмет при полностью сохранной возможности срисовать его. [5][6]

6. Номинальная афазия, близкая к вышеописанной *амнестической*, проявляется в затруднении называния предметов и является одним из симптомов болезни Альцгеймера. [3]

7. Семантической Афазии – в основе лежат дефекты симультанного анализа и синтеза речи (одновременного схватывания информации). Ведущим дефектом для этой формы является нарушение понимания сложных логико-грамматических конструкций, описывающих пространственные и квазипространственные отношения[2].

Цель исследования: определение трудностей в повествовательной речи больных с афазией при составлении рассказа по серии сюжетных картин и пересказа сюжета видеофильма.

Материалы и методы: Для исследования в отделении неврологии Ферганского областного многопрофильной клиники были привлечены 12 больных с афазией. Повествовательная речь в экспериментальной (n = 12) и контрольной (n = 20) группах вызвана с помощью серии картин Бидструпа и одноминутного видеофильма. Речевой материал транскрибирован и проанализирован по

методикам RAIN (Kornev & Balčiūnienė, 2015) и Episodic Analysis (Glenn & Stein, 1980).

Результаты исследования: 1. В данном исследовании не было обнаружено статистически значимых различий между экспериментальной группой (людей с синдромом афазии) и контрольной группой (здоровых взрослых примерно того же возраста) по параметрам макроструктуры.

2. Для рассказа по серии картин свойственна отрицательная взаимосвязь между степенью тяжести синдрома и полнотой эпизодов нарратива а также степенью тяжести синдрома и количеством слов в секунду. Положительная корреляция выявлена между степенью тяжести синдрома афазии и количеством фальстартов

3. Для пересказа сюжета видеофильма характерна взаимосвязь между параметрами общей продуктивности (количеством высказываний и слов) и количеством хезитаций

4. Параметры лексического разнообразия взаимосвязаны с такими речевыми сбоями, как самоисправления самоповторы и хезитации

Выводы: 1. Статистически значимые межгрупповые различия проявляются при оценке микроструктуры, речевых сбоев и ошибках, что указывает на характерные нарушения использования языковых средств при афазии. 2. Степень тяжести синдрома афазии влияет на скорость речевой продукции, полноту эпизодов нарратива и количество фальстартов. можно предположить, что объемная речевая продукция истощает когнитивные ресурсы испытуемого, поэтому возрастает количество речевых сбоев. 3. Макроструктура рассказа у пациентов с афазией относительно сохранна. Это подтверждается исследованиями других авторов и позволяет предположить, что нарушения проявляются только в речевом оформлении высказывания.

Литература:

1. Цветкова Л.С. Учебное пособие для студентов дефектологических факультетов педагогических институтов. - М.: Просвещение, 1988. - 207 с.

2. Bergelson M., Dragoy O. Telling a story or describing a picture: cognitive differences and similarities across aphasic and normal speakers // Proceedings of the Fourth International Conference on Cognitive Science Tomsk, Russia, June 22-27, 2010.

3. *Grice H.P.* Presupposition and Conversational Implicature // P. Cole (ed.). Radical Pragmatics. N. Y. : Academic Press, 1981. P. 183–198. 4. *Kristensen L.B., Wang L., Petersson K.M., Hagoort P.* The Interface Between Language and Attention: Prosodic Focus Marking Recruits a General Attention Network in Spoken Language Comprehension. Cereb Cortex, 2012.

5. *Basar E.* (Ed.) Brain Functions and Oscillations. II. Integrative Brain Function. Neurophysiology and Cognitive Processes. Springer ; Berlin ; Heidelberg, 1999.

6. Lê K., Coelho C., Mozeiko J., Krueger F., Grafman J. Measuring goodness of story narratives: Implications for traumatic brain injury // Aphasiology, 2011, pp.748-760.

O‘ZBEK SHEVALARIDA FE’L SO‘Z TURKUMI (TOG’AY MUROD ASARLARI MISOLIDA)

S. Ahmedova,
Farg‘ona shahridagi 17-maktab
o‘qituvchisi, xalq ta’limi a’lochisi

O‘zbek xalq shevalarida ham qo‘shma fe’llarning ikki tipi mavjud: 1) ot + fe’l tipidagi qo‘shma fe’llar (keng ma’noda), fe’l + fe’l tipidagi qo‘shma fe’llar.

Ot + fe’l tipidagi qo‘shma fe’llarning birinchi qismi ot, sifat, son va ravishlardan iborat bo‘ladi. Ikkinchi qismi vazifasida esa *qil – (et-, ayla -), bo‘l* fe’llari qo‘llanadi.

Qil- yordamchi fe’li o‘zbek adabiy tilidagidek o‘zbek xalq shevalarida eng faol qo‘llanadigan yordamchi fe’llardan hisoblanadi: *Yo‘ldan o‘tkinchi- ketkinchilar* ***oyoq qildi.*** (Tog‘ay murod, „Ot kishnagan oqshom”, 163- bet)

Surxon shevasi uchun *qil-* yordamchi fe’lidan ko‘ra *bo‘l-* yordamchi fe’lining qo‘llanilishi xarakterlidir. Buni Tog‘ay Murod asarlaridan olingan quyidagi misollar ham tasdiqlaydi:

Qizilsuvga ***doxil bo‘ldim.*** (“Ot kishnagan oqshom”, 160- bet); *Mehmon otlar* ***tahchil bo‘ldi***. (“Ot kishnagan oqshom”, 129- bet); *Yuqoridan kelayotgan qizil mashinaga* ***bel bo‘ldi.*** (“Ot kishnagan oqshom”,162- bet); *Demak, sud* ***sob bo‘pti,*** *endi sud oqibatini so‘rayin, dedim.* (“Ot kishnagan oqshom”, 208- bet); *Bo‘lmasa ketayin, bola - baqra* ***alag‘da bo‘ladi****,- dedim.* („Ot kishnagan oqshom”, 211- bet); *Men* ***bo‘ysira bo‘laman.*** *O‘zimni bo‘ysira sozlayman.* („Otamdan qolgan dalalar”, 49-bet); *Kun bo‘yi loydan* ***alag‘da bo‘ldim.*** („Otamdan qolgan dalalar”, 133-bet); *Ayolimizni oyoqlari…****turli-tuman bo‘ldi!*** *Bebilchagidan yuqorisi osma qovundayin to‘r-to‘r* ***qora bo‘ldi***. („Otamdan qolgan dalalar”, 134-bet); *Kun* ***buk bo‘ldi***. *Kun* ***dim bo‘ldi*** („Otamdan qolgan dalalar”, 143-bet).

Qil- yordamchi fe’li funksiyasida *et-* fe’lining qo‘llanishi Surxon shevasi uchun ham xarakterlidir: *-O‘ldim, o‘ldim –a !...-deya* ***vovaylo etadi*** (Tog‘ay Murod, „Otamdan qolgan dalalar”, 12-bet).

Juft va takroriy formalar ham ma’lum bir grammatik ma’no ifodalash uchun xizmat qiladi.

Juft va takroriy formalar o‘ziga xos xususiyatlarga ega.

Juft forma ikki komponentdan tashkil topadi va har ikkala komponent bir so‘z turkumidan bo‘ladi. Ikkala komponenti mustaqil ma’noli bo‘lgan juft formalar va bir komponenti mustaqil qo‘llanmaydigan juft so‘zlar. Juft so‘zlarda leksik ma’no bilan birga umumlashtirish, jamlik ma’nosining ifodalanishi ham seziladi.

O‘zbek shevalarida, ayniqsa, Surxon shevasida juft so‘z holidagi fe’llar ham keng qo‘llanadi. Misollar: *Yo‘ldan* ***o‘tkich-ketkichlar*** *bobomizga hormang etadi.* (Tog‘ay Murod, „Otamdan qolgan dalalar”, 6-bet); *Ariq labida* ***yuvinib-chayinadi***. (Tog‘ay Murod, „Otamdan qolgan dalalar”, 6-bet) *–O‘zi –* ***bo‘lgan-bo‘ldigi*** *shul, xolasi* (Tog‘ay Murod, „Otamdan qolgan dalalar”, 45-bet).

Leksik – grammatik jihatdan bir butunlikni tashkil qiluvchi, takror holda qo‘llangan so‘z takroriy forma deyiladi. Takroriy formada ayni bir so‘zning takror holda qo‘llanishi natijasida ma’lum grammatik ma’nolar ifodalanadi. Shunga ko‘ra, biror ma’noni ifodalash uchun qo‘llangan bunday takroriy so‘zlar leksik va grammatik jihatdan bir butunlikni tashkil etadi. Tog‘ay Murod asarlarida dialektal takroriy formalar ko‘plab qo‘llangan. *Tarlon tuzni* ***kapalab- kapalab*** *yedi.* („Ot kishnagan oqshom”, 113- bet); *Ariqdan* ***qo‘shhovuchlab-qo‘shhovuchlab*** *suv olib tushlik qiladi.* („Otamdan qolgan dalalar”, 6-bet) kabi.

Takroriy formalarni qaysi so‘z turkumi tashkil qilganiga qarab quyidagi turlarga ajratish mumkin:

1. Fe’l turkumiga oid so‘z takror holda qo‘llanadi: *Bobomiz tog‘ yonalab* ***enadi-enadi****- Isfarada manzil oladi.*(„Otamdan qolgan dalalar”, 24-bet); *Otamiz kesmish tok* ***shokila-shokila bo‘ladi****.* („Otamdan qolgan dalalar”, 26-bet); *Tuksiz chigit* ***bo‘lali-bo‘lali bo‘ladi****.* („Otamdan qolgan dalalar”, 80-bet); *Osmon misoli* ***un elaklamish-un elaklamish bo‘ldi.*** („Otamdan qolgan dalalar”, 105-bet)

2. Fe’lning ravishdosh shakliga oid so‘z takror holda qo‘llanadi: *Raisimiz* ***labbaygo‘y bo‘lib-labbaygo‘y bo‘lib*** *bordi.* („Otamdan qolgan dalalar”, 85-bet) *Raisimiz* ***ket chalqayib- ket chalqayib*** *kuldi.* („Otamdan qolgan dalalar”, 123-bet) *Ariqdan* ***qo‘shhovuchlab-qo‘shhovuchlab*** *suv olib tushlik qiladi.* („Otamdan qolgan dalalar”, 6-bet); *Tarlon tuzni* ***kapalab- kapalab*** *yedi* („Ot kishnagan oqshom”, 113- bet).

Fe’l yasovchi affikslar o‘zbek tili dialekt va shevalarida ham ikki guruhga bo‘linadi: a) mahsuldor affikslar; b) kammahsul affikslar. Boshqa turkiy tillardagi kabi o‘zbek tili dialekt va shevalarida ham –la affiksi eng mahsuldor affiks hisoblanadi. Bu affiks yordamida turli so‘z turkumlaridan yangi so‘zlar (fe’l) yasaladi.

–la affiksi otdan fe’l yasaydi: *Bobomiz ana shu yo‘ldan sahar-sahar* ***dalalaydi.*** („Otamdan qolgan dalalar”, 5-bet); *Oqpodsho yong‘oq ostilab* ***soyalaydi.*** („Otamdan qolgan dalalar”, 23-bet); *Oqpodsho mo‘min –mazlumni ana shu Yormozor masjid-madrasasi qoshida* ***to‘dalaydi.*** („Otamdan qolgan dalalar”, 15-bet); *Tong saharlab* ***ko‘chalayman.*** („Otamdan qolgan dalalar”, 45-bet)

Ravishdan fe’l yasaydi: *Soya –sharpasiz* ***tashqarilaydi.*** („Otamdan qolgan dalalar”, 24-bet).

Sifatdan fe’l yasaydi: *Kaftlarimni tupuklab* ***ho‘lladim****.* („Otamdan qolgan dalalar”, 132-bet)

So‘z – gaplardan fe’l yasaydi: *Ichkari* ***hadahalayman*** *- Ziyod oshman holini so‘rayin deyman.* („Otamdan qolgan dalalar”, 69-bet)

Surxon shevasida –la affiksining bunday qo‘llanishini (*tashqariga chiqadi* so‘z birikmasi o‘rnida *tashqarilaydi, dalaga boradi* so‘z birikmasi o‘rnida *dalalaydi*) tildagi tejamlilik tamoyilining bir ko‘rinishi sifatida baholash mumkin.

Bu xususiyatni ***Qiblalatib*** *bel bog‘laydi.* („Otamdan qolgan dalalar”, 5-bet) misoli orqali ham ko‘rishimiz mumkin. Bu misolda ham *qiblaga qarab* so‘z birikmasi *qiblalatib* tarzida qo‘llangan va tejamlilik hodisasini yuzaga chiqargan.

ЁЗУВ ФУНКЦИЯСИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Mirzaliyeva Nozima Muhammadaliyevna
Rishton tumani 7-sonli umumta'lim maktabi
ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi

Қадимдан ўзаро қўшни ва турли сиёсий уюшмалар таркибида бирга яшаб келаётган халқлар маданияти, дини хамиша бир бирига сезиларли таъсирини ўтказиб келган. Бу таъсир ҳар бир халқнинг маданий, иқтисодий, сиёсий юксалишида ўз самарасини кўрсатди. Хусусан Марказий Осиё халқлари ёзув тарихига назар ташлар эканмиз, уларнинг бевосита қадим оромий ёзуви таъсирида шаклланиб, ривож топганлигининг гувоҳи бўламиз. Мелоддан аввалги IV-III юз йилликлар ва мелоднинг бошларида оромий хати такомиллашиб, унинг негизида бирин-кетин маҳаллий парфёний, бохтарий, авесто, хоразмий, сўғд, ундан эса уйғур алифболари шаклланган. Ушбу ёзувлар узоқ тарихий биродарлик, бирга яшаш ва қўшничилик , маданий умумийлик асосида вужудга келди.

Кўриниб турибдики, инсонга хос бўлган бир қатор муҳим сифатлар тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтган. Уларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривож топиб сайқалланиши ҳам инсоният фаолияти билан боғлиқ. Ана шу фаолиятнинг пайдо бўлишида инсон мияси энг асосий омил эканлиги дастлабки асрлардаёқ аниқланган бўлсада, XX аср бошлариги келиб ўз ечимини топди десак муболаға бўлмайди.

Инсон ўзининг ҳаёти давомида жуда кўп оддий ва мураккаб ҳаракатлар қиладики, бунинг айримларини бажариш одат тусиги кириб қолади. Масалан, кийим кийиш, овқатланиш, мусиқа тинглаш ва ҳоказо. Агар бош мия тепа қисмининг бир бўлаги зарарланган бўлса, инсон ҳаёт учун зарур бўлган

юқоридаги бундай ҳаракатларни бажара олмайди. Ёзиш фаолияти ҳам шулар жумласига киради.

Ёзиш қобилияти ҳам худди фикрлаш қобилияти сингари фақат инсониятга хос бўлган хусусиятлардан бири ҳисобланади. Бу хусусият сўзлаш фаолиятининг мураккаб бир тури бўлиб, инсонларда анча кейинроқ, ўрганиш ва рефлекслар хосил қилиш натижасида тараққий этиб боради. Сўзлаш қобилияти эса аксинча, автоматик равишда ривожланади. Бундан шу нарса аниққи, ёзиш қобилияти алоҳида эътибор талаб қилади. Бош мия чап ярим шарларининг бирор қисми заарарланиши натижасида инсондаги ёзиш фаолияти аста-секин ўз кучини йўқота бошлайди.

Ёзиш қобилиятининг бузилиши илмий тилда аграфия деб аталади. Бу ҳодиса афазиядан сўнг юз беради. Чунки нормал сўзлаш фаолиятининг бузилиши ёзиш жараёнига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмайди. Ёзиш қобилиятини сақлаб қолиш бир неча асосларга боғлиқ. Масалан , ҳарфларни артикуляция қилиш, фонемаларни эшитиш, ана шу эшитиш асосида товушларни анализ қилиш, кўриш қобилиятининг юқори эканлиги, қўлнинг эркин ҳаракати

натижасида товушларни ҳарфларга айлантира олиш сингари функциялар муҳим ҳисобланади. Ана шу функцияларнинг ҳар бири ўз хусусиятига кўра ёзиш жараёнини мукаммаллаштириб боради ва яна шуни айтиш керакки, бу ҳаракатларсиз ёзиш жараёни вужудга келмайди.

Бош мия ярим шарларининг бирор қисми зарарланиши натижасида инсондаги ёзиш фаолияти аста- секин ўз кучини йўқота бошлайди.

Юқоридаги асосларнинг бирор қисми зарарланиши натижасида ёзиш фаолияти ҳам аста -секин сусайиб, аграфия ҳодисаси юз беради. Нормал ривожланган ва ақлан заиф , яъни ривожланмай қолган ёш болалар бош мия чап ярим шарлари шикастланиши натижасида уларнинг ёзувида юзага келган бузилиш ва камчиликларни таққослаган ҳолда А.Р.Лурия ёзув функциясини қуйидаги таркибий қисмларга бўлади:

1.Эшитишга оид таҳлил, тасвирий таҳлил, кўриш асосида бажариладиган таҳлил. Бу жараёнларнинг амалга ошишида мия қобиғининг орқа қисми иштирок этади.

2. График ҳаракатларнинг кинетик ташкилланиши, ёзма ахборотнинг мазм уни ва унинг мужассамланиши. Бу икки компонент мия қобиғининг олди қисми иштироки асосида амалга ошади.

Эшитишга оид таҳлил бошқа жараёнларга қараганда бир мунча муҳимроқ бўлиб, ўқувчидан кўп нарсани талаб қилади. Аввало, эшитиш фаолияти юқори бўлиб, ўқувчи айтиб ёздирилаётган матнда мавжуд сўзларни, нутқ товушларини яхши фарқлаши керак. Фарқлаш баробарида эркин қўл ҳаракатлари билан фонемани ҳарфларга айлантира олиши ҳам лозим. Агар инсонда кўриш гнозияси ёки унинг қўлидаги эркин ҳаракат бузилган бўлса, юқоридаги функцияларни бажара олмайди.

Сенсор афазия ёки акустико- мнестик афазияга учраган инсонлар айтилаётган сўз ёки маълум мавзудаги гапларни ёза олмайди. Чунки унда анализ ва синтез қилиш қобилияти бузилган бўлади. Шу сабабли бундай инсонлар ёзувида икки хил : вербал ва литерал парафазия учрайди, яъни ёзаётган жумласидаги сўзларнинг айрим ҳарфларини ташлаб кетади, масалан, ўқид..., уч...н, су...---ўқиди, учун, сув ёки ҳарфларни аралаштириб юборади. Масалан, мактаб-маткаб каби.

Автоматик ёзиш қобилиятини текширишда инсонга ўзи учун жуда таниш бўлган сўзларни ёзиш илтимос қилинади, чунки илтимос қилиш билан кўп ҳолатларда ижобий натижага эришиш мумкин. Масалан, исми, туғилган йилини ёзиш , ота- онасининг исми , акаси ёки укасининг исми ёҳуд имзо чекиши сўралади. Бироқ кинетик афазия (бош мия чап ярим шари пастки пешона пуштасининг орқа қисми яъни , Брок зонасининг зарарланиши)га учраган инсонлар бундай илтимосларни бажара олмайдилар. Бундай инсонлар ёзувида ортиқча чизиқчалар кўп учрайди. Шу билин биргаликда бундай ёзувда битта ҳарфни бир неча марталаб қайтараверишҳодисасини кузатиш мумкин.

Миянинг ёзув марказига таъсир қилган жараён натижасида эркин қўл ҳаракатлари бузилади ва ёзув чегараси ҳамда ёзув маданияти стандарт асосида бўлмай қолади. Ҳунук ёзиш билан бир қаторда гапларнинг айрим сўзларини тушуриб қолдириш каби холатлар ҳам кузатилади. Гапдаги сўзлар орасидаги оҳанг бузилади ва сўзлар бир текиз талаффуз қилинмайди. Натижада гапдан англашилаётган маъно тушунарсиз бўлиб қолади.

AHMAD YASSAVIYNING “DEVONI HIKMAT” ASARIDA ANTROPONIMLARNING QO‘LLANILISHI

Murodova Gavharoy Sayfiddin qizi,
FarDu talabasi

Antroponimika (ismshunoslik) – nomshunoslik (onomastika) ning kishi atoqli otlari paydo bo‘lishi, tarraqqiyoti, ism qo‘yishdagi motivlar, ularning vazifaviy xususiyatlarini o‘rganuvchi bo‘lim hisoblanadi. Antroponimiya esa nomshunoslikning kishi atoqli otlari (antro- “odam”, “kishi”, “odam”, “shaxs”; onoma- “ism”, “nom”, ya`ni kishining oti) biror tilda mavjud bo‘lgan kishi atoqli otlari majmuyidir. Kishi nomlariga xos xususiyatlarni o‘rganuvchi antroponimika bo‘limi til lug‘at tarkibida o‘z o‘rniga va tizimiy xususiyatlariga ega. Atoqli otlar sistemasiga kiruvchi antroponimlar bir qancha mayda sistemalarga bo‘linadi. Bular quyidagilar:

- Ismlar;
- Familiyalar;
- Ota ismlari;
- Taxalluslar;
- Laqablar.

Ko‘rinadiki, antroponimlar o‘zbek tili leksik sistemasida ma`lum o‘ringa ega.

Antropnimlar genezisiga ko‘ra, tilning eng qadimiy, yashovchan hamda turg‘un qatlmalaridan biridir. Ismlar o‘tmishda ko‘p asrlar davomida yaratilgan va bizga tarixiy-lisoniy boylik sifatida yetib kelgan ulkan madaniy va ma`naviy qimmatga molik bo‘lgan lug‘aviy qatlamdir. Inson o‘zini anglay borgani sari o‘ziga nom qo‘yish va nom qo‘yishda ham ma`no- mazmuniga e`tiborli bo‘lgan holda ism tanlash vazifaviy burchga aylana bordi. Shunday ekan, bugungi adabiy tilimiz hamda adabiyotimiz bilan bir qatorda, mumtoz yozma manbalarimizda ham antroponimlarni uchratishimiz mumkin. Sakkokiy, Pahlavon Mahmud, Yassaviy, Navoiy, Bobur kabi mumtoz adabiyotimiz darg‘alari o‘sha davrda mavjud bo‘lgan kishi nomlarini g‘azal-u to‘rtliklarida keltirish barobarida payg‘ambarlarga ham juda ko‘p murojaat qilishgan. Har bir payg‘ambarni asarlarida keltirish bilan o‘sha payg‘ambar nomiga mos ma`noni asar ruhiga singdira olishgan. Buni Yassaviy to‘rtliklari misolida ham ko‘rishimiz mumkin.

O‘zbek tilshunosligida payg‘ambarlar nomi antroponimlari manbalarda chuqur o‘rganilmagan. E. Begmatovning ta`kidlashicha, o‘zbek antroponimlarining bir qator nazariy va amaliy muammolari o‘zining ilmiy asosi va teran tadqiqini kutmoqda. Mana

shunday muammolar sirasiga o‘zbek tarixiy antroponimiyasi, tarixiy yozma obidalar tilidagi antroponimlarni o‘rganish kiradi[174].

Malumki, antroponimlar o‘z obyekti haqida ma`lum bir axborotlarni berishi mumkin. Bu axborotlar uch xil ko‘rinishga ega:

1) lisoniy;
2) nutqiy;
3) qomusiy.

Lisoniy ko‘rinishda ular shaxslarni ataydi, individlarni bir-biridan ajratadi. Nutqiy ko‘rinishda esa so‘zlovchining shu ismga munosabatini ifodalaydi. Masalan:

Fir`avn, Qorun shayton so‘zin mahkam tutdi,
Bul sababdin yer yorildi, ani yutdi.
Muso kalim, nosih bo‘lib so‘zlar aytdi
Ul ikkisi quloq solmay bo‘ldi murdor.

Ushbu Yassaviydan olingan to‘rtlikda jami uchta nom qo‘llangan bo‘lib, ulardan ikkitasi- Fir’avn va Qorun- nomga nisbatan salbiy munosabatni ifodalagan. Ma`lumki, ushbu shohlar boyligi bilan juda tanilgan bo‘lib, lekin badnafsligi-yu xasisligi tufayli yer yorilib ularni yutgani manbalarda aytiladi. Shuning uchun xasislik timsoli sifatida Yassaviy ham ularni asarlariga kiritgan, bu esa, tabiiyki, o‘quvchida ularga nisbatan faqatgina salbiy jihat uyg‘otadi. O‘sha davrda Ollohning elchisi sifatida yuborilgan Muso (a.s) (Hamma payg‘ambarlarga Olloh yerga yuborgandan so‘ng alohida fazilatlar beradi. Musoning esa qo‘lidagi tayoqning ilonga aylanishi, cho‘ntagidan qo‘lini chiqarganda, oyna kabi yaltirab, ko‘zlarni qamashtira olishi uning mo‘jizalaridan hisoblanadi)[175] ham ularni o‘z nasihatlari bilan to‘g‘ri yo‘lga solishga harakat qiladi, ammo bu nasihatlar boyliklaridan ustun kelolmaydi. Uchinchi misrada esa aynan ushbu hodisaga ishora sifatida Muso nomi ishlatilgan. Tabiiyki, Payg‘ambarlar Ollohning elchilari bo‘lganligi uchun ularga nisbatan ijobiy munosbat ifodalanadi.

Qomusiy ko‘rinishda esa antroponim asoslangan appelyativ ma`noga yaqinlashadi.

So‘ramag‘on Muhammadni ummatig‘a,
Bormu tushgan Xizr ato suhbatig‘a,
Yo‘lg‘a tushsang, oxir yetkung visolig‘a
Vasl izlagan murodig‘a yetar, do‘stlar![176]

Muhammad (a. s.) islom dini asoschisi, musulmonlar yo‘lboshchisi bo‘lishdan tashqari, Ollohning yerga yuborgan so‘nggi vakili (rasuli) hisoblanadi. Birinchi misradagi Muhammad xuddi shu Olloh rasulidir. Islom dinida esa bir-biriga xushmuomala bo‘lish, bir-biriga yaxshi niyatda, yaxshi tilakda bo‘lish farzdir. Zero Olloh biringizga yaxshi niyatda bo‘ling, u niyat o‘zingizga ham hamroh bo‘lishini farz amal qilib belgilaganlar. Yuqoridagi misrada ham ushbu amalga ishora bor: Muhammad

[174] Begmatov E. O‘zbek tili antroponimikasi, kand. diss. – T. : 1965, 480-bet.
[175] Ahmad Yassaviy. Hikmatlar kulliyoti. T. : “O‘zbekiston”- 2011-yil, 54-bet.
[176] Ahmad Yassaviy. Hikmatlar kulliyoti. T. : “O‘zbekiston”- 2011-yil, 40-bet.

ummatiga, ya`ni musulmonlarning bir- biriga yaxshi tilakda bo‘lmagan kim bor? tarzida ritorik so‘roq gap berilgan. Ikkinchi misradagi Xizr ham payg‘ambarlardan biri bo‘lib, u “obi-hayot- tiriklik suvini- izlab topgan va undan ichib, abadiy hayotga noil bo‘lgan payg‘ambar hisoblanadi. U odamlarni mushkul ahvoldan qutqaradigan, ularga to‘g‘ri yo‘lni ko‘rsatadigan xaloskor va oshiqlar homiysi hisoblanadi. Yuqoridagi misrada ma`shuqaning xati obi- hayot chashmasi tegrasidagi maysaga o‘xshatish qilinmoqda” [177]. Tabiiyki, ushbu nomlarni onomastika jihatidan tadqiq qiladigan bo‘lsak, yuqoridagi ismlarning bera oladigan uch ko‘rinishidan nutqiy axborotga misol qilib keltirishimiz mumkin. Chunki Muhammad va Xizr nomlari orqali Olloh elchilari, payg‘ambarlarni, tushunganimiz bis, bizda u nomlarga nisbatan ijobiy munosabat ifodalnmoqda.

Darhaqiqat, qariyb, sakkiz asrdirki, Xoja Ahmad Yassaviy ta`limotiga, uning himatlariga qiziqish kuchaysa kuchaydiki, susaygani yo‘q. Bu esa uning nomi, ta`limoti, asarlari (asarlaridagi obrazlar va ularning nomlarining o‘z o‘rnida qo‘llay olganligi ham, albatta) umrboqiyligidan nishonadir. Bu esa har bir asar tadqiqotchisidan o‘ziga yarasha mas`uliyatni talab qiladi. Har bir to‘rtliklarda qo‘llangan antroponimlar esa to‘rtlik mazmuniga mos ma`no ifodalashi asar o‘zgachaligini belgilan turgan unsurlardandir.

“SHUM BOLA”QISSASIDA NOFAOL SO‘ZLARNING QO‘LLANISHI

Sultonova Madinaxon Lutfullo qizi,
FarDUtalabasi,
Ilmiy rahbar: S. Qurbonova

Til muttasil harakatda, zamon o‘zgarib, jamiyat rivojlangan sari tilga taraqqiyot taqozosi bilan yangi so‘zlar kirib boradi va, aksincha, mavjud so‘z va tushunchalarning ba’zilari asata-sekin iste’moldan chiqadi va eskirib boraveradi. Qadimda faol qo‘llangan, hozirgi kunda iste’moldan chiqqan so‘zlar eskirgan so‘zlar deb yuritiladi.

Hozirgi o‘zbek tilida eskirgan so‘zlar ikki guruhga ajraladi:

1) Tarixiy so‘zlar (istorizmlar).

2) Arxaik so‘zlar (arxaizmlar).

1) Tarixiy so‘zlar - hozirgi til nuqtayi nazaridan eskirgan so‘zlar bo‘lib, hozirgi turmush jarayonida uchramaydigan, faqatgina tarixiy narsa yoki voqea- hodisalarni ifodalovchi so‘zlardir.

Bunga G‘afur G‘ulomning "Shum bola" asaridan misol keltiramiz:

...Juft kaptarga hukumatdan tekkan edi. Nikolay bormi, Kaufman bormi, Machalov bormi, Nabi o‘g‘ri degan ***mirshab*** *bormi- hammasi bir qozon qilib, martabasining pasti- balandligiga qaramay so‘kaverar edi...*[178]

Ma’nosi: **Mirshab -** tungi qorovul boshlig‘i ma’nosini bildirib, tarixda xonliklar davrida tungi shahar soqchisi boshlig‘i lavozimida ishlagan.

[177] Ahmad Yassaviy. Hikmatlar kulliyoti. T. : “O‘zbekiston”- 2011-yil, 40-bet.
[178] G‘ofur G‘ulom. Shum bola. Toshkent. : “Yangi asr” nashriyoti, 2019-yil.

O‘tmish voqeligini nomlash zaruriyati bilan hozirgi tilda ishlatilmagan eski birlik istorizm deyiladi (yunoncha historia - "tekshirish", "tadqiqot")[179].

*...Eng oldinda bir nuroniy **qalandar**, yelkasida kattakon qora qo‘ng‘izni eslatadigan **kachkil**, qo‘lida beliga rang-barang lattalar bog‘langan, boshi qaynab bitgan bujg‘on tayoq... Tayoq ko‘targan qalandari **barhaq** nuroniy... kishiga pul... echki, qo‘y, hatto tuyagacha nazr-niyoz qiladilar*[180].

Ma’nosi: **Qalandar** - dunyo tashvishlaridan kechib, daydib yuruvchi darvesh.

Kachkil - darvesh, gadoylar yoniga osib yuradigan qayiqsimon qovoq idish.

Barhaq - haqiqatan ham mavjud; haqiqiy.

Arxaik so‘zlar - hozirgi paytda mavjud bo‘lgan voqelikning eskirgan nomi yoki, aksincha, hozirgi tildagi mavjud bo‘lgan leksemaning eskirgan ma’nosi[181]

Bunda so‘zlar iste’moldan chiqadi, lekin tushuncha eskirmaydi, boshqa so‘z bilan, ya’ni hozirgi tildagi sinonimlari bo‘lgan so‘z bilan ifodalaniladi.

*...Tikka oldiga borib, devkor **salloxarday** "shoxidan" ushlab, "Bismillohu ollohu akbar",- deb bo‘g‘ziga pichoq tortib yubordim...*[182]

Sallox - mol so‘yuvchi, qassob; teri shiluvchi.

Arxaik so‘zlar yig‘indisi arxaizmlar deyiladi. Araxaizm so‘zi grekcha so‘zdan olingan bo‘lib, "qadimgi” degan ma’noni bildiradi.

*...Yarim soatdan **mo‘lroq** vaqt o‘tgandan keyin o‘z-o‘zidan tarqala boshladi...*[183]

Mo‘lroq - bu so‘zning hozirda sinonimi "ko‘proq" qo‘llanadi, bu so‘zning ma’nosi miqdordan, me’yordan ortiq ma’nosini ifodalaydi.

Xaloyiq - Olloh yaratgan odamlar, xalq.

...Niqobdor yog‘iylar safidan biri ... maydonga javlon urib kirdi...[184]

Yog‘iy - hozirda bu so‘zning sinonimi "dushman" qo‘llaniladi.

Leksik arxaizm o‘z mohiyatiga ko‘ra ikki guruhni tashkil qiladi:

a) Leksema yaxlitligicha arxaizm bo‘ladi. Buni arxaizm-leksema deb nomlash mumkin.

b) Leksema emas, balki uning sememalaridan biri arxaizm bo‘ladi. Buni arxaizm-semema deb nomlash mumkin[185].

*...Shu yerda hozir va nozir o‘tirganlar hikoyamizning davomini tinglamoqchi bo‘lgan ...**davlat** talabdur... har maqsadiki ko‘nglida bo‘lsa, deb yetmish azamatdan Xudo yo‘liga yetmishta oya so‘radim...*[186]

Davlat - hozirda bu so‘zning "boylik" ma’nosida eskirgan, hozirda "mamalakat" ma’nosi faol ishlatiladi.

---

[179] Rahmatullayev Sh. Hozirgi o‘zbek adabiy tili, 97-bet.
[180] G‘ofur G‘ulom. Shum bola. Toshkent. : “Yangi asr” nashriyoti, 2019-yil.
[181] Jamolxonov. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. Toshkent, 205-bet.
[182] G‘ofur G‘ulom. Shum bola. Toshkent. : “Yangi asr” nashriyoti, 2019-yil.
[183] G‘ofur G‘ulom. Shum bola. Toshkent. : “Yangi asr” nashriyoti, 2019-yil, 112-bet.
[184] G‘ofur G‘ulom. Shum bola. Toshkent. : “Yangi asr” nashriyoti, 2019-yil, 125-bet.
[185] Rahmatullayev Sh. Hozirgi o‘zbek adabit tili. Toshkent. 2006-yil, 95-bet.
[186] G‘ofur G‘ulom. Shum bola. Toshkent. : “Yangi asr” nashriyoti, 2019-yil, 138-bet.

Bundan tashqari, asarda *podshoh, vazir, taxt, jarrojar, amr, farmon, voqeanavis* kabi istorizmlar, *ajoyibxona* (muzey), *marohil* (bekat), *osmonivafur* (samalyot), movoza (ayrboshlash) va shu kabi arxaizmlarni uchratishimiz mumkin.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, G‘afur G‘ulom so‘z ustasi sifatida o‘z asarlarida juda ko‘plab o‘zlashma so‘zlardan, eskirgan va yangi so‘zlardan o‘z o‘rnida foydalana olgan. Bu esa ijodkorning badiiy mahoratidan darak beradi. Ushbu xususiyatdan avvalgi va bugungi kun tilshunos hamda adabiyotshunoslari o‘z tadqiqotlarida foydalanib kelishmoqda.

МАТННИНГ ФРЕЙМЛИ СТРУКТУРАСИ

Камбарова Дилдора Иброхимовна
ФарДУ инглиз тили кафедраси укитувчиси

Тилнинг такомиллашув йўлидаги асосий жараёнлардан бири ўз-ўзига ишлов беришдир. Ташқи муҳит билан зич муносабати асосида такомиллашиб борадиган очиқ тизимларда бундай диссипатив ҳодисалар содир бўлиши табиий[187]. Анат шу жиҳатдан, метафора тилда янги сўзларнинг пайдо бўлиш омилларидан бири саналади. Тилда метафориклашув натижасида бош маънонинг кучсизланиши ва янги маънонинг фаоллашуви миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши диалектик қонунияти асосида содир бўлади. Метафорик маъно лексема бош семемаси таркибидаги денотатив ва коннотатив семалари нисбатининг ўзгариши асосида содир бўлади. Ҳосила маъно эса семема даражасида (лисоний) бўлиши ҳам, семема даражасида бўлмаслиги (нутқий бўлиши) ҳам мумкин.

Сўз маъносининг кўчиши – матндаги муайян бир фреймли структурага эга бўлган ҳодиса, ўзига хос семантик-стилистик, когнитив ва миллий культурологик компонентларнинг тил юза сатҳидаги фаоллашувидир. Маъно кўчиши нутқни жонлантириш, бадиийлаштириш ва эмоционал-экспрессив жиҳатдан кучайтириш воситасидир. Маъно кўчиши ҳодисаси сўзларнинг янги маънолари юзага келишига асосланган лингвистик когнитив воситадир[188].

“Фрейм – стереотип вазиятларни намоён қилиш усулларидан бири ҳисобланиб, ҳар қандай фреймда кўп қиррали ахборот ўзаро боғланган бўлади”[189]. Матннинг фреймли структурасида лексеманинг семантик жиҳатдан урчишини тадқиқ этиш тил илми учун барча замонларда ҳам қизиқарли машғулот саналган. Зеро, бу машғулот орқали олимлар нутқнинг яратилиш механизмларини аниқлашга ҳаракат қилганлар.Манбаларда таъкидланганидек, “нутқ оқимини

[187]Базылев В.Н. Новая метафора языка (Семиотико-синергетический аспект): Дис. ... д-ра филол. наук. – М., 1999.
[188] Ҳожиев А. Семасиология // Ўзбек тили лексикологияси / Махсус муҳ. А.Ҳожиев, А.Аҳмедов. – Тошкент: Фан, 1981. 4-бет.
[189] Минский М. Остроумие и логика когнитивного бессознательного // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XIII: Когнитивные аспекты языка. – М.: Энергия, 1988. – С. 289.

унинг яратилиши механизми ҳақидаги фаразсиз ўрганиш нафақат самарасиз, балки қизиқарсиз ҳамдир”[190].

Масалан, муайян лексема семемалари таркибидаги аташ, ифода ва вазифа семалари ўзаро диалектик боғланишда ва тескари мутаносибликда бўлади. Аниқроғи, семемада баъзи семаларнинг кучайиши, аниқлашиши, бўрттирилиши бошқа семаларнинг заифлашишига, кучсизланишига олиб келади. Жумладан, мустақил лексема семемаларида аташ семалари кучайганда, ифода ва вазифа семалари заифлашади. Аксинча, ундов ва тақлидий лексема семемаларида аташ семалари заифлашганда, ифода семалари кучаяди. Ёрдамчи лексемаларда эса ифода ва аташ семалари заифлашганда, вазифа семалари кучаяди[191].

Сўзнинг муайян лексик маъноси тараққиётига кўра ҳосила маъно юзага келар экан, у ўзи оид бўлган сўз қайси туркумга оид бўлса, шу туркумдан бошқа туркумга ўтиб кетмайди: ҳосил қилувчи лексик маъно билан ҳосила маъно маълум туркумдаги бир сўзга мансуб эканлиги ҳолда ўша туркумда қолади[192].

Тилда инсонни тавсифловчи ёки атовчи лексемаларнинг қарийб барчаси кўчма маъноларда қўлланади ва уларнинг аксарияти лисонийлашган, яъни семема даражасига кўтарилгандир.

Фаранг тилшуноси Ж.Марузо маъно кўчиш усулларининг уч кўринишини ўз луғатида беради: метафора, метонимия, синекдоха.[193] Олим вазифадошликни ҳам метафора доирасида талқин этади. С.Ульманн эса синекдохани метонимия сирасига киритади.[194] Рус тилшуноси Л.А.Булаховский ҳосила маъно вужудга келиши йўл ва усулларига, айтилганлардан ташқари, эмоционаллик, халқ этимологияси, алоқадорлик[195] каби турларни ҳам қўшади.

Рус тилшуносларидан Н.М.Шанский[196], Д.Н.Шмелев[197] А.А.Реформатский[198]лар метафора, метонимия ва вазифадошлик турларини эътироф этишса, улар таснифига қўшимча тарзда Е.М.Галкина-Федорук маъно кўчиш усулларининг 5-тури сифатида атоқли отнинг турдош отга ўтишини эътироф этади[199]

О.Азизов[200], С.Усмонов[201], Ш.Раҳматуллаев[202]лардан фарқли ўлароқ тилшунос М.Миртожиев маъно кўчиш усулларини тобелилик ҳисобига

[190] Основы теории речевой деятельности. – М.: Наука, 1974.– С.3.
[191]Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 64.
[192]Миртожиев М. Ўзбек тили семасилогияси. – Тошкент: MUMTOZ SO’Z, 2010. – Б. 77.
[193]Марузо Ж. Словарь лингвистических терминов. – М., 1960. – 458.
[194]Ульманн С. Семантические универсалии // Новое в лингвистике. – М.: Радуга, 1970. – С. 276.
[195]Булаховский Л.А. Введение в языкознание. – С. 57-63.
[196]Шанский Н.М. Очерки по русскому слоовообразованию и лексикологии. – М.: Высшая школа, 1959. – 238 с.
[197]Шмелев Д.Н. Очерки по семасиологии русского языка. – М.: Просвещение, 1964. – С. 57-65.
[198]Реформатский А.А. – М. 1960. – С. 54-55.
[199]Е.М.Галкина-Федорук. Современний русский язык. Лексика. – М., 1954. – С. 54-56.
[200]Азизов О. Тилшуносликка кириш. Тошкент, 1963. – Б. 63-64.
[201]Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – Тошкент, 1962. – Б. 24-25.
[202]Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1965. – Б. 126.

кенгайтиради (таснифнинг 5 та асосини яратад)[203]. Профессор М.Миртожиев кўчма маънонинг бош маънога семантик жиҳатдан тобелигига *кун, дам, тил* лексемаларини ҳосила маънолари асосида тобелилик гуруҳига киритади. Мавзуни тадқиқ этган бошқа ўзбек тилшунослари айнан ушбу мисолларни метонимия сирасига киритадилар.

Билимлар узвийлиги “маълумдан маълумга”, “маълумдан номаълумга” тамойилларидан бири асосида намоён бўлади. Бежиз “яшамоқ билмасликдан билишга интилиш” дейилмаган. Инсоний фаолият шу жиҳати билан бошқа жонзотларникидан фарқланади[204]. Бу концептуал метафориклашув сифатида когнитив узвийлик субъектнинг когнитив мақсади билан содир бўлади. Когнитив мақсад борлиқни англаш, идрок этиш ва шу асосда билим ҳосил қилиш демакдир. Когнитив мақсад эса коммуникатив мақсад билан уйғунлашиб кетади. Коммуникатив мақсад борлиқ ҳақидаги ахборотни тингловчига етказиш ва унинг руҳиятига таъсир қилишдан иборатдир. Бу мақсаднинг иккинчи қисми онг усти ёки онг остида содир бўлиши билан характерланади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 64.

2. Миртожиев М. Ўзбек тили семасилогияси. – Тошкент: MUMTOZ SO’Z, 2010. – Б. 77

3. Базылев В.Н. Новая метафора языка (Семиотико-синергетический аспект): Дис. ... д-ра филол. наук. – М., 1999.

4. Ҳожиев А. Семасиология // Ўзбек тили лексикологияси / Махсус муҳ. А.Ҳожиев, А.Аҳмедов. – Тошкент: Фан, 1981. 4-бет.

RANG KOMPONENTLI FRAZEOLOGIZMLARNI TARJIMADA BERILISHI

S. G’. Abdulazizova
Mamasoliyeva Sarvinoz Hasanjon qizi
ADU, Chet tillar fakulteti

Hozirgi mustaqillik, milliy qadriyatlarning tiklanish davri so’zlovchidan tilni, ayniqsa davlatimiz jahonga yuz tutayotgan bir pallada xorijiy tillarni chuqur egallashni, fikrni ixcham, asosli va tushunarli tarzda ifodalashni taqozo etadi.

[203]Миртожиев М. Кўчма маъно ҳосил қилувчи ҳодисалар классификациясига доир//Ўзбек филологияси масалалари. В.И.Ленин номидаги Тошкент давлат университети илмий асарлари. 362-чиқиши. 1970. – Б.132.
Кўпгина ҳолларда, сифатнинг максимал даражада бузилиши (ёлғон деб ўйлаганингизни айтмаслик), суҳбатдошлардан бирининг суҳбатдошини чалғитиш мақсади билан боғлиқ, яъни бу бузиш қасддан қилинган. Ишбилармонлик алоқаларида, суҳбатдошга бирон бир нарсани рад қилиш керак бўлганда, хушмуомалалик постулатига риоя қилиш учун сифатнинг максимал даражаси кўпинча бузилади. Бундай қоидабузарликлар котиб ва ташриф буюрувчи ёки мижоз ўртасидаги суҳбатда одатий ҳолдир.

Миқдор максимаси бузилишининг энг характерли сабаби бу баъзи бир маълумотни билишни хоҳламасликдир. Н. А. Кominанинг сўзларига кўра, саволга аниқ жавоб беришдан бош тортиш жуда кам учрайдиган ҳодиса, кўпинча у ёпиқ ёки яширин бўлади [Комина, 1987]. Шунингдек, миқдор максимасини бузиш суҳбатдошнинг психологик ҳолати билан боғлиқ бўлиши мумкин. Тадқиқотларда таъкидланганидек, психологик ҳолат инсон фаолиятининг табиатига сезиларли даражада таъсир қилади: салбий руҳий ҳолатлар инсоннинг нутқ фаолиятига бузувчи таъсир кўрсатади [Суслова, 1997].

Ишбилармонлик алоқаларида, мавзуга яқинлик постулатини бузиш, қоида тариқасида, қасддан қилинган бўлиб, суҳбатдошни муҳокама қилинаётган муаммолардан узоқлаштиришга қаратилган. Мавзуга яқинлик максимасини бузишнинг мақсади суҳбатдошда ёрқин таассурот қолдириш ва унга босим ўтказиш истаги бўлиши мумкин.

Услуб максимасининг бузилиши одатда муваффақиятсиз қурилган баёнот, камтарона постулат ёки миқдор максимасини бузишни истамаслик билан боғлиқ.

Ҳар қандай нутқ фаолияти сингари, ишбилармонлик алоқалари бир-бирларининг хатти-ҳаракатларини муносиб баҳолашга имкон берадиган қоидалар ва стандартларга мувофиқ ривожланади. Умуман олганда, нутқий алоқани, хусусан, ишбилармонлик алоқаларини тартибга солувчи қоидалар орасида энг муҳимлари П. Грайснинг Ҳамкорлик принципи ва Дж. Лихнинг хушмуомалалик принципидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Грайс, Г. П. Логика и речевое общение [Текст] / Г. П. Грайс // Новое в зарубежной лингвистике. – Вып. XVI. Лингвистическая прагматика. – М. : Прогресс, 1985. – 504 с.
2. Комина, Н. А. Оппозитивный неоднородный блок реплик в диалоге [Текст] / Н. А. Комина // Языковое общение: Единицы и ре-гулятивы. – Калинин, 1987. – 268 с.

3. Суслова, М. М. Синтаксические конструкции аффекта в совре-менном английском языке : автореф. дис. ... канд. филол. наук : 10.02.04 – Германские языки / Марина Михайловна Суслова. – М., 1997. – 16 с.

ЭМОЦИИ И СТРУКТУРА ИХ ЛЕКСИЧЕСКИХ ПОЛЕЙ

Веч О. Я.
Ферганский государственный университет

Лексикология, достигшая в последние годы значительных результатов в описании системности лексики, стала успешно вычленять и описывать структурно-семантическую организацию разнообразия лексических образований. Немалую роль в этом сыграла и тщательная разработка теории семантической и семной структуры слова, в результате которой завершилось формирование области знания, специализирующейся на изучении семантической структуры слова, т.е. семасиологии с ее подразделами – семной и семемной семасиологией.

Семная семасиология обладает на сегодняшний день довольно значительным арсеналом подходов к описанию семной структуры слова, самыми признанными из которых считаются представления о структурном характере семемы, её полевой модели, о наличии макрокомпонентов в структуре значения, таких как денотация (сфера значения, ориентированная на отражение объективной действительности) и коннотация (периферийная часть лексического значения, ориентированная на говорящее лицо и коммуникативную ситуацию).

Структура эмотивных смыслов необыкновенно гибка, что позволяет им подвижно и вариативно отражаться в лексической семантике. Основанием единой модели обобщенного описания всей эмотивной лексики может служить сема эмотивности, участвующая в представлении эмоций в семантике слова. При этом, с одной стороны, позицией в семной структуре слова определяется статус семы в ней, с другой – статус семы предопределяет характер эмотивных смыслов слов.

Как правило, словарные определения большинства эмотивных слов сближаются благодаря общему компоненту содержания, имеющемуся в них. А. А. Уфимцева называла «эту интегративную по сущности и трансформированную по форме выражения общую для целого ряда единиц сущностную часть словарной дефиниции - идентифицирующим предикатом» [2, с. 59].

Если говорить о полевом подходе к описанию различных языковых фактов, утвердившемся в лингвистике в настоящее время, то здесь, в частности применительно к лексике, достаточно активно разрабатывается как концепция полевой организации отдельной семемы, так и концепция полевой организации лексических множеств.

Полевой принцип строится на выделении ядра и периферии рассматриваемого разнообразия языковых средств. Уже давно определено, что ядро включает в себя следующие имеющиеся в арсенале языка средства: 1)

специализированные средства для выражения категориальных значений, 2) языковые средства, эти значения максимально реализующие, 3) наиболее употребительные языковые средства [1, 84].

Если говорить о ядре лексико-семантического поля эмоций, то оно формируется категориально-эмотивной лексикой, наиболее полно удовлетворяющей непосредственному выражению эмоций, поскольку они передаются в ней ядерной категориально-лексической семой.

Что касается периферии, то здесь дело обстоит следующим образом: ближайшая периферия состоит из дифференциально-эмотивной лексики, в которой эмотивные смыслы отражаются различными семантическими разновидностями дифференциально-эмотивных сем; дальняя – представлена коннотативно-эмотивной лексикой с семной структурой, включающей сопутствующие эмотивные смыслы в коннотацию.

При сопоставлении полевой структуры единичной эмотивной семемы и полевой структуры всего лексического поля эмоций, можно выявить их изоморфизм: ядро лексико-семантического поля эмоций представляет лексика, содержащаяся в ядерной части лексического значения, ближайшую периферию, так называемую зону переходности, занимает лексика с включенной дифференциально-эмотивной семой, находящейся в той же зоне переходности между ядром семной структуры и её периферией, и на периферии находится, наконец, лексика, имеющая сему эмотивности в области коннотации.

Рассматривая ядро лексико-семантического поля эмоций с точки зрения тенденции развития, можно увидеть, что оно имеет определенно выраженную структуру. Так, в центре ядра оказываются первичные изосемические предикаты эмоций, т.е. слова, содержательная сторона лексической семантики которых согласуется с их семантико-синтаксической функцией в речи. Ближайшая периферия состоит из вторичных метафорических предикатов эмоций, функционально-тождественных первичным предикатам, но не совпадающих с ними своим метафорически-производным видом значения и редко употребляющихся в речи. В переходной области находятся включенные предикаты эмоций, содержащие сведения об эмоциях в совершенном виде.

Таким образом, принимая во внимание лексическую и функциональную семантику эмотивной лексики, ее можно распределить на следующие группы:

1. Базовые эмотивы-номинации.
2. Дополнительные мотивы-номинации.
3. Эмотивы-экспрессивы.

Литература

1. Уфимцева А. А. Слово в лексико-семантической системе языка. – М.: Наука, 1968. – 272 с.
2. Уфимцева А. А. Лексическое значение (Принцип семасиологического описания лексики). – М.: Наука, 1986. – 240 с.

ЯСАМА СЎЗНИНГ ТИЛ ТИЗИМИДАГИ МАВҚЕИ МАСАЛАСИ

Турсунов Акмал Рахматуллаевич,
Навоий давлат кончилик институти
катта ўқитувчиси

Сўз ясалиши масалаларини ўрганиш қадимги анъаналарга эга бўлсада, унинг тилдаги махсус сатҳ ва шу сатҳни ўрганадиган мустақил соҳа сифатида эътироф этилиши хх асрнинг 40-йилларидан бошланди. Шу даврда рус (европа) тилшунослигида академик В.В.Виноградов, Л.В.Шчерба, А.Смирницкий, Г.О. Винокур, М.Д.Стенакова, В.М.Жирмунский каби олимларнинг йирик (фундаментал) тадқиқотлари юзага келди.

Туркийшунослик ва ўзбек тилшунослигида ҳам академик Н.К.Дмитриев, А.Н Кононов, Н.А.Баскаков, П.А. Азимов, А.Ғ Ғуломов, каби олимлар томонидан ана шундай тадқиқотлар яратилди .

Бу тилларда ясама сўзнинг тил тизимидаги мавқей ва мақоми тарихий (диахрон), шунингдек, синхрон нуқтаи назардан қаралиб, янги сўз ҳосил қилишнинг бир қанча усуллари белгиланди, улар тарихий ҳамда ҳозирги сўз ясаш усуллари деб икки турга ажратилади.

ХХ асрнинг 60-йилларида сўз ясалиши тил ва тилшуносликнинг ўзига хос тушунча ва категорияларга эга бўлган мустақил бир сатҳи ва соҳаси деб эътироф этилди. Бу сатҳнинг асосий бирлиги сифатида ясама сўз тушунчаси қатъийлаша бошлади. Тил тизимида ўзаро боғланган, бири иккинчисини тақоза этувчи сатҳлар-фонология, морфемика, лексикалогия, морфология ва синтаксис қаторида сўз ясалишининг ҳам ўринлашиши тилшунослик назариясининг энг муҳим ютуқларидан бири саналади.Ана шу сатҳлардан фонологиянинг асосий бирлиги фонема, лексикалогиянинг лексима, морфология ва синтаксиснинг асосий бирликлари сўз туркумлари, сўз бирикмаси ва гапбўлса, сўз ясалишининг асосий бирлиги ясама сўз ёки ясама синхрон жиҳатдан тил тизимидаги муҳим бирлик сифатида тан олинди.

Е.С. Кубрякованинг фикрича, сўз ясалиш назариясининг бош тушунчаси, шубҳасиз, ясама сўз тушунчаси бўлиб, бошқа барча кичик бирликлар (асос, аффикс) ҳамда йирик бирликлар-сўз ясаш қаторлари, сўз ясаш уяси каби тушунчалар ана шу тушунчага таянилган ҳолда талқин ва тавсиф этилади.

Ясама сўзнинг бу хил мақом ва мавқейда талқин этилиши сўз ясалиши назариясининг тараққиёт босқичлари билан бевосита боғлиқдир. Қисқа муддат ичида (хх асрнинг 50-йилларидан бошлаб) сўз ясалиш назарияси морфологик, структур-семантик, синтактик-трансформацион, номинатив-ономасиологик, функционал-семантик каби босқичларни босиб ўтди. Ўзбек тилшунослигида сўз ясалиш назарияси морфологик, структур-семантик қисман функционал-семантик босқичларга эга бўлди.Навбатдаги асосий вазифа ясама сўзларнинг номинатив-ономасиологик нуқтаи назардан тадқиқ этиши бўлиб, бунда ясама сўзларнинг

тилнинг номинатив бирликлари-сўз , сўз бирикмаси, гап каби бирликлар қаторидаги ўрни ва мавқеи аниқланади, чунки бошқа бирликлардан ясама сўз ва унга хос жараёнлар олдиндан кутилиши, муайян модель асосида яратилиши, бу моделлар тил эгалари онгида синхрон жиҳатдан мавжуд бўлиши, ҳаёт ва турмуш талаби билан янгидан янги ясалмаларнинг тухтовсиз пайдо бўлиб туриши каби хусусиятлар билан фарқланиб туради. Айни шу ҳолат ясама сўзнинг номинативликнинг энг юқори даражадаги қулай воситаси ва хилма-хил иккиламчпи маънолар ва бу маъноларга хос кўлам жилоларни ифодоловчи ўзига хос бирликка айлантиради.[5]

Академик А.П. Ҳожиевнинг қайд этишича, “ Муйян тилнинг ўзаро алоқа (муносабат)даги сўз ясалиш типлари мажмуи ***сўз ясалиш тизими*** ҳисобланади.Шунинг учун ҳам сўз ясалиши билан боғлиқ ҳодисалар ва уларнинг моҳияти ҳар бир ясама сўзнинг ёки ҳар бир сўз ясалишининг типи (типлари) мисолида (шу орқали) ёритилиши керак. Шу асосда сўз ясалиш тизимининг таҳлили юзага келади.

Ҳозирга қадар сўз ясалиши ҳар бир сўз туркуми доирасида ўрганилди ва бунда асосий эътибор шу туркумдаги сўз ясовчининг хусусиятлари-қандай сўз ясаш, унумли унумсизлиги ва бошқа хусусиятлари таҳлил этилд.Натижада ўзбек тили сўз ясалиши бўйичажуда кўп ишлар қилинган бўлса-да ,у тизим сифатида талаб даражасида ёритилмади”.[6]

Демак, ясама сўз ўзбек тилшунослигида нафақат сўз ясалишининг марказий , асосий бирлиги, балки тил тизимининг ўзига хос махсус бирлиги нуқтаи назаридан ҳам тадқиқ этилиши фанимизнинг долзарб масалаларидандир.

Адабиётлар:

1. Большой энциклопедический словарь. Языкознание М.,2000 г, стр 468
2. Мирзақулов Т.Ў Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалалари. Филалогия фанлари доктори... диссиртация автореферати. Тошкент, 1994 й, 3-бет.
3. Гулямов А.Г Проблемы исторического словообразования узбекского языка. АДД, Ташкент, 2955 г.
4. Кубрякова Е.С Производное как особая единица системы языка. Теория языка. Англистика. Кельтология М.: 1976, с. 76-83
5. Кубрякова Е.С Части речи в ономасиологическом освещении. М.: 1978 с. 84.
6. Ҳожиев А. Ўзбек тилида сўз ясалиши. Тошкент, 2007, 40-бет

AVLONIYNING “TURKIY GULISTON YOXUD AXLOQ” ASARIDA O‘Z VA O‘ZLASHMA QATLAM SO‘ZLARI SINONIMIYASI

Olimova Mushtari Ahrorjon qizi
FarDU talabasi

Sinonimlar tildagi go‘zallik va rang-baranglikni ro‘yobga chiqarishda muhim ahamiyatga egadir. Og‘zaki va yozma nutqda sinonimlarning katta amaliy ahamiyati bor. Sinonimlar nutq boyligini oshiradi. U til lug‘at sostavining qanchalik boy va rang-barangligini ko‘rsatuvchi belgilardan biridir. Sinonimlar bir so‘zni o‘rinsiz takror ishlatishga yo‘l qo‘ymaydi, uslubning ravonligini ta’minlaydi, jumlalarning ixcham tuzilishiga keng yo‘l ochadi, so‘z ma’nolarini o‘rganish jarayonida chuqur fikr yuritishga imkon beradi.

Shaklan har xil, ammo bir tushunchani turli bo‘yoq va ottenka tusi bilan ifodalaydigan leksemalar sinonimlar deyiladi. Sinonim leksema orasidagi munosabat sinonimiya yoki sinonimik munosabat deb yuritiladi[213]

Til birliklarining ayni bir ma’noni anglatishi asosida gruppalanishiga si n o n i m i y a deyiladi. Sinonimik hodisa faqatgina o‘zlashma qatlam doirasida amalga oshib qolmaydi. Bunday jarayonni o‘zlashma qatlam, o‘z va o‘zlashma qatlam doirasida ham ko‘rishimiz mumkin.[214]

Sinonimlar badiiy adabiyotda muhim tasvirlash vositalaridan biri sanaladi. Yozuvchi Abdulla Avloniy o‘zining “Turkiy guliston yoxud axloq” asarida sinonim so‘zlarni qo‘llash bilan kishilarning xususiyatlarini, voqea-hodisalarni, manzaralarni aniq, ravshan va jonli qilib ifodalay olishga erishgan. Abdulla Avloniy ma’nodosh so‘zlar o‘rtasida sinonimik qatorni yuzaga chiqarishda turkiy so‘zlar va o‘zlashma so‘zlardan unumli foydalangan. Ushbu maqolada Abdulla Avloniy tomonidan qo‘llanilgan sinonimlarning sinonimik qatorini o‘z va o‘zlashma qatlam leksemalari misolida ko‘rib o‘tamiz.

Hech kimsa emas bu meni ahvolima voqif, Men xastayamu millatim o‘lmish nega bemor. Bu misralardagi xasta – bemor so‘zlariga e’tiborimizni qaratsak. Xasta arabcha so‘z bo‘lib, charchagan, toliqqan, behol, kasal ma’nolarini bemor leksemasi esa forscha so‘zdan olingan bo‘lib, kasal[215] degan ma’noni ifodalaydi. Ikkala o‘zlashma so‘zdan anglashilgan kasal leksemasining ma’nosi bu so‘zlarni birlashtirib, sinonimik qatorni yuzaga chiqaryapti.

O‘z aybini bilub, iqror qilub tuzatmakg’a sa’y va ko‘shish qilgan kishi chin bahodir va pahlavon kishidur. Ichkulik, ko‘knor, nasha, afyun, taryok, chilim, nos, popirus kabi badanning salomatlig‘iga zararli, ba’zisi harom, ba’zisi makruh narsalardan qochmak, saqlanmak lozimdur. Xulqi fano bo‘lsa degil alhazar, Xor-u zalillikda qolur darbadar. Yuqoridagi birinchi gapda bahodir – pahlavon, ikkinchi

[213] Sayfullayeva R. Mengliyev B. va b. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. – Toshkent, 2009
[214] O‘zbek tili leksikologiyasi, 1981
[215] O‘zbek tilining izohli lug’ati. T. IV. – Toshkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006

gapdagi harom va makruh so‘zlari o‘zaro sinonimdir. Birinchi gapdagi bahodir so‘zi mo‘g‘ulcha baatar so‘zidan olingan bo‘lib, jasur, qo‘rqmas; jismonan qudratli pahlavon, devqomat;[216] pahlavon so‘zi esa forscha qahramon, botir, barvasta va zabardast; jismoniy baquvvat, bahodir[217] degan ma’noni ifodalaydi va mo‘g‘ul – fors strukturasidagi sinonimik qatorni hosil qiladi. So‘zlar o‘rtasidagi o‘zaro ma’noviy yaqinlik leksemalarni sinonim bo‘lishiga yordam bergan.


Ikkinchi gapdagi harom va makruh so‘zlari ikkisi ham arabcha so‘z bo‘lib, harom – foydalanish, iste’mol etish sha’ran man etilgan narsa, muqaddas, noqonuniy; makruh so‘zi esa – yoqimsiz, rad etilgan, iste’mol etilishi lozim ko‘rilmagan[218] degan ma’nolarni beradi va bir turdagi o‘zlashma qatlam(arabcha – arabcha) ya’ni arab tili leksemalari doirasida sinonimiya hodisasini yuzaga chiqaradi. Keyingi gapdagi xor-u zalillik so‘ziga alohida e’tiborimizni qaratsak. Xor-u zalillik so‘zi juft so‘z hisoblanib, uning tarkibidagi xor leksemasi – forscha, zalil leksemasi esa arabcha so‘zdir, uning tarkibidagi -lik affiksi turkiy tillarda so‘z yasovchi morfema vazifasini bajaradi. Bundan ko‘rinib turibdiki, misoldagi xor-u zalillik so‘zi fors-arab-turkiycha tipidagi sinonimik qatorni namoyon qiladi.

Abdulla Avloniy asarda forscha – forscha – forscha kabi bir til doirasiga mansub bo‘lgan sinonimlar qatoridan ham foydalangan. *Mol o‘lsa borcha hamdam-u do‘st-u birodaring, Qochgay urug‘laring yo‘q esa, sarvat, ey ko‘zim!* Ushbu misoldagi sinonimlar juft so‘z tarkibida namoyon bo‘lgan. Hamdam so‘zi samimiy, do‘st, yaqin o‘rtoq, biror inson bilan ko’pincha birga bo’luvchi shaxs[219] ma’nolari bilan do‘st leksemasiga to‘liq sinonim bo‘ladi. Birodar so‘zi aka-uka, og‘a-ini ma’nolarini ifodalab, hamdam va do‘st leksemalariga ma’noviy yaqinlik asosida sinonimik qatorni hosil qilgan.

Asarda uch so‘zdan tashkil topgan sinonimik qatorni ham uchratishimiz mumkin. Bu quyidagi misolda o‘z tasdig‘ini topgan: *Oqil insonlar bilan berdi jahon, olamga zeb, Aql nuri birla to‘ldi dunyoga ilm-u hunar.* Ushbu misoldagi jahon – olam – dunyo leksemalari idiografik sinonimlar (har vaqt, har qanday holatda teng qo‘llanadigan, va gapda bir-birini almashtira oladigan sinonimlardir[220]) bo’lib, har uchalasi ham o‘zlashma qatlam leksemasidir. Bundan ko‘rinib turibdiki, jahon – forscha, olam – arabcha, dunyo so‘zlari arabcha so‘zdan olingan bo‘lib, forscha – arabcha – arabcha strukturasidagi sinonimik qatorni hosil qilgan va misralardagi go‘zallik va rang-baranglikni ro‘yobga chiqarishda muhim vosita bo‘lib xizmat qilgan.

[216] O‘zbek tilining izohli lug’ati. T. II. – Toshkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006
[217] O‘zbek tilining izohli lug’ati. T. III. – Toshkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006
[218] O‘zbek tilining izohli lug’ati. T. III. – Toshkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006
[219] O‘zbek tilining izohli lug’ati. T. V. – Toshkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2006
[220] Pinxanov Y. D. Hozirgi o’zbek adabiy tili. — Toshkent, 1969.

Quyidagi jadvalda Abdulla Avloniy qo‘llagan sinonimlar qatori misollar asosida ifodalangan:



Yozuvchi Abdulla Avloniy asarda sodda va juft so‘zlar sinonimiyasidan unumli foydalangan.

Asarni o‘rganish davomida sodda so‘zlar sinonimiyasining quyidagi turlariga guvoh bo‘ldik:

a) tub – tub so‘z: *Qanoat deb janobi Haq tarafidan ihson bo‘lgan ahvolga yetishdig’imiz ne’mat va molga shukr, boshimizga kelgan* ***musibat*** *(arabcha so‘z) va* ***falokat****larga (arabcha so‘z) chidab, sabr qilmoqni aytilur. Ba’zi kasallarning yuqishi bo‘lganga o‘xshash* ***nodon*** *(forscha so‘z) va* ***ahmoq****(arabcha so‘z) kishilarning urf-u odatlari va yomon xulqlarining ta’siri, siroyati yuqushi muqarrardur.*

b) tub – yasama so‘z (faqatgina o‘z qatlam doirasida yuzaga kelgan) :

Axloqimizning binosining **go‘zal** (turkiycha) va **chiroyli** (turkiycha; so‘z asosi ham, asos tarkibidagi so‘z yasovchi morfema ham turkiycha) bo‘lishiga tarbiyaning zo‘r ta’siri bordur.

c) *yasama – yasama so‘z (o‘zlashma qatlam so‘zlariga o‘z qatlam morfemasini qo‘shish orqali) : Janobi Haq insonlarning asl xilqatda* ***iste’dodli*** *(arabcha-turkiycha) va* ***qobiliyatli*** *(arabcha-turkiycha), yaxshi ila yomonni, foyda ila zararni, oq ila qorani ayiradurgan qilub yaratmishdur. Agar bir kishi yoshligida nafsi buzulub* ***tarbiyasiz****(arabcha-turkiycha),* ***axloqsiz****(arabcha-turkiycha) bo‘lib o‘sdimi, «Allohu akbar» bunday kishilardan yaxshilik kutmak yerdan turub yulduzlarga qo‘l uzatmak kabidur .*

Juft so‘zlar sinonimiyasi: *Qilma makruh, harom,* ***kibr-u g‘urur*** *(arabcha-arabcha) manmanlig‘ing, Chaqma inson jismini yo mor, yo misli chayon.*

Asarni o‘rganish davomida Abdulla Avloniyning yuksak bilim sohibi ekanligiga guvoh bo‘ldik. Yozuvchi o‘z fikrini keng ommaga yetkazishda, fikrlarining o‘z tasdig‘ini topishida sinonimlardan unumli foydalandi va tilshunosligimizda o‘chmas iz qoldirdi.

METONIMIYAGA ASOSLANGAN MAQOLLAR TAHLILIGA DOIR

O'rinboyeva E.FarDU magistranti

Xalq donishmandligi namunasi sifatida maqollar nafaqat kundalik hayotimizdagi o'zaro muomala jarayonida, balki badiiy asar tilida ham kata ahamiyatga egadir. Adabiy muloqot jarayonining, badiiy asar matnining estetik mazmun olishini maqolsiz tasavvur etish qiyin. Maqollar semantik strukturasi, mavzu ifodasiga ko'ra turli ko'rinishlarda bo'ladi hamda o'ziga xos didaktik ahamiyatga ega bo'lgan nutq tuzilmalaridir. Har qanday yetuk ijodkor asarlariga murojaat qilar ekanmiz, maqol va matallarga alohida urg'u berilganligini aytib o'tish kerak.

Abdulla Qahhor ijodi so'z tanlash va uni kontekstda obrazli tarzda ifoda eta olganligi bilan xarakterlidir.

Buyuk so'z zargari Abdulla Qahhor ijodini kuzatar ekanmiz, badiiy matnda nafaqat metonimiya hodisasini, balki metonimiya aks etgan maqollardan samarali hamda o'rinli foydalanilganligining guvohi bo'ldik.

Misollarga e'tibor beramiz.

Past ishdagi qiyinchiliklar, g'iybat bo'lmasin-ku, Shermat akani tajangroq qilib qo'ydi: "Isoning alamini Musodan oladi "deganday, idorada bo'lar-bo'lmasga shovqin soladigan, sizlaganni xushlab, senlaganni mushtlaydigan bo'lib qoldilar; " nega kekirdakka zo'r berasiz, tilingizga zindalak chiqqanmi " degan bir xodimni ishdan bo'shatib yuborguncha ona suti og'zilariga keldi…

Mashinalar keti uzilmay u yoqdan bu yoqqa g'izillab o'tayotgan katta ko'chani kesib o'tishimiz kerak edi, men chopib o'tib oldim. Shermat aka savlat to'kib bitta-bitta qadam tashlar edi. Bir shofyor do'ng'illadi, yan abiri chaparasta qilib so'kib tashladi. Shermat aka yo'lkaga chiqib olganidan keyin chuqur xo'rsindi.

-Mana ***, yer tepkanni el tepadi*** *degani shudir-da, endi shofyorlardan ham so'kish eshitadigan bo'lib qoldik. Nima bo'layotibdi o'zi*![221] ("So'ngan vulqon")

Matnda keltirilgan maqol tarkibidagi el leksemasi jamlovchi ot hisoblanib, birlik shaklda bo'lsa ham, ko'plikni ifodalamoqda.Shu bilan birga odamlar,omma kabi semalarni ifodalab, metonimiya asosida ma'no ko'chishi uchun asos bo'lmoqda.

Asqar otaning kutganiga qarshi Sobiraxon so'zida davom etmadi, aftidan, u xotin haqida endi gapirmoqchi emas edi.U nima to'g'ridadir o'ylar, ixtiyorsiz bo'lsa kerak, allaqanday hazin kuyni burni bilan kuylab borar edi.Asqar ota o'ng tomonda borayotgan Qumrinisoga qaradi.Qumriniso bu qarashga o'zicha ma'no berib qizarganday bo'ldi va jilmayib:

-Ishi yo'q it sug'oradi*, otajon, - dedi*.[222] ("Xotinlar") Maqol tarkibidagi ishi yo'q birligi orqali shaxs, inson semalarining namoyon bo'lishi metonimiyani yuzaga chiqarmoqda.

Quyidagi misollarda ham shunday holatni kuzatish mumkin:

[221] A.Qahhor.Anor.Toshkent: G'.G'ulom nomidagi nashriyot matbaa ijodiy uyi, 2005-y.,.138-bet.
[222] A.Qahhor. Bemor.Toshkent, "Adabiyot uchqunlari", 2018-y.,15-bet.

*-**Qazisan, qartasan, axir, aslingga tortasan**! -dedi kampir omborni qulflayotib. -Endi jir bitdi-da. Bitta ko‘ylak ikkita bo‘ldi! Uvada , isliqi tun,chilvir belbog’ning xumorisi tutgandir!*

Sidiqjon qaynonasidan bu hildagi tanalarni ko‘p eshitgan, lekin sira gap qaytarmagan edi, bu safar zaharxanda qilib:

*- **O‘zi to‘ymaganning salqiti qorin og’ritadi**, onajon, sizdan ortdiyu, bizga jir bitdimi dedi! -dedi.*[223]

-Bolam, -dedi Xadicha hola uzoq jimlikdan so‘ng,-borasanmi?

Sidiqjon iljaydi.

-Ko‘r hassasini bir marta yo‘qotadi . [224]

Rohila: Hoy, kuyov, yana boshidan tushdingizmi? Ko’chada muqovangizni ko’rgan kishi sizni hech bunaqa odam deb o’ylamaydi-ya!

Marasul: Kechki maktabga qo’ymayman! Marhamat, universitetga kirsin! Yordam qilaman!

*Nasiba: Bas! Qalbaki gaplaringiz jonimga tegdi! **Ko’r hassasini bir marta yo’qotadi.***[225] Chunonchi, tilshunos olim Sh.Rahmatullayev Hozirgi adabiy o’zbek tili darsligida ko’rsatib o’tganiday, nutqda Fuzuliyni o’qib tugatdim, “Toshkent oqshomi” ni o’qib turaman kabi ishlatishlar ham bor.Bularda asli atoqli va turdosh otdan tuzilgan birikma orniga atoqli otning o’zi ishlatiladi.Natijada atoqli ot yangi leksik ma’no anglatmaydi, balki o’z ma’nosini saqlagan holda turdosh ot ma’nosini ham o’z ustiga oladi. Bu hodisa asosida tejamkorlik qonuni yotadi.Qiyoslasak, yaxshi odamga yondash, yomon odamdan qoch- yaxshiga yondash, yomondan qoch.”Mushtum” jurnaliga obuna bo’ldim- “Mushtum” ga obuna bo’ldim.[226] Maqollar tarkibidagi ko’r, hassa, yo’qotmoq leksemalari orqali odam semasi anglashilmoqda.Bundan tashqari maqolda enantiosemiya hodisasi ham mvjud bo’lib, aynan ko’r leksemasi orqali yuzaga chiqmoqda.

Enantiosemiya grekcha “enanti” – qarama-qarshi, “sema” – belgi ma’nosini anglatib, tilshunoslikda bir so’zning semantik strukturasida zid ma’noning yuzaga kelishini bildiradi. Masalan, “ko’r” so’zi dastlab fe’l turkumiga xos bo’lgan “ko’rmoq” fe’lining o’zagi hisoblanib, hozirgi o’zbek tilida “ko’zi ojiz”, “ko’rmas” ma’nosini ifodalash uchun xizmat qiladi.Hozirgi kunda bu so’zning dastlabki ma’nosi inkor etilib, butunlay yangi ma’no-teskari ma’noda qo’llanadi. So’zlarning bunday ters ma’no ifoda etishi esa enantiosemiya hodisasi deb yuritiladi.[227]

Ikkinchi so’zim tirnog’i o’sganlar, bizni ilonday avrab domiga tortayotganlar to’g’risida.Bu to’g’rida men senga qoyilman.**Yog’ochning bo’shini qurt yeydi.** Bizni ilonday avrab domiga tortayotganlar kimlar- Mirhomidxo’ja, Saidnosir, Oiqlxonto’ra,

[223] II jild “Qo’shchinor chiroqlari”, 4-bet.
[224] II jild “Qo’shchinor chiroqlari”, 21-bet.
[225] IV jild “Og’riq tishlar”, 26-bet.
[226] Rahmatullayev Sh.Hozirgi adabiy o’zbek tili, Toshkent: “Universitet”, 2006-y., 58-bet.
[227] Ibragimova E.O’zbek tilida ironik mazmun ifodalash usullari.O’quv-uslubiy qo’llanma, Farg’ona 2005-y., 23-bet.

Mirhaydar…[228]Aslida yog'ochning bo'sh joyi yoki bo'sh turi kabi shakllari yog'ochning bo'shi kabi tarzda ifodalanib, nutqiy tejamkorlik maqsadida otlashmoqda va metonimiya uchun asos bo'lmoqda.

Yuqoridagi tahlillardan ko'rinadiki, XX asr o'zbek adabiyotining ulkan namoyandasi Abdulla Qahhor o'z asarlarida badiiy vosita sifatida maqol, matallardan "ko'p va xo'p" foydalangan. Adib asarlarida ishlatilgan paremalar personajlarning xarakteri, o'ziga xos xususiyatlari hamda shaxsiy individualligini ochib berishda alohida ahamiyat kasb etgan.

К ВОПРОСУ ОБЩЕЙ ТЕОРИИ ЛИНГВИСТИЧЕСКОЙ ВАРИАТИВНОСТИ

Султанова С., магистрант 2 курса,
научный руководитель – Веч О. Я.
Ферганский государственный университет

Понятие вариативности впервые встречается у Ф. де Соссюра, который в качестве одного из свойств знака называл его стремление к изменчивости [2, с. 235]. В дальнейшем такое языковое явление как изменчивость (или вариативность) стало успешно изучаться всеми направлениями лингвистики применительно к тому или другому уровню языковой системы, получив достаточно широкое освещение в научной литературе.

Языковая вариативность рассматривается лингвистами как объективное имманентное свойство языковой системы, затрагивающее все выделяемые в языке подсистемы и единицы в плане формы и содержания. Оно применимо при рассмотрении структуры и ее функционирования в различных сферах действительности.

Неоднозначно употребляется в науке термин «вариантность», который употребляется наряду с вариативностью. Под вариантностью понимают: 1) свойство языковой системы предоставлять говорящим различные способы выражения одного и того же содержания и 2) свойство конкретной языковой единицы иметь такие модификации (видоизменения, разновидности), которые не нарушали бы ее тождества. В узком понимании вариантность - это общеязыковое свойство, а вариативность является свойством конкретных единиц языка, но в широком смысле данные термины представляются нам синонимами. Вариативность - это фундаментальное и всепроникающее свойство языка, с общепринятой точки зрения - это форма существования лингвистических единиц.

В современном языкознании отмечается, что возможность варьирования заложена в самой языковой природе. Варьирование является одним из способов существования языка, так как словарный состав всякого языка ограничен и несоизмерим с бесконечным разнообразием предметов и явлений реальности, для

[228] II jild "Qo'shchinor chiroqlari", 40-bet.

обозначения которых предназначены лексико-семантические единицы языка - слова.

Процесс варьирования можно считать закономерным в языке, так как он характеризует языковые единицы разных уровней на разных этапах развития языка и является признаком языкового развития. Сама идея вариативности предполагает изменчивость, модификацию чего-либо при сохранении некоторых определенных свойств, отсюда следует, что вариативность - это не просто изменчивость, а такая модификация, которая не ведет к появлению новой сущности. Таким образом, по утверждению В.М. Солнцева, «вариативность предполагает и изменчивость, и постоянство, выступает как единство изменчивого и постоянного» [1, с. 32].

Среди типов лингвистической вариативности чаще всего называют следующие:

1) социолингвистическая вариативность (влияние социальных изменений и социальной мобильности на развитие языка, включая уровень социальных отношений и уровень официальности и т. д.);

2) текстуальная вариативность (взаимодействие жанра и темы текста, его лингвистической экспрессии, включающей способ передачи информации);

3) региональная вариативность (различия и сходства региональных разновидностей языка, включая явления языкового контакта);

4) индивидуальная вариативность.

Важным моментом теории вариативности является то, что инвариант - это абстрактное обозначение одной и той же сущности в отвлечении от ее конкретных модификаций - вариантов. В понятии инварианта отображены общие свойства класса объектов, образуемого вариантами. Сам инвариант не существует как отдельный объект, это не представитель класса, не эталон, не «образцовый вариант». Инвариант - это скорее название класса относительно однородных объектов. Вариативность есть проявление нестабильности языка, его внутренней динамики, а также стимул его исторических изменений и преобразований. К основным тенденциям, приводящим к языковым изменениям, можно отнести принцип экономии усилий, социальные и психологические факторы, телеологию, закон аналогии и другие.

В последнее время всё чаще ставится вопрос о соотношении вариативности (варьирования) и изменений языка. Данная проблема достаточно сложна, а место вариативности в историческом преобразовании языков не столь ясно, как это может показаться на первый взгляд. С одной стороны, исторические изменения - это один из важных источников вариативности, с другой - возникновение вариативных форм и структур во многих случаях является необходимым этапом исторических изменений, происходящих в результате замещения одних элементов другими. Вместе с тем варьирование отнюдь не обязательно ведет к изменениям в языковой системе, и параллелизм форм и конструкций, а также вариативность и

синонимия лексем могут сохраняться в языке, обеспечивая, наряду с историческими изменениями, его динамику.

В современной лингвистике представлена и более радикальная трактовка соотношения варьирования и изменения языка, согласно которой варьированию отводится ведущая роль, и тем самым теория вариативности интегрируется в общую теорию языковых изменений. Иными словами, вариативность трактуется как резерв языка, который и позволяет совершаться языковым изменениям.

Современная лингвистическая теория уже давно признала тот факт, что для каждого современного литературного языка характерны не только определенная степень константности в использовании различных языковых средств, но и некоторый набор вариантов, выявляющийся наиболее полно в процессе функционирования языка [3, с. 360]. Поэтому норма, опираясь на устойчивые, константные элементы функционирующей языковой системы, не в меньшей степени характеризуется и допустимыми в ее пределах колебаниями и вариантами. Однако между нормой и вариативностью существует двусторонняя зависимость: если характер вариативности (в сочетании с целым рядом других признаков) определяет специфику норм литературного языка, то, с другой стороны, именно норма устанавливает число и типы допустимых вариантов, а также регулирует их употребление.

Причины появления вариативности кроются в сочетании действия внутренних и внешних факторов развития языка. Внутрисистемные причины порождаются возможностями самого языка (действие законов аналогии, асимметричности языкового знака, речевой экономии и др.). Среди причин внешнего характера обычно называют контакты с другими языками, влияние диалектов, социальную дифференцированность языка и т.д.

Таким образом, вариативность, как явление демонстрирующее избыточность, является неотъемлемой частью языковой системы, дающей почву для дальнейшего развития языка.

Литература

1. Солнцев В. М. Вариативность как общее свойство языковой системы. // Вопросы языкознания. – 1984, № 2.
2. Соссюр Ф. Курс общей лингвистики. – М.: Логос, 1998.
3. Успенский Б. А. Семиотика искусства. – М., 1995.

MIFONIMLARNING LINGVISTIK BELGILARI

S.Qurbonova, FarDU o‘qituvchisi,
A.Qurbonov, FarDU talabasi

Mifonimlar hozirgi kunda kam qo`llanuvchi qatlamga oid birliklar bo`lib, ular qadimda hosil bo`lgan shaklda ishlatiladi. Bu jihati bilan ular tilda tarixiy

so`zlarga o`xshab ketadi. Lekin mifonimlarni tarixiy so`zlardan faqrlay bilish lozim. Ular o`rtasidagi o`xshash va farqli belgilarni o`rganib chiqsak, mifonimlarning tildagi o`rnini yanada yaqqolroq tasavvur etishimiz mumkin bo`ladi.

Mifonimlar kishilarning o`tmish kunlardagi tasavvurlari, tevarak olam va undagi o`zgarish va hodisalarga, odatda, noto`g'ri, ongsizlarcha munosabatlari natijasida hosil bo`ladi. Shu sababli, ko`pincha, mifonimlar xayoliy narsa-predmetlar bo`lib, ularning ma'lum ob'ektiv holati, shakli-shamoyili bo`lmaydi. Masalan, dev, pari, ajina, alvasti. Bu so`zlar ma'lum ma'noga, tasavvurga ishora qilsa-da, ular bildirgan ma'no orqali ongda hosil bo`ladigan tasavvur har kimda har xil shaklda bo`ladi, har kim o`z tushuncha, tasavvuridan kelib chiqib ularning obrazini yaratadi. Chunki ularni real hayotda hech kim ko`rgan emas, ularning mavjudligi, shakli-shamoyili haqida aytilgan axborotlarga tayanib, tasavvur qilinadi, xolos. Tarixiy so`zlar esa insonlarning ma'lum davrdagi maishiy hayotiga taalluqli bo`lib, o`z davrida aktiv leksemalar qatorida qo`llanilgan bo`ladi. Misol uchun, ***"dev"*** va ***"xon"*** leksemalarini olsak, ***"dev"*** so`zi mifonim hisoblanadi: uning hayotda mavjud bo`lganligi, hayot kechirgani, turmush tarzi haqida aniq ma'lumotlar yo`q, lekin ularning juda bahaybat bo`lishi, uzoq umr ko`rishi va g'ayriinsoniy kuch-qudratga ega ekanligi haqida xalq og'zaki ijodi materiallari – ertak, rivoyat, asotirlar orqali xayoliy tasavvurlar shakllangan. ***Xon*** so`zi esa ma'lum davrda yirik siyosiy arbob, davlat boshlig'i lavozimi nomini bildirgan shaxs oti hisoblanadi, lekin bugungi kunda davr o`zgargani sababli bu shakl eskirib, tarixiy so`zga aylanib qolgan. Mifonimlar tarixiy so`zlardan aynan shu belgisiga ko`ra keskin farq qiladi.

Tarixiy so`zlar ma'lum bir predmetni atash vazifasini, ya'ni nominativ funksiya bajaradi. Masalan, omoch, taxt, qul, kanizak kabi. Mifonimlarda atash ma'nosi bilan birga ba'zan ekspressiv munosabat ma'nosi ham ifodalanishi mumkin. Masalan, "dev" so`zida bahaybat, beo`xshov, qo`pol, xunuk belgilari mavjud bo`lsa, "pari" so`zida, aksincha go`zal, yoqimli, orasta, xushbichim kabi sifatlar mujassamlashgan bo`ladi.

Tilda bu ikki turga mansub so`zlar kam qo`llaniluvchi leksemalar sirasiga kiradi. Lekin tarixiy so`zlarning ayrimlari yangi ma'noda qo`llanilib, yana faol leksika qatoriga kirishi mumkin. Masalan, ***vazir*** so`zi qadimda shoh saroyi amaldori, ya'ni shohning eng yaqin maslahatchisi ma'nosida ishlatilib, bugungi kunda eskirgan bo`lsa, davlat lavozimi ma'nosida bu so`z faol leksika qatoriga kiradi; misol uchun, ***tashqi ishlar vaziri*** kabi. Mifonimlarda bunday holat

kuzatilmaydi. So`z-shakllar o`z lug'aviy ma'nosini o`zgartirmagan holda saqlab qoladi, chunki ular eskirgan emas, eskirgan qatlam so`zlari qatoriga kirmaydi. Faqat bu so`z – shakllar qadimda yaratilgan va kam qo`llaniluvchi birliklar hisoblanadi.

Til ijtimoiy hodisa sifatida davr o`tishi bilan jamiyat talablariga ko`ra turli o`zgarishlarga uchrab, lug'at tarkibida ba'zi farqlanishlar – so`zlarning eskirishi yoki yangi paydo bo`lishi sodir bo`lib turadi. Bunda, ayniqsa, ijtimoiy-siyosiy yoki maishiy ma'nodagi narsa-buyumlarni ifodalovchi so`zlar qatlami katta foizni tashkil qiladi. Davr o`tishi bilan eskirgan so`zlar miqdori sekin – astalik bilan ortib boradi. Mifonimlar tarkibi esa, deyarli, o`zgarmaydi: ular eskirmaydi va yangi paydo bo`lmaydi. Chunki ularning manba asosini mif va asotirlar tashkil qiladi. Miflar esa yangi yaratilmaydi. Yuqorida ko`rsatib o`tilgan qiyoslab o`rganilgan faktlar orqali mifonimlar tilda qanday o`rin tutishi, tarixiy so`zlarga nisbatan qanday o`xshashlik va farqlarga ega ekanligini bilish ular haqida aniqroq tasavvur hosil qilishga yordam beradi. Bu birliklar o`rtasidagi umumiylik va o`ziga xosliklarni quyidagi jadvalda yanada yaqqol ko`rish mumkin:

Mifonimlarning tarixiy so`zlar bilan o`zaro integral va differentsial belgilari.

Mifonimlar	**Tarixiy so`zlar**
Har ikkalasi ham tarixiylik belgisiga ega	
Tarixda mavjud bo`lganligi, ob'ektiv borliqqa xosligi aniq emas, aksar hollarda xayoliy xarakterga ega bo`ladi.	Tarixda mavjud bo`lgan, ob'ektiv borliqqa xos, aksar hayotiy narsa-buyumlar nomini bildiradi.
Har ikkalasi nominativ funksiya bajaradi	
Ba'zan ekspressivlik, uslubiy bo`yoqdorlikka ham ega bo`ladi.	Ekspressiv neytral, uslubiy bo`yoqqa, odatda, ega bo`lmaydi.
Har ikkalasi ham kam qo`llaniluvchi leksemalar qatoriga kiradi.	
Tilda har vaqt kam qo`llaniluvchi birliklar qatorida bo`ladi.	Tarixda tilning aktiv qo`llaniluvchi birliklari qatorida bo`lgan, vaqt o`tishi bilan eskirib, kam qo`llaniladigan bo`lgan.
Lug'at tarkibida juda kam miqdorda bo`lib, bu miqdor, deyarli, ortmaydi.	Tilda, mifonimlarga nisbatan, ko`proq miqdorda uchraydi. Davr o`tishi bilan ular miqdori ortib boradi.

EKSPRESSIVIK IFODALOVCHI AYRIM FONOGRAFIK VOSITALAR

Ma`rifat Husanova,
Far DU mustaqil tadqiqotchisi

Yirik fransuz tilshunosi Antuan Meye 1925 yilda yozgan bir taqrizida til estetikasini chuqur o'rganish umumiy til nazariyasi uchun mutloq ahamiyatga ega ekanligini alohida ta'kidlaydi.

Til estetikasi, avvalo, tildagi "estetiklik" tushunchasi nimani o'z ichiga oladi, qanday xarakterlanadi degan savol tabiiy va asoslidir. Bu o'rinda yirik tilshunos R. A. Budagovning quyidagi fikri juda ahamiyatlidir: "Til va nutqqa nisbatan "estetik"likni so'zlovshi yoki yozuvchining faqat nimani gapirayotganligiga va nima haqida yozayotganligigagina emas, balki qanday gapirayotganligiga va qanday yozayotganligiga ham ongli munosabati sifatida tushunmoq kerak".

"Badiiy matn har qanday nobadiiy matndan farqli o'laroq, alohida vazifani – kommunikativ vazifa bilan murakkab o`zaro aloqadorlikda namoyon bo`luvchi va matnning o`ziga xos qurilishida hal qiluvchi omil hisoblanuvchi estetik vazifani bajaradi."[229] M.Yo`ldoshev bu to`g`risida shunday deydi: "Badiiy asar tili tadqiqiga bag`ishlangan ishlarda tilning ayni "ekspressiv vazifasi" atamasi bilan bir qatorda "tilning poetik vazifasi", "tilning badiiy vazifasi", "tilning estetik vazifasi" kabi atamalar ham qo`llanadi. Ammo shuni ham aytish kerakki, "tilning estetik vazifasi" atamasi filologik adabiyotlarda nisbatan ko`p ishlatiladi. Bunday bo`lishi ham tabiiy, chunki estetik vazifa tushunchasi ekspressivlik, badiiylik, poetiklik kabi bir qator tushunchalarni ham o`z ichiga olgan holda ularni umumlashtira oladi. Boshqacha qilib aytganda, mazkur tushunchalarga qaraganda estetik vazifa tushunchasining qamrovi anchayin keng.[230]

"Nutqni yanada yorqinroq, ta'sirchanroq, taassurotliroq qiladigan narsalarning hammasi ekspressiyadir. Demak, nutq ekspressivligi – nutqni yorqin, ta'sirchan, tasviriy taassurotli qiluvchi vositalardir"[231].

Yuqoridagi fikrlar bu ikki termin to`g`risida qanday xulosa chiqarishga imkon beradi? Balki sinonim atamalardir? Shu o`rinda tilning "estetik funksiyasi" hamda "ekspressiv funksiyasi" terminlari to'g'risida mulohazamizni bildirib o`tishni lozim topdik.

Avvalo, ikkala terminning lug`aviy ma'nosiga e'tibor bersak, fikrlarni farqlashga yordam beradi. Ekspressionizm – fransuzcha " ifoda".[232] Bundan tashqari, ekspressivlik

[229] Гореликова М. И., Магомедова Д. М. Лингвистический анализ художественного текста. – Москва. «Русский язык», 1989. s-5.

[230] Yo'ldoshev M. Badiiy matnning lisoniy tahlili. – Toshkent,: 2008. 7-8-bet.

[231] Галкина-Федорук Е. М., Горшкова К. В., Шаиский Н. М. Современный русский язык. Т,1962.с.99.

[232] Саримсоқов Б., Ҳотамов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Тошкент.: Ўқитувчи, 1983. 361-bet.

(his-hayajonlarning) namoyon bo'lish kuchi", ya'ni "tezligi" ma'nosi ham mavjud. A. I. Yefimov: "Badiiy uslubning boshqa uslublardan ajralib turadigan asosiy belgisi uning estetik funksiyasi, obrazliligi va ekspressivligidir"[233], deganda so'zning ana shu ma'nosini nazarda tutgan. Estetika – grekcha "his-tuyg'u"[234]degan ma'noni bildiradi.

Demak, har ikkala termin ham tilning vazifasiga nisbatan boshqa-boshqa tushunchalarni ifodalamaydi. Ular bir tushunchaning ikki tomonini aks ettiradi. Aniqroq aytganda, ekspressivlik so`zlovchi, ya'ni lison egasining maqsadini aks ettirib, ko`proq uning shu maqsad bilan ishlatayotgan vositalarini nazarda tutsa, estetiklik esa tinglovchida tuyilgan, hosil bo`lgan natijani anglatadi, ya'ni ekspressivlik estetik zavq uyg'otishga xizmat qiladi. Har ikkalasi birgalikda bir vazifaning ma`nosini anglatadi, shunday ekan, tilning vazifasiga nisbatan "estetik", shu vazifani bajarishdagi vositalarga nisbatan esa "ekspressivlik" terminini qo'llash o'rinliroq bo'ladi. Tilning vazifasiga nisbatan ishlatiladigan "ekspressivlik" termini esa metonimik yo'l bilan yuzaga kelgan, deyish o`rinlidir. Shu o`rinda stilistikada ishlatiladigan yana bir termin to`g`risida fikrimizni aytib o'tishimiz noo'rin bo'lmaydi, deb o'ylaymiz. Ekspressivlik va emotsionallik termini to'g'risida to'xtalib o'tish ham aytmoqchi bo'lgan mulohazalarimizni ifodalashga yordam beradi.

"Ba'zi lingvistlar tilning lug'at tarkibida emotsional leksikaning borligi, lekin ekspressiv leksikaning yo'qligi haqida fikr bildiradilar. Ularning fikricha, ekspressivlik til birliklarining maxsus qo'llanilishi asosida yaratiladi. Emotsionallik faqat tilda mavjud. Ekspressivlik esa jest, mimika, va kishining hatti-harakatida, hatto mehnat faoliyatida ko'zga tashlanadi.

Har qanday so'z va boshqa til birliklari o'z qurshovidan chiqsa, boshqa maqsadda maxsus qo'llansa, ekspressivlik yuzaga keladi. Ekspressivlik, odatda, ikki guruhga: ekspressiv-emotsional va ekspressiv-subyektiv baho ma'nolariga ajratilgan. Ekspressivlik belgilarining ma'no jihatdan bir xil bo'lmasligini hisobga olib, so'zlarning ma'nosini shunday turlarga ajratish odat bo'lgan. "[235]

"Ekspressivlik fikr ifodasining ta'sir kuchini orttirish demakdir. Nutqni yanada yorqinroq, ta'sirchanroq, taassurotliroq qiladigan narsalarning hammasi ekspressiyadir. Demak, nutq ekspressivligi nutqni yorqin, ta'sirchan, tasviriy-taassurotli qiluvchi vositalardir."[236] Shu nuqtai nazardan qaraganda, tilning ierarxik sistemasi bo'ylab barcha sathda ekspressivlik ifodalashning cheksiz imkoniyatlarini ko'rish mumkin**.**

Nutq tovushlari nutqning hosil bo'lishida eng muhim birliklardan bo'lganligi uchun badiiy matnni tahlil etishda muhim vositalardan biri bo'lib xizmat qiladi. Fonetik stilistika tovushlarning bir-biriga bog'lanishidagi ekspressiv-stilistik imkoniyatlarini,

[233] Ефимов А. И. стилистика русского языка, М., 1969, 5-bet.
[234] O'sha lug'at. 370-bet.
[235] Галкина-Федорук Е. М., Горшкова К. В., Шаиский Н. М. Современный русский язык. Т. 1962. с.98
[236] Галькина – Федорук Е. М., Горшкова К. В., Шаиский Н. М. Современный русский язык. Т. 1, с99.

umuman, nutq tovushlarining tilning ta’sirchan vositasi bo’lib xizmat qila olish qonuniyatlarini o’rganadi.

Badiiy matnni tahlil qilish jarayonida fonetik birliklarning estetik xususiyatlariga ham alohida e'tiborni qaratish zarur. She'riy matnda nutq tovushlarining estetik imkoniyatlari tez va qulay idrok etiladi. Chunki she’rda o’ziga xos jozibador ohang bo’ladi. Bu ohangdorlikka tovushlarni uslubiy qo’llash natijasida erishiladi.[237]

Odatda, badiiy adabiyotda, ko’proq lirik asarlarda , tovushlar, urg`u va ohang hissiy ta`sirchanlikni oshirishda muhim uslubiy vosita hisoblanadi. Nutqni ohangdor qilishning xilma-xil shakl va usullari o’z tabiati va mohiyati bilan asosan she’riy nutqqa xosdir. Poetik nutq ohang jihatidan ma’lum tartibga solingan, his-tuyg’u ifodasi sifatida vujudga kelgan hayajonli ritmik nutqdir. Poeziyada nutqni ohang jihatidan ma’lum tartibga soluvchi vositalarni (masalan, ritm, qofiya, radif, band kabilarni) keng qo’llash xarakterlidir. Shuning uchun she’r tuzilishi fonetik stilistikaning maxsus sohasi sifatida alohida ajralib turadi.

Ma`lumki, tovushlarni estetik qo`llash natijasida she`riyatda alliteratsiya, assonans, geminatsiya kabi fonetik usullardan foydalaniladi. Nasrda esa erspressivlik unlilarni cho`zish, undoshlarni qavatlash, tovushlarni takrorlash, so`zlarni noto`g`ri talaffuz qilish, tovush orttirish yoki tovush tushirish kabi fonetik usullar yordamida ta`minlanadi.[238] Ammo individual uslub imkoniyatlari shu qadar kengki, unlilarni cho`zish, undoshlarni qavatlash, tovushlarni takrorlash, so`zlarni o`zgartirib talaffuz qilish: tovush orttirish yoki tovush tushirish kabi fonetik usullardan poetik nutqda ham keng foydalanilganligini kuzatish mumkin. Bu sohada tadqiqot olib borgan A. Haydarov konnotativ ma’no komponentlarini tashkil qiluvchi “bo’yoqlar” fonetik vositalarda ham kuchli ifodalanishi, istalgan so’zning nutqdagi me’yoridan tashqari turlicha talaffuzi uni hissiy ta’sirchan qilishini ta’kidlaydi.[239] She'riyatda tovushlarning bunday talaffuzi lirik qahramonning holatiga bog’liq bo’lib, uning voqelikka bo’lgan turli munosabatini aks ettiradi. Quyida ekspessivlikning unlilar orqali ifodalanishiga misollar keltiramiz. Unlilarni cho’zish quyidagi ma’nolarni ifodalashga xizmat qilishi mumkin:

Talab, buyruq ma’nosini ta’kidlash:

Ey, g`anim,
Soyam kabi ergashma, qo`y,
Tushsa tashvish kiftima, tirkashma, qo`y,
Do`st bo`lib, do`stday bo`lib yig`lashma, qo`y,
Do`stimga *Tegm-a-a!!!*
(Farida Afro’z)

Belgining ortiqligi:

a) Bu kech yedim tushimda

[237] Yo’ldoshev M. Badiiy matnning lisoniy tahlili.toshkent, 2008. 45-bet
[238] Toshxo`jayeva Sh. Fonetik vositalarning badiiy- estetik vazifalari. “O`zbek tili va adabiyoti”. 2014-yil. 5-son, 85-bet.
[239] Ҳайдаров А. Бадиий тасвирнинг фоностилистик воситалари. Фил. фан. ном. дисс. автореф – Тошкент.2008.

Sutdek *o-oppoq* kulchani. (Anvar Obidjon)

b) Qolgunicha bir nafas, bir oh,
Hali *uz-o-oq* yashaymiz birga. (Farida Afro'z)

Iltijo, yolvorish ma'nosini kuchaytirish:

a) Ta`malar domidan qutqargin,
Sabrni yaratgan *jo-on* Xudo! (Farida Afro'z)

b) Bir kun kelib
Sundoqqina tiz cho`kasan-da,
o`paverasan, o`paverasan izlarim gardini.
Kechir, deysan, kechir, bir zum ko`ray bir zum, bir zum…
Jonim beray,
uzr, deysan,
uzr, uzr…*uzuuur!* (Farida Afro'z)

Inkorni kuchaytirish: Faridam,
faridim,
farishtam,
deding,
Kuldim-u ketdim.
Men seni
he-ech kimga
alishmam,
deding,
Kuldim-u ketdim. (Farida Afro'z)

Holat tasvirini bo'rttirish:
O`tiribman *cho`mi-i-b* sukutga,
Aytolmasdan dardim men noshud. (Anvar Obidjon)

Quyidagi o'rinda chaqirish intonatsiyasi hosil qilingandek tuyulgan unlining cho'zilishi quvlik, erkalash, qochirim ma'nolarini aks ettirish uchun xizmat qilib, xazilomuz kulgi qo'zg'atadi,bu chaqirish itga emas, "itning egasi"ga qaratilgan erkalash ma'nosida:

g) Mushtoqlaring kamaygan sayin ,
Sog'inarsan kutishlarimni.
Itingga non tashlab atayin,
"*Qoplonjo-o-n*" deb o'tishlarimni. (Anvar Obidjon)

Rus va Yevropa filologik an’anasida geminatsiya nomi bilan yuritiladigan hodisa mavjud. «Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati»da mazkur hodisa «qo’sh undoshlik - ikki aynan bir xil undoshii holatning yuzaga kelishi» sifatida izohlanadi.[240]

Ekspessivlikni undoshlar orqali yuzaga keltirishda ko’pincha ularni qavatlab qo’llash(geminatsiya)ga murojaat qilinadi. “Aslida orfoepik me'yor bo’yicha bir undosh talaffuz qilinishi kerak bo’lgan so’zlar muayyan vaziyatlarda ekspressiya va estetik maqsad talabi bilan atayin qavatlab talaffuz qilinadi. So’zlovchining ichki ruhiyati (siqilish, xursandlik, karaxtlik, ikkilanish, achchig'lanish, biror voqea-hodisadan qattiq ta'sirlanish kabilar) va maqsadini kitobxonga «aynan» yetkazish uchun yozuvchilar badiiy matnda bu holatni undoshlarni birdan ortiq yozish orqali ifodalashga harakat qiladilar. Bunda belgining me'yordan ortiqligi, harakatning davomiyligi yoki oniyligi (bir onda ro’y berganligi), takroriyligi, tovush kuchining balandligi yoki pastligi kabi ma'nolar ifodalangan bo’ladi.”[241]

Bu bilan qahramon ruhiyatidagi turli hissiy holatlar alohida ta’kidlanib, badiiy tasvirning mukammalligiga erishiladi. Misollar:

Xursandchilik, rohatlanish holati:

a) Do`stim, yetar, yig`lashib qo`yma,
O`z dardimni o`zimga ber-ey.
Bag`rim bosib bir qilay *mazza*,
O`zim yig`lab, o`zim yupanay. (Farida Afro’z)

b) Ana endi *mazza*, tomosha qiling,
Tafakkur, tuyg`ular zamzamasini. (Farida Afro’z)

Siqilish, bezovtalik holati:

Nima qilaringni bilmay, shoshasan,
Talvasa joningga qilar *tajavvuz.*
Quyosh shamchiroqqa aylanib qolar,
Ummon ham ko`zingga ko`rinar hovuz. (Farida Afro’z)

Qat’iyat, ta’kidlash ma’nosi:

Haq eding va *haqqing* mahr bo`ldi-ku,
Ayol! Oh, ayol! (Farida Afro’z)

Afsuslanish, iztirob holatini ta’kidlash:

a) Ona yer – tufroq qolib,
osmon bilan *ovvoramiz*,
Jon berib, joning olar,
jonon bilan *ovvoramiz.* (Farida Afro’z)

b) Oshnolarim baridan kechdim,
Tashlab ketdi ular ham bir-bir.
Misli karvon, itlar *akkillar*,

[240] Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.-Тошкент. “ЎзМЭ”,2002, 143-bet.
[241] Yo’ldoshev M. Badiiy matnning lisoniy tahlili.toshkent, 2008. 46-47-bet

It tilida gaplashmoq og’ir. (Farida Afro’z)

Misollar tahlili shuni ko’rsatadiki, umuman, nutqda xoh unli, xoh undosh tovush bo’lsin, ularning birdan ortiq ifodalanishi(aytilishi va yozilishi) so’zlovchining tovush ishtirok etayotgan so’zning matnda ifodalayotgan ma’nosini ta’kidlash, kuchaytirish, tugallashtirish va badiiy-estetik idrok etilishini yanada qulaylashtirishga intilishini aks ettirishga xizmat qiladi.

Bugungi fanlararo integrativ tadqiqotlar shuni ko’rsatadiki, “qadimdanoq so’zning talaffuz tarzi va uni yozuvga aynan ko’chirish muammosi mutafakkirlar e’tiborini o’ziga jalb qilib kelgan. Hatto bu holat notiqlik san’ati bilan bog’liq bo’lmagan ravishda so’zning, so’zdagi tovushlarning talaffuzi bilan bog’liq ohanglar uyg’unligi buyuk faylasuflarga ilhom manbai bo’lgan edi. Ular “so’z tarkibiga singib, o’ziga xos ma’no va ohang kasb etib ulgurmagan tovushlarga ham o’zgacha mazmun berish” ga intilgan edilar”[242].

HAMID OLIMJON SHE’RLAR FONOSTILISTIKASI

S.Qurbonova
FarDU katta o‘qituvchisi,
Irodaxon Jalilova
Quva pedagogika va iqtisodiyot kolleji o‘qituvchisi

Hamid Olimjon she’rlarida qo‘llangan fonetik birliklar – tovush, tovush bilan bog‘liq hodisalar, bo‘g‘in turlaridan foydalanish va ulardan kutilgan uslubiy maqsad fonostilistik tadqiqotlar olib borishimizga hamda ma’lum xulosalar chiqarishimizda manba bo‘lib xizmat qiladi.

Badiiy matnda tovushlardan ko‘p hollarda uslubiy maqsadda foydalaniladi. Bu o‘rinda tovush o‘zining birlamchi funksiyasi – ma’no farqlashdan tashqari, qo‘shimcha, ikkilamchi funksiya – uslubiy vosita vazifasini ham bajarib keladi. Badiiy matnlar ichida she’riy asarlar o‘ziga xos talablar asosida foydalanilib, unda mazmun va mantiqning mavjud bo‘lishi bilan birga, hissiylik yuqori bo‘lishi, musiqiylik, ohangdorlik va jozibadorlik ham talab etiladi. Hamid Olimjon ijodida nutqdagi engil marom, o‘ynoqilik, musiqiylikni ta’minlashda ham aynan fonetik vositalarning o‘rni beqiyos.

Fonetik vositalarni uslubiy qo‘llash natijasida turli xil fonetik hodisalar yuz beradi. Alliteratsiya, assonans, geminatsiya kabi fonetik hodisalar ana shular jumlasidandir. Hamid Olimjon she’rlarida bu kabi hodisalarning unumli qo‘llanganligining guvohi bo‘lamiz.

Fonetik hodisalar nutqda qahramonning kechinmalari – quvonch, shodlik, g‘am, alam, taajjub yoki so‘roq va shu kabilarni ifoda etish uchun xizmat qiladi.

Geminatsiya samarador fonetik hodisa hisoblanib, asosan tovushlarni qavatlantirish, ya’ni normal holatda bir tovush bilan talaffuz etiladigan o‘rinda tovushni

[242] Qarang: Кухаренко В. А. Интерпретация текста. М., 1988.

birdan ortiq qo‘llash va yozuvda ham shunday ifoda etishga asoslangan fonetik usuldir. Adham Abdullaev bu hodisaga nisbatan “undoshlarni qavatlash” atamasini ishlatgan. [243]

Hamid Olimjon o‘z she’rlarida geminatsiya hodisasidan uslubiy vosita sifatida foydalangan va bu hodisa nutqda ta’sirchanlik va bo‘yoqdorlikni oshirishga xizmat qilgan:

Tog‘da yurar bir ohu juvon
Sochini taraydi shabboda.
Menga bugun yaqindir osmon
Bulutlardan teppamda poda.

(1 tom, 193- bet)[244]

Bu misolda “shabboda” va “teppamda” so‘zlarining qo‘llanilishida geminatsiya hodisasini kuzatish mumkin. “CHimyon esdaliklari” nomli mazkur she’rda shoir lirik qahramonning tabiat manzaralari qarshisidagi holatini yuqori hayajon va ko‘tarinki ruh bilan tasvirlaydi.”SHabboda” va “teppamda” so‘z shakllarida undoshlar (“b” va “p”)ning qavatlantirib, ya’ni geminatsiya hodisasiga uchragan holda qo‘llanishi qahramonda kechayotgan ichki hayajon, zavq – shavq va qisman hayratni ifodalash uchun xizmat qilgan.

Aynan shu she’rda normal holatdagi qo‘sh undoshli so‘zlarning juda ko‘p qo‘llanganligining guvohi bo‘lamiz. Masalan, xuddi, asllari, fasllari, oppoq, cho‘qqi, go‘zallik, qo‘llari, yo‘llarim, ko‘llar, gullar kabi. SHoir aynan ushbu shakllarni tanlab olish orqali nutqda ko‘tarinkilik hosil qilishga va lirik qahramonning ichki tuyg‘ularini ifoda etishga erishgan.

SHoir qalamiga mansub mashhur “O‘rik gullaganda” she’rida ham aynan geminatsiya hodisasidan foydalanganini ko‘rish mumkin. Masalan:

Umrida hech gul ko‘rmay yig‘lab
O‘tganlarning haqqi ham senda.
Har bahorni yig‘lab qarshilab
Ketganlarning haqqi ham senda...

(1 tom, 212- bet)

YUqoridagi nutq parchasida “haqqi” so‘zining qo‘llanishidagi fonografik o‘zgarish geminatsiya hodisasiga yorqin misol bo‘ladi. SHoir bu shakldan foydalanish orqali bu o‘rinda “haq”ning nihoyatda muhim, salmoqli va me’yordan ortiqligini ko‘rsatishga erishgan.

Qiyoslab ko‘ramiz: haqqi bor – haqi bor. Bu o‘rinda ham qo‘sh undoshli so‘zlardan foydalanish orqali ham lirik kechinmani ifoda etishga harakat qilingan.

Derazamning oldida bir tup
O‘rik oppoq bo‘lib gulladi

yoki

[243] Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан. 1983, 18-бет.
[244] Олимжон Ҳ. Мукаммал асарлар тўплами 1 том. Шеърлар. – Тошкент: Фан. 1979. (Кейинги мисоллар ҳам шу манбадан олинади.)

Mana senga olam – olam gul
Etagingga siqqanicha ol.
(1 tom, 212 - bet)

SHoir atayin qo‘sh undoshli so‘z shakllariga murojaat etganki, bu orqali she’rning mazmun ta’siri kuchaytirilgan.

Misollar tahlilidan kuzatiladiki, geminatsiya hodisasi tilning fonostilistik masalalari qatorida o‘rganiladi va guvohi bo‘lganimizdek, nutqda his – tuyg‘uning mukammal ifodalanishiga xizmat qiladi.

ВЛИЯНИЕ РЕЧЕВОЙ ИНТОНАЦИИ НА ВОСПРИЯТИЕ ТЕКСТА

Каримова К., студентка 4 курса,
научный руководитель – Веч О. Я.
Ферганский государственный университет

Обязательным признаком устной речи является интонация. Интонация (от лат. *intonare* - громко произношу) - это изменение основного тона, интенсивности и длительности звучащего предложения, что способствует членению потока речи на отдельные отрезки – синтагмы. Кроме синтаксического, интонация имеет и эмоциональное значение: с ее помощью говорящий выражает свои чувства, пожелания, волеизъявления и т.п. Обычно под интонацией понимают целый ряд средств организации звучащей речи, такие как: мелодика, динамика (сила) звучания отдельных слов, темп речи, тембр речи и паузы. Все они существуют в своей совокупности и единстве.

Интонация относится к суперсегментным элементам, имеющим отношение или к целому предложению, или к его отрезкам – синтагмам, и в высказывании выполняет следующие функции:

1) различает коммуникативные типы высказывания - побуждение, вопрос, восклицание, повествование, подразумевание (импликацию);
2) различает части высказывания в соответствии с их важностью, выделенностью;
3) оформляет высказывание в единое целое, одновременно расчленяя его на ритмические группы и синтагмы;
4) различным образом эмоционально окрашивает тексты разных стилей и жанров;
5) является важным фактором эмоционально-эстетического воздействия на слушателя.

Рассмотрим подробнее компоненты интонации.

Основную роль в русской интонации играет мелодика, которая служит не только для организации фразы, но и для смыслового различения. Высказывания,

состоящие из одних и тех же слов, могут иметь разные грамматические (синтаксические) значения в зависимости от мелодической их стороны, т.е. с помощью повышения и понижения основного тона голоса выражаются различные цели высказывания: сообщение, побуждение к действию, вопрос, восклицание, просьба, порицание и т.д. Например, *Молчите!* (энергичное, краткое произнесение ударного гласного и резкий спад тона выражает категорический приказ) и *Молчи-и-те?!* (продление ударного гласного в сочетании с восхождением голосового тона выражает угрозу; интонация в таком случае взаимодействует с эмфатическим ударением).

Интенсивность – это сила голоса, при помощи которой выражается эмоциональное состояние говорящего: испуг, радость, горе и т.д. Чувство испуга, радости обычно выражается сильным голосом, а горестное чувство – слабым. Например: «*Я не верю своим глазам. Это Вы?*» (радость). «*Оставьте меня. Уходите…*» (горестное чувство).

Темп речи – это скорость речи. Быстрый темп свойствен обычно взволнованной речи, а медленный темп – торжественной. Например: «Дорогие гости, рады приветствовать вас!» (торжественно).

Паузы – это перерывы в речи различной длительности. Паузы служат не только для расчленения речи на фразы и такты, но и для выражения эмоции говорящего. В сочетании с движением голосового тона паузы нередко служат для различения смысла высказываний. Например, *Как удивили её / слова брата* (удивлена была она) и *Как удивили / её слова / брата* (удивлён был брат).

В своем коммуникативном аспекте интонация имеет следующие значения:

1. Является средством членения речи на предложения. Это особенно важно при чтении. Отсюда и вытекает важность связи между знаками препинания на письме и интонацией.

2. Участвует в различении коммуникативных типов предложения, являясь иногда единственным средством так называемого общего вопроса (ср.: *Петр идет домой. Петр идет домой?*). То же можно сказать и об актуальном членении предложения. Так, в зависимости от выделенности логическим ударением слова *Петр* или слова *домой*, соответственно то или иное из них будет обозначать новое (рему). Следовательно, в первом случае предложение будет означать, что именно *Петр*, а не кто-либо иной идет домой, а во втором – что он идет *домой*, а не куда-нибудь в другое место.

Возьмем другой пример. Так, во фразе «*Студе́нт внима́тельно чита́ет эту кни́гу»* любое выделенное слово будет передавать определённый оттенок значения:

1) ***Студе́нт*** *внима́тельно чита́ет эту кни́гу.* (именно студент, а не кто-то другой);

2) *Студе́нт* ***внима́тельно*** *чита́ет эту кни́гу.* (внимательно, а не урывками);

3) *Студе́нт внима́тельно* ***чита́ет*** *эту кни́гу.* (читает, а не перелистывает);

4) *Студе́нт внима́тельно чита́ет* ***эту*** *кни́гу.* (именно эту, а не какую-то другую);

5) *Студе́нт внима́тельно чита́ет эту* ***кни́гу***. (книгу, а не газету).

3. Только интонацией осуществляется деление на синтагмы, что определяется смыслом и связано с выражением того или иного члена предложения. Если, например, в предложении «*Я развлекал его музыкой моего брата*» поставить границу первой синтамы после слова *его*, то оно будет прямым дополнением; если же поставить ее после слова *музыкой*, то прямым дополнением будет *моего брата*.

4. Отмечает, является ли данный отрезок речи конечной или неконечной синтагмой. Например: «*Он возвращается домой*» и «*Он возвращается домой, когда наступает утро*».

В системе интонации вычленяют также интонационные конструкции и фигуры: повышения и понижения мелодического движения на различных участках фразы (восходящая интонация, нисходящая интонация), мелодические пики, которые могут изменять коммуникативные и тема-рематические характеристики высказывания [3, с. 28].

Так как интонация прежде всего является средством разграничения синтаксических единиц, то она подробнее рассматривается в синтаксисе, где из множества типов интонации особенно выделяются интонации *повествования, вопроса* и *восклицания*.

Для *повествовательной* интонации характерно спокойное, ровное произношение всего высказывания. Например: *Поздняя осень. Грачи улетели, лес обнажился, поля опустели*… (Н. Некрасов).

Вопросительная интонация выражается повышением тона в начале и понижением его к концу высказывания. Например, *Куда ты идёшь?, Какой у неё голос?*

Восклицательная интонация, наоборот, выражается повышением тона к концу предложения. Например: *Какой у неё голос!, Как она танцует! Настоящая весна*!

Таким образом, интонация различает предложения разных типов, отражает нейтральное и субъективное отношение к содержанию высказывания, передаёт разнообразные оттенки эмоций.

Интонация – обязательный признак устной речи. На письме она передаётся знаками препинания. Русская пунктуация отчасти отражает интонацию: точка на месте большого понижения голоса и длительной паузы; вопросительный и восклицательный знаки, интонационное тире, в ряде случаев многоточие и т.д. Например, обращение можно выделить запятой, но повышенная эмоциональность, т.е. особая выделительная интонация диктует и другой знак - восклицательный. Ср. примеры: - *Это я, маменька, - сказал он (М. Салтыков-Щедрин); - Ну, бог милостив, маменька! - продолжал Иудушка (М. Салтыков-Щедрин)*. Выбор знака

может зависеть целиком от интонации. Ср. примеры: *Придут дети, пойдем в парк; Придут дети - пойдем в парк.* В первом случае перечислительная интонация, во втором - интонация обусловленности; ср.: *Когда (если) придут дети, пойдем в парк.*

Пунктуация задаёт (отчасти отражает) интонацию, например:

- в предложениях с запятыми необходимо после них делать короткие паузы;
- в зависимости от вида предложения выделяют различные виды интонации: вопросительную, восклицательную, пояснительную, перечислительную, повелительную.

Знаки препинания являются наиболее удобным способом передачи особенностей интонации в письменном тексте. Так, тройной восклицательный знак передаёт, особую, высшую интенсивность таких эмоций, как удивление, ликование, интенсивность эмоции удивления, ликования. Восклицательный знак тем самым указывает на паузы т.е. каждое слово выделено, произносится раздельно [1, с. 87]: «*Ура!!! – взвизгнула Валя. – Вениамин Павлович! Лузгаев! Это он!*».

С добавлением восклицательного знака к вопросительному не только подчёркивается высокая степень интенсивности звучания, но и меняется тип предложения по цели высказывания (вопросительное в восклицательное): «*А дальше?! - воскликнул Саша, дочитав последнюю страницу.*» (Выражение недоумения). «*Э, ты что делаешь?!*» (Возмущение). «*Да как...ты...смел?! - воскликнул женский голос.*» (Гнев).

Следует понимать, что интонационный принцип действует в большинстве случаев не в «идеальном», чистом виде, т.е. какой-либо интонационный штрих (например, пауза), хотя и фиксируется знаком препинания, но в конечном счете эта интонация сама является следствием заданного смыслового и грамматического членения предложения. Ср.: *Брат - мой учитель. – Брат мой - учитель*. Тире здесь фиксирует паузу, однако место паузы предопределено структурой предложения, его смыслом [2, с. 96].

Итак, из всего вышесказанного следует, что интонация представляет собой достаточно сложное, многоплановое и чрезвычайно важное явление в общем контексте речевой деятельности человека. Именно интонация фактически организует устную речь в целом, в том числе и чтение. С помощью интонации предложениям придается значение вопроса, побуждения, просьбы, сообщения и др. Интонация позволяет передать эмоционально-смысловые оттенки текста, выражая состояние, настроение автора (грусть, тревога, радость), его отношение к описываемому (ирония, уважение, гордость, нежность и т.д.).

Литература

1. Аванесов Р. И. Русское литературное произношение. – М. 1972. – 114 с.
2. Буяльский Б. А. Искусство выразительного чтения: Кн. для учителя. – М.: Просвещение, 1986. – 176 с.

3. Одинцова И. В. Звуки. Ритмика. Интонация. – М.: ФЛИНТА: Наука, 2014. – 68 с.

O‘ZBEK TILIDAGI TO‘Y BILAN BOG‘LIQ PAREMALARNING LINGVOMADANIY XUSUSIYATLARI

Rahmatullayeva Nigora,
NamDU lingvistika (o‘zbek tili)
mutaxassisligi magistranti

Lisoniy va madaniy mazmun birikuvidan tarkib topgan, semantikasida madaniy axborot yaqqol namoyon bo‘livchi til birliklari lingvomadaniy birliklar hisoblanadi. Linvomadaniy birliklarga frazeologizmlar, etalonlar, ramzlar, metaforalar, turg‘un o‘xshatishlar, nutqiy etiketlar, urf-odat va marosimlarga doir so‘zlar, topishmoqlar, milliy realiyalar, arxiteplar, mifologemalar, lakunalar, presedent birliklar va boshqalar kiradi, Demak, maqol va matallar ham lingvomadaniy birliklardir.

Maqol, matal va aforizmlar paremalar deb ham yuritiladi.

Grammatik jihatdan gap holida shakllangan, alohida ritmik-melodik xususiyatlarga ega, xalq donishmandligi mahsuli bo`lgan barqaror birikmalar maqol sanaladi. O‘zbek tilida to‘y uzuvli va to‘y konsepti bilan bog‘liq maqol va matallar ham mavjud. To‘y etnografizmi o‘zbek tilida quyidagi ma’nolarda qo‘llanadi:

To`y – bazm-tomosha va ziyofat bilan nishonlanadigan xalq marosimlarining umumiy nomi. O`zbeklarda nikoh to`yi, beshik to`yi, xatna to`yi, hovli to`yi va boshqa turdagi to`ylar o`tkaziladi.

To`y 1. Etn. Uylanish, yutmushga chiqish, xatna qilish va boshqa munosabatlar bilan ziyofat berib, bazm-tomoshalar bilan o`tkaziladigan xalq marosimlarining umumiy nomi. Nikoh to`yi.

2. etn. Qudalar o`rtasidagi kelishuvga muvofiq, kuyov tomondan qiz tomonga beriladigan pul, sarpo, masalliq va shu kabilar majmui. To`y uchun kuyov tomonidan o`n besh arava yuk yuborilgan.

3. etn. Shu narsalar yuborilishi munosabati bilan kuyov xonadonida, kelishi munosabati bilan qiz xonadonida o`tkaziladigan marosim. Yakshanba kuni ham to`y, ham nikoh.

O‘zbek lingvomadaniyatida to‘y marosimi shunchalar chuqur o‘rin olganki, bu xalq og‘zaki ijodida ham yorqin kuzatiladi. O‘zbek tilida to‘y qo‘shiqlari, ya’ni laparlar, yor-yor bilan bir qatorda paremalar ham yaratilgan.

“To‘ydan oldin nog‘ora qoqma”, “To‘yga borsang, to‘yib bor”, “To‘yga borsang, to‘yib bor, To‘rqa to‘ning kiyib bor”, “To‘y oshi – to‘polon oshi”, “To‘yning boshi ¬– boshlanguncha”, “Qo‘y semizi – qo‘ychidan, To‘y tamizi – to‘ychidan”, “To‘y kimniki – tegishliniki”, “To‘y – Xudoning xazinasi”, “To‘y ustiga to‘y bo‘lsin, Balo-qazo yo‘q bo‘lsin” kabi. Bu maqollar va ularning variantlarida o‘zbek xalqiga xos to‘y bilan bog‘liq ezgu an’analar, urf-odatlar, xususan, yaqinlarga, qarindoshlarga duo qilib to‘y

qilishni tilash, to‘yning ezgulik, to‘kinlik, tinchlik, hamjihatlik, yaqinlik, o‘yin-kulgu, xursandchilik, mehmondo‘stlik ramzi sifatida talqin qilinishi ularning haqqiqiy lingvomadaniy birlik ekanligidan dalolat beradi.

To‘y uzuvli paremalarning har biri alohida mazmunga ega, biroq ularning barchasida to‘y bilan bog‘liq masalalargina emas, sabr-toqat, saxovat, elga hurmat, himmat, nafsni tiyish, kamtarlik bilan axloq-odobga doir pand-u o‘gitlar ham o‘rin olgan.

“To‘yga borsang, to‘yib bor, `yomonliging qo‘yib bor” maqoli “Jamoat yig‘iladigan joylariga, jumladan to‘yga, mehmondorchilikka “alaqay-shalaqay” bo‘lib borma, durustroq kiyimingni kiyib bor: jamoat yig‘ilgan joyda yomonlik qilma, nihoyatda odob saqla, to‘y-ziyofatda ovqatni ochko‘zlardek orqa-o‘nginga qaramay yema” deb nasihat qilganda aytiladi. “To‘yga borsang, to‘yib bor, To‘rqa to‘ning kiyib bor” maqoli ham xuddi shu mazmunga ega. Maqoldagi dialektal to‘rqa so‘zi to‘n, ya’ni shoyi matodan tikilgan to‘n ma’nosida qo‘llangan.

“To‘yga borsang, to‘yib bor, Bo‘z xaltangni qo‘yib bor”, “To‘y oshi – to‘polon oshi” maqollarida esa “to‘y oshi va boshqa pishiriqlar ko‘pchilikka mo‘ljallangan. Mehmonlar ko‘payib ketsa, kamroq suzilishi, nimadir yetishmay qolishi mumkin, bundan gina qilma, o‘pkalama, xafa bo‘lma/ Totib ko‘rsang ham to‘ygandek bo‘lasan” deyiladi.

Xalqimizning “To‘yga borsang, burun bor, `Burun borsang, o‘rin bor” maqolida “Chaqirilgan joyga, yig‘inga aytilgan vaqtda kechikmasdan yoki sal ertaroq bor, juda erta yoki kech borib to‘y egasini xijolatga qo‘yma” degan g‘oya ilgari suriladi.

“To‘yda so‘z ber baxshiga, Xaridor bo‘l yaxshiga” maqolida esa “to‘y va boshqa yig‘inlarda gapirishi lozim bo‘lgan kishilarga so‘z ber, yoshi kata nuroniy otaxon va onaxonlarning pand-u o‘gitlarini eshit, tingla, kamroq gapir, yaxshilarga ergash, ularning ibratli fazilat hamda xislatlarini o‘rgan, tarbiya, saboq ol” degan ibratli hayot sabog‘i beriladi.

“To‘yning boshi ¬– boshlanguncha”, “Qo‘y semizi – qo‘ychidan, To‘y tamizi – to‘ychidan”, “To‘y kimniki – tegishliniki”, “To‘y – Xudoning xazinasi”, “To‘y ustiga to‘y bo‘lsin, Balo-qazo yo‘q bo‘lsin” kabi maqollarda to‘y ezgu, muqaddas udum, marosim ekanligi, u boshlansa, albatta, qarindosh-urug‘, yor-u birodar, qo‘ni-qo‘shni qaram turmasligi va ularning yotdami, ko‘magi bilan o‘tib ketishi aytiladi hamda to‘y bahonasida balo-qazolarni daf bo‘lishini istab duo qilinadi.

Tahlillardan ko‘rinadiki, o‘zbek xalqiga xos to‘y uzuvli va u bilan bog‘liq maqollarda xalqimizga xos bolajonlik, mehmondo‘stlik, elparvarlik, saxovatpeshalik va halollikka chorlov kuzatiladi. Mazkur maqollar ana shunday o‘zbek xalqiga xos urf-odatlar, marosimlar bilan bog‘liq axloq-odob qoidalarni, yashash tarzini, lisoniy-madaniy axborotlarni ifodalashi lingvomadaniy mohiyat kasb etadi. Yuqoridagi maqollar bugungi kunda ham o‘z mazmun-mohiyatini yo‘qotmagan. Ularda qatidagi ibratli pand-u o‘gitlar ayanan bugungi yoshlarga mehmondorchilik, jamoat joylarida

yurish-turish, ommaviy-madaniy, rasmiy tadbirlarga qatnashish odobidan saboq beradi va bu asrlar davomida bardavom etadi.

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ГЕОРТОНИМИК ИНДИКАТОРЛАРИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Солихаджаева Хавасхон,
НамДУ ўзбек тили ва адабиёти
кафедраси ўқитувчиси

Ономастикага оид терминологик луғатларда ҳар қандай байрам, фестиваль, хотира кунлари ва мана шундай маросим ҳамда тадбирларнинг атоқли отлари *геортоним* (юн. *heortne* – георто + *onoma* – атоқли от)лар деб юритилади.[245]

Байрам ва сиёсий, маданий, маънавий-маърифий, санъат, спорт тадбирларига ишора қилувчи индикаторлар геортонимик индикаторлардир. Ўзбек тилида *байрам, айём, ҳайит, кун, концерт, фестиваль, кўрик-танлов* каби геортонимик индикаторлар ҳам мавжуд. Мазкур индикаторлар ўзининг тарихий-этимологик манбаси, маъно ва қўлланиш хусусиятларига эга.

Байрам ўзбек тили хрононимиясида энг фаол қўлланувчи индикатор-лардан биридир. Ҳозирги ўзбек адабий тилида *байрам* полисемантик луғавий бирлик сифатида қуйидаги маъноларда қўлланади:

1. Тарихий, маданий-маънавий анъаналарга кўра расмий ёки норасмий равишда уюштириладиган умумхалқ шодиёнаси куни, тантана куни[246].

2. Бирор-бир муносабат билан ўйин-кулги иштирокида тантанали равишда ўтказиладиган тадбир. *Оилавий байрам. Арча байрам. Спорт байрами. Шеърият байрами. Санъат байрами.*

3. *Кўчма.* Вақтичоғлик, хурсандчилик; бахт-омад.

Маҳмуд Кошғарийнинг қайд этишича, қадимги туркий тилда *байрам* сўзи *базрам* тарзида талаффуз қилинган, ўғузлар эса *з* ундошини *й* ундошига алмаштириб, *байрам* деб талаффуз қилганлар[247]. Буни қуйидаги этимологик изоҳлар ҳам тасдиқлайди: “Бу от қадимги туркий тилдаги *“ёйил-”, “яйра-”* маъносин англатган баз- феълининг *бай-* шаклига *-(ы)р* орттирма қўшимчасини ва кучайтириш маъносини ифодаловчи *-а* қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган шаклидан *-м* қўшимчаси билан ясалган; кейинчалик иккинчи бўғиндаги тор унли талаффуз қилинмай қўйган, ўзбек тилида *а* унлилари *а* унлисига алмашган: *баз – бай + ыр + а = байыра + м = байырам > байрам*[248]. Демак, *байрам* лексик бирлиги тарихий-этимологик жиҳатдан туркий тилларнинг ўғуз

[245]Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – Б.24.
[246]Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 1-ж. – Б. 142.
[247]Маҳмуд, Кошғарий. Девону луғотит турк. – Тошкент: Фан, 1966. – I т. – Б.447.
[248]Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар). – Тошкент: Университет, 2000. – Б. 37.

диалектига мансуб бўлиб, лисоний тараққиёт давомида *базрам* сўзининг *байрам* шаклига ўтиши натижасида ҳозирги шаклга келган.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида байрам *“тарихий, маданий-маънавий анъаналарга кўра расмий ёки норасмий равишда уюштириладиган умумхалқ шодиёнаси куни, тантана куни”* маъносида[249] ўнлаб хрононимлар, хусусан, геортонимлар таркибида фаол қўлланади: *Наврўз байрами, Мустақиллик байрами* каби.

Сўзлар ҳам сўзлайди. Сўзлар шаклу шамойили, маъно-моҳияти билан ўзи ифодалаётган нарсалар ва воқе-ҳодисаларга ишора қилиб туради. Бу ўзбек тилида фаол қўлланадиган *байрам* ва унинг араб тилидан ўзлашган синоними *айём* лексемасининг маъно тузилишида ҳам ёрқин кузатилади. Ўзбек тилида *байрам* сўзи *“тантана, шодлик билан ўтказиладиган кун”, “муборак кун”* маъноларини англатади.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *“ҳайит”* сўзининг арабча *“ийд”* сўзи билан боғлиқлиги кўрсатилади. Диний манбаларда бу сўзнинг бошидаги *ъайн* ҳарфининг ўзига хос махражи туфайли тилимизда *“ийд”* сўзи *“ҳайит”* деб талаффуз қилинади[250]. Демак, *ҳайит* сўзи араб тилида *“ийд”* бўлиб, *“қайта, қайта такрорланиш”, “фойда – манфаат”* маъноларини билдиради. Ҳайит [а. байрам, тантана] дин. Йилда икки марта: рамазон тамом бўлгач, уч кун ва қурбон ойида уч кун бўлиб ўтадиган диний байрам[251].

Арабча *ҳайит* сўзи аввалларии умуман *байрам* маъносида қўлланган. Бу индикаторлар воситасида диний байрамлар ҳосил қилинган.

Ўзбек тили хрононимиясида *кун* индикаторли геортонимлар салмоқли ўрин тутади. Ўзбек тилидаги *кун* сўзи кўпмаъноли бўлиб, қуйидаги маъноларда қўлланади:

1) қуёш, офтоб;

2) сутканинг қуёш чиққандан қуёш ботгунгача бўлган қисми;

3) бир кеча-кундузга – 24 соатга тенг вақт; сутка;

4) ой ёки ҳафтанинг маълум календарь санаси; маълум ҳодисага бағишланган кун, сана;

5) кунлар билан белгиланувчи вақт, пайт, кез, давр;

6) об-ҳаво, об-ҳаво шароити;

7) айрим сўзлар билан қўлланиб, аҳвол, шароит[252].

Кун луғавий бирлиги *ой ёки ҳафтанинг маълум календарь санаси; маълум ҳодисага бағишланган сана* маъноси билан турли касб-ҳунар, соҳа, жой, воқеа-ҳодиса номларини ифодаловчи ва бошқа сўзларга қўшилиб, геортонимлар таркибида индикатор вазифасида қўлланади. Масалан, 8 март – *Халқаро хотин-*

[249]Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 1-ж. – Б.142.
[250]Муҳаммад Абдуллоҳ Рожув (Муҳаммад Али Муҳамад Юсуф таржимаси.) Ийд ҳақида // islom.uz.
[251]Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 5-ж. – Б. 484.
[252]Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 2-ж. – Б. 428.

қизлар куни, 21 апрель – *Фан ходимлари куни,* 15 май – *Бутунжаҳон оила куни,* 20 июль – *Халқаро шахмат куни,* 23 июль – *Халқаро олимпиада куни***,** 1 август **–** *Халқаро тинчлик куни, Ўзбекистонда маҳалла куни* (ҳар йили август ойининг биринчи якшанбасида), 12 август – *Халқаро ёшлар куни,* 31 август **–** *Қатағон қурбонларини ёд этиш куни (2001),*9 сентябрь – *"Жаҳон ҳусн ва гўзаллик куни",* 10 сентябр – *Халқаро тинчлик куни* (1981), 16 сентябрь – *Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш куни, 21 сентябрь – Халқаро осойишталик куни,* 18 октябрь **–** *Самарқанд куни,* 20 октябрь **–** *Хива куни,* 24 октябрь **–** *Бирлашган Миллатлар Ташкилоти куни,* 25 октябрь – *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни, Ички ишлар ходимлари куни, Тиббиёт ходимлари куни* (ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбасида нишонланади) каби

Фестиваль (лот. festivus – қувноқ) – мусиқа, театр, кино, эстрада, цирк санъати ютуқлари кўригидан иборат оммавий байрам. Фестиваль илк бор XVIIIаср бошларида Буюк Британияда юзага келган. XX асрдан халқлараро кенг тарқалган[253].

Истиқлол йилларида ўзбек тили геортонимияси бир қанча фестиваль номлари билан бойиди. Натижада ўзбек тилида *фестиваль* сўзининг маъно кўлами ва доираси ҳам кенгайди, китобхонлик, фольклор, миллий ҳунармандчилик, пазандачилик ва спорт соҳаларига доир фестиваллар ҳам ўзбек халқи ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётидан кенг ўрин олди:*"Келажак юлдузлари"* (2016),*"Мен севган ўзбек таоми" I халқаро пазандачилик фестивали* (2016), *"Ипак ва зираворлар" фестивали* (2017), "*Ҳаво шарлари" фестивали* (2017), "*Дебют – 2018*", *"Ўзбегим" миллий қадриятлар фестивали"* (2018), *"Рақс сеҳри"* (2018), "*Бухоро шаҳри куни"* (2018), "*Чимён чанғиси" фестивали"* (2018), "*Буюк ипак йўли"* (2018), *"Нурли наволар" халқаро фольклор фестивали* (2018) каби.

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ТАРИХИЙ ГЕМЕРОНИМЛАРИ ХУСУСИДА

Юлдошев Отабек,
НамДУ докторанти

Гемероним термини грекча *гмера – кун, сутка + оним – ном* маъноли қисмлардан таркиб топган бўлиб, матбуот нашрларининг атоқли махсус номи ҳисобланади.[254]

Ўзбек тили гемеронимларини хронологик жиҳатдан қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Тарихий гемеронимлар.
2. Замонавий гемеронимлар.

[253]Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – 9-ж. – Б.225.
[254] Подольская Н.В. Словарь руской ономастическай терминологи. – Москва: Наука, 1988. – С. 61.

Тарихий гемеронимлар халқ ҳаётининг турли даврларида вужудга келган, халқнинг ижтимоий-сиёсий, социал, маданияти ва тили ҳақидаги муайян қатламга мансублигини ифодаловчи қадимий матбуот нашрларининг номларидир. Масалан, *“Туркистон вилоятининг газети”* (1917), XX аср бошида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида тараққийпарвар ўзбек маърифатчилари томонидан нашр қилинган *“Тараққий” (1906), “Шуҳрат” (1906-1907), “Хуршид”, “Эркинлик” (1919), “Эл байрог`и”* газеталари [255] каби.

1907 йилнинг 1 декабрида Абдулла Авлоний ўз уйида “Шуҳрат” газетасини чиқара бошлади. Бундан ташқари, XX аср бошларида Тошкентда *“Тужжор”* (1907, муҳаррири Саидкарим Саидазимбой ўғли), “Осиё” (1908, муҳаррири Аҳмаджон Бектемиров), *“Садойи Фарғона”* (1914-1915) каби газеталар; *“Туркистон чаёни”* (1907), *“Туркистон қора қурти”* (1911) каби ҳажвий журналлар; *“Нажот”, “Кенгаш”, “Турон”, “Турк эли”, “Улуг` Туркистон”, “Ҳуррият”, “Эл байроғи” , ” Равнақ ул-ислом”, “Озод”, “Садойи тароначи”* каби газеталар; *“Ал-ислоҳ”, “Изҳор ул-ҳақ”, “Баён ул-ҳақ”, “Юрт” , “Ишчилар дунёси”, “Чаён” , “Садоқ”, “Ойна”* (1913-1915), *“Ал-ислоҳ”* (1915), *“Ал-изоҳ”* (1917) каби журналлар ўзбек тилида дунё юзини кўрди. Мазкур матбуот нашрларининг ўзбек тили **тарихий гемеронимлари** ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири номланиш мотивига, луғавий асосига, маъносига эга.

XX асрнинг 1920 йилларида чиққан *“Қизил байроқ” (1920-1921), “Туркистон” (1922-1924), “Меҳнаткашлар овози” (Самарқанд (1918-1922), “Бухоро ахбори”* (1920-1922) газеталари ҳам тарихий гемеронимлардир. [256]

Ўзбек тили тарихий гемеронимларининг характери, ҳозирги даврда тилда қо`лланиш ҳолатини эътиборга олган ҳолда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) қадимий тарихий гемеронимлар;
2) эскирган тарихий гемеронимлар (архаик гемеронимлар).

Қадимий (эски) тарихий гемеронимлар ўзбек халқи тарихий тараққиётининг қадимги даврида вужудга келган, ҳозирда ҳам фаол фаолиятда бўлган нашр номларидир. Масалан, *“Туркистон вилоятининг газети”* (19-асрнинг 70-йиллари), *“Фарғона ҳақиқати”* (1917, Фарғона вилояти ҳокимлиги нашри), *“Наманган ҳақиқати”* (1918, Наманган вилояти ҳокимлиги нашри), *“Янгиқўрғон ҳаёти”* (1931, Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани), *“Бухоронома”* (1920, Бухоро вилояти), *“Андижоннома”* (1921, Андижон вилояти ҳокимлиги нашри), *“Каттақўрғон ҳақиқати”* (1931, Самарқанд вилояти) каби.

Эскирган тарихий гемеронимлар эса ўзбек халқининг ўтмиши билан боғлиқ бўлган ҳозирда ўзбек тилида дублети мавжуд бўлган нашр номларидир.

Айрим тарихий нашр номлари аҳолининг синфий, ижтимоий

[255] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент, 2005. – 2-ж. – Б. 535.
[256] Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 63.

табақаланиши, ижтимоий мавқеини, насл-насаби кабиларни ифодалаши билан характерланади: *“Бекобод овози”* (1931, Самарқанд), *“Хўжаобод”* (Андижон вилояти, Хўжаобод тумани), *“Мирзаобод”* (Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани), *“Бекобод ишчиси”* (Самарқанд вилояти, Бекобод шаҳри), “*Хўжайли ҳақиқати”* (Қорақалпоғистон вилояти Хўжайли тумани), *“Хонабод садоси”* (Андижон вилояти, Хонаобод шаҳри) каби.

Маълумки, тилнинг ономастик тизими доирасида трансонимизациянинг ўзига хос тамойили шаклланган. Бунга кўра мавжуд бир ном иккинчи бир номга кўчади: сув обекти номи – гидроним қишлоқ ёки шаҳар номига – ойконимга, аксинча, шаҳар, қишлоқ номи сув обекти номи (гидроним) га, жой номи газета, журнал номига ўтиши каби.[257] Гемеронимларнинг юзага келишида ҳам бу ҳол яққол сезилади.

Гемеронимларнинг катта қисмини топонимлар асосида вужудга келган нашр номлари ташкил этади. Гидронимлар топонимларга нисбатан кейинроқ шаклланган бўлиб, маълум бир ҳудудда чоп этилаётган нашрга янги ном излашдан кўра, ўша ҳудуднинг номини бериш осон ва енгилроқ бўлган. Тарихий гемеронимлар орасида трансонимизация асосида топонимлардан юзага келган нашр номлари ҳам талайгина. Улар, асосан, вилоят ва туман номларига асосланган. Буни қуйидаги мисоллар асосида кўриш мумкин: *“Учқудуқ”* (1986, Навоий вилояти, Учқудуқ тумани), *“Хива тонги”* (1931 Хоразм вилояти Хива тумани), *“Қашқадарё”* (1935, Қашқадарё вилояти), *“Наманган ҳақиқати”* (1918, Наманган вилояти), *“Яйпан овози”* (1932, Фарг`она вилояти, Япан шаҳри), *“Хоразм ҳақиқати”* (1920, Хоразм вилояти), *“Шовот истиқболи”* (1932, Хоразм вилояти, Шовот тумани), *“Қашқадарё”* (1935, Қашқадарё вилояти), *“Китоб тонги”* (Китоб тумани), *“Жиззах овози”* (1932, Жиззах вилояти), *“Ховос овози”* (1931 Сирдарё вилояти, Ховос тумани), *“Данғара”* (1945, Фарғона вилояти, Дарғара тумани), *“Улуғнор тумани”, “Бухоронома”* (1920, Бухоро вилояти), *“Вобкент ҳаёти”* (Бухоро вилояти, Вобкент тумани), *“Хўжаобод”* (1934, Андижон вилояти, Хўжаобод тумани), *“Кармана овози”* (1931, Навоий вилояти, Кармана шаҳри) каби.

Тарихий гемеронимлар ўзи яратилган давр руҳияти ҳамда маълум бир ижтимоий-иқтисодий мақсадлар асосида яратилган. Масалан, *“Ғалаба”* (1932, Андижон вилояти, Балиқчи тумани), *“Шарқ тонги”* (1934 Жиззах вилояти, Зомин тумани), *“Истиқбол”* (1934, Тошкент шаҳри, Зангиота тумани), *“Осойишталик учун”* (1930, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри), *“Умид юлдузи”* (1932, Қашқадарё вилояти, Косон тумани), *“Эркин сўз”* (1927, Тошкент шаҳри), *“Халқ овози*” (1952, Тошкент шаҳри, Бўка тумани), *“Давр садоси”* (1934, Андижон вилояти, Пахтаобод тумани), *“Пахтакор овози”* (1932, Самарқанд вилояти, Нарпай тумани), *“Дўстлик байроғи”* (1983, Навоий вилояти),

[257] Улуқов Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 168.

“Шарафли йўл” (1959) каби.

Тарихий геморонимлар ўзбек тили геморонимиясини такомилини ва ривожини ҳамда мазкур ономастик микрокўламдаги лисоний ўзгаришларни ўрганиш имконини беради.

“АЛПОМИШ” ДОСТОНИДАГИ БОЙСАРИ ВА БОЙБЎРИ АНТРОПОНИМЛАРИ ХУСУСИДА

Юнусова Барчин,
НамДУ мустақил тадқиқотчиси

Машҳур тилшунос Н.Маҳмудов тўғри таъкидлаганидек, “Алпомиш” достонида ўзбек халқининг кўҳна ва ҳамиша навқирон тили ўзининг бутун салоҳияти билан жилваланади.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, “Алпомиш” достони ўзбек халқ тилининг хира тортмас кўзгуси, жонли халқ тилининг, халқ донолигининг жонли тарихи инъикосидир. [258]

“Алпомиш” достонида ўзбек халқига ва тилига хос атоқли отларнинг барча типлари: антропонимлар (киши номлари, лақаблар), топонимлар (жой номлари), гидронимлар (кўл номлари), оронимлар (тоғ, дара, ғор номлари), зоонимлар (ҳайвон номлари), этнонимлар (уруғ, қабила, миллат номлари) фаол қўлланган. Мазкур атоқли отлар ўзбек халқиниг яшаш тарзи, урф-одатлари, анъаналари маҳсули сифатида, халқимизнинг тарихи, тили, маданияти, этнографияси ҳақида бой маълумотларни беради.

“Алпомиш” достонида *Ҳакимбек, Барчин, Бойбўри, Бойсари, Қоражон, Қалдирғоч, Қултой, Кўкалдош, Кўкаман, Кўккашқа, Бойқашқа, Тойқашқа, Қўшқулоқ, Яртибой, Алпинбий, Довонбий, Суҳайил, Товка, Ёдгор, Бодом, Ултонтоз, Кайқубод, Тойчахон, Суқсурой* каби антропоним-лар турли шакл ва вариантларда учрайди. Мазкур антропонимларнинг барчаси ўзига хос лексик-семантик, услубий хусусиятларга эга.

Достондаги *Алпинбий, Довонбий, Бойсари, Бойбўри, Ҳакимбек, Барчин, Қалдирғоч, Қултой, Кайхубод, Ёдгор, Қоражон, Тойчихон, Товка* каби киши исмларининг лисоний тадқиқи: луғавий асоси, тарихий-этимологик манбаси ва номланиш мотивини, структурал тузилишини ўрганиш ўзбек халқининг, жумладан, қўнғирот ва қалмоқ уруғларининг исм қўйиш, танлаш ва бу билан боғлиқ анъаналари, урф-одатлари хусусида тарихий, миллий ва диалектал маълумотлар, хулосалар бериш нуқтаи назаридан этнолингвистик моҳиятга эга.

Достонда юқори табақага хослик *Бойбўри* ва *Бойсари* исмларида ифодаланган. М.Жўраев фикрича, “... халқ достонларининг шаклланиши ва бадиий ривожи жараёнида эпик тафаккур билан бир қаторда мифологик

[258] Маҳмудов Н. Тил. – Тошкент: Ёзувчи, 1998.

тасаввурлар асосида юзага келган архитип ва поэтик тимсолларнинг алоҳида ўрни бор.” Олимнинг қайд этишича, достондаги *Бойбўри* ва *Бойсари* тимсоллари ҳам қадимги туркий қавмларнинг тотемистик инончларига алоқадордир. [259]

“Алпомиш” достонидаги антрпонимлар ҳақида сўз юритган О.Мадаев *Бойбўри* – оқ бўри, *Бойсари* – оқ тепа, Алпомишнинг онаси Кунтуғмиш – қуёшдан туғилган, Қалдирғоч – қадимдан Худо ўртасидаги хабарчи, Барчиной – ёввойи ўрдакнинг урғочиси эканлигини кўрсатади.[260] Маълум маънода, бу туркий халқларда, хусусан, ўзбек элида қадрланган ҳайвонлар, қушлар ва нарсалардан далолат бергандек бўлади. Одатда, бир қатор ўзбекча исмлар муқаддас деб улуғланган ҳам сиғинилган баъзи ҳайвонлар, жонивор, қушларнинг номларидан ясалади: *Бўрибек, Бўрибой, Арслон, Лочин, Бургут* каби.

Маҳмуд Кошғарийнинг луғатида келтиришилича, эски туркий тилда *бой* сўзи *уруғ, қабила, жамоа* маъноларини англатган.[261] Шунга асосланган ҳолда, этнолог А.Аширов: “Бойбўри – “Бўри қабиласи”, бўрига топинувчи уруғ” деган маънони англатади. Шу сабабли Бойбўри қадимги туркий уруғлардан бирининг номи бўлиб, кейинчалик исмга, этнонимга айланган. Ўзбеклар орасида кенг тарқалган *Бўри, Бўривой, Бўритош, Бўригул* сингари исмлар ҳам асли бўри тотеми билан боғлиқ бўлса керак. Чунки киши исмлари тарихи инсоният тарихи, этнографияси билан бевосита боғлиқдир”, – деган фикр билдиради.[262]

Ҳозирги кун нуқтаи назаридан антропонимларга қуйидагича изоҳ ва талқинлар бериш мумкин.

Бойбўри антропоними *бой* ва *бўри* сўзлариниг қўшилувидан ясалган соф ўзбекча қўшма таркибли исм. Исмнинг юзасидан бир неча талқинларни бериш мумкин. *Бой* сўзи *“давлатли, бадавлат ёки ҳукмдор, ҳоким”* деган маъноларнинг англатади. *Бўри* сўзи туркий халқлар, жумладан, ўзбек-ларнинг қадимий одатга кўра соғ бўлсин, маҳкам бўлсин деб бўрининг жағидан (терисидан) ўтказиб олинган болага ёки тиши билан туғилган болага қўйилган.[263] Демак, Бойбўри *“соғ, маҳкам, давлатли,ҳукмрон”* киши дегани. Бу ҳол, албатта, унинг достондаги ҳаракат ва фаолиятида кўринади

Бойсари антропоними ҳам *бой* ва *сари* сўзларининг қўшулувидан ясалган. *Сарибек, Сарибиби, Сарибой, Саригул* исмларининг асосини ташкил этувчи *сари* сўзи кўмакчи маъносиадн ташқари “*сариқ рангли, сариқ сочли ёки таниқли,*

[259] Жўраев М. Миф ва унинг “Алпомиш” достонидаги ўрни // “Алпомиш” достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти” мавзусидаги халқаро конференция материаллари. Термиз 1999 йил 23 октябрь. – Термиз: Фан, 1999. – Б.25.

[260] Қаранг. Мадаев О. Адабиёт дарслари ва миллий мафкура // Тил ва адабиёт таълими, 1998. – № 2. – Б.15.

[261] Маҳмуд Кошғарий. Девони луғотит турк. – Тошкент: Фан, 1963. – 3-т. – Б.155.

[262] Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007. – Б. 19.

[263] Қаранг. Бегматов Э. Ўзбек исмлари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1999. – Б.66.

машҳур; оқсуяклар, аслзодалар авлодига мансуб” деган маъноларни англатади.[264] Демак, *Бойсари “аслзодалар авлодига мансуб бой киши”* дегани.

Бизнингча, бу талқинлар асосида М.Жўраев, А.Ашировларнинг талқин ва қарашларига монанд фалсафа ётади. Достоннинг ўн асрлар муқаддам яратилганлигини эътиборга оладиган бўлсак, *Бойбўри, Бойсари* каби исмлар ундан аввалроқ ҳам бўлган. Шунингдек, тил тарихида бой сўзининг қабила, уруғ маъносини англатишига ҳам асосланган ҳолда, *Бойбўри* бўри тотеми ва ундан ҳосил бўлган этноним, Бойсари антропоними сари, яъни сариқ этноними асосида юзага келган деб қараш тўғри бўлади. Демак, Бойбўри “бўри уруғига мансуб бек, бўри уруғининг беги”, Бойсари “сари уруғига мансуб бек, сари уруғининг беги” антропонимик маъноларига эга.

TOHIR MALIK ASARLARINING LINGVISTIK XUSUSIYATLARI

Tursunmuratova Unsunoy Addukahhorovna
Farg‘ona shahar 28-maktab
ona tili va adabiyot fani o‘qituvchisi

Tilshunoslar yozuvchining mahoratini, asar badiiyatini baholashda asar tilini tilshunoslik nuqtai nazaridan o‘rganganda, u mavzu va g‘oyadan uzib olingan holda tahlil qilinadi. Shu sababli tilshunoslar badiiy asar tiliga oid ilmiy asarlarda eskirgan, tarixiy; yangi, ko‘p ma’noli sўzlar, sinonimlar, omonimlar, antonimlarga e’tibor beradilar. Zero, badiiy adabiyot tili oddiy til emas, obrazli nutqning yuzaga chiqishiga xizmat qiluvchi til sanaladi. Badiiy tilda emotsionallik, serqatlamlilik, obrazlilik, musiqiylik, serbo‘yoqlik, ixchamlilik bor. Leksik vositalarni tahlil qilishda yozuvchi mahoratining ana shu qirralariga e’tibor qaratilsa ayni muddao bo‘lar edi.

Ming yillik adabiyotimiz tarixida tilimizning bepoyon imkoniyatlarini o‘zida xolis tajassum etgan badiiy asarlar benihoya ko‘p. Yurtimiz istiqloli bu yo‘ldagi barcha noyob iste’dod egalarining iqtidorini yuzaga chiqarishni til va adabiyot sohasi vakillari oldiga ulkan vazifa sifatida yukladi.

T.Malik xalqning tabiatini, tarixini, urf-odatlarini, millatning bosh belgisi hisoblanmish tilini faqat kitoblardan emas, balki xalqning o‘zidan oldi va uni yana xalqning o‘ziga noyob san’at asari sifatida qaytardi. Shuning uchun adibning «Mehmon tuyg‘ular», “Shaytanat”, “Odamiylik mulki”, «Talvasa», «Iblis devori», «Devona» kabi asarlarida o‘zbek tilining betakror salohiyati, tuganmas ifoda imkoniyatlari aks etgan. Aminmizki, T.Malik tilining sintaktik qurilishidagi o‘ziga xosliklarni o‘raganish orqali go‘zal tilimizning bor imkoniyatini yanada teran anglashimiz mumkin bo‘ladi.

T.Malik o‘zining barakali ijodi bilan o‘zbek adabiy tilining rivoji va boyishiga jiddiy hissa qo‘shgan hassos adibdir. Uning asarlarida o‘zbek tilining boyligi, go‘zalligi, tuganmas ifoda imkoniyatlari o‘zini to‘liq namoyon etgan. Bu asarlarni o‘qiganda,

[264] Қаранг. Бегматов Э. Ўша луғат, 376-б.

mahoratli adibning o‘zbek xalqi xazinasini nechog‘li tugal egallaganligiga, betakror so‘z ijodkori sifatida bu xazinadagi unsurlarni o‘z badiiy niyatiga muvofiq tarzda saylay bilganiga, tildagi tovlanishlariga yanada sayqal-u jilo bera olganiga, bu birliklardagi ma’no injaliklaridan juda ustalik bilan foydalana olganiga takror va takror amin bo‘lmoq va hayratlanmoq mumkin.

Ma’lumki, ma’nodosh so‘zlar tilning boyligini, ta’sirchanligini belgilovchi muhim birliklardan sanaladi. Sinonimik qatordan o‘rin olgan har bir s o‘z nutqda o‘ziga xos uslubiy vazifaga ega. Nutqda sinonimlardan o‘rinli foydalanish fikrni yorqin, aniq ifodalash imkonini beradi, aksincha, ulardan not o‘g‘ri foydalanish nutq g‘alizligini, uslubiy xatolarni yuzaga chiqaradi. S o‘zlovchi tashqi nutqqa tayyorlanar ekan, o‘z ichki nutqida vaziyat elementlarini ifodalovchi ma’nodosh s o‘zlar qatoriga terib chiqadi. Uning so‘z tanlash darajasi lug‘at boyligi, bilimi, nutqiy malakasi asosida belgilanadi.

Yozuvchi T. Malik ham tildagi ma’nodosh so‘zlarni qo‘llashda ularning ma’no nozikliklarini nazardan qochirmagan holda o‘ta did bilan tanlaydi. Uning so‘z qo‘llash mahoratini misollar asosida kuzatamiz: *Tashqarida yomg‘ir sevalay boshlagan edi. («Falak»)*

Ushbu gapda *yog‘moq* fe’li o‘rniga *sevalamoq* s o‘zidan foydalanilgan. *Sevalamoq* s o‘zi yomg‘irning mayda-mayda holda uzoq vaqt yog‘ishini tasvirlash maqsadida qo‘llangan bo‘lib, bu o‘rinda *yog‘moq* fe’li ayni jarayonni to‘liq ochib bera olmasdi. Misol uchun qiyoslab ko‘ramiz: *Tashqarida yomg‘ir sevalay boshlagan edi // Tashqarida yomg‘ir yog‘a boshlagan edi.*

Ko‘rinadiki, ayni so‘z shu vaziyatga mos holda uning *yog‘moq, sevalamoq, sharros quymoq* kabi ma’nodoshlari qatoridan mohirlik bilan tanlab olingan. T. Malik asarlarida bu kabi misollarni ko‘plab kuzatish mumkin:

1.*Oqsoqol unga qarab **ishshaydi**. («So‘nggi o‘q»);*

*2. Ovozini baralla q*o‘*yib **xaxoladi** («Falak»).*

Shuningdek T.Malik asarlarida arxaizm va istorizmlar matn badiiyligini ta’minlashga, asar voqealari bo‘layotgan davrni to‘la-to‘kis ochib berishiga xizmat qiladi:

1. *Ayniqsa tabobat ilmi fuqaroning **ofiyati** uchun zarur.* («Falak») (*Ofiyat*[265] (a) esk. kt. sog‘liq; sog‘-salomatlik)

2. *Xўsh, Abdulvahob, sen bu **kulohu jandani** qay maqsadda kiyib eding?* («Falak») (*Kuloh*[266] [f-t] Qalandar, darveshlar kiyadigan uchli qalpoq; *Janda.* Darvesh va qalandarlarning uloq-quroq to‘ni)

Birinchi gapda ijodkor arxaizm, ikkinchi gapda esa istorizm qo‘llash orqali asarda tasvirlanayotgan davr voqeligini real tasvirlashga, unga tarixiy ruh berishga erishgan.

Badiiy adabiyot tilining boyligi uning lug‘at tarkibida turli xil leksemalarning miqdor jihatdan ko‘pligi hamda ma’no doirasining kengligi va torligiga qarab ham o‘lchanadi. Demak, badiiy adabiyot tili nafaqat adabiy til doirasidagi so‘zlar orqali shakllanar ekan, balki noadabiy leksik birliklar ta’sirida ham rivojlanib boradi.

[265] O’zbek tilining izohli lug’ati. – M. . – M. 1981.
[266] O’zbek tilining izohli lug’ati. – M. 1981.

